

Қ.М. МУСАЕВ, А.Ҳ. ЭРДОНАЕВ,  
М.Ш. ҚУДРАТОВ

**ECONOMICS . FINANCE  
BANKING . COMMERCE**

ENGLISH - UZBEK DICTIONARY

**ИҚТИСОДИЁТ . МОЛИЯ  
БАНК . ТИЖОРАТ**

ИНГЛИЗЧА - ЎЗБЕКЧА ЛУҒАТ

I  
A-C

М-90.

Қ. М. МУСАЕВ, А. Ҳ. ЭРДОНАЕВ, М. Ш. ҚУДРАТОВ

Economics ♦ Finance ♦ Bank ♦  
Commerce

# ENGLISH — UZBEK DICTIONARY

---

Иқтисодиёт ♦ Молия ♦ Банк ♦  
Тижорат


## ИНГЛИЗЧА — ЎЗБЕКЧА ЛУҒАТ

A — C

БЕШ ЖИЛДЛИК

I

Тошкент „Ўқитувчи“ 1998



Мазкур луғат умуқиқтисодий терминлардан ташқари молия-банк ва тижорат фаолияти, пул муомаласи, банк ва биржа операциялари, валюта, қимматли қоғозлар ҳамда кредит бозори, халқаро валюта-кредит муносабатлари, молиявий воситалар, инвестиция жараёнлари, молия-валюта тузилмалари, молия-банк фаолиятининг ҳуқуқий асослари, маркетинг ва менежмент, суғурта ва солиқ солини, тадбиркорлик амалиёти, ташқи иқтисодий фаолият, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва шу кабиларга оид 100000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини қамраб олган дастури-ламалдир.

Луғат Республикаимизнинг истиқболи йўлида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган иқтисодчилар, молиячилар, банклар ходимлари, тадбиркорлар, илмий ходимлар, таржимонлар, муҳаррирлар, иқтисодиёт олий ўқув юртлари ўқитувчи ва талабаларига, иқтисодиёт муаммолари билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

М 4602030000 Ахб. хат - 97 й.  
353(04) — 98

ISBN 5-645-03309-4

© „Ўқитувчи“ 1998

## СЎЗ БОШИ

Ўз мустақиллигини қўлга киритиб, демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан республикада молия ва пул-кредит муносабатларига, тижорат банклари, фонд биржалари ва бошқа молия муассасалари фаолиятига қизиқиш тобора ошиб бормоқда. Бундай шaroитда мазкур соҳаларда қўлланиладиган инглизча терминлар ҳамда уларнинг ўзбекча муштараклари ҳаётий зарурат бўлганлигидан мутахассислар эътиборини ўзига кўпроқ жалб қилмоқда.

Шу муносабат билан мазкур мавзулардаги инглизча--ўзбекча терминологик луғатларга эҳтиёж сезилмоқда. Бундай луғатлар инглиззабон мамлакатларда фан ва техника ютуқларига бағишлаб yaratилган адабиётларни ўзбек тилига таржима қилишда, олимлар ва муҳандис-техник ходимларга ўз илмий тадқиқотлари ва амалий ишлашларини жаҳон фани ва техникаси ютуқлари билан ҳам-оқани тарзда амалга оширишларида, чуқур илмий умумлашмалар yaratинларида ёрдам беради.

Мазкур терминалогик луғат „Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида“ ги Қонунни амалга ошириш Давлат дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида „Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрь 311-сон қарори билан киритилган. Илованинг IV „Нашр иши“ қисми, 3-банди „Фан ва техника тармоқлари бўйича терминологик луғатлар нашр этиш“ ҳамда „Ўзбекистон Миллий энциклопедияси“ Давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида“ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 март 154-сон қарори та-лабларига жавоб тариқасида yaratилди.

Республикамызда ҳозиргача чоп этилган кичик ҳажмдаги иқтисодий терминлар луғатлари халқимизнинг тобора ўсиб бо-раётган эҳтиёжларини тўлиқ қондира олмаётир.

Ўзбек луғатчилигидаги бу бўшлиқни тўлдиришни назарда тут-ган беш жыллик ушбу луғатни жаҳон амалиётида иқтисодий мавзуда yaratилган таржимавий луғатларнинг энг мукаммали



дейиш мумкин. Луғат 100000 дан ортиқ терминологик сўз ва сўз бирикмаларидан иборат бўлиб, жаҳон иқтисодиётининг турли соҳаларини қамраб олган. Унга умумиқтисодий терминлардан ташқари, иқтисодиёт билан чамбарчас боғлиқ молия-банк ва тижорат фаолияти, пул муомаласи, банк ва биржа операциялари, валюта, қимматли қоғозлар ҳамда кредит бозори, халқаро валюта-кредит муносабатлари, молиявий воситалар, инвестиция жараёнлари, молиявий-валюта тузилмалари, молия-банк фаолиятининг ҳуқуқий асослари, маркетинг ва менежмент, суғурта ва солиқ солиш, тадбиркорлик амалиёти, ташқи иқтисодий фаолият, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, банк операцияларини компьютерлаштириш каби мавзуларни ифодаловчи терминлар ҳам киритилган. Луғатдан, шунингдек, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, статистик ва аҳолишунослик каби иқтисодий терминлар билан ёнма-ён ишлатиладиган, қатор соҳаларга оид терминологик сўз ва иборалар ҳам ўрин олган.

Мазкур соҳаларга оид терминларни жамлаб, кенг фойдаланувчилар оммасига, чунончи, иқтисодчилар, молиячилар, банкирлар, тадбиркорлар, илмий ходимлар, таржимонлар, муҳаррирлар, ўқитувчилар, олий ўқув юртларининг иқтисодий факультетлари талабалари ҳамда аспирантлари ва, ниҳоят, бозор иқтисодиёти муаммолари билан қизиқувчилар эътиборига ҳавола қилиш халқимизнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш йўлидаги саъй-ҳаракатлардандир.

Жаҳон луғатшунослигидаги бой тажриба ва илғор анъаналардан самарали фойдаланиш асосида яратилган ушбу луғатга Буюк Британия, АҚШ ҳамда инглиз тили кенг тарқалган кўпгина бошқа мамлакатларда қўлланиладиган терминлар киритилди. Луғатни яратишда халқаро бозор иқтисодиёти ва Ўзбекистонда ривожланиб бораётган бозор муносабатларининг замонавий луғатшунослигига таянилди.

Луғатга халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар, АҚШ ва Буюк Британиянинг тегшли идора ҳамда муассасалари, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги жамоат ташкилотлари номлари ҳам киритилди.

Луғатда кўпчилик инглизча терминларнинг ўзига хос маъно ва хусусиятларини тўлароқ очиб бериш мақсадида изоҳ усулидан кенг фойдаланилди. Изоҳталаб терминлар луғатда юлдузча билан белгиланиб, изоҳлари илова тариқасида ҳар бир жилднинг охирида берилди. Қатор ҳолларда изоҳлар терминлар таржимасидан кейин қавс ичида келтирилди.

Луғатни тузишда кейинги пайтларда инглиз тилида chopirilgan iqtisodiy adabiyotlar, leksikografik nashrlar, xalqaro simpozium va konferentsiyalar materiallari, iqtisodiy mavzuga oid xilma-xil jurnallarda bosilgan maqolalardan amaliy material sifatida foydalaniildi.

Luғatning qulʼezmasi bilan tanihib, uʼzlarining qimmatli maslahatlarini ayaagan Uʼzbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Budget, bank va molia masalalari qumitasi raisi A. A. Aʼxodovga, Uʼzbekiston Respublikasi Molia vaziri J. B. Sayfutdinovga, Uʼzbekiston Respublikasi Markaziy banki Raisining birinchi uʼrinbosari, iqtisod fanlari nomzodi M. B. Nurmurodovga, Uʼzbekiston Respublikasi Markaziy banki Raisi uʼrinbosari, iqtisod fanlari doktori A. Q. Qodirovga, va Uʼzbekiston Respublikasi Markaziy banki Xodimlar bilan ishlash departamenti direktori, iqtisod fanlari nomzodi A. Maмадалиевga samimiy minnatdorчилигимизни bildiramiz.

Luғatni nashrga tayorlashda Uʼzbekiston Respublikasi Markaziy banki Davlat tilini zoriy etish masalalari va tarjimalar boʻshqarmasining bir gurox tarjimon, muxarrirovurichchi va kompyuter operatorlari faol ishtirok etdi.

Luғatni yaratishda yuzaga kelgan qator amaliy masalalarni qil qilishda uʼz maslahat va erdamini ayaagan Uʼzbekiston Respublikasi Markaziy banki Yuridik boʻshqarmasi boʻshligi, yuridik fanlari nomzodi S. Yigitaliyevga hamda Markaziy bank Birinchi boʻshqarmasi boʻshligi P. O. Xamidovga tashakkurimizni izhor qilamiz.

#### ЛУҒАТДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲАҚИДА

Luғatga kiritilgan qar bir termin mustaqil maqola hisoblanadi. Qar qaysi luғaviy maqola asosiy maʼnoni tashuvchi inglizcha termin va uning ishtirokida yaratilgan suz biirikmalaridan tarkib topgan.

Luғat maqolalari qatʼiy alifbo va suz turkumlari tartibiga qura joylashtirilib, ular luғaviy va matnii maʼnolari asosida

## PREFACE

In sovereign Uzbekistan, which is following the path of building of a democratic lawful state, interest in financial-credit and monetary relations, activities of commercial banks, stock exchanges and other financial institutions has recently become more profound in connection with the transition to a market economy. Under these conditions, knowledge of the English terms used in these fields and their Uzbek equivalents is an essential requirement.

In this connection the need to create large and small English-Uzbek terminological dictionaries devoted to this theme is increasing. Such dictionaries would be used in translation of numerous publications in English devoted to science and engineering. They would help experts, scientists and engineers to make profound scientific conclusions by carrying out scientific research and other work out according to the latest developments in world science and engineering.

Creation of such kind of terminological dictionaries completely meets the requirements of Clause 4 (On Edition of Terminological Dictionaries for Science and Engineering Branches) of the Cabinet of the Cabinet of Ministers' Decree No.311 (on September 10,1996) On Modification and Additions of State Programme on Realization of the Law On State Language. The Cabinet of Ministers' Decree On Establishment of Public Scientific Edition „Uzbekiston Milliy Encyclopediasi“ (National Encyclopaedia of Uzbekistan) accepted on March 25, 1997 sets the task of developing and publishing the polylingual dictionaries.

A number of brief English-Uzbek dictionaries of economic terminology have been published in the Republic up until the present time but these are insufficient to satisfy the increasing demands of readers.

This six-volume dictionary has been created to make up for the deficiency existing in lexicography practice in the Uzbek language, and is the most comprehensive dictionary on the economic theme.

мазмун ҳамда вазифа бутунлиги ҳисобга олинган ҳолда ўзбек тилига таржима қилинди.

Терминларнинг мустақил маънолари таржимада рақамлар билан белгиланди. Ўзаро яқин маънолар вергул, узоқроқлари нуқтали вергул билан бир-бирларидан ажратилди. Таржимада ўзаро синоним сўзлар ҳам нуқтали вергул билан ажратилди. Матнда термин ўрнини алмаштира оладиган синонимик восита қавс ичида келтирилди.

Луғатда терминлар кўпинча барқарор сўз бирикмалари таркибида терминологик birlikлар ҳосил қилиб келган бўлиб, улар таржимада аксарият ҳолларда худди шундай сўз таркибли, баъзан эса моддий жиҳатдан ўзгача, аммо мазмунан уйғун воситалар ёрдамида талқин этилди.

Терминологик сўз ёки сўз бирикмаларига таржима тилида мазмунан мос нутқий воситалар топилмаганда улар таржима амалиётининг бошқа — калька ва тасвирий усуллари ёрдамида ўгирилди.

Қатор ҳолларда терминлар матнга маънони тўлдирувчи, ойдинлаштирувчи, ихтисослаштирувчи изоҳ сўзлари қўшиш йўли билан таржима қилинди. Терминологик сўз ёки сўз бирикмаларига уларнинг маъноларини янада аниқроқ очиб бериш мақсадида зарурат туғилганда қавс ичида курсив ҳарфларда изоҳ берилди.

Луғат ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни Тошкент шаҳар, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 6, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Давлат тилини жорий этиш масалалари ва таржималар бошқармасига йўллашингизни сўраймиз.

*Муаллифлар.*



## PREFACE

In sovereign Uzbekistan, which is following the path of building of a democratic lawful state, interest in financial-credit and monetary relations, activities of commercial banks, stock exchanges and other financial institutions has recently become more profound in connection with the transition to a market economy. Under these conditions, knowledge of the English terms used in these fields and their Uzbek equivalents is an essential requirement.

In this connection the need to create large and small English-Uzbek terminological dictionaries devoted to this theme is increasing. Such dictionaries would be used in translation of numerous publications in English devoted to science and engineering. They would help experts, scientists and engineers to make profound scientific conclusions by carrying out scientific research and other work out according to the latest developments in world science and engineering.

Creation of such kind of terminological dictionaries completely meets the requirements of Clause 4 (On Edition of Terminological Dictionaries for Science and Engineering Branches) of the Cabinet of the Cabinet of Ministers' Decree No.311 (on September 10,1996) On Modification and Additions of State Programme on Realization of the Law On State Language. The Cabinet of Ministers' Decree On Establishment of Public Scientific Edition „Uzbekiston Milliy Encyclopediasi“ (National Encyclopaedia of Uzbekistan) accepted on March 25, 1997 sets the task of developing and publishing the polylingual dictionaries.

A number of brief English-Uzbek dictionaries of economic terminology have been published in the Republic up until the present time but these are insufficient to satisfy the increasing demands of readers.

This six-volume dictionary has been created to make up for the deficiency existing in lexicography practice in the Uzbek language, and is the most comprehensive dictionary on the economic theme.

The dictionary contains more than 100,000 words and word combinations and covers various spheres of world economy. Besides general economic terminology the dictionary also contains the terms closely connected with economics reflecting such themes as finance and banking, commercial activities, money circulation, banking transactions, exchange business, international credit and monetary relations, financial resources, investment processes, financial and currency structure, legal bases for financial and banking activities, marketing and management, insurance and taxation, business practice, foreign economic activities, organization of production, and computerization of banking transactions. The dictionary also includes terminological words and word combinations of social and political spheres, jurisprudence, statistics and demography which are commonly used by economists.

We have attempted to satisfy increasing essential needs of readers by complying the terms of these branches of economic activity and presenting them for the attention of a broad circle of users, in particular of economists, financiers, bankers, businessmen, scientists, translators, editors, student and graduates of higher educational establishments of economical faculties, and at last of those who take interest in problems of market economy.

This dictionary has been created on the basis of wide experience and innovations of world practice in compiling dictionaries includes terms being used in Great Britain, USA and other countries where English language is widespread. The dictionary is based on up-to-date terminology for the international market economy and market relations which are being developed in Uzbekistan at present.

The dictionary also contains the names of international economic and financial institutions, establishments and agencies of USA and Great Britain, as well as public organizations of socio-economic branches.

Though the dictionary is primarily translational, for the purpose of fuller disclosure of meanings and functions of many English terms in translation, commentaries are widely adopted herein. Such terms in the dictionary are marked with asterisks and their interpretations are given as appendices at the end of every volume. In certain cases the commentaries are given in brackets after the translations of terms.

Special economic literature, lexicographical editions, materials of international symposia and conferences, various journal articles on

economic theme published recently in English have been used as a practical material in compiling of the dictionary.

The authors would like to express their heartfelt gratitude to Mr. Ahadov A.A., Chairman of the Committee on Budget, Banks and Finance under Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, Mr. Syfitdinov J.B., Minister of Finance of the Republic of Uzbekistan, Mr. Nurmuradov M.B., Deputy Chairman of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan, candidate of economical sciences, Mr. Mamadaliev A.H., Director of the Personnel Management Department of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan, candidate of economical sciences for having looked through the dictionary manuscript and making their valuable recommendations.

The team of translators, editor-methodologists and computer operators from the State Language Implementation and Translations Department of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan took an active part in preparing the dictionary to publication.

The authors would like to express their thanks to Mr. Yigitaliev S.Y., Chief of the Legal Department of the Republic of Uzbekistan, Candidate of jurisprudence, Mr. Hamidov P.O., Chief of the First Division of the Central Bank for their useful comments and assistance in resolving some practical problems which arose in compilation of the dictionary.

#### HOW TO USE THE DICTIONARY

Every term or terminological word combination in the dictionary forms a separate vocabulary entry. Every entry consists of an English term of basic meaning and its derivative word combinations.

Vocabulary entries are arranged in strictly alphabetic order and according to parts of speech are translated into Uzbek on the basis of their vocabulary and contextual meanings.

Alternative meanings of terms in translation are marked with numerals. Closely related meanings of terms are separated by commas, with less closely related meanings being separated by semicolons. The synonymic variants of English terms are also separated by

semicolons. The analogous synonymic words replacing terms in the text are given in brackets.

In the dictionary, terms which are used in stable word combinations and forming terminological units are mostly conveyed in translation by means of words coinciding with them in the vocabulary, and sometimes by the units differing from them materially but coinciding in meanings.

In the absence of semantic analogues in corresponding languages, words and word combinations are conveyed by means of other translation methods such as description or word to word translation.

Sometimes the meanings of terms are conveyed by explanatory words in the text supplementing, clarifying and specializing the meanings of lexical units. For the sake of fuller disclosure of meanings of terms and terminological word combinations their interpretations are italicized and given in brackets where it is necessary.

Please send your comments and desires concerning the dictionary to the following address: State Language Implementation and Translations Department, Central Bank of the Republic of Uzbekistan, 6, Uzbekistan Prospect, Tashkent. Phone: 136—37—60.

*Authors*



## Шартли қисқартмалар

### Инглизча

<i>n</i>	noun	от
<i>v</i>	verb	фeъл
<i>a</i>	adjective	сифат
<i>adv</i>	adverb	равиш
<i>pl</i>	plural	кўплик
<i>prep</i>	preposition	олд қўшимча
B/L	bill of lading	коносамент
L/C	letter of credit	аккредитив
smb.	somebody	кимдир, бирор киши
smth.	something	нимадир, бирор нарса

### Ўзбекча

<i>амер.</i>	америкача
<i>ингл.</i>	инглизча
<i>лот.</i>	лотинча
<i>фр.</i>	французча
<i>мас.</i>	масалан
<i>ш.к.</i>	шу каби

## ИНГЛИЗ АЛИФБОСИ

A a	G g	N n	U u
B b	H h	O o	V v
C c	I i	P p	W w
D d	J j	Q q	X x
E e	K k	R r	Y y
F f	L l	S s	Z z
	M m	T t	

# А а

## AAAA SPOT CONTRACT 1.

Америка реклама вакилликлари уюшмасининг амалда мавжуд мол учун тузган шартномаси; 2. Америка реклама вакилликлари уюшмасининг касса битими

## AAA RATING „Стандард энд Пур” вакилликларининг юқори даражаси (облигациялар ва имтиёзли акциялар учун)

## ABANDON v 1. (...дан) воз кечмоқ; 2. ёпмоқ, ёпиб қўймоқ; 3. ёпишга рухсат олмоқ; 4. қолдирмоқ; 5. мулкдан суғурталовчи фойдасига воз кечмоқ; 6. устама ҳақ ёки жарима тўлаш йўли билан битимдан чиқмоқ

to ~ a claim даъво (талаб) дан воз кечмоқ

to ~ goods молдан суғурталовчи фойдасига воз кечмоқ

to ~ the gold standard олтин стандартидан\* четга чиқмоқ

to ~ price control нарх-напони назоратсиз қолдирмоқ

to ~ some theory бирор назариядан воз кечмоқ

## ABANDONMENT n воз кечиш (ҳуқуқдан, даъводан, даъво қилишдан); бекор қилиш

~ of an application талабномадан воз кечиш

~ of account ҳисобрақамни бекор қилиш

~ of a claim даъводан воз кечиш

~ of indemnity ўрнини қоплашдан воз кечиш

~ of option 1. опциондан\* воз кечиш; 2. устама ҳақдан воз кечиш (муддатли битимларда)

~ of a patent патентдан воз кечиш

product ~ маҳсулот чиқаришни ёки уни сотишни тўхтатиш

## ABATE v чегирма қилмоқ; қамайтирмоқ; пасайтирмоқ

to ~ of (from) the price чегирма қилмоқ; нархни пасайтирмоқ

to ~ a tax солиқни қамайтирмоқ

## ABATEMENT 1. чегирма; чегиритиш; пасай(тир)итиш; 2. ҳуқумат солиғини тўла ёки қисман бекор қилиш

~ of a patent патентни бекор қилиш

~ of a suit ишни юриштишдан тўхтатиш

to make ~ чегирмоқ, нархни пасайтирмоқ

price ~ нархни пасайтириш

tax ~ солиқ чегирмаси

## ABC n асослар, негиз

~ agreement фонд биржасида ўрин сотиб олиш шартлари

- ҳақида брокерлик фирмаси\*  
ва унинг ходими ўртасидаги  
битим
- ABERRATION** четга чиқиш,  
оғиш, чекиниш  
market ~ бозорнинг меъёрдан  
четга чиқиши (чекиниши)
- ABILITY** *n* қобилият, лаёқат,  
истеъдод  
~ to finance маблағ билан  
таъминлашга қодирлик  
~ to meet тўловга лаёқат-  
лилиқ; тўловга қодирлик  
~ to pay тўловга лаёқат-  
лилиқ; тўловга қодирлик  
~ to pay debts қарзни  
тўлашга қодирлик  
~ to pay principle of taxation  
солиқ солишдаги тўловга  
лаёқатлилиқ тамойили  
~ to remove management  
раҳбарларни четлатиш ҳуқу-  
қи (банк назорати натижа-  
сида)  
~ to repay қарзни тўлашга  
қодирлик  
~ to work ишга лаёқатлилиқ;  
меҳнатга лаёқатлилиқ  
competitive ~ рақобатбардош-  
лик, рақобатга қодирлик  
managerial ~ ies ташкилотчи-  
лик қобилиятлари  
productive ~ самарадор қо-  
билият  
reproductive ~ тикланувчан  
қобилият  
service ~ of product маҳ-  
сулотнинг фойдаланишга  
яроқлилиги
- ABLE** *a* тўловга лаёқатли;  
тўловга қодир  
~ to pay тўловга лаёқатли;  
тўловга қодир  
~ to meet competition  
рақобатбардош
- ABLE-BODIED** *a* меҳнатга  
лаёқатли
- ABOARD** *prep* (кема, самолёт)  
да  
to get ~ (кема, самолёт)га  
ортмоқ  
to take ~ (кема, самолёт)га  
ортмоқ
- ABOLISH** *v* бекор қилмоқ; йўқ  
қилмоқ, тугатмоқ, барҳам  
бермоқ  
to ~ a tariff тарифни бекор  
қилмоқ  
to ~ a tax солиқни бекор  
қилмоқ  
abolishment *n* бекор қилиш;  
йўқ қилиш; тугатиш  
~ of exchange control валю-  
та назоратини бекор қилиш  
~ of a tariff тарифни бекор  
қилиш  
~ of a tax солиқни бекор  
қилиш
- ABOLITION** *n* бекор қилиш;  
йўқ қилиш  
~ of currency restrictions ва-  
люта чекловларини бекор  
қилиш  
~ of a duty божни бекор  
қилиш  
~ of a quota квотани\* бекор  
қилиш  
~ of a tariff тарифни бекор  
қилиш  
~ of a tax солиқни бекор  
қилиш
- A BOND COUPON** йиллик  
облигация купони\*
- ABOUT** *a* муомалада бўлган
- ABOVE** *a* юқори (турувчи);  
юқоридаги  
~ par белгиланган қийматдан  
юқори  
~ par emission қимматли  
қоғозларни белгиланган қий-



митидан юқори нархда чиқариш

— **par issue** қимматли қогозларни белгиланган қийматидан юқори нархда чиқариш

— **-the-line items on balance sheet** бухгалтерлик балансининг баланс моддалари

— **the market** бозор даражасидан ошиб кетаётган (*нарх ҳақида*)

**ABRASION** *n* 1. ишқаланиш, сийилиш; 2. сийқаланиш, танга вазнининг муомала жараёнида сийқаланиш натижасида камайиши

— **of coins** тангаларнинг сийқаланиши

**ABROGATE** *v* амал қилишини тўхтатмоқ, бекор қилмоқ, (*қонун ва ш.к. ларни*)

**to ~ a treaty** шартномани бекор қилмоқ

**ABROGATION** бекор қилиш, амал қилишини тўхтатиш (*қонун ва ш.к. ларни*)

**ABSCOND** *v* яшириниб (*қочиб*) юрмоқ (*суддан, терговдан*)

**ABSCONDING** *v* яширинмоқ; қочмоқ

— **debtor** кредиторлардан яшириниб юрган қарздор

**ABSENCE** *n* йўқлик, мавжуд эмаслик

— **from work** ишга сабабсиз келмаслик

— **of choice** танлаш имкониятининг йўқлиги

— **of patentability** патент олишга лаёқатсизлик

— **without leave** ишга сабабсиз келмаслик, ишга келмаслик

**compensated** ~ ишда бўлмасликнинг ҳақ тўланадиган шакли

**leave of** ~ ишда бўлмасликнинг рухсат этилган шакли

**ABSENTEE** *n* 1. ишга сабабсиз келмаётган шахс; узрли сабабларсиз ишга келмаётган ишчи; 2. доимий яшаш жойидан ташқарида истиқомат қилувчи шахс

— **owner** фирма бошқарувида фаол иштирок этмайдиган акциядор

— **voting** почта орқали овоз бериш

**ABSENTEEISM** *n* 1. ишга сабабсиз келмаслик, узрли сабабсиз ишга келмаслик; 2. мулкдорнинг йўқлиги; 3. абсентеизм (*сайловларда иштирок этиш, мажлис ва ш.к.ларда қатнашишдан бош тортиш*)

**ABSOLUTE** *a* тўла, тўлиқ; сўзсиз; мутлақ

— **acceptance** сўзсиз акцепт\*

— **liability** сўзсиз мажбурият

— **price** мутлақ нарх

**ABSOLVE** *v* озод қилмоқ (*солиқдан*)

**ABSORB** *v* 1. олмоқ, чиқармоқ (*фойда*) 2. бир хўжалик бирлиги маблағлари суммасини бошқа хўжалик ҳисобрақамларига ўтказмоқ; 4. харажатларни ўз зиммасига олмоқ; 5. ўрнини қопламоқ (*харажатларнинг*)

**to ~ a loss by a subsidiary** шўъба корхона зарарларини бош компания ҳисобига ҳисобдан чиқармоқ

to ~ a surplus ортиқча захирани қайтариб бермоқ  
to ~ interests фойда олмоқ, фойда кўрмоқ

**ABSORBED** *a* 1. сингдирилган; тақсимланган; 2. инвесторларга сотиб юборилган

**ABSORBING** *n* ҳоплаш (*харажатларни*)

~ of charges харажатларни ҳоплаш

~ of costs харажатларни ҳоплаш

**ABSORPTION** *n* 1. сингдириш; тақсимлаш; 2. компанияларнинг қўшилиши;

3. ўрнини ҳоплаш, ўз зиммасига олиш

~ account тақсимловчи ҳисобрақам

~ of market бозор сифими (ҳажми)

cost ~ харажатларни тақсимлаш; чиқимларни ишлаб чиқариш ҳисобига ўтказиш

factor ~ ишлаб чиқариш омиллари (*ишчи кучи ва сармоя*)

нинг ишлаб чиқариш жараёнига сингиб кетиши;

ишлаб чиқариш омилларидан ишлаб чиқариш жараёнида

фойдаланиш

freight ~ транспорт харажатларини нархга киритиш

**ABSTRACT** *n* 1. мазмунни қисқача баён этиш; умумлаштириш; 2. кўчирма

~ of account ҳисобрақамдан кўчирма

~ of a record баённомадан кўчирма

~ of title эгалик қилиш ҳуқуқига доир ҳужжат

statistical ~ қисқача статистик шарҳ

**ABSTRACT** *v* хулосаламоқ; умумлаштирмоқ, яқунламоқ

**ABUNDANCE** *n* мўл-кўллик, керагидан ортиқлик; тўкинлик, бойлик

~ of capital сармоянинг мўл-кўллиги

~ of labour ишчи кучининг керагидан ортиқлиги

~ of raw materials хомашёнинг мўл-кўллиги

**ABUNDANT** *a* мўл-кўл, тўкин-сочин бўлган

**ABUSE** *n* суиистеъмол қилиш

~ of authority ваколатини ошириш (ошириб юбориш)

~ of credit кредитни суиистеъмол қилиш

~ of invention ихтирони суиистеъмол қилиш

~ of monopoly якка ҳокимликни суиистеъмол қилиш

~ of a patent патентга эгалик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш

~ of power ҳокимиятни суиистеъмол қилиш

~ of rights ҳуқуқни суиистеъмол қилиш

~ s of skimped quality сифатнинг ёмонлашувига олиб келувчи суиистеъмолликлар

~ of taxation солиқ солиш ҳуқуқини суиистеъмол қилиш

**ABUSE** *v* суиистеъмол қилмоқ

**ACADEMY:**

A. of Sciences of the Republic of Uzbekistan Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Республикаси Фанлар академияси

Республикаси Фанлар академияси

Республикаси Фанлар академияси

Республикаси Фанлар академияси

A. of State and Public Construction under the President of the Republic of Uzbekistan Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси

ACADEMY *n* 1. академия; 2. олий ўқув юрти; имтиёзли ўрта ўқув юрти; 3. амер. хусусий ўрта мактаб; 4. махсус ўқув юрти

ACCEDE *v* киришмоқ (*лавозимни бажаришга*); қўшилмоқ (*ташкилотга*)  
to ~ to an agreement (treaty) шартнома (битим)га қўшилмоқ

to ~ to a proposal таклифга қўшилмоқ

ACCELERATE *v* тезлаштирмоқ, жадаллаштирмоқ  
to ~ securities қимматли қоғозлар қийматини тўлаш санасини тезлаштирмоқ  
to ~ the economic and social development of a country мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш жараёнини тезлаштирмоқ

ACCELERATED тезлаштирилган, жадаллаштирилган  
~ payments тезлаштирилган тўловлар

ACCELERATION *n* жадаллаштириш, тезлаштириш; акселерация (ривожланиш жараёнини тезлаштириш)  
~ clause 1. қийматни тўлаш муддатининг белгиланган вақтдан олдин келиши ҳақидаги қўшимча шарт; 2. ссудани зудлик билан қайтариш шарти

growth ~ (иқтисодий) ўсишни жадаллаштириш

ACCEPT *v* 1. қабул қилмоқ, йўл қўймоқ, рухсат этмоқ; 2. маъқулламоқ; тан олмақ; 3. акцептламоқ\* (*вексель ҳақида*)

to ~ a bill векселни акцептламоқ\*

to ~ a bill of exchange тратани акцептламоқ\*

to ~ a bill for honour вексель берувчининг кредитини сақлаб қолиш учун векселни акцептламоқ\*

to ~ a contract шартномага рози бўлмоқ

to ~ a lot туркумни қабул қилиб олмақ (*маҳсулотларга oid*)

to ~ as a pledge гаров сифатида қабул қилмоқ

to ~ a proposal таклифни қабул қилмоқ

to ~ a tender қимматли қоғозларни харид қилиш ҳақидаги таклифни қабул қилмоқ

to ~ checks чекларни қабул қилмоқ

to ~ deposits депозитларни\* қабул қилмоқ

to ~ equipment асбоб-ускуналарни қабул қилиб олмақ

to ~ for honour вексель берувчининг кредитини сақлаб қолиш учун векселни акцептламоқ\*

to ~ for honour supra protest 1. векселни унга эътироз билдирилганидан сўнг акцептламоқ\*; 2. вексель қийматини унга эътироз билдирилганидан сўнг тўламоқ

**to ~ guarantorship** 1. кафолатни таъминламоқ; 2. кафиликни таъминламоқ

**to ~ in payment** тўлов ҳисобига қабул қилмоқ

**to ~ suretyship** 1. кафолатни таъминламоқ; 2. кафиликни таъминламоқ

**ACCEPTABLE** *a* 1. мақбул, тўғри келадиган, мос келадиган; 2. акцептланиши\* мумкин бўлган (*вексель ҳақида*)

**mutually ~** ўзаро мақбул

**ACCEPTANCE** *n* 1. қабул қилиш; тўловга рози бўлиш; акцепт\*; 2. акцептланган\* вексель, тратта\*; 3. мақбуллик (*мас. молнинг харидорга*); 4. оқловчи (тасдиқловчи) устхат; 5. мажбурият юкловчи битим; 6. қабул қилиб олиш (*маҳсулотларни, асбоб-ускуналарни*)

**~ account** акцептли ҳисоб-рақам\*

**~ against documents** ҳужжатларга муқобил акцептлаш\*

**~ bank** акцептлаш идораси

**~ bill** акцептланган тратта\*

**~ bought outright** сақлаш учун харид қилинган акцептланган\* вексель

**~ bought under repurchase agreement** кейинчалик қайта сотиш ҳақидаги битимга кўра харид қилинган акцептланган\* вексель

**~ company** 1. сотувларни маблағ билан таъминловчи компания; 2. акцептлаш компанияси\*

**~ credit** акцептли кредит\*

**~ crossfacility** турли манбалардан кредит ажратишнинг акцептли\* дастури

**~ date** акцепт\* санаси

**~ facility** 1. акцептлаш\* ва векселларни сотиш асосида қисқа муддатга кредит ажратиш; 2. акцептли кредит\* дастури

**~ for honour** вексель берувчининг кредитини сақлаб қолиш учун векселларни акцептлаш\*

**~ for honour supra protest** векселни унга эътироз билдирилганидан сўнг акцептлаш\*

**~ for payment** векселни тўловга қабул қилиш

**~ house** акцептлаш идораси\*, акцептлаш банки\*

**~ in blank** таъминотсиз акцепт\*

**~ interval** акцептнинг\* амал қилиш муддати

**~ is discounted by bank** акцепт\* банк томонидан ҳисобга олинган

**~ is made on time** акцепт\* ўз муддатида амалга оширилган

**~ is signed** акцепт\* имзоланган

**~ letter** обуначини унга ажратилган қимматли қоғозлар ва уларга ҳақ тўлаш тартиби ҳақида хабардор қилиш

**~ liabilities** акцептлар\* бўйича мажбуриятлар

**~ liabilities ledger** акцептлар\* бўйича мажбуриятлар дафтари

**~ line** акцептлаш\* чегараси

**~ market** банк акцептлари\* муомалада бўлган бозор

**~ maturity** акцепт\* муддати



- ~ obtained олинган акцепт\*  
 ~ of batch туркумни қабул қилиш (*маҳсулотларга оид*)  
 ~ of bid таклифни қабул қилиш (*кимошди савдосида, биржада*)  
 ~ of a bill вексель акцепти\*; векселни акцептлаш\*  
 ~ of bill of exchange ўтказма векселни акцептлаш\*; траттани акцептлаш\*  
 ~ of bonds облигацияларнинг оммавийлиги; облигацияларга бўлган талаб  
 ~ of check чекни акцептлаш\*  
 ~ of commercial papers тижорат ҳужжатлари акцептлаш\*  
 ~ of commission топшириқни бажариш учун қабул қилиш  
 ~ of conditions шартларни қабул қилиш  
 ~ of a deposit омонатни қабул қилиш  
 ~ of documents for collection ҳужжатларни инкассога\* қабул қилиш  
 ~ of draft ўтказма векселни акцептлаш\*, траттани акцептлаш\*  
 ~ of drawee трассат акцепти\*  
 ~ of goods молни топшириш қабул қилиш  
 ~ of letter of credit аккредитивни\* тасдиқлаш  
 ~ of offer таклифни қабул қилиш  
 ~ of proposal таклифни қабул қилиш  
 ~ of recommendations тавсияларни қабул қилиш  
 ~ of tender қимматли қозғозларни харид қилиш ҳақидаги таклифни қабул қилиш  
 ~ price қимматли қозғозлар эмитентига\* банк тўлайдиган нарх  
 ~ register акцептлар\* дафтари  
 ~ slip акцептлаш\* бланки  
 ~ supra protest 1. векселни унга эътироз билдирилганидан сўнг акцептлаш\*; 2. вексель қийматини унга эътироз билдирилганидан сўнг тўлаш  
 ~ system акцептлаш\* тизими  
 ~ under rebate муддатидан олдин тўланган тратта\* (*фоизларни чегириб ташлаган ҳолда*)  
 ~ with reserve қўшимча шарт билан тан олиш  
 ~ to be in default of акцептлашда\* рад жавоби олмоқ  
 to discount a banker's ~ банк акцептини\* ҳисобга олмоқ  
 to effect ~ векселни акцептламоқ\*  
 to find market ~ бозорда тан олинмоқ (*янги моллар ҳақида*)  
 to make векселни акцептламоқ\*  
 to obtain ~ акцепт\* олмоқ  
 to provide with an ~ акцептламоқ\*  
 to refuse ~ акцептлашдан\* бош тортмоқ  
 to signify ~ акцептламоқ\*  
 accommodation ~ дўстона акцепт\* (*векселни банкда ҳисобга олиш учун мақбул ҳолга келтириш мақсадида тақдим этиладиган*)  
 anticipated ~ қиймати муддатидан олдин тўланган акцептланган\* вексель

banker's ~ банк акцепти\*,  
 банк акцептлаган\* вексель  
 brand ~ муайян навдаги  
 молни афзал кўриш  
 clean ~ шартсиз акцепт\*  
 collateral ~ кафолатли ак-  
 цепт\*  
 complete ~ маҳсулотлар бу-  
 тун туркумини қабул қилиш  
 conditional ~ шартли акцепт\*  
 consumer ~ истеъмолчилар-  
 нинг молни бозорда тан  
 олиши  
 credit ~ кредит акцепти\*  
 customer ~ буюртмачининг  
 қабул қилиб олиши (*мас.*  
*маҳсулотларни*)  
 data ~ маълумотлар (ахбо-  
 рот) йиғиш  
 dollar ~ долларда ёзиб бе-  
 рилган акцептланган\* век-  
 сель  
 domestic ~ ички муомаладаги  
 акцептланган\* вексель  
 draft ~ тратта акцепти\*  
 eligible ~ қайта ҳисобга олиш  
 учун яроқли акцептланган\*  
 вексель (*марказий банкда*)  
 eligible banker's ~ мақбул  
 банк акцепти\*  
 full ~ тўла акцептлаш\*  
 general ~ 1. умумий ак-  
 цепт\*; 2. траттани\* қўшим-  
 ча шартларсиз акцептлаш\*;  
 шартсиз акцептлаш\*  
 partial ~ нотўла акцептлаш\*,  
 қисман акцептлаш\*  
 preliminary ~ дастлабки ак-  
 цепт\*  
 prime banker's ~ банк акцеп-  
 тлаган\* биринчи даражали  
 акцепт\*  
 prior ~ дастлабки акцепт\*  
 prompt ~ шошилиц тарзда  
 акцептлаш\*

qualified ~ шартли акцепт\*;  
 траттани\* қўшимча шарт  
 билан акцептлаш\*; чеклан-  
 ган акцепт\*  
 rebated ~ қиймати муд-  
 датидан олдин тўланган ак-  
 цептланган\* вексель  
 registered ~ ҳисобга олинган  
 акцепт\*  
 special ~ махсус (ўзига хос)  
 акцепт\*; шартли акцепт\*;  
 траттани\* қўшимча шартлар  
 билан акцептлаш\*  
 sterling ~ фунт стерлингга  
 ёзиб берилган акцептланган\*  
 вексель  
 subsequent ~ кейинги ак-  
 цепт\*  
 tacit ~ сўзсиз акцепт\*  
 trade ~ акцептланган\* савдо  
 вексели  
 unconditional ~ шартсиз ак-  
 цепт\*  
 uncovered ~ таъминотсиз ак-  
 цептланган\* вексель  
 ACCEPTED *a* 1. қабул қи-  
 линган; барчага маъқул  
 бўлган; тан олинган; тарқал-  
 ган; 2. акцептланган\*;  
 3. „акцептланган“ (*вексел-*  
*даги устхат*)  
 ~ bill акцептланган\* вексель  
 ~ draft акцептланган трат-  
 та\*  
 ACCEPTING:  
 A. House Committee Ак-  
 цептлаш\* уйлари қўмитаси  
 (*Буюк Британия*)  
 ACCEPTING *n* акцептлаш\*  
 ACCEPTING *a* акцептли\*  
 ~ bank акцептловчи банк\*  
 ~ house 1. акцептлаш бан-  
 ки\*; 2. акцептлаш идораси\*;  
 акцептлаш уйи\*

**ACCEPTILATION** *n* кредиторнинг қарздорни қарзни тўлашдан озод қилиши

**ACCEPTOR** *n* акцептловчи\*

~ for honour вексель берувчининг кредитини сақлаб қолувчи акцептловчи\*

~ of for honour supra protest векселга эътироз билдирилганидан сўнг уни акцептловчи\* шахс

~ of bill векселни акцептловчи\*

~ of bill of exchange ўтказма векселни акцептловчи\*

**ACCESS** *n* „Аксесс“ кредит карточкаси (*Буюк Британия*)

**ACCESS** *n* кириш (фойдаланиш) имконияти, кира олиш, фойдалана олиш ҳуқуқи

~ to account ҳисобрақамдан фойдалана олиш

~ to advances ссудалар олиш имконияти

~ to banking market банк бозорига кира олиш

~ to borrowing қарз олиш имконияти

~ to capital market сармоя бозорига кира олиш

~ to carry on commerce тижорат фаолияти билан шуғулланиш имконияти

~ to credit кредит олиш ҳуқуқи, кредит олиш имконияти

~ to drawing facilities пул маблағлари олиш имконияти

~ to market бозорга кира олиш

~ to money market пул бозорига кира олиш

~ to raw material resources хомашё манбаларидан фойдалана олиш

~ to rediscounting of deposits депозитларни\* қайта ҳисобга олиш имконияти

~ to world markets жаҳон бозорларига чиқиш имконияти

to gain ~ фойдаланиш ҳуқуқини олмоқ

to have ~ фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмоқ

to obtain ~ фойдаланиш ҳуқуқини олмоқ

economic(al) ~ иқтисодий жиҳатдан манфаатли тарзда фойдалана олиш

free ~ эркин фойдалана олиш

full ~ тўла фойдалана олиш

legal ~ бирор шахснинг мулк объектларини кўздан кечириш бўйича қонунан белгиланган ҳуқуқи

market ~ бозорга кира олиш

unobstructed ~ тўсиқсиз кира

олиш имконияти (бозорга)

**ACCESSIBLE** *a* кира (фойдалана) олиш мумкин бўлган, эришса бўладиган

~ market кира олиш мумкин бўлган бозор

**ACCESSION** *n* 1. бажаришга киришиш (*вазифани*); 2. ўсиш, ошиш; ошириш

**ACCESSORY** *n* 1. бутловчи қисм; 2. *pl* анжомлар; асбоб; буюм, жиҳоз; 3. *pl* асбоб-ускуналар, жиҳозлар

office ~ ies идора ашёлари

production ~ ies технология жиҳозлари

**ACCIDENT** *n* ҳодиса; бахтсиз ҳодиса; ҳалокат

~ insurance бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш

~ prone ҳалокат ёки йўл ҳодисаларига тез-тез учраб турувчи шахс

to meet with ~ an ҳалокатга учрамоқ

to prevent an ~ ҳалокат олдини олмақ

compensable ~ тоvon тўланадиган бахтсиз ҳодиса

industrial ~ ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса

noncompensable ~ тоvon тўланмайдиган бахтсиз ҳодиса

traffic ~ транспортдаги

бахтсиз ҳодиса

ACCIDENT-FREE *a* ҳалокатсиз, шикастсиз

ACCOMMODATE *v* 1. мослаштирмақ; 2. таъминламақ; қарз бермақ; 3. ёрдам бермақ, ёрдам кўрсатмақ; 4. кредит бермақ, ссуда бермақ

to ~ economic growth иқтисодий ўсишга кўмаклашмақ

to ~ with қарзга пул бермақ

to ~ with loan қарзга пул бермақ

to ~ with money қарзга пул бермақ

ACCOMMODATION *n* 1. ссуда; 2. келишув; битим; 3. жой, хона, 4. қулайлик

~ accept дўстона акцепт \*

~ bill дўстона вексель

~ bill of exchange дўстона ўтказма вексель

~ check дўстона чек

~ credit маблағларга бўлган вақтинчалик эҳтиёжни қоплаш кредити

~ draft дўстона тратта\*

~ endorsement дўстона индоссамент\* (вексель тўловини кафолатлаш учун амалга оширилган)

~ endorser дўстона векселни индоссация\* қилган шахс

~ maker дўстона вексель берган шахс

~ note дўстона вексель

~ paper дўстона вексель

~ party дўстона вексель ёзиб берган шахс; дўстона векселни индоссация\* қилган шахс; дўстона векселни акцептлаган\* шахс; дўстона векселни кафолатловчи шахс

bank ~ банк ссудаси

credit ~ кредит, кредит шаклида ёрдам бериш; кредит бериш

hotel ~ меҳмонхонадаги хона; меҳмонхонага жойлаштириш

monetary ~ пул-кредит востасида тартибга солиш

public ~ умумфойдаланиш (жамоат) жойлари

ACCOMPANYING *a* илова қилинган, илова...

ACCOMPLISH *v* бажармақ; тугалламақ; эришмақ

ACCOMPLISHMENT *n* бажариш, тугаллаш, ниҳоясига етказиш; эришиш

~ of a plan режани бажариш

~ of a programme дастурни ниҳоясига етказиш

ACCORD *n* битим, келишув

government ~ ҳукумат битими

ACCOUNT:

A. of Trade and Navigation савдо ва кема қатнови ҳа-

қидаги статистик ҳисобот  
(*Буюк Британия*)

**Exchange Equalization A.** ба-  
раварлаштирувчи валюта ҳи-  
соб-рақами (*Буюк Брита-  
ния*)

**ACCOUNT** *n* 1. ҳисобрақам;  
тўловнома; тўловномада қайд  
этиш; 2. ҳисобот (*молиявий*);  
3. биржа битимлари бўйича  
ҳисоб-китоб қилиш; 4. бро-  
кернинг\* мижоз топшириғига  
кўра бажарилган битимлар  
ҳақидаги ёзуви; ҳисоблаш  
формуласи; 5. дафтар мод-  
даси (*бухгалтерлик ҳисо-  
бида*); 6. рўйхат; 7. давлат  
бюджетининг ижроси ҳақи-  
даги ҳисобот; 8. *pl* ҳисобдор-  
лик; 9. *pl* иш дафтарлари;  
савдо дафтарлари; молиявий  
операцияни қайд этиш; 10. *pl*  
бухгалтерлик ҳисобрақамла-  
ри

~ **activity** банк ҳисобрақами  
бўйича ўтувчи операциялар  
ҳажми

~ **administration charge**  
ҳисобрақам юритиш ҳақи

~ **agreed upon** 1. маъқуллан-  
ган (тасдиқланган) ҳисоб-  
рақам; 2. тартибга солинган  
ҳисоб-китоб; 3. контокоррент-  
дан\* кўчирма

~ **s-and-records** ҳисобчилик  
ва ҳужжатлаштириш тизими  
(*хўжалик операцияларининг*)

~ **attached** ҳибсланган ҳисоб-  
рақам

~ **balance** ҳисобрақамдаги  
қолдиқ; 2. ҳисоб-китоб пай-  
тидаги қолдиқ

~ **card** 1. ҳисобрақамлар  
режаси; 2. ҳисобрақамлар  
рўйхати

~ **category** ҳисобрақам тои-  
фаси

~ **current** 1. банк жорий ҳи-  
собрақами; 2. очиқ ҳисоб-  
рақам

~ **day** 1. ҳисоб-китоб куни;  
2. тугатиш куни; тугатилиш  
куни; 3. ҳисоб-китоб дав-  
рининг сўнгги куни

~ **dealing** қимматли қоғоз-  
ларнинг бир операция даври  
мобайнидаги олди-сотдиси

~ **s department** 1. молиявий  
ҳисоботлар бўлими; 2. ҳисоб-  
китоблар бўлими

~ **detail** банк ҳисобрақами  
ҳақидаги батафсил маълум-  
отлар

~ **s due from customers**  
дебиторлар ҳисобрақами; ҳи-  
соб китоб бўйича дебиторлар;  
дебиторлик қарзи; олина-  
диган тўловномалар

~ **s due to customer** кре-  
диторлик қарзи; тўланадиган  
тўловномалар

~ **entry** бухгалтерлик қайди  
(ёзуви), ўтказма

~ **executive** брокерлик фир-  
масининг\* рўйхатга олинган  
вакили

~ **for accumulation of**  
**payments** йиғилиб қолган тў-  
ловларни тўлаш ҳисобрақа-  
ми

~ **for current** жорий опе-  
рациялар ҳисоботи

~ **form** бухгалтерлик ҳисоби  
ҳужжати

~ **for various payment** турли  
тўловларни тўлаш ҳисоб-  
рақами

~ **heading** ҳисобрақам сар-  
лавҳаси (номи)

~ held as collateral гаров сифатида қўйилган тўловнома  
 ~ held in foreign exchange хорижий валютадаги ҳисоб-рақам  
 ~ holder ҳисобрақам эгаси  
 ~ holding bank ҳисобрақамни сақловчи банк  
 ~ in arrears муддати ўтган тўловнома  
 ~ ledger бухгалтерлик дафтари  
 ~ management ҳисобрақамларни юритиш  
 ~ not booked in balance sheet балансдан ташқари ҳисоб-рақам  
 ~ number ҳисобрақамнинг тартиб рақами  
 ~ of an agent вакилнинг ҳисоботи  
 ~ of a payee ремитентнинг\* ҳисобрақами  
 ~ of bank банк ҳисобрақами  
 ~ of charges 1. қўшимча харажатлар ҳисобрақами; 2. чиқимлар ҳисобрақами  
 ~ of commission воситачилик тўловлари ҳисобрақами  
 ~ of disbursement харажатлар ҳисобрақами  
 ~ of estate мулк тўловномаси  
 ~ of expenses харажатлар ҳисобрақами  
 ~ of goods purchased харид қилинган моллар тўловномаси  
 ~ of overheads қўшимча харажатлар ҳисобрақами  
 ~ of recourse қайтариш ҳуқуқини берувчи ҳисоб-рақам  
 ~ of redraft рикамбио (*қайтарма вексель*)

~ of third party учинчи шахслар фойдасига тўловларни ўтказишга имкон берувчи депозит\* ҳисобрақами  
 ~-only check фақат нақд пулсиз ҳисоб-китобларга мўлжалланган чек  
 ~ owner bank бошқа банкда ҳисобрақами бўлган банк  
 ~ payable кредиторлик қарзи  
 ~s payable interline транспорт компаниялари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар ҳисобрақами  
 ~ payee check олувчи ҳисоб-рақамига ўтказиладиган чек  
 ~ payee only фақат олувчига тўланадиган (*чизиқ тортилган чекдаги устхат*)  
 ~ presentation молиявий ҳисоботни тақдим этиш  
 ~s receivable 1. контокоррент\* бўйича шахсга тегишли сумма; 2. дебиторлик қарзи; 3. дебиторлар ҳисоб-рақами  
 ~ receivable department дебиторлик қарзини ҳисобга олиш бўлими  
 ~ receivable discounted камайиб борувчи дебиторлик қарзини сотиш ёки ундан қайта воз кечиш натижасида олинган сумма  
 ~ receivable financing дебиторлик қарзи гарови асосида бериладиган ссуда  
 ~ rendered контокоррент\* бўйича кредитор тақдим этган ҳисоб-китоб  
 ~ sales мол сотилганлиги ҳақида ҳисобот  
 ~ servicing bank ўзида очилган бошқа банк ҳисоб-ра-

қамига хизмат кўрсатувчи банк

~ settled контокоррент\* ҳисобрақамининг тўланган қолдиғи\*

~ sheet ҳисобрақам бланки

~ solicitation agency кредитлар бериш ҳақидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш хизмати

~ solicitation service кредитлар бериш ҳақидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш хизмати

~ split ҳисобрақамни бўлиб юбориш

~ stated ҳисобрақам қолдиғи

~ statement банк ҳисобрақамидан кўчирма

~ subject to notice хабарномали ҳисобрақам

~ terms ҳисобрақамни тўлаш шартлари

~ title ҳисобрақам номи

~ to-account transfer пулни бир ҳисобрақамдан бошқасига ўтказиш

~s with banks банклардаги ҳисобрақамлар

~ with correspondent bank вакил банкдаги ҳисобрақам

~ with correspondent bank abroad чет элдаги вакил банкдаги ҳисобрақам

~ with overdraft facility овердрафтга\* йўл қўйилган ҳисобрақам

~ with the Treasury молия вазирлигидаги ҳисобрақам

to adjust an ~ тўловномани тузатмоқ

to agree ~ ҳисобрақамларни мувофиқлаштирмоқ; ҳисобрақамлар ҳолатини тартибга солмоқ

to audit ~s ҳисобрақамларни тафтиш қилмоқ

to balance an ~ ҳисоб-китоблар моддасини мувозанатга келтирмоқ; ҳисобрақамни тенглаштирмоқ; ҳисобрақам якунини чиқармоқ

to block an ~ ҳисобрақамни тўсиб қўймоқ

to charge an ~ ҳисобрақамни дебетламоқ; ҳисобрақамнинг дебет қисмида қайд этмоқ

to charge off an ~ ҳисобрақамдан чиқармоқ

to charge to an ~ ҳисобга ўтказмоқ

to check an ~ ҳисобрақамни текширмоқ

to clean out an ~ ҳисобрақамдан барча пулни олмоқ

to close an ~ ҳисобрақамни ёпмоқ (банкда)

to commingle ~s ҳисобрақамларни бирлаштирмоқ

to credit an ~ ҳисобрақамни кредитламоқ, ҳисобрақамнинг кредит қисмида қайд этмоқ

to debit an ~ ҳисобрақамни дебетламоқ; ҳисобрақамнинг дебет қисмида қайд этмоқ

to draw money from ~ ҳисобрақамдан пулни олмоқ

to draw on an ~ ҳисобрақамдан пул олмоқ

to draw up an ~ тўловномалар ёзиб бермоқ; тўловнома тўланишини талаб қилмоқ

to draw a sum ~ суммани ўтказмоқ

to enter sum to a person's ~ суммани шахс ҳисобига ўтказмоқ

to establish an ~ ҳисобрақам очмоқ

to examine ~s ҳисобрақамларни тафтиш қилмоқ

to falsify an ~ ҳисобрақамни сохталаштирмоқ

to freeze an ~ ҳисобрақамни тўсиб (тўхтатиб) қўймоқ

to give an ~ ҳисобот бермоқ, ҳисоб бермоқ

to have an with a bank банкда ҳисобрақамга эга бўлмоқ

to keep ~s ҳисобрақамларни юритмоқ, ҳисобрақамлар бўйича бухгалтерлик ўтказмаларини амалга оширмоқ

to keep an ~ with a bank банкда ҳисобрақамга эга бўлмоқ

to maintain an ~ ҳисобрақамни юритмоқ

to make out an ~ тўловнома ёзиб бермоқ

to make up an ~ ҳисоб-китобни тугалламоқ; ҳисобрақамни ёпмоқ

to open an ~ ҳисобрақам очмоқ

to operate an ~ ҳисобрақамни юритмоқ (*банкда*)

to overdraw an ~ жорий ҳисобрақамдаги қолдиқдан ортиқча суммада чек ёзиб бермоқ

to pass to the credit of ~ ҳисобрақамнинг кредит қисмига ёзиб қўймоқ

to pay an ~ тўловнома бўйича тўламоқ, тўловномани тўламоқ

to pay into an ~ ҳисобрақамга ёзиб қўймоқ

to pay on ~ бўнак бермоқ, олдиндан бермоқ

to place to person's ~ *бирор кишига* ўтказмоқ; *бирор кишининг* ҳисобрақамига ёзиб қўймоқ

to present ~ тўловномаларни тақдим этмоқ

to rectify an ~ ҳисобрақамни тузатмоқ

to release a blocked ~ ҳисобрақамдан тўсиқни олиб ташламоқ

to render an ~ ҳисобрақамни кўрсатмоқ

to run (up) an ~ ҳисобрақамдаги қолдиқни кўпайтирмоқ; ҳисобрақамга ёзмақ

to settle an ~ 1. ҳисобрақамни тўламоқ; 2. операцияларни тартибга солмоқ; 3. ҳисобрақамдаги суммани мувофиқлаштирмоқ

to set up an ~ ҳисобрақам очмоқ

to square ~s тўламоқ, ҳисоб-китоб қилмоқ

to take ~ of the needs талабларни ҳисобга олмоқ (*истеъмолчиларнинг*)

to transfer to an ~ банкдаги ҳисобрақамга ўтказмоқ

to verify ~s ҳисобрақамларни таққосламоқ; ҳисобрақамлар тўғри юритилишини текширмоқ

to withdraw from an ~ ҳисобрақамдан олмоқ

to write off an ~ ҳисобрақамдан чиқармоқ

above-line ~s баланс моддалари (*давлат бюджетининг*)

absorption ~ тақсимловчи ҳисобрақам

accumulation ~ жамғарма ҳисобрақами



active ~ 1. фаол депозит ҳисобрақами; 2. мижознинг (фаол ҳисобрақами) (*брокерлик фирмасида\**)

adjunct ~ тақсимловчи ҳисобрақам

adjustment ~s тўғрилаш ҳисобрақамлари

advance ~ ссудалар ҳисобрақами

advisory agency trust ~ банк мижоз учун фақат маслаҳатчи вазифасини ўтайдиган ишонч ҳисобрақами

aggregate ~s жамлама ҳисобрақамлар

all-plant expense ~ умумзавад қўшимча харажатлар рўйхати

annual ~ 1. йиллик ҳисобкитоб; 2 ҳисобрақам йиллик кўчирмаси; 3. йиллик ҳисобот

appropriation ~ ажратма маблағлар ҳисобрақами; фирма балансининг тақсимланадиган фойдани ифодаловчи қисми

assets ~ сармоя ҳисобрақами, активлар ҳисобрақами

automatic transfer ~ маблағлар ўз-ўзидан ўтказиландиган ҳисобрақам

balance ~ баланс ҳисобрақами

balance sheet ~ бухгалтерлик баланси моддаси

bank ~ банкдаги ҳисобрақам, банк ҳисобрақами

bank giro ~ жироҳисобрақамлар\* тизимидаги банк ҳисобрақами

banking ~ банкдаги ҳисобрақам, банк ҳисобрақами

bank's central settlement ~ банкнинг марказий ҳисобкитоб рақами

bear ~ нарх-навони атайлаб пасайтириш пайтидаги шартномавий мажбурият; брокернинг\* нарх-навони атайлаб пасайтириш пайтидаги қимматли қоғозлар бўйича мажбуриятлари

below-line ~s балансдан ташқари моддалар (*давлат бюджетининг*); балансдан ташқари ҳисобрақам

bills ~ векселлар ҳисобрақами

blocked (frozen) ~s тўсиб қўйилган ҳисобрақамлар

bond ~ облигациялар ҳисобрақами

book ~ жорий ҳисобрақам

budget ~ 1. бюджет ҳисобрақами; 2. истеъмол кредити ҳисобрақами; 3. мижоз нисбатан йирик суммаларни тўлайдиган банк ҳисобрақами

bull ~ нарх-навони атайлаб ошириш пайтидаги шартномавий мажбурият; брокернинг\* нарх-навони атайлаб ошириш пайтидаги қимматли қоғозлар бўйича мажбуриятлари

business ~ корхоналар ҳисобрақами; бухгалтерлик ҳисобрақами

business income and product ~ тадбиркорлик соҳасининг даромад ва маҳсулот ҳисобрақами

business saving ~ тадбиркорлик корхонасининг жамғарма ҳисобрақами

call ~ онколь ҳисобрақами\*

**capital** ~ 1. сармоя ҳисоб-рақами; асосий воситалар ҳисобрақами (*ноаиланма активларнинг\**); 2. сармоялар ҳаракати ҳисобрақами (*тўлов балансида*)

**capitalization** ~ инвестиция қилинган сармоя ҳисоб-рақами

**cash** ~ касса ҳисобрақами; касса (нақд пул) ҳисоб-рақами

**certified** ~ тасдиқланган кўчирма

**charge** ~ 1. харид қилинган моллар учун ҳақ тўлаш ҳисобрақами; 2. очиқ ҳисоб-рақам бўйича ажратиладиган кредит

**charges** ~ харажатлар ҳисоб-рақами

**check** ~ назорат ҳисобрақами

**checking** ~ чек ҳисобрақами; жорий ҳисобрақам (*банкда*)

**clearing** ~ 1. клиринг\* ҳисоб-рақами; 2. тақсимловчи ҳисоб-рақам; 3. ҳисоб-китоб рақами (*клиринг бўйича*)

**closed** ~ ёпиқ ҳисобрақам

**closing** ~ 1. йиғма (жамловчи) ҳисобрақам; якуний ҳисобрақам; 2. *pl* компаниянинг йиллик ҳисоботи

**collection** ~ олинадиган маблағлар ҳисобрақами; харидорлар билан ҳисоб-китоб қилиш ҳисобрақами

**combined** ~s қурама ҳисоб-рақамлар

**commission** ~ воситачилик тўловлари ҳисобрақами

**common stock capital** ~s акциядорлик сармоясини оддий акциялар бўйича

ҳисобга олиш ҳисобрақамлари

ancillary ~ фаолиятнинг ёрдамчи тури

basic ~ фаолиятнинг асосий тури

budgeted ~ бюджетда назарда тутилган фаолият

business ~ 1. иқтисодий

(тадбиркорликка оид) фаоллик; 2. савдо-саноат фаолияти; 3. *pl* ишбилармонлик операциялари

civil engineering ~ фуқаролик қурилиши

cleanup ~ies тайёрлов ишлари

commercial ~ тижорат фаолияти

communication ~ алоқа воситаларининг иши

competitive ~ рақобатли кураш

complementary ~ies фаолиятнинг бир-бирини тўлдирувчи турлари

completed ~ тугалланган операция

composite ~ таркибий операция

construction ~ қурилиш

creative ~ ижодий фаолият

day-to-day ~ кундалик фаолият

defence ~ ҳарбий ишлаб чиқариш

defence industry ~ муҳофаза-саноат фаолияти

demand stimulation ~ies талабни рағбатлантириш чоратadbirlari

development ~ тажриба-конструкторлик иши

diversified ~ies кўп турли фаолият

domestic ~ мамлакат ичка-рисадаги иқтисодий фаоллик

economic(al) ~ 1. иқтисодий (тадбиркорликка оид) фаоллик;

2. хўжалик фаолияти; савдо-саноат фаолияти; ишбилармонлик фаоллиги

environmental ~ атроф-му-

ҳитни муҳофаза қилиш  
 фаолияти  
 expected annual ~ кути-  
 лаётган йиллик ишлаб чи-  
 қариш ҳажми; кутилаётган  
 йиллик унумдорлик (ишлаб  
 чиқариш қуввати)  
 fair ~ ярмаркалар ташкил  
 этишга доир фаолият  
 financial ~ies молиявий фао-  
 лият  
 financing ~ies молиявий фао-  
 лият; молиявий операция-  
 ларни юритиш  
 forecasting ~ истиқболни бел-  
 гилаш  
 foreign trade ~ ташқи савдо  
 фаолияти  
 freight traffic ~ кема ёллаш;  
 юкларни ташиш, юк ташиш  
 home construction ~ уй-жой  
 қурилиши  
 industrial ~ саноат (ишлаб  
 чиқариш) фаолияти  
 integration ~ies бирлаштириш  
 (яхлит ҳолга келтириш)  
 фаолияти  
 joint ~ биргаликдаги фаолият  
 know-how ~ ишлаб чиқариш  
 бўйича тажриба алмашиш  
 labour ~ меҳнат фаолияти  
 labour-intensive ~ сермеҳнат  
 иш  
 leisure(-time) ~ ишдан бўш  
 пайтдаги фаолият  
 lending ~ies кредит ажратиш  
 операцияси, фаолиятнинг  
 ссудага оид турлари  
 licensing ~ лицензия асо-  
 сидаги фаолият  
 low economic ~ иқтисодий  
 фаолликнинг паст даражаси  
 make-work ~ies иш жой-  
 ларини қўпайтириш чора-  
 тадбирлари; иш билан таъ-

минланганликни ошириш чо-  
 ра-тадбирлари  
 management ~ бошқарув-  
 чилик фаолияти  
 manufacturing ~ ишлов бе-  
 риш саноати; ишлов бериш  
 саноати тармоқларидаги иш-  
 лаб чиқариш  
 master-budget ~ ишлаб чи-  
 қаришнинг кутилаётган йил-  
 лик ҳажми; кутилаётган  
 йиллик унумдорлик (ишлаб  
 чиқариш қуввати)  
 military ~ мудофаа-саноат  
 фаолияти  
 nonmanufacturing ~ ишлов  
 бериш саноатига тааллуқли  
 бўлмаган тармоқлардаги иш-  
 лаб чиқариш  
 nonproductive ~ унумсиз фао-  
 лият  
 nonprofit ~ фойда келтир-  
 майдиган корхона  
 normal ~ ишлаб чиқариш-  
 нинг меъёрий даражаси; йил-  
 лик меъёрий ишлаб чиқариш  
 nuclear ~ ядровий фаоллик  
 overall business ~ тадбир-  
 корликдаги умумий фаоллик  
 practical ~ амалий фаолият,  
 амалиёт  
 primary ~ асосий фаолият  
 priority ~ies фаолиятнинг  
 устувор турлари  
 procurement ~ies харид  
 қилиш, харид қилиш фао-  
 лияти  
 production (productive) ~  
 1. ишлаб чиқариш фаолияти;  
 2. унумли фаолият  
 profit-seeking ~ фойда олиш  
 мақсадидаги иқтисодий фао-  
 лият  
 promotional ~ies талаб ва со-

тувни ташкил этиш фаолияти  
**publicity** ~ реклама фаолияти  
**quick yielding** ~ies тезда самара берувчи иқтисодий фаолият  
**rationalization** ~ ихтирочилик фаолияти  
**real estate** ~ ies кўчмас мулк операциялари  
**research** ~ илмий-тадқиқот иши  
**research-and-development** ~ илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик иши  
**risky** ~ қалтис фаолият  
**rural** ~ies қишлоқ хўжалиги ишлари  
**sales** ~ сотув билан боғлиқ фаолият; мол сотиш (ўтказиш)  
**secondary** ~ иккинчи даражали тури  
**service** ~ies хизмат кўрсатиш; хизматлар; ишлаб чиқариш хизматлари  
**space commercial** ~ies коинотдан тижорат мақсадида фойдаланиш  
**speculative** ~ чайқовчилик, чайқовчилик фаолияти  
**surveillance** ~ назорат  
**trade** ~ савдо фаолияти, ишбилармонлик (тожирлик) фаолияти  
**trading** ~ савдо фаолияти  
**union** ~ касаба уюшмаси фаолияти  
**vigorous** ~ қизғин фаолият  
**ACTUAL** *a* 1. ҳақиқий; амалдаги; амалда мавжуд бўлган; 2. нақд (амалдаги) мол; 3. замонавий; долзарб  
 ~ **amount** ҳақиқий сумма  
 ~ **balance** 1. амалдаги қол-

диқ, ҳақиқий қолдиқ;  
 2. амалдаги сумма  
 ~ **cost** 1. ҳақиқий қиймат; 2. ҳақиқий таннарх  
 ~ **expenditure** амалдаги харajatлар  
 ~ **expenses** амалдаги харajatлар  
 ~ **interest rate** амалдаги фоидав ставкasi  
 ~ **loss** амалдаги зарар  
 ~ **payments** амалдаги тўловлар  
 ~ **price** амалдаги нарх, ҳақиқий нарх  
 ~ **quotation** амалдаги курс  
 ~ **rate** амалдаги ставка  
 ~ **rate of return** фойданинг амалдаги метёри  
 ~ **receipts** амалдаги пул тушумлари  
 ~ **risk** амалдаги таваккалчилик  
 ~ **savings** амалдаги жамғармалар  
 ~ **stock** нақд захира  
 ~ **value** 1. ҳақиқий қиймат (баҳо) 2. ҳақиқий қиммат  
 ~ **yield** амалдаги даромад  
 ~ **yield of bonds** облигацияларнинг амалдаги даромади

**ACTUALS** *n* 1. 1. нақд пул; 2. амалда мавжуд бўлган моллар

**against** ~ айирбошлаш битими, "нақд пулга айирбошлаш"

**ACTUALIZE** *v* амалга оширмақ, рўёбга чиқармоқ

**ACTUARIAL** *a* суғурта..., суғурта ишига алоқадор

**ACTUARY** *n* суғурта иши билан шуғулланувчи мутахассис

AD реклама, реклама эълони  
 to broadcast ~s рекламани радио орқали бермоқ  
 to post up ~s эълонларни осиб қўймоқ  
 to put up ~s эълонларни осиб қўймоқ  
 dealers' ~s чакана савдодаги реклама  
 illuminated ~ ёруғлик рекламаси  
 newspaper ~ газета эълони  
 scheduled ~ режали реклама  
 travel ~s саёҳатлар рекламаси  
 wall ~ деворий реклама

ADAPT *v* мослашмоқ, ...-га нисбатан қўлланмоқ  
 to ~ the market бозор талабларига мослашмоқ

ADAPTATION *n* мослашув, мослашиш  
 ~ of product маҳсулотнинг мослашуви  
 ~ of supply-to-demand талаб ва таклифни ўзаро мослаштириш  
 price ~ нархларни қайта кўриб чиқиш  
 product ~ маҳсулотни мослаштириш

ADAY *n* Молиявий хизматлар тўғрисидаги қонун қабул қилинган кун

ADD *v* тахламоқ, қўшиб қўймоқ; қўшимча қилмоқ; қўшиб ёзмақ  
 to ~ 5% to the price нархга 5% қўшмоқ  
 to ~ the interest фоиз қўшиб ҳисобламоқ

ADDED *a* қўшимча, тўпланган; қўшимча  
 ~ interest тўпланган фоизлар

~ interest burden қўшимча фоиз ставкасининг оғир юки  
 ~-value tax қўшимча қиймат солиғи (*харид солиғи; нарх ўсиш баробарида ўсиб боради*)  
 value ~ қўшилган қиймат; қийматнинг ўсиши

ADDENDUM *n* илова, қўшимча

~ to a contract шартномага қўшимча киритиш  
 ~ to letter of invitation to tender савдо ёзма таклифномасига илова

ADDING *n* қўшиш

ADDITION *n* 1. тўлдириш; ошириш; қўшиш; 2. *pl* асосий сармойнинг ўсиши  
 ~ of interest фоизларни тўплаш; фоизларнинг ўсиши  
 ~ of value қийматини ошириш  
 ~s completed ишлаб чиқаришнинг қўшимча қувватлари  
 ~s to capacity ишлаб чиқариш қувватларининг ўсиши  
 ~s to capital сармойнинг ўсиши  
 ~s to existing plants мавжуд корхоналарни кенгайтириш  
 ~ to age суғурталанган ёшнинг оширилиши туфайли (*тариф ставкасига*) қўшиладиган устама  
 ~s to fixed assets асосий фондларнинг ўсиши  
 ~ to one's salary маошга қўшиладиган устама  
 ~s to surplus захира сармояга қўшиладиган ажратмалар  
 balanced ~s асосий сармойнинг мувозанатли ўсиши  
 dividend ~ суғурта суммасини

тўланадиган дивидендлар\*  
 ҳисобига ошириш  
 mercantile ~ to price нархга  
 қўшиладиган савдо устама-  
 си

net ~ to labour force ишчи  
 кучининг соф ўсиши  
 permanent ~ to plant ишлаб  
 чиқариш қувватларини узоқ  
 давр фойдаланиш учун кен-  
 гайтириш

stock ~ захираларнинг ўси-  
 ши

unbalanced ~s асосий сармоя-  
 нинг мувозанатланмаган тар-  
 zda ўсиши

**ADDITIONAL** *a* қўшимча,  
 қўшимча қилинган

~ borrowing қўшимча қарз

~ capital қўшимча сармоя

~ charges қўшимча хара-  
 жатлар; устама; қўшимча  
 тўлов

~ clause қўшимча шарт

~ collateral қўшимча гаров;  
 қўшимча таъминот

~ condition қўшимча шарт

~ financing қўшимча равиш-  
 да маблағ билан таъминлаш;  
 қўшимча маблағ ажратиш

~ income қўшимча даромад

~ investment қўшимча сармоя  
 сарфлаш

~ levy қўшимча йиғим; қў-  
 шимча солиқ

~ loan қўшимча ссуда;  
 қўшимча қарз

~ paid-in capital қўшимча  
 акциядорлик сармоясининг  
 тўланган қисми

~ payment қўшимча тўлов

~ price устамали нарх

~ proceeds қимматли қоғоз-  
 лар сотувидан олинган қў-  
 шимча тушум

~ revenue қўшимча даромад  
 ~ risk қўшимча тавак-  
 калчилик

~ security қўшимча таъми-  
 нот; қўшимча кафолат

~ security of loan ссуданинг  
 қўшимча таъминоти

~ source of revenue қўшимча  
 даромад манбаи

**ADD-LISTER** *n* бажарилган  
 операцияларни тасмага ёзиб  
 олувчи ҳисоблаш машинаси

**ADD-ON** *a* қўшимча, қўшимча  
 қилинган

~ interest қўшилган фоиз-  
 лар

**ADDRESS** *n* 1. манзил; 2. му-  
 рожаат, нутқ

business ~ фирма манзили,  
 корхона манзили

cable ~ телеграф (телекс)  
 манзили

code ~ шартли манзил

complete ~ тўлиқ манзил

correct ~ тўғри манзил

cover ~ шартли манзил

exact ~ аниқ манзил

forwarding ~ жўнатиш ман-  
 зили

full ~ тўлиқ манзил

inaugural ~ 1. вазифани ба-  
 жаришга киришишдаги му-  
 рожаат; 2. кўрғазма, музей ва  
 ш.к.ни очишдаги нутқ

incomplete ~ нотўла манзил

incorrect ~ нотўғри манзил

inside ~ ички манзил

legal ~ юридик манзил

office ~ корхона манзили

postal ~ почта манзили

return ~ юборувчи манзили

telegraphic ~ телеграф ман-  
 зили

**ADDRESS** *v* номига йўлламоқ;  
 йўналтирмоқ

**ADDRESSED** *a* номига йўлланган

~ **bill** тўлов манзили кўрсатилган вексель

**ADDRESSEE** *n* олувчи

**ADEQUACY** *n* мослик, мувофиқлик

~ **in quality** сифат мувофиқлиги

~ **of consumer choice** истеъмол танловининг мувофиқлиги

~ **of packing** ўрамнинг тўғрилиги

~ **of return** фойданинг етарлилиги

**ADEQUATE** *a* етарли; талабга жавоб берувчи; мувофиқ келадиган

~ **security** етарли даражадаги таъминот

**ADHERE** *v* амал қилмоқ, риоя қилиш (*битим шартларига*)

**to ~ to gold** олтин стандартига\* амал қилмоқ

**ADHERENCE** *n* қатъий риоя қилиш (*қарорларга, қоидаларга*)

~ **to contract specifications** битим шартларига риоя қилиш

~ **to loan covenants** кредит шартномалари шартларига риоя қилиш

**AD HOC:**

**A. Committee of the Board of Governors on Reform of the International Monetary System and Related Issues**

Халқаро валюта тизимини ислоҳ қилиш масаласи ва у билан боғлиқ муаммолар

бўйича бошқарувчилар кенгашининг махсус қўмитаси

**AD HOC** *лат. a* махсус, махсус жалб этилган

**ADJOURN** *v* кейинга сурмоқ, кечиктирмоқ (*мажлисни, сессияни*)

**ADJOURNMENT** *n* муддатни кейинга суриш

~ **of payment** тўлов муддатини кейинга суриш

**ADJUDGE** *n* суд қарори

~ **bankrupt** суд банкрот деб эълон қилган шахс

**ADJUDGE** *v* суд орқали ҳал қилмоқ

**ADJUDICATE** *v* суд қилмоқ, ҳукм чиқармоқ

**to ~ a bankrupt** тўловга лаёқатсиз деб эълон қилмоқ,

банкрот деб эълон қилмоқ, тўловга лаёқатсиз қарздор

деб эълон қилмоқ

**ADJUDICATED** *a* ҳукм қилинган; эълон қилинган

~ **bankrupt** тўловга лаёқатсиз деб эълон қилинган, банкрот

деб эълон қилинган, тўловга лаёқатсиз қарздор деб эълон қилинган

**ADJUDICATION** *n* 1. суд қарори; 2. ҳукм қилиш (*мас. суд қарори билан товон тўланишини*);

3. тўловга лаёқатсиз қарздор деб эълон қилиш, суд ҳукми билан банкрот деб эълон қилиш; қарздор

мулкининг қайта сотиб олиш ҳуқуқи сақланган ҳолда кредиторга ўтиши

~ **of a dispute** баҳсни ҳал қилиш

~ **of bankruptcy** тўловга лаёқатсиз қарздор деб эълон

қилиш; суд ҳукми билан банкрот деб эълон қилиш  
 ~ order тўловга лаёқатсиз қарздор деб тан олиш  
 ҳақидаги суд қарори, банкрот деб тан олиш ҳақидаги суд қарори

**ADJUNCT** *a* 1. илова қилинаётган; қўшимча қилинган;  
 2. вақтинча  
 ~ account тақсимловчи ҳисобрақам

**ADJUST** *v* 1. мосламоқ; мос (мувофиқ) ҳолга келтирмоқ; тартибга келтирмоқ; 2. курсни тўғриламоқ; 3. суғурта полиси\* бўйича тўланадиган суммани белгиламоқ; 4. йўлга қўймоқ, тартибга солмоқ  
 to ~ according to index индексация\* қилмоқ

to ~ an account ҳисобрақамини таққосламоқ  
 to ~ debts қарзларни тартибга солмоқ

to ~ downwards камайтирмоқ, пасайтирмоқ (*нархни*)  
 to ~ supply to a current таклифни жорий талабга мувофиқлаштирмоқ

to ~ to current prices жорий нархларга мослаб тўғриламоқ (тузатиш киритмоқ)

to ~ upwards кўтармоқ, оширмоқ (*нархни*)

**ADJUSTABLE** *a* тартибга солинадиган; мослаштириладиган; бошқариладиган  
 ~ currency савдо эҳтиёжларига ўз-ўзидан мослашувчан пул муомаласи; ўзгарувчан (мослашувчан) пул муомаласи

~ *per* вақт-вақти билан қайд

этиб бориладиган мослашувчан валюта курси тизими

~ price бошқариладиган нарх  
 ~ rate mortgage фоиз ставкаси тартибга солинадиган ипотека\*

~ rate mortgage loan с фоиз ставкаси тартибга солинадиган ипотека ссудаси\*

~ rate preferred share (stock) фоиз ставкаси тартибга солинадиган имтиёзли акция

~ rate preferred stock фоиз ставкаси тартибга солинадиган имтиёзли акция

~ rate refunding operation маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идорасининг ставкаси белгилаб қўйилган узоқ муддатли облигацияларга ўз-ўзидан айирбошланадиган ва фоиз ставкаси тартибга солинадиган қисқа муддатли облигациялари

**ADJUSTED** *a* аниқланган; тўғриланган; тузатилган; киритилган тузатишлар билан  
 ~ capital base банкнинг тўғриланган сармоя асоси  
 ~ for changes in prices нарх ўзгарувчанлигини бартараф этган ҳолда

~ for seasonal variations мавсумий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда

~ for taxation солиқларни ҳисобга олган ҳолда

~ loss зарарнинг аниқланган ҳажми

~ price тўғриланган (тузатилган) нарх

~ reserves қайта ҳисобланган захиралар

~ revenue даромаднинг тўғриланган (тузатилган) ҳажми



seasonally ~ мавсумий ўзгаришларни бартараф этган ҳолда

ADJUSTER *n* 1. тартибга солувчи; 2. диспашер\*

to appoint an ~ диспашерни\* тайинламоқ

claims ~ даъволар бўйича диспашер\*

fire-loss ~ ёнгинлар билан боғлиқ даъволар бўйича диспашер\*

senior ~ катта диспашер\*

ADJUSTMENT *n* 1. келишиш, мувофиқ ҳолатга келтириш; 2. қайдни тўғрилаш (банк ҳисобрақами бўйича); қайдни тузатиш (банк ҳисобрақами бўйича); 3. тартибга солиш, бараварлаштириш (*тўлов балансини*); 4. тузатиш,

тартибга солиш

~ account тартибга солувчи ҳисобрақам

~ between demand and supply талаб ва таклиф ўртасида мувозанат ўрнатиш

~ bonds компания асосий сармоясининг тузилишини ўзгартириш мақсадида чиқарилаётган облигациялар

~ for changes in the account ҳисобрақамдаги ўзгартишга тузатиш

~ for changes in stocks акциялардаги ўзгартиришларга тузатиш киритиш

~ for discrepancies статистик тузатиш

~ for grouping гуруҳлашга тузатиш киритиш

~ for seasonal variations мавсумий ўзгаришларга тузатиш киритиш

~ for variation in the price

levels нарх-наво даражасидаги ўзгаришларга тузатиш киритиш

~ for turnover of staff лавозимлар таркибидаги ўзгаришларга тузатиш киритиш

~ fund тартибга солиш фонди

~ lending тартибга солувчи кредит ажратиш

~ of an account ҳисобрақами тузатиш

~ of the average диспаша\* тузиш

~ of the balance sheet балансни тўғрилаш

~ of a claim даъволарни ҳал этиш

~ of debts қарзларни тартибга солиш

~ of economic to monetary changes иқтисодийтн пул ўзгаришларига мослаштириш

~ of flows of savings and investment жамғармалар ва инвестициялар ўртасида му-

возанат ўрнатиш

~ of a machine механизмни созлаш

~ of national income миллий даромадни бирор иқтисодий ўлчамлардаги ўзгаришларга

мослаштириш

~ of prices нархларни тенглаштириш

~ of a record қайдни тузатиш

~ of a schedule жадвални тўғрилаш

~ of wage rates иш ҳақи ставкаларини ўзгартириш

~ of wages and salaries ишчи ва хизматчилар иш ҳақини тартибга солиш

~ on conversion қарз шарт-

ларини ўзгартиришда тўланадиган сумма  
 ~ on site жойида тартибга солиш  
 ~ process тўловларни тартибга солиш жараёни  
 ~ trigger валюта курсини тартибга солиш заруратини юзага келтирувчи мезон  
 to draw up an ~ диспаша\* тузмоқ  
 to make an ~ 1. тузатиш киритмоқ; 2. диспаша\* тузмоқ  
 to prepare an average ~ диспаша\* тайёрламоқ  
 acquisition ~ сотув ва бошланғич қийматлар ўртасидаги тафовут  
 agricultural ~ қишлоқ хўжалигини тартибга солиш  
 audit ~s аудитор\* тузатиши  
 automatic ~ автоматик равишда тартибга солиш  
 average ~ диспаша\*  
 basic ~ тузилмавий қайта қуриш (тўлов балансини)  
 capital consumption ~ асосий воситалар эскиришига тузатиш киритиш  
 capital-stock ~ сармояни бозордаги вазият ўзгаришига мослаштириш  
 claims ~ диспаша\*  
 cost-of-living ~ яшаш учун зарур нарсалар энг кам миқдорининг ошишига қараб тўғрилаш  
 cost of sales ~s сотувлар таннархига тузатишлар киритиш  
 cost-prices-output ~ "ишлаб чиқариш-чиқимлар-нархлар" нисбатини тартибга солиш  
 currency ~ валюта паритетларини\* қайта қўриб чиқиш

current cost ~s жорий қиймат бўйича тузатишлар  
 cyclical ~ иқтисодиётнинг давр мобайнида мослашуви  
 depreciation ~ эскиришни тузатиш  
 dollar ~ тоvon пули, долларда тўланадиган тоvon  
 downward ~ 1. пасайтириш (нарх-навони); 2. камайиш томонга тузатиш  
 employment ~ иш билан таъминланганлик даражасини ўзгартириш йўли билан (меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни) мувофиқлаштириш  
 exchange-rate ~ 1. валюта фонддини тартибга солиш; 2. pl валюта курсларини тенглаштириш  
 field ~ фойдаланиш мақсадида созлаш  
 financial ~ ўтказма фонд  
 financial cost accounts calendar ~ молиявий ҳисоб-рақамлар ва сарф-харажатлар ҳисоб-рақамларини тақвим асосида бир-бирига мослаш  
 forecast ~ истиқболни айтиб беришни аниқлаш  
 gearing ~ қарз сармояси улушига тузатиш киритиш  
 income ~ даромадларни тартибга солиш  
 industrial ~ саноатни қайта қуриш; саноатни бозорнинг янги талабларига мослаштириш  
 interest rate ~ фоиз меъёрини тартибга солиш  
 inventory ~ захираларни бошқариш  
 inventory valuation ~ захи-

ралар қийматини тўғрилаш;  
товар-моддий захираларнинг  
қайта баҳоланишига тузатиш  
киритиш

long-run ~ узоқ муддат да-  
вомида тартибга солиш

minor ~ жузъий тузатиш

monetary working capital ~  
соф пул айланма сармоясига  
тузатиш киритиш

money-wage ~ иш ҳақлари  
бўйича пул тўловларини  
тартибга солиш

par value ~ валюта паритет-  
ларини\* қайта тузиш

portfolio ~ активлар порт-  
фели\* тузилишини тартибга  
солиш

premium ~ устама ҳақни  
келишиб олиш

price ~ 1. нарх-навони тўғ-  
рилаш; 2. нарх-наво ўзга-  
риши асосида (*талаб ва  
таклифни*) мувофиқлаш-  
тириш

price level ~ нарх-наво ўз-  
гаришига тузатиш киритиш

prior period ~ олдинги даврга  
тузатиш киритиш

quantity ~ миллий даро-  
мадни ўзгартириш йўли  
билан иқтисодий мувоза-  
натни тиклаш

retroactive ~ 1. олдинги давр  
кўрсаткичлари билан тақ-  
қослаш; 2. олдинги даврга  
тузатиш киритиш

scale ~ миқёсни тартибга со-  
лиш

seasonal ~ мавсумий ўзга-  
ришларга тузатиш киритиш

short-run ~ қисқа муддат да-  
вомида тартибга солиш

stock ~ захираларни бош-  
қариш

structural ~ тузилмавий қай-  
та қуриш

trading-day ~ иш кунлари  
сонига тузатиш киритиш

translation ~ тузатишларни  
кўчириш

upward ~ ошириш (*нарх-на-  
вони*); ошишга мойиллик;

ошиш томонга қараб тузатиш

variance ~ тафовутларни  
тартибга солиш

wage-level ~ иш ҳақининг  
мослаштирувчилик таъсири

year-end ~ йил охирида  
амалга ошириладиган ту-  
затиш

ADMINISTER *v* 1. бошқармоқ;  
2. ёрдам кўрсатмоқ; таъминла-  
моқ; 3. хўжалик ишларини  
юритмоқ

to ~ property мулкни бош-  
қармоқ

to ~ the funds of consortium  
консорциум\* маблағларини  
бошқармоқ

ADMINISTERED *a* бошқари-  
ладиган, маъмурий  
~ price бошқариладиган нарх  
~ rates маъмурий фоиз став-  
калари

ADMINISTRATE *v* идора қил-  
моқ, бошқармоқ  
~ account ҳисобрақамни  
бошқармоқ

ADMINISTRATION:

Domestic and International  
Business A. Ички ва халқаро  
тадбиркорлик бошқармаси  
(*АҚШ Савдо вазирлигида*)

Economic Cooperation A.  
Иқтисодий ҳамкорлик маъ-  
мурияти (*Буюк Британия*)

Economic Development A.  
Иқтисодий ривожланиш бош-

қармаси (АҚШ Савдо вазирлигида)

**Employment Standards A.** Меҳнат мезонлари бошқармаси (АҚШ Меҳнат вазирлигида)

**Farm Credit A.** Фермерлик кредитлари ишлари маъмурияти (АҚШ)

**Maritime A.** Савдо флоти бошқармаси (АҚШ Савдо вазирлигида)

**National Credit Union A.** Кредит иттифоқларининг миллий маъмурияти (АҚШ)

**ADMINISTRATION n** 1. бошқарма, маъмурият; 2. ҳукумат; 3. маҳкама; идора; 4. ишлар бошқармаси

~ expenses маъмурий (ҳукуматга тегишли) харажатлар  
~ for personnel ходимлар билан ишлаш бошқармаси  
~ of accounts ҳисобрақамлар юритиш

~ of assets активларни\* эгасининг топшириғига кўра бошқариш

~ of the budget бюджетни ижро этиш

~ of estates вафот этган шахс мулкый масалаларининг унинг шахсий вакили томонидан ҳал қилинишига доир юридик ҳаракат

~ of guarantees кафолатлар бериш

~ of a fair ярмарка маъмурияти

~ of labour management arbitration меҳнат низоларини ҳакамлик суди тартибида кўриб чиқиш

~ of loans кредитлар бериш

~ of a project лойиҳага раҳбарлик қилиш

~ of securities қимматли қоғозларни бошқариш  
aviation ~ авиация маҳкамаси

business ~ савдо-саноат фаолиятини бошқариш

contract ~ шартнома ижросини назорат қилиш

customs ~ божхона бошқармаси

economic planning ~ режали иқтисодий бошқарув

fair ~ ярмарка маъмурияти

financial ~ молиявий ишларни юритиш

fiscal ~ солиқ маҳкамаси, солиқ бошқармаси

harbour ~ бандаргоҳ маъмурияти

local ~ маҳаллий ҳокимият идоралари

municipal ~ маҳаллий ўз-ўзини бошқарув идоралари маъмурлари

personnel ~ ходимлар билан ишлаш бошқармаси

plant ~ корхона раҳбарияти

poor-law ~ қашшоқликка қарши кураш бўйича давлат идоралари

port ~ бандаргоҳ маъмурияти

price ~ нарх-навони тартибга солиш

project ~ лойиҳага раҳбарлик қилиш

public ~ 1. давлат миқёсида ва маҳаллий даражада бошқариш; 2. давлат идоралари ва маҳаллий идоралар

boшқаруви соҳаси

railway ~ темир йўл маҳкамаси

salary-and-wage ~ меҳнатга ҳақ тўлаш масалаларини тартибга солувчи идора  
surplus marketing ~ керагидан ортиқча молларни сотиш идораси

tax ~ солиқ идораси transport ~ транспорт бошқармаси

ADMINISTRATIVE *a* маъмурий; бошқарув ...

~ costs маъмурий харажатлар

~ endorsement фармойишли индоссамент\*

~ fixing of interest rates (фоиз ставкаларини маъмурий йўл билан қайд этиш (белгилаб қўйиш))

~ review ички текширув

ADMINISTRATOR *n* 1. маъмур, бошқарувчи, бошлиқ, мудир; бошқарувчи директор; 2. васий

~ of estate меросга қолаётган мол-мулк бошқарувчиси

assistant deputy ~ раҳбар ўринбосари ёрдамчиси

associate ~ раҳбарнинг биринчи ёрдамчиси

ADMIRALTY *n* денгиз вазирлиги

ADMISSIBILITY *n* рухсат этиш, йўл қўйиш

merchandise ~ мол киритишга рухсат этиш (*мамлакатга*)

ADMISSIBLE *a* мумкин бўлган, йўл қўйиладиган, рухсат этиладиган; мақбул

~ risk йўл қўйилиши мумкин бўлган таваккалчилик

ADMISSION *n* 1. ижозат; рухсат; тан олиш; 2. кириш, (фойдаланиш ҳуқуқи; рухсат

этиш; 3. эътироф этиш (*туғрилигини, ҳақиқийлигини*)

~ fee кириш бадала

~ of a claim даъвони тан олиш

~ of goods free of duty молларни бож тўловисиз олиб киришга рухсат этиш

~ of liability молиявий жавобгарликни тан олиш

~ of responsibility жавобгарликни тан олиш

~ of security to listing қимматли қоғознинг фонд биржасида расмий савдога қўйилишига рухсат бериш

~ to official listing қимматли қоғознинг фонд биржасида расмий савдога қўйилишига рухсат бериш

~ to quotation қимматли қоғознинг фонд биржасида рўйхатга олинишига рухсат бериш

~ to stock exchange қимматли қоғознинг фонд биржасига киритилишига рухсат бериш

~ to stock exchange trading қимматли қоғознинг фонд биржасида расмий савдога қўйилишига рухсат бериш

temporary ~ реэкспорт\* қилишга мўлжалланган молнинг мамлакатга олиб кирилишига рухсат бериш

ADMIT *v* қабул қилмоқ; йўл қўймоқ; тан олмоқ

to ~ a claim даъвонинг адолатлилигини тан олмоқ

to ~ as partner шерик сифатида қабул қилмоқ

to ~ to a consortium консорциумга\* қабул қилмоқ

to ~ to official listing

қимматли қоғозни фонд биржасида расмий савдога қўйилишига рухсат бермоқ

**ADMITTANCE** *n* 1. кириш (фойдаланиш) ҳуқуқи; рухсат этиш; кириш; 2. эътироф этиш, тан олиш; 3. молни четдан келтиришга рухсат бериш  
~ of quality сифатни маъқуллаш

**ADMITTED** *a* йўл қўйилган, рухсат этилган  
~ to official listing фонд биржасида расмий савдога қўйилган

**ADOPT** *v* 1. қабул қилмоқ (*қарор ва ш.к.*); 2. ўзлаш-тирмоқ (*услугларни*)

**ADOPTED** *a* умум қабул қилинган

**ADOPTION** *n* қабул қилиш

**ADULT** *n* катта ёшдаги, ба-лоғат ёшига етган

**ADULTERATE** *v* сохталаш-тирмоқ, қалбакилаштирмоқ (*озик-овқат маҳсулотни тўғ-рисида*)

to ~ coinage қалбаки тангалар тайёрлаш билан шуғулланмоқ

**ADULTERATED** *a* 1. сохта-лаштирилган, қалбакилаш-тирилган; 2. бузилган, суюл-тирилган

~ money сохта пул; қалбаки пул

**ADULTERATION** сохталаш-тириш, қалбакилаштириш  
~ of coinage қалбаки тангалар тайёрлаш, тангаларни қалбакилаштириш

**ADVANCE** *n* 1. яхшиланиш; тараққиёт; ўсиш; 2. бўнак, бўнак ажратиш; 3. қарз; ссу-

да; 4. ўсиш, оши(ри)ш (*нарх-наво ҳақида*); 5. кўтарилиш (*хизмат буйича*)

~ account ссудалар ҳисоб-рақами

~ against bills векселлар ҳисобидан бериладиган ссуда

~ against goods моллар гарови асосида бериладиган ссуда

~ against goods as security мол билан таъминланган ссуда

~ against hypothecation of goods мол гарови асосидаги ссуда

~ against payment тўловлар ҳисобига бериладиган бўнак

~ against pladge of goods мол гарови асосидаги ссуда

~ against promissory notes векселлар ҳисобидан бериладиган ссуда

~ against reciprocal payments ўзаро ҳисоб-китоблар ҳисобидан бериладиган бўнак

~ against securities қимматли қоғозлар асосида бериладиган ссуда

~ against security таъминот асосида бериладиган ссуда, ломбард ссудаси\*

~ against stocks қимматли қоғозлар асосидаги ссуда

~ as earnest money бўнак-закалот

~ bill мол жўнатишга қадар ёзиб берилган вексель

~ charge муддатидан олдинги тўлов

~ commitment кредит бериш мажбурияти

~ cover олдиндан ўрнини қоплаш

~s-declines ratio курсларнинг

пасайиш ёки кўтарилиш  
кўрсаткичи  
~s-declines theory курс-  
ларнинг пасайиш ёки кў-  
тарилиш назарияси, бозор  
кенглиги назарияси  
~ free of interest фойсиз ссу-  
да  
~ guarantee олдиндан бе-  
риладиган кафолат  
- has been paid off бўнак  
қопланган (тўланган)  
~ in current account банк  
жорий ҳисобрақамидаги бў-  
нак  
- in living standard турмуш  
даражасининг ўсиши  
- in the cost of living яшаш  
қийматининг ошиши  
- in price нарх-навонинг  
ошиши  
- is paid бўнак берилган  
- loan бўнак ссуда  
- mortgage дастлабки гаров  
- mortgaging гаров асосида  
бўнак олиш  
- notice олдиндан хабар  
бериш  
- notice of withdrawal ҳисоб-  
рақамдан маблағларнинг  
олиниши тўғрисида олдиндан  
хабар бериш  
~ of capital сармоя сарфи  
~ of funds ссуда бериш  
~ of royalties муаллиф қалам  
ҳақининг бир қисмини тўлаш  
(одатда шартномани имзо-  
лашда)  
~ of salary иш ҳақини  
ошириш (хизматчиларнинг)  
~ of wages иш ҳақини  
ошириш (ишчиларнинг)  
~ on collateral гаров асо-  
сидаги бўнак  
~ on commercial crediting

тижорат мақсадларига кредит  
ажратиш учун бериладиган  
бўнак  
~ on crops ҳосил гарови  
асосида бериладиган бўнак  
~ on current account жорий  
ҳисобрақам бўйича берила-  
диган ссуда  
~ on current account system  
контокоррент\* кредити ти-  
зими  
~ on receivables дебиторлик  
қарзи асосида бериладиган  
бўнак  
~ on securities қимматли  
қоғозлар асосида бериладиган  
бўнак  
~ on warrant кафолат асосида  
бериладиган ссуда  
~ payment муддатидан олдин  
тўлаш; бўнак бериш; бўнак  
шаклидаги тўлов  
~ payment guarantee муд-  
датидан олдин тўлаш кафо-  
лати  
~s portfolio банкнинг кредит  
портфели\*  
~ provision бўнак тўлови  
ҳақидаги қўшимча шарт  
~ sale олдиндан сотиш  
~ transfer бўнак ўтказиш  
to ask for an ~ бўнак  
сўрамоқ  
to grant an ~ 1. бай пули  
бермоқ; 2. бўнак бермоқ  
to make an ~ 1. бўнак бер-  
моқ; 2. бай пули бермоқ  
to obtain an ~ of money  
бўнак (бай) пули олмоқ  
to pay an ~ бўнак тўламоқ  
to pay in ~ олдиндан тўламоқ  
to receive an ~ бўнак олмоқ  
to repay an ~ бўнакни  
қопламоқ (тўламоқ)  
bank ~ банк ссудаси

cash ~ пул бұнаги; нақд пул шаклидаги кредит

collateral ~ таъминот асосидаги ссуда, ломбард ссудаси\*

economical ~ иқтисодий тараққиёт (ўсиш)

farming ~ фермернинг банк ссудаси

freight ~ фрахт\* бұнаги

in ~ муддатидан илгари, олдиндан

index ~ кўрсаткичнинг ўсиши ёки ошиши

money ~ пул ссудаси

outstanding ~s тўланмаган (қопланмаган) бұнақлар

outstanding claims ~ тўланмаган даъволар қопланишини таъминловчи бадал

price ~ нарх-навонинг ошиши; нархнинг ўсиши

secured ~ таъминот асосидаги ссуда, ломбард ссудаси\*

self-liquidating ~ ўзини ўзи тугатувчи кредит

sufficient ~ етарли даражадаги бұнақ

technological ~s технология соҳасидаги ютуқлар

travel ~ хизмат сафари харажатлари учун бериладиган бұнақ

uncovered ~ таъминотсиз ссуда

way and means ~ бюджет харажатларини қоплаш учун давлат хазинасига бериладиган ссуда

**ADVANCE** *v* 1 1. бұнақ бермоқ; 2. оширмоқ (*нархни*); 3. киритмоқ (*таклиф*); 4. қарзга пул бермоқ, ссуда бермоқ

to ~ a capital олдиндан сармоя бермоқ

to ~ money ссуда бермоқ

to ~ money on securities қимматли қоғозлар асосида ссуда бермоқ

**ADVANCED** *a* 1. илғор, ўсиб борувчи; замонавий; 2. олдиндан берилган; муддатидан олдинги; оширилган

~ capital олдиндан берилган сармоя

~ payments from customers мижозлардан муддатидан олдин келган тўловлар

~ price оширилган нарх

~ refunding муддатидан олдин қайта маблағ ажратиш

~ repayment муддатидан олдин тўлаш (*кредитни*)

**ADVANCEMENT** *n* ютуқ, муваффақият, тараққиёт, ривожланиш

economic ~ иқтисодий тараққиёт

**ADVANCING** *n* бұнақ бериш

**ADVANCING** *a* ўсиб борувчи

~ market ўсиб борувчи бозор

**ADVANTAGE** *n* 1. афзаллик; устунлик; 2. манфаат; фойда; имтиёз

~s of location географик жойлашиш афзалликлари

to assess ~ афзалликни (устунликни) баҳоламоқ

to derive ~ фойда олмақ

to evaluate ~ устунликни баҳоламоқ

to gain an ~ устунликка эришмоқ

to give ~s имтиёзлар бермоқ

to produce ~s имтиёзлар бермоқ



to score an ~ устунликка эга  
 бұлмоқ  
 to take ~ of something бирор  
 нарсадан фойдаланмоқ  
 to turn to ~ фойда олмоқ, ўз  
 фойдасига бурмоқ  
 to use to ~ манфаатли тарзда  
 фойдаланмоқ  
 added ~ қўшимча имтиёз  
 additional ~ қўшимча имтиёз  
 basic ~ асосий имтиёз, асо-  
 сий устунлик  
 common ~ умумий манфаат  
 comparative ~s қиёсий ус-  
 тунликлар  
 distinct ~ муайян устунлик  
 economic ~ иқтисодий сама-  
 ра; хўжалик манфаати  
 equal ~ тенг манфаат  
 financial ~ молиявий манфаат  
 for mutual ~ ўзаро манфаат  
 учун  
 incidental ~ арзимас устунлик  
 main ~ асосий устунлик  
 major ~ асосий устунлик  
 manifold ~s кўпдан кўн ус-  
 тунликлар  
 marketing ~s маркетинг\* ус-  
 тунликлари  
 maximum ~ энг юқори ус-  
 тунлик  
 mutual ~ ўзаро манфаат-  
 дорлик  
 natural ~ 1. географик жой-  
 лашиш афзалликлари; 2. та-  
 бийий устунликлар  
 net ~ s соф устунликлар  
 tax ~ (мавжуд) солиқ солиш  
 тизими туфайли кўриладиган  
 фойда  
 numerous ~s кўпдан кўп,  
 имтиёзлар  
 preferential ~s устувор им-  
 тиёзлар  
 price ~s нарх устунликлари

prime ~s энг муҳим устунлик  
 singular ~ мутлақ устунлик  
**ADVANTAGE** *v* 1. устунлик-  
 ка эришмоқ; 2. ёрдам бер-  
 моқ; қулайлик яратиб бермоқ  
**ADVANTAGEOUS** *a* манфа-  
 атли; фойдали; қулай  
 ~ offer фойдали таклиф  
 ~ sale фойдали сотув  
**ADVENTURE** *n* 1. дадил,  
 қалтис тадбир; 2. қалтис  
 тижорат иши; чайқовчилик  
 joint ~ қисқа муддатли  
 қўшма корхона, муваққат  
 ширкат  
**ADVENTURER** *n* таваккалчи  
 ишбилармон  
**ADVERSE** 1. ноқулай; 2. пас-  
 сив (*баланс ҳақида*)  
 ~ conjuncture ноқулай  
 иқтисодий аҳвол  
 ~ economic trend иқтисодий  
 ривожланишнинг ноқулай  
 йўналиши  
 ~ market conditions бо-  
 зорнинг ноқулай ҳолати  
 ~ trading conditions савдодаги  
 ноқулай шароитлар  
**ADVERT** *n* реклама; реклама  
 эълони (хабари)  
**ADVERTISE** *v* 1. эълон қил-  
 моқ, эълон бермоқ; 2. рекла-  
 ма қилмоқ  
 to ~ for bids савдо ҳақида  
 эълон қилмоқ  
 to ~ for creditors кредитор-  
 лар ҳақида эълон бермоқ  
 to ~ for sale сотув ҳақида  
 эълон бермоқ; сотувга так-  
 лиф қилмоқ  
**ADVERTISED** *a* 1. эълон қи-  
 линган; 2. реклама қилинган  
 ~ bidding очиқ савдо  
 ~ price расман эълон қи-  
 линган нарх

**ADVERTISEMENT** *n* реклама; реклама эълони (хабари)  
 ~ in the press матбуотдаги реклама  
 ~ of bids савдо ҳақидаги эълон  
 ~ of goods моллар рекламаси  
 ~ of tenders савдо ҳақидаги эълон  
 to interest an ~ эълон бермоқ (*газетада*)  
 to place an ~ эълон бермоқ  
 to put in an ~ эълон бермоқ (*газетада*)  
 bank ~ банк рекламаси  
 dealers' ~ дилерлик\* рекламаси  
 trade ~ тижорат рекламаси  
**ADVERTISER** *n* реклама берувчи  
 industrial ~ саноат молларини реклама қилувчи  
 regional ~ минтақавий реклама берувчи  
**ADVERTISING** *n* реклама қилиш; реклама  
 ~ expenses реклама харajatлари  
 ~ of goods моллар рекламаси  
 ~ on difficult marketing қийин сотиладиган моллар рекламаси  
 ~ to business ишбилармон доиралар ёки алоҳида корхоналарни реклама қилиш  
 to arrange ~ рекламани ташкил этмоқ  
 to do ~ реклама қилмоқ  
 to finance ~ реклама учун маблағ ажратмоқ  
 to handle ~ рекламани тартибга солмоқ  
 to promote ~ реклама қилишга қўмаклашмоқ  
 advance ~ дастлабки реклама

auxiliary ~ ёрдамчи реклама  
 bank ~ банк рекламаси  
 commercial ~ тижорат рекламаси  
 commodity ~ мол рекламаси  
 consumer ~ истеъмол моллари рекламаси  
 cooperative ~ биргаликдаги савдо-саноат рекламаси  
 coupon ~ купонли\* реклама  
 current ~ жорий реклама  
 decent ~ холис (тазийқсиз) реклама  
 direct ~ бевосита истеъмолчиларга мўлжалланган реклама  
 direct-mail ~ почта орқали реклама қилиш  
 domestic ~ ички реклама  
 export ~ ташқи савдо рекламаси  
 free editorial ~ бепул нашриёт рекламаси  
 individual ~ якка тартибда реклама қилиш  
 industrial ~ саноат буюртмачиларига мўлжалланган реклама  
 informational ~ ахборотли реклама  
 informative ~ ахборотли реклама  
 inside-the-store ~ олди-сотди жойида реклама қилиш  
 international ~ халқаро реклама  
 joint ~ биргаликдаги реклама  
 legal ~ қонуний реклама  
 local ~ маҳаллий реклама  
 long-term ~ узоқ муддатга реклама қилиш  
 low-pressure ~ холис (тазийқсиз) реклама

**mail-order** ~ почта орқали  
 реклама қилиш  
**mass** ~ рекламанинг барча  
 тур ва шаклларидадан фойда-  
 ланиладиган кенг реклама  
 тидбири  
**media** ~ оммавий ахборот  
 воситаларида реклама қилиш  
**misleading** ~ чалғитувчи рек-  
 лама  
**national** ~ миллий реклама  
**patent** ~ 1. патент ҳақида ха-  
 бар бериш; 2. патентни рек-  
 лама қилиш  
**point-of sale** ~ сотув жой-  
 ларида реклама қилиш  
**point-of-purchase** ~ сотув  
 жойларида реклама қилиш  
**prestige** ~ нуфузли реклама  
**prestigious** ~ нуфузли рекла-  
 ма  
**price** ~ нарх-навони реклама  
 қилиш  
**product** ~ буюмлар ёки маҳ-  
 сулотларни реклама қилиш  
**professional** ~ моллар ва  
 хизматлар рекламаси  
**promotional** ~ маҳсулот  
 сотишни рағбатлантиришга  
 доир тадбирлар рекламаси  
**regional** ~ маҳаллий реклама  
**regular** ~ мунтазам равишда  
 реклама қилиш  
**retail** ~ чакана савдо рекла-  
 маси  
**sales** ~ сотувга доир рекла-  
 ма, сотув рекламаси  
**scheduled** ~ режали реклама  
**seasonal** ~ мавсумий рекла-  
 ма  
**short-term** ~ қисқа муддатга  
 реклама қилиш  
**trade** ~ тижорат нашрларида  
 реклама қилиш

**two-step formal** ~ эълон қи-  
 линган икки босқичли савдо  
**ADVICE** *n* 1. битим тузил-  
 ганлиги ҳақидаги хабар;  
 2. хабарнома; 3. кенгаш,  
 маслаҳат  
 ~ of acceptance акцент\*  
 ҳақидаги хабарнома  
 ~ of a bank банк хабари;  
 банк хабарномаси  
 ~ of adjustment банк ҳисоб-  
 рақамидаги қайдларга ту-  
 затишлар киритилганлиги  
 ҳақида хабар бериш  
 ~ of collection инкассо\* ха-  
 барномаси  
 ~ of deal битим ижро  
 этилганлиги ҳақидаги хабар  
 ~ of delivery етказиб бе-  
 рилганлик тўғрисидаги хабар  
 ~ of dishonor акцентдан\* воз-  
 кечганлик ҳақидаги хабар  
 ~ of dispatch жўнатганлик  
 ҳақидаги хабар (*юкни*)  
 ~ of a draft тратта\*  
 тўланишини талаб қилиш  
 ҳақидаги хабар  
 ~ of a letter of credit ак-  
 кредитив\* очилганлиги ҳақи-  
 даги хабарнома  
 ~ of nonacceptance акцент-  
 ланмаганлик\* тўғрисидаги  
 хабарнома  
 ~ of nonpayment тўлама-  
 ганлик ҳақидаги хабар  
 ~ of payment тўлов ҳақидаги  
 хабар  
 ~ of shipment жўнатилганлик  
 ҳақидаги хабар  
 ~ of transfer ўтказилганлик  
 ҳақидаги хабар  
 ~ on production ишлаб  
 чиқариш масалалари бўйича  
 маслаҳат

to cancel the ~ хабарномани бекор қилмоқ

to send an ~ хабарнома жўнатмоқ

advance ~ олдиндан хабар бериш

bank's ~ банк хабари; банк хабарномаси

banker's ~ банк хабари; банк хабарномаси

collection ~ инкассо\* ҳақидаги хабар, инкассо\* хабарномаси

credit ~ кредит хабарномаси

debit ~ дебет хабарномаси

delivery ~ элтиб берилганлик ҳақидаги хабар (юкни)

draft ~ тратта\* тўланиши талаб қилинганлиги ҳақидаги хабарнома

early ~ олдиндан хабар бериш

expert ~ экспертиза, эксперт хулосаси

express ~ шошилич хабарнома

financial ~ молиявий маслаҳат

forwarding ~ жўнатилганлик ҳақидаги хабар

forwarding agent's ~ мол ташувчилар хабарномаси

incoming ~ келаётган хабарнома

legal ~ ҳуқуқий маслаҳат

outgoing ~ жўнатилаётган хабарнома

payment ~ тўлов ҳақидаги хабарнома

preliminary ~ дастлабки хабарнома

professional ~ мутахассис маслаҳати

railway ~ темир йўл хабарномаси

remittance ~ пул ўтказилганлиги ҳақидаги хабар

shipping ~ юклар жўнатилганлик ҳақидаги хабар

transfer ~ ўтказилганлик ҳақидаги хабарнома

transport ~ транспорт хабарномаси

under ~ хабар қилинаётганда

ADVISABILITY *n* мақсадга мувофиқлик

ADVISE *v* 1. хабар бермоқ, хабар қилмоқ; 2. маслаҳат бермоқ; 3. хабарнома юбормоқ; 4. тавсия қилмоқ

~ fate „тақдири ҳақида хабар беринг“ (бир банкнинг чекни тўлаш ҳақида бошқасига мурожаат қилиш шакли)

to ~ a bill вексель ҳақида хабарнома юбормоқ

to ~ a letter of credit аккредитив\* ҳақида хабарнома юбормоқ

ADVISED *a* хабар қилинган ~ draft хабар қилинган тратта\*

~ letter of credit хабар қилинган аккредитив\*

~ line мижоз расман хабардор қилинган кредит йўли

~ line of credit хабар бериладиган кредит йўли

ADVISER *n* маслаҳатчи, кенгашичи, референт

chief technical ~ бош техник маслаҳатчи

economic(al) ~ иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчи

external ~ четдан таклиф қилинган маслаҳатчи

financial ~ молиявий масалалар бўйича маслаҳатчи

government ~ ҳукумат мас-  
лаҳатчиси

investment ~ сармоя сарфлаш  
бўйича маслаҳатчи

legal ~ ҳуқуқий маслаҳатчи

private хусусий маслаҳатчи

publicity ~ реклама ишлари

special ~ махсус маслаҳат-  
чи

staff ~ лавозимдаги мас-  
лаҳатчи

tax ~ солиқ солиш масала-  
лари бўйича маслаҳатчи

technical ~ техник мас-  
лаҳатчи

trade ~ савдо маслаҳатчиси

vocational ~ касбий омилкор  
маслаҳатчи

ADVISING *n* маслаҳат, мас-  
лаҳат бериш

~ the consumer харидорлар-  
га маслаҳат бериш (*дўконда*)

ADVISING *a* хабардор қи-  
лувчи, хабар берувчи

~ bank аккредитив\* бўйича  
гуловларни амалга оширувчи  
банк; бенефициарни\* ак-  
кредитив\* очилганлиги ҳақи-  
да хабардор қилувчи банк

ADVISORY:

A., Conciliation and Ar-  
bitration Service Маслаҳат,  
келиштирув ва ҳакамлик  
хизмати (*Буюк Британия*)

ADVISORY *a* маслаҳат ...

~ agency trust account банк  
мижознинг маслаҳатчиси ва-  
зифасини бажарадиган ишонч  
асосидаги ҳисобрақам

~ funds банкка қўйилган  
маблағлар

ADVOCATE *n* адвокат, ҳимоя-  
чи

AFFAIR *n* 1. иш; машғулот;  
2. тадбир.

business ~ тадбиркорликка  
асосланган тадбир

economic ~s иқтисодий алоқа  
(муносабат)лар

current ~s кундалик ишлар;  
кундалик воқеалар

foreign ~s ташқи ишлар

home ~s ички ишлар

man of ~s иш юритишга  
ўргатилган шахс (*айниқса,  
молиявий операциялар соҳа-  
сида*)

money ~s пул билан боғлиқ  
вазият

pecuniary ~ молиявий ишлар

AFFECT *v* таъсир кўрсатмоқ,  
таъсир қилмоқ

to ~ the market бозорга  
таъсир кўрсатмоқ

AFFECTED *a* таъсир остида  
бўлган

~ by adverse conjuncture  
ноқулай бозор вазияти таъ-  
сирини бошидан кечираёт-  
ган

AFFIDAVIT *n* ҳуқуқий тас-  
диқланган ҳужжат (*қим-  
матли қоғозларга эгалик  
ҳуқуқини тасдиқловчи қасам-  
ёд асосидаги баёнот*)

AFFILIATE *n* шўъба, жамият,  
филиал; компания

banking ~ банк филиали

securities ~ банкнинг қим-  
матли қоғозлар билан опе-  
рацияларни амалга оширувчи  
филиали

AFFILIATE *v* 1. филиал си-  
фатида қўшиб олмоқ;

2. яқин иқтисодий муноса-  
батларга киришмоқ, узвий  
боғланиб қолмоқ

AFFILIATED *a* боғлиқ бўлган,

шўба, филиал сифатида  
фаолият кўрсатадиган, ҳи-  
собдор...

~ branch филиал

~ person қарор қабул қи-  
линишига таъсир кўрсата  
олувчи шахс

**AFFILIATION** *n* 1. бошқа  
компанияга қўшилиш; аъзо-  
ликка қабул қилиниш; бошқа  
компания назоратига ўтиш;  
2. эга бўлиш, эгаллаш  
~ fee кириш бадал  
~ with insurance company  
банкнинг суғурта компа-  
ниясида муайян улушга эга  
бўлиши

**AFFINITY** *n* яқинлик

~ card умумий манфаатлар  
билан бирлашган шахслар  
гуруҳи учун чиқарилган  
кредит карточкаси

~ card programme умумий  
манфаатлар бирлаштирган  
шахслар гуруҳи учун кредит  
карточкалари чиқариш дас-  
тури

~ group умумий манфаатлар  
билан бирлашган шахслар  
гуруҳи

**AFFIRM** *n* 1. тасдиқламоқ;

2. баёнот бермоқ

**AFFIRMATION** *n* 1. тасдиқлаш;

2. баёнот, тасдиқлаш

**AFFIX** *v* 1. қўймоқ (*имзо*);

2. босмоқ (*муҳр*)

**AFFUENCE** *n* бойлик, молия-  
вий фаровонлик

**AFFREIGHT** *v* ёлламоқ (*ке-  
мани*)

**AFFREIGHTER** *n* (*кема*)  
ёлловчи

**AFFREIGHTMENT** *n* ёллаш  
(*кемани*)

**AFGANI** *n* афғоний (*Афғо-  
нистон пул бирлиги*)

**AFLOAT** *a* 1. ҳаракатдаги, ҳа-  
ракатда бўлган; 2. тадбир-  
корликни муваффақиятли  
олиб бориш учун йирик  
миқдорда маблағга эга бўл-  
ган

**AFORFEIT** *n* векселларни қай-  
тариш ҳуқуқини сақламаган  
ҳолда ҳисобга олиш йўли  
билан савдони маблағ билан  
таъминлаш

**AFRICAN:**

**A. Development Bank** Африка  
тараққиёт банки

**A. Development Fund** Африка  
тараққиёт фонди

**AFTER** *prep* кейин, сўнгра

~ date вексель санасидан;  
ўша санадан

~ date bill тўлов муддати  
кўрсатилган вексель

~ deduction ушлаб қолинган-  
дан сўнг; ...ни чегириб таш-  
лаганда

~ hours биржа ёпилганидан  
сўнг

~ hours dealings биржа  
ёпилганидан сўнг тузилган  
битимлар

~ hours market биржа  
ёпилганидан сўнг тузилган  
битимлар

~ hours trading биржа  
ёпилганидан сўнг тузилган  
битимлар

~ market қимматли қоғоз-  
ларнинг биржадан ташқари  
бозори

~ sales commitment кафо-  
латли мажбурият

~ sight ...-ни кўрсатганда, ...  
кўрсатилиши билан

~ **sight bill** кўрсатиладиган вексель  
 ~ **tax** солиқ тўлангандан сўнг; солиқ чегириб ташлагандан сўнг  
**AFTER-DATE** *a* санаси кечроқ қўйилган  
**AFTER-MARKET** *n* эҳтиёт қисмлар бозори  
**AFTERPAYMENT** *n* қўшимча тўлов, қўшимча ҳақ  
**AFTERSALE** *a* сотувдан кейинги  
**AGAINST** *prep* қарши; муқобил  
 ~ **acceptance** акцептга\* муқобил тарзда  
 ~ **all risks** барча таваккалчиликларга муқобил тарзда  
 ~ **payment** тўловга муқобил тарзда  
 ~ **security** кафолат асосида; таъминот асосида  
**AGE** *n* 1. муддат; 2. хизмат муддати, ишлаш давомийлиги (*асбоб-ускуналарнинг*); 3. ёш  
 ~ **at expiry** суғурга муддати тугаган пайтдаги ёш  
 ~ **of payable** кредиторлик қарзи муддати  
 ~ **of receivables** дебиторлик қарзи муддати  
**average** ~ **of inventory** захирада туришнинг ўртача муддати  
**maximum** ~ энг узоқ хизмат муддати (*асбоб-ускунанинг*)  
**retirement** ~ пенсия ёши  
**AGED** *a* 1. эски; 2. муддати ўтказиб юборилган  
 ~ **fail** муддати ўтказиб юборилган шартнома  
**AGEING** *n* 1. эскириш; эскириб қолиш; ейилиш; 2. бел-

гиланган муддатига қараб тақсимлаш; тўлов муддатларига қараб таснифлаш  
 ~ **of data** ахборотнинг эскириши  
 ~ **of equipment** асбоб-ускуналарнинг эскириши  
 ~ **of information** ахборотнинг эскириши  
**moral** ~ маънавий эскириш  
**natural** ~ табиий эскириш  
**service** ~ фойдаланиш жараёнида эскириш  
**weathering** ~ атмосфера шариоти таъсирида эскириш

**AGENCY:**

**Foreign Investment Review A.** Чет эл инвестицияларини тартибга солиш бошқармаси  
**Federal Work A.** Ишга жойлаштириш федерал бошқармаси

**International Development A.** Халқаро тараққиёт вакиллиги

**AGENCY** *n* 1. вакиллик муносабатлари; 2. омил, восита; 3. вакиллик, воситачи ташкилот, бюро, ваколатхона; 4. идора, ташкилот, муассаса; 5. воситачилик; траст\* операциялари тури; топшириқ; 6. молиявий воситаларнинг мижоз топшириғига кўра олди-сотдиси; 7. *pl* федерал вакилликларнинг қимматли қоғозлари  
 ~ **agreement** 1. вакиллик хизматлари ҳақидаги битим; 2. воситачилик ҳақидаги шартнома  
 ~ **arrangement** вакиллик муносабатларини ўрнатиш  
 ~ **bank** воситачи банк; банк вакиллиги

~ commission воситачилик  
 ҳақи  
 ~ dealer биржа маклери\*  
 ~ fee воситачилик ҳақи  
 ~ of a broker брокер\* во-  
 ситачилиги  
 to establish an ~ вакиллик  
 тузмоқ  
 to run an ~ вакилликка  
 раҳбарлик қилмоқ  
 to take up an ~ воситачилик-  
 ни ўз зиммасига олмоқ  
 to undertake the exclusive ~  
 яккаҳоқимлик асосидаги ва-  
 киллик ҳуқуқини олмоқ  
 advertising ~ реклама вакил-  
 лиги  
 clearing ~ клиринг\* муасса-  
 саси; ҳисоб-китоб палатаси  
 collecting ~ инкассация\*  
 қилувчи муассаса  
 contracting ~ пудратчи таш-  
 килот  
 credit ~ кредит ахбороти  
 вакиллиги  
 customs ~ божхона бошқар-  
 маси  
 debt collection ~ қарзларни  
 инкассация\* қилувчи муасса-  
 са  
 employment ~ ишга жой-  
 лаштириш вакиллиги  
 estate ~ мулкчилик ва-  
 киллиги  
 exclusive ~ мутлақ ҳуқуқлар-  
 га эга вакиллик ваколатхо-  
 наси  
 executive ~ ижро этувчи идо-  
 ра  
 facilitating ~ воситачилик  
 ташкилоти  
 federal ~ АҚШ даги хорижий  
 банк вакиллиги

forwarding ~ транспорт-юк  
 ташиш вакиллиги  
 full service ~ тўла хизмат  
 қўрсатувчи вакиллик  
 government ~ давлат вакил-  
 лиги  
 grant(-giving) ~ пул (маблағ)  
 билан таъминловчи ташкилот  
 granting ~ пул (маблағ)  
 билан таъминловчи ташки-  
 лот  
 independent ~ies АҚШ ҳуку-  
 мати таркибидаги идоралар,  
 мустақил вакилликлар  
 initiating ~ ташаббускор  
 ташкилот  
 insurance ~ суғурта вакил-  
 лиги  
 international ~ халқаро таш-  
 килот  
 law enforcement ~ суд  
 ижроия идораси  
 market research ~ бозорни  
 ўрганувчи ташкилот  
 mercantile ~ 1. савдо вакил-  
 лиги; 2. кредит бюроси;  
 кредитга лаёқатлилиқ ҳа-  
 қидаги маълумотлар идора-  
 си  
 mutual ~ қўшма ваколатхо-  
 на  
 news ~ ахборот вақиллиги  
 nongovernmental ~ ноҳукумат  
 ташкилот  
 paying ~ тўловларни амалга  
 оширувчи ташкилот  
 press ~ матбуот вакиллиги  
 private ~ хусусий ташкилот  
 procurement ~ 1. харид  
 қилувчи ташкилот; 2. таъ-  
 минот ташкилоти  
 public relations ~ жамо-  
 атчилиқ билан алоқа қилиш  
 вакиллиги



**publicity** ~ реклама вакиллиги  
**purchasing** ~ савдо ваколатхонаси  
**rating** ~ қарз олувчиларнинг кредитни қайтаришга лаёқатлилигини ёки қимматли қорғозлар сифатини аниқловчи махсус вакиллик  
**real estate** ~ кўчмас мулк билан савдо қилувчи фирма  
**sales promotion** ~ сотувни рағбатлантириш вакиллиги  
**shipping** ~ мол ташиш вакиллиги  
**ship's** ~ кемачилик вакиллиги  
**sole** ~ мутлақ ҳуқуқларга эга ваколатхона, яққаҳоқим вакиллик  
**sponsoring** ~ 1. маблағ билан таъминловчи ташкилот; 2. буюртмачи ташкилот  
**status enquiry** ~ компаниянинг молиявий аҳволи ҳақидаги ахборотни ҳақ эвасига берувчи тижорат ташкилоти  
**supply and sales** ~ таъминот-сотув ташкилоти  
**technical** ~ техника вакиллиги  
**tourist** ~ саёҳат вакиллиги  
**trade** ~ савдо вакиллиги  
**transport** ~ транспорт вакиллиги  
**travel** ~ саёҳатлар бюроси; саёҳат вакиллиги

**AGENDA** *n* кун тартиби

**AGENT** *n* 1. вакил; воситачи; ишончли вакил; вакилликда мулкни тасарруф этувчи; 2. омил; 3. *pl* вакиллик ~ **bank** халқаро кредит синдикати\* аъзолари то-

монидан синдикат\* манфаатларини кафолатлаш ваколоти берилган банк

~ **carrying stocks** консигнация \* вакили

~ **for an inventor** ихтирочининг ишончли вакили

~ **for sales** олдиндан сотиш бўйича вакил

~ **of necessity** бирон бир расмий ваколатга эга бўлмаган, бироқ фавақулудда, ҳолларда бошқа шахс фойдасига ҳаракат қилиши мумкин бўлган вакил

~ **s of production** ишлаб чиқариш омиллари

**to act as an** ~ вакил сифатида фаолият кўрсатмоқ

**to appoint an** ~ вакил тайинламоқ

**to authorize to act as an** ~ вакил сифатида фаолият кўрсатишга ваколат бермоқ

**to employ an** ~ вакил ёлламоқ

**to operate as an** ~ вакил сифатида фаолият кўрсатмоқ

**to reward an** ~ вакилни мукофотламоқ

**to secure an** ~ вакилга эга бўлмоқ, вакилни қўлга киритмоқ

**accredited** ~ компаниянинг расмий вакили

**acquisition** ~ суғурта бўйича янги шартномалар тузувчи вакил, суғурта вакили

**active** ~ фаолият кўрсатётган вакил

**advertising** ~ реклама вакили

**authorized** ~ ваколатли вакил

**average** ~ ҳалокатлар бўйича вакил

**break bulk** ~ юкни гуруҳларга ажратиш бўйича вакил  
**business** ~ тадбиркорликдаги воситачи  
**buying** ~ харидлар бўйича вакил; четдан мол келтириш бўйича вакил  
**cargo** ~s транспорт вакил-лиги  
**carrier** ~ транспорт вакили  
**chartered** ~ рўйхатга олинган вакил  
**charterer's** ~ (кема) ёлловчининг вакили  
**chartering** ~ (кема) ёллаш вакили  
**clearing house** ~ клиринг\* вакили  
**collection** ~ инкассо\* вакили  
**commercial** ~ савдо вакили  
**commission** ~ воситачи  
**consignment** ~ консигнация\* вакили  
**credit** ~ суғурта вакили  
**del credere** ~ ўз зиммасига делькредере\* олувчи воситачи  
**distributing** ~ сотув бўйича вакил, маҳсулот ўтказиш вакили  
**economic** ~ иқтисодий бирлик, иқтисодий объект  
**employment** ~ ишга ёллаш бўйича вакил  
**enrolled** ~s ваколатли вакиллар  
**estate** ~ 1. ер-мулк бошқарувчиси; 2. кўчмас мулк сотуви бўйича вакил  
**exclusive** ~ мутлақ ҳуқуқларга эга вакил  
**export** ~ четга мол чиқариш бўйича вакил  
**Federal Reserve** ~ федерал захиралар вакили

**firm's** ~ фирма вакили  
**fiscal** ~ молиявий вакил  
**forwarding** ~ мол ташувчи  
**freight** ~ (кема) ёллаш операциялари бўйича вакил  
**general** ~ бош вакил  
**import** ~ четдан мол келтириш бўйича вакил  
**insurance** ~ суғурта вакили  
**lessor's** ~ ижарага берувчи вакили  
**Lloyd's** ~ „Ллойд“ уюшмаси вакили  
**managing** ~ бошқарувчи (тасарруф этувчи) вакил  
**manufacturer's** ~ саноат фирмасининг савдо вакили  
**manufacturer's purchasing** ~ саноат фирмасининг моддий-техника таъминоти бўлими  
**marine** ~ денгиз ишлари вакили  
**marketing** ~ маҳсулот сотувчи вакили  
**monopoly** ~ яккаҳоким вакил  
**official** ~ расмий вакил  
**patent** ~ патент бўйича ишончли вакил  
**paying** ~ компания топшириғига кўра унинг ҳисобидан фоизлар ва дивидендлар\* тўловчи банк  
**property** ~ мулкни сотиш бўйича вакил  
**purchasing** ~ 1. харидлар бўйича вакил; 2. *pl* моддий-техника таъминоти вакил-лиги  
**real estate** ~ кўчмас мулк сотуви бўйича вакил  
**redemption** ~ муомаладан чиқариш бўйича вакил (*банк-нотларни\**)  
**regional sales** ~ маҳсулот сотиш бўйича ҳудудий вакил

reliable ~ ишончли вакил  
 reserve ~ захираларни сақловчи банк  
 road haulage ~ автомобилда юк ташиш бўйича вакил  
 sales ~ 1. маҳсулотни ўтказиш (сотиш) бўйича вакил; 2. тижорат директори; маҳсулотни ўтказиш (сотиш) бўлими мудир  
 selling ~ савдо вакиллиги, савдо идораси  
 shipowner's ~ кема эгаси вакили  
 shipping ~ мол ташувчи  
 social insurance ~ суғурта вакили  
 sole ~ яккаҳоқим вакил  
 special ~ махсус вакил  
 specialized ~ хўжаликнинг муайян тармоғи вакили  
 stock transfer ~ акцияларни бошқара ўтказиш бўйича вакил  
 supplier ~ мол етказиб берувчи компания  
 supply ~ таъминот вакили  
 trade ~ савдо воситачиси  
 transfer ~ ўтказиш (топшириш) бўйича вакил; қимматли қоғозлар рўйхатини юритувчи банк  
 travel ~ саёҳатлар бюроси вакили  
 travelling ~ гумашта (савдодаги ишончли сайёҳ вакил)  
 trustworthy ~ кредитга лаёқатли вакил  
 vendor ~ (мол) етказиб берувчи компания

**AGGLOMERATION** *n* йириклаштириш; бирлаштириш  
 ~ of industries саноатнинг ҳудудий бир жойда тўпланиши

**AGGRAVATE** *v* ёмонлаштирмоқ; оғирлаштирмоқ (мураккаблаштирмоқ)

**AGGRAVATION** *n* ёмонлашув; мураккаблашув  
 ~ of competition рақобатнинг кескинлашуви

**AGGREGATE** *n* тўпلام; умумий миқдор; умумийлик  
 asset ~ активларнинг\* умумий миқдори  
 economic(al) ~ жамланган иқтисодий кўрсаткичлар  
 monetary ~ пул кўлами таркибий қисмларининг жаммуи; пул агрегати\*  
 output ~ жами маҳсулот

**AGGREGATE** *a* жамланган; умумий; якуний  
 ~ amount умумий якун; жамлама сумма  
 ~ amount of indebtedness умумий қарздорлик  
 ~ consumption умумий истеъмом  
 ~ demand умумий талаб  
 ~ supply умумий таклиф

**AGGREGATION** *n* 1. қисмларни бириктириш; йиғиш, тўплаш; 2. бир умумий битим доирасида свопларнинг\* муддатидан олдин якунланганда тўловларни ҳисоб-китоб қилиш  
 ~ of capital сармоянинг бир жойда тўпланиши, сармоянинг тўпланиши

**AGGRESSIVE** *a* тажовузкор  
 ~ bank management банкни тажовузкорона бошқариш  
 ~ portfolio таваккалчилик даражаси юқори бўлган ва юқори даромадлилик кутилаётган қимматли қоғозлар портфели\*

~ portion таваккалчиликка асосланган қимматли қоғозларга маблағ сарфлаш

**AGING** *n* эскириш; эскириб қолиш; ейилиш, тўзиш

~ of accounts receivable тўланмаган тўловномаларни муддатига қараб таснифлаш

~ of receivables тўланмаган тўловномаларни муддатларига қараб таснифлаш

~ schedule компания активларини\* вужудга келиш муддатларига қараб таснифлаш

**AGIO** *n* 1. ажио\*, лаж\* (белгиланган курсга қўшимча тўлов); 2. ажиотаж\* (биржада); 3. қўшимча ҳақ; валюта курслари ўртасидаги фарқ

~ account дисконтли\* ҳисобрақам

~ security дисконтли\* қимматли қоғоз

**AGIOTAGE** *n* ажиотаж (курс ўзгаришларини кўзлаб, қоғоз пул билан чайқовчилик қилиш)

**AGORA** *n* агора (Исроил майданга тангаси)

**AGREE** *v* 1. рози бўлмоқ; 2. келишмоқ; 3. мос келмоқ

to ~ on appropriate currency evaluation тегшли валютани баҳолаш тўғрисида келишиб олмоқ

to ~ on the price нарх тўғрисида келишмоқ

to ~ the accounts ҳисобрақамларни таққосламоқ

**AGREEABLE** *a* мақбул; мос; мувофиқ

**AGREED** *a* келишилган

~ currency битим валютаси

~ maturity тўловнинг келишилган муддати

~ maximum rate of interest келишилган энг юқори фоиз ставкаси

~ price келишиб олинган нарх; белгиланган нарх; шартлашиб олинган нарх

~ sum келишиб олинган сумма

~ upon account тўғрилиги тан олинган ҳисобрақам

mutually ~ ўзаро келишилган

### AGREEMENT:

**Bretton Woods A.** Бреттонвуд битими (*Халқаро валюта фонди ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкни ташкил этиш ҳақида, 1944 й.*)

**Buttonwood Tree A.** „Чинор дарахти битими“, Нью-Йоркда биржа операцияларини бошлаш ҳақидаги келишув (1792 й.)

**European Monetary A.** Европа валюта битими (1955 й.)

**General A. on Tariffs and Trade** Тарифлар ва савдосотиқ ҳақидаги бош шартнома (1948 й.)

**Jamaica A.** Ямайка шартномаси (ўзгарувчан курсларга ўтиш ва олтинни халқаро валюта тизимидан чиқариш ҳақида, 1976 й.)

**London Debt A.** ГФРнинг бошқа ғарбий мамлакатлардан қарзи ҳақидаги Лондон шартномаси

**Rio A.** „Қарз олишга доир махсус ҳуқуқлар“ тизимини жорий этиш ҳақидаги халқаро шартнома (1970 йилдан бошлаб кучга кирган)

**Smithsonian A.** Смитсон шартномаси (долларни девальвация\* қилиш ва қолган капиталистик валюталар курсларини қайта кўриб чиқиш ҳақида, 1971 й.)

**Tripartite Currency A.** Валюта ҳамкорлиги тўғрисидаги уч томонлама шартнома (АҚШ, Франция ва Буюк Британия, 1936 й.)

**Washington A.** Вашингтон шартномаси (АҚШ ва Буюк Британия, урушдан кейинги молиявий муносабатлар ҳақида, 1945 й.)

**AGREEMENT** *n* 1. битим, шартнома; 2. келишув

~ **among underwriting** қимматли қоғозлар тарқатилишининг кафолатчилари ўртасидаги битим

~ **currency** клиринг\* валютаси

~ **for exclusiveness** фақат муайян суғурталовчига хизмат кўрсатиш ҳақидаги битим

~ **in force** амалдаги битим

~ **letter** кредит йўли очилгани ҳақидаги хабарнома, аккредитив\* очилгани ҳақидаги хабарнома

~ **of bailment** жавобгарлик асосида сақлашга топшириш ҳақидаги шартнома

~ **of intent** мақсад тўғрисидаги битим

~ **on cooperation** ҳамкорлик тўғрисидаги битим

~ **on delivery** мол етказиб бериш ҳақидаги битим

~ **on establishment of consortium** консорциум\* тузиш ҳақидаги битим

~ **on supply** мол етказиб бериш ҳақидаги битим

~ **on tariffs and trade** тарифлар ва савдо-сотиқ ҳақидаги битим

~ **on tourism** саёҳатчилик ҳақидаги битим

~ **on trade and navigation** савдо ва денгиз кемачилиги тўғрисидаги битим

~ **to bargain** музокаралар олиб бориш ҳақидаги битим

~ **to sell** сотув ҳақидаги битим

~ **value** узоқ муддатли свопларнинг\* келишилган қиймати

**to accede to an** ~ келишувга эришмоқ

**to achieve** ~ келишувга эришмоқ

**to amend a trade** ~ савдо битимига ўзгартиришлар киритмоқ

**to annul an** ~ шартномани бекор қилмоқ

**to attain** ~ келишувга эришмоқ

**to break an** ~ шартномани бузмоқ

**to bring an** ~ **into force** битимни амалга татбиқ этмоқ

**to cancel an** ~ битимни бекор қилмоқ

**to come to an** ~ **on smth. with smb.** бирор шахс билан бирор масала юзасидан битимга келмоқ

**to conclude an** ~ битим тузмоқ

**to confirm an** ~ шартномани расмий тасдиқламоқ

**to contract out of an** ~ шартнома бўйича мажбуриятлардан озод бўлмоқ

to dissolve an ~ шартномани бекор қилмоқ  
 to enter into an ~ шартнома тузмоқ  
 to finalize an ~ битимни батамом расмийлаштирмоқ  
 to infringe an ~ шартномани бузмоқ  
 to initial an ~ шартномани тасдиқламоқ  
 to join an ~ шартномага қўшилмоқ  
 to keep an ~ шартномага риоя қилмоқ  
 to make an ~ шартнома тузмоқ, битимга киришмоқ  
 to make an ~ with smb. about smth. бирор шахс билан бирор нарса ҳақида келишмоқ  
 to observe an ~ битимга риоя қилмоқ  
 to prolong an ~ шартнома муддатини узайтирмоқ  
 to ratify ~ шартномани расмий тасдиқламоқ  
 to reach an ~ битимга эришмоқ  
 to renew an ~ шартномани қайта тузмоқ  
 to repudiate an ~ шартномани бекор қилмоқ  
 to rescind an ~ шартномани бекор қилмоқ  
 to revoke an ~ шартномани бекор қилмоқ  
 to sign an ~ битимни имзоламоқ  
 to terminate an ~ шартноманинг амал қилишини тўхтатмоқ  
 to violate an ~ шартномани бузмоқ  
 ABC ~ брокерлик фирмаси\*  
 ва унинг ходими ўртасида

биржада жой сотиб олиш шартлари ҳақида тузилган битим  
 after-sales servicing ~ сотувдан кейин хизмат кўрсатиш тўғрисидаги битим  
 agency ~ вакиллик битими  
 amicable ~ дўстона битим  
 arbitration ~ арбитраж битими\*  
 area ~ муайян минтақадаги компанияларни қамраб олувчи жамоа шартномаси  
 assignment ~ ҳуқуқларни бошқага қайтадан бериш ҳақидаги шартнома  
 average demurrage ~ бекор туриб қолганлик учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги битим (вагонлар ва кемаларни)  
 bank ~ банклараро битим  
 barter ~ мол айирбошлаш ҳақидаги битим  
 best-efforts ~ инвестор банкнинг қарзни сотиш пайтида брокерлик хизматларини\* кўрсатиш кўзда тутилган битим  
 bilateral ~ икки томонлама битим  
 blanket ~ ишбай асосдаги битим  
 bonus ~ бонусли битим\*  
 brokerage ~ брокерлик\* ҳақи тўғрисидаги келишув  
 business~ тадбиркорлик битими  
 cartel ~ картель битими\*  
 checkoff ~ чегириб қолиш тўғрисидаги битим (иш ҳақидан касаба уюшмаси бадалларини)  
 clearing ~ клиринг\* ҳисобкитоблари ҳақидаги битим  
 collateral ~ қўшимча битим

**collective** ~ жамоа шартномаси  
**commercial** ~ савдо шартномаси  
**compensation** ~ ўрнини қопловчи битим (*кредитни моллар билан қоплаш ҳақидаги*)  
**complete** ~ узил-кесил келишув  
**consignment** ~ консигнация\* битими  
**consortium** ~ консорциум\* ҳақидаги битим  
**contractual** ~ битим, шартнома  
**coproduction** ~ биргаликда ишлаб чиқариш тўғрисидаги битим  
**credit** ~ кредит ҳақидаги битим  
**credit trading** ~ кредитга сотиш ҳақидаги битим  
**cross-licensing** ~ лицензиялар айирбошлаш ҳақидаги битим  
**double taxation** ~ иккиёқлама солиқ солиш ҳақидаги битим  
**Dutch** ~ фақат бир томон учун фойдали битим  
**early** ~ дастлабки битим  
**economic** ~ хўжалик шартномаси  
**economic cooperation** ~ иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги битим  
**engineering** ~ инжиниринг\* ҳақидаги шартнома  
**exclusive dealing** ~ савдога сотув юзасидан мутлақ ҳуқуқ берувчи битим  
**financial** ~ молиявий битим  
**foreign economic** ~ ташқи иқтисодий шартнома  
**framework** ~ „шартлари белгилаб қўйилган шартнома

*(экспортчининг\* мол айирбошлаш операциясида келишилган муддат мобайнида муқобил тарзда харид қилишни амалга ошириш мажбурияти)*  
**franchise** ~ имтиёзли битим  
**free-trade** ~ эркин савдо ҳуқуқи ҳақидаги битим  
**general** ~ бош битим  
**general loan and collateral** ~ ссуда ва таъминотлар ҳақидаги умумий битим  
**global** ~ кенг қамровли битим  
**gentlemen's** ~ ўзаро ишончга асосланган оғзаки битим  
**golden parachute** ~ „олтин парашют“ туридаги меҳнат битими (*фирманинг қўшиб юборилиши ёки сотиб олинishi туфайли ишсиз қолган юқори бошқарув бўғини аъзоларига йирик миқдорда пул ва бошқа тўловлар тўлашни назарда тутадиган*)  
**government** ~ ҳукуматлараро битим  
**hire purchase** ~ бўлиб-бўлиб ҳақ тўлашни кўзда тутган ҳолда тузилган сотув ҳақидаги шартнома  
**instalment trading** ~ кредитга сотиш ҳақидаги битим  
**interbank** ~ банклараро битим  
**intergovernmental** ~ ҳукуматлараро битим  
**international** ~ халқаро битим  
**international commodity** ~ халқаро моллар битими  
**interstate** ~ давлатлараро битим

joint venture ~ қўшма корхона ҳақидаги шартнома

knock-for-knock ~ шикастланиш учун жавобгар томонларни ҳисобга олмасдан фақат ўз полислари\* соҳиблари кўрган зарарни қоплаш тўғрисида автотранспортни суғурталовчи компаниялар ўртасида тузилган битим

lease ~ ижара тўғрисидаги битим

leasing ~ ижара тўғрисидаги битим

license ~ лицензияли битим

licensing ~ лицензияли битим; патентдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқага ўтказиш ҳақидаги битим

loan ~ 1. ссуда ҳақидаги шартнома; кредит олиш ҳақидаги шартнома; 2. ссуда бериш ҳақидаги битим

long-standing ~ узоқ муддатли битим

long-term ~ узоқ муддатли битим

maintenance ~ техник хизмат кўрсатиш шартномаси

management ~ бошқарув битими

market-sharing ~ бозорни бўлиб олиш ҳақидаги битим

matched salepurchase ~ белгиланган муддатдан сўнг айнан шу нархда қайта сотиб олиш мажбурияти билан Федерал захиралар тизими қимматли қоғозларини сотиш

monetary ~ валюта битими

multilateral ~ кўп томонлама битим

mutual ~ ўзаро битим

national ~ миллий битим

negotiated ~ музокаралар натижасида эришилган битим

offsetting ~ ўрнини қоплаш битими

one-time ~ бир марталик шартнома

operating ~ фойдаланиш бўйича шартнома

original ~ дастлабки битим

overnight repurchase ~ қимматли қоғозларни бир кундан сўнг қайта сотиб олишни кўзда тутувчи харид битими

package ~ ялпи битим

partnership ~ ҳамкорлик ҳақидаги битим

patent ~ патент битими

pay-and-hours ~ иш ҳақи ва иш вақти ҳақидаги битим (касба уюшмаси билан)

payments ~ тўлов битими

preferential ~ устувор битим

preliminary ~ дастлабки келишув

price fixing ~ нархни белгилаш ва уни муайян даражада сақлаб туриш ҳақидаги битим

private ~ хусусий битим

production cooperation ~ биргаликда ишлаб чиқариш ҳақидаги битим

provisional ~ муваққат битим, дастлабки битим

project ~ лойиҳа ҳақидаги битим

reciprocal ~ ўзаро битим, ўзаро дўстлик асосидаги шартнома

reciprocity ~ ўзаро битим, ўзаро дўстлик асосидаги шартнома

recourse ~ муайян шаро-



молларда товон тўлаш ҳақидаги битим  
 rental ~ ижара ҳақидаги шартнома  
 repurchase ~ қимматли қотолларни кейинчалик шартланшилган нархда қайта сотиб олишни кўзда тутган ҳолда харид қилиш ҳақидаги битим  
 revolving credit ~ қайта кредит ажратиш ҳақидаги битим  
 salvage ~ мол-мулкни қутқариб қолиш ҳақидаги шартнома  
 sell-and-lease ~ сотиш билан бир пайтда ижарага олиш тўғрисидаги шартнома (сотиётган фирма томонидан)  
 service ~ хизмат кўрсатиш ҳақидаги битим  
 servicing ~ техник хизмат кўрсатиш ҳақидаги битим  
 ships agency service ~ кемани вакил қилиш ҳақидаги шартнома  
 short-term ~ қисқа муддатли битим  
 sole agency ~ яккаҳокимлик асосидаги вакиллик битими  
 sole distribution ~ молларни мутлақ ҳуқуқ асосида тарқатиш (жойлаштириш) ҳақидаги шартнома  
 standby ~s эҳтиёт шартдан тузилган битимлар  
 standard ~ намунавий битим  
 standstill ~s хусусий қарзлар бўйича тўлов муддатини узайтириш  
 sublicense ~ ёрдамчи лицензия ҳақидаги битим  
 submission ~ низони ҳакамлик судига ўтказиш тўғрисидаги битим

supply ~ (мол) етказиб бериш шартномаси  
 syndicate ~ консорциум\* тузиш ҳақидаги битим  
 tacit ~ сўзсиз битим  
 tariff ~ божхона битими; тарифлар ҳақидаги битим  
 tax exemption ~ солиқ тўлашдан озод қилиш ҳақидаги битим  
 temporary ~ муваққат битим  
 tenancy ~ бинони ижарага олиш ҳақидаги шартнома  
 tentative ~ олдиндан келишиб олиш, дастлабки келишув  
 threshold ~ инфляция\* белгиланган даражадан ошган тақдирда иш ҳақини ошириш тўғрисидаги битим  
 trade ~ савдо битими  
 trade-and-payments ~ савдо ва тўловлар ҳақидаги битим, савдо ва тўлов битими  
 trademark ~ мол белгилари ҳақидаги шартнома  
 trust ~ ишонч асосидаги фондни таъсис этиш тўғрисидаги шартнома  
 trusteeship ~ ишонч асосидаги вазифаларни бажариш тўғрисидаги битим  
 underwriting ~ қимматли қоғозларни бозорга чиқариш ҳақидаги битим  
 unilateral ~ бир томонлама шартнома  
 working ~ ишчи битим

AGRIBUSINESS *n* агросаноат мажмуи

#### AGRICULTURAL:

A. Credit Corporation Қишлоқ хўжалик кредити корпорацияси\* (*Буюк Британия*)  
 A. Mortgage Corporation Қишлоқ хўжалик ипотека\*

кредити корпорацияси\* (*Буюк Британия*)

**AGRICULTURAL** *a* қишлоқ хўжалик...; деҳқончилик...

~ **finance institutions** қишлоқ хўжалигини ривожлантириш молиявий муассасалари

~ **bank** қишлоқ хўжалиги банки

~ **credit** қишлоқ хўжалиги кредити

~ **credit cooperative** қишлоқ хўжалигига кредит ажратиш ширкати

~ **loan** қишлоқ хўжалиги ссудаси

~ **mortgage** қишлоқ хўжалиги ипотекаси\*

~ **paper** қишлоқ хўжалигига доир битим асосида вужудга келган вексель

**AGRICULTURE** *n* қишлоқ хўжалиги; деҳқончилик

**commercial** ~ маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланган қишлоқ хўжалиги

**diversified** ~ кўп тармоқли хўжалик

**efficient** ~ самарали қишлоқ хўжалиги

**extensive** ~ миқдорни оширишга асосланган қишлоқ хўжалиги

**high** ~ серунум қишлоқ хўжалиги

**inefficient** ~ кам ривожланган қишлоқ хўжалиги

**intensive** ~ серунум қишлоқ хўжалиги

**irrigated** ~ суғориладиган ерлардаги деҳқончилик

**large-scale** ~ йирик деҳқончилик

**livestock** ~ чорвачилик, чорвадорлик

**AGRICULTURER** *n* 1. агроном; 2. фермер

**AGRICULTURIST** *n* 1. агроном; 2. фермер

**AGROCHEMICALS** *n* қишлоқ хўжалиги кимёвий моддалари, кимёвий ўғит

**AID** *n* 1. ёрдам; кўмак; қўллаб-қувватлаш; 2. *pl* ёрдамчи воситалар; 3. нафақа; 4. ёрдамчи

~ **programme** молиявий ёрдам дастури

~ **to families of dependent children** кўп болали оилаларга бериладиган нафақа

~ **s to trade** савдо ривожига кўмаклашувчи фаолият (*реклама, банк ва бошқа хизматлар, суғурталаш, транспорт*)

**to provide** ~ ёрдам бермоқ

**to render** ~ ёрдам кўрсатмоқ

**briefing** ~ *s* йўриқнома

**cash** ~ пул ёрдами

**categorical** ~ муҳтож кишиларнинг муайян тоифасига кўрсатиладиган пул ёрдами

**credit** ~ кредит ёрдами, кредит

**dealer** ~ *s* реклама материаллари (*намуналар, каталоглар, брошюралар ва ш.к.*)

**economic** ~ иқтисодий ёрдам

**federal** ~ федерал ҳукумат ёрдами; давлатнинг айрим штатларга кўрсатадиган молиявий ёрдами

**financial** ~ молиявий ёрдам

**first** ~ биринчи ёрдам

**foreign** ~ хорижий ёрдам

**free** ~ беғараз ёрдам

**in-kind** ~ маҳсулот кўринишидаги ёрдам, моллар ва хизматлар шаклидаги ёрдам

**maintenance** ~s таъмирлашга ажратилган маблағлар  
**material** ~ моддий ёрдам  
**medical** ~ тиббий ёрдам  
**mutual** ~ ўзаро ёрдам  
**pecuniary** ~ пул ёрдами  
**safety** ~s хавфсизлик техникаси бўйича йўриқнома  
**selling** ~s намойиш ва реклама материали (*молларни сотиш пайтида*)  
**technical** ~ техникавий ёрдам  
**AID-TYING** *n* муайян шартлар билан боғланган ёрдам  
**AIM** *n* мақсад, ният; аҳд  
 ~ **of financing** маблағ ажратишдан мақсад  
**AIR** *a* ҳаво ...  
 ~ **pocket** салбий хабардан сўнг акциялар курсининг кескин пасайиши  
 ~ **pocket stock** салбий хабардан сўнг қиймати кескин пасайишга мойил бўлган акция  
**AIRCARGO** *n* ҳаво орқали ташиладиган юк  
**AIRCRAFT** *n* 1. самолёт, ҳаво кемаси; 2. *pl* авиакомпаниялар акциялари  
**chartered** ~ ёлланган ҳаво кемаси  
**combination** ~ аралаш юк ташишга мўлжалланган ҳаво кемаси  
**AIRFREIGHT** *n* ҳаво транспорти ёллаш  
**AIRMAIL** *n* ҳаво почтаси  
 by return ~ қайтувчи почта орқали  
 to deliver by ~ ҳаво почтаси орқали етказиб бермоқ  
 to dispatch by ~ ҳаво почтаси орқали жўнатмоқ

to forward by ~ ҳаво почтаси орқали жўнатмоқ  
**first-class** ~ ҳаво почтаси жўнатмалари (*асосан, хатлар*)  
**second-class** ~ ҳаво почтаси жўнатмалари (*асосан, босма нашрлар*)  
**AIRPORT** *n* аэропорт  
 ~ to entry божхона аэропорти  
 to upgrade the ~ аэропортни замонавийлаштирмоқ  
**commercial** ~ тижорат аэропорти  
**customs** ~ божхона аэропорти  
**ALADIN:**  
 A.bonds эски облигациялар ўрнига янгиларини чиқариш  
**ALGERIAN:**  
 A.dinar Жазоир динори  
**ALIEN** *n* чет эллик, ажнабий  
**ALIENAGE** *n* чет эллик мақоми  
**ALIENATE** *n* мусодара қилмоқ (*мол-мулкни*)  
**ALIENATED** *a* мусодара қилинган (*мол-мулк ҳақида*)  
 ~ **capital** мусодара қилинган сармоя  
**ALIENATION** *n* 1. мусодара қилиш (*мас. мол-мулкни*); 2. қимматли қоғоз эгасининг ўзгаришига олиб келувчи операция  
**ALIMENT** *n* 1. алимент, нафақа; 2. таъминот  
**ALIMONY** *n* 1. алимент, нафақа; 2. таъминот  
**ALL** *n* тўла; кенг қамровли, кенг кўламли  
 ~ **savers certificate** универсал жамғарма гувоҳномаси

~ trade ҳар қандай қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар

~ trade price умумий савдо курси

**ALLIED** *a* уюшган, қўшиб олинган

~ banks уюшган банклар

~ member биржанинг операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган аъзоси

**ALLIGATOR** *n* тимсоҳ

~ spread инвесторнинг фойда олишига йўл қўймайдиган ва йирик миқдорда воситачилик ҳақи олинадиган опционли спред\*

**ALL-IN** *a* ҳаммани ёки ҳаммасини ўзида мужассам этадиган

at the ~ price умумий нарх бўйича

**ALL-INCLUSIVE** *a* тўла; бирлаш (тирил)ган

~ bill бирлаштирилган ҳисоб-рақам

~ price тўла баҳо (нарх)

**ALLKONTO** *n* чеклардан фойдаланиш, қолдиқ бўйича фоиз олиш ва кредитдан фойдаланишга имкон берувчи универсал чек

**ALLOCATE** *v* 1. олдиндан белгилаб қўймоқ; маблағ ажратмоқ; 2. ажратиб қўймоқ, ажратмоқ; бермоқ; 3. тақсимламоқ, жойлаштирмоқ (*сармояни*)

to ~ a credit кредит ажратмоқ (тақсимламоқ)

**ALLOCATED** *a* ажратилган

~ funds ажратилган маблағлар

~ gold сақлашга топширилган олтин

**ALLOCATION** *n* 1. тайинлаш; жойлаштириш, қимматли қоғозларни тақсимлаш; 2. маблағ ажратиш; ажратма; 3. ажратиш; 4. фьючерс\* шартномасининг биржа брокери\* томонидан учинчи шахсга берилиши; 5. тасниф, таснифлаш

~ letter обуначини унга қимматли қоғозлар ажратилганлиги ҳақида хабардор қилиш

~ notice обуначини унга ажратилган қимматли қоғозлар миқдори ҳақида хабардор қилиш

~ of capital сармояни тақсимлаш

~ of charges харажатларни тақсимлаш

~ of collateral гаров асосида маблағ ажратиш

~ of costs харажатларни тақсимлаш

~ of credit кредит бериш (ажратиш)

~ of credit facilities кредит бериш (ажратиш)

~ of currency 1. нақд пулни тақсимлаш; 2. валютани тақсимлаш

~ of duties мажбуриятларни тақсимлаш

~ of exhibition space кўргазма майдонини тақсимлаш

~ of expenses харажатларни тақсимлаш

~ of funds 1. маблағлар ажратиш; 2. маблағларни тақсимлаш

~ of labour ишчи кучини тақсимлаш  
 ~ of money сармояни жойлаштириш  
 ~ of preferences афзалликларни тақсимлаш  
 ~ of priorities устуворликларни тақсимлаш  
 ~ of profits фойдаларни тақсимлаш  
 ~ of reserves захираларни тақсимлаш  
 ~ of resources ресурсларни тақсимлаш  
 ~ of responsibilities мажбуриятларни тақсимлаш  
 ~ of shares акцияларни тақсимлаш  
 ~ of stocks акцияларни тақсимлаш  
 ~ to reserve захирага маблағ ажратиш, захирага ажратмалар ўтказиш  
 to be on ~ меъёрланмоқ, меъёрга келтирилмоқ (*тақчил моллар ҳақида*)  
 to cut ~s маблағ ажратишни қисқартирмоқ  
 to increase ~s маблағ ажратишни оширмоқ  
 to reduce ~s маблағ ажратишни қисқартирмоқ  
 additional ~s қўшимча маблағ ажратмалари  
 advertising ~s рекламага маблағ ажратиш  
 budget ~s бюджет ажратмалари  
 budgetary ~s бюджет ажратмалари  
 centralized ~s марказлаштирилган тарзда маблағ ажратиш  
 channel ~ тармоқларни тақсимлаш (оммавий хизмат кўрсатиш тизимида)

cost ~s бевосита сарф-харажатларни тақсимлаш  
 currency ~ валютани тақсимлаш  
 current ~s жорий ажратмалар  
 financial ~s бюджет ажратмалари  
 foreign exchange ~ чет эл валютасини тақсимлаш  
 fund ~ маблағ ажратиш, маблағ ажратмалари  
 income ~ даромадларни тақсимлаш  
 interperiod income tax ~ фойда солиғини даврлар ўртасида тақсимлаш  
 intraperiod tax ~ фойда солиғини давр ичида тақсимлаш  
 materials ~ материалларни тақсимлаш  
 optimal investment ~ инвестицияларни энг мақбул тарзда тақсимлаш  
 optimal resources ~ ресурсларни энг мақбул тарзда тақсимлаш  
 overhead ~ қўшимча харажатларни тақсимлаш  
 percentage ~s фоиз ажратмалари  
 proportional ~ мутаносиб тарзда тақсимлаш  
 resources ~ ресурсларни тақсимлаш  
 site ~ кўргазма майдонини тақсимлаш  
 space ~ савдо зали майдонини тақсимлаш  
 state ~ давлат томонидан маблағ ажратиш  
 storage ~ захираларни тақсимлаш  
 supplementary ~s қўшимча маблағ ажратмалари

**undrawn ~s** фойдаланилмаган маблағ ажратмалари

**ALLOCATOR** *n* тақсимловчи

~ of credit кредитни тақсимловчи

**ALLOCATUR** *n* харажатларни тасдиқловчи солиқ гувоҳномаси

**ALLONGE** *n* аллонж (*қўшимча индоссаментлар\** учун векселга илова қилинадиган варақ)

**ALL-OR-ANY PART** *n* мижознинг битимни тўла ёки қисман бажариш ҳақида брокерга \* берган буйруғи

**ALL-OR-NONE** *n* 1. кафолатли обуна амалга ошмаган тақдирда бекор қилиш имкониятини кўзда тутган ҳолда қимматли қоғозларни чиқариш; 2. битимни тўла суммада бажариш ҳақида брокерга\* берилган буйруқ

**ALLOT** *n* ажратмоқ (*маблағ*); тақсимламоқ

to ~ credits кредит бермоқ, кредит ажратмоқ

to ~ funds бюджет маблағларини тақсимламоқ

to ~ shares акцияларни обуна бўйича тақсимламоқ

**ALLOTMENT** *n* 1. ажратиш (маблағни); 2. улуш, қисм; 3. маблағ ажратиш; 4. қимматли қоғозларни тўла ҳажмда ёки қисман тақсимлаш; 5. бюджетдан маблағ ажратиш; 6. биржа брокерининг\* фьючерс шартномасини\* учинчи шахсга ўтказиши; 7. ижарага бериладиган ер майдони; 8. пайчига акциялар ажратиш

~ certificate акция шаҳодатномаси

~ letter обуначини унга ажратилган қимматли қоғозлар миқдори ва улар тўланиши зарурлиги ҳақида хабардор қилиш

~ money ажратилган маблағ суммаси

~ notice обуна суммаси кўрсатилган хат (*акция ёки облигацияга*)

~ of critical materials ажратилган тақчил материаллар фонди

~ of exhibition space кўргазма майдонини тақсимлаш

~ of profits фойдани тақсимлаш

~ of securities қимматли қоғозларни тақсимлаш

~ of shares акцияларни тақсимлаш

~ of stocks акцияларни тақсимлаш

actual ~ конгресс тасдиқланган бюджет ажратмалари

bank loan ~ банкнинг қарз бериши; банк ссудаларини тақсимлаш

income ~ фойдани тақсимлаш

proportional ~ мутаносиб тарзда тақсимлаш

space ~ майдон ажратиш

**ALLOTTEE** *n* 1. қимматли қоғозларни обуна бўйича олувчи; 2. майда ижарачи; ер улуши олувчи шахс

**ALLOW** *v* 1. рухсат бермоқ; 2. тан олмоқ; 3. чегирма бермоқ; 4. нафақа бермоқ

to ~ a claim талабни тан олмоқ; талабни қабул қилмоқ

to ~ a credit кредит бермоқ,  
кредит ажратмоқ

to ~ a discount чегирма бер-  
моқ

to ~ a loan кредит ажратишга  
рухсат бермоқ; ссуда бермоқ

to ~ for ...-га тузатиш  
киритмоқ; эътиборга олмоқ;  
ҳисобга олмоқ

to ~ for in the budget смета\*  
бўйича маблағ ажратмоқ,  
маблағ ажратмоқ, маблағ  
сарфламоқ

to ~ foreign majority sha-  
reholdings чет элликларнинг  
хорижий акцияларнинг ак-  
сариятига эгалик қилишига  
йўл қўймоқ

to ~ interest on deposit омон-  
натлар бўйича фоизларни  
қўшиб ҳисобламоқ

to ~ in the cost таннархнинг  
таркибий қисмини ҳисобга  
олмоқ

to ~ sterling to float freely  
фунт стерлинг курсининг  
эркин ўзгаришига йўл қўй-  
моқ

to ~ the countermand of check  
чек қайтариб олинганлигини  
тан олмоқ (эътироф этмоқ)

ALLOWABLE *a* йўл қўйи-  
ладиган, рухсат этилган  
(мас, сотувга)

ALLOWANCE *n* 1. йўл қў-  
йиш; рухсат этиш; 2. солиқ  
чегирмаси; имтиёз; устама;  
3. пул нафақаси; қўшимча  
ҳақ; 4. тузатиш; тўғрилаш;  
5. йўл қўйиш; йўл қўйилиши  
мумкин бўлган тафовут;  
6. молларнинг умумий ва  
соф вазни ўртасидаги фарқ;  
7. қўшиб ҳисоблаш, ҳисоблаб  
ёзиш; 8. солиқ солинмай-

диган энг кам миқдордаги  
нафақа

~ for bad debts даргумон  
бўлган қарзлар ўрнини қоп-  
лаш захираси

~ for cash нақд пул билан  
ҳақ тўлашдаги чегирма

~ for contingencies кўзда  
тутилмаган харажатлар учун  
бериладиган чегирма

~ for (possible) credit (loan)  
losses сармоядан кўрилиши  
мумкин бўлган талафотлар  
учун бериладиган чегирма

~ for damage зарарлар учун  
тўланадиган товон

~ for depletion камайиб кет-  
ганлик учун бериладиган  
солиқ чегирмаси (*табиий  
бойликларнинг*)

~ for depreciation амор-  
тизация\* ажратмалари

~ for draft вазннинг кам  
келиши учун бериладиган  
чегирма

~s for exchange fluctuations  
валюта курси ўзгаришининг  
йўл қўйилиши мумкин  
бўлган чегараси

~ for funds сармоя сарфи  
учун бериладиган солиқ че-  
гирмаси

~ for land rent ер рентасини\*  
ҳисобга олиш билан боғлиқ  
устама

~ for moisture намлик учун  
бериладиган чегирма

~ for possible credit losses  
кредитлардан кўрилиши  
мумкин бўлган талафот учун  
бериладиган чегирма

~ for substandard goods  
сифати паст мол учун бе-  
риладиган чегирма

~ of credit кредит ажратиш;  
кредит бериш

~ of credit facilities кредит  
ажратиш; кредит бериш

~ of a trademark мол  
белгисини акцептлаш\*

~ on price нархдан чегириниш

to make ~s маълум тахмин-  
лардан келиб чиқмоқ; ҳисоб-  
га олмоқ; эътиборга олмоқ

to make ~ for (бирор нарса-  
га) тузатиш киритмоқ

accommodation ~ „турар жой  
ҳақи“ (хизмат сафари хара-  
жатларининг турар жой  
ҳақини тўлашга мўлжал-  
ланган моддаси)

advertising ~ реклама хара-  
жатларининг ўрнини қоплаш  
учун бериладиган чегирма

age ~ қариялар учун бе-  
риладиган солиқ имтиёзи

amortisation ~ эскирганлик  
(ейилганлик) учун берила-  
диган солиқ чегирмаси

annual depreciation ~  
эскирганлик (ейилганлик)  
учун бериладиган ҳар йил-  
лик солиқ чегирмаси

assignment ~ „йўл пули“  
(янги иш жойига кўчиб  
бориш пайтида бериладиган  
нафақа)

bonus ~ юқори сифат учун  
нархга қўшиладиган устама,  
бонификация\*

capital ~s эскирганлик учун  
бериладиган солиқ чегирма-  
си; асосий воситаларнинг эс-  
кириши билан боғлиқ солиқ  
мажбуриятларидан чегирма

capital recovery ~ сармойанинг  
ўрнини қоплаш учун бери-  
ладиган солиқ чегирмаси

cash ~ нақд пул билан ҳи-

соб-китоб қилиш учун  
бериладиган чегирма

children's ~ кўп болали  
оилаларга бериладиган на-  
фақа

compensatory ~ зарарлар  
ўрнини қоплаш учун тўла-  
надиган устама

cost-of-living ~ қимматчилик  
учун қўшиладиган устама,  
иш ҳақи ставкасини яшаш  
учун зарур бўлган энг кам  
миқдор кўрсаткичининг ўз-  
гаришига боғлиқ ҳолда  
ошириш

daily ~ бир кеча-кундузлик  
сафар пули

day's ~ бир кунлик нафақа

delay ~ 1. бекор туриб қо-  
лишнинг бартараф этиб  
бўлмайдиган меъёри; 2. бар-  
тараф этиб бўлмас бекор  
туриб қолганлик учун тў-  
ланадиган товон (меҳнатга  
ишбай асосда ҳақ тўлашда)

dependency ~ боқимдагилар-  
га тўланадиган пул нафақаси  
ёки солиқ имтиёзлари

depletion ~ ўрнини тўлдириб  
бўлмайдиган табиий бой-  
ликлардан олинадиган даро-  
мад бўйича солиқ имтиёзи

depreciation ~ эскириш учун  
бериладиган солиқ чегирмаси  
(асосий воситаларнинг)

display ~ кўргазма ташкил  
қилиш харажатларини қоп-  
лаш учун (дўконга) бери-  
ладиган чегирма

duty-free ~ молларни божсиз  
олиб кириш меъёри

expense ~ (сметада\*) кўзда  
тутилган харажат; смета\*  
бўйича маблағ ажратиш

extra ~ қўшимча чегирма



**family** ~ кўп болали оилаларга тўланидиган нафақа  
**fatigue** ~ қаттиқ чарчанлик учун тўланидиган устама ҳақ  
**hospitality** ~ вакиллик харажатлари учун бериладиган пул  
**housing** ~ хизмат сафари харажатлари  
**illness** ~ касаллик нафақаси  
**installation** ~ жойлашиб олиш учун бериладиган нафақа  
**investment** ~ сармоя сарфланганлик учун бериладиган солиқ имтиёзи  
**job difficulty** ~ ишнинг меҳнатталаблиги учун тўланидиган устама ҳақ  
**language** ~ хорижий тилни билганлик учун тўланидиган устама ҳақ  
**living** ~ яшаш учун бериладиган маблағ (нафақа); стипендия; талабалик нафақаси  
**lodging** ~s „турар жой ҳақи“ (хизмат сафари харажатларининг турар жой учун ҳақ тўлашга мўлжалланган моддаси)  
**loss** ~ йўл қўйилиши мумкин бўлган талафотлар меъёри; молнинг йўқолганлиги ёки бузилганлиги туфайли нарх ёки вазндан чегириш  
**mileage** ~ босиб ўтилган масофани ҳисобга олган ҳолда бериладиган чегирма  
**mineral depreciation** ~ табиий бойликларнинг камайиб кетганлиги учун бериладиган чегирма (солиқларни ҳисобкитоб қилишда)  
**monetary** ~ пул нафақаси

**money** ~ пул нафақаси  
**per diem** ~ лат. бир кечакундузлик сафар пули  
**personal income tax** ~ даромад солиғидан чегириш  
**prenatal** ~ ҳомиладорлик ва туққанлик учун бериладиган нафақа  
**promotion** ~ молни бозорга чиқаришга доир хизматларнинг ўрнини қоплаш мақсадида (етказиб берилётган мол нархидан) чегириш  
**provisional** ~ вақтинчалик маош  
**quality** ~ сифатнинг бирмунча пастлиги учун бериладиган чегирма  
**reject** ~ йўл қўйилиши мумкин бўлган яроқсизлик даражаси  
**remedy** ~ танга вазни ва софлик даражасининг мезондан йўл қўйилиши мумкин бўлган даражада четга чиқиши  
**relocation** ~ „йўл“ пули (янги иш жойига кўчиб бориш пайтида бериладиган нафақа)  
**rent** ~ „турар жой ҳақи“ (хизмат сафари харажатларининг турар жой ҳақини тўлашга мўлжалланган моддаси)  
**sales** ~ нархдан чегириш (мол нуқсонли, сифатсиз бўлганида ёки сонига тўғри келмаганида)  
**sales promotion** ~ молни бозорга чиқариш хизматлари учун бериладиган чегирма  
**scrap** ~ металл чиқиндиларининг (ҳисобга олинмайдиган) улуши, металл чиқин-

дилари кўрсаткичи (*ҳисоб-китоб қилинган пайтдаги*)  
 shift ~ иккинчи ёки учинчи иш навбатида ишлаганлик учун бериладиган устама ҳақ  
 spoilage ~ маҳсулот бузилиши оқибатида кўрилиши мумкин бўлган талафотлар меъёри  
 standard ~ вақтнинг меъёрий устамаси  
 standard expense ~ меъёрий сарф-харажат  
 subsistence ~ кунлик харажат пули; тирикчилик учун етадиган иш ҳақи  
 tariff ~ тариф чегирмаси  
 tax ~ солиқ чегирмаси  
 time ~ 1. вақт меъёри (*технологик операцияни бажариш учун*); 2. *pl* вақтбай нафақа  
 trade ~ чакана савдогарларга бериладиган чегирма  
 trade-in ~ муқобил сотув пайтида бериладиган чегирма, ҳисобга ўтадиган чегирма (*янги харид қилинган буюм нархидан топшириладиган эски буюм қиймати миқдори*)  
 travelling ~ хизмат сафари харажатлари  
 unavoidable delay ~ танаффус вақтининг ишчига боғлиқ бўлмаган меъёри  
 valuation ~ қийматга доир тузатиш  
 warehousing ~ молни (*омборни четлаб ўтиб*) дўконга элтиб бериш пайтида улгуржи нархдан чегириниш  
 wastage ~ йўл қўйилиши мумкин бўлган талафотлар меъёри

waste ~ йўл қўйилиши мумкин бўлган талафотлар меъёри  
 weight ~ идиш учун вазндан чегириниш  
 with an ~ for risk таваккалчиликни ҳисобга олиб  
 writing-down ~ эскиргандан (ейилгандан) сўнг ҳисобдан чиқариш учун бериладиган солиқ чегирмаси

**ALLOWED** *a* йўл қўйилиши (рухсат этилиши) мумкин бўлган  
 discounts ~ берилган чегирмалар  
 standard hours of input ~ for actual output produced амалда ишлаб чиқарилган маҳсулот учун сарфланиши мумкин бўлган меъёрий вақт  
 standard hours ~ йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрий вақт  
 standard quantity ~ йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрий миқдор (*материалларнинг*)

**ALL-ROUND** *a* ҳар томонлама, тўла  
 ~ fall in prices нарх-наво умумий даражасининг пасайиши  
 ~ price тўла нарх

**ALL-TIME** *a* мисли кўрилмаган, мислсиз  
 ~ low мислсиз паст нарх; мислсиз паст даража

**ALTER** *v* ўзгартирмақ; қайта ишламоқ

**ALTERATION** *n* 1. ўзгартириш; шартни ўзгартиб юборувчи тузатиш (*чек ёки вексель бўйича*); тузатиш;

2. қайта қуриш, қайта иш-  
лаш  
~ in the design лойиҳадаги  
ўзгартиш  
~ in interest rate structure  
фоиз ставкалари таркибини  
ўзгартириш  
~ in rates курсларни ўз-  
гартириш  
~ of norms меъёрларни  
ўзгартириш  
~ of premises биноларни  
тиклаш  
~s to a contract шартномага  
киритилган ўзгартиришлар  
~ to plant корхонани қайта  
қуриш (тиклаш)  
to incorporate ~s ўзгар-  
тиришларни ўз ичига олмақ  
to introduce ~ ўзгартиришлар  
киритмоқ  
to make ~s ўзгартиришлар  
киритмоқ  
fraudulent ~ ҳужжатни (*мас.  
чекни*) қалбакилаштириш  
insignificant ~ жузъий ўзгар-  
тириш  
marginal ~ жузъий ўзгарти-  
риш  
price ~ нарх-навонинг ўзга-  
риши  
slight ~ жузъий ўзгартириш

**ALTERED** *n* 1. ўзгарувчан; 2.  
ясам, қалбаки  
~ check қалбаки чек

**ALTERNATE** *a* муқобил,  
оқтиёт ...  
~ deposit икки шахс номига  
очилган умумий ҳисобрақам  
~ investment муқобил ин-  
вестициялар

**ALTERNATIVE** *a* муқобиллик  
to have no ~ танлаш  
имкониятига эга бўлмаслик

to propose an ~ муқобилини  
таклиф этмоқ  
to reject the ~ муқобилини  
рад этмоқ

**ALTERNATIVE** *a* муқобил

~ bid муқобил таклиф  
~ obligation муқобил маж-  
бурият

~ order муқобил буйруқ

~ payee иккита пул олув-  
чидан бири

~ rate of return муқобил  
фоиз ставкаси

~ source муқобил манба

~ to bankruptcy банкрот-  
ликка муқобил тарзда

**AMALGAMATE** *v* бирлаш-  
тирмақ, қўшмоқ; йирик-  
лаштирмақ (*корхонани*)

**AMALGAMATED** *a* бирлаш-  
тирилган

**AMALGAMATION** *n* 1. ую-  
шиш; бирлаштириш; қў-  
шилиш; 2. бирлашув

~ of banks банкларнинг  
қўшиливи

~ of business корхона-  
ларнинг бирлашуви

~ of companies компа-  
нияларнинг бирлашуви

~ of enterprises корхона-  
ларнинг қўшилиши

compulsory ~ мажбуран бир-  
лаштириш (*мас. компания-  
ларни*)

farm ~ қишлоқ хўжалиги  
корхоналарининг қўшилиши

horizontal ~ компаниялар-  
нинг иқтисодиётнинг битта

тармоғи доирасида бирла-  
шиши *ёки* қўшилиб кетиши

lateral ~ компанияларнинг  
иқтисодиётнинг битта тар-

моғи доирасида бирлашиши  
*ёки* қўшилиб кетиши

vertical ~ иқтисодиётнинг турли тармоқлари компанияларининг бирлашиши ёки қўшилиб кетиши

**AMALGAMATOR** *n.* компанияларни қўшиш топширилган шахс

industrial ~ саноат корхоналарининг қўшилиши

**AMASS** *v* йиғмоқ, жамғармоқ, тўпламоқ

to ~ money пул жамғармоқ

**AMBASSADOR** *n* элчи

**AMENDABILITY** *n* жавобгарлик (*қонун олдида*)

~ for violation рия қилмаслик учун жавобгарлик  
~ in respect of a suit даъво бўйича жавобгарлик

**AMEND** 1. тузатмоқ; яхшиламоқ; 2. ўзгартишлар киритмоқ

to ~ a consortium agreement консорциум\* ташкил этиш ҳақидаги битимга ўзгартишлар киритмоқ

**AMENDMENT** *n* 1. тузатиш, тузатма, тўғрилаш (*қарорга, қонун лойиҳасига ва ш.к.*); 2. қўшимча

~s in a draft лойиҳадаги ўзгартириш

~s to a contract шартномага тузатиш киритиш

~s to a letter of credit аккредитив\* шартларини ўзгартириш

to decline an ~ тузатишни рад этмоқ

to enter an ~ тузатиш киритмоқ

to insert an ~ тузатиш киритмоқ

to introduce an ~ тузатиш киритмоқ

to issue an ~ тузатиш киритмоқ

to make an ~ тузатиш киритмоқ

to pass an ~ тузатишни қабул қилмоқ

to renew an ~ тузатишни қайта кўриб чиқмоқ

to vote down an ~ тузатишни рад этмоқ

corrective ~ тузатишлар

manuscript ~ қўлёзмадаги тузатиш

subsequent ~s кейинги тузатишлар

**AMENDS** *n* устама ҳақ, ҳақ тўлаш; товон пули (*етказилган зарар учун*)

**AMENITY** *n* кўчмас мулк қиммати оширувчи ҳолат

**AMENITIES** *n* қулайлик

~ of economic growth иқтисодий ўсишнинг ижобий оқибатлари

accelerated tax ~ жадаллаштирилган амортизация\* пайтида бериладиган солиқ имтиёзлари

social ~ ижтимоий-маданий ва маиший хизмат кўрсатиш

**AMERICAN:**

A. account америкача ҳисоб-рақам

A. Accounting Association Америка тафтишчилари уюшмаси

A. Arbitration Association Америка арбитраж\* уюшмаси

A. Bankers' Association Америка банклари уюшмаси

A. depositary receipt АҚШ банкида депозитга\* ўтказилган америка акцияларига

бериладиган эркин муомаладаги тилхат

A. Eagles Америка олтин ва кумуш тангалари

A. Exchange Америка фонд биржаси

A. Exchange (Amex) Major Market index Америка фонд биржаси акциялари курслари кўрсаткичи

A. Exchange (Amex) Options Switching System мижозларнинг Америка фонд биржаси савдо залида брокерлар\* билан тезкор алоқа қилиш тизими

A. Express card „Америкэн экспресс“ кредит карточкаси

A.-form type share certificate акция сертификатининг америкача шакли

A. Institute of Bankers Америка банкирлар институти

A. Option америкача опцион\*

A. selling price америкача сотув нархи

A. Shares Amsterdam System Амстердамдаги АҚШ компаниялари акциялари билан савдо қилиш тизими

A. Stock Exchange Америка фонд биржаси

A.-style option америкача турдаги опцион\*

AMORTIZATION *n* 1. амортизация\*, эскириш, ейилиш; 2. активлар\* қийматини ҳар йил ҳисобдан чиқариш; 3. қарзни бўлиб-бўлиб тўлаш ~ charged to operation ишлаб чиқариш чиқимларига қўшиладиган амортизацияни\* ҳисоблаб ёзиш

~ loan бўлиб-бўлиб тўланадиган узоқ муддатли ссуда ~ of debt қарзни бўлиб-бўлиб тўлаш

~ of goodwill корхонани сотиб олиш нархи ва унинг баланс қиймати ўртасидаги фарқни амортизация\* қилиш

~ of loan ссудани бўлиб-бўлиб тўлаш

~ period қарзни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати

~ rate of interest қарзни бўлиб-бўлиб тўлашдаги фоиз ставкаси

~ scheme қарзни бўлиб-бўлиб тўлаш режаси

accelerated ~ жадаллаштирилган амортизация\*

accelerated tax ~ жадаллаштирилган амортизация\* пайтида бериладиган солиқ имтиёзлари

capital cost ~ (асосий) сармоя қийматини амортизация\*

тарзида ҳисобдан чиқариш emergency ~ фавқулодда ҳолатлар пайтидаги амортизация\*

scientific ~ облигациялар қийматини тўлаш пайтида даромадни ҳисобга олиш усули

AMORTIZE *v* 1. қарзни бўлиб-бўлиб тўламоқ; 2. қарзнинг аста-секин тўлаб борилишини таъминламоқ; 3. амортизация\* ажратмоқ; ҳисобдан чиқармоқ to ~ a debt қарзни бўлиб-бўлиб тўламоқ to ~ a loan ссудани бўлиб-бўлиб тўламоқ

AMORTIZING *a* амортизация\*...

~ swap амортизация свопи\*  
**AMOUNT** *n* 1. сумма; якун;  
 2. ҳажм; 3. *pl* биржадаги  
 ҳисоб-китоб (тугатиш) даври;  
 4. асосий сумма ва унинг  
 фоизлари  
 ~ at risk суғурта суммаси  
 ~ claim даъво суммаси  
 ~ collected инкассация қи-  
 линган сумма  
 ~ deposited киритилган сум-  
 ма  
 ~ due (for) берилиши лозим  
 бўлган сумма, олинадиган  
 сумма  
 ~ in arrears муддати ўтказиб  
 юборилган тўлов суммаси  
 ~ in cash нақд пул суммаси  
 ~ in notes банкнотларда\*  
 кўрсатилган сумма  
 ~ mentioned эслатиб ўтилган  
 сумма  
 ~ of advance бўнак суммаси  
 ~ of allocations ажрати-  
 ладиган маблағ миқдори  
 ~ of balance ҳисобрақамдаги  
 қолдиқ  
 ~ of bill 1. вексель суммаси;  
 2. тўланадиган тўловнома  
 суммаси  
 ~ of business савдо муома-  
 ласи  
 ~ of capital investments сар-  
 моя сарфи (ажратмалари)  
 миқдори  
 ~ of claim даъво суммаси  
 ~ of commission воситачилик.  
 ҳақи миқдори  
 ~ of compensation товон  
 миқдори  
 ~ of contract шартнома сум-  
 маси  
 ~ of credit кредит суммаси,  
 кредит миқдори

~ of currency валюта миқ-  
 дори  
 ~ of damages зарарлар миқ-  
 дори  
 ~ of debt қарз суммаси  
 ~ of delivery (маҳсулот)  
 етказиб бериш ҳажми  
 ~ of deposit омонат сум-  
 маси; бадал миқдори  
 ~ of discount дисконт\*  
 миқдори  
 ~ of draft тратта\* суммаси  
 ~ of drawings пул талабно-  
 малари суммаси  
 ~ of drawing under a letter of  
 credit аккредитив\* суммаси  
 ~ of earnest money бай пули  
 суммаси  
 ~ of expenses харажатлар  
 суммаси  
 ~ of finance молиявий маб-  
 лағлар ҳажми  
 ~ of financing маблағ билан  
 таъминлаш ҳажми  
 ~ of franchise франшиза\*  
 суммаси  
 ~ of general average шикаст-  
 ланишнинг умумий миқдори  
 ~ of housing уй-жой фонди  
 ~ of income даромад суммаси  
 ~ of increase ўсиш суммаси  
 ~ of indebtedness қарз сум-  
 маси, қарздорлик миқдори  
 ~ of information ахборот  
 (маълумотлар) миқдори  
 ~ of inspection назорат ҳаж-  
 ми  
 ~ of issue эмиссия\* суммаси  
 ~ of letter of credit ак-  
 кредитив\* суммаси  
 ~ of license fee лицензия  
 учун тўлов миқдори  
 ~ of loan қарз суммаси,  
 кредит суммаси  
 ~ of loans floated жой-

лаштирилган қарзлар сум-  
маси  
 ~ of loans raised олинган  
қарзлар суммаси  
 ~ of loss зарар суммаси  
 ~ of money пул суммаси  
 ~ of an order буюртма  
миқдори  
 ~ of payment тўлов суммаси  
 ~ of recovery жарима миқ-  
дори  
 ~ of refund қайта маблағ  
ажратиш суммаси  
 ~ of sampling танлов ҳажми  
 ~ of savings жамғармалар  
суммаси  
 ~ of security таъминот сум-  
маси  
 ~ of stock устав фонди  
 ~ of subscription обуна сум-  
маси  
 ~ of transaction битим сум-  
маси  
 ~ of transfer ўтказиш  
(ўтказма) суммаси  
 ~ of turnover сармоя ай-  
ланиши суммаси  
 ~ of work иш ҳажми  
 ~ on deposit омонат суммаси  
 ~ owed қарз суммаси; тў-  
ланиши лозим бўлган сумма  
 ~ owed by transferor индос-  
сант\* қарзга олган сумма  
 ~ owing қарз суммаси; тўлиқ  
тўланмаган сумма, тўланиши  
лозим бўлган сумма  
 ~ paid on account ҳисоб-  
рақамга киритилган сумма  
 ~ payable at maturity муд-  
дати келганида тўланадиган  
сумма  
 ~ payable on settlement  
ҳисоб-китоб пайтида тўлана-  
диган сумма

~ realized сотувдан тушган  
сумма  
 ~ received олинган сумма  
 ~ repaid қайтарилган сумма  
 ~ repayable at муддати кел-  
ганида тўланиши лозим  
бўлган сумма  
 ~ running into double figures  
икки хонали сумма  
 ~ running into triple figures уч  
хонали сумма  
 ~s differ суммалари мос кел-  
майди (*чек ёки векселдаги  
устхат*)  
 ~s owed to credit institutions  
кредит ташкилотларига қарз-  
га берилган суммалар  
 ~s received for берилиши  
лозим бўлган сумма  
 ~s receivable векселларни  
ҳисобга олиш воситалари  
 ~ tendered таклиф этилган  
сумма  
 ~ to order буюртма ҳажми  
 ~ written off ҳисобдан  
чиқарилган сумма, ҳисоб-  
рақамдан чиқарилган сумма  
 to charge an ~ to the debit of  
an account суммани ҳисоб-  
рақамнинг дебет қисмига  
киритмоқ  
 to deposit an ~ омонатга пул  
қўймоқ, суммани ҳисоб-  
рақамга киритмоқ  
 to double the ~ суммани икки  
баравар оширмоқ  
 to enter an ~ суммани даф-  
тарда қайд этмоқ  
 to pass an ~ to the credit  
суммани кредит қисмига ёзиб  
қўймоқ  
 to pay an ~ into current  
account суммани жорий ҳи-  
собрақамга киритмоқ  
 to recover an ~ 1. суммани

қопламоқ; 2. суммани ундириб олмоқ  
 to refund an ~ суммани қайтармоқ  
 to reimburse an ~ суммани қайтармоқ  
 to the ~ of ... миқдорида  
 accession compensatory ~s ЕҲга аъзо мамлакатлар ва ЕҲга аъзо бўлиб кираётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари ўртасидаги фарқни ифодаловчи пул суммалари  
 accruing ~s тўпланаётган сумма  
 actual ~ ҳақиқий сумма  
 advance ~ paid-in муддатидан олдинги тўлов  
 aggregate ~ жамланма сумма; умумий якун  
 aggregate ~ of capital invested инвестицияларнинг умумий суммаси  
 available ~ тасарруфдаги сумма  
 book ~ бухгалтерлик дафтарларидаги қайдларга доир сумма  
 budgeted ~s сметада\* кўзда тутилган харажатлар  
 capital ~ асосий сумма  
 capitalized ~s сармоя сарфи ҳисобига ўтказилган суммалар  
 carrying ~s баланс кўрсаткичлари  
 collected ~ инкассация қилинган сумма  
 contractual ~ шартнома суммаси  
 equivalent ~ тенг қийматли сумма  
 error ~ хато миқдори

estimated ~ баҳоланаётган сумма  
 excessive ~ of goods ортиқча моллар  
 face ~ 1. белгиланган сумма; 2. суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта суммаси  
 fair ~ кўп миқдор  
 fractional ~ чоғроқ сумма; сумманинг бир қисми  
 full ~ тўла сумма  
 gross ~ ялпи сумма; умумий миқдор  
 guarantee ~ кафолатли сумма  
 guaranteed ~ кафолатланган сумма  
 immense ~ йирик миқдор  
 invoice ~ тўловнома суммаси  
 lumpsum ~ бир йўла тўланадиган сумма  
 measured ~ ўлчанган миқдор  
 net ~ сумма, соф миқдор  
 nominal ~ белгиланган сумма  
 odd ~ нояхлит сумма  
 open-book ~ ҳужжат билан расмийлаштирилмасдан берилган тижорат кредити  
 original ~ бошланғич сумма  
 original ~ of the loan қарзнинг бошланғич суммаси  
 outstanding ~ қиймати қопланмаган сумма  
 penalty ~ жарима миқдори  
 principal ~ сармоя; қарзнинг асосий суммаси; фоиз қўшиб ҳисобланадиган сармоя  
 random claim ~ даъвонинг тасодифий суммаси  
 real ~ ҳақиқий сумма  
 realised ~ сотувдан тушган сумма  
 recoverable ~ ўрни қопланадиган сумма



**remaining** ~ сумма қолдиғи, қолган сумма

**reserved** ~ захирага ажратилган сумма

**residual** ~ сумма қолдиғи

**round** ~ яхлит сумма

**seasonal** ~ молга бўлган мавсумий эҳтиёж

**significant** ~ кўп миқдор

**specific** ~ of metal металл сифими

**substantial** ~ кўп миқдор

**taxible** ~ солиқ солинадиган сумма

**total** ~ умумий сумма; умумий миқдор

**tradeable** ~ битим тузиш учун зарур бўлган энг кам мол миқдори

**uncollected** ~ инкассация қилинмаган сумма

**up to the** ~ of қандайдир сумма доирасида

**zero bracket** ~ ялпи даромад суммаси

**AMOUNT** *v* ташкил этмоқ (суммани); тенглашмоқ

**AMPLE** *a* мўл-кўл, бой

~ bail етарлича гаров

~ reserve йирик захира

~ security етарли даражадаги таъминот

**AMSTERDAM:**

**A. interbank offered rate**  
Амстердам банклараро депозитлар\* бозоридаги таклиф ставкаси

**A. Security Account System**  
Амстердам қимматли қоғозлар ҳисобрақамлари тизими

**ANALOGUE** *n* ўхшашлик, монандлик

**world** ~s жаҳондаги ўхшашлари

**ANALYSE** *v* 1. таҳлил қилмоқ, таҳлил ўтказмоқ;

2. тақсимламоқ, тарқатмоқ  
**to** ~ an account ҳисобрақамни таҳлил қилмоқ

**carefully** ~ синчиклаб таҳлил қилмоқ

**profoundly** ~ чуқур таҳлил қилмоқ

**ANALYSER:**

**cost** ~ ҳисобчи бухгалтер

**ANALYSIS** *n* 1. таҳлил,

таҳлил қилиш; ўрганиш; тадқиқот; тадқиқ қилиш; батафсил кўриб чиқиш;

2. ҳисоб-китоб усули; 3. статистик жадвал

~ of accounts ҳисобрақамларни таҳлил (тафтиш) қилиш

~ of cash flows пул оқимларини таҳлил қилиш

~ of corporate cash flows компаниянинг пул муомаласини таҳлил қилиш

~ of dependence қарамликни таҳлил қилиш

~ of economic activity хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш

~ of prediction истиқболни белгилашнинг таҳлили

~ of profitability фойдалиликни таҳлил қилиш

~ of results яқунлар таҳлили  
**to carry out** ~ таҳлил қилмоқ

**to make** ~ таҳлил қилмоқ

**ABC** ~ мол захираларини таҳлил қилиш

**accuracy** ~ аниқлик таҳлили  
**activity** ~ 1. фаолият таҳлили;

2. операция таҳлили  
**activity** ~ of production and allocation фаолиятнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва

тақсимлаш пайтидаги таҳлили

**aggregate** ~ иқтисод фанининг муайян иқтисодиёт доирасида хўжалик алоқаларини ҳамда барча мол ва хизматлар ишлаб чиқариш йиғиндисини ўрганувчи қисми  
**approximate** ~ тахминий таҳлил

**balanced sheet** ~ баланс таҳлили, молиявий аҳволни баҳолаш

**batch** ~ туркумни таҳлил қилиш

**benefit-risk** ~ манфаат ва тавakkалчилик ўртасидаги нисбатни таҳлил қилиш

**break-even** ~ 1. зарар кўрмай ишлаш таҳлили; 2. танг аҳволдаги ишлаб чиқариш ҳажмини таҳлил қилиш

**budget** ~ молиявий режа ёки смета\* ижросининг таҳлили

**business** ~ 1. хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш; 2. ишлаб чиқариш ва сотиш имкониятларини таҳлил қилиш

**business cycle** ~ иқтисодий давр таҳлили, иқтисодий даврни таҳлил қилиш

**check** ~ назорат тарзидаги таҳлил

**coin** ~ иш ҳақи тўлаш учун зарур бўлган пул белгиларининг миқдорини ва белгиланган қийматини таҳлил қилиш

**commodity** ~ молни таҳлил қилиш

**comparative** ~ солиштирма (қиёсий) таҳлил

**complaint** ~ фойдаланиш рекламацияларини\* таҳлил қилиш

**complete** ~ тўла таҳлил  
**computer-aided** ~ автоматлаштирилган таҳлил

**consumer** ~ истеъмолчи таҳлили

**consumer disbursement** ~ истеъмол харажатлари таҳлили

**continuous** ~ узлуксиз таҳлил

**contrastive** ~ қиёсий таҳлил

**cost** ~ харажатлар таҳлили

**cost-behaviour** ~ харажатларнинг ўзгариш суръатини таҳлил қилиш

**cost-benefit** ~ харажатлар таҳлили; даромадлилик таҳлили

**cost effectiveness** ~ харажатлар самарадорлиги таҳлили; иқтисодий самарадорликни таҳлил қилиш

**cost-performance** ~ сарф-харажатлар ва техник тавсифларнинг (қиёсий) таҳлили

**cost-sensitivity** ~ харажатлар ўзгариши таҳлили

**cost-utility** ~ сарф-харажатлар фойдалилиги таҳлили

**cost-volume profit** ~ зарар кўрмай ишлашни таҳлил қилиш, зарар кўрмай ишлаш таҳлили

**credit** ~ кредит бериш (ажратиш) имкониятини таҳлил қилиш

**cross-impact** ~ омилларнинг ўзаро таъсирини таҳлил қилиш

**cross-sectional** ~ статистик таҳлил

**cyclical** ~ давр таҳлили

**data** ~ маълумотлар таҳлили

**debtors' age** ~ дебиторлик қарзларини тўлов муддати

бўйича таҳлил қилиш

**decision** ~ қарорлар таҳлили  
**decision-flow** ~ қарорлар оқи-  
 ми таҳлили  
**demand** ~ талабни ўрганиш  
**demand-supply** ~ талаб ва  
 таклиф таҳлили  
**design** ~ лойиҳани таҳлил  
 қилиш  
**detailed** ~ муфассал таҳлил  
**differential** ~ тафовутли таҳ-  
 лил  
**discounted cash flow** ~ сар-  
 мoya сарфининг келтирилган  
*ёки* дисконтланган харажат-  
 лар\* бўйича ўз-ўзини қоп-  
 лашини ҳисоб-китоб қилиш  
**downward trend** ~ пасайишга  
 мойилликни таҳлил қилиш  
*(мас. талабнинг)*  
**ecological** ~ экологик таҳлил  
**economic(al)** ~ иқтисодий  
 таҳлил  
**economic value** ~ иқтисодий  
 самарадорлик таҳлили  
**end-point** ~ пировард нати-  
 жалар таҳлили  
**engineering** ~ техник таҳлил  
**engineering-economic** ~ тех-  
 ник-иқтисодий таҳлил  
**environmental** ~ атроф муҳит  
 шароитлари таҳлили; атроф  
 муҳитга ўтказилаётган таъ-  
 сир таҳлили  
**equipment quality** ~ асбоб-ус-  
 куналар сифатини таҳлил  
 қилиш  
**ergo** ~ нуқсонлар (хатолар)  
 таҳлили  
**ex ante** ~ кутилаётган миқ-  
 дорлардан фойдаланишга  
 нисоланган таҳлил  
**ex post** ~ ҳақиқий миқдор-  
 лардан фойдаланишга асос-  
 ланган таҳлил  
**express** ~ тезкор таҳлил

**factor** ~ омилий таҳлил  
**factorial** ~ омилий таҳлил  
**failure** ~ бузилишлар таҳли-  
 ли; носозликлар таҳлили  
**feasibility** ~ бажарилиш им-  
 конияти таҳлили  
**field return** ~ буюмларни  
 қайтариб юбориш ҳоллари  
 таҳлили; фойдаланиш рекла-  
 мацияларини\* таҳлил қилиш  
**field** ~ фойдаланиш шаро-  
 итларидаги таҳлил  
**field complaint** ~ фойдаланиш  
 рекламациялари\* таҳлили  
**financial** ~ молиявий аҳволни  
 таҳлил қилиш  
**financial ratio** ~ молиявий  
 нисбатлар таҳлили  
**financial statement** ~ молия-  
 вий ҳисоботлар таҳлили  
**fiscal** ~ молиявий таҳлил  
**flow-of-funds** ~ пул оқим-  
 лари таҳлили  
**formal** ~ расмий таҳлил  
**functional-cost** ~ вазифавий-  
 қиймат таҳлили  
**funds** ~ маблағларни таҳлил  
 қилиш  
**fundamental** ~ асосий (му-  
 ҳим) таҳлил  
**funds flow** ~ пул маблағлари  
 оқими таҳлили  
**futures** ~ келгусидаги ривож-  
 ланиш истиқболини белги-  
 лаш  
**gap** ~ узилиш таҳлили (*ис-  
 тиқболни белгилаш пайти-  
 даги*)  
**global** ~ умумий таҳлил  
**graphical** ~ жадвал асосида  
 таҳлил қилиш  
**gross-profit** ~ ялпи фойда  
 таҳлили  
**horizontal** ~ горизонтал таҳ-

лил; ўзгаришга мойиллик таҳлили

**impact** ~ омиллар таъсирини таҳлил қилиш (*истиқболни белгилаш*)

**income** ~ даромадлар таҳлили

**income-expenditure** ~ даромадлар ва харажатлар таҳлили

**incremental** ~ тафовутли таҳлил (*келгуси давр харажатларининг*)

**indifference curve** ~ лоқайдликнинг эгри чизиғига асосланган (*истеъмом талабига оид*) таҳлили

**industrial** ~ тармоқ тузилмасини таҳлил қилиш

**input-output** ~ сарф-харажатлар ва натижалар таҳлили

**interaction** ~ ўзаро таъсир таҳлили

**interindustry** ~ тармоқлараро таҳлил

**invariant** ~ ўзгармас таҳлил (*истиқболни белгилашда*)

**inventory** ~ захиралар аҳволини таҳлил қилиш

**investment** ~ сармоя сарфлашни таҳлил қилиш, сармоя сарфлаш таҳлили

**job** ~ меҳнат операциялари таҳлили

**laboratory** ~ лаборатория таҳлили

**latent** ~ яширин таҳлил (*истиқболни белгилашда*)

**liquidity preference** ~ ликвидлик\* афзалликларини таҳлил қилиш

**long-run** ~ узоқ муддатли жараёнлар таҳлили (*мас. иқтисодий тараққиётнинг*); узоқ муддатли таҳлил

**loss** ~ зарарлар таҳлили

**lot** ~ туркумни таҳлил қилиш

**maintainability** ~ таъмирлашга яроқлилиқни таҳлил қилиш

**maintenance** ~ техник хизмат кўрсатиш таҳлили

**macroeconomic** ~ макроиқтисодий таҳлил

**management's discussion and ~ of earnings** бошқарманин фойдани муҳокама ва таҳлил қилиши

**marginal** ~ энг юқори даражадаги таҳлил; энг юқори даражадаги кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилиш

**market** ~ бозорни таҳлил қилиш; бозор таҳлили

**market trend** ~ бозор йўналишини таҳлил қилиш

**microeconomic** ~ микроиқтисодий таҳлил

**mechanical** ~ механик таҳлил

**media** ~ рекламани таҳлил қилиш

**money-flow** ~ пул оқимларини таҳлил қилиш

**motion** ~ меҳнат ҳаракатларини таҳлили

**motivation research** ~ сабабларни ўрганиш таҳлили

**multiple regression** ~ кўп марталаб орқага қайтишни асосланган таҳлил

**needs** ~ эҳтиёжлар таҳлили

**network** ~ тармоқли таҳлил

**ney-flow** ~ пул оқимларини таҳлили

**normative** ~ меъёрий таҳлил

**numerical** ~ миқдорий таҳлил

**observational** ~ кузатишлар таҳлили

**on-line** ~ тезкор таҳлил

**operating** ~ хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш  
**operating cost** ~ кундалик чиқимлар таҳлили  
**operation** ~ операциялар таҳлили  
**order** ~ буюртмалар таҳлили  
**overhead** ~ қўшимча харажатлар таҳлили  
**partial** ~ жузбий таҳлил  
**payroll** ~ иш ҳақи фонди таҳлили  
**performance** ~ 1. техник тавсифлар таҳлили; 2. фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили  
**performance degradation** ~ техник тавсифномалар ёмонлашуви таҳлили  
**periodic** ~ даврий таҳлил  
**pilot** ~ дастлабки таҳлил  
**policy** ~ иқтисодий сиёсатни танлаш мақсадида ўтказилган таҳлил  
**population** ~ аҳоли ҳолатини таҳлил қилиш  
**portfolio** ~ буюртмалар портфелини\* таҳлил қилиш  
**postoptimality** ~ энг мақбул йўл топилганидан сўнг таҳлил қилиш  
**prediction** ~ истиқболни белгилаш таҳлили  
**predictive** ~ истиқболни белгилаш таҳлили  
**preliminary** ~ дастлабки таҳлил  
**price** ~ нарх-наво таҳлили  
**primary** ~ бирламчи таҳлил  
**priority** ~ устуворлик таҳлили  
**process** ~ технологик жараён таҳлили  
**product** ~ маҳсулотни тадқиқ қилиш

**product quality** ~ маҳсулот сифатини таҳлил қилиш  
**profit** ~ фойдани таҳлил қилиш  
**prospective** ~ истиқболли таҳлил  
**qualitative** ~ сифат жиҳатидан таҳлил  
**quality** ~ сифатни таҳлил қилиш  
**quality cost** ~ (*талаб қилинаётган*) сифатни таъминлаш харажатлари таҳлили  
**quantitative** ~ миқдорий таҳлил  
**queueing** ~ оммавий хизмат кўрсатиш тизими таҳлили  
**ranging** ~ таснифий таҳлил  
**rapid** ~ тезкор таҳлил  
**ratio** ~ нисбатлар таҳлили  
**real-time** ~ амалдаги вақт миқёсида таҳлил қилиш  
**regression** ~ орқага қайтувчи таҳлил  
**relevance** ~ омиллар муҳимлиги таҳлили (*истиқболни белгилашда*)  
**reliability** ~ ишонччилик таҳлили  
**risk** ~ таваккалчилик даражасини таҳлил қилиш (*қарор қабул қилишда*)  
**safety** ~ фойдаланиш хавфсизлигини таҳлил қилиш  
**sales** ~ сотув имкониятлари таҳлили  
**sales mix** ~ аралаш сотувлар таҳлили  
**sample** ~ намуналар таҳлили  
**sampling** ~ танлаб таҳлил қилиш  
**savings-investment** ~ жамғарма ва инвестицияларни таққослашга асосланган таҳлил  
**scrap-cost** ~ яроқсизлик

оқибатида юзага келган  
чиқимлар таҳлили  
security ~ молиявий фао-  
лиятни ўрганиш  
sequence ~ кетма-кет кела-  
диган даврларни белгилаб  
чиқиш асосида иқтисодий  
ўсиш суръатини таҳлил қи-  
лиш  
sequential ~ изчил таҳлил  
short-cut ~ қисқартирилган  
таҳлил  
short-run ~ қисқа муддатли  
жараёнлар таҳлили; қисқа  
муддатли таҳлил  
simulation ~ моделлаштириш  
усули асосида тадқиқ қилиш  
statement ~ молиявий ҳисоб-  
бот таҳлили  
statistical ~ статистик таҳлил  
stock ~ захиралар аҳволини  
таҳлил қилиш  
structural ~ таркибий таҳлил  
subjective ~ ноҳолис (шах-  
сий) таҳлил  
supply ~ тақлифларни таҳ-  
лил қилиш  
system's ~ тизимли таҳлил  
tabular ~ жадвал маълумот-  
лари таҳлили  
three-way ~ уч томонлама  
таҳлил (*харажатлар, сама-  
радорлик ва ҳажм бўйича  
тафовутлар ҳисоб-китоби*)  
time ~ вақтга қараб таҳлил  
қилиш, вақт бўйича таҳлил  
trend ~ 1. умумий йўналиш-  
ни таҳлил қилиш; 2. ўзга-  
ришга мойилликни таҳлил  
қилиш  
upward trend ~ ўсиб боришга  
мойилликни таҳлил қилиш  
(*мас. талабнинг*)  
value ~ қиймат кўрсаткич-  
лари таҳлили

value engineering ~ лойиҳани  
унинг қийматини ка-  
майтириш мақсадида таҳлил  
қилиш  
variance ~ четга чиқишни  
таҳлил қилиш  
vertical ~ вертикал таҳлил  
(*молиявий ҳисоботнинг  
умумий сумма фоизларида  
ифодаланган моддаси*)

ANALYST *n* тадқиқотчи; таҳ-  
лилчи иқтисодчи; эксперт  
business ~ бозордаги аҳвол  
масалалари билан шуғулла-  
нувчи иқтисодчи  
Chartered Financial ~ дип-  
ломли молиявий таҳлилчи  
collection ~ харидорлар би-  
лан ҳисоб-китоб қилувчи  
бухгалтер  
computer ~ ЭҲМ ёрдамида  
диагностик таҳлил қилиш  
тизими  
cost ~ ишлаб чиқариш хара-  
жатлари ҳисобини юритувчи  
бухгалтер; ҳисобчи бухгалтер  
economic ~ 1. ҳисобчи иқ-  
тисодчи; 2. иқтисодий маса-  
лалар бўйича мутахассис;  
иқтисодий шарҳловчи  
financial ~ молия соҳасидаги  
мутахассис  
market ~ бозордаги аҳволни  
таҳлил қилиш бўйича мута-  
хассис  
marketing-research ~ маҳ-  
сулот сотиш бозорини ўр-  
ганувчи мутахассис  
operations research ~  
хўжалик фаолиятини ўр-  
ганиш бўйича мутахассис  
planning ~ режалаштириш  
бўйича мутахассис  
quality control ~ сифатни на-  
зорат қилувчи мутахассис

securities ~ қимматли қоғозлар бўйича мутахассис  
 stockbroking ~ фонд бойлик-лари билан операциялар ўтказиш бўйича мутахассис  
 system (s) ~ тизимий таҳлил бўйича мутахассис  
 value ~ қиймат-вазифавий таҳлил бўйича мутахассис

ANALYTICAL *a* таҳлилий

ANALYZE *v* таҳлил ўтказмоқ, таҳлил қилмоқ

ANCESTOR *n* 1. аждод; 2. олдинги эгаси

ANCHOR *n* лангар

short ~ қайта маблағ ажратиш операцияларидаги қисқа муддатли хазина воситаси

ANCILLARY *a* ёрдамчи, қўшимча

ANGLE *n* нуқтаи назар, ёндашув

selling ~ молни бозорга чиқариш мақсадида реклама қилиш

ANGEL *n* инвесторлар учун мақбул даражадаги баҳога эга облигация

ANGLO:

A.-Romanian Bank Англия-Руминия банки

A.-Yugoslav Bank А Англия-Югославия банки

ANNEX *n* илова (ҳужжатга); қўшимча

~ to a contract шартномага илова

~ to the estimates of income тушумлар сметасига\* илова

~ to the expenditure estimates харажатлар сметасига\* илова

ANNIVERSARY *a* 1. ҳар йиллик; йиллик; 2. юбилей...

~ foundation юбилей фонди

~ fund юбилей фонди

ANNOUNCE *v* эълон қилмоқ, маълум қилмоқ

to ~ tenders савдони белгиламоқ, савдони эълон қилмоқ

ANNOUNCEMENT *n* эълон қилиш, маълум қилиш; хабар қилиш

~ about tenders савдо ҳақида хабар бериш

~ of tender савдони эълон қилиш; савдони маълум қилиш

press ~ матбуотда хабар қилиш

ANNUAL *a* йиллик, бир йиллик; ҳар йиллик

~ account 1. ҳисобрақамдан йиллик кўчирма; 2. йиллик ҳисобдорлик

~ basis йиллик ҳисоб

~ dividend йиллик дивиденд\*

~ financial statement йиллик молиявий ҳисобдорлик

~ general meeting акциядорларнинг ҳар йиллик умумий мажлиси

~ high қимматли қоғозларнинг ўтган 12 ойдаги энг юқори нархи

~ instalment йиллик бадал

~ interest йиллик фоиз

~ interest rate йиллик ҳисобдаги фоиз ставкаси

~ low қимматли қоғозларнинг ўтган 12 ойдаги энг паст нархи

~ payment ҳар йиллик тўлов

~ percentage rate йил ҳисобидаги фоиз ставкаси

~ repayment қарз тўлашнинг йиллик суммаси

~ report йиллик ҳисобот, ҳар йиллик ҳисобот

average ~ ўртача йиллик...

**ANNUALIZATION** *n* йил ҳисобида қайта ҳисоблаш, бир йил учун қайта ҳисоблаш  
 ~ of statement маълумотлар ёки оралиқ балансни йил ҳисобида ифодалаш; маълумотлар ёки оралиқ балансни бир йилга қайта ҳисоблаш

**ANNUALIZE** *v* йил ҳисобида қайта ҳисоблаб чиқмоқ; бир йил учун қайта ҳисобламоқ

**ANNUITANT** *n* ҳар йиллик рентани\* олувчи; суғурта рентаси\* тўланадиган шахс

**ANNUITIES** *n* Буюк Британия ҳукуматининг муддатсиз облигациялари

**ANNUITY** *n* 1. ҳар йиллик рента\*; ҳар йиллик даромад; 2. аннуитет\*, тенг миқдордаги даврий тўлов ва тушумлар серияси; 3. рента\* ёки пенсияни суғурталаш; 4. рента\*, вақти-вақти билан тўлаб туриладиган бадал; 5. ҳар йиллик даромад  
 ~ bond рента\* облигацияси (тўлов муддати белгиланмаган ва эгасига фоиз тарзида даромад келтирадиган)

~ certain ўзига хос аннуитет\*

~ due тўланадиган аннуитет\*

~ table белгиланган фоиз ставкали қимматли қоғознинг амалдаги даромадлигини ҳисоблаш статистик жадвали

~ with investment plan инвестициявий режали аннуитет\*

~ in arrears муддати ўтказиб юборилган аннуитет\*

to hold an ~ рента\* олмоқ

to receive an ~ рента\* олмоқ

to settle ~ on somebody бирор шахсга рента\* тайинламоқ

accident ~ майиблик учун ҳар йиллик тўлов

annual premium ~ йиллик бадал тўланадиган аннуитет\*

apportionable ~ меросхўрлар ўртасида тақсимланадиган аннуитет\*

bank ~ies банк қимматли қоғозлари

certain ~ ўзига хос аннуитет\* (суғурталанган шахснинг ҳаётлиги ёки вафот этганлигидан қатъи назар белгиланган йиллар давомида тўланадиган даромад)

clear ~ солиқ солинмайдиган рента\*

complete ~ умрбод тўланадиган рента\*

consolidated ~ бирлаштирилган рента

contingent ~ шартли аннуитет\*

current ~ тўланадиган рента\*

deferred ~ тўлов муддати кейинга сурилган рента\*

disability ~ меҳнат лаёқатини йўқотиш эҳтимолидан суғурталаш

fixed ~ белгилаб қўйилган аннуитет\*

government ~ давлат умрбод рентаси\*

group ~ гуруҳий суғуртала(ни)ш

immediate ~ дарҳол тўланадиган рента\*

joint life and survivor ~ оила бошлиғи ва унинг қармоғидагиларга тўланадиган рента\* (йиллик даромад оиланинг бир ёки бир неча аъзосига, кейинчалик эса эр-



хотиннинг қайси бири ҳаёт бўлса, ўшанга ёки унинг қарамоғидагиларга тўланади)  
 life ~ умрбод тўланадиган аннуитет\*  
 nonapportionable ~ бўлинмас аннуитет\*  
 nonrefund life ~ қайтарилмайдиган аннуитет\*  
 old age ~ қариллик пенсияси  
 ordinary ~ 1. муайян давр охирида тўланадиган ёки олинадиган аннуитет\*; 2. ҳар йиллик оддий рента\*  
 overdue ~ муддати ўтказиб юборилган аннуитет\*  
 participating ~ суғурта компанияси фойдасида иштирок этувчи аннуитет\*  
 patent ~ ҳар йиллик патент божи\*; ҳар йиллик патент\* бадали  
 perpetual ~ умрбод тўланадиган аннуитет\*  
 redeemable ~ тўланиши лозим бўлган аннуитет  
 refund ~ қайтарма аннуитет\*  
 single premium ~ бадали бир йўла тўланадиган аннуитет\*  
 sinking fund ~ йиллик сумма  
 survival ~ эр-хотиннинг қайси бири ҳаёт бўлса, ўшанинг пенсиясини суғурталаш  
 survivorship ~ эр-хотиннинг қайси бири ҳаёт бўлса, ўшанга тўланадиган рента\*  
 temporary ~ муваққат рента\*  
 terminable ~ муайян йиллар давомида ҳар йил даромад тўлаб борилишини кўзда тутовчи аннуитет\*  
 variable ~ ўзгарувчан аннуитет\*  
 whole life ~ умрбод тўланадиган рента\*

widow's ~ бевалик пенсияси эри учун пенсия олиш  
 ANNUL *v* тугатмоқ, бекор қилмоқ; йўқ қилмоқ; кучдан қолдирмоқ  
 to ~ a debt қарзни тугатмоқ  
 to ~ a guarantee кафолатни бекор қилмоқ  
 to ~ a letter of credit аккредитивни\* бекор қилмоқ  
 ANNULMENT *n* бекор қилиш; кучдан қолдириш; йўқ қилиш; тўхтатиб қўйиш  
 ~ of an agreement шартномани бекор қилиш  
 ~ of a contract шартномани бекор қилиш  
 ~ of a patent патентни бекор қилиш  
 ~ of registration қайдни бекор қилиш  
 ANNOUNCE *v* эълон қилмоқ  
 to ~ bidding савдони эълон қилмоқ, савдони белгиламоқ  
 ANOMALOUS *a* номеъерий, меъёрдан четга чиққан, нотўғри  
 ~ endorser ремитентдан\* олдин ва вексель муддати етиб келгунга қадар ўтказма устхатни таъсис этган индосант\*  
 ANOMALY *n* меъёрдан четга чиқиш; чекиниш  
 ~ switch бозордаги вазиятнинг номеъерий ҳаракатидан фойда олиш учун инвестицияларни бир қимматли қоғозлардан бошқаларига кўчириш  
 ANONYMOUS *a* яширин; номи яширилган  
 ~ account яширин ҳисобрақам  
 ~ deposit яширин омонат

**ANSWER** *n* 1. жавоб, жавоб бериш; эътироз билдириш;  
2. ҳал этиш (*масалани*)

**ANSWER** *v* 1. жавоб бермоқ;  
2. мувофиқ келмоқ; мос келмоқ, қониқтирмоқ

**ANSWERABLE** *a* масъул, жавобгар бўлган

**ANSWER-BACK** *n* муқобил хабар; жавоб

**ANTEDATE** *n* ўтган сана қўйилган молиявий ҳужжат

**ANTEDATE** *v* ўтган санани қўймоқ (*молиявий ҳужжатга*)

**ANTE-DATED** *a* ўтган сана қўйилган

**ANTICARTEL** *a* картелга\* қарши

**ANTICESSOR** *n* олдинги эгаси

**ANTICIPATE** *v* 1. вақтидан олдин фойдаланмоқ; олдиндан кўрмоқ, кутмоқ  
2. янгиликни (*ихтирони*) қораламоқ

*to ~ income* келажакдаги даромадларни олдиндан мўлжаллаган ҳолда харажат қилмоқ

*to ~ payment* муддатидан олдин тўламоқ

**ANTICIPATED** *a* кутилаётган; муддатидан олдин тўланган; муддатидан олдинги  
~ *acceptance* муддатидан олдин тўланган акцептланган\* вексель

~ *holding period* молиявий активларга\* эгалик қилишнинг кутилаётган муддати

~ *inflation* кутилаётган инфляция\*

~ *losses* назарда тутилаётган зарарлар

~ *payment* муддатидан олдинги тўлов

~ *profit* кутилаётган фойда

~ *redemption* муддатидан олдин қийматини тўлаш

~ *repayment* муддатидан олдин тўлаш

**ANTICIPATION** *n* 1. кутиш, олдиндан кўриш; 2. вексель, қийматини муддатидан олдин тўлаш; 3. ихтиронинг янгилигини қоралаш

~ *bond* мерос солиғи учун белгиланган қиймати бўйича қабул қилинадиган хазина облигацияси

~ *note* маҳаллий ҳокимият идораларининг қисқа муддатли кредит мажбуриятлари

~ *of an invention* ихтиронинг янгилигини қоралаш

~ *of payment* муддатидан олдин тўлаш

*consumer ~s* истеъмолчилар режалари

*investment ~s* кутилаётган сармоя сарфи

*patent ~* патентни қоралаш

*tax ~* солиқларни тўлаш учун маблағларни захирага қўйиш

**ANTICIPATOR:**

~*s of business cycle* тадбиркорлик аҳволи истиқболини белгилаш мақсадида фойдаланиладиган иқтисодий кўрсаткичлар

**ANTICIPATORY** *a* 1. олдиндан, дастлабки; 2. белгиланган вақтидан илгариги, муддатидан олдинги; 3. ихтиронинг янгилигини қораловчи

~ *credit* жўнатилмаган моллар ҳақини тўлаш аккредитиви\*

- ~ letter of credit жўнатилмаган моллар ҳақини тўлаш аккредитиви\*
- ~ long hedge харид қилиниши режалаштирилаётган қимматли қоғозларни зудлик билан суғурталаш
- ~ short hedge сотилиши режалаштирилаётган қимматли қоғозларни зудлик билан суғурталаш
- ANTICOMPETITIVE *a* рақобатга қарши; рақобатга қарши йўналтирилган
- ANTIDILUTION *n* фойда меъёрининг пасайишига қарши чора-тадбирлар
- ANTIDUMPING *a* демпингга\* қарши
- ANTIINFLATIONARY *a* инфляцияга\* қарши
- ANTIMONOPOLY *a* якка-ҳоқимликка қарши
- ANTITRUST *a* трестга\* қарши
- ~ low трестга\* қарши қонунчилик
- ANY *a* ҳар қандай; ҳар бир
- ~-and-all bid белгиланган муддат мобайнида тақдим этилган акцияларга бир хил баҳода ҳақ тўлаш тўғрисидаги таклиф
- APARTHEID *n* апартеид (*ирқий айирмачилик, ҳуқуқни чеклаш, таъқиб қилиш*)
- APARTMENT *n* хонадон
- APPARATUS *n* 1. қурилма, асбоб; 2. аппарат (*лавозимлар таркиби*)
- administrative ~ маъмурий аппарат
- interpretation ~ таржимонлик лавозимлари таркиби
- teletype ~ телетайп

- APPEAL *n* 1. шикоят қилиш, шикоят; шикоятларни қайта кўриб чиқиш учун мурожаат қилиш; апелляция; 2. мурожаат; илтимос; 3. ўзига жалб қила олиш, ўзига торттиш
- ~ for funds пул маблағлари сўраб мурожаат қилиш
- ~ of advertising рекламанинг ўзига жалб қила олиши; реклама воситасида мурожаат қилиш
- ~ to arbitration ҳакамлик судига мурожаат қилиш
- ~ to a court of cassation кассация судига мурожаат қилиш
- to allow an ~ апелляцияни қондирмоқ
- to consider an ~ апелляцияни кўриб чиқмоқ
- to dismiss an ~ апелляцияни рад этмоқ
- to file an ~ апелляцияга ариза билан мурожаат қилмоқ
- to hand in an ~ апелляцияга ариза билан мурожаат қилмоқ
- to lodge an ~ апелляцияга ариза билан мурожаат қилмоқ
- to satisfy an ~ апелляцияни қаноатлантирмоқ
- applicant's ~ арз қилувчи шикояти
- decision on ~ апелляция бўйича қарор
- eye ~ ташқи жозибадорлик
- merchandise ~ молнинг ўзига тортувчанлиги
- notice of ~ апелляция
- price ~ молнинг ўз нархи туфайли ўзига жалб этиши
- selective ~ мол навларининг

кўплиги туфайли ўзига жалб этиши

**service** ~ юқори малакали хизмат кўрсатиш билан ўзига жалб этиш

**tax** ~ нотўғри солиқ со-  
линиши муносабати билан  
шикоят қилиш

**APPEAL** *v* шикоят қилмоқ,  
шикоят аризасини бермоқ,  
қайта кўриб чиқиш учун  
шикоят аризасини топшир-  
моқ

**APPELLANT** *n* апеллянт (ши-  
коят аризасини топширувчи  
шахс)

**APPELLEE** *n* апелляция  
бўйича жавобгар

**APPEND** *v* илова қилмоқ  
(*ҳужжатга, хатга*)

**APPENDIX** *n* илова (*ҳужжат-  
га, хатга*) қўшимча

**contract** ~ шартномага қў-  
шимча, шартномага илова

**technical** ~техник илова

**APPLIANCE** *n* асбоб

**household** ~s маиший асбоб-  
лар, уй-рўзгор асбоблари

**office** ~ идора техникаси

**APPLICABILITY** *n* яроқлилик

**potential** ~ имкон даража-  
сидаги яроқлилик

**APPLICABLE** *a* қўллани-  
ладиган; мос келадиган, тўғ-  
ри келадиган; яроқли

**widely** ~ кенг қўламда  
қўлланадиган, кенг қўлла-  
надиган

**APPLICANT** *n* ариза бе-  
рувчи; илтимоснома билан  
муурожаат қилувчи; аризачи;  
талабнома берувчи

~ **for credit** кредит сўраб му-  
урожаат қилувчи шахс

~ **for an employment** бўш  
иш ўрнига даъвогарлик  
қилувчи шахс

~ **for shares** акция харид  
қилишни истовчи шахс

**credit** ~ кредит сўраб му-  
урожаат қилувчи шахс

**foreign** ~ чет эллик аризачи

**joint** ~s биргаликда ариза

берувчилар

**junior** ~ бирмунча кечикиб

ариза берувчи

**patent** ~ патент юзасидан

ариза берувчи

**prior** ~ олдинги ариза бе-

рувчи

**senior** ~ олдинроқ ариза бе-

рувчи

**APPLICATION** *n* 1. талабно-  
ма, ариза, баёнот; 2. қўллаш,  
фойдаланиш, ишлатиш; 3.  
(...сўраб) муурожаат қилиш;  
4. кредит учун талабнома  
бериш; 5. илтимоснома; 6.  
вазифа

~ **fee** кредит беришга тай-  
ёргарлик кўриш пайтида  
хизмат кўрсатганлик учун  
тўланадиган ҳақ

~ **for admission** бирор  
амалиёт билан шуғулланиш  
учун рухсат сўраб ариза  
бериш

~ **for admission to official  
listing** қимматли қоғозни  
фонд биржасида расмий сав-  
дога қўйиш учун талабнома  
бериш

~ **for allotment of shares**  
акцияларга обуна бўлиш

~ **for compensation** зарар-  
ларни қоплаш ҳақидаги  
илтимоснома

~ **for credit** кредит олиш та-  
лабномаси

~ for documentary credit ҳужжатли аккредитив\* олиш талабномаси  
 ~ for exhibition space кўргазма жойи учун бериладиган талабнома  
 ~ for expertise экспертизадан ўтказиш учун бериладиган талабнома  
 ~ for exportation четга мол чиқариш талабномаси  
 ~ for grant бериш (топшириш) талабномаси  
 ~ for grant of a patent патент бериш ҳақидаги илтимоснома  
 ~ for an import permit четдан мол келтиришга рухсат олиш аризаси  
 ~ for invention rights ихтиро учун бериладиган ариза  
 ~ for job ишга кириш ҳақидаги ариза  
 ~ for leave таътил берилиши ҳақидаги ариза  
 ~ for letter of credit мижознинг аккредитив\* очишни сўраб банкка мурожаат қилиши  
 ~ a license лицензия олиш талабномаси  
 ~ for listing акцияларни биржага киритиш ҳақидаги талабнома  
 ~ for loan қарз сўраб илтимос қилиш  
 ~ form 1. акция харид қилиш талабномаси бланки; 2. заёмга обуна бўлиш бланки  
 ~ for participation иштирок этиш талабномаси  
 ~ for patent патент талабномаси

~ for payment тўловни ёзма тарзда талаб қилиш  
 ~ for a permit рухсат олиш талабномаси  
 ~ for postponement муддатни кейинга суриш ҳақидаги илтимоснома  
 ~ for quotation компаниянинг ўз акциялари баҳоланишига рухсат беришни сўраб фонд биржасига расмий мурожаат қилиши  
 ~ for registration рўйхатга олиш ҳақида илтимоснома  
 ~ for reissue of a patent патентни қайта чиқариш талабномаси  
 ~ for respite муддатни кейинга суриш ҳақидаги илтимоснома  
 ~ for review қарорни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги илтимоснома  
 ~ for shares акциялар учун бериладиган талабнома  
 ~ for space жой учун бериладиган талабнома (*кўргазмада*)  
 ~ for stand reservation пешлавҳани сақлаб туриш талабномаси (*ярмаркада, кўргазмада*)  
 ~ for a visa виза учун бериладиган ариза  
 ~ money қимматли қоғозлар харид қилиш талабномасига илова қилинган пул суммаси; обуна суммаси  
 ~ of automation автоматизацияни қўллаш  
 ~ of capital сармоядан фойдаланиш  
 ~ of correction тузатиш киритиш

~ of experience тажрибани қўллаш  
 ~ of expertise тажрибани қўллаш  
 ~ of funds пул маблағлардан фойдаланиш  
 ~ of a license лицензияни қўллаш  
 ~ of new technologies янги технологияларни жалб этиш  
 ~ of payment тўловни амалга ошириш  
 ~ of proceeds тушган сумма ёки даромадни ишлатиш  
 ~ of profits фойдани ишлатиш  
 ~ of provisions қоидаларни қўллаш  
 ~ of a sanction жазо чораларини қўллаш  
 ~ receipt акцияларга обуна бўлганлик ҳақидаги квитанция  
 ~ right акцияларга обуна бўлиш ҳуқуқи  
 ~ to arbitration ҳакамлик судига мурожаат қилиш  
 to accept an ~ талабномани акцептламоқ\*  
 to consider an ~ талабномани кўриб чиқмоқ  
 to disclaim an ~ талабномадан воз кечмоқ  
 to draw up an ~ талабномани расмийлаштирмоқ  
 to effect an ~ талабнома бермоқ  
 to examine an ~ талабномани ўрганиб чиқмоқ  
 to execute an ~ талабномани расмийлаштирмоқ  
 to file an ~ талабнома тақдим этмоқ  
 to fill in an ~ талабномани тўлдирмоқ

to find ~ татбиқ этилмоқ  
 to grant an ~ талабномани қондирмоқ  
 to interfere with an ~ патент талабномасига тўқнаш келмоқ  
 to invite ~s for shares акцияларга обунани бошламоқ  
 to lodge an ~ талабнома тақдим этмоқ  
 to make an ~ талабнома бермоқ  
 to prepare an ~ талабномани расмийлаштирмоқ  
 to process a patent ~ патент талабномасини кўриб чиқмоқ  
 to refuse an ~ талабномани рад этмоқ  
 to reject an ~ талабномани рад этмоқ  
 to renew an ~ талабномани қайта тикламоқ  
 to submit an ~ талабнома тақдим этмоқ  
 to uphold an ~ талабномани тасдиқламоқ  
 to withdraw an ~ талабномани қайтариб олмоқ  
 abandonment ~ фойдаланиш тўхтатилганлиги ҳақида баёнот  
 additional ~ қўшимча талабнома  
 advance ~ олдиндан берилган талабнома  
 business ~ тижорат мақсадларида фойдаланиш  
 cognate ~ турдош талабнома  
 commercial ~ тижорат мақсадида қўллаш  
 companion ~ турдош талабнома  
 complete ~ тўла талабнома

**convention** ~ битим асосидаги талабнома  
**copending** ~s бир йўла кўриб чиқиладиган талабномалар  
**design** ~ саноат намунасига патент бериш талабномаси  
**divisional** ~ ажратиб олинган талабнома  
**efficient** ~ самарали қўллаш  
**employment** ~ ишга қабул қилиш ҳақидаги ариза  
**evaluation** ~ баҳоланган талабнома  
**export** ~ четга мол чиқариш талабномаси  
**extensive** ~ кенг кўламда қўллаш  
**field** ~ ишлатиш, фойдаланиш  
**first** ~ устувор талабнома  
**grant** ~ ёрдам пули олиш талабномаси  
**import** ~ четдан мол келтириш талабномаси  
**incoming** ~ келаётган талабномалар  
**independent** ~ мустақил талабнома  
**industrial** ~ саноатда қўллаш  
**insurance** ~ суғурталашни расмийлаштириш талабномаси  
**interfering** ~ халақит берувчи талабнома  
**joint** ~ биргаликдаги талабнома  
**junior** ~ бирмунча кечикиб бериладиган талабнома  
**legal** ~ қонуний қўллаш  
**license** ~ 1. рухсат олиш талабномаси; 2. четдан мол келтиришга рухсат олиш учун бериладиган ариза  
**limited** ~ чекланган ҳолда қўллаш

**loan** ~ ссуда олиш талабномаси  
**missing** ~ етишмаётган талабнома  
**multiple** ~ кўп марталаб ишлатиш  
**nondefence** ~ ноҳарбий мақсадда фойдаланиш (*ишлаб чиқариш қувватларидан*)  
**objectionable patent** ~ патент учун бериладиган баҳсли талабнома  
**on-the-job** ~ иш жойида қўллаш  
**original** ~ бирламчи талабнома  
**parent** ~ асосий талабнома  
**patent** ~ патент учун талабнома  
**peaceful** ~ тинчлик мақсадларида қўллаш  
**pending** ~ кўриб чиқиляётган талабнома  
**potential** ~ имкон даражасида қўллаш  
**practical** ~ амалда қўллаш  
**prices on** ~ фирмага мурожаат этиш бўйича нарх маълумотини бериш  
**prior** ~ олдинги талабнома  
**provisional** ~ олдиндан бериладиган талабнома  
**rate increase** ~ тарифни ошириш учун (*давлат бошқарув идорасига*) бериладиган талабнома  
**reciprocity** ~ ўзаро манфаатга асосланган талабнома  
**related** ~ турдош талабнома  
**renewal** ~ 1. тикланган талабнома; 2. амалда бўлиш муддатини узайтириш талабномаси

representative ~ одатдагича

қўллаш

restricted ~ чекланган ҳолда

қўллаш

senior ~ олдинроқ бериладиган талабнома

single ~ якка тартибдаги талабнома

specific ~ таснифланган талабнома

territorial ~ қўллаш соҳаси

upon ~ ариза бўйича, аризага кўра

valid ~ амалдаги талабнома

vicious patent ~ патент учун бериладиган нуқсонли талабнома

visa ~ виза олиш талабномаси

wide ~ кенг кўламда қўллаш

**APPLIED** *a* 1. фойдаланиладиган, қўлланиладиган; 2. амалий

~ capital фойдаланиладиган сармоя, қўлланиладиган сармоя

~ proceeds swap облигациялар тўпламини сотишдан олинган ва бошқа облигациялар тўпламини харид қилишда фойдаланиладиган тушум

**APPLY** *v* 1. қўлламоқ; фойдаланмоқ; сарфламоқ; 2. ариза бермоқ; илтимос билан мурожат қилмоқ; 3. ишлаб чиқармоқ; 4. қўлланилмоқ, қўлланмоқ, татбиқ этилмоқ; дахлдор бўлмоқ

to ~ a payment тўловни амалга оширмоқ

to ~ appropriate procedures тегишли тадбирларни бажармоқ

to ~ for shares акциялар харид қилиш учун талабнома бермоқ; акцияларга обуна бўлмоқ

**APPOINT** *v* тайинламоқ; тасдиқламоқ

**APPOINTED** *a* тайинланган

**APPOINTMENT** *n* 1. вазифа; тайинлаш; 2. лавозим, мансаб, вазифа

~ of an agent вакилни тайинлаш

~ of a committee қўмитани тасдиқлаш

~ of a trustee ишончли шахсни тайинлаш

to make an ~ учрашув тўғрисида келишмоқ

business ~ иш юзасидан учрашув

eligible for ~ лавозимга мос келувчи

long-term ~ доимий ишга қабул қилиш

permanent ~ доимий иш

probationary ~ синов муддати (*ишга қабул қилишда*)

qualified for an ~ ишга яроқли

**APPORTION** *n* 1. талабномалар сони таклифдан ошиб кетган тақдирда обуначига ажратилган қимматли қоғозлар; 2. қарздаги улуш; 3. қарзни талабномалар бўйича тақсимлаш

**APPORTION** *v* тақсимламоқ, бўлмоқ

to ~ between interest and capital фоиз ва сармоя ўртасида тақсимламоқ

to ~ credits кредитларни тақсимламоқ

**APPORTIONMENT** *n* 1. талабномалар сони таклифдан



ошиб кетган тақдирда обуначига қимматли қоғозлар ажратиш; 2. Лондон фонд биржасида томонлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар жараёни; 3. моддама-модда тақсимлаш (*ажратилган маблағларни*); мутаносиб тарзда тақсимлаш

~ of appropriations ажратилган маблағларни тақсимлаш

~ of a contract шартнома бўйича узлуксиз (кетма-кет) етказиб бериб туриш

~ of costs харажатларни тақсимлаш

~ of dividends дивидендларни\* тақсимлаш

budgeting ~ бюджет маблағларини тақсимлаш

cost ~ харажатларни тақсимлаш

APPRAISAL *n* 1. қийматни баҳолаш; экспертиза; баҳо; 2. баҳолаш қайдномаси; аттестация, аттестация қилиш; 3. амалий баҳо

~ capital сармояни қайта баҳолаш

~ fee кредит таъминоти сифатида таклиф этилган кўчмас мулк қийматини баҳолаб берганлик учун тўланадиган ҳақ

~ of property мол-мулкни баҳолаш

~ of a proposal таклифни баҳолаш

acceptability ~ яроқлилиқни баҳолаш

applicability ~ яроқлилиқни баҳолаш

capital investment ~ асосий

воситаларга сарфланадиган маблағларни баҳолаш  
conrogate ~ компанияни баҳолаш (*узоқ муддатли режаларни тайёрлашдан олдин*)

economic ~ иқтисодий баҳолаш

farm ~ ферма қийматини баҳолаш

insurance ~ суғурта баҳоси

investment ~ инвестицияни баҳолаш

managerial activity ~ корхона раҳбарлари фаолиятини баҳолаш

objective ~ холис баҳо (баҳолаш)

official ~ расмий баҳо (баҳолаш)

performance ~ ишни баҳолаш

predictive ~ олдиндан тахмин қилинаётган баҳо

resource ~ ресурсларни баҳолаш

risk ~ таваккалчилик даражасини баҳолаш

rural ~ қишлоқ хўжалиги мол-мулки қийматини баҳолаш

soil ~ фойдали қазилмалар захираларини баҳолаш

technical ~ техникавий экспертиза

unbiased ~ холис баҳо

value ~ қийматни баҳолаш

vendor ~ маҳсулот етказиб берувчининг баҳоси

worth ~ қимматни белгилаш

APPRAISE *v* баҳоламоқ, нарх қўймоқ; қийматни белгиламоқ

APPRAISED *a* баҳоланган

APPRAISEMENT *n* баҳо; баҳолаш; қиймат баҳоси

**APPRAISER** *n* баҳоловчи

*qualified* ~ расмий баҳоловчи

**APPRECIABLE** 1. баҳоланиши мумкин бўлган, баҳолана оладиган; 2. сезиларли; салмоқли; катта, йирик

**APPRECIATE** *v* 1. нархи ошмоқ, 2. нархни оширмоқ; 3. баҳоламоқ, баҳо бермоқ  
*to ~ in value* нархи ошмоқ  
*to ~ the currency* валюта курсини оширмоқ

**APPRECIATED** *a* 1. юқори баҳоланадиган; 2. нархи ошган ~ *currency* курси ошириб қўйилган валюта, ортиқча баҳоланган валюта  
 ~ *value* юқори қимматлик

**APPRECIATION** *n* 1. валюта курсининг оши(рили)ши, валюта курсини ошириш; 2. қийматнинг оши(рили)ши, қийматни ошириш; 3. баҳолаш қийматини ошириб кўрсатиш; 4. юқори баҳо, юқори нарх; 5. қимматлашиш ~ *gain* валюта курсининг ошиши ҳисобига кўрилган фойда

~ *of currency* валюта курсининг оши(рили)ши; валюта ревальвацияси\*

~ *of goods* 1. мол қийматининг оши(рили)ши; 2. молларни баҳолаш

~ *of labour* меҳнатнинг қимматлашуви

~ *of securities* қимматли қоғозлар баҳосининг ошиши  
*capital* ~ сармоя қийматини ошириш

*currency* ~ валюта курсининг оши(рили)ши

*price* ~ қийматнинг ўсиши

*realised* ~ баҳолаш қийматининг ошиб кетиши

**APPRENTICE** *n* ўқувчи, шогирд

**APPRENTICESHIP** *n* ўқитиш (ҳунарга); шогирдлик

*to finish* ~ таълимни тугалламоқ

*to have served* ~ таҳсил кўрмоқ

*to serve one's* ~ таълим олмақ

**APPROACH** *n* услуб, усул;

ёндашув; муносабат; назария  
*ability-to-pay* ~ тўловга лаёқатлилиқ назарияси

*accumulated benefits* ~ пенсияларни ҳисоблаб ёзиш усуллуби

*analytical* ~ таҳлилий услуб  
*alternate* ~ бошқача ёндашув;

ўзгача муносабат

*benefit* ~ „фойда“ назарияси  
*benefit ~ to pensions*

пенсияларни олинаётган ус-тама ҳақ бўйича аниқлаш усули

*benefits years of-service* ~ пенсияларни охириги маошга қараб ҳисоблаб ёзиш усули

*cash balance* ~ касса қолдиқлари нуқтаи назаридан ёндашув

*comparative statement* ~ лойиҳаларни таққослаш усули

*contribution ~ to pricing* нархни маржа\* фойдаси асосида аниқлаш усули

*cost-benefit* ~ харажат ва натижаларни таққослаш нуқтаи назаридан ёндашув

*cost estimation* ~ харажатларни баҳолашга муносабат

*empirical* ~ амалий фаолият асосида ёндашиш

**experimental** ~ илмий таж-  
 риба асосида ёндашиш  
**forecasting** ~ истиқболни  
 белгилаш усули  
**functional** ~ вазифа нуқтаи  
 назаридан ёндашув  
**individual** ~ якка тартибдаги  
 ёндашув  
**integrated** ~ ялпи ёндашув  
**monetary indicator** ~ пул  
 кўрсаткичларида таҳлил қи-  
 лиш усули  
**normative** ~ меъёрий муноса-  
 бат  
**one-sided** ~ бир томонлама  
 ёндашув  
**opportunity cost** ~ муқобил  
 қиймат усулини қўллаш  
**portfolio** ~ активлар порт-  
 фели\* тузилиши нуқтаи на-  
 заридан ёндашув  
**positive** ~ ижобий ёндашув,  
 ижобий муносабат  
**practical** ~ амалий ёндашув  
**present worth** ~ айни пайт-  
 даги қийматни аниқлаш  
 усули  
**priority** ~ биринчи навбат-  
 даликни ҳисобга олган ҳолда  
 ёндашиш  
**quantity theory** ~ пулнинг  
 миқдорий назарияси нуқтаи  
 назаридан ёндашиш  
**rate-of-return** ~ харажатлар-  
 ни қоплай олиш меъёри  
 усули  
**sales** ~ сотувни рағбатлан-  
 тириш усуллари  
**statistical** ~ статистик ёнда-  
 шув  
**step-by-step** ~ босқичма-бос-  
 қич ёндашув  
**systems** ~ тизимли ёндашув  
**total project** ~ лойиҳаларни  
 таққослаш усули

**transactions** ~ битим тузиш  
 нуқтаи назаридан ёндашиш  
**unified** ~ ягона ёндашув  
**uniform annual cost** ~ хара-  
 жатларнинг доимий йиллик  
 миқдори усули

**worst-case** ~ энг ёмон ҳо-  
 латни таҳлил қилиш услуби

**APPROACH** *v* 1. бошламоқ;  
 киришмоқ; 2. ёндашмоқ; 3.  
 мурожаат этмоқ (*ултимос*  
*билан, таклиф билан*)

**to** ~ a market бозорга чиқмоқ  
**to** ~ to issue эмиссияни\*  
 бошламоқ

**APPROBATE** *v* маъқулламоқ;  
 рухсат бермоқ

**APPROBATION** *n* маъқуллаш,  
 тасдиқлаш; розилик, рухсат;  
 жарима

**APPROPRIATE** *v* 1. 1. ўз-  
 лаштирмоқ; харид қилмоқ;  
 2. мўлжалламоқ; маблағ  
 сарфламоқ; ажратмоқ (*маб-  
 лағ*); 3. тўловни қарзни қоп-  
 лашга йўналтирмоқ

**to** ~ funds пул маблағларини  
 ажратмоқ

**to** ~ goods to the contract  
 шартномани бажариш учун  
 мол ажратмоқ

**to** ~ money пул маб-  
 лағларини ажратмоқ

**to** ~ to reserve fund пул маб-  
 лағларини захира фондга  
 йўналтирмоқ

**APPROPRIATED** *a* ажратилган  
 ~ funds ажратилган маб-  
 лағлар

**APPROPRIATION** *n* 1. маблағ  
 сарфлаш; ажратиш (*маблағ*);  
 2. ажратилган маблағлар; 3.  
 фойдани тақсимлаш, жой-  
 лаштириш; 4. ўзлаштириш  
 (*файриқонуний*)

~ account ажратилган маблағлар ҳисобрақами  
 ~ act маблағ ажратиш ҳақидаги қонун лойиҳаси; молиявий қонун лойиҳаси  
 ~ bill маблағ ажратиш ҳақидаги қонун лойиҳаси; молиявий қонун лойиҳаси  
 ~ fund маблағ ажратиш фонди  
 ~ of financial resources молиявий маблағлардан фойдаланиш  
 ~ of funds 1. пул маблағлари ажратиш; 2. маблағларни тақсимлаш  
 ~ of labour power ишчи кучини ўзлаштириш  
 ~ of labour time иш вақтини ўзлаштириш  
 ~ of net income соф фойдани ишлатиш  
 ~ of payments тўловни муайян қарз ҳисобига (ўтказиш)  
 ~ of profits фойдани тақсимлаш  
 ~s in aid молиявий субсидия\*  
 ~ to debt қарзни тўлаш учун ажратилган маблағ  
 ~ to reserve захирага ўтказиладиган ажратма  
 additional ~s қўшимча ажратилган маблағ  
 advance ~s ажратилиши режалаштирилаётган маблағ  
 advertising ~s рекламага маблағ ажратиш  
 blanket ~ умумий маблағ ажратмалари  
 budget ~s бюджетдан ажратиладиган маблағлар  
 budgetary ~s бюджетдан ажратилган маблағлар  
 capital ~s сармоя сарфлашга маблағ ажратиш

consolidated ~s умумий маблағ ажратмалари  
 congressional ~ конгресснинг бюджет маблағлари ажратиши  
 deferred ~s келгуси йилларга қолдирилган маблағ ажратмалари  
 expenditure ~s харажатлар моддасига маблағ ажратиш  
 financial ~s бюджетдан ажратилган маблағлар; молиявий субсидиялар\*  
 itemized ~ муфассал тарзда маблағ ажратиш  
 no-year ~s фойдаланиш муддати чегараланмаган маблағ ажратмалари  
 original ~s бошланғич маблағ ажратмалари  
 overall ~ ажратилган маблағларнинг умумий суммаси  
 personal ~ якка тартибда ўзлаштириш  
 private ~ хусусий тарзда ўзлаштириш  
 procurement ~s харид қилиш ва хизмат кўрсатишга маблағ ажратиш  
 segregated ~ қатъий мақсадга йўналтирилган маблағ ажратмалари  
 social ~ ижтимоий ўзлаштириш  
 special ~s махсус ажратилган маблағлар  
 state ~s штат ҳокимияти ажратадиган маблағлар  
 supplementary ~s қўшимча ажратилган маблағлар, қўшимча маблағ ажратмалари  
 the ~ of surplus value

қўшимча қийматни ўзлаштириш

**APPROVAL** *n* 1. маъқуллаш; тасдиқлаш; розилик бериш; имзолаш; виза қўйиш; 2. муҳокама қилиш; кўриб чиқиш; 3. рухсат этиш  
 ~ of account ҳисобрақамнинг тўғрилигини тан олиш  
 ~ of budget бюджетни тасдиқлаш  
 ~ of draft лойиҳани қабул қилиш  
 ~ of a plan режани тасдиқлаш; лойиҳани қабул қилиш  
 ~ of a project лойиҳани қабул қилиш  
 ~ of a treaty шартномани тасдиқлаш  
 to get ~ маъқулланмоқ  
 to give ~ маъқулламоқ  
 to receive practical ~ муҳокама қилиниб тасдиқдан ўтмоқ  
 to send goods on ~ молни маъқуллаш учун жўнатмоқ  
 to withhold ~ маъқулламаслик  
 complete ~ тўла маъқуллаш  
 design ~ лойиҳани маъқуллаш  
 engineering ~ лойиҳани тасдиқлаш  
 final ~ якуний тасдиқ  
 general ~ умумий (оммавий) мақтов, ижобий баҳо  
 import ~s четдан мол келтириш рухсатномалари  
 mutual ~ ўзаро маъқуллаш  
 pending ~ тасдиқланишни кутиб  
 positive ~ сўзсиз маъқуллаш  
 preliminary ~ олдиндан маъқуллаш  
 prior ~ олдиндан маъқуллаш

quality ~ сифатни маъқуллаш

tacit ~ сўзсиз маъқуллаш

unconditional ~ сўзсиз маъқуллаш

universal ~ умумий (оммавий) тарзда маъқуллаш

**APPROVAL** *v* маъқулламоқ, тасдиқламоқ, рухсат этмоқ

**APPROVED** *a* тан олинган; яроқли

~ account тўғрилиги тан олинган ҳисобрақам

~ delivery facility молиявий воситани фьючерс шартномасига\* кўра етказиб беришнинг маъқулланган жойи

~ securities мижозлар инвестициялари учун яроқли қимматли қоғозлар

**APPROXIMATE** *a* тахминий

~-limit order брокерга\* ижро этишда муайян даражада эркин ҳаракат қилиш имконини берувчи чекланган буйруқ

~ price тахминий нарх

~ value тахминий қиймат

**APPROXIMATE** *v* 1. яқинлашмоқ, тахминан тўғри бўлмоқ;

2. тахминан ифодаламоқ; тахминан тенглаштирмоқ;

3. яхлитламоқ

**APPROXIMATED** *a* тахминан ифодаланган

closely ~ кам фарқланадиган; ўта яқин (*катта-кичиклиги жиҳатидан*)

**APPROXIMATION** *n* яқинлашув, тахминий мослик

**APPROXIMATIVE** *a* тахминий

**APRON** *n* нешбанд

voucher ~ „бланкли ваучер“\* (*маҳсулот етказиб берувчи*

ҳисобрақамига бириктирилади); „ваучер-чек“\*

**APTITUDE** *n* яроқлилик

**professional** ~ касбий яроқлилик

**special** ~ муайян касбий ма-лака ва маҳорат

**vocational** ~ касбий яроқли-лик

**ARAB:**

**A. Bank for Economic De-velopment of Africa** Ара-бистоннинг Африкани иқти-содий ривожлантириш банки

**A. Currency-Related Unit** Арабистон пул бирлиги (1974 йилда 12 та араб мамлакат-ларининг валюталари тўп-лами асосида яратилган)

**A. Development Bank** Арабистон тараққиёт банки

**A. Fund for Economic and Social Development** Ара-бистон иқтисодий ва иж-тимоий тараққиёт фонди

**A. Monetary Fund** Арабистон валюта фонди

**ARBITER** *n* ҳакам

**ARBITRAGE** *n* 1. ҳакамлик; 2. арбитраж\*; арбитраж опе-рациялари (валютани бир вақтнинг ўзида харид қилиш ва сотиш); арбитраж бити-ми\*

~ **bond** арбитражли обли-гация\*

~ **in bills** векселлар билан амалга ошириладиган арбит-раж операциялари\*

~ **in bills of exchange** ўтказма векселлар билан амалга ошириладиган арбитраж опе-рациялари\*

~ **in bullion** олтин билан

амалга ошириладиган арбит-раж операциялари\*

~ **in funds** фонд арбитра-жи\*

~ **in goods** мол арбитражи\*

~ **in securities** 1. қимматли қоғозлар билан амалга оши-риладиган арбитраж опе-рациялари\*; 2. фонд арбит-ражи\*

~ **in stocks** акциялар билан амалга ошириладиган арбит-раж операциялари\*

~ **market** арбитраж\* бозори

~ **of exchange** валюта

арбитражи\*

~ **operations** арбитраж опе-рациялари\*

~ **profit** юқориноқ нархда қайта сотишдан олинган фойда

~ **to provide foreign exchange cover** хорижий валютадаги таъминотни амалга оширувчи арбитраж операциялари\*

~ **transaction** арбитраж опе-рацияси\*

~ **tunnel** арбитраж опе-рацияларини\* ўтказишга имкон берадиган молиявий воситалар нархлари ўртаси-даги фарқ

**compound** ~ қўшма ҳа-камлик; кўп томонлама ҳа-камлик

**currency** ~ валюта арбитра-жи\*

**direct** ~ **of exchange** икки то-монлама валюта арбитражи\*

**interest** ~ фоизли арбитраж\*

**risk** ~ таваккалчиликка асос-ланган арбитраж\*

**simple** ~ оддий валюта ар-битражи\*

**ARBITRAGEUR** *n* арбитраж

операциялари\* билан шуғулланувчи шахс  
**ARBITRAGIST** *n* арбитраж операциялари\* билан шуғулланувчи шахс  
**ARBITRAL** *a* арбитраж\* ... ; ҳакамлик ...  
**ARBITRARY** *a* тасодифий; ихтиёрий; шартли  
 ~ **percentage** ихтиёрий фоиз  
 ~ **value** шартли қиймат  
**ARBITRATE** *v* 1. ҳакамлик судига ўтказмоқ; 2. ҳакам бўлмоқ; 3. ҳакамлик асосида ҳал этмоқ  
**ARBITRATED** *a* ҳакамлик ..., арбитраж\* ...  
 ~ **par of value** арбитраж\* асосида белгиланган валюта паритети\*  
**ARBITRATION** *n* ҳакамлик; ҳакамлик суди; арбитраж операциялари\*; текшириб кўриш, экспертиза  
 ~ **of exchange** векселлар билан амалга ошириладиган арбитраж операциялари\*  
 ~ **on quality** сифат масаласи бўйича ҳакамлик  
**to administer** ~ ҳакамлик судини ўтказмоқ  
**to apply to** ~ ҳакамлик судига мурожаат қилмоқ  
**to conduct** ~ ҳакамлик судини ўтказмоқ  
**to go to** ~ ҳакамлик судига мурожаат қилмоқ  
**to have a recourse to** ~ ҳакамлик судига мурожаат қилмоқ  
**to hold** ~ ҳакамлик судини ўтказмоқ  
**to resort to** ~ ҳакамлик судига мурожаат қилмоқ

**to suspend** ~ ҳакамлик судини кейинга сурмоқ  
**to turn to** ~ ҳакамлик судига мурожаат қилмоқ  
**ad hoc** ~ махсус ҳакамлик суди  
**appropriate** ~ тегишли ҳакамлик суди  
**commercial** ~ савдо ҳакамлик суди  
**compound** ~ **of exchange** кўп томонлама валюта арбитражи\*  
**compulsory** ~ мажбурий ҳакамлик  
**direct** ~ **of exchange** икки томонлама валюта арбитражи\*  
**industrial** ~ саноат ҳакамлик суди  
**international** ~ халқаро ҳакамлик суди  
**isolated** ~ ажратиб қўйилган ҳакамлик суди  
**labour** ~ меҳнат низоларини бартараф этиш  
**mixed** ~ аралаш ҳакамлик  
**simple** ~ **of exchange** оддий валюта арбитражи\*  
**state** ~ давлат ҳакамлик суди  
**third-party** ~ учинчи томон ҳакамлиги  
**tripartite** ~ уч томонлама ҳакамлик  
**wage** ~ иш ҳақиға доир мунозараларни бартараф қилиш  
**without resource to** ~ ҳакамлик судига мурожаат қилмай  
**ARBITRATOR** *n* ҳакам  
**to agree on an** ~ ҳакам номзодини келишмоқ  
**to appoint an** ~ ҳакамни тайинламоқ

to challenge an ~ ҳакамни рад этмоқ  
 to choose an ~ ҳакамни сайламоқ (*танламоқ*)  
 to name an ~ ҳакамни кўрсатмоқ  
 to nominate an ~ ҳакамни кўрсатмоқ  
 to select an ~ ҳакамни сайламоқ  
 chosen ~ сайланган ҳакам  
 impartial ~ одил ҳакам  
 neutral ~ холис ҳакам  
 presiding ~ раислик қилувчи ҳакам  
 prospective ~ кўзда тутилаётган ҳакам  
 qualified ~ малакали ҳакам  
 reserve ~ захирадаги ҳакам  
 selected ~ сайланган ҳакам  
 single ~ якка ҳакам  
 sole ~ якка ҳакам  
 unbiased ~ одил ҳакам

AREA n 1. майдон, ҳудуд, жой;  
 2. туман, вилоят; ҳудуд;  
 3. қўлланиш соҳаси  
 ~ of accountability мажбуриятлар доираси; масъулият доираси  
 ~ of ambiguity ноаниқлик соҳаси  
 ~ of application қўлланиш соҳаси  
 ~ of circulation тарқалиш соҳаси  
 ~ of destination 1. белгиланган (бориб тушадиган) ҳудуд;  
 2. мол сотиш ҳудуди; мол сотиш бозори  
 ~ of development ривожланиш ҳудуди  
 ~ of an exhibition кўргазма майдони  
 ~ of interests манфаатлар соҳаси

~ of marketing мол сотиш (ўтказиш) ҳудуди  
 ~ of production ишлаб чиқариш соҳаси  
 ~ of substantial unemployment ишсизлик кенг тарқалган ҳудуд  
 accounting ~ ҳисобга олиш майдони  
 administrative ~ маъмурий бирлик  
 agricultural ~ қишлоқ хўжалик ҳудуди; қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун яроқли умумий майдон  
 bad risk ~ таваккалчилиги юқори даражада бўлган ҳудуд (*суғурта компаниялари учун*)  
 bonded ~ бож тўланмайдиган ҳудуд  
 booming ~ гуллаб-яшнаётган ҳудуд  
 catchment ~ хизмат кўрсатиш ҳудуди  
 commercial ~ савдо ҳудуди  
 consumption ~ истеъмол ҳудуди  
 currency ~ валюта ҳудуди  
 customs ~ божхона ҳудуди  
 delivery ~ маҳсулот етказиб бериш ҳудуди  
 demonstration ~ намойиш қилиш майдони  
 depressed ~ иқтисодий тушкунликни бошидан кечираётган ҳудуд  
 developing ~ ривожланаётган ҳудуд  
 development ~ иқтисодий тараққиётга муҳтож ҳудуд  
 disaster ~ фалокат ҳудуди  
 display ~ кўргазма майдони



- distressed** ~ қашшоқликдаги ҳудуд  
**distribution** ~ 1. мол сотиш (ўтказиш) бозори; 2. нархнаво ўзгаришларининг қимматли қоғозлар нархи муайян вақт мобайнида ўзгариб турадиган оралиқ масофаси  
**dollar** ~ доллар ҳудуди  
**duty-free** ~ бож тўланмайдиган ҳудуд  
**economic** ~ иқтисодий ҳудуд  
**effective** ~ фойдали майдон  
**European free trade** ~ Европа эркин савдо ҳудуди  
**exhibition** ~ кўргазма майдони, кўргазма ҳудуди  
**export** ~ четга мол чиқариш ҳудуди  
**exporting** ~ четга мол чиқариш ҳудуди  
**express** ~ тезкор юк ташишининг тариф ҳудуди  
**free trade** ~ эркин савдо ҳудуди  
**ground** ~ кўргазма майдони  
**industrial** ~ 1. саноат ҳудуди, саноат корхоналари жамланган ҳудуд; 2. саноат қурилиши учун тайёрланган ҳудуд  
**inland** ~ ички ҳудуд  
**labour catchment** ~ ишчи кучини етказиб берувчи ҳудуд  
**labour-market** ~ ишчи кучи бозори ҳудуди  
**labour shortage** ~ ишчи кучи стишмаётган ҳудуд  
**lettable** ~ ижарага топшириладиган майдон  
**living** ~ турар жой майдони  
**major producing** ~ асосий ишлаб чиқариш ҳудуди  
**market** ~ турли дўконлар жойлашган ҳудуд; сотиш (ўтказиш) ҳудуди  
**marketing** ~ сотиш ҳудуди  
**mixed farming** ~ аралаш хўжалик ҳудуди  
**monetary** ~ валюта ҳудуди  
**natural trading** ~ туташ ҳудудлар билан биргаликдаги савдо марказлари  
**neglected** ~ (иқтисодий жиҳатдан) қаровсиз ҳудуд  
**normal working** ~ ҳисобкитоб майдони  
**offshore** ~ „офф-шор“ ҳудуди\*  
**open air exhibition** ~ очиқ жойдаги кўргазма майдони  
**operating** ~ ишлаб чиқариш майдони  
**outdoor** ~ очиқ ҳудуд, очиқ майдон  
**overshopped** ~ савдо корхоналари билан тўлиб-тошган ҳудуд  
**overstored** ~ савдо корхоналари билан тўлиб-тошган ҳудуд  
**populated** ~ аҳоли яшайдиган ҳудуд  
**port** ~ бандаргоҳ ҳудуд  
**primary trading** ~ мазкур дўкон хизмат кўрсатадигандаҳа  
**priority** ~ устувор соҳа  
**producing** ~ ишлаб чиқариш ҳудуди  
**production** ~ ишлаб чиқариш майдони  
**rate** ~ тариф ҳудуди  
**rented** ~ ижарага олинadиган майдон  
**residential** ~ аҳоли яшайдиган ҳудуд  
**rural** ~ қишлоқ жой  
**sales** ~ савдо зали; савдо

зали майдони; сотиш (ўт-казиш) бозори  
**selling** ~ савдо зали; савдо зали майдони; сотиш (ўтказиш) бозори  
**service** ~ хизмат кўрсатиш ҳудуди  
**shopping** ~ савдо-сотиқ ҳудуди  
**single currency** ~ ягона валюта ҳудуди  
**stand** ~ ярмарка пешлавҳаси майдончаси  
**storage** ~ омборхона майдони, омборга жойлаш майдончаси  
**supply** ~ таъминот ҳудуди  
**thickly populated** ~ аҳоли зич жойлашган ҳудуд  
**tourist resort** ~ сайёҳлар маркази  
**trade** ~ иқтисодий ҳудуд  
**trading** ~ иқтисодий ҳудуд  
**transshipment** ~ транзит молларни қайта юклаш ҳудуди  
**travel-to-work** ~ шаҳарнинг тадбиркорлик ҳудуди  
**unbonded** ~ божхона тўловларидан озод ҳудуд  
**underdeveloped** ~ кам ривожланган ҳудуд  
**underprivileged** ~s шаҳарнинг камбағаллар яшайдиган мавзелари  
**urban** ~ шаҳар ҳудуди  
**urbanized** ~ шаҳар ҳудуди  
**usable** ~ фойдали майдон  
**useful** ~ фойдали майдон  
**work** ~ савдо корхонаси майдони  
**working** ~ ишлаб чиқариш майдони, иш ҳудуди  
**work(ing)** ~ 1. иш майдони; 2. иш ҳудуди; 3. савдо корхонаси майдони

**ARGUMENT** *n* 1. асос, баҳона, далил, исбот; 2. баҳс, мунозара  
**to advance an** ~ далил-исбот келтирмоқ  
**to put forward an** ~ далил-исбот келтирмоқ  
**to refute an** ~ далилни рад этмоқ  
**to reinforce an** ~ далилни тасдиқламоқ  
**constructive** ~ асосли далил  
**flimsy** ~ ишонарли деб бўлмайдиган далил  
**irrefutable** ~ рад қилиб бўлмайдиган далил  
**rebuttal** ~ рад этувчи далил  
**refuting** ~ рад этувчи далил  
**sales** ~ савдо рекламаси  
**selling** ~ савдо рекламаси  
**sound** ~ асосли далил  
**weighty** ~ жиддий далил

**ARIEL** *n* биржани четлаб ўтиб, қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказишга имкон берувчи компьютерлаштирилган тизим

**ARISTOCRACY** *n* аслзодалар, оқсуяклар  
 ~ **of money** бойлар ҳукмронлиги

**ARM** *n* 1. қўл; 2. бўлим, бўлинма  
 ~'s **length transaction** манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик учун томонларнинг бевосита алоқаларисиз тузилган битим  
**consulting** ~ маслаҳатлар бўлими

**ARMOURED** *a* зирҳланган  
 ~ **car delivery** пулни зирҳланган автомобилларда ташиш

**AROUND** *n* валюта курсининг ўртача даражадан четга чиқиши

**ARRANGE** *v* 1. уюштирмақ; тартибга солмақ; тизимга келтирмақ; ташкил қилмақ; тартибга келтирмақ; 2. битимга келмақ; келишмақ; 3. фармойиш бермақ

**to ~ a loan** ссуда бериш ҳақида фармойиш бермақ

**ARRANGED** *a* 1. ташкил қилинган; тартибга келтирилган; 2. келишилган; 3. муайян тартибда жойлаштирилган  
~ **overdraft** банкда кредитни келишган ҳолда ошириб юбориш

~ **price** келишилган нарх

**ARRANGEMENT:**

**line** ~ 1. ишлаб чиқариш жараёнининг бир маромдалиги; 2. узлуксиз ишлаб чиқаришнинг мувозанатга келтирилганлиги  
**marginal** ~ энг юқори қолдиқ, тушумнинг ўзгарувчи харажатлардан ошиб кетиши  
**material** ~ моддий мувозанат  
**minimum cash** ~ нақд пулнинг энг кам миқдордаги захираси; энг кам миқдордаги касса қолдиғи  
**money** ~s нақд пул, пул қолдиқлари  
**money-commodity** ~ пул ва моллар ўртасидаги мувозанат  
**monthly** ~ ҳар ойлик баланс  
**national economic** ~ халқ хўжалиги мувозанати  
**negative** ~ пассив (номақбул) тўлов баланси\*  
**negative ~ of payment** пассив тўлов баланси\*  
**negative ~ of trade** пассив савдо баланси\*  
**net** ~ соф қолдиқ  
**net credit** ~ соф кредит қолдиғи  
**net liquidity** ~ йиғма тўлов баланси  
**nonhousehold** ~s истёъмол соҳасига тегишли бўлмаган

соҳиблар қўлидаги пул қолдиқлари  
**postro** ~ "ностро" ҳисоб-рақами\* бўйича қолдиқ (*бошқа банкдаги*)  
**official settlement** ~ ўзига хос ҳисоб-китоблар моҳиятига кўра тўлов балансидаги қолдиқ  
**op** ~ натижада, оқибатда  
**opening** ~ кириш баланси; бошланғич қолдиқ (*ҳисоб-китобда*)  
**organizational** ~ маблағларни таркибий бўлинмалар ўртасида мутаносиб тақсимлаш  
**overall** ~ 1. умумий якун, якуний баланс; 2. бирлаштирилган тўлов баланси  
**overstated book** ~ дафтар (рўйхат)да ошириб кўрсатилган қолдиқ  
**overstated inventory** ~s товар-моддий бойликларининг ошириб кўрсатилган қолдиқлари  
**passive** ~ пассив (номақбул) тўлов баланси\*  
**passive of trade** ~ пассив савдо баланси\*  
**performance** ~ ҳисобот баланси  
**physical** ~ моддий мувозанат  
**positive** ~ актив (мақбул) тўлов баланси\*  
**positive ~ of trade** актив савдо баланси\*  
**post-closing trial** ~ ҳисоб-рақамлар ёпилгандан кейинги текширув баланси  
**precautionary** ~s эҳтиёт шартдан тўплаб бориладиган пул қолдиқлари  
**precision** ~ аниқ тарози  
**preclosing trial** ~ дастлабки баланс

preliminary trial ~ дастлабки (синов) бухгалтерлик баланси; ҳисобрақамларнинг дебет ва кредит бўйича қолдиғи рўйхати

profit ~ фойда қолдиғи

profit-and-loss ~ фойда ва зарарлар ҳисобрақами қолдиғи

real cash ~s амалдаги касса қолдиқлари

reasonable ~ қониқарли баланс

red ~ пассив (номақбул) тўлов баланси\*

reserve ~ захиралар мувозанати

rough ~ тахминий қолдиқ

social ~ ижтимоий мувозанат

special area ~ of payments мазкур мамлакатнинг муайян минтақа мамлакатлари билан олиб борадиган тўлов баланси

stock-and-provision ~ захиралар ва таъминот ўртасидаги мувозанат

summary ~ йиғма (жамлама) баланс

surplus ~ актив қолдиқ

surplus ~ of payments актив баланс\*

trade ~ савдо баланси

transaction ~s битимларга оид пул қолдиқлари

transaction cash ~s нақд пулга тузиладиган битимлар ҳисобрақамлари

trial ~ 1. синов (дастлабки) бухгалтерлик баланси; 2. жузый синов баланси

turnover ~ айланма баланс

unadjusted trial ~ тузатилмаган синов (дастлабки) баланси

unamortized ~ ўрни қопланмаган қолдиқ

visible ~ савдо баланси моддалари қолдиғи

working ~ 1. ҳисобрақамлардаги "ишчи" қолдиқлар (хундалик ҳисоб-китоблар учун зарур бўлган суммалар);

2. захиралар

zero ~ нолга тенг қолдиқ

**BALANCE** *v* 1. мувозанатлаштирмақ; мувозанатга келтирмақ; мувозанатни сақламақ; 2. санамоқ; ёпмоқ (ҳисобрақамларни); қолдиқни ҳисобламақ; 3. ўрнини қопламақ; бартараф қилиб қўймоқ; 4. қондирмоқ (маҳсулотга бўлган талабни)

to ~ an account 1. ҳисобрақамни тенглаштирмақ; ҳисобрақамни ёпмоқ; 2. ҳисобрақамдаги маблағларнинг муайян санадаги қолдиғини ҳисобламақ

to ~ foreign trade ташқи савдони мувозанатга келтирмақ

to ~ the books бухгалтерлик дафтарлари балансини чиқармоқ

to ~ the cash кассадаги нақд пулни ҳисобламақ

to ~ the ledger бош дафтар ҳисобрақамларидаги қолдиқни ҳисобламақ

**BALANCED** *a* мувозанатлаштирилган, мувозанатга келтирилган

~ account мувозанатга келтирилган ҳисобрақам

~ budget мувозанатга келтирилган бюджет

~ funds мувозанатлаштирилган портфелли\* очиқ турдаги инвестиция фондлари

~ mutual fund мувозанатга келтирилган ўзаро фонд  
**BALANCE-SHEET** *n* баланс; баланс ҳисоботи  
 to approve *a* ~ баланс ҳисоботини тасдиқламоқ  
 to audit *a* ~ балансни тафтиш қилмоқ  
 accounting ~бухгалтерлик баланси  
 bank ~ банк баланси  
 bank's ~ банк баланси  
 closing ~ якуний баланс  
 composite ~ йиғма баланс  
 condensed ~ қисқа (қисқартирилган) баланс  
 consolidated ~ йиғма баланс, бирлаштирилган баланс  
 detailed ~ тафсилотли баланс  
 liquidation ~ тугатиш баланси  
 master ~ йиғма баланс  
 normal ~ баланснинг меъерий намунаси  
**BALANCING** *n* 1. мувозанатга келтириш, тенглаштириш; 2. ҳисобрақамларни якунлаш, қолдиқни ҳисоблаш  
 ~ of accounts ҳисобрақамларни якунлаш, қолдиқни ҳисоблаш  
 ~ of cash accounts касса ҳисобрақамини якунлаш  
 ~ of demand and supply талаб ва таклифни тенглаштириш  
 ~ of payments тўловларни мувозанатга келтириш  
 ~ of portfolio портфелни\* мувозанатга келтириш (бу-юртмалар ҳақида)  
 ~ the productive capacity ишлаб чиқариш қувватларининг номутаносиблигини бар-тараф қилиш  
 annual ~ of the books бухгал-терлик дафтарлари ҳисоб-

рақамларининг ҳар йиллик якуни

commitment-provision ~ мол етказиб беришда узвийликни таъминлаш

line ~ ишлаб чиқариш жа-раёнининг бир маромдали-гини таъминлаш

long run budget ~ бюджетни узоқ муддатга мувозанатга келтириш

work ~ ишнинг бир маром-далигини таъминлаш

work force ~ ишчи кучини тақсимлаш; меҳнат ресурслари мувозанати

**BALANCING** *a* мувозанат-лаштирувчи, мувозанатга келтирувчи

~ account мувозанатлаш-тирувчи ҳисобрақам

~ item мувозанатлаштирувчи модда

**BALBOA** *n* бальбоа (Панама пул бирлиги)

**BALE** *n* даста, боғлам; той

~ of pulp целлюлоза тойи (тўпи)

~ of wool жун тойи

to make up into ~s тойламоқ

to pack in ~s тойламоқ

compact ~зичлаб тойланган юк

cotton ~ пахта тойи

odd ~ ортиқча той

standard ~ меъерий той

tight ~ зичлаб тойланган юк

**BALE** *v* тойламоқ, дасталаб боғламоқ

**BALLOON** *n* қарз бўйича сўнги тўлов (аввалгиларига нисбатан йирик миқдорда)

~ interest узоқроқ муддатли серияли облигациялар бўйича юқориноқ фоиз даражаси

~ maturity қарзии ўсиб бо-  
раётган тўловлар билан  
қоплаш

~ payment ссуда муддатининг  
туғаш пайтидаги йирикроқ  
тўлов

**BALLOON** *v* кўтармоқ, ошириб  
юбормоқ (*нархлар, акциялар*  
*курслари ва ш.к.ни*)

**BALLOONING** *n* ошириб юбо-  
риш

**BALLOT** *n* қарз иштирок-  
чиларини аниқлаш мақсадида  
қуръа ташлаш

**BALLYHOO** *n* реклама шов-  
шуви

**BALLYHOO** *v* шовқин солиб  
(жон-жаҳди билан) реклама  
қилмоқ

**BALTIC:**

**B. International Freight  
Futures Exchange** Болтиқ  
халқаро фрахт фьючерслари\*  
биржаси

**B. Mercantile and Shipping  
Exchange** Болтиқ мол ва  
фрахт\* биржаси (*Лондон*)

**BAN** *n* бан (*Руминия майда*  
*тангаси*)

**BAN** *n* тақиқ, тақиқлаш; ғай-  
риқонуний деб эълон қилиш

~ on exports четга мол  
чиқаришни тақиқлаш

~ on immigration кўчиб  
келишни тақиқлаш, мамла-  
катга киришни тақиқлаш

~ on import четдан мол  
келтиришни тақиқлаш

~ on shipment юклар жў-  
натишни тақиқлаш

to impose ~ тақиқламоқ, ман  
этмоқ

to kill the ~ on credit кредит  
бўйича тақиқни бекор қил-  
моқ

to lift the ~ тақиқни бекор  
қилмоқ

to maintain a ~ тақиқни  
сақлаб қолмоқ

to place a ~ тақиқламоқ, ман  
этмоқ

to put under a ~ тақиқламоқ,  
ман этмоқ

to remove a ~ тақиқни бекор  
қилмоқ

government ~ ҳукумат тақи-  
қи

import ~ четдан мол кел-  
тиришни тақиқлаш

temporary ~ вақтинча тақиқ-  
лаш

**BAN** *v* тақиқламоқ, ман этмоқ

**BANCOMAT** „Банкомат“ авто-  
мат касса аппаратлари ти-  
зими

**BANCOR** *n* банкор (*лойиҳа-*  
*лаштирилган шартли валю-*  
*та бирлиги*)

**BAND** *n* 1. соҳа; оралиқ масо-  
фа; ҳудуд; минтақа; 2. курс  
ўзгариб туриши чегараси; 3.  
тасма

~ of forecasts олдиндан  
тахмин қилинган баҳолар  
соҳаси

confidence ~ ишонч асосидаги  
соҳа

currency ~ валютанинг йўл  
қўйилиши мумкин бўлган  
ўзгаришлари чегараси

error ~ хатога йўл қўйилган  
жой

fluctuation ~ валюта курси  
ўзгаришлари кўлами; валюта  
курсининг паритетдан\* четга  
чиқиш чегаралари

metal ~ металл тасма

packing ~ ўраб жойлаш тас-  
маси

paper ~ қоғоз тасма



**BANG** v урмоқ, тақиллатмоқ  
to ~ the market бозорда нарх-  
ни туширмоқ, сотувга кўп  
миқдорда акциялар чиқармоқ  
**BANK**

**B. Deposit Insurance Act**  
Банк депозитларини\* суғур-  
талаш тўғрисидаги қонун  
(АҚШ)

**B.s for Cooperatives** қишлоқ  
хўжалиги ширкатларига кре-  
дит ажратиш банклари

**B. for Foreign Economic  
Affairs** Ташқи иқтисодий  
фаолият банки (собиқ  
СССРда фаолият кўрсат-  
ган)

**B. for Foreign Trade** Ташқи  
савдо банки (1988 йилдан  
1991 йилга қадар собиқ  
СССРда фаолият кўрсат-  
ган)

**B. for International Sett-  
lements** Халқаро ҳисоб-китоб-  
лар банки (Базель, Швей-  
цария)

**B. for New Economic Ini-  
tiatives** Иқтисодий лойиҳалар  
банки (Болгария)

**B. for Russian Trade** Россия  
билан савдо қилиш банки  
(Лондонда 1932 йилга қадар  
фаолият кўрсатган)

**B. of America** Бэнк оф  
Америка

**B. of Canada** Канада банки  
(Канада марказий банки)

**B. of China** Хитой банки

**B. of England** Англия банки  
(Буюк Британия марказий  
банки)

**B. of England composite index**  
Англия банкининг таркибий  
кўрсаткичи

**B. of England note** Англия  
банки банкноти\*

**B. of England return** Англия  
банкнинг муайян санадаги  
баланси

**B. of Greece** Греция банки

**B. of Japan** Япония банки

**B. Paribas** Париба банки  
(Франция)

**B. Wire** „Бэнк Уайр“ элект-  
рон алоқа тизими (АҚШ  
тижорат банкларига қараш-  
ли)

**African Development B.**  
Африка тараққиёт банки

**Arab Development B.**

Арабистон тараққиёт банки

**Asian Development B.** Осиё  
тараққиёт банки

**Central B. of the Republic of  
Uzbekistan** Ўзбекистон Рес-  
публикаси Марказий банки

**Central B. of Russia (Russian  
Federation)** Россия (РФ)  
Марказий банки

**Central Trustee Savings B.**  
Жамғарма банклар ҳисоб-  
китоб палатаси (Буюк Бри-  
тания)

**Commercial B. for Light  
Industry of the Republic of  
Uzbekistan** „Uzyengilsanoat-  
bank“ „Ўзенгилсаноатбанк“

Ўзбекистон Республикаси  
Енгил саноат уюшмаси тар-  
моқ акциядорлик-тижорат  
банки

**Commercial B. „Parvinabank“**  
„Парвинабанк“ тижорат бан-  
ки (Ўзбекистон Республи-  
каси)

**European B. for Reconst-  
ruction and Development** Ев-  
ропа тикланиш ва тараққиёт  
банки

European Investment B. Европа инвестиция банки

Export-Import B. Экспорт-импорт\* банки (АҚШ)

Federal Farm Credit B. фермерлик кредити федерал банки (АҚШ)

Federal Home Loan B.s уй-жой қурилишига кредит ажратиш федерал банклари

Federal Intermediate Credit B. ўрта муддатли кредитлар федерал банки

Federal Land B.s федерал ер банки

Federal Reserve B. федерал захиралар банки

Federal Reserve Branch B. федерал захиралар банки филиали

Inter-American Development B. Америка мамлакатлариаро тараққиёт банки

International B. for Economic Cooperation Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки

International B. for Reconstruction and Development Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки

International Investment B. Халқаро инвестиция банки

Islamic Development B. Ислом тараққиёт банки (Жиддада)

Joint-Stock Commercial B. „ABN Amrobank“ „АБН Амробанк“ акциядорлик-тижорат банки (Ўзбекистон Республикаси)

Joint-Stock Commercial B. „Aloqabank“ „Алоқабанк“ акциядорлик-тижорат банки (Ўзбекистон Республикаси)

Joint-Stock Commercial B.

„Andijonbank“ „Андижон-банк“ акциядорлик-тижорат банки (Ўзбекистон Республикаси)

Joint-Stock Commercial B. „Авиабанк“ акциядорлик-тижорат банки (Ўзбекистон Республикаси)

Joint-Stock Commercial B. „Ilmtchbank“ „Илмтехбанк“ акциядорлик-тижорат банки (Ўзбекистон Республикаси)

Joint-Stock Commercial B. „Namanganbank“ „Наманганбанк“ акциядорлик-тижорат банки (Ўзбекистон Республикаси)

Joint-Stock Commercial B. „Olimbank“ „Олимбанк“ акциядорлик-тижорат банки (Ўзбекистон Республикаси)

Joint-Stock Commercial B. „Umarbank“ „Умарбанк“ акциядорлик-тижорат банки (Ўзбекистон Республикаси)

Joint-Stock Commercial B. of Consolidation „Turon“ „Турон“ акциядорлик-тижорат бирлаштирув банки (Ўзбекистон Республикаси)

Joint-Stock Commercial Exchange B. „Trustbank“ „Трастбанк“ акциядорлик-тижорат биржа банки (Ўзбекистон Республикаси)

Joint-Stock Commercial Industrial Construction B. „Uzsanoatqurilishbank“

„Ўзсаноатқурилишбанк“ Саноат-қурилиш акциядорлик-тижорат банки (Ўзбекистон Республикаси)

Joint-Stock Commercial Industrial B. of Development „Investbank“ „Инвестбанк“

акциядорлик-тижорат ривож-  
ланиш инвестиция банки  
(Ўзбекистон Республикаси)

National B. for Foreign  
Economic Activity of the  
Republic of Uzbekistan  
Ўзбекистон Республикаси  
Ташқи иқтисодий фаолият  
миллий банки

National Savings B. Миллий  
жамғарма банк (*Буюк Бри-  
тания*)

Specialized Joint-Stock Com-  
mercial B. "Gallabank" "Ғал-  
лабанк" ихтисослаштирилган  
акциядорлик-тижорат банки  
(Ўзбекистон Республикаси)

Specialized Joint-Stock Com-  
mercial B. "Pakhta-bank"  
"Пахтабанк" ихтисослашти-  
рилган акциядорлик-тижорат  
банки (*Ўзбекистон Респуб-  
ликаси*)

Specialized Joint-Stock Com-  
mercial B. "Uzmevasab-  
zavotbank" "Ўзмевасабзавот-  
банк" ихтисослаштирилган  
акциядорлик-тижорат банки  
(Ўзбекистон Республикаси)

Specialized State Joint-Stock  
Commercial B. "Asaka" "Аса-  
ка" ихтисослаштирилган дав-  
лат акциядорлик-тижорат  
банки (*Ўзбекистон Респуб-  
ликаси*)

Specialized State Joint-Stock  
Mortgage B. "Zamin" "Замин"  
ихтисослаштирилган давлат  
акциядорлик-ипотека банки  
(Ўзбекистон Республикаси)

State B. Давлат банки

State-Commercial People's B.  
of the Republic of Uzbekistan  
Ўзбекистон Республикаси  
давлат-тижорат Халқ банки

Uzbek Joint-Stock Commercial  
B. "Tadbirkorbank" "Тадбир-  
корбанк" Ўзбекистон акция-  
дорлик-тижорат банки

Uzbek Innovation Joint-Stock  
Commercial B. "Ipak yuli"  
"Ипак йўли" Ўзбекистон ин-  
новация акциядорлик-тижо-  
рат банки

Uzbek International B.  
"Uzprivatbank" "Ўзприват-  
банк" Ўзбекистон халқаро  
банки

Uzbek Joint-Stock Commercial  
Investment B. "Uzsayoha-  
tinvestbank" "Ўзсаёҳатинвест-  
банк" Ўзбекистон акциядор-  
лик-тижорат инвестиция бан-  
ки

Uzbek-Korean Joint B.  
"UzDAEWOO Bank" "ЎзДЕУ  
банк" Ўзбекистон Корея  
қўшма банки

Uzbek Specialized Joint-Stock  
Commercial B. for Supporting  
Trade and Commerce "Uz-  
savdogarbank" "Ўзсавдогар-  
банк" Ўзбекистон Савдо ва  
тижоратга қўмаклашувчи их-  
тисослаштирилган акциядор-  
лик-тижорат банки

Uzbek-State Joint-Stock  
Housing B. "Uzuyjoyjam-  
garmabank" "Ўзуйжойжам-  
ғармабанк" Ўзбекистон дав-  
лат-акциядорлик уй-жой  
банки

Uzbek-Turkish B. Ўзбе-  
кистон-Туркия банки  
World B. Жаҳон банки,  
Халқаро тикланиш ва та-  
раққиёт банки

BANK n 1. банк; 2. кредит  
муассасаси; 3. фонд, жамғар-

ма, умумий захира; 4. касса;  
5. банк ҳисобрақамидаги пул  
~ acceptance 1. банк акцепт-  
лаган\* вексель; 2. банк ак-  
цепти\*

~ accomodation банк ссудаси  
~ account банк ҳисобрақами,  
банкдаги ҳисобрақам

~ accounting банкдаги бух-  
галтерлик ҳисоби

~ acquisition бир банкнинг  
бошқасини сотиб олиши

~ administered trust fund банк  
бошқарадиган траст фонд\*

~ advertisement банк рекла-  
маси

~ agency банк вакиллиги

~ and cash balances банк  
ҳисобрақамидаги нақд пул  
қолдиғи

~s and savings banks банклар  
ва омонат кассалари

~ anticipation notes чиқари-  
лишини кутаётган векселлар

~ assets банк активлари\*

~ assisted private placement  
қимматли қоғозларни ху-  
сусий тарзда тарқатиш, бун-  
да банк маслаҳатчи вази-  
фасини ўтайди

~ audit банк ҳисоботини  
тафтиш қилиш

~ auditor банк тафтишчиси

~ automation банк ишини ав-  
томатлаштириш

~ balance банк ҳисобрақами  
қолдиғи; банк ҳисобрақами-  
даги қолдиқ

~ balance sheet банк баланси

~ bill банкнот\* банк билети

~ bill of exchange 1. банкка  
тўловга тақдим этилган трат-  
та\*; 2. банк тўловга тақдим  
этган тратта\*

~ bond банк облигацияси

~ book банк дафтари, банк  
ҳисоб дафтари

~ bookkeeping банкдаги бух-  
галтерлик операциялари

~ borrowing банк берадиган  
қарз

~ borrowing limit банк бе-  
радиган қарз миқдори

~ branch банк филиали

~ branching банкнинг бўлим-  
лари ва филиалларини таш-  
кил этиш

~ capital банк сармояси

~ card банк карточкаси

~ card association банк кар-  
точкаларини тартибга келти-  
риш учун ўз имконият-  
ларини бирлаштирган банк-  
лар гуруҳи

~ central file банкнинг мар-  
казий архиви

~ certificate банк гувоҳно-  
маси

~ certified check банк тас-  
диқлаган чек

~ charge банк воситачилик  
тўлови; банк йиғими

~ charter банк чартери\*

~ check банк чеки

~ clearing банклараро нақд  
пулсиз ҳисоб-китоблар; банк  
клиринги\*; банклар ўртасида  
ўзаро талабномаларни ҳисоб-  
га олиш

~ clerk банк ходими; банк  
хизматчиси

~ commission банк воситачи-  
лик йиғими

~ commissioner банк депар-  
таменти раҳбари

~ confirmation банкнинг тў-  
ловни тасдиқлаши

~ consulting банк маслаҳат  
хизматлари

~ crash банкнинг банкрот бўлиши  
 ~ creation of money банкнинг пул чиқариши  
 ~ credit банк кредити  
 ~ credit liabilities банк кредитлари бўйича мажбурият  
 ~ creditor банк кредитори, банкка қарз берувчи  
 ~ credit transfer банк кредити ўтказмаси  
 ~ crisis банк инқирози (таназзули)  
 ~ customer банк мижози  
 ~ customer relationship банкнинг мижозлар билан ўзаро муносабати  
 ~ debits банкдаги депозит\* ҳисобрақамлари дебети ҳисобидан чиқариладиган сумма  
 ~ debt банк ссудаси бўйича қарздорлик; банкдан қарздорлик  
 ~ debtor банк дебитори  
 ~ declaration банк декларацияси\*  
 ~ department банк бўлими  
 ~ deposit банк депозити\*; банкдаги омонат  
 ~ deposit confirmation банкда омонат борлигини тасдиқлаш  
 ~ deposit money депозитга\* ўтказилган пул; банк депозитидаги\* пул  
 ~ deposit rate депозитлар\* бўйича банк ставкаси  
 ~ directors банк бошқаруви  
 ~ directorship банк директори лавозими  
 ~ discount банк дисконти\*  
 ~ discounting банк дисконти\*, банкда векселни ҳисобга олиш

~ discount rate банкнинг ҳисобга олиш ставкаси  
 ~ division банк бўлими  
 ~ documentation банк ҳужжатлари  
 ~ draft бир банк бошқа банкка тўловга тақдим этган тратта\*  
 ~-eligible securities банклар сотиб олиши мумкин бўлган давлат қимматли қоғозлари  
 ~ employee банк ходими, банк хизматчиси  
 ~ examination банкнинг молиявий аҳволини тафтиш қилиш  
 ~ examiner банк тафтишчиси  
 ~ executive банк бошқарувчиси  
 ~ failure банкнинг банкрот бўлиши, банкнинг синиши; банк инқирози  
 ~ fee банк операцияларини амалга оширганлик учун тўланадиган воситачилик ҳақи  
 ~ for cooperatives қишлоқ хўжалиги ширкатларига кредит ажратиш банки  
 ~ foreign exchange position банкнинг хорижий валютадаги маблағлари қолдиғи  
 ~ foreign exchange reserve банкдаги хорижий валюта захиралари  
 ~ formalities банк расмиятчиликлари  
 ~ fraud банкдаги қаллоблик  
 ~ funds банк маблағлари  
 ~ giro банк жироҳисобрақамлари\* тизими  
 ~ giro account жироҳисобрақамлар\* тизимидаги банк ҳисобрақамлари  
 ~ giro clearing center банк

жироҳисобрақамлари\* тизимининг ҳисоб-китоб маркази  
 ~ giro credit нақд пулсиз банк кредити  
 ~ guarantee банк кафолати; банк кафиллиги; авал\*  
 ~ guarantee for tender банкнинг савдо учун берадиган кафолати  
 ~ holding company банк холдинг компанияси\*  
 ~ holiday банк таътиллари  
 ~ hours банкнинг иш соатлари  
 ~ identification банк реквизитлари\* ва миждоз ҳисоб-рақами кўрсатилган ҳужжат  
 ~ indebtedness банкдан қарздорлик  
 ~ index банк кўрсаткичи  
 ~ insider 1. банк ҳақида махфий маълумотларга эга бўлган шахс; 2. банк билан чамбарчас боғлиқ шахс  
 ~ insolvency банкнинг тўловга лаёқатсизлиги  
 ~ interest банк фоизи  
 ~ investment банк инвестициялари  
 ~ investment department банк инвестициялари бўлими  
 ~-issued medium-term note ўрта муддатли банк облигацияси  
 ~ law банклар ҳақидаги қонунлар  
 ~ lending 1. банк ссудаси; банк берадиган қарз; 2. банкнинг кредит ажратиши  
 ~ letter банк ҳужжати  
 ~ liabilities банк мажбурияти  
 ~-like service банкникига ўхшаш хизмат  
 ~ line банк кредит йўли (кредит бериш мажбурияти)

~ liquidity банкнинг ликвидлиги\*  
 ~ loan банк ссудаси  
 ~ loans and overdrafts банк кредити ва овердрафти\*  
 ~ management 1. банкнинг бошқарув ходимлари; 2. банкни бошқариш  
 ~ manager банк бошқарувчиси  
 ~ margin банк маржаси (кредит ва омонатлар бўйича фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ)  
 ~ marketing банк маркетинги\*  
 ~ merger банкларнинг қўшилиши  
 ~ messenger банк хат-хабарларини ташувчи  
 ~ modernization банкни замонавийлаштириш  
 ~ money банкда сақлашга топширилган пул; банк муомаласидаги пул; нақд пулсиз ҳисоб-китоблар пули  
 ~ money order банк пул ўтказмаси  
 ~ mortgage банк кафолатлайдиган гаров хати  
 ~ net external spot position банк тўлов балансининг нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш пайтидаги аҳволи  
 ~ net foreign exchange банк маблағларининг чет эл валютасидаги соф қолдиғи  
 ~-noneligible securities банкларнинг сотиб олишига рухсат этилмайдиган давлат қимматли қоғозлари  
 ~ note банк билети, банкнот\*  
 ~ note of large denomination йирик қийматли банкнотлар\*

- ~ note of small denomination кичик қийматли банкнотлар\*
- ~ note paper банкларнинг қимматли қоғозлари; банкнотлар\*
- ~ notes by denomination купюраларда ифодаланган банкнотлар\*, банкнотларнинг\* купюралар асосидаги тузилиши
- ~ notes in circulation муомаладаги банкнотлар\*
- ~ notification банк хабарномаси
- ~ occupations банк лавозимлари
- ~ of circulation эмиссия\* банки
- ~ of commerce тижорат банки
- ~ of deposit депозит\* банки
- ~ of discount ҳисобга олиш банки
- ~ of good standing нуфузли обрўга эга банк
- ~ of issue эмиссия\* банки, эмитент\* банк
- ~ officer банкнинг мансабдор шахси; банк ходими
- ~ official банкнинг мансабдор шахси; банк ходими
- ~ operation environment банк фаолияти шарт-шароитлари
- ~ organization банкнинг ташкилий тузилмаси
- ~ organization structure банкнинг ташкилий тузилмаси
- ~ overdraft банк овердрафти\*; банкдаги кредит беришни ошириб юбориш; банкдан қарздорлик
- ~ owner банк эгаси
- ~ panic банкдаги саросима
- ~ paper 1. банк вексели (банк акцентлаган\* ёки индоссация\* қилган вексель); 2. биринчи даражали вексель
- ~ passbook банкнинг ҳисобкитоб дафтарчаси
- ~ payment order банк тўлов топшириқномаси
- ~ performance банкнинг фаолият кўрсатиш лаёқати
- ~ performance indicator банк фаолияти самарадорлигининг кўрсаткичи
- ~ personnel банк ходимлари
- ~ portfolio банкнинг қимматли қоғозлар портфели\*
- ~ premises банкка қарашли кўчмас мулк
- ~ publicity банк рекламаси
- ~ rate банкнинг ҳисобга олиш ставкаси
- ~ receipt банк квитанцияси (депозитни\* қабул қилганлик ҳақида)
- ~ reconciliation statement банк ҳисобрақами ва компания бухгалтерлик ёзувлари ўртасидаги тафовутни тушунтирувчи ҳужжатлар
- ~ reconstruction 1. банкни қайта қуриш; 2. банк тизимини тиклаш
- ~ references банк тавсияномаси
- ~ regulators банк тизимини назорат қилувчи ҳукумат идоралари
- ~ related activities банклар билан боғлиқ операциялар
- ~ release банкнинг мол олишга рухсат бериши
- ~ remittance банк ўтказмаси
- ~ reserve банк захираси
- ~ resources банк маблағлари
- ~ restructuring банкни "тиклаш", қайта қуриш

~ return банк ҳисоботи, банк баланси  
 ~ robbery банкни ўғирлаш  
 ~ safe банк пўлат сандиғи  
 ~ secrecy банк сири  
 ~ secretary банк котиби  
 ~ securities банк қимматли қоғозлари  
 ~ share банк акцияси  
 ~ smash банкнинг банкрот бўлиши  
 ~ solvency банкнинг кредитга лаёқатлилиги  
 ~ spread sheet банкнинг кредитларни назорат қилиш таҳлилий жадвали  
 ~ staff банк ходимлари  
 ~ stamp чекнинг орқа томонига тўртбурчак муҳр босилган банк индоссаменти\*  
 ~ statement банк ҳисоб-рақамидан кўчирма  
 ~ stock 1. банкнинг хусусий сармойаси; 2. *pl* банк чиқарган акциялар; банк чиқарган облигациялар  
 ~ stockholder банк акциялари эгаси, банк акциялари соҳибби  
 ~ supervision банк фаолиятини назорат қилиш  
 ~ supervisor банкни назорат қилувчи шахс  
 ~ supervisory authority банк фаолиятини назорат қилиш идораси  
 ~ teller банк хизматчиси  
 ~ till банк кассаси  
 ~ to banks банклар банки (*марказий банк*)  
 ~ to government ҳукумат банки (*марказий банк*)  
 ~ training curricula банкда ходимларни тайёрлаш ўқув режаси

~ transaction банк битими  
 ~ transaction and checking fee банк ва чек операциялари воситачилик ҳақи  
 ~ transfer банк ўтказмаси  
 ~ transfer department банкнинг траст операциялари\* бўлими  
 ~ treasury department банк ресурсларини жалб этиш бўлими  
 ~ trust department банкнинг ишонч асосидаги операциялари бўлими, банкнинг траст операциялари\* бўлими  
 ~ vault банкнинг бойликлар сақланадиган омбори; пўлат сандиқ; бойликлар сақланадиган ертўла  
 ~ weekly statement банк ҳисоб-рақамидан олинадиган ҳар ҳафталик кўчирма  
 ~ with mixed capital аралаш сармойали банк  
 ~'s books банк дафтарлари, банк ҳисоби дафтарлари  
 ~'s creditor банк кредитори  
 ~'s debtor банк дебитори  
 ~'s organizational structure банкнинг ташкилий тузилмаси  
 ~'s own resources банкнинг хусусий пул маблағлари  
 ~'s owner банк эгаси  
 ~'s portfolio risk банк портфель\* таваккалчилиги\*  
 ~'s requirements банк талаблари  
 ~'s right to vote customers' deposited shares банкнинг миждозлар жойлаштирган акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқи  
 to deposit money with (in) a ~ банкка пул қўймоқ



to draw on a ~ банкдан пул олмоқ  
 to keep an account at a ~ банк-да ҳисобрақамга эга бўлмоқ  
 to open an account with (in) a ~ банкда ҳисобрақам очмоқ  
 to pay into a ~ банкка пул қўймоқ  
 to pay through a ~ банк орқали тўламоқ  
 to run a ~ банкни бошқармоқ  
 acceptance ~ акцептлаш\* идораси  
 account-holding ~ ҳисоб-рақамни сақловчи банк, акцептлаш\* банки, акцептловчи\* банк  
 advising ~ аккредитив\* бўйича тўловчи банк, хабарнома юборувчи банк  
 affiliate ~ банк филиали  
 agency ~ вакиллик банки (*бош банкнинг вакили сифатида фаолият юритувчи*)  
 agent ~ вакил банк: 1. халқаро синдикат\* аъзолари кредит операцияларини топширадиган банк; 2. облигациялар эмиссияси\* топширилган муассаса  
 agricultural ~ қишлоқ хўжалик ёки ер банки  
 associated ~s уюшган банклар  
 authorized ~ ваколатли банк  
 banker's ~ марказий банк  
 big ~ йирик банк  
 black ~ негр эгалик қилувчи банк  
 black-controlled ~ негрлар назорат қиладиган банк  
 borrower's ~ қарз олувчининг банки  
 branch ~ 1. банк бўлими,

банк филиали; 2. бўлим (филиал)ларга эга банк  
 buffer ~ буфер\* (операцияларо) захира  
 business ~ тижорат банки  
 card-issuing ~ кредит карточкалари чиқарувчи банк  
 central ~ марказий банк  
 central reserve city ~s марказий федерал захиралар банки жойлашган шаҳарлардаги банклар  
 chartered ~ чартерли\* банк  
 city ~ шаҳар банки  
 clearing клиринг\* банки  
 clearing member ~ чекларни Федерал захиралар тизими орқали инкассация қила оладиган банк  
 closing ~ якуний битимни бир нечта банклар иштирокида амалга оширувчи банк  
 collecting ~ инкассация қилувчи банк  
 colonial ~ мустамлака банки  
 Comecon ~s ЎИЁКга қарашли (халқаро) банклар  
 commercial ~ тижорат (савдо) банки  
 confirming ~ аккредитивни\* тасдиқловчи банк  
 consortium ~ бир нечта молиявий муассасалар томонидан йирик молия-кредит операцияларини амалга ошириш учун вақтинча тузилган банк  
 continental ~ Европа қитъасидаги мамлакатларнинг бирида жойлашган банк, Европа қитъаси банки  
 cooperative ~ ширкат банки  
 correspondent ~ вакил банк

country ~ марказ (шаҳар)дан узоқдаги банк  
 credit ~ тижорат банки  
 credit-issuing ~ аккредитив\* очган банк  
 creditor ~ кредит берувчи банк  
 data ~ маълумотлар тўплами  
 debtor ~ қарздор банк; клиринг палатаси\* аъзоси бўлган дебет қолдигига эга банк  
 department store ~ банкнинг универсал дўкондаги бўлими  
 deposit ~ депозит\* банки  
 development ~ тараққиёт банки  
 discount ~ ҳисобга олиш банки  
 drawee ~ трассат банк\*  
 drive-in ~ мижозларга автомашинада хизмат кўрсатувчи банк  
 emitting ~ эмитент банк\*  
 exchange ~ валюта айирбошлаш операцияларини амалга оширувчи банк  
 exporter's ~ четга мол чиқарувчининг банки  
 first-class ~ биринчи даражали банк  
 first-generation ~ биринчи авлод банки  
 foreign ~ хорижий банк, чет эл банки  
 fringe ~s кўчмас мулк билан операциялар ўтказиш учун ссуда берувчи кичик банклар  
 Gulf ~ Форс кўрфази минтақасида жойлашган банк  
 importer's ~ четдан мол келтирувчининг банки  
 incorporated ~ акциядорлик банки; истемол кредити банки

industrial ~ саноат банки  
 in-house ~ ҳисоб-китоб палатасининг аъзоси бўлган банк  
 in-store ~ банкнинг дўконда очилган бўлими  
 insured ~ суғурталанган депозитларга\* эга банк  
 international ~ халқаро банк  
 interstate ~s давлатлараро банклар  
 investment ~ инвестиция банки  
 issuing ~ эмитент\* банк  
 joint stock ~ акциядорлик тижорат банки  
 joint stock land ~ акциядорлик ер банки  
 labour ~ ишчилар банки  
 land ~s замин (ер) банклари, қишлоқ хўжалигига узоқ муддатли кредит берувчи банклар  
 leading ~ етакчи (бош) банк  
 lending ~ кредит берувчи банк  
 loan ~ ссуда бериш банки  
 local ~ мақаллий банк  
 major ~ йирик банк; нуфузли банк  
 major city ~ шаҳарнинг энг нуфузли банки  
 medium-sized ~ ўртача катталиқдаги банк  
 member ~ 1. ҳисоб-китоб палаталари уюшмаси аъзоси бўлган тижорат банки; 2. Федерал заҳиралар тизими аъзоси бўлган банк  
 member ~ of the syndicate консорциум\* аъзоси бўлган банк  
 merchant ~ савдо банки  
 mercantile ~ савдо банки  
 mobile ~ кўчма банк  
 money center ~ жаҳон молия

марказларидан бирида жойлашган йирик банк

money trading ~ пул бозорида қисқа муддатга ссудалар берувчи банк, истеъмол кредити банки

monopoly ~ яккаҳоқим банк

mortgage ~ ипотека банки\*

multinational ~ қатор давлатлар ҳудудларида фаолият кўрсатувчи халқаро банк

multiple office ~ тармоқланган филиаллар тизимига эга бўлган банк

mutual savings ~ ўзаро жамғармалар банки

national ~ 1. миллий банк (*АҚШдаги тижорат банклари тоифаси*); 2. марказий банк (*қатор мамлакатларида*)

negotiating ~ ҳужжатларни қабул қилувчи ва тўловчи банк

nonbank ~ тижорат банкининг барча вазифаларини тўла бажармайдиган молия-кредит муассасаси

nonmember ~ Федерал захиралар тизимига аъзо бўлмаган банк, ҳисоб-китоб палаталари уюшмасига кирмайдиган банк

nonrag ~ чекни инкассация\* қилишда воситачилик ҳақи оладиган банк

notifying ~ тўловни аккредитив\* бўйича амалга оширувчи банк, хабарнома юборувчи банк

offshore ~ 1. оффшор молия марказида\* жойлашган банк; 2. чет элдаги ҳар қандай банк

opening ~ аккредитив\* берувчи банк

originating ~ аккредитив\* берувчи банк

out-of-town ~ шаҳардан ташқаридаги банк

overseas ~ асосий операцияларини чет элда амалга оширувчи банк, хорижий банк

parent ~ гуруҳнинг бош банки, муассис банк

payee's ~ олувчи банк (*чек бўйича*)

payer's ~ тўловчи банк (*чек бўйича*)

paying ~ тўловчи банк (*чек бўйича*)

penny ~s майда омонатчилар жамғарма банклари

piggy ~ ақчадон

presenting ~ чекни тўловга тақдим этувчи банк

primary ~ бош (етакчи) банк

prime ~ биринчи даражали банк

private ~ хусусий банк, ноакциядорлик банки

private sector ~s хусусий соҳа банклари

problem ~ қийинчиликни бошидан кечираётган банк

processing ~ ҳужжатларни таҳлил қилувчи банк

provident ~ жамғарма банк

provincial ~ марказ (шаҳар) дан узоқдаги банк

reference ~ кредит ставкаси ўзгарувчан фоиз ставкали бошқа молиявий ҳужжатлар фоиз ставкасини белгилашда фойдаланиладиган банк

regional ~ минтақавий банк

remitting ~ маблағларни ўтказаетган банк, ремитент банк\*

reserve ~ захира банки  
 retail ~ майда мижозларга  
 хизмат кўрсатувчи банк  
 rural ~ қишлоқ банки  
 savings ~ жамғарма банк;  
 жамғарма кассаси  
 school savings ~ мактаб  
 жамғарма банки  
 secondary ~ иккинчи дара-  
 жали банк  
 single office ~ филиалсиз  
 банк  
 soil ~ ер захираси  
 specialized ~ ихтисослашган  
 банк  
 state ~ 1. давлат банки; 2.  
 штат банки  
 stock exchange ~ биржа би-  
 тимларини кредит билан  
 таъминловчи банк  
 stok savings ~ акциядорлик  
 жамғарма банки  
 storefront ~ шаҳар савдо  
 марказидаги банк бўлими  
 third country ~ учинчи мам-  
 лакат банки  
 thrift ~ жамғарма банк  
 trading ~ тижорат банки  
 trustee ~ ссуда бериш  
 акциядорлик банки  
 trustee savings ~ ишонч  
 асосидаги жамғарма банк  
 unit ~ филиалсиз банк  
 wildcat ~s чайқовчилик банк-  
 лари

**BANK** *a* банк ...

~ capital банк сармояси

**BANK** *v* банкка пул қўймоқ;  
 банкда (*омонат кассада*) пул  
 сақламоқ; банк иши билан  
 шуғулланмоқ  
 to ~ with пулни банкда  
 сақламоқ; банк билан иш  
 олиб бормоқ; банкка пул  
 қўймоқ

**BANKABLE** *a* 1. ҳисобга оли-  
 ниши мумкин бўлган (*век-  
 сель ҳақида*); биринчи дара-  
 жали; 2. банк учун мақбул  
 бўлган

~ bill банкда ҳисобга оли-  
 ниши мумкин бўлган век-  
 сель

~ paper биринчи даражали  
 пул мажбурияти

**BANKAMERICARD** *n* „Бан-  
 камерикард (*„Бэнк оф Аме-  
 рика“нинг кредит карточ-  
 каси*)

**BANKBOOK** *n* 1. депозит\*  
 дафтарчаси; 2. омонат даф-  
 тарчаси

**BANKER:**

**B. 500** „Бэнкер“ журнали  
 ҳар йили эълон қиладиган  
 500 та энг йирик халқаро  
 банк рўйхати

**B.s' Automated Clearing  
 Service** банкнинг автомат-  
 лаштирилган ҳисоб-китоблар  
 тизими (*Лондон*)

**BANKER** *n* 1. банкир, банк  
 эгаси; 2. банк ходими, банк  
 хизматчиси; 3. *pl* банкирлар  
 уйи, банкирлик идораси,  
 банк

~ confirmed credit банк тас-  
 диқлаган кредит

~'s acceptance 1. банк ак-  
 цепти\*, 2. банк акцептлаган\*  
 вексель

~'s advance банк ссудаси

~'s association банклар уюш-  
 маси

~'s bank бошқа кредит му-  
 ассасаларига хизмат  
 кўрсатувчи банк

~'s bill 1. банкка тўловга  
 тақдим этилган тратта\*;  
 2. банк тўловга тақдим этган

тратта\*, 3. банкнот\*, банк билети

~'s books банк ҳисоботлари, банк ҳисобдорлиги

~'s card банк кредит карточкаси

~'s check 1. банкнинг бошқа банкка тўловга тақдим этган траттаси\*; 2. банкка ёзиб берилган чек

~'s commission банк воситачилик ҳақи

~'s credit банк кредити

~'s credit payable at sight кўрсатилганда тўланадиган банк кредити

~'s customer банк мижози

~'s deal банк битими

~'s draft банкнинг бошқа банкка тўловга тақдим этган траттаси\*

~'s guarantee банк кафолати; банк кафиллиги; авал\*

~'s loan банк ссудаси

~'s note корпорация\* сифатида рўйхатга олинмаган банк банкноти\*

~'s order банкнинг тўлов ҳақидаги буйруғи; банкнинг тўлов топшириқномаси

~'s policy банкнинг суғурта полиси\*

~'s references банк тавсияномалари

~'s sight банкка тақдим этилган ва кўрсатилганида тўланадиган тратта\*

~'s transfer банк ўтказмаси first-class ~ биринчи даражали банкир

individual ~ 1. хусусий банкир; 2. pl хусусий банкирлар идораси; ноакциядорлик банки; инвестициявий банкир

investment ~ инвестициявий банкир

merchant ~ 1. акцептловчи банк\*; 2. савдо банки

paying ~ номига чек ёзиб берилган банкир

private ~ 1. хусусий банкир; 2. pl. хусусий банкирлар идораси; ноакциядорлик банки

**BANKERSPEAK** n банк иш қоғозлари услуги

### **BANKING:**

**B.** Act Банклар тўғрисидаги қонун (*Буюк Британия*)

**B. Federation of the European Community** Европа иқтисодий ҳамжамиятининг банклар федерацияси

**B., Insurance and Finance Union** Банк, суғурта ва молия ходимлари касаба уюшмаси (*Буюк Британия*)

**B. school** банк мактаби

**B. World** „Банклар дунёси“ (*Буюк Британияда нашр этиладиган журнал*)

**BANKING** n банк иши; банк операциялари; банк муомаласи

~ accommodation банк хизматлари

~ account банк ҳисобрақами, банкдаги ҳисобрақам

~ activity банк операциялари

~ and monetary statistics банк ва пул-кредит операциялари статистикаси

~ association банклар уюшмаси

~ business банк иши; банк операциялари

~ by mail почта орқали амалга ошириладиган банк операциялари

- ~ by phone телефон орқали амалга ошириладиган банк операциялари
- ~ capital банк сармояс
- ~ center банк маркази
- ~ circles банк доиралари
- ~ club банк клуби, банк омонатчилари бирлашмаси
- ~ commission банк ундирадиган воситачилик ҳақи
- ~ company банк компанияси
- ~ concern банк концерни\*
- ~ connections банк алоқалари
- ~ correspondence банк ёзишмалари
- ~ credit банк кредити
- ~ enterprise банк корхонаси
- ~ establishment банк муассасаси
- ~ expansion банклар фаолиятини кенгайтириш
- ~ expenses банк харажатлари
- ~ facilities банк хизматлари, банк операциялари
- ~ group банклар гуруҳи
- ~ holding company банк холдинг компанияси\*
- ~ hours банкнинг иш соатлари
- ~ house банкирлар уйи, банк
- ~ industry банк иши
- ~ instability банк фаолиятининг беқарорлиги
- ~ institution банк муассасаси
- ~ insurance and securities supervisory authority банк операциялари, суғурта ва қимматли қоғозларни назорат қилиш бошқармаси
- ~ interests банк доиралари, банклар
- ~ law 1. банк қонуни; 2. pl банк қонунчилиги
- ~ legislation банк қонунчилиги
- ~ market банк бозори
- ~ mechanism банк фаолияти механизми
- ~ ombudsman банк омбудсмани (*банклар ва мижозлар ўртасидаги низоларни ҳал этувчи норасмий идора*)
- ~ organization банкнинг ташкилий тузилмаси
- ~ panic банкдаги саросима
- ~ policy банк сиёсати
- ~ power банкнинг кредит ажратиш имконияти
- ~ product банк операциялари натижаси
- ~ regulation банклар фаолиятини тартибга солувчи меърий ҳужжатлар
- ~ secrecy банк сири, банкнинг мижозлар ишларини ошкор қилмаслик ҳақидаги мажбурияти, банк операциялари сири
- ~ sector банк соҳаси
- ~ services банк хизматлари
- ~ statistics банк операциялари статистикаси
- ~ structure банк тизими тузилмаси
- ~ supervisor банк фаолиятини текширувчи назоратчи
- ~ supervisory authority банк назорати идораси
- ~ support банк интервенцияси\* (*курсларни барқарорлаштириш мақсадида*); банклар томонидан қўллаб-қувватлаш
- ~ syndicate банк консорциуми\*
- ~ system банк тизими
- ~ system organization банк

тизимининг ташкилий тузил-  
 маси  
 ~ **technique** банк операция-  
 лари усули  
 ~ **technology** банк техникаси  
 ~ **terminology** банк термин-  
 лари  
 ~ **theory** банк иши назарияси  
 ~ **transaction** банк битими  
 ~ **year** банкнинг ҳисобот йи-  
 ли  
**branch** ~ филиалларга эга  
 бўлган банклар тизими  
**chain** ~ банкларнинг ўзаро  
 узвий боғлиқлиги, банклар  
 занжири  
**commercial** ~ банк депозит\*  
 операцияси  
**concentration** ~ банк опе-  
 рацияларини бир жойда тўп-  
 лаш  
**cooperative** ~ ширкат банк-  
 лар  
**correspondent** ~ вакиллик  
 муносабатлари тизими  
**deposit** ~ банкларнинг де-  
 позит\* операциялари  
**drive-in** ~ мижозга бевосита  
 автомобилда банк хизматини  
 кўрсатиш  
**dual** ~ иккиаъзолик асосидаги  
 банк тизими (*АҚШда мил-  
 лий ва штат банклари*)  
**eurocurrency** ~ банкнинг  
 евровалюталар\* билан амалга  
 оширадиган операциялари  
**free** ~ доимий мижозлар  
 учун бепул амалга ошири-  
 ладиган банк операциялари  
**free** ~ **for the account** ҳисоб-  
 рақамни текинга юритиш  
**group** ~ банк гуруҳлари  
**home** ~ уйга келиб банк  
 хизмати кўрсатиш

**independent** ~ мустақил банк-  
 лар тизими  
**international** ~ халқаро банк  
 иши  
**investment** ~ банкларнинг  
 инвестиция муассислик фао-  
 лияти  
**Islamic** ~ ислом банк иши  
 (*муслмон ҳуқуқи — шариат  
 тамойилларига асосланган*)  
**nation-wide branch** ~ банк  
 бўлимларининг умуммиллий  
 тизими  
**retail** ~ банкларнинг кенг  
 доирадаги мижозлар билан  
 амалга оширадиган опера-  
 циялари  
**state-wide branch** ~ банк-  
 ларнинг штат доирасидаги  
 бўлимлари тизими (*АҚШда*)  
**unit** ~ филиалсиз банклар  
 тизими  
**wholesale** ~ йирик банк-  
 ларнинг ўзаро операциялари  
**wholesale corporate** ~ корпо-  
 рацияларга\* банк хизмати  
 кўрсатиш

### BANKNOTE *n* банкнот\*

~s by denomination купюра-  
 ларда ифодаланган банкнот-  
 лар\*  
**to issue** ~s банкнотларни\*  
 муомалага чиқармоқ  
**circulating** ~s муомаладаги  
 банкнотлар\*  
**counterfeit** ~ қалбаки банк-  
 нот\*  
**forged** ~ қалбаки банкнот\*  
**raised** ~ қалбаки банкнот\*

### BANKOCRACY *n* банк- ократия\*, банкирлар ҳоки- мияти

**BANKROLL** *n* банкнотлар\*  
 ўрами; пул маблағлари,  
 молиявий маблағлар.

**BANKROLL** *v* молияламоқ,  
маблағ билан таъминламоқ;  
маблағ ажратмоқ

**BANKRUPT** *n* банкрот, тў-  
ловга лаёқатсиз қарздор;  
тўловга лаёқатсиз

~'s assets тўловга лаёқатсиз  
қарздорнинг мол-мулки

~'s certificate банкрот деб тан  
олинганлик ҳақидаги шаҳо-  
датнома

~'s estate тўловга лаёқатсиз  
қарздорнинг мол-мулки

~'s total estate тўловга  
лаёқатсиз қарздорнинг барча  
мол-мулки

to be (to turn) ~ банкрот  
бўлмоқ; тўловларни тўхтат-  
моқ

to become ~банкрот бўлмоқ,  
синмоқ

to declare ~ банкрот деб  
эълон қилмоқ

to go ~ банкрот бўлмоқ,  
синмоқ

to make ~ хонавайрон қил-  
моқ, банкротлик даражасига  
етказмоқ

adjudged ~ суд ҳукмига бино-  
ан банкрот деб эълон қи-  
линган шахс

certificated ~ банкротлик ҳо-  
латининг йўқлиги ҳақидаги  
далолатнома асосида ҳуқуқ-  
лари тикланган шахс

discharged ~ ҳуқуқлари тик-  
ланган (қарзлардан озод  
этилган) банкрот

fraudulent ~ ашаддий банкрот

undischarged ~ ҳуқуқлари

тикланмаган банкрот

**BANKRUPT** *a* тўловга лаё-  
қатсиз; банкрот бўлган, син-  
ган

~ bank банкрот бўлган банк

~ shareholder тўловга лаё-  
қатсиз акциядор

**BANKRUPT** *v* банкрот қилмоқ;  
банкротлик даражасига  
етказмоқ; хонавайрон қил-  
моқ

**BANKRUPTCY** *n* банкротлик,  
банкрот бўлиш, синиш; бар-  
бод бўлиш; (тўловга) лаёқат-  
сизлик

~ act банкротлик тўғрисидаги  
қонун

~ code банкротлик тўғри-  
сидаги қонун

~ court тўловга лаёқатсизлик  
(банкротлик) ишлари бўйича  
суд

~ law банкротлик тўғриси-  
даги қонун

~ notice банкрот деб тан  
олиш ҳақидаги баёнот

~ of a bank банкнинг банк-  
рот бўлиши

~ order банкротлик тўғри-  
сидаги фармойиш

~ petition тўловга лаёқат-  
сизлик юзасидан иш қўзғаш

~ proceedings банкротлик  
тўғрисидаги иш бўйича суд  
жараёни

~ schedule банкротнинг қарз-  
лари рўйхати

~ trustee кредиторлар та-  
лабини қондириш мақсадида  
банкротнинг ишларини юри-  
тиш ишониб топширилган  
шахс

to file a petition for ~ банк-  
ротликни эълон қилмоқ

close to ~ банкрот бўлиш  
(синиш) арафасида

fraudulent ~ қасддан (атай-  
лаб) банкрот бўлиш

involuntary ~ мажбурий банк-  
ротлик



simple ~ оддий банкротлик  
**BANKWIRE** *n* тадбиркорликка доир ахборот айирбош-лашнинг хусусий банкларга хизмат кўрсатувчи компьютерлаштирилган тизими  
**BANNED** *a* тақиқланган  
**BANNING** *n* ман этиш, тақиқлаш  
**BAR** *n* 1. тўсиқ, ғов; чеклов; тўсқинлик; 2. ёмби, қуйма, чорқирра; 3. 1 млн. фунт стерлинг миқдоридаги сумма (*валюта битимларида*)  
 ~ chart курс ўзгаришларининг устунли диаграммаси  
 ~ for registration рўйхатдан ўтказишга тўсқинлик қилиш  
 ~ gold олтин ёмбилар  
 ~ silver кумуш ёмбилар  
 ~ to economic development иқтисодий тараққиёт йўлидаги тўсиқ  
 ~ to patentability патент беришга тўсқинлик қилиш  
 to let down the ~s тўсиқни бартараф этмоқ, чекловни бекор қилмоқ  
 export ~ ташқи ҳисоб-китоблар учун ишлатиладиган олтин ёмби  
 gold ~ олтин ёмби  
 half a ~ ярим миллион фунт стерлинг суммасига тузилган валюта битими  
 silver ~ кумуш ёмби  
 the B. адвокатлар ҳайъати  
**BARCLAYSCARD** *n* „Барклеиз бэнк интернэшенл“ банкининг кредит карточкаси (*Буюк Британия*)  
**BARCLAY:**  
 B.s currency unit „Барклеиз бэнк интернэшенл“ банки-

нинг халқаро пул бирлиги (*Буюк Британия*)

**BARDEPOT** *n* чет элда қарз олинган маблағларга оид захира талаблари тизими

**BARE** *a* энг кам; озгина

~ shell тугатилмаган, аммо фаолият кўрсатмаётган компания

**BARE-BOAT** *n* шахсий таркибсиз ёлланган кема

**BARELY** *adv* зўрға, қийинчилик билан

~ steady market пасайишга мойил барқарор бозор

**BARGAIN** *n* 1. савдо битими; харид тўғрисидаги шартнома; келишув; 2. биржа битими;

3. фойдали харид қилиш; 4. *pl* нархи пасайтирилган моллар;

5. нарх-навонинг мол харид қилиш учун қулай бўлган вақтинча пасайиши;

6. чоғроқ ер майдони

~ sale сотиб юбориш (*молларни*)

~ and sale олди-сотди шартномаси

~ counter акцияларни паст курсда сотиб юбориш

~ currency битим валютаси

~s done муайян вақт мобайнида биржада амалга оширилган битимлар миқдори

~ for cash нақд пулга тузилган битим

~ for money нақд пулга тузилган битим

~ hunter акцияларни паст нархда сотиб олишга интилаётган чайқовчи

~ hunting акцияларни паст нархда сотиб олиш

~ item битим мавзуи

~ offer битим тузиш ҳақидаги таклиф, сотув ҳақидаги таклиф

~ on term муддатли битим

~ price харидорлар учун фойдали нарх; паст нарх

~ purchase таклиф бўйича харид қилиш

to arrange a ~ битим тузмоқ  
to be off one's ~ битимни бе-кор қилмоқ

to bind the ~ харид қилишда бай пули бермоқ

to buy at a ~ арзон-гаровга сотиб олмақ

to close a ~ битим тузмоқ, битимга келмоқ

to conclude a ~ битим тузмоқ

to do a ~ битим тузмоқ

to drive a ~ битим тузмоқ, битимга келмоқ

to drive a hard ~ битим тузиш пайтида қатъий равишда ўз манфаатларини илгари сурмоқ

to effect a ~ битим тузмоқ

to have the best of a ~ битимдан энг кўп фойда кўрмоқ

to make a ~ битим тузмоқ, битимга келмоқ, келишмоқ

to sell over a ~ фойда келтирмайдиган битим туз-моқ

to settle a ~ битим тузмоқ, битимга келмоқ, келишмоқ

to strike a ~ битим тузмоқ, битимга келмоқ, келишмоқ

to transact a ~ битим тузмоқ  
to withdraw from a ~ битим (шартнома)дан воз кечмоқ

all-or-nothing ~ „ё ҳаммаси ёки ҳеч нарса“ тамойили асосида тузилган битим,

нархни туширмасдан тузил-ган битим

bad (hard) ~ бефойда (фойда келтирмайдиган) битим

blind ~ кўр-кўрона харид қилиш

chance ~ қулай шароит кел-ганда харид қилиш

collective ~ жамоа меҳнат шартномаси

Dutch ~ бир томон учун фойдали бўлган битим

firm ~ қатъий битим

good ~ фойдали битим

losing ~ фойдасиз битим

into the ~ қўшимча қилиб, бунинг устига, унинг устига

option ~ устама ҳақли битим; муддатли битим

settlement ~ муддатли битим

time муддатли битим

**BARGAIN** *v* 1. музокаралар олиб бормоқ, келишмоқ; 2. нарх тўғрисида савдолаш-моқ; 3. битим тузмоқ; би-тимга келмоқ

to ~ away арзон-гаровга бер-моқ; талон-тарож қилмоқ

to ~ for better conditions шарт-шароитнинг яхшила-нишини талаб қилмоқ; музо-каралар пайтида яхшироқ

шарт-шароитларга эришмоқ

to ~ on price нарх туфайли савдолашмоқ

to ~ over a price нархини келишиб олмақ

**BARGAINEE** *n* харидор

**BARGAINER** *n* битим иш-тирокчиси; мол олди-сотдиси шартлари бўйича музокара-лар иштирокчиси

**BARGAINING** *n* музокаралар; музокаралар олиб бориш; савдо битими тузиш; савдо

~ agent савдо вакили  
 ~ behaviour битим тузиш пайтидаги муомала (ўзни тутиш); музокаралар пайтидаги муомала  
 ~ position бозор мавқеи  
 ~ power 1. бозор мавқеи; 2. фойдали шартларда битим тузиш бўйича имтиёзли ҳуқуқ  
 ~ process нарх белгилаш жараёни  
 bad (hard) ~ фойдасиз (фойда келтирмайдиган) битим  
 central wage ~ иш ҳақи миқдори ҳақида марказлаштирилган музокаралар  
 collective ~ касаба уюшмалари ва ишга ёлловчилар ўртасида жамоа шартномаси тузиш ҳақидаги музокаралар; жамоа шартномаси; жамоа битими  
 explicit ~ очиқ (бевосита) музокаралар  
 formal collective ~ жамоа шартномаларини расман тан олинган тартибда тузиш  
 free collective ~ жамоа шартномаси шартларини эркин муҳокама қилиш  
 good ~ фойдали битим  
 group ~ гуруҳий жамоа шартномасини тузиш ҳақидаги музокаралар  
 implicit ~ ёпиқ (билвосита) музокаралар  
 individual ~ якка тартибдаги битимлар  
 local ~ корхона даражасида жамоа шартномалари тузиш ҳақидаги музокаралар  
 option ~ устама ҳақли битим; муддатли битим

pay ~ иш ҳақи миқдори ҳақидаги музокаралар  
 plant ~ корхона даражасида жамоа шартномалари тузиш ҳақидаги музокаралар  
 productivity ~ меҳнат самардорлиги ҳақидаги масалалар бўйича музокаралар олиб бориш  
 settlement ~ муддатли битим  
 tariff ~ божхона тарифлари масалалари бўйича музокаралар олиб бориш  
 time ~ муддатли битим  
 wage ~ иш ҳақи миқдори ҳақидаги музокаралар  
 BARN *n* 1. омбор; 2. молхона; 3. омборхона  
 BAROMETER *n* 1. бозордаги иқтисодий аҳволни акс эттирувчи қимматли қоғоз; 2. бозордаги йўналишнинг иқтисодий ва бозор кўрсаткичлари йиғиндиси; 3. *pl* мезонлар (*тадбиркорликдаги аҳволнинг статистик кўрсаткичлари*)  
 ~ of market бозор кўрсаткичлари йиғиндиси  
 ~ stock бозорнинг йўналишини белгиловчи етакчи компания акциялари  
 business ~ бозордаги аҳволни ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичлар тўплами  
 credit ~s кредит мезонлари  
 economic(al) ~s иқтисодий мезонлар  
 investment ~ инвестициялар мезонлари  
 price ~ нарх-наво мезони  
 BARRATOR *n* порахўрликда айбланувчи шахс  
 BARRATRY *n* 1. порахўрлик; 2. баратрия\*

**BARREL** *n* 1. бочка, бочкача;  
2. баррель (суоқлик ўлчови:  
инг=163,65 л, амер=119 л;  
нефть учун =159 л; оғирлик  
ўлчови =89 кг атрофида)

to fill a ~ бочкага қуймоқ  
leakproof ~ зич ёпилган бочкача

tight ~ зич ёпилган бочка

wooden ~ ёғоч бочка

**BARREL** *v* бочкага жойламоқ;  
бочкага қуймоқ

**BARREN** *a* бефойда, фойда  
келтирмайдиган

~ gold даромад келтирмайдиган олтин

~ money даромад келтирмайдиган пул

**BARRIER** *n* тўсиқ, ғов;  
тўсқинлик

~s to entry молнинг бозорга кириб келишини қийинлаштирувчи техникавий ва иқтисодий шартлар

to eliminate ~s тўсиқларни бартараф этмоқ

to overcome customs ~s божхона тўсиқларини четлаб ўтмоқ

to overcome tariff ~s тариф тўсиқларини енгиб ўтмоқ

to raise ~s тўсиқлар яратмоқ

to remote ~s тўсиқларни бартараф этмоқ

customs ~s божхона тўсиқлари

discriminatory ~s ҳуқуқларни чекловчи тўсиқлар

legal ~ ҳуқуқий тўсиқлар

monetary ~s пул тўсиқлари

nontariff ~s нотариф (тарифга асосланмаган) тўсиқлар

protectionist ~s ўз иқтисодиётини ҳимоя қилиш мақсадидаги тўсиқлар

protectionist ~s ўз иқтисодиётини ҳимоя қилиш мақсадидаги тўсиқлар

protective ~s ҳимоя тўсиқлари

resistance ~ четга чиқилган тақдирда бозор фаолиятининг издан чиқишига олиб келадиган нарх даражаси

sales ~ савдо чекловлари

social ~s ижтимоий тўсиқлар

status ~ ишчилар ва ишга ёлловчилар ўртасидаги муносабатларда эгалланган мавқега қараб белгиланадиган чекловлар

tariff ~s тариф тўсиқлари

trade ~s савдо чекловлари

**BARRISTER** *n* юқори даражали адвокат

**BARRON:**

**B.** 's confidence index 10 та биринчи ва 40 та ўртача даражали облигациялар нархларининг ўзаро нисбатини белгилловчи „Бэррон“ фирмаси кўрсаткичи (АҚШ)

**B.'s group stock averages** сааноат гуруҳлари бўйича „Бэррон“ фирмаси акциялари курслари кўрсаткичлари (АҚШ)

**BARTER** *n* 1. алмашув, айирбошлаш; айирбошлаш савдоси, бартер\*; 2. мол айирбошлаш битими, бартер битими\*; 3. айирбошланадиган мол; 4. моллар ва хизматларни бевосита пулсиз айирбошлаш

~ deal бартер битими\*

~ switch house мол айирбошлаш операцияларига ихтисослашган компания

~ trade айирбошлаш савдоси

~ transaction бартер битими\*  
 direct ~ бевосита айирбош-  
 лаш  
 direct ~ of products мол-  
 ларни бевосита айирбошлаш  
 indirect ~ учинчи мол қиймат  
 ўлчови сифатида иштирок  
 этадиган мол айирбошлаш

**BARTER** *v* алмашмоқ, айир-  
 бошламоқ, маҳсулот айир-  
 бошламоқ

**BARTERABLE** *a* алмашти-  
 риладиган, алмаштириш  
 мумкин бўлган; айирбошла-  
 надиган, айирбошлаш мум-  
 кин бўлган

**BARTERER** *n* айирбошловчи  
 шахс

**BARTERING** *n* айирбошлаш,  
 бартер битимини амалга  
 ошириш

**BASE** *n* 1. нақд молга  
 тузилган битим нархи билан  
 муддатли битим нархи ўр-  
 тасидаги фарқ; 2. асос, не-  
 гиз; замин; пойдевор; 3. база  
 (*таъминот манбаи; хизмат*  
*кўрсатувчи идора, муассаса*)  
 ~ coin 1. қалбаки танга;  
 ясама танга; 2. майда танга  
 ~ coinage майда танга зарб  
 қилиш  
 ~ currency асос валюта  
 ~ for reappointment of costs  
 билвосита чиқимларни тақ-  
 симлаш асоси  
 ~ lending rate ссуда  
 фоизининг асосий ставкаси  
 ~ market value асос бўлган  
 бозор қиймати  
 ~ metal 1. қотишманинг  
 асосий метали; 2. ноасл ме-  
 талл  
 ~ of allocation тақсимлаш

асоси (*қўшимча харажат-*  
*ларни*)  
 ~ period асос давр  
 ~ price асос нарх  
 ~ rate асос ставка  
 ~ rate for deposit increase  
 омонатларни кўпайтириш  
 бўйича асос ставка  
 ~ rate of interest асос фоиз  
 ставкаси  
 ~ year асос йил  
 to create a ~ асос яратмоқ  
 to set up a ~ асос яратмоқ  
 activity ~ фаолият асоси  
 burden ~ қўшимча харажат-  
 ларни тақсимлаш негизи  
 capital ~ сармоя асоси, ху-  
 сусий маблағлар  
 container ~ контейнерлар  
 базаси  
 cost allocation ~ харажат-  
 ларни тақсимлаш асоси  
 cost application ~ харажат-  
 ларни ўтказиш асоси  
 data ~ маълумотлар негизи  
 depreciation ~ асосий восита-  
 ларнинг камаядиган қиймати  
 economic ~ иқтисодий асос  
 (негиз)  
 exhibition ~ кўргазма базаси  
 experimental ~ синов-тажриба  
 базаси  
 export ~ экспорт\* асоси  
 „fair value“ rate ~ асосий  
 сармоянинг тўла тикланиш  
 қийматига „сезилмас“ сармояни  
 қўшганда (*электр қуввати*  
*ёки газ тарифини ҳисоблаш*  
*учун асос сифатида*)  
 financial ~ молиявий асос  
 forecasting ~ истиқболни  
 белгилаш асоси  
 gold ~ олтин асос  
 international monetary ~  
 халқаро валюта асоси

**maintenance** ~ техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш базаси

**maintenance-and-supply** ~ таъмирлаш ва омборхона базаси

**material and technical** ~ моддий-техника асоси

**military** ~ ҳарбий база

**monetary** ~ пул массаси, пул кўлами

**on a customs-cleared** ~ божхона божи тўловини ҳисобга олган ҳолда

**overhead** ~ қўшимча харажатларни тақсимлаш асоси

**price level** ~ нарх-наво даражаси асоси

**production** ~ ишлаб чиқариш базаси

**rate** ~ тарифни ҳисоблаш асоси

**raw materials** ~ хомашё базаси

**reappointment** ~ билвосита чиқимларни тақсимлаш асоси

**repair** ~ таъмирлаш базаси

**reserve** ~ захира асоси (*кредит ажратиш операцияларининг*)

**resource** ~ моддий асос

**servicing** ~ хизмат кўрсатиш базаси

**statutory** ~ қонуний асос

**supply** ~ таъминот базаси

**tax** ~ солиқ солиш асоси

**wage** ~ асосий иш ҳақи (*солиқ солинадиган*)

**BASE** *v* асосламоқ; асос солимоқ

**BASED** *a* асос солинган; жойлашган

**London** ~ Лондонда жойлашган

**BASELINE** *n* негиз, асос

**BASELOAD** *n* асосий вазифа electrical saving ~ электр қувватини тежаш

**BASEMENT** *n* ертўла

**bargain** ~ универсал дўконнинг арзон моллар сотиладиган ертўласи

**BASIC** *a* 1. асос бўлган; асосий, бош; бирламчи, дастлабки (*нарх-наво ҳақида*); 2. белгиланган (*қиймат ҳақида*)

~ **balance** асос баланс

~ **earning power ratio** активларнинг\* асосий фойда келтириш кўрсаткичи

~ **interest** асос бўлган ссуда фоизи

~ **interest rate** асос бўлган фоиз ставкаси

~ **price** мақсадли нарх, асосий нарх

~ **rate** асосий ставка; асос бўлган ставка

~ **of banking** банк ишининг асосий таркибий қисмлари

**BASIS** *n* 1. нақд молга тузилган битим нархи билан муддатли битим нархи ўртасидаги фарқ; 2. асос, базис, негиз, пойдевор; 3. асосий таркибий қисм

~ **and superstructure** асос ва устқурма

~ **for exchange rate** валюта курси асоси

~ **for tendering and settlement of accounts** савдода иштирок этиш ва тўловномаларни тўлаш учун асос

~ **of accounting** бухгалтерлик ҳисоби асоси (усули)

~ **of allocation** тақсимлаш (тақсимот) асоси

~ of agreement битим асоси  
 ~ of assessment баҳолаш асоси  
 ~ of banking банк ишининг асосий таркибий қисмлари  
 ~ of comparison таққослаш асоси  
 ~ of computation ҳисоблаб чиқариш асоси  
 ~ of a contract шартнома асоси  
 ~ of delivery етказиб бериш асоси  
 ~ of freight фрахт\* ставкаси асоси  
 ~ of prices нарх-наво асоси  
 ~ of valuation қийматни белгилаш асоси  
 ~ point асос банд  
 ~ price асосий нарх  
 ~ rate асос ставка  
 ~ rate swap асосли своп\*; ўзгарувчан ставкали мажбуриятлар белгиланган ставкали мажбуриятларга айирбошланадиган фоизли своп\*  
 ~ risk асос бўлган таваккалчилик  
 to assume as a ~ асос қилиб олмоқ  
 to sell on. „open book“ молни очилган ҳисобрақамда қайд этган ҳолда сотмоқ  
 to take as a ~ асос қилиб олмоқ  
 accrual ~ жамловчи усул  
 accrued-expenditures ~ даврий бухгалтерлик ҳисоботи усули; жамлама харажатлар усули  
 actuarial ~ of accounting суғурталаш соҳасидаги бухгалтерлик ҳисоби; суғурта ҳисоби

adjusted ~ келтирилган асос; аниқланган асос  
 annual ~ йиллик ҳисоб  
 annuity ~ рента\* асоси  
 artificial ~ сунъий тарзда ҳал этиш асоси  
 business ~ тадбиркорлик асоси  
 cash ~ касса операциялари бухгалтерлик ҳисобининг асоси сифатида  
 carryover ~ мерос қилиб олинган мулк қийматини баҳолаш усули  
 compensation ~ ўрнини қоплаш асоси  
 compensatory ~ ўрнини қоплаш асоси  
 complementary ~ қўшимча асос  
 contract ~ шартнома асоси  
 contract by contract ~ шартнома асоси  
 contractual ~ шартнома асоси  
 cost ~ таннарх асоси  
 cost ~ of accounting чиқимлар бухгалтерлик ҳисобининг асоси сифатида  
 cost-of service ~ ўзгарувчан чиқимлар транспорт корхонаси тарифларини ҳисобкитоб қилиш асоси сифатида  
 delivery ~ маҳсулотни етказиб беришда даромадни эътироф этиш усули; мол етказиб бериш асоси  
 direct labour cost ~ ишлаб чиқариш ходимлари иш ҳақи қўшимча харажатларни тақсимлашнинг асоси сифатида  
 direct labour hours ~ ишлаб чиқариш соатлари қўшимча

харажатларни тақсимлашнинг асоси сифатида  
**direct materials cost** ~ асосий материаллар қиймати қўшимча харажатларни тақсимлашнинг асоси сифатида  
**dollar** ~ of apportionment доимий чиқимлар тақсимотининг мутаносиб тарздаги долларли асоси  
**earning** ~ солиқ солиш асоси  
**economic(al)** ~ иқтисодий асос  
**employment** ~ ишга ёллаш шартлари  
**feasible** ~ йўл қўйилиши мумкин бўлган таянч режа  
**finish-go-home** ~ of pay топширилган иш якунланганидан сўнг ҳақ тўлаш  
**firm** ~ мустақкам асос  
**fiscal** ~ солиқ солиш асоси  
**give-and-take** ~ ўзаро ён бериш асоси  
**group** ~ 1. гуруҳий асос (*эскириш (ейилиш)ни ҳисоблаш пайтида*); 2. эскириш (ейилиш)ни ҳисоблашнинг ягона меъёрини қўллаш  
**job** ~ буюртмавий асос (*корхона фаолиятининг*)  
**long-term** ~ узоқ муддатли асос  
**maximum** ~ энг юқори асос усули (*олинган барча фойдани тақсимлаш ва олдиндан тўланадиган корпорациялар\* фойда солиғини тўлаш шароитида бир акцияга тўғри келадиган фойдани аниқлаш усули*)  
**material and technical** ~ моддий-техника асоси  
**monetary** ~ пул асоси  
**monthly salary** ~ ойлик маош

иш ҳақини ҳисоблашнинг асоси сифатида  
**most favoured nation** ~ мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиб бериш тартиби  
**mutually advantageous** ~ ўзаро манфаатли асос  
**mutually beneficial** ~ ўзаро манфаатли асос  
**nil** ~ нолга тенг асос усули (*дивидендни\* нолга тенг тарзда тақсимлаш шароитида акция фойдасини аниқлаш усули*)  
**nonprofit** ~ ноижорий асос  
**nonstandard** ~ ҳал этишнинг номеъёрий асоси  
**on a bater** ~ бартер\* асосида  
**on a buy-back** ~ ўрниини қоплаш асосида  
**on a commission** ~ воситачилик асосида  
**on a company** ~ компания асосида  
**on a compensation** ~ ўриини қоплаш асосида  
**on a competitive** ~ рақобат асосида  
**on a complete** ~ тўла-тўқис асосда  
**on a current-value** ~ жорий нархлардаги қиймат асосида  
**on a delivered** ~ етказиб бериш ҳақини ҳам қўшганда (*нарх ҳақида*)  
**on a firm fixed price** ~ келишиб олинган қатъий нарх асосида  
**on a firm price** ~ белгиланган нарх асосида  
**on a fiscal** ~ солиқ солишга доир маълумотлар асосида;



солиқ солиш мақсадида тузилган ҳисоботлар асосида

on a gratis ~ текинга

on a long-term ~ узоқ муддатли асосда

on a lump ~ бир йўла тўлаш асосида

on a measurement ~ ўлчаш асосида

on a mutually accepted ~ ўзаро мақбул асосда

on an ex-works ~ истеъмолчига элтиб бериш ҳақини қўшмаганда (*нарх ҳақида*)

on a nonrecourse ~ битим иштирокчисига кейинчалик даъво қилмаган ҳолда

on a parity ~ тенглик асосида

on a part barter ~ яримбартер\* асосда

on a per hour ~ соатбай асосда

on a permanent ~ доимий асосда

on a pro rata ~ мутаносиб асосда

on a reciprocal ~ ўзаро манфаат асосда

on a regular ~ мунтазам асосда

on a rental ~ ижара асосида

on a rotating ~ мунтазам асосда; навбатлилиқ асосида

on a timely ~ мунтазам асосда

on a toll ~ маҳсулот шаклида ҳақ тўлаш асосида

on a weight ~ вазн бўйича

on gross ~ брутто\* асосида

on parity ~ тенглик асосида

rarer ~ қоғоз стандарти\* (*металл ва олтин стандартидан\* фарқли равишда*)

per capita ~ аҳоли жон бошига тўғри келадиган асос

piece-rate ~ ишбай асос (*меҳнатга ҳақ тўлашда*); ишбай асосда ҳақ тўлаш

price ~ нарх асоси

production ~ ишлаб чиқариш негизи

production-type ~ йирик туркумли асос; йирик туркумда ишлаб чиқаришга мос келувчи ҳажм

profit-and-loss ~ хўжалиқ ҳисоби

rate ~ тарифни ҳисоблаш асоси

sample ~ танлов асоси

self-supporting ~ хўжалиқ ҳисоби

solid ~ қатъий асос

stable ~ барқарор асос

starting ~ дастлабки таянч режа; дастлабки асос

tax ~ солиқ солиш асоси

time-rate ~ вақтбай асос (*меҳнатга ҳақ тўлашда*)

total ~ of all assets асосий сармойанинг умумий бошланғич қиймати

unit ~ алоҳида ҳар бир буюм бўйича эскириш (ейилиш)ни ҳисоблаш асоси (усули)

**BASKET** *n* 1. тўплам, тўла тўплам, туркум; сават; 2. валюталар тўплами; 3. почта (*хизмат ёзишмалари учун*) ~ of currencies валюта тўплами

~ of goods истеъмол моллари ва хизматларининг бюджет тўплами

~ of shares акциялар тўплами

**consumer goods** ~ истеъмол моллари ва хизматларининг бюджет тўплами  
**currency** ~ валюта тўплами  
**household** ~ хўжалик моллари тўплами  
**market** ~ бозорда харид қилинадиган истеъмол моллари ва хизматлари тўплами  
**shopping** ~ ўз-ўзига хизмат кўрсатиш дўконидаги харид моллари саватчаси  
**standard** ~ моллар ёки валюталарнинг меъёрий тўплами  
**wire** ~ for display сим сават (ўз-ўзига хизмат кўрсатиш дўконларида танлаб олинган молларни солиш учун)

**BASLE:**

**B. Committee** Банкларни назорат қилиш ва тартибга солиш қўмитаси (*Базель*)

**B. Concordat** Банкларни назорат қилиш ва тартибга солиш қўмитасининг банк назорати тамойилларини белгиловчи ҳужжати

**BASTARD** *a* 1. номеъёрий, одатдан ташқари ҳажмдаги; 2. нотўлақонли, паст сифатли

**BATCH** *n* 1. қатор; туркум (*маҳсулотнинг*); 2. маълумотлар тўплами; 3. тўплам; тўла тўплам; 4. гуруҳ  
 ~es of variable size ўзгарувчан ҳажмли гуруҳлар  
 ~ of goods мол туркуми

~ of proof тўлов ҳужжатларини текшириш тизими

**bad** ~ нуқсонли маҳсулотлар туркуми

**development** ~ тажрибавий туркум

**economic** ~ маҳсулотлар туркумининг иқтисодий ҳажми

**good** ~ яхши сифатли маҳсулотлар туркуми  
**good-quality** ~ яхши сифатли маҳсулотлар туркуми  
**in** ~es кўплаб

**initial** ~ 1. бош (биринчи) туркум (*маҳсулотларнинг*);

2. тажрибавий туркум

**large** ~ катта туркум

**pile** ~ тажрибавий туркум

**production** ~ маҳсулотлар туркуми

**small** ~ кичик туркум

**BATCHWISE** *adv* туркумлаб, туркум-туркум бўлиб

**BAY** *n* 1. қўлтиқ, кўрфаз; 2. дарё бўйи; 3. темир йўл платформаси

**loading** ~ юк ортиш платформаси

**unloading** ~ юк тушириш платформаси

**BAZAAR** *n* 1. шарқ бозори, бозор; 2. катта дўкон, универсал дўкон

~ penny арзон моллар дўкони  
**charity** ~ хайрия бозори

**BE** *v* 1. бўлмоқ, мавжуд бўлмоқ; 2. жойлашмоқ; 3. рўй бермоқ; 4. ўтамоқ; вази-фасини бажармоқ

**to** ~ acceptable as collateral таъминот сифатида яроқли бўлмоқ

**to** ~ accountable (зиммасига) масъулият олмоқ, жавобгар бўлмоқ

**to** ~ adjudicated bankrupt суд ҳукмига кўра банкрот (синган) деб эълон қилинмоқ

**to** ~ a lender ссуда берувчи вази-фасини ўтамоқ

**to** ~ authorized to sign имзолаш ҳуқуқига эга бўлмоқ

to ~ bankrupt тўловга  
лаёқатсиз қарздор бўлмоқ  
to ~ bearish нархни атайлаб  
туширмоқ  
to ~ bondsman кафил бўлмоқ  
to ~ bullish нархни атайлаб  
кўтармоқ  
to ~ capitalized сармоя билан  
таъминланмоқ, маблағ ман-  
балари таркибида юқори  
миқдорда сармояга эга бўл-  
моқ  
to ~ collateralized таъмин-  
ланганлик (*қимматли қороз-  
лар ёки бошқа турдаги таъ-  
минотлар билан*)  
to ~ converted into cash маб-  
лағларни нақд пулга айлан-  
тирмоқ  
to ~ decapitalized сармоядан  
маҳрум бўлмоқ, сармояни  
йўқотмоқ  
to ~ declared bankrupt суд  
ҳукмига кўра банкрот  
(синган) деб эълон қилинмоқ  
to ~ de facto on gold standard  
олтин стандартини\* амалда  
жорий этмоқ  
to ~ denominated in  
(currency) (у ёки бу) валю-  
танинг белгиланган қийма-  
тида ифодаланмоқ  
to ~ deposited in account  
сақлаш учун ҳисобрақамга  
ўтказиб қўйилганлик  
to ~ entitled to dividend  
дивидендлар\* олиш ҳуқуқига  
эга бўлмоқ  
to ~ granted a loan ссуда  
олмоқ  
to ~ granted the signing  
authority имзо қўйиш ҳу-  
қуқига эга бўлмоқ  
to ~ guaranteed кафолатлан-  
ганлик

to ~ hard up молиявий  
қийинчиликларни бошдан  
кечирмоқ  
to ~ in arrears 1. тўлов муд-  
датини ўтказиб юбормоқ;  
2. қарздор бўлмоқ, қарзи  
бўлмоқ  
to ~ incorporated корпо-  
рация\* сифатида ташкил  
этилмоқ  
to ~ indebted to қарздор  
бўлмоқ, қарзи бўлмоқ  
to ~ in debts қарздор бўлмоқ,  
қарзи бўлмоқ  
to ~ in default 1. тўлов муд-  
датини ўтказиб юбормоқ;  
2. қарздор бўлмоқ, қарзи  
бўлмоқ  
to ~ in default of acceptance  
акцептлашда\* рад жавоби  
олмоқ  
to ~ in deficit тақчил бўлмоқ  
to ~ in financial difficulties  
молиявий қийинчиликларни  
бошдан кечирмоқ  
to ~ in pledge гаров сифатида  
хизмат қилмоқ  
to ~ in the dumps паст нарх-  
да баҳоланмоқ (*акциялар  
ҳақида*)  
to ~ in the market бозор  
иштирокчиси бўлмоқ, бозорга  
чиқмоқ  
to ~ in the red 1. қарздор  
бўлмоқ, қарзи бўлмоқ; 2. зар-  
рар кўриб ишламоқ  
to ~ involved in payment  
тўловларни амалга ошириш-  
да иштирок этмоқ  
to ~ liable зиммасига масъ-  
улият олмоқ, жавобгар бўл-  
моқ  
to ~ licensed to carry on trade  
савдо қилишга рухсат олмоқ  
to ~ loaded up сотилиши

қийин фонд бойликларидан  
иборат катта портфелга\* эга  
бўлмоқ

to ~ loaned up ортиқча  
кредит бермоқ

to ~ long of exchange валюта  
курсини атайлаб оширмоқ

to ~ long of the market  
курсни атайлаб оширмоқ

to ~ long of the securities  
қимматли қоғозлар курсини  
атайлаб оширмоқ

to ~ loyal to bank interest  
банк манфаатларига нисба-  
тан холис муносабатда бўл-  
моқ

to ~ on problem list шубҳали  
обрўга эга компаниялар ёки  
банклар рўйхатида бўлмоқ

to ~ out of business банкрот  
бўлмоқ

to ~ out of debts қарздан озод  
бўлмоқ, қарздан қутулмоқ

to ~ payable on demand та-  
лаб қилинганида тўланиши  
лозим бўлмоқ

to ~ payable to the Treasury  
казинага тўланиши лозим  
бўлмоқ

to ~ pressed for cash нақд  
пул танқислигини ҳис этмоқ

to ~ protested рад этилган-  
лик, эътироз билдирганлик

to ~ quoted on stock exchange  
фонд биржасида баҳоланмоқ

to ~ responsible зиммасига  
масъулият олмоқ, жавобгар  
бўлмоқ

to ~ short of cash нақд пул  
танқислигини бошдан  
кечирмоқ

to ~ short of market нақд  
бўлмаган қимматли қоғоз-  
ларни сотмоқ

to ~ short of money пул маб-

лағлари танқислигини бош-  
дан кечирмоқ

to ~ strapped for cash нақд  
пул танқислигини бошдан  
кечирмоқ

to ~ subject to market  
fluctuations бозор ўзгариш-  
ларига боғлиқ бўлмоқ

to ~ subject to quota  
белгиланган квотага\* боғлиқ  
бўлмоқ

to ~ surety кафил бўлмоқ

to ~ tax-free солиқ тўлашдан  
озод бўлмоқ

to ~ timeconsuming меҳ-  
натталаб бўлмоқ (*операция*  
*хусусида*)

to ~ traded in primary  
(secondary) market бирламчи  
(иккиламчи) бозорда савдо-  
лашмоқ

to ~ under an obligation  
мажбурият орқали боғлан-  
ганлик

to ~ undercapitalized етарли  
сармоёга эга бўлмастик

to ~ unsecured таъминлан-  
маганлик, таъминотга эга  
эмаслик

to ~ wiped out қимматли  
қоғозлар билан амалга  
оширилган чайқовчилик би-  
тимида зарар кўрмоқ

BEAR *n* „айиқ“, нарх-навони  
атайлаб пасайтирувчи чай-  
қовчи

~ account нарх-навони атай-  
лаб пасайтириш пайтидаги  
шартномаларга доир маж-  
бурият

~and-bull bonds биржадаги  
вазиятнинг ўзгариб туришдан  
қимоялаш мақсадида иккита  
тенг трансда\* чиқарилган  
облигациялар

~ **call spread** паст ички қийматли „колл“ опционини\* харид қилиш ва юқори ички қийматли „колл“ опционини\* сотиш қурамаси

~ **campaign** нарх-наво пасайишига қаратилган чайқовчилик

~ **closing** нарх-навони атайлаб пасайтиришдаги ёпиқ позициялар\*

~ **commitments** нарх-навони атайлаб пасайтирувчи чайқовчилар мажбуриятлари

~ **covering** нарх-наво пасайишига қаратилган битимларни қоплаш учун қимматли қоғозларни харид қилиш

~ **deal** биржа курсини туширишга қаратилган битим, нарх-наво пасайишига қаратилган чайқовчилик

~ **market** курсларнинг пасайишига мойиллиги кузатилаётган бозор

~ **market certificate of deposit** фонд биржаси вазияти пасаяётган бозордаги депозит\* гувоҳномаси

~ **market floating rate note** фонд биржаси вазияти пасаяётган бозордаги ўзгарувчан ставкали облигациялар

~ **movement** курснинг пасайиши

~ **operation** биржа курсларини туширишга қаратилган битим, нарх-наво пасайишига қаратилган чайқовчилик

~ **pool** нарх-навони атайлаб туширувчи чайқовчиларнинг бирлашуви

~ **position** нарх-навони атай-

лаб туширувчи чайқовчиларнинг тутган йўли

~ **purchase** нарх-навони атайлаб туширувчидан сотиб олиш

~ **put spread** юқори ички қийматли „пут“ опционини\* харид қилиш ва паст ички қийматли „пут“ опционини\* сотиш қурамаси

~ **raid** кейинчалик қулайроқ шартларда харид қилиш мақсадида қимматли қоғозларни жадал суръатда сотиш; курсни тушириш мақсадида акцияларни оммавий тарзда сотиш

~ **sale** нарх-навони атайлаб тушириш пайтидаги сотув

~ **seller** нарх-навони атайлаб туширувчи чайқовчи

~ **slide** курснинг пасайиши

~ **speculation** нарх-навони атайлаб пасайтириш

~ **spread** курслар пасайишидан фойда кўришни назарда тутувчи икки томонлама спред\*

~ **squeeze** нарх-навони атайлаб туширувчи чайқовчилар тутган йўлларни зарар кўрган ҳолда бартараф этиш

~ **transaction** нарх-навони атайлаб пасайтиришга қаратилган битим, нарх-наво пасайишига қаратилган чайқовчилик

**to go a** ~ чайқовчилик мақсадида нарх-навони атайлаб туширмақ

**to sell a** ~ чайқовчилик мақсадида нарх-навони атайлаб туширмақ

**to squeeze the ~s** биржадаги чайқовчиларни курснинг яна-

да ошиб кетишидан хавотирланиб, акцияларни юқори курсда сотиб олишга мажбур қилмоқ

covered ~ қўлидаги нақд акцияларни сотадиган чайқовчи

protected ~ қўлидаги нақд акцияларни сотадиган чайқовчи

stale ~ ютқазган чайқовчи

uncovered ~ таъминотга эга бўлмаган сотувчи

unprotected ~ таъминотга эга бўлмаган сотувчи

BEAR *v* 1. нарх-навони атайлаб туширмоқ (*биржада*); 2. кўрмоқ (зарар), келтирмоқ  
to ~ an endorsement индоссаментга\* эга бўлмоқ (*вексель ҳақида*)

to ~ an interest фоиз келтирмоқ

to ~ expenses сарф-харажат қилмоқ

to ~ losses зарар (зиён) кўрмоқ

to ~ out тасдиқламоқ

to ~ the market қимматли қоғозлар бозорида нарх-навони атайлаб пасайтирмоқ

BEARER *n* 1. (чек) кўрсатувчи; 2. соҳиб, эга

~ bill кўрсатувчига тўланадиган вексель

~ bond кўрсатувчига тўланадиган облигация

~ bondholder кўрсатувчига тўланадиган облигация соҳиб

~ certificate кўрсатувчига тўланадиган гувоҳнома

~ certificate of deposit кўрсатувчига тўланадиган депозит\* гувоҳномаси

~ check кўрсатувчига тўланадиган чек

~ debenture кўрсатувчига тўланадиган қарз мажбурияти; кўрсатувчига тўланадиган облигация

~ debt кўрсатувчига бериладиган қарз

~ depositary receipt кўрсатувчига тўланадиган депозит\* гувоҳномаси

~ eurodollar collateralized securities Британия қимматли қоғозлари билан таъминланган кўрсатувчига тўланадиган белгиланган ставкали евродоллардаги облигациялар\*

~ instrument кўрсатувчига бериладиган ҳужжат

~ mortgage note кўрсатувчига тўланадиган ипотека\* қимматли қоғози

~ note кўрсатувчига тўланадиган вексель

~ of a bill 1. вексель соҳиб; 2. векселни кўрсатувчи; 3. коносамент соҳиб

~ of a blank endorsement тўлдирилмаган индоссаментни\* кўрсатувчи

~ of a check 1. чек соҳиб; 2. чекни кўрсатувчи

~ of a draft тратта\* соҳиб

~ of risk таваккалчилик учун масъул шахс

~ of the warrant омборхона шаҳодатномаси эгаси

~ scrip 1. кўрсатилганда акцияларга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи муваққат гувоҳнома; 2. омонат қабул қилинганлиги ҳақида кўрсатувчига бериладиган муваққат тилхат

~ security кўрсатувчига тўланадиган қимматли қоғоз

~ security traded internationally кўрсатувчига тўланадиган халқаро қимматли қоғоз

~ share кўрсатувчига тўланадиган акция

~ share certificate кўрсатувчига тўланадиган акциядорлик гувоҳномаси

~ stock кўрсатувчига тўланадиган акция

~ unit кўрсатувчига тўланадиган қимматли қоғозлар туркуми

tax ~ солиқ тўловчи

to ~ кўрсатувчига тўланадиган

**BEARING** *n* муносабат; жиҳат; ёндашув

**BEARING** *a* келтирадиган (*даромад*)

~ a fixed rate of interest белгиланган фоиз ставкали

~ interest фоизли, фоиз келтирадиган

~ no interest фоизсиз, фоиз шаклида даромад келтирмайдиган

~ the date of бирор санагача бўлган муддатли

fixed interest ~ белгиланган фоиз келтирувчи

interest ~ фоизли, фоиз келтирадиган (*қимматли қоғозлар ҳақида*)

interest ~ deposits фоиз келтирадиган депозитлар\*

noninterest ~ фоиз келтирмайдиган (*қимматли қоғозлар ҳақида*)

**BEARISH** *a* пасайишга мойил (*қимматли қоғозлар курси*)

*ҳақида*); пасаювчан, пасаяётган

~ covered write „пут“ опционини\* қисқа форвард позициясига\* муқобил равишда сотиш

~ market курсларнинг пасайишга мойиллиги кузатилаётган бозор

~ opinion қимматли қоғозлар курсининг келгусида пасайишини кўзлаш

~ tendency пасайишга мойиллик

~ tone пасаювчан кайфият

**BEARISHNESS** *n* пасайишга мойиллик

**BEAT** *n* зарарлар

~ the index якка тартибдаги инвестиция портфели\* нархи бутун бозордаги ўртача даражага нисбатан кўпроқ ошаётган ёки камроқ тушаётган вазият

**BEAT** *v* бостирмоқ (мухалифиятни)

to ~ down туширмоқ (нархни)

to ~ the market бозордан ўзмоқ, бозордан ўзиб кетмоқ (*курс даражаси бўйича*)

**BEATING** *n* зарарлар

**BEAUTY** *a* жозибали

sleeping ~ қўшиб олинишга мойил компания

**BECOME** *v* бўлмоқ; содир бўлмоқ

to ~ bankrupt банкрот бўлмоқ, синмоқ

to ~ security кафил бўлмоқ, кафилликка олмоқ

to ~ worthless қадрсизланмоқ

**BED-AND-BREAKFAST** *n* солиқдан қочиш мақсадида

акцияларнинг қисқа муддатли олди-сотдиси

**BEDROCK** *n* нарх-навонинг сўнги даражаси, нарх-навонинг энг паст даражаси  
~ price сўнги нарх, энг паст нарх

**BEFORE** *adv* илгари, олдин  
~ hours биржа очилгунга қадар, биржа очилишигача  
~ maturity муддати келгунига қадар

**BEFORESALE** *a* сотувдан олдинги

**BEGINNING** *n* бошланиш, боши  
~ assets йил бошидаги активлар\*  
~ balance давр бошидаги қолдиқ  
~s of month ой бошидаги

**BEHAVIOUR** *n* 1. ҳаракат, ривожланиш (*иқтисодий тоифаларнинг*); 2. хатти-ҳаракат, ўзини тутиш; 3. хусусият; ўзгариш хусусияти; 4. иш тартиби  
~ in particular circumstances муайян шароитлардаги хатти-ҳаракат  
~ in service фойдаланиш пайтидаги хатти-ҳаракат  
~ of cost чиқимларнинг ўзгариш суръати  
~ of distributive shares иш ҳақи ва фойда улушларининг ўзгариш суръати (*миллий даромаддаги*)  
~ of economic system иқтисодий тизимнинг ўзгариш суръати  
~ of firm фирманинг тутган йўли  
~ of prices нарх-навонинг ўзгариш суръати

~ of saving and investment жамғармалар ва инвестицияларнинг ўзгариш суръати  
~ of surplus value қўшимча қиймат ҳаракати  
~ towards risk таваккалчилик шароитидаги хатти-ҳаракат  
adaptive ~ мослашувчанлик асосида йўл тутиш  
adjustment ~ иқтисодий мувозанат бузилишига мослашиш  
administrative ~ ташкилот ходими хатти-ҳаракати  
bank borrowing ~ банклардан қарз олиш сиёсати  
bargaining ~ музокаралар пайтида тутилган йўл, битим тузиш пайтида тутилган йўл  
business ~ тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш пайтида тутилган йўл  
business spending ~ тадбиркорлик харажатларининг ўзгариш суръати  
competitive ~ низоли вазиятларда тутиладиган йўл  
consumer ~ истеъмолчилар тутган йўл (*янги молга нисбатан билдирилган муносабат*)  
consumer spending ~ истеъмол харажатларининг ўзгариш суръати  
cost ~ чиқимларнинг ўзгариш суръати  
customer ~ мижозларнинг тутган йўли  
cyclical ~ даврий ўзгариш  
economic(al) ~ иқтисодий муомала  
employee ~ ёлланма ходим хатти-ҳаракати  
group ~ жамоа тутган йўл



income ~ даромаднинг ўзгариш суръати  
 investment ~ инвестицияларнинг ўзгариш суръати  
 inventory ~ 1. захиралар ҳаракати; 2. захираларни бошқариш тизимининг аҳволи  
 irrational ~ нооқилона йўл тутиш  
 lending ~ of banks банкларнинг ссуда фаолияти  
 loan ~ ссуда операцияларининг ўзгариш суръати  
 long-range ~ узоқ вақт мобайнида тутилган йўл  
 long-run ~ узоқ вақт мобайнида тутилган йўл  
 long-term ~ 1. узайтирилган иш тартиби; 2. узоқ вақт мобайнида тутилган йўл  
 long-time ~ узоқ давр мобайнида тутилган йўл  
 market ~ бозорнинг аҳволи  
 migratory ~ кўчириш пайтида тутилган йўл  
 optimal ~ 1. тутилган энг мақбул йўл; 2. энг мақбул тартиб  
 optimising ~ натижаларни энг мақбул даражага етказишга интилиш  
 overt ~ жамоатчилик тутган йўл  
 price ~ нарх-навонинг ўзгариш суръати  
 profit-maximising ~ энг юқори даражага етказиш юзасидан тутилган йўл  
 programmed ~ дастурланган хатти-ҳаракат  
 queue ~ оммавий хизмат кўрсатиш тизимининг аҳволи  
 rational ~ оқилона йўл тутиш  
 real-life ~ амалда тутилаётган йўл

road ~ йўл интизоми  
 seasonal ~ мавсумий ўзгаришлар  
 short-range ~ қисқа давр мобайнида тутилган йўл  
 short-run ~ қисқа давр мобайнида тутилган йўл  
 short-term ~ қисқа давр мобайнида тутилган йўл  
 short-time ~ қисқа давр мобайнида тутилган йўл  
 social ~ ижтимоий хулқ-атвор  
 supportive ~ рағбатлантивчи муомала  
 uncooperative ~ низоли муомала

BEING *n* мавжуд бўлиш; бўлган (вақтлар)да  
 ~ short нархни атайлаб тушириш пайтида муддатли битимларга доир мажбуриятлар; нархни атайлаб тушириш пайтида муддатли битимлар бўйича ҳолат

BELG *n* Бельгия франки

BELGIAN:

B. Dentist Фарбий Европадаги анъанавий якка тартибдаги инвестор

B. franc Бельгия франки

BELGO:

B.-Luxembourg Exchange Institute Бельгия-Люксембург валюта операцияларини назорат қилиш институти

BELL *n* биржа очилиши ва ёпилиши пайтида бериладиган хабар (ишора)

~s and whistles биржа очилиши ва ёпилиши пайтида бериладиган хабар (ишора)

BELLWEATHER *n* биржадаги вазият ҳаракати; курслар ҳаракати

~ **bonds** биржадаги вазият ҳаракатини белгиловчи облигациялар

~ **securities** биржадаги вазият ҳаракатини белгиловчи қимматли қоғозлар

~ **stocks** курсларнинг умумий ҳаракатини белгиловчи етакчи акциялар

**BELOW** *prep* пастда, паст, қуйи

~ **cost hidden** савдода нархни тушириб юборувчи фирма

~ **market** бозор нархидан паст баҳода

~ **market interest rate** бозор даражасидан паст фоиз ставкаси

~ **par** белгиланган қийматдан паст

~ **par issue** қимматли қоғозларни белгиланган қийматидан паст баҳода чиқариш

~ **par stock** белгиланган қийматдан чегирилган ҳолда чиқариладиган акциялар

~ **the line items on balance sheet** бухгалтерлик баланснинг балансдан ташқари моддалари

**BENCHMARK** *n* асос (*статистикада*)

~ **price** чекланган нарх; маълумот берувчи нарх

~ **rate** мўлжал ставка

**liquid** ~ ликвидлик\* асоси

**BENCHMARK** *v* таққосламоқ, қиёсламоқ

**BENEFICIAL** *a* фойдали; ижобий, манфаатли, фойда келтирадиган

~ **interest** фойдали фоиз

~ **owner** бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган қим-

матли қоғознинг ҳақиқий эгаси

~ **owner of stock** акциялари банк бошқарувида бўлган бенефициар-акциядор\*

~ **price** фойдали нарх; имтиёзли нарх

~ **share** имтиёзли акция

~ **stockholder** акциялари банк бошқарувида бўлган бенефициар-акциядор\*

**BENEFICIARY** *n* 1. бенефициар (*васиятнома бўйича ворис*); 2. аккредитив\* бўйича пул олувчи; даромад олувчи (*тўловдан*); 3. иқтисодий фойда олувчи шахс

~ **distribution** номига траст\* таъсис этилган шахснинг шу трастдан\* оладиган даромади

~ **of credit** кредит олувчи

~ **of insurance** суғурта полисини\* олувчи

~ **of letter of credit** аккредитив\* олувчи

~ **'s bank** аккредитив\* бўйича пул олувчининг банки

**contingent** ~ шартли бенефициар\*

**external** ~ бошқа хўжалик объекти фаолияти натижаларидан даромад ёки фойда олувчи шахс, бошқа хўжалик объекти фаолиятидан қўшимча фойда олувчи шахс

**second** ~ иккинчи бенефициар\*

**BENEFIT** *n* 1. устунлик, имтиёз; 2. манфаат; фойда; 3. пенсия; нафақа; 4. акция ўз эгасига берадиган ҳуқуқ; 5. фойдалилик; манфаат; 6. йўл-йўлакай кўриладиган (қўшимча) фойда; 7. *pl* имтиёзлар, хизматлар (*солиқ*

солишда); 8. жами фойда, умумий фойдали натижа; иқтисодий самарадорлик ~ accruing to an enterprise корхона тўплаган фойдалар ~ approach to pensions олинган ҳақ асосида пенсияни ҳисоблаб ёзиш ~ in cash пул шаклидаги нафақа ~ in kind маҳсулот шаклидаги нафақа; ёлланган ходимларга пулсиз шаклда ҳақ тўлаш ~ society ўзаро ёрдам кассаси to derive a ~ фойда кўрмоқ to draw unemployment ~ ишсизлик нафақасини олмоқ to obtain ~ фойда олмоқ to the ~ фойда кўриб accident death ~ бахтсиз ҳодиса натижасида юз берган ўлим муносабати билан тўланадиган суғурта нафақаси additional ~ қўшимча имтиёзлар cash ~ пул нафақаси, пул ёрдами commercial ~ тижорий манфаат (фойда) cost ~ молиявий имтиёз death ~ суғурта қилинган шахснинг ўлими муносабати билан тўланадиган суғурта нафақаси dependent ~ қарамоқдаги шахсга тўланадиган нафақа disability ~ меҳнатга лаёқатсизлик суғурта нафақаси disablement ~ меҳнатга лаёқатсизлик суғурта нафақаси economic ~s иқтисодий манфаат (фойда) employee ~s хизматчилар имтиёзи

external ~ ташқи иқтисодий самара financial ~ молиявий устуворлик for the public ~ жамоатчилик манфаатларини кўзлаб fringe ~s қўшимча тўловлар; қўшимча имтиёзлар future death ~s ўлимдан суғурталаш future economic ~ келгуси иқтисодий манфаатлар (фойдалар) health ~ саломатлик учун фойда immediate ~ тезда олинadиган фойда incidental ~ қўшимча (йўл-йўлакай) кўрилган фойда industrial injuries ~ ишлаб чиқаришда жароҳат олганлик нафақаси injury ~ жароҳат олганлик учун тўланадиган нафақа in-kind ~ маҳсулот шаклида тўланадиган нафақа insurance ~ суғурта нафақаси intangible ~ яширин фойда invalidity ~ ногиронлик нафақаси living ~ меҳнатга лаёқатни йўқотганда суғурта суммаларини тўлаш marginal ~ энг юқори фойда marginal private ~ энг юқори хусусий фойда marginal social энг юқори жамоатчилик фойдаси material ~s моддий бойликлар maternity ~ ҳомиладорлик таътили учун берилadиган пул maximum weekly ~ энг юқори ҳафталик нафақа

medical ~ касаллик нафақаси  
 medicare ~ тиббий суғурта-  
 лаш тизимида тўланадиган  
 нафақа  
 mutual ~ ўзаро фойда  
 nonwage ~s қўшимча тўлов-  
 лар (*иш ҳақиға устама ҳақ*)  
 old age ~ қариллик нафақаси  
 pecuniary ~ пул нафақаси  
 pension ~s пенсия нафақаси;  
 пенсия  
 personal ~ шахсий манфаат  
 (фойда)  
 potential ~ имкон дара-  
 жасидаги фойда  
 preferential ~ имтиёз  
 prime ~ энг муҳим усту-  
 ворлик  
 public assistance ~ давлат  
 ижтимоий таъминоти на-  
 фақаси  
 recognized ~ ошкора (аниқ)  
 фойда  
 residual ~ ўз аҳамиятини  
 йўқотган ҳаракат  
 retirement ~ пенсия; ишдан  
 бўшаганда бериладиган на-  
 фақа  
 service ~ ишдан бўшаганда  
 бериладиган нафақа  
 sick ~ касаллик нафақаси  
 sickness ~ касаллик на-  
 фақаси  
 side ~s қўшимча имтиёзлар  
 social ~ жамоатчилик манфа-  
 ати  
 social insurance ~s ижтимоий  
 суғурта тўловлари  
 social security ~s ижтимоий  
 таъминот нафақалари  
 social service ~s ижтимоий  
 таъминот нафақалари  
 strike ~ иш ташлаганларга  
 бериладиган нафақа

supplementary ~ қўшимча на-  
 фақа  
 survivors' ~ боқувчисини  
 йўқотганлик нафақаси  
 tax ~s солиқдан ютиш  
 termination ~s якуний қў-  
 шимча ҳақ  
 unemployment ~ ишсизлик  
 нафақаси  
 veterans' ~s уруш фахрий-  
 ларига тўланадиган нафақа-  
 лар  
 welfare ~ ижтимоий таъми-  
 нот нафақаси  
 workmen's compensation ~  
 меҳнатга лаёқатсизлик су-  
 ғурта нафақаси  
**BENEFIT** *v* фойда келтирмоқ;  
 фойда олмоқ  
 to ~ by appreciation of  
 exchange валюта курсининг  
 ошиши ҳисобига фойда кўр-  
 моқ  
 to ~ from exchange курслар  
 ўртасидаги фарқ ҳисобига  
 фойда кўрмоқ  
 to ~ payment тўловни олмоқ  
**BENEVOLENCE** *n* хайрихоҳ-  
 лик, яхши муносабат (*мас.*  
*харидорларнинг фирма маҳ-*  
*сулотига*)  
**BENEVOLENT** *a* хайрия ...  
 ~ foundation хайрия жамғар-  
 маси  
 ~ fund хайрия жамғармаси  
 ~ society хайрия жамияти  
**BENIGN** *a* шафқатли  
 ~ neglect policy валюта курси  
 шаклланишига аралашмаслик  
 сиёсати  
**BEQUEATH** *v* васият қилиб  
 қолдирмоқ (*мол-мулкни*)  
**BEQUEST** *n* қўчмас мулк-  
 дан васият қилиб воз кечиш;

меросхўрга мероснинг бир қисмини муайян шахсга ўтказиш ҳақида берилган топшириқ

## BERNE:

**B. Union** Халқаро кредит ва инвестицияларни суғурталовчилар иттифоқи, Берн иттифоқи

**BERTH** *n* тўхташ жойи (*кема, самолётнинг*); кема боғлаб қўйиладиган (лангар ташлайдиган) жой, кема тўхташ жойи

**to give a** ~ кема тўхташига жой ажратмоқ

**to moor a** ~ кемани қирғоққа боғлаб қўймоқ

**to nominate** ~ кема тўхташига жой белгиламоқ

**to shift a** ~ кема тўхташ жойини алмаштирмоқ

**to tie up to a** ~ кема тўхташ жойига келиб турмоқ

**automated** ~ механизациялаштирилган кема тўхташ жойи

**cargo** ~ юк кемалари тўхташ жойи

**common user** ~ ихтисослашмаган кема тўхташ жойи

**container** ~ контейнерли кема тўхташ жойи

**customs** ~ кема тўхташ жойи боғхонаси

**discharging** ~ юк тушириладиган кема тўхташ жойи

**general cargo** ~ турли юкларга мўлжалланган кема тўхташ жойи

**general purpose** ~ турли юкларга мўлжалланган кема тўхташ жойи

**loading** ~ юк ортиладиган кема тўхташ жойи

**mechanized** ~ механизациялаштирилган кема тўхташ жойи

**quay** ~ кема тўхташ жойи

**railway** ~ шохобча темир йўллarga олиб чиқувчи кема тўхташ жойи

**ready** ~ тайёр кема тўхташ жойи

**safe** ~ хавфсиз кема тўхташ жойи

**unloading** ~ юк тушириладиган кема тўхташ жойи

**BERTH** *v* кемани қирғоқда тўхтатмоқ

**BERTHAGE** *n* кема туриши учун олинадиган йиғим

**BERTHING** *n* кемани тўхташ жойида боғлаб қўйиш; кемани тўхташ жойига жойлаштириш

**BESPOKE** *a* буюртма асосида тайёрланган (*оммавий ишлаб чиқаришдан фарқли равишда*)

## BEST:

**B.'s rating** суғурта компаниялари молиявий аҳолининг Беста вакилиги ҳисоблайдиган ва эълон қиладиган даражаси (*АҚШ*)

**BEST** *a* 1. энг яхши; энг мақбул; энг қулай; 2. энг фойдали

~ **available price** энг фойдали жорий нарх

~ **bid** 1. энг мақбул таклиф; 2. энг фойдали таклиф

~ **efforts** молиявий жавобгарликни зиммага олмаган ҳолда янги чиқарилган қимматли қоғозларни имкон қадар кўпроқ сотиш

~ **efforts agreement** инвестор банк янги қарз олмай, қарз-

ни сотишда брокерлик\* хизмати кўрсатиши кўзда тутилган битим

~ efforts distribution инвестиция банкнинг акцияларни эмитентга\* кафолат бермасдан сотиши

~ efforts selling мумкин қадар барча сотиш имкониятларини ишга солиш мажбуриятини олган ҳолда сотиш (*жойлаштирилмаган қимматли қоғозларни қабул қилиш мажбуриятисиз*)

~ efforts syndication бошқарувчи банкирлар маблағ олинишини олдиндан кафолатламайдиган бирлаштирилган кредит ёки облигация заёми

~ efforts type of underwriting кафолатчининг кўпроқ жонбозлик кўрсатиши тамойилига асосланган андеррайтинг операцияси\* (*жойлаштирилмаган қимматли қоғозларни қабул қилиш мажбуриятини олмаган ҳолда*)

~ execution rule брокернинг\* буйруқни мижоз учун энг фойдали нархларда ижро этиши қоидаси

~ offer энг фойдали нархни таклиф қилиш; энг мақбул таклиф

**ВЕТА** *n* бета кўрсаткичи (*умумий иқтисодий даража тебраниши ва муайян қимматли қоғознинг фойда даражалари ўзгариши ўртасидаги боғлиқлик кўрсаткичи*)

**BETTER** *a* яхшироқ, мақбулроқ, фойдалироқ

~ bid яхшироқ таклиф, фойдалироқ таклиф

**BETTER** *v* 1. яхшиламоқ; такомиллаштирмоқ; 2. ўтиб кетмоқ, устун чиқмоқ, ошиб кетмоқ

**BETTERMENT** *n* яхшилаш; такомиллаштириш; тузатиш

**BIANNUAL** *a* йилига икки марта содир бўладиган

**BIAS** *n* 1. четга чиқиш, силжиш; мойиллик; 2. иштиёқ; қизиқиш; нохолислик; 3. мунтазам содир этиб туриладиган хато

~ in accumulation жамғарма таркибидаги силжиш (ўзгариш)

~ in consumption истъмом таркибидаги силжиш (ўзгариш)

~ in technical progress техника тараққиётининг нотекис таъсир кўрсатиши (*турли тармоқларнинг ривожланишига*)

~ of estimator баҳолашнинг ўзгариши

capital-saving ~ in technical progress сармояталабликнинг техника тараққиёти таъсирида пасайиб бориши

capital-using ~ in consumption сармояталабликнинг истъмом таркибидаги ўзгаришлар таъсирида ошиб бориши

capital-using ~ in technical progress сармояталабликнинг техника тараққиёти таъсирида ошиб бориши

class ~ синфий жиҳатдан нотўғри тушунча

deflationary ~ дефляцияга\* мойиллик, иқтисодий фаолликнинг пасайишга мойиллиги

downward ~ 1. (мунтазам

равишда) камайиш томон оғиш; 2. нарх-наво пасайишига мойиллик

export ~ экспортга\* мойиллик

import ~ импортга\* мойиллик  
inflationary ~ инфляцияга\* мойиллик

land-saving ~ in accumulation  
жамғарма таркибидаги ерни тежашга олиб борувчи ўзгаришлар

political ~ сиёсий ноҳолислик  
upward ~ ошишга мойиллик (нарх-навонинг)

BIAS *v* 1. рад этмоқ; 2. таъсир кўрсатмоқ

BID *n* 1. нарх таклиф этиш; харидор таклиф қилган нарх; 2. нархга қўйилган устама; 3. савдо; 4. буюртма, талаб-нома; шартнома тузиш ҳақидаги таклиф; 5. даъво, даъво қилиш; 6. қимматли қоғозлар ставкаси; 7. савдо орқали сотиш

~ and asked сотувчи ва харидор курслари ўртасидаги фарқ

~ and asked quotations сотувчилар ва харидорлар курслари

~ and ask price сотувчи ва харидор курслари ўртасидаги фарқ

~ and offered price сотувчи ва харидор курслари ўртасидаги фарқ

~ and offers нархлар таклифлари ва талаблари

~s are invited for something бирор нарсанинг савдоси эълон қилинади

~-asked spread сотувчи ва

харидор курслари ўртасидаги фарқ

~ bond таклиф кафолати

~ for a contract пудратлар олиш учун ўтказиладиган тендер\*

~ in a closed and sealed envelope ёпиқ савдога қўйилган таклиф

~ invitation савдода иштирок этиш учун талабномалар беришни таклиф этиш

~ market харидорлар бозори  
~ price 1. харидор таклиф этаётган нарх; 2. харидор таклиф этаётган курс

~ proposal харидорнинг нархни таклиф этиши

~ quotation харидорлар курси

~ schedule савдолар рўйхати; таклиф этилган нархлар рўйхати

~ wanted харид қилишга доир таклифларингизни кутамиз (қимматли қоғозлар эгасининг эълони)

to ask for a ~s иштирок этишга таклиф қилмоқ

to enter a ~ харид ҳақида таклиф киритмоқ

to hit the ~ харидор таклиф қилган нархда сотмоқ

to invite ~s савдони эълон қилмоқ

to make a ~ таклиф қилмоқ; нархга қўшимча қилмоқ (кимошди савдосида)

to make a cash ~ нақд пул билан ҳақ тўлашни таклиф қилмоқ

to open and examine ~s ёпиқ савдода таклифларни кўриб чиқмоқ

to put in a ~ харид ҳақида таклиф киритмоқ

to refuse a ~ таклифдан воз кечмоқ  
 to reject a ~ таклифни рад этмоқ  
 alternative ~ муқобил таклиф  
 best ~ энг яхши (энг фойдали) таклиф  
 break-up ~ акцияларини қисмларга бўлиб сотиш мақсадида компанияни сотиб олишни таклиф қилиш  
 closing ~ сўнгги таклиф (*кимошди савдосида*)  
 collusive ~ хуфия келишувга асосланган талабнома (*савдода*)  
 competitive ~ рақобат билан тартибга солинадиган таклиф  
 first ~ биринчи таклиф  
 flexible ~ мослашувчан таклиф  
 higher ~ яхшироқ (фойдалироқ) таклиф  
 highest ~ энг яхши (энг фойдали) таклиф  
 international ~ халқаро савдо  
 invited ~s эълон қилинган тендер\*  
 joint ~s савдода биргаликда иштирок этиш  
 last ~ сўнгги таклиф  
 low ~ паст нархда таклиф қилиш  
 lower ~ фойдаси камроқ таклиф  
 lowest ~ энг ёмон (энг бe-фойда) таклиф  
 negotiated ~ андеррайтерларнинг\* чиқарилган барча қимматли қоғозларни харид қилиш ҳақидаги таклифи  
 noncompetitive ~ рақобат билан тартибга солинмайдиган таклиф

opening ~ бошланғич таклиф (*кимошди савдосида*)  
 optimum ~ энг мақбул шартларда шартнома тузишни таклиф этиш  
 price ~ қимматли қоғозлар харидори таклиф этаётган курс  
 rigged ~ товламачиликка асосланган буюртма (*савдода*)  
 sealed ~ ёпиқ савдо  
 sham ~ сохта таклиф  
 special ~ нархни махсус таклиф қилиш  
 straw ~ сохта таклиф  
 subject ~ шартли таклиф  
 take-over ~ 1. бошқа компания акцияларининг назорат тўпламини харид қилиш ҳақидаги таклиф; 2. *pl* компаниянинг бутун акциядорлик сармоясини сотиб олишга доир битим; 3. қўшиб олиш (*мас. бир компаниянинг бошқасини*)  
 ВІД *v* 1. нархни таклиф этмоқ; 2. савдода иштирок этмоқ; 3. кимошди савдосида нархни оширмоқ  
 to ~ against somebody рақобатли таклиф киритмоқ; савдода нархни туширмоқ  
 to ~ for privatization хусусийлаштириш таклифини киритмоқ  
 to ~ for something *бирор нарсани* сотиб олишни таклиф этмоқ; *бирор нарсани* харид қилиш ҳақида таклиф киритмоқ  
 to ~ in юқорироқ нархни таклиф этмоқ  
 to ~ the price up нархни оширмоқ



to ~ up нархни оширмоқ  
**BIDDER** *n* нархни таклиф этаётган шахс, савдо иштирокчиси; мол етказиб бериш бўйича пудрат тузиш юзасидан музокаралар олиб бораётган фирма; кимошди савдосидаги харидор  
 average ~ ўртача талабгор (*шартнома тузишга*)  
 below-cost ~ савдода нархни туширувчи фирма; савдода ўз маҳсулотини таннархидан паст баҳода таклиф этаётган фирма  
 eligible ~ савдода иштирок этиш ҳуқуқига эга шахс  
 franchise ~ муайян соҳада фаолият кўрсатиш ҳуқуқини олиш учун ўтказиладиган савдо иштирокчиси  
 highest ~ юқори нархни таклиф қилаётган шахс  
 private ~s хусусий харидорлар  
 successful ~ энг юқори нархни таклиф қилган шахс  
 take-over ~s қўшиб олинишга талабгорлар; қўшиб олинишга талабгор шахс (компания)лар  
**BIDDING** *n* 1. нархни таклиф этиш; нарх устамаси; 2. савдо; 3. шартнома тузиш ҳақидаги таклиф  
 ~ up харидор белгилаган нархнинг аста-секин кўтарилиши амалиёти  
 advertised ~ очиқ савдо  
 auction ~ кимошди савдоси  
 closed ~ ёпиқ савдо; пудратлар тузиш ҳақидаги ёпиқ музокаралар  
 competitive ~ нархларни рақобат шароитида белгилаш

identical ~s бир хил нархларни таклиф этиш (*савдода*)  
 joint ~ савдода биргаликда иштирок этиш  
 negotiated ~ ёпиқ савдо; пудратлар тузиш ҳақидаги ёпиқ музокаралар  
 sealed ~ талабномалар ошкор қилинмасдан муҳрланган хатжилдларда топшириладиган рақобатли савдо

**BIG:**

**B. Bang** Лондон фонд биржасини қайта ташкил этиш

**B. Board** Нью-Йорк фонд биржасидаги намоийш талоси

**B. Eight** АҚШнинг саккизта энг йирик аудиторлик фирмаси\*

**B. Five** „Катта бешлик“ (*Лондоннинг энг йирик клиринг банклари: Барклейз бэнк, Мидленд бэнк, Ллойдз бэнк, Нэшенл Вестминстер бэнк; сўнггиси 1968 йилда Нэшенл провиншиэл бэнк билан, Барклейз бэнк эса Мартинз бэнк билан қўшилиб кетган*)

**B. Four** „Катта тўртлик“ (*клиринг банклари\*: Барклейз бэнк, Мидленд бэнк, Ллойдз бэнк, Нэшенл Вестминстер бэнк; 1968 йилгача „Катта бешлик“ д.5 аталган*)

**B. Three** „Катта учлик“ (*Лондоннинг учта энг йирик ҳисобга олиш уйлари*)

**BIG** *a* йирик, кенг миқёсли

~ bank йирик банк

~ bucks йирик сармоялар; катта миқдордаги пул

~ **figure** қимматли қоғозни баҳолашда ўнлик рақамгача бўлган *ёки* аниқ-равшанлиги туфайли тушириб қолдирилиши мумкин бўлган биринчи рақам

~ **finance** молиявий гуруҳ ҳукмронлиги, йирик молиявий сармоя

~ **financier** йирик молиячи

~ **number** қимматли қоғозни баҳолашда ўнлик рақамгача бўлган *ёки* аниқ-равшанлиги туфайли тушириб қолдирилиши мумкин бўлган биринчи рақам

~ **seller** йирик тижоратчи

~ **ticket leasing** ихтисослашган компания ва банклар консорциумлари\* амалга оширадиган кенг миқёсдаги лизинг\*

~ **ticket order** йирик буюртма

**BIGNESS** *n* катта бизнес, энг йирик корпорациялар\*

**BILATERAL** *a* икки томонлама (*шартнома, битим*)

~ **accounts** икки томонлама ҳисобрақамлар

~ **at par** белгиланган қийматли вексель

~ **at sight** кўрсатиладиган вексель

~ **clearing** икки томонлама клиринг\*

~ **countries** клиринг\* ҳисобкитобларини амалга оширувчи мамлакатлар

~ **credit** икки томонлама асосда бериладиган кредит

~ **monopoly** икки томонлама якка ҳокимлик

~ **oligopoly** икки томонлама гуруҳий ҳукмронлик

~ **trade** икки томонлама савдо

~ **transaction** икки томонлама битим

~ **treaty (agreement)** икки томонлама шартнома

~ **relations** икки томонлама муносабатлар

**BILK** *v* ҳақ тўлашдан бош тортмоқ

**BILL:**

**Appropriation** Маблағ ажратмалари тўғрисидаги қонун лойиҳаси

**Finance** В. Даромадлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси

**BILL** *n* 1. тўланадиган тўловнома; 2. тўланадиган маблағларни ўтказиш; 3. вексель; тратта\*; 4. қарз мажбурияти; 5. тўловнома-фактура\*; 6. савдо шартномаси; гувоҳнома; декларация\*; 7. қонун лойиҳаси; 8. юкхат; рўйхат; 9. ҳисобрақамлар бўйича харажатлар; 10. моллар рўйхати; 11. банкнот\*; 12. афишалардаги реклама эълони

~ **acceptance** вексель акцепти\*

~ **after date** кўрсатилганда тўланадиган вексель, тўлов муддати берилган кундан бошлаб ҳисобланадиган вексель

~ **after sight** кўрсатилгандан сўнг тўланадиган вексель

~ **at double usance** тўлов муддати таомилга кўра икки баробар қилиб белгиланган вексель

~ **at par** белгиланган қийматли вексель

- ~ at short date қисқа муддатли вексель
- ~ at sight кўрсатилганда тўланадиган вексель
- ~ at thirty days' sight кўрсатилгандан сўнг ўттиз кун ўтгач тўланадиган вексель
- ~ auction вексель кимошди савдоси
- ~ book векселлар дафтари
- ~ broker вексель брокери\*
- ~ brokerage 1. брокерлик\* операциялари; 2. брокерга\* битимни амалга оширгани учун тўланадиган воситачилик ҳақи; даллоллик ҳақи
- ~ broking брокерларнинг векселлар билан қиладиган савдоси
- ~ business векселлар билан бажариладиган операциялар
- ~ charges векселлар билан бажариладиган операциялар воситачилик тўловлари
- ~ collection векселларни инкассация қилиш
- ~ collector инкассатор
- ~ creditor вексель кредитори
- ~ debt вексель бўйича қарз
- ~ debtor вексель бўйича қарздор
- ~ deposited as collateral security мулкий таъминот сифатида сақлашга берилган вексель
- ~ difficult to negotiate муомалага киритиш қийин бўлган вексель
- ~ discount векселни ҳисобга олиш
- ~ discounted ҳисобга олиш вексели
- ~ discounted register банкнинг ҳисобга олиш векселлари ва акцептлари\* дафтари
- ~ discounting векселни ҳисобга олиш
- ~ drawer вексель соҳиби
- ~ drawn against commodity мол асосидаги вексель
- ~ drawn against cotton жўнатилган пахта туркумини қабул қилувчидан тўланиши талаб қилинган тратта\*
- ~ drawn on nonexisting person номавжуд шахсдан тўланиши талаб қилинган вексель
- ~ due at fixed date белгиланган санада тўланадиган вексель
- ~ eligible for refinancing қайта молияланиши лозим бўлган ҳисобрақам
- ~ endorsement вексель индоссаменти\*
- ~ expires векселнинг тўлов муддати етиб келаяпти
- ~ file вексель архиви
- ~ for collection инкассо\* учун мўлжалланган вексель, инкассация қилинадиган вексель
- ~ forgery векселни қалбакилаштириш
- ~ form вексель бланки; вексель варағи
- ~ for payment тўланадиган вексель
- ~ guarantee 1. вексель кафолати; 2. вексель гарови
- ~ holder вексель соҳиби
- ~ holder's endorsement вексель соҳибининг устхати
- ~ holdings векселлар портфели\*
- ~ in distress зудлик билан тўланиши лозим бўлган вексель

~ in hand нақд вексель  
 ~s in hand векселлар портфели\*  
 ~ in set векселнинг аслига тенг ҳуқуқли нухаси  
 ~s in set векселлар тўплами  
 ~s in circulation муомаладаги вексель  
 ~ in suspense тўланмаган тратта\*  
 ~ jobber вексель чайқовчиси  
 ~ matures on the 5 th May векселнинг тўлов муддати 5 майда келади  
 ~ noted for protest эътироз билдирилган вексель  
 ~ notes қисқа муддатли қимматли қоғозлар  
 ~ of acceptance акцептланган тратта\*  
 ~ of adventure юк жўнатувчининг унинг номидан жўнатилган моллар амалда бошқа шахсга тегишли эканлиги ва барча таваккалчиликлар учун ўша шахс жавобгарлиги ҳақидаги ёзма декларацияси\*  
 ~ of charges харажатлар ҳисобрақами  
 ~ of clearance божхонанинг бож тўланганлиги ҳақидаги квитанцияси  
 ~ of complaint даъво аризаси  
 ~ of costs харажатлар ҳисобрақами, чиқимлар қайдномаси  
 ~ of credit аккредитив\*  
 ~ of debt қарз тилхати  
 ~ of debtor қарздор вексели  
 ~ of drawee трассат\* вексели  
 ~ of drawer трассант\* вексели  
 ~ of entry кирим бўйича божхона декларацияси\*

~ of exchange тратта\*, ўтказма вексель  
 ~ of exchange payable тўланадиган ўтказма вексель  
 ~ of expenses харажатлар ҳисобрақами  
 ~ of fare 1. таомнома; 2. тариф  
 ~ of goods моллар номлари рўйхати  
 ~ of indictment айбнома  
 ~ of lading коносамент\*, транспорт юкхати  
 ~ of materials маҳсулотларнинг ўзига хослиги; материаллар сарфининг солиштирма меъёри; материаллар рўйхати  
 ~ of parcels фактура\*, юкхат  
 ~ of products моллар номлари рўйхати  
 ~ of quantities нарх таклифлари рўйхати, бинони лойиҳалаштириш ва қуриш учун зарур бўлган моддий ва меҳнат ресурслари қайдномаси  
 ~ of redraft қайтма вексель  
 ~ of remitter пул ўтказувчининг вексели  
 ~ of review суд қарорини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги даъво  
 ~ of sale васиқа, гаров хати  
 ~ of short қисқа муддатли вексель  
 ~ of sight четга мол чиқарувчининг юкни тўлиқ кўриб чиқиш учун божхона идораларига тақдим этадиган ҳужжати  
 ~ of store(s) реимпорт\* қилишга рухсат бериш,

реимпорт\* қилиш рухсатномаси  
 ~ of sufference бож тўланмаган юкларни бир бандаргоҳдан иккинчисига таниш рухсатномаси  
 ~ of victualling кема капитанининг божхона идораларига юкнинг кема шахсий таркиби фойдаланаётган қисми ҳақида берган баёноти  
 ~ on deposit сақлашга топширилган вексель  
 ~ on London Лондонда тўланадиган вексель  
 ~ on subsidiary ўз компаниясининг филиалидан тўланиши талаб этилган вексель  
 ~ outstanding тўланмаган вексель  
~ **in** 1. битимни ёпиш; 2. компания сармоёсида иштирок этиш ҳуқуқини сотиб олиш; 3. сотувчи харидор олдидаги ўз мажбуриятини бажармаганида брокернинг\* қимматли қоғозларни қўшимча тарзда сотиб олиши; 4. сотувчининг мажбуриятни бажариш зарурати туғилган тақдирда етишмаётган активлар опционини\* харид қилиши

~ **minus** мижознинг акцияларни бозордагидан паст нархда сотиб олиш ҳақида брокерга\* берган буйруғи

~ **on close** операция куни охирида харид қилиш

~ **on opening** операция куни бошида харид қилиш

~ **or cancel** қимматли қоғозларни шу куннинг ўзида харид қилиш, акс ҳолда битимни бекор қилиш ҳақида брокерга\* берилган буйруқ

~ **order** қимматли қоғозларни белгиланган нархда муайян миқдорда сотиб олиш ҳақида брокерга\* берилган буйруқ

~ **out** 1. қайта сотиб олиш; 2. акцияларнинг назорат тўқламини сотиб олиш

~ **programme** акцияларни сотиб олиш дастури

~ **stop order** мижознинг бозор нархи белгиланган даражага етганида харид қилиш ҳақида брокерга\* берган буйруғи

~ **the book** мижознинг мазкур турдаги акцияларни харид қилиш ҳақида брокерга\* берган буйруғи

**bad** ~ муваффақиятсиз харид қилиш

**good** ~ муваффақиятли харид қилиш

BUY *v* 1. сотиб олмоқ, харид қилмоқ; эга бўлмоқ; 2. муддатга харид қилмоқ; 3. пора бермоқ

**to** ~ **a bull** атайлаб нархни кўтармоқ

**to** ~ **according to sample** намуна бўйича харид қилмоқ

**to** ~ **ahead** 1. муддатга харид қилмоқ; 2. молни келгусида етказиб бериш шарти билан харид қилмоқ

to ~ and sell precious metals қимматбаҳо металлр  
 ни харид қилмоқ ва сотмоқ  
 to ~ a pig in a poke бирор  
 нарсани орқаворотдан харид  
 қилмоқ  
 to ~ a spread фьючерс\* шарт-  
 номасини яқин муддатга  
 сотиб олмоқ ва узоқ муддатга  
 сотмоқ  
 to ~ at best зарур молни  
 нархни чекламаган ҳолда  
 харид қилмоқ  
 to ~ at the close биржа  
 ёпилиши пайтидаги курс  
 бўйича харид қилмоқ  
 to ~ at top of market энг  
 юқори курсда харид қилмоқ;  
 энг юқори нархларда харид  
 қилмоқ  
 to ~ back қайта сотиб олмоқ;  
 қимматли қоғозларни битим-  
 ни ёпиш мақсадида харид  
 қилмоқ  
 to ~ back shares previously  
 issued илгари чиқарилган  
 акцияларни қайта сотиб ол-  
 моқ  
 to ~ by auction кимошди  
 савдосида харид қилмоқ  
 to ~ by weight вазнга қараб  
 харид қилмоқ  
 to ~ cheap арзон нархда  
 харид қилмоқ  
 to ~ earnings яхши истиқ-  
 болли фирманинг акциялари-  
 ни харид қилмоқ  
 to ~ currency spot муддатга  
 харид қилмоқ  
 to ~ firsthand биринчи  
 қўлдан харид қилмоқ  
 to ~ for account муддатга  
 харид қилмоқ  
 to ~ for a rise нархни атай-  
 лаб қўтармоқ

to ~ for cash нақд пулга  
 харид қилмоқ  
 to ~ for end settlement муд-  
 датга харид қилмоқ (яқин  
 орада келадиган тугатиш  
 даври мобайнида ҳисоб-ки-  
 тоб қилишни мўлжаллаб)  
 to ~ for settlement муддатга  
 харид қилмоқ  
 to ~ for shares акциялар  
 эвазига харид қилмоқ  
 to ~ forward муддатга харид  
 қилмоқ  
 to ~ from қайта сотиб олмоқ  
 to ~ in 1. ўз молини ким-  
 ошди савдосидан қайтариб  
 олмоқ; 2. битимни ёпмоқ;  
 3. акцияларни сотиб олмоқ  
 to ~ in against the seller со-  
 тувчи ҳисобидан қопламоқ  
 to ~ into корхонанинг  
 акцияларини сотиб олмоқ  
 to ~ off бирон кишидан пул  
 бериб қутилмоқ  
 to ~ on a fall курсларнинг  
 пасайиши даврида харид  
 қилмоқ  
 to ~ on a falling market  
 пасаяётган бозор вазияти ша-  
 роитида харид қилмоқ  
 to ~ on a scale курсларнинг  
 пасайиши даврида харид  
 қилмоқ  
 to ~ on closing биржа ёпи-  
 лиши пайтидаги курс бўйича  
 харид қилмоқ  
 to ~ on credit кредитга харид  
 қилмоқ  
 to ~ on curb биржадан таш-  
 қарида харид қилмоқ  
 to ~ on instalment plan  
 бўлиб-бўлиб тўлаш шарти  
 билан харид қилмоқ  
 to ~ on opening биржа очи-

лиши пайтидаги нархларда харид қилмоқ

to ~ on own account ўз ҳисобидан харид қилмоқ

to ~ on shoestring энг кам даромадли қимматли қоғозларни харид қилмоқ

to ~ on tick кредитга харид қилмоқ

to ~ on weakness нарх-наво паст бўлган даврда харид қилмоқ

to ~ or cancel қимматли қоғозларни шу куннинг ўзида сотиб олмоқ, акс ҳолда битимни бекор қилмоқ

to ~ out 1. қайта сотиб олмоқ; 2. барча корхоналарни тўлиқ ва батамом сотиб олмоқ

to ~ outright қийматини тўлиғича тўлаб харид қилмоқ

to ~ a pig in a poke кўркўрона харид қилмоқ, кераксиз нарсани сотиб олмоқ

to ~ a pup кераксиз буюмни харид қилмоқ; алданиб қолмоқ

to ~ secondhand ишлатилган молни харид қилмоқ

to ~ (sell) securities for own account қимматли қоғозларни ўз ҳисобидан харид қилмоқ (сотмоқ)

to ~ (sell) securities with own money қимматли қоғозларни ўз ҳисобидан харид қилмоқ (сотмоқ)

to ~ shares акцияларни харид қилмоқ

to ~ spot 1. мавжуд молни харид қилмоқ; 2. нақд пулга харид қилмоқ

to ~ a spread "маржани" кўтарасига сотиб олмоқ"

(муддати яқин шартномани сотиб олмоқ ва шартномани янада муайян муддатга сотмоқ)

to ~ stock акцияларни харид қилмоқ

to ~ to previous agreement олдинги шартнома шартлари асосида харид қилмоқ

to ~ turnover кам фойда кўриб, катта ҳажмда мол айланишига эришмоқ

to ~ up 1. сотиб олмоқ, ҳаммасини сотиб олмоқ; 2. нархни ошириш мақсадида бирор компаниянинг мумкин қадар кўпроқ акцияларини сотиб олмоқ; 3. мол бозори устидан назорат ўрнатиш мақсадида бирор компаниянинг мумкин қадар кўпроқ акцияларини сотиб олмоқ

to ~ up issue заёмни сотиб олмоқ

BUY-BACK *n* 1. қайтадан сотиб олиш; 2. ўрнини қопловчи битим

to enter into ~ ўрнини қопловчи битим тузмоқ

share ~ корпорацияларни\* сотиб олиш

BUYER *n* 1. харидор; 2. моллар харид қилувчи; 3. харид қилувчи

~ of option опцион\* харидори

~ of securities қимматли қоғозлар харидори

~'s check харидор чеки

~'s credit истеъмол кредити; харидор кредити

~'s debt харидор қарзи

~'s market харидор бозори

~'s option харидор опцион\*, "колл" опцион (қимматли

қоғозни белгиланган нархда сотиб олиш ҳуқуқи)

~'s option to double харидорнинг иккиёқлама опционни\*

~s over харидорларнинг сотувчилардан кўплиги

~'s price харидорлар учун фойдали нарх; паст нарх to familiarize the ~s with the new offerings харидорларни янги моллар билан таниш-тирмақ; харидорларни янги моллар ҳақида хабардор қилмоқ

auction ~ кимосди савдосидаги харидор

average ~ ўртача харидор

cash ~ нақд пулга харид қилувчи улгуржи савдогар

chief ~ бош харидор

commission ~ савдо воситачиси, воситачи

domestic ~ маҳаллий харидор

exclusive ~ мутлақ ҳуқуқларга эга харидор

feeder ~ бўрдоқига боқиш учун қорамол олиб сотувчи

foreign ~ чет эллик харидор

heavy ~ йирик харидор

industrial ~ саноат корхонаси харидчиси

intermediate ~ оралиқ харидор, воситачи

light ~ майда харидор

local ~ маҳаллий харидор

marginal ~ "чегараланган" харидор

material ~ фирманинг хомашё ва бутловчи қисмларни

сотиб олишга масъул ходими

order ~ молларни йирик истеъмолчилар буюртмасига

кўра харид қилувчи улгуржи савдогар

packer ~ гўшти қайта ишлаш корхонаси учун чорва

моллари олиб сотувчи

potential ~ пайдо бўлиши

мумкин бўлган харидор

prime ~ бош харидор

prospective ~ кўзда

тутилаётган харидор

resident ~ 1. марказий бозордаги маклер\*, 2. молларни

чекланган доирадаги мижозлардан воситачилик асосида

сотиб олувчи улгуржи корхона;

3. маҳаллий бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини

сотиб олувчи улгуржи корхона;

4. маҳаллий харидор

retail ~ чакана харидор

sharp-bargaining ~ манфаатлироқ шартлар учун астойдил ҳаракат қилаётган

харидор

slaughter ~ сўйиладиган чорва молларни олиб сотувчи

sophisticated ~s малакали харидорлар

syndicate ~s саноат фирмалари

гуруҳини моддий-техника жиҳатидан таъминлаш

вакиллиги; таъминот фирмаси

travelling ~ сайёр улгуржи харидор

unsophisticated ~s малакасиз харидорлар

BUYER-UP *n* олиб сотувчи, олибсотар

BUYING *n* харид қилиш, сотиб олиш

~ back қайтариб сотиб олиш

~ brokerage сотув воситачилик йиғими

~ climax акциялар нархининг



аста-секин кўтарилганидан сўнг кескин ошиб кетиши

~ for settlement муддатга харид қилиш

~ forward форвард\* асосида харид қилиш

~ from stock оғбордан харид қилиш

~ group қимматли қоғозларни харид қилиш синдикати\*

~ hedge харидорни талафотлардан суғурталаш; харидорлар хеджи\*

~ in 1. битимни ёпиш; 2. биржанинг қимматли қоғозларни харидорларга сотувчилар ҳисобидан етказиб бериши; 3. ҳукуматнинг ўз мамлакати валютасини халқаро бозордаги курсини бир маромда сақлаб туриш мақсадида сотиб олиши; 4. харидорнинг позицияларини\* ҳисобга олиш учун бир хил қимматли шартнома опционини\* харид қилиши

~ in cash дарҳол нақд пул тўлаб сотиб олиш

~ on bad news қимматли қоғозларни нохуш хабарлар келиб турган шароитда харид қилиш (*курсларнинг кейинчалик ўсишини назарда тутган ҳолда*)

~ on balance хариднинг сотувдан ошиб кетиши

~ on credit кредитга харид қилиш

~ on margin қимматли қоғозларни сумманинг бир қисмини кредит ҳисобидан тўлаб харид қилиш

~ on scale қимматли қоғозларни курсларнинг пасайиши даврида харид қилиш

~ on shoestring кам даромадли қимматли қоғозларни харид қилиш

~ on the bad news нохуш хабарлар иқтисодий аҳволнинг пасайишига олиб келади, деган тахминга асосланган биржа стратегияси

~ order харид қилиш ҳақидаги буйруқ

~-out корхонадаги улушни қайта сотиб олиш

~ outright дарҳол нақд пул тўлаб харид қилиш

~ power харид қуввати, харид қобилияти

~ price харидор нархи; харидор курси

~ quotation харидор нархи; харидор курси

~ gate харидор курси

~ source (мол) етказиб беврвчи

~ to minimum inventory захира даражаси белгиланган энг кам миқдоргача пасайганида харид қилиш

~-up сотиб олиш

bulk ~ улгуржи харид қилиш

bull ~ нархни атайлаб ошириш пайтида харид қилиш

cash ~ нақд пулга харид қилиш

central ~ марказий тарзда харид қилиш

credit ~ кредитга харид қилиш

direct ~ бевосита харид қилиш

effective ~ харид қилишнинг оқилона услублари

forward ~ 1. келгусида фойдаланиш учун сотиб олиш; захира учун сотиб олиш;

2. муддатга харид қилиш

fresh ~ яқинда харид қилинган нарса  
 group ~ терма тарзда харид қилиш  
 hand-to-mouth ~ 1. хомашё ёки материалларни бевосита ишлаб чиқаришга йўналтирилган ҳолда харид қилиш; 2. молларни дўкондаги мол захираларининг энг кам даражада сақлаб турилишини мўлжаллаб харид қилиш  
 heavy ~ йирик харидлар  
 hedge ~ 1. нарх-наво ўсишидан хавфсираб, керагида фойдаланиш мақсадида харид қилиш; 2. кўрилиши мумкин бўлган талафотларнинг олдини олиш мақсадида харид қилиш  
 impulse ~ мўлжал билан қилинмаган харид; беихтиёр харид қилиш (олдидан ўйламасдан)  
 instalment ~ ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан харид қилиш  
 management ~ (касбий омилкор) бошқарувчилар гуруҳининг бегона компания акциялари назорат тўпламини харид қилиш  
 margin ~ қимматли қоғозларни сумманинг бир қисмини кредит ҳисобидан тўлаб харид қилиш  
 memorandum ~ молни истеъмолчига сотилгандан сўнг ҳақ тўлаш шарти билан харид қилиш  
 order ~ буюртмага кўра харид қилиш  
 organizational ~ корхона эҳтиёжлари учун харид қилиш

panic ~ саросима билан сотиб олиш, молни саросима билан сотиб олиш  
 precautionary ~ захирага харид қилиш  
 preclusive ~ огоҳлантирувчи харид (мол ёки хизматларни бошқа харидор сотиб олишининг олдини олиш мақсадида)  
 quantity ~ улгуржи харидлар  
 reciprocal ~s икки томонлама асосда харид қилиш  
 retail ~ молларни чакана нархда харид қилиш  
 scale ~ курсларнинг пасайиши даврида харид қилиш  
 scare ~ молларни саросима билан харид қилиш  
 shop ~ омилкорлик билан қилинган харид  
 speculative ~ чайқов нархида сотиб олиш  
 spot ~ нақд пулга харид қилиш  
 support ~ нарх-навони сақлаб туриш мақсадида сотиб олиш  
 unpremediated ~ мўлжал билан қилинмаган харид  
 BUYING-IN *n* молни кимошди савдосидан қайтариб олиш  
 BUY-OUT *n* қайта сотиб олиш; акцияларнинг назорат тўпламини сотиб олиш  
 leveraged ~ акциялар назорат тўпламини кредит ҳисобидан қайта сотиб олиш  
 management ~ бошқарувнинг корхонани (қайта) сотиб олиши  
 BY-BIDDER *n* кимошди савдосидаги сохта харидор  
 BU-EFFECT *n* қўшимча самара, қўшимча ҳодиса

**BYLAW** *n* 1. устав, ички тартиб қоидалари; 2. қонуний ҳужжат

~ of bank банк устави

**BYPASS** *n* 1. айланма йўл; 2. айланиб ўтиш, молни хилоф равишда харид қилиш

**BYPASS** *v* 1. айланиб ўтмоқ; 2. мақсадга эришиш учун айланма йўллардан бормоқ

**BYPASSING** *n* айланиб ўтиш, айланма йўл

~ of wholesaler молларни улгуржи савдо бўғинини четлаб ўтиб харид қилиш (бевосита ишлаб чиқарувчилардан)

**BY-PRODUCT** *n* қўшимча маҳсулот

**BYROAD** *n* айланиб ўтиш, айланма

**BYWORK** *n* ёрдамчи иш

## C c

**CAB** *n* такси

**CABIN** *n* каюта (кемадаги бўлма)

**CABINET** *n* маҳкама, ҳукумат

**CABINET** *a* нофаол; бозори касод (касодга учраган); ёпиқ

~ **bid** нофаол облигацияларни бозорнинг асосий иштирокчиларига рамзий нархда сотиш

~ **crowd** нофаол облигациялар сотиладиган бўлим

~ **security** нофаол қимматли қоғоз

~ **stock** бозори касод (касодга учраган) акциялар

~ **trading** облигацияларнинг ёпиқ савдоси

**CABLE** *n* 1. телеграмма; каблограмма (сув ости кабели орқали бериладиган телеграмма); 2. фунт стерлингнинг АҚШ долларига нисбатан курси; 3. фунт стерлинг – АҚШ доллари битими; 4. *pl* телеграф ўтказмалари курслари; телеграф ўтказмалари; 5. кабель

~ **desk** АҚШ доллари – фунт стерлинг битимларига ихтисослашадиган валюта дилерининг иш жойи

~ **rate** фунт стерлингнинг

АҚШ долларига нисбатан курси

~ **remittance** телеграф орқали пул ўтказиш

~ **transfer** телеграф орқали пул ўтказиш

**ciphered** ~ шартли белгили телеграмма

**express** ~ шошилинч телеграмма

**official** ~ хизмат телеграммаси

**open language** ~ очиқ матнли телеграмма

**ordinary** ~ оддий телеграмма

**urgent** ~ шошилинч телеграмма

**CABLEGRAMME** *n* каблограмма (сув ости кабели орқали юбориладиган телеграмма)

**CABLESE** *n* ўзига хос қисқа "телеграф тили"

**CA'CANNY** *n* ишни қасддан чўзиш

**CADASTRE** *n* кадастр\*

**land** ~ ер кадастри\*

**CAGE** *n* 1. банкнинг ҳисобга олиш ва ҳисоб-китоб бўлими; 2. банкнинг пул ҳисоб-китоблари хонаси; касса

**CALCULABLE** *a* ҳисобга олинadиган, ҳисобланадиган

**CALCULATE** *v* 1. ҳисобламоқ, ҳисоблаб чиқармоқ; санаб

чиқмоқ, санамоқ; 2. ҳисоблаб чиқмоқ; таннархни ҳисобламоқ; 3. мўлжалламоқ, чамаламоқ  
to ~ interest фоизларни ҳисобламоқ

**CALCULATED** *a* ҳисобланган; ҳисоблаб чиқилган; ҳисоб-китоб қилинган

~ income ҳисоблаб чиқилган даромад

~ price ҳисоб-китоб қилинган нарх

~ risk ҳисоб-китоб қилинган таваккалчилик

**CALCULATING** *a* 1. ҳисоблаш...; 2. режали, тежамкор  
~ agent узоқ муддатли своп\* бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишга ваколатли муассаса

~ date узоқ муддатли своплар\* бўйича мунтазам равишда маблағ ўтказиб туриш зарурлиги ҳақида хабар қилинган сана

~ period узоқ муддатли свопда\* фоиз тўлаш даври

**CALCULATION** *n* 1. ҳисоблаш, санаб чиқиш; ҳисоб-китоб қилиш; 2. смета\*; таннархни ҳисоблаш; 3. *pl* ҳисоблаб чиқариш

~ of advance бўнак миқдори  
~ of an amount суммани ҳисоблаш

~ of charges чиқимларни ҳисоб-китоб қилиш

~ of cost таннархни ҳисоб-китоб қилиш

~ of costs харажатлар сметаси\*; харажатларни ҳисоб-китоб қилиш

~ of damage зарарларни ҳисоблаб чиқиш

~ of demurrage демережни\* ҳисоб-китоб қилиш

~ of discount дисконтни\* ҳисоб-китоб қилиш

~ of efficiency самарадорликни ҳисоб-китоб қилиш

~ of exchange rate валюта курсини ҳисоблаб чиқиш

~ of expenses харажатларни ҳисоблаш

~ of interest фоизларни ҳисоб-китоб қилиш

~ of losses талафотларни ҳисоб-китоб қилиш

~ of parities паритетларни\* ҳисоб-китоб қилиш

~ of percentages фоизларни ҳисоб-китоб қилиш

~ of premiums мукофотларни ҳисоблаш

~ of prices нархларни ҳисоблаб чиқиш

~ of proceeds даромадларни ҳисоб-китоб қилиш

~ of profitability даромадлиликни ҳисоб-китоб қилиш, тежамкорликни ҳисоблаб чиқиш

~ of profits фойдани ҳисоб-китоб қилиш

~ of royalty роялтини\* ҳисоб-китоб қилиш

~ of value қийматни ҳисоб-китоб қилиш

to make a ~ ҳисоб-китоб қилмоқ

analytical ~ ҳисоб-китобнинг таҳлилий усуллари

capacity ~ қувватни ҳисоб-китоб қилиш

checking ~ текширув ҳисоб-китоби

cost-benefit ~ 1. харажатлар ва натижалар ҳисоб-китоби;

2. харажатлар ва фойдалар сметаси\*

**detailed** ~ муфассал ҳисоб-китоб

**exact** ~ аниқ ҳисоблаб чиқариш, аниқ ҳисоб

**faulty** ~ нотўғри ҳисоблаш; ҳисоб-китобдаги хато

**final** ~ якуний ҳисоб-китоб

**interim** ~ оралик ҳисоб-китоб

**long-term** ~ узоқ муддатга мўлжаллаб ҳисоб-китоб қилиш

**loose** ~ тахминий ҳисоб-китоб

**loosy** ~ ноаниқ (тахминий) ҳисоб-китоб

**overall** ~ умумий ҳисоб-китоб

**planned cost** ~ режадаги харажатларни ҳисоб-китоб қилиш

**post** ~ амалдаги харажатларни ҳисоблаб чиқиш

**preliminary** ~ дастлабки смета\*

**price** ~ нархни ҳисоблаб чиқариш

**progressive** ~ of interests  
фоизларни ортиб бориш тартибида ҳисоблаш

**quantity** ~ товар-моддий бойликларни миқдорий ҳисобга олиш

**rate** ~ йиғим миқдорини ҳисоблаш

**rough** ~ тахминий смета\*

**routine** ~ одатдаги ҳисоб-китоб

**tentative** ~ олдиндан ҳисоблаш

**trial-end-error** ~ синов ва хатолар усули билан ҳисоблаш

**CALCULATOR** *n* 1. ҳисобловчи; 2. ҳисоблаш ма-

шинаси; ҳисоблаш қурилмаси, ҳисоблагич

**CALENDAR** *n* 1. тақвим;

2. қимматли қоғозлар чиқариш жадвали; 3. сотувга қўйиладиган қимматли

қоғозлар рўйхати

**advertising** ~ реклама тақвими

**appointments** ~ эсдалик тақвим

**exhibition** ~ кўргазма тақвими

**fair** ~ ярмарка тақвими

**CALIBRATE** *v* 1. текширмоқ;

солиштириб чиқмоқ, таққосламоқ; 2. мезонга мувофиқлаштирмоқ;

3. аниқ ўлчамга келтирмоқ

**CALIBRATION** *n* 1. текширув;

2. аниқ ўлчамга келтириш;

3. мезонга мувофиқлаш

**CALL** *n* 1. телефон орқали

чақириш, қўнғироқ; қўнғироқ қилиш; 2. ташриф, ташриф буюриш; кириш (*кеманинг бандаргоҳга*);

3. талаб, талабнома; 4. банкнинг шартлар бузилганлиги туфайли қарз олувчидан кредитни

муддатидан олдин тўлашни талаб қилиши;

5. устама ҳақли битим, "колл" опцион (*қимматли қоғозларни ёки молни олдиндан устама ҳақ тўлаган ҳолда муайян муддат давомида шартлашиб*

*олинган нархда харид қилиш ҳуқуқи*);

6. қайта сотиб олиш; қийматини тўлаш;

7. эмитетнинг\* қимматли қоғозлар қийматини муддатидан олдин қоплаш ҳуқуқи

~ at a port бандаргоҳга кириш

~ -back битимни ниҳоясига етказиш мақсадида харидорга муурожаат қилиш

~ date эмитент\* облигацияларнинг қийматини муддатидан олдин тўлаган ҳолда қайтариб олган сана; қимматли қоғозлар қайтариб олинган сана

~ deposit талаб қилинганда бериладиган омонат

~ deposit account талаб қилинганда бериладиган омонатлар ҳисобрақами

~ feature облигацияларни муддатидан олдин қайта сотиб олиш ҳуқуқи ҳақидаги қўшимча шарт

~ for bids акциялар харид қилиш учун талабнома беришни таклиф қилиш

~ for funds маблағларни жалб этиш; пул тўланишини талаб қилиш

~ for money маблағларни жалб этиш

~ for payment тўловни талаб қилиш

~ for redemption 1. қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш учун кўрсатишни талаб қилиш; 2. облигациялар қиймати тўланишини эълон қилиш

~ for supply мол етказиб беришни талаб қилиш

~ for tenders 1. савдога таклиф этиш; 2. тендер\*, бюртмани жойлаштириш бўйича танлов

~ holder опцион\* соҳиби, опцион\* эгаси

~ is expiring опцион\* муддати тугаяпти

~ letter навбатдаги бадалли талаб қилиш

~ loan онкол ссудаси\*, талаб қилинганда қайтариладиган ссуда

~ loan rate талаб қилинганда қайтариладиган ссуда фоиз ставкаси

~ money онкол ссудаси\*; талаб қилинганда қайтариладиган ссуда

~ money market талаб қилинганда қайтариладиган ссудалар бозори

~ money rate талаб қилинганда қайтариладиган ссуда фоиз ставкаси

~ of more устама ҳақли бир марталик қўшимча битимни амалга ошириш ҳуқуқи

~ of twice more устама ҳақли икки марталик қўшимча битимни амалга ошириш ҳуқуқи

~ on goods молни чақириб олиш

~ on shares акциялар учун бадал тўлаш ҳақидаги талабнома

~ option "колл" опциони (қимматли қоғозларни белгиланган нархда харид қилиш ҳуқуқи)

~ option day "колл" опциони\* харид қилинган сана

~ plan телефон қўнғироқлари жадвали (банк мижозлари-га)

~ premium опционли битимда\* тўланадиган устама ҳақ; олдиндан тўланадиган устама ҳақ

~ preparation телеграф орқали боғланишга тайёрланиш (мижоз билан)

~ price облигациянинг муддатдан олдин қайта сотиб олиш пайтидаги нархи

~ protection эмитентнинг\* қимматли қоғозни белгиланган муддатдан олдин қайта сотиб олиши тақиқланган шарт

~ protection warrant инвесторни қимматли қоғозлар қийматини муддатидан олдин тўлашдан ҳимояловчи облигация варранти\*

~ provision облигацияларни муддатидан олдин қайта сотиб олиш ҳуқуқи ҳақидаги қўшимча шарт

~ rate талаб этилганда қайтариладиган ссудалар фоиз ставкаси, онкол ставкаси\*

~ report ҳоқимият талабига биноан тақдим этиладиган молиявий ҳисобот

~ rule харидорнинг биржа ёпилиши олдидан белгилаган расмий нархи

~ transaction онкол битими\*

~ via operator коммутатор орқали телефонда сўзлашиш

~ warrant опцион\* кафолати

~ writer шартномани келишилган нархда имзолаган шахс

to have the ~ харидоргир (бозори чаққон) бўлмоқ

to make a ~ for additional cover қўшимча таъминотни талаб қилмоқ

to make a ~ for capital сармо-яни талаб қилиб олмоқ

accusing ~ чақириш (*фирма вакилини рекламация\* кўрсатиш учун*)

at ~ талаб бўйича

bank ~ банк ҳисобрақами

тақдим этилишини талаб қилиш

business ~ хизмат юзасидан ташриф буюриш

collect ~ ҳақини чақириладиган мижоз тўлайдиган телефон мулоқоти

comptroller's ~ пул муомаласи бўйича назоратчининг банк ҳисоботини тақдим этиш ҳақидаги талаби

courtesy ~ илтифотли (самимий) ташриф

delayed ~ кейинга қолдирилган қайта сотиб олиш (қийматни тўлаш)

distress ~ денгиздаги ҳалокат тўғрисидаги хабар

double ~ қарз олувчига қайта сотиб олиниши лозим бўлган облигациялар суммасини икки баравар ошириш ҳуқуқини берувчи қайта сотиб олиш фонди тўғрисидаги битим

due at ~ талаб қилиш бўйича муддатли

duty ~ расмий ташриф

emergency ~ шошилинч тарзда телефон орқали чақириш

local ~ маҳаллий телефон орқали чақириш

maintenance ~ брокернинг\* мижоздан ўз ҳисобрақами тўлдирилишини талаб қилиши

margin ~ қўшимча таъминот киритилишини талаб қилиш (*гаровга қўйилган қимматли қоғозлар курсининг пасайиши муносабати билан*)

national bank ~ миллий банклардан пул муомаласи бўйича назоратчига ҳисобот топширишни талаб қилиш



official ~ хизмат телефони орқали мулоқот

on ~ талаб бўйича

overseas ~ чет эллик мижоз билан телефон орқали мулоқот қилиш

person-to-person ~ олдиндан буюртма бериш асосида телефон орқали мулоқот қилиш

personal ~ олдиндан буюртма бериш асосида телефон орқали мулоқот қилиш

return ~ жавоб ташрифи

reverse (transfer) charge ~ ҳақини чақириладиган мижоз тўлайдиган телефон мулоқоти

service ~ (режадан ташқари) техник хизмат кўрсатиш ёки таъмирлаш талабномаси

toll ~ телефон орқали шаҳарлараро мулоқот

trunk ~ телефон орқали шаҳарлараро мулоқот

urgent ~ телефон орқали шошилинч тарзда чақириш

variable margin ~ ҳисоб-китоб палатасининг ўз аъзолари олдида қўядиган қўшимча таъминот киритиш ҳақидаги талаби

subject to ~ қайтарилиши лозим бўлган

to give for the ~ нарх-навони атайлаб ошириш пайтида нархлар тафовутини ҳисобга олиб харид қилмоқ

to make a ~ ташриф буюрмоқ

to pay a ~ on shares акцияларга бадал тўламоқ

to place a ~ телефон орқали сўзлашишга буюртма бермоқ

to take for the ~ нарх-навони атайлаб ошириш пайтида на-

рхлар тафовутини ҳисобга олиб сотмоқ

CALL *v* 1. қўнғироқ қилмоқ ёки телефон орқали гаплашмоқ; 2. ташриф буюрмоқ; кирмоқ (*бандаргоҳга*); 3. талаб қилмоқ (*тўловни*)

to ~ a loan ссуда тўланишини талаб қилмоқ

to ~ for талаб қилмоқ; сўрамоқ; сўров хати юбормоқ

to ~ for redemption облигациялар қиймати тўланишини эълон қилмоқ

to ~ for redemption of loan ссуда тўланишини талаб қилмоқ

to ~ for tenders савдони белгидамоқ (*тайинламоқ*), савдони эълон қилмоқ

to ~ in инкассация қилмоқ (*қарзларни*); тўлашни талаб қилмоқ (*қарзларни*); қайтаришни талаб қилмоқ (*қарзларни*); муомаладан чиқариб олмоқ (*пулни*)

to ~ in a debt қарздорнинг муайян мажбуриятларни бажармагани туфайли қарзни тўлиғича тўлашни талаб қилмоқ

to ~ in a mortgage гарон хатининг ижро этилишини (тўланишини) талаб қилмоқ

to ~ in bonds облигациялар қиймати тўланишини эълон қилмоқ

to ~ in preferred shares имтиёзли акцияларни муомаладан чиқармоқ

to ~ in preferred stocks имтиёзли акцияларни муомаладан чиқармоқ

to ~ in shares акцияларни муомаладан чиқармоқ

to ~ in stocks акцияларни муомаладан чиқармоқ

to ~ off чақириб олмоқ, бекор қилмоқ

to ~ off a deal савдо битимини бекор қилмоқ

to ~ upon the pool фонддан маблағ олмоқ

**CALLABILITY** *n* тўлов муддати келгунига қадар облигацияларни талаб қилиб олиш ҳуқуқи

**CALLABLE** *a* қайта сотиб олиниши лозим бўлган; талаб қилиб олиниши мумкин бўлган; чақириб олинадиган ~ before maturity тўлов муддати келгунига қадар ундириб олиниши лозим бўлган

~ bond муддатидан олдин тўлатиш ҳуқуқини берувчи облигация, чақириб (қайтариб олинадиган) облигация ~ capital сармоянинг банк талабига кўра топшириладиган тўланмаган қисми

~ preferred stock 1. чақириб (қайтариб) олинадиган имтиёзли акциялар; 2. қиймат тўланишига тақдим қилиниши мумкин бўлган имтиёзли акциялар

~ swap муддатидан олдин бажарилиши мумкин бўлган форизли своп\*

**CALL-BACK** *n* 1. жавоб ташрифи; 2. қайтариш; 3. битимни ниҳоясига етказиш мақсадида истеъмолчига муурожаат қилиш; 4. ишга чақириб (танаффусдан сўнг)

**CALLED** *a* 1. қиймати тўланган; 2. бажарилган, ижро этилган

~ away 1. муддатидан олдин

қиймати тўланган (облигация ҳақида); 2. ижро этилган (қимматли қоғозлар етказиб берилишини талаб этаётган опцион)\* ҳақида)

~ bond муддатидан олдин қиймати тўланган облигация ~-up capital чиқарилган акциялар нархининг тўланиши зарур бўлган қисми

**CALLER** *n* ташриф буюрувчи

**CALLING** *n* 1. мансабдор шахс; 2. касб, машғулот; 3. чақириб, чақириб, чақирув

~ officer кредитлар назоратчиси

~ the share-holders together акциядорларни чақириб

**CALLS** *n* янги акциялар учун тўланадиган бадаллар

**CAMBISM** *n* валюта операцияларини амалга ошириш санъати

**CAMBIST** *n* камбист (валюта операциялари мутахассиси); валюта биржаси дилери\*

**CAMBISTRY** *n* валюта операцияларини амалга ошириш санъати

**CAMBRIDGE:**

C. equation Кембриж тенгламаси (пуллинг миқдорий назариясида)

**CAMERALISM** *n* камерализм\* (меркантилизмнинг\* тури)

**CAMPAIGN** *n* 1. тадбир; 2. биржа чайқовчиларининг акциялар курсига таъсир кўрсатиш мақсадидаги сохта ҳаракатлари

~ credit чет элик хомашё ишлаб чиқарувчига берилдиган кредит

to carry on a ~ тадбирни ўтказмоқ

to conduct a ~ тадбирни ўтказмоқ

to enter upon a ~ тадбирни бошламоқ

to launch a ~ тадбирни бошламоқ

to start a ~ тадбирни бошламоқ

to support a ~ тадбирни қўллаб-қувватламоқ

to undertake a ~ тадбирни уюштирмоқ

to wage a ~ тадбирни олиб бормоқ

advertising ~ реклама тадбири

dear ~ нарх-навони атайлаб оширишга қаратилган чайқовчилик

bull ~ нарх-навони атайлаб пасайтиришга қаратилган чайқовчилик

canvassing ~ реклама тадбири

combined ~ биргаликдаги тадбир

current ~ жорий тадбир

economy ~ харажатларни қисқартириш мақсадидаги тадбир

editorial ~ матбуотда ўтказиладиган тадбир

election ~ сайлов олди тадбири

extensive ~ кенг миқёсли тадбир

international ~ халқаро миқёсдаги тадбир

joint ~ биргаликдаги тадбир

marketing ~ мол сотиш (ўтказиш)ни ташкил этиш ва рағбатлантириш мақсадидаги тадбир

press ~ матбуотда ўтказиладиган тадбир

press advertising ~ матбуотдаги реклама тадбири

promotion ~ молни бозорда ўтказиш мақсадидаги тадбир

promotional ~ молни бозорда ўтказиш мақсадидаги тадбир

publicity ~ реклама тадбири

public relations ~ фирма фаолиятини ёритишга йўналтирилган тадбир

sales ~ мол сотиш (ўтказиш)ни ташкил этиш ва рағбатлантириш мақсадидаги тадбир

savings drive ~ омонатларни жалб қилиш дастури

selling ~ мол сотиш (ўтказиш)ни ташкил этиш ва рағбатлантириш мақсадидаги тадбир

trade press ~ матбуотдаги савдо мақсадидаги тадбир

CANADA *n* Канада доллари

CANADIAN:

C. agency АҚШдаги Канада банки ташкил этган вакил банк

C. dollar Канада доллари

CANCEL *v* 1. бекор қилмоқ; кучдан қолдирмоқ; қонуний кучдан қолдирмоқ; 2. қийматни тўламоқ (қопламоқ); 3. бекор қилмоқ

to ~ a banking license банк лицензиясини бекор қилмоқ

to ~ a bill векселни бекор қилмоқ

to ~ check чекни бекор қилмоқ

to ~ a commitment мажбуриятни бекор қилмоқ

to ~ a consortium agreement консорциум\* ташкил этиш

ҳақидаги битимни бекор қилмоқ

to ~ a contract шартномани бекор қилмоқ

to ~ a credit кредитни тўламоқ (қайтармоқ)

to ~ a deal битимдан воз кечмоқ, битимни бекор қилмоқ

to ~ a debt қарзни бекор қилмоқ

to ~ a letter of credit аккредитивни\* бекор қилмоқ

to ~ a loan қарзни бекор қилмоқ

to ~ a mortgage гаров хатини бекор қилмоқ

to ~ a mortgage deed гаров гувоҳномасини бекор қилинган деб эълон қилмоқ

to ~ an engagement мажбуриятни бекор қилмоқ

to ~ an obligation мажбуриятдан воз кечмоқ

to ~ an order буюртмани бекор қилмоқ

to ~ a power of attorney ишонч қоғозини қонуний кучга эга эмаслигини эълон қилмоқ

to ~ a treaty шартномани кучдан қолдирмоқ (бекор қилмоқ)

to ~ out бараварлаштирмоқ, таъсирини йўқотмоқ, бетараф қилмоқ (*мас. рақобатчининг ҳаракатларини*)

CANCELLATION *n* 1. кучдан қолдириш, бекор қилиш, йўқ қилиш; 2. қийматни тўлаш; 3. якуний тўлов (*мас. молиявий мажбуриятларни*); 4. бузиш, бекор қилиш  
~ of agreement шартномани бекор қилиш

~ of bankbook омонат дафтарчасини бекор қилиш

~ of charter чартерни\* бекор қилиш

~ of check чек бўйича тўловни тўхтатиб қўйиш

~ of contract шартномани бекор қилиш

~ of deal битимни бекор қилиш

~ of debt қарзни бекор қилиш

~ of an exhibition кўргазмани бекор қилиш

~ of a letter of credit аккредитивни\* бекор қилиш

~ of a license лицензияни бекор қилиш

~ of liability пул мажбурияти бўйича қийматни тўлаш

~ of a mortgage гаров хатини бекор қилиш

~ of an order буюртмани бекор қилиш

~ of a policy суғурта шартномасини бекор қилиш

~ of a premium мукофотни бекор қилиш

~ of registration қайдни бекор қилиш

~ of the sale сотувни бекор қилиш

~ of security қимматли қоғозни бекор қилиш

~ of securities йўқотилган қимматли қоғозларни қонуний кучга эга эмаслигини эълон қилиш

~ of stocks акцияларни бекор қилиш

~ of a tax солиқни бекор қилиш

~ of a trademark мол белгисини бекор қилиш

- ~ of transaction битимни бекор қилиш  
 ~ of a treaty шартномани бекор қилиш  
 partial ~ қисман бекор қилиш  
**CANCELLED** *a* кучдан қолдирилган; бекор қилинган; қиймати тўланган  
 ~ check тўланган чек; қиймати тўланган чек  
 ~ deal бекор қилинган битим  
 ~ debt ҳисобдан чиқарилган қарз  
 ~ endorsement ўчирилган индоссамент\*  
 ~ transaction бекор қилинган битим  
 untill ~ чақириб олингунга қадар  
**CANCELLING** *n* 1. бекор қилиш; кучдан қолдириш; тугатиш; 2. қийматни тўлаш  
**CANTEEN** *n* корхонадаги ошхона  
 to install *a* ~ ошхона очмоқ  
**CANVASS** *n* 1. маълумотларни тўплаш; 2. аҳолидан сўраб чиқиш; 3. йиғим (*буюртмаларни, обунани*); тўплаш (*овозларни*)  
**CANVASS** *v* 1. йиғмоқ (*буюртмаларни, обунани*); номзод учун ташвиқот қилмоқ; 2. аҳоли ўртасида сўров ўтказмоқ; 3. таҳлил қилмоқ; текшириб кўрмоқ  
 to ~ the market бозордаги иқтисодий аҳволни ўрганмоқ  
**CANVASSER** *n* 1. вакил; гушашта; 2. аҳоли ўртасида сўров ўтказаяётган шахс  
**CANVASSING** *n* буюртмаларни тўплаш  
 ~ of customers харидорларни жалб қилиш
- CAP** *n* 1. энг юқори чегара, юқори даража; 2. "кэп" (*1. облигация заёмда белгиланган энг юқори фоиз ставкаси; 2. банк устама ҳақ эвазига қарз маблағларининг белгиланган қийматини мижозга кафолатлайдиган битим*)  
 ~ rate loan энг юқори чегараси белгиланган ўзгарувчан фоиз ставкали кредит
- CAPABILITY** *n* 1. қобилият, лаёқат; 2. *pl* имкониятлар; 3. энг юқори унумдорлик; энг юқори қувват; энг кўп ишлаб чиқариш  
 ~-based recruitment қобилиятларни баҳолашга асосланган ҳолда (*банкда ишлаш учун*) ходимлар танлаш  
 ~ to bid савдода (муваффақиятли) қатнашиш қобилияти; савдода рақобат қила олиш қобилияти  
 ~ to perform маҳсулот ишлаб чиқариш қобилияти; хизмат кўрсатиш қобилияти  
 contractor ~ies пудратчининг имкониятлари  
 conversion ~ ишлаб чиқаришни ўзгартиришга лаёқатлилиқ  
 high volume production ~ юқори маҳсулдорлик  
 land ~ тупроқнинг ҳосилдорлиги  
 management ~ies бошқариш қобилияти  
 manufacturing ~ies 1. ишлаб чиқариш имкониятлари (*ишлов бериш саноати тармоқларининг*); 2. ишлаб чиқариш асоси

operating ~ies ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

operational ~ ишлаш қобилияти; фойдаланишга яроқлилик

performance ~ 1. техник тавсиф; 2. имконият доирасидаги маҳсулдорлик

process ~ ишлаб чиқаришнинг эришиш мумкин бўлган кўрсаткичлари

product ~ies маҳсулот тавсифи

production ~ ишлаб чиқариш қобилияти

production ~ies ишлаб чиқариш имкониятлари

quality ~ маҳсулот сифатини таъминлаш имконияти

**CAPABLE** *a* қобилиятли

~ of paying тўловга лаёқатли

**CAPACIOUS** *a* сиғимли

**CAPACITY** *n* 1. унумдорлик, маҳсулдорлик; белгиланган қувват; ишлаб чиқариш қуввати; ишлаб чиқариш имкониятлари; 2. қобилият, лаёқат; 3. молиявий бозор иштирокчисининг вазифалари; 4. сиғим; сиғимлилик; ҳажм; 5. ваколат; лавозим; 6. ҳуқуққа эга бўлиш қобилияти, ҳуқуқдорлик; ишга лаёқатлилик

~ available 1. мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари; мавжуд ишлаб чиқариш имкониятлари; 2. "...тайёрлаш учун буюртмалар қабул қиламиз", "ижарага берамиз" (*реклама эълонларида*)

~ for growth ўсишга қобилиятли (*йирик корпорациялар\* ҳақида*)

~ for labour ишлаш қобилияти

~ for work ишлаш қобилияти

~ in service амалдаги ишлаб чиқариш қуввати

~ of a car вагон сиғими

~ of market бозор сиғими (ҳажми)

~ of a plant завод қуввати

~ per unit ишлаб чиқариш бирлигига тўғри келадиган қувват

~ to buy debt қарзни тўлай олиш қобилияти; тўловга лаёқатлилик

~ to contract a loan қарз бўйича битим тузиш ҳуқуқи

~ to incur liability кафолат, кафолатлаш

~ to pay тўловга лаёқатлилик

~ to pay debt қарзни тўлай олиш қобилияти; тўловга лаёқатлилик

~ to produce маҳсулот ишлаб чиқариш лаёқати

~ to work меҳнатга лаёқатлилик

~ under normal operations меъерий иш шароитида имкон даражасидаги ишлаб чиқариш ҳажми; меъерий иш шароитидаги ишлаб чиқариш имкониятлари

to achieve the guaranteed ~ кафолатланган маҳсулдорликка эришмоқ

to attain the guaranteed ~ кафолатланган маҳсулдорликка эришмоқ

to raise competitive ~ of goods молларнинг рақобатбардошлилигини оширмоқ

to reach the designed ~ лойиҳа қувватига эришмоқ

to reach the guaranteed ~ ка-  
фолатланган маҳсулдорликка  
эришмоқ

to work at ~ тўла қувват  
билан ишламоқ

to work to ~ тўла қувват  
билан ишламоқ

to work below ~ иш билан  
тўла таъминланмаган ҳолда  
ишламоқ

absorbing ~ of the market бо-  
зорнинг ўзига сингдириш  
қобилияти

absorptive ~ of the market бо-  
зорнинг ўзига сингдириш  
қобилияти

active ~ ишга лаёқатлилик

aggregate ~ жами қувват

annual ~ йиллик унумдорлик

available ~ мавжуд қувват

average ~ ўртача қувват

average plant ~ корхонанинг  
меъёрий ишлаб чиқариш  
имкониятлари

basic ~ саноат асосий тар-  
моқларининг ишлаб чиқариш  
қуввати

borrowing ~ кредитга лаёқат-  
лилик (*қарз олувчининг*)

business ~ тадбиркорлик кор-  
хонасининг барқарорлик ёки  
ишончлилик даражаси

cargo ~ юк сифими

cargo-carrying ~ юк сифими

carrying ~ юк ташиш қоби-  
лияти

channel ~ анҳорнинг кема  
ўтказа олиш қобилияти

competitive ~ рақобатбардош-  
лик

competitive ~ of enterprises  
корхоналарнинг рақобатбар-  
дошлиги

consuming ~ истеъмол қоби-  
лияти

contractual ~ 1. шартнома  
имкониятлари; 2. ҳуқуққа  
эга бўлиш қобилияти, ҳуқуқ-  
дорлик

conveying ~ конвейернинг  
маҳсулдорлиги

credit ~ кредитга лаёқат-  
лилик

daily ~ бир кеча-кундузлик  
маҳсулдорлик

deadweight ~ кеманинг тўла  
юк кўтариш қобилияти

deadweight carrying ~ ке-  
манинг умумий юк кўтариш  
қобилияти

deadweight loading ~ ке-  
манинг соф юк кўтариш  
қобилияти

debt ~ қарз олиш имконияти

delivery ~ мол етказиб бериш  
имкониятлари

designed ~ лойиҳа қуввати

discharge ~ ўтказиш қоби-  
лияти; юк тушириш имко-  
ниятлари

disposing ~ васият қилиш  
имконияти

dual ~ фонд биржасида бро-  
кер ва бошлиқ вазифаларини  
бирлаштириш

earning ~ 1. ҳар бир  
шахснинг олиши мумкин  
бўлган даромади; 2. меҳнатга  
лаёқатлилик

economic ~ 1. иқтисодий  
объектларнинг ишлаб чиқа-  
риш имкониятлари; 2. энг  
кам солиштирма ишлаб чи-  
қариш харажатларига тўғри  
келадиган ишлаб чиқариш  
ҳажми; иқтисодий назарий  
қувват

effective ~ 1. амалдаги ишлаб  
чиқариш ҳажми; 2. амалда

эришиш мумкин бўлган  
 ишлаб чиқариш ҳажми  
**enterprise** ~ корхона қуввати  
**estimated** ~ лойиҳа қуввати  
**excess** ~ ортиқча ишлаб  
 чиқариш қуввати  
**expected actual** ~ кутилаётган  
 йиллик ишлаб чиқариш  
 ҳажми; кутилаётган йиллик  
 ишлаб чиқариш унумдорлиги  
**expected annual** ~  
 кутилаётган йиллик ишлаб  
 чиқариш ҳажми; кутилаётган  
 йиллик ишлаб чиқариш  
 унумдорлиги  
**factory** ~ корхонанинг ишлаб  
 чиқариш қуввати  
**field** ~ даланинг ҳосил-  
 дорлиги  
**financial** ~ молиявий имко-  
 ниятлар  
**freight** ~ юк ташиш қо-  
 биляти  
**freight-carrying** ~ юк кўта-  
 риш қобиляти  
**freight-hauling** ~ юк ташиш  
 қобиляти  
**fresh** ~ янги қувват  
**full operating** ~ ишлаб чиқа-  
 риш қувватлари иш билан  
 тўла таъминланган пайтдаги  
 тўла маҳсулдорлик  
**grazing** ~ яйловнинг маҳ-  
 сулдорлиги  
**guaranteed** ~ кафолатланган  
 қувват; кафолатланган маҳ-  
 сулдорлик  
**handling** ~ айланиш (*бандар-  
 гоҳдаги*)  
**hourly** ~ соатбай маҳсулдор-  
 лик  
**in a consultative** ~ мас-  
 лаҳатчи сифатида  
**in a managerial** ~ раҳбар  
 сифатида

**in an official** ~ расмий сурат-  
 да  
**in a professional** ~ мута-  
 хассис сифатида  
**in a supervisory** ~ назоратчи  
 сифатида  
**in an unofficial** ~ норасмий  
 суратда  
**ideal** ~ мукамал ишлаб чи-  
 қариш қуввати  
**idle** ~ фойдаланилмаётган  
 қувват  
**indicated** ~ белгиланган қув-  
 ват  
**industrial** ~ саноат тармоқ-  
 ларининг ишлаб чиқариш  
 қуввати  
**inefficient** ~ иқтисодий жи-  
 ҳатдан паст самарали ишлаб  
 чиқариш қуввати  
**labour** ~ меҳнат унумдорлиги  
**land** ~ ернинг ҳосилдорлиги  
**legal** ~ ишга лаёқатлилиқ  
**lending** ~ кредитга лаёқат-  
 лилик (*кредиторнинг*)  
**limited legal** ~ ишга чеклан-  
 ган лаёқатлилиқ  
**load** ~ иш билан таъминлаш  
 қуввати  
**load-carrying** ~ юк кўтариш  
 қобиляти (*ер усти транс-  
 порти ҳақида*)  
**load-lifting** ~ юк кўтариш  
 қобиляти (*самолёт ҳақида*)  
**machine** ~ (технологик) ас-  
 боб-ускуналарнинг унум-  
 дорлиги; асбоб-ускуналар  
 объектининг ишлаб чиқариш  
 қуввати  
**manufacturing** ~ ишлаб  
 чиқариш қуввати (*ишлов  
 бериш саноатининг*)  
**market** ~ бозор сифими (ҳаж-  
 ми)



**maximum** ~ энг юқори ишлаб чиқариш қуввати

**mechanical** ~ асбоб-ускуналарнинг унумдорлиги маълумотларига кўра ҳисобланган ишлаб чиқариш қуввати; мавжуд меҳнат воситаларининг (ҳисоб-китоб қилинган) унумдорлиги

**memoгу** ~ хотира ҳажми (*ЭҲМнинг*)

**net** ~ 1. соф сифим; 2. соф юк кўтариш қобилияти

**nominal** ~ белгиланган қувват

**normal** ~ ишлаб чиқаришнинг қатор йиллар учун кутилаётган ўртача ҳажми

**normal plant** ~ корхонанинг меъёрий чиқариш имкониятлари

**operating** ~ кутилаётган ишлаб чиқариш қуввати

**operational** ~ амалдаги қувват

**out-of-date** ~ эскирган ишлаб чиқариш фондлари

**output** ~ маҳсулдорлик, унумдорлик

**overload** ~ белгилангандан юқори унумдорлик

**paying** ~ тўловга лаёқатлилиқ

**peak** ~ энг юқори даражадаги қувват

**personal earning** ~ ҳар бир шахснинг кўриши мумкин бўлган даромади

**planned** ~ кутилаётган йиллик ишлаб чиқариш ҳажми; кутилаётган йиллик маҳсулдорлик; лойиҳа қуввати

**plant** ~ корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати

**plough** ~ ер ҳайдаш асбобининг унумдорлиги

**population carrying** ~ юзага келиши мумкин бўлган аҳоли сони

**port** ~ бандаргоҳнинг кема ўтказиш қобилияти

**practical** ~ амалдаги ишлаб чиқариш қуввати

**producing** ~ ишлаб чиқариш қобилияти; ишлаб чиқариш қуввати

**production** ~ ишлаб чиқариш қуввати; ишлаб чиқариш имкониятлари

**productive** ~ ишлаб чиқариш қуввати

**profit-earning** ~ фойдалилик

**project** ~ объект қуввати

**projected** ~ лойиҳа қуввати

**purchasing** ~ харид қобилияти

**rated** ~ ҳисоблаб чиқилган қувват; ҳисоблаб чиқилган маҳсулдорлик

**readily convertible** ~ies осонлик билан қайта қуриладиган (мосланадиган) ишлаб чиқариш қувватлари (*маҳсулотнинг янги турлари учун*)

**relative** ~ нисбий маҳсулдорлик

**reserve** ~ захирадаги қувват

**saturation** ~ бозорнинг маҳсулотларга тўлдириш қобилияти

**scheduled** ~ режалаштирилган маҳсулдорлик

**shopping** ~ чакана савдо дўконларининг умумий майдони

**spare** ~ захирадаги қувват

**specific** ~ солиштирма маҳсулдорлик

spending ~ харид лаёқати  
(аҳолининг)

standard ~ белгиланган маҳсулдорлик; ўртача қувват

storage ~ хотира ҳажми  
(ЭҲМнинг)

store ~ омборхона сифими

surplus ~ керагидан ортиқча қувват

surviving ~ сақланиб қолган ишлаб чиқариш қуввати  
(ҳарбий ҳаракатлар ёки табиий офатлардан кейинги)

taxable ~ солиқ тўлашга лаёқатлилик, солиқ тўлай олиш

theoretical ~ назарий маҳсулдорлик

total ~ умумий маҳсулдорлик; жами қувват

ultimate ~ тўла қувват

unused ~ фойдаланилмаган қувват

useful ~ фойдали унумдорлик

warehousing ~ омборхоналарнинг сифими

working ~ меҳнатга лаёқатлилик; ишлаш қобилияти

yearly ~ йиллик маҳсулдорлик

yielding ~ ҳосилдорлик

#### САРЕ:

C. scrip Жанубий Африка акциялари

#### САРИТА:

per ~ аҳоли жон бошига

#### САРИТАЛ:

C. Intelligence банкларга кредит даражаларини тайинлашга ихтисослашган "Кэпитал интеллиженс" фирмаси

C. Issues Committee Қимматли қоғозлар чиқарилишини

тартибга солиш қўмитаси  
(Буюк Британия)

CAPITAL n 1. сармоя; фондлар; асосий сармоя, узоқ муддатли сармоя; 2. корхона эгасининг ўз маблағлари; 3. ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун харид қилинган моллар; 4. пойтахт

~ account сармоя маблағлари ҳаракати ҳисобрақами

~ accumulation сармоя тўплаш

~ adequacy сармоянинг етарлилиги

~ adequacy ratio сармоя етарлилиги кўрсаткичи

~ adequacy requirement сармоя етарлилигини талаб қилиш

~ an interest асосий сумма ва (ўсган) фоизлар

~ appropriations сармоя сарфлашга ажратилган маблағ

~ assets сармоя

~ balance сармоя ҳаракати баланси

~ base банкнинг ўз маблағлари

~ budget бюджетнинг сармоя ҳисобрақамлари бўйича фондлар ҳаракати режалаштирилаётган қисми

~ certificate сармоя шаҳодатномаси

~ circulation сармоянинг кўчиб юриши

~ contribution сармоя сарфида иштирок этиш

~ cost for project лойиҳага мўлжалланган сармоя харажатлари

~ cover банк сармояси ўрнини қоплаш

~ **currency unit** "Скандинавизн бэнк" банкининг акцияларини ифодаловчи сунъий пул бирлиги (*Лондон*)  
 ~ **deficit** сармоя тақчиллиги  
 ~ **deposit** сармоя депозити\*  
 ~ **employed** фойдаланилаётган сармоя; инвестиция қилинган сармоя  
 ~ **expenditure** сармоя сарфи, инвестициялар  
 ~ **export** сармояни четга олиб чиқиш  
 ~ **exporting countries** четга сармоя чиқараётган мамлакатлар  
 ~ **export restrictions** сармояни четга олиб чиқишдаги чекловлар  
 ~ **flight** сармоянинг қочиши (*сармоянинг бирдан ёппасига четга оқиб кетиши*)  
 ~ **flow** 1. сармоя ҳаракати; 2. сармоянинг оқиб келиши; 3. сармоянинг бир жойдан иккинчи жойга қўйилиши  
 ~ **formation** 1. сармоянинг вужудга келиши; 2. сармоя сарфлаш  
 ~ **fund** асосий сармоя фонди; асосий фонд  
 ~ **gain** сармоя ўсишидан кўрилган даромад  
 ~ **gain distribution** сармоя ўсишидан кўрилган даромадни тақсимлаш  
 ~ **gain on bonds** облигациялар сармоясининг ўсиши  
 ~ **gain on drawn bond** қуръа бўйича қиймати тўланиши лозим бўлган белгиланган ставкали облигациялар сармоясининг ўсиши

~ **gain on shares** акциялар сармоясининг ўсиши  
 ~ **gain tax** сармоя ўсишидан кўриладиган даромад солиғи  
 ~ **gearing** хусусий ва қарзга олинган сармоялар ўртасидаги нисбат  
 ~ **goods** 1. ишлаб чиқариш воситалари; 2. асосий сармоя  
 ~ **import** четдан сармоя келтириш  
 ~ **importing countries** четдан сармоя келтираётган мамлакатлар  
 ~ **income** сармоядан кўриладиган даромад  
 ~ **increase** сармоянинг ўсиши  
 ~ **inflow** сармоянинг оқиб келиши  
 ~ **influx** сармоянинг оқиб келиши  
 ~ **injection** сармоя сарфлаш  
 ~ **insurance** сармояларни сугурталаш (*ренталарни\* сугурта қилишдан фарқли равишда*)  
 ~ **investment** 1. сармоя сарфлари, инвестициялар; 2. ноликвид қимматли қоғозларга\* маблағ сарфлаш; 3. сармоя активларига\* маблағ сарфлаш  
 ~ **investment loan** белгилаб қўйилган активларни\* маблағ билан таъминлаш учун бериладиган кредит  
 ~ **investment organization** инвестиция ташкилоти  
 ~ **investment project** инвестиция лойиҳаси  
 ~ **issue** қимматли қоғозлар чиқариш  
 ~ **lease** активларни\* ижарага бериш

~ lenders сармояни кредитга бераётган сармоядорлар  
 ~ leverage 1. компаниянинг хусусий ва қарзга олинган маблағлари ўртасидаги нисбат; 2. қарзга олинган маблағлар ҳисобига қўшимча даромад олишни таъминлаш  
 ~ levy сармоя солиғи  
 ~ locked up in land ер-мулкка сарфланган сармоя  
 ~ market узоқ муддатли ссуда сармояси бозори  
 ~ market credit узоқ муддатли сармоялар бозорида олинган кредит  
 ~ movement сармоя ҳаракати  
 ~ of average composition ўртача тузилишдаги сармоя  
 ~ of bank банк сармояси  
 ~ of circulation муомаладаги сармоя  
 ~ of a company компаниянинг акциядорлик сармояси  
 ~ of a corporation акциядорлик жамияти сармояси  
 ~ of higher composition юқори тузилишдаги сармоя  
 ~ of lower composition қуйи тузилишдаги сармоя  
 ~ of society ижтимоий сармоя  
 ~ operation сармоя битими  
 ~ outflow 1. сармоянинг оқиб кетиши; 2. валютанинг оқиб кетиши  
 ~ outlay 1. сармоя сарфлари, инвестициялар;  
 2. инвестиция харажатлари  
 ~ owner сармоя эгаси; сармоядор  
 ~ paid in full қиймати тўла қопланган сармоя  
 ~ participation чиқарилган

акцияларнинг синдикат\* иштирокчиси томонидан бозорда тақсимланадиган улуши  
 ~ payment инвестиция тўловлари  
 ~ pension savings account пенсия сармоясининг жамғарма ҳисобрақами  
 ~ procurement сармояга эга бўлиш  
 ~ profit сармоядан кўрилган фойда  
 ~ programme сармоя сарфи ёки инвестициялар дастури  
 ~ provision сармоя захираси  
 ~ receipt 1. сармоядан кўриладиган даромад; 2. сармоянинг келиб тушиши  
 ~ recovered ўзини қоплаган (оқлаган) сармоя сарфлари; сармоя сарфининг ўзини қоплаган (оқлаган) қисми  
 ~ redemption reserve fund акциялар қийматини қоплаш захира фонди  
 ~ redemption yield қимматли қоғозларнинг қийматни қоплашдаги даромадлилиги  
 ~ reduction сармоянинг камайиши  
 ~ reorganization сармоя тузилишининг ўзгариши  
 ~ repayment сармоянинг акциядорларга қайтариб берилиши  
 ~ requirement сармояга эҳтиёж  
 ~ requirement rule асосий ва айланма сармояга ажратилган инвестицияларни баҳолаш қоидаси  
 ~ reserve сармоя захираси  
 ~ resources хусусий маблағлар

~ risk сармоя таваккалчилиги  
 ~ saving сармоя жамғариш  
 ~ shares инвестиция фондининг сарфланган маблағлар буйича сармоя ўсишидан даромад тўланадиган акциялари  
 ~ still outstanding тўланмаган сармоя  
 ~ stock тўланмаган сармоя  
 ~ stock 1. асосий сармоя; ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари; 2. акциялар, акциядорлик сармоясини  
 ~ stock register акцияларни қайд этиш дафтари  
 ~ structure сармоя тузилиши  
 ~ subscribed in kind обуна буйича чиқарилган акциядорлик сармоясини  
 ~ sum сармоя суммасини  
 ~ summary сармоя ҳаракати ҳақидаги маълумот  
 ~ supplies сармоя захирасини  
 ~ surplus сармоянинг керегадан ортиб кетишини  
 ~ transfer сармоянинг кўчиб юришини; сармояни ўтказиш; сармоя ҳаракатини  
 ~ transfer tax сармояни ўтказиш солиғини  
 ~-to-assets ratios сармоя-активлар\* кўрсаткич  
 ~ turnover сармоя айланишини  
 ~ yield сармоядан кўриладиган даромад  
 to allocate ~ сармоя ажратмоқ  
 to attract ~ сармоя жалб этмоқ  
 to attract foreign investment ~ чет эл инвестицияларини жалб этмоқ

to break into one's ~ ўз сармоясини сарфламоқ  
 to commit ~ сармоя сарфламоқ  
 to contribute ~ сармоя сарфламоқ  
 to convert into ~ сармояга айлантирмоқ  
 to create ~ from savings жамғармалар ҳисобидан сармоя яратмоқ  
 to destruct the ~ сармояни йўқ қилмоқ, уруш даврида асбоб-ускуналарни бузмоқ  
 to endow with ~ сармоя билан таъминламоқ  
 to expend ~ сармоя сарфламоқ  
 to furnish the ~ сармоя бермоқ (ажратмоқ)  
 to increase the ~ акциядорлик сармоясини оширмоқ  
 to increase the original ~ бошланғич сармояни оширмоқ  
 to invest ~ сармоя сарфламоқ, сармояни инвестиция қилмоқ  
 to keep ~ intact сармоя миқдорини ўзгаришсиз сақламоқ  
 to live on ~ сармоя ҳисобига яшамоқ  
 to make holes in the ~ сармоя сарф қилмоқ  
 to mobilize ~ сармояни ликвид шаклга айлантирмоқ\*  
 to procure ~ сармоя ундирмоқ  
 to provide ~ сармоя бермоқ (ажратмоқ)  
 to put ~ into a business тадбиркорликка сармоя сарфламоқ  
 to raise ~ сармоя топмоқ

to recall ~ сармоияни талаб қилиб олмоқ  
 to recover ~ сармоияни қайтариб олмоқ  
 to regroup ~ сармоияни қайта тақсимламоқ  
 to restore ~ сармоия ўрнини қопламоқ  
 to sink ~ сармоия сарфламоқ  
 to spend ~ сармоия сарф қилмоқ  
 to support with ~ сармоия билан қўллаб-қувватламоқ  
 to tie ~ сармоияни мустаҳкамламоқ  
 to tie in ~ сармоия сарфламоқ  
 to tie up ~ сармоиядан фойдаланмоқ  
 to touch ~ сармоия сарф қилмоқ  
 to withdraw ~ сармоияни олиб қўймоқ  
 account ~ ликвид сармоия\*  
 accumulated ~ тўпланган (жамғарилган) сармоия  
 active ~ фаол сармоия  
 actual ~ амалдаги сармоия  
 added ~ қўшимча сармоия  
 additional ~ қўшимча сармоия  
 additional paid-in ~ сармоиянинг белгилангандан юқори қиймати  
 advanced ~ олдиндан берилган сармоия  
 aggregate ~ умумий (бирлаштирилган) сармоия  
 agricultural ~ қишлоқ хўжалиги сармоияси  
 applied ~ ишлатиладиган (фойдаланиладиган) сармоия  
 appraised ~ сармоияни қайта баҳолаш  
 associated ~ бирлаштирилган сармоия  
 authorized ~ чиқаришга рух-

сат этилган акциядорлик сармоияси  
 authorized share ~ чиқаришга рухсат этилган акциядорлик сармоияси  
 available ~ ликвид сармоия\*  
 bank ~ банк сармоияси  
 banking ~ банк сармоияси  
 barren ~ ўлик (ҳаракатсиз) сармоия  
 basic ~ асосий сармоия  
 bond ~ облигация заёмини тарқатишдан тушган сармоия  
 borrowed ~ қарзга олинган сармоия  
 business ~ корхоналар сармоияси  
 callable ~ 1. талаб қилиб олиниши мумкин бўлган сармоия; 2. устав сармоиясининг кафолатланган қисми  
 called ~ эълон қилинган сармоия  
 called-up ~ жалб этилган сармоия  
 circulating ~ айланма сармоия  
 commercial ~ савдо сармоияси  
 commodity ~ мол сармоияси  
 constant ~ ўзгармас сармоия  
 consumed ~ истеъмол қилинадиган сармоия  
 contributed ~ олдиндан берилган сармоия  
- CATERING** *n* умумий овқатланиш  
 industrial ~ корхона ошхонасини таъминлаш  
 mass ~ аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш  
 public ~ умумий овқатланиш тизими
- CAUSE** *n* 1. сабаб, асос; 2. иш  
 ~ for an action даъво қилиш учун асос  
 ~ of accident бахтсиз ҳодиса асбоби  
 ~ of action даъво қилиш учун асос

~ of delay кечикиш сабаби  
 ~ of dismissal ишдан бўшаш сабаби  
 ~ of nonpayment тўланмаганлик сабаби  
 ~ of trouble носозлик сабаби  
 charitable ~ хайрия, хайр-эҳсон  
 immediate ~ бевосита сабаб  
 invalidating ~ даъво қилиш учун етарли асос  
 CAUSE *v* (зарар) етказмоқ; сабаб бўлмоқ; келтириб чиқармоқ  
 to ~ damage зарар етказмоқ  
 to ~ losses зарар етказмоқ  
 CAUTION *n* 1. эҳтиёткорлик; 2. бай пули, закат, гаров; кафиллик  
 ~ money бай пули  
 CAVEAT *n* 1. масъулият; 2. огоҳлантириш, огоҳлантириш чоралари; 3. суд ишини тўхтатиб туриш ҳақидаги илтимоснома; 4. патент бермаслик тўғрисидаги илтимоснома  
 ~ emptor харидорнинг қимматли қоғозлар сифатини ва камчиликлари бор-йўқлигини текшириш юзасидан масъулияти  
 ~ subscriptor харидорнинг қимматли қоғозлар сифатини ва камчиликлари бор-йўқлигини текшириш юзасидан масъулияти  
 ~ venditor харидорнинг қимматли қоғозлар сифатини ва камчиликлари бор-йўқлигини текшириш юзасидан масъулияти  
 to enter *a* ~ илтимоснома бермоқ  
 CAVEATOR *n* 1. бирон нарса-

га қарши чиқувчи шахс;  
 2. патентни бошқа шахсларга берилиши ҳақида илтимос қилувчи шахс

CEASE *n* тўхтатиш; тугатиш; тўхтатиб қўйиш; тўхтатиб туриш

~ order тўловларни тўхтатиб туриш ҳақидаги буйруқ

CEASE *v* тўхтатмоқ

CEDE *v* ён бермоқ, ўтказмоқ

CEDI *n* седи (*Гана майда тангаси*)

CEILING *n* 1. энг юқори сумма; 2. энг юқори нарх; 3. энг юқори нуқта, энг юқори чегара, энг юқори даража  
 ~ agreement банкнинг мижозга устама ҳақ тўлаганлиги учун қарз маблағларининг белгиланган қийматини кафолатлайдиган битим

~ floor agreement банк мижозга маълум меъёрдаги қарз қийматини кафолатлайдиган битим

~ for foreign ownership чет элликларга тегишли мулкнинг энг юқори миқдори

~ on credit growth кредит ажратишнинг ўсишини чеклаш

~ price 1. энг юқори нарх; 2. қимматли қоғозларнинг энг юқори курси

~ rate фоизнинг энг юқори меъёри

~ restrictions on lending кредитларнинг энг юқори даражаси

to hit the ~ энг юқори даражага эришмоқ

to impose ~ чеклов жорий қилмоқ (*мас. нарх-наво ўси-*

*шига*); энг юқори чегарани белгиламоқ  
**credit** ~ банк кредитларининг энг юқори даражаси  
**full-employment** ~ иқтисодий ўсишнинг иш билан тўла таъминланганлик асосида аниқланадиган энг юқори чегараси  
**interest rate** ~ фоиз ставкасининг энг юқори даражаси (*банк депозит\* ҳисоб-рақамлари эгаларига тўлайдиган*)  
**lending** ~ ссуданинг энг юқори даражаси (энг катта миқдори)  
**price** ~ нарх-навонинг энг юқори даражаси, нарх-навони ошириш учун белгиланган чегара  
**production** ~ ишлаб чиқариш ҳажмининг энг юқори даражаси  
**public debt** ~ ҳукумат қарзининг қонуна белгиланган энг юқори миқдори  
**rate-of-return** ~ фойда меъёрининг энг юқори даражаси  
**retail price** ~ чакана нархларнинг энг юқори даражаси, чакана нархларни ошириш учун белгиланган энг юқори чегара  
**velocity** ~ тезликнинг энг юқори чегараси (*пул муомаласига оид*)  
**wage** ~ иш ҳақининг энг юқори даражаси  
**CELLARAGE** *n* 1. молларни ертўлада сақлаш ҳақи; 2. ертўладаги жой  
**CENSUS** *n* рўйхатга олиш  
 ~ of business савдо ва хизмат

кўрсатиш соҳаси корхоналарини рўйхатга олиш  
 ~ of distribution and other services савдо ва тез хизмат кўрсатиш корхоналарини рўйхатга олиш  
**agricultural** ~ қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш  
**complete** ~ тўла рўйхатга олиш  
**compulsory** ~ мажбурий рўйхатга олиш  
**de facto** ~ мавжуд аҳолини рўйхатга олиш  
**de jure** ~ доимий аҳолини рўйхатга олиш  
**distribution** ~ улгуржи-чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини расмий рўйхатга олиш  
**economic** ~ иқтисодий рўйхатга олиш (*саноат, савдо ва хизмат кўрсатишни*)  
**general** ~ ялпи рўйхатга олиш  
**industrial** ~ саноатни рўйхатга олиш  
**livestock** ~ қорамолларни рўйхатга олиш  
**mail** ~ почта орқали аҳолини рўйхатга олиш  
**partial** ~ танлаб рўйхатга олиш  
**pilot** ~ синов тарзида рўйхатга олиш  
**population** ~ аҳолини рўйхатга олиш  
**production** ~ ишлов бериш саноатининг асосий тармоқлари бўйича расмий рўйхатга олиш  
**sample** ~ танлаб рўйхатга олиш  
**traffic** ~ транспорт воситаларини рўйхатга олиш



**CENT** *n* цент (АҚШ, Канада ва бошқа бир қатор мамлакатлар майда тангаси)

**CENTAVO** *n* центаво (Бразилия ва бошқа қатор мамлакатларнинг майда тангаси)

**CENTER:**

**Bank Giro Clearing C.** банк жироҳисобрақамлар\* тизимининг ҳисоб-китоб маркази

**Defence Personal Support C.** Озиқ-овқат маҳсулотлари, мол-ашё мулки ва дори-дармонларни харид қилиш бошқармаси (АҚШ қуроли кучларининг шахсий таркиби учун)

**Federal Contract Research C.** Шартномалар асосида илмий тадқиқотлар ўтказувчи федерал марказ (АҚШ)

**Federally Funded Research and Development C.** Федерал ҳукумат маблағ билан таъминлайдиган илмий-тадқиқот ва тажриба-лойиҳалаш ишлари маркази (АҚШ)

**International Marketing C.** Халқаро маҳсулот сотиш (ўтказиш) маркази

**National Resource Evaluation C.** Ресурсларни баҳолаш миллий маркази (АҚШ)

**CENTER** *n* 1. марказ, бир жойда тўплаш; 2. бюро; муассаса

**activity** ~ фаолият маркази

**advertising** ~ реклама маркази

**authorization** ~ in a bank кредит карточкалари эгалари шахсини ва уларнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш маркази

**business** ~ тадбиркорлик маркази; савдо маркази

**buying** ~ савдо маркази

**buying-up** ~ харид қилиш шохобчаси

**commercial** ~ тижорат маркази

**community** ~ маданий ва ижтимоий тадбирларни ўтказишга мўлжалланган хона

**computer** ~ ҳисоблаш маркази

**computing** ~ ҳисоблаш маркази

**coordination** ~ мувофиқлаштириш маркази

**cost** ~ ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш маркази; харажатлар маркази; ҳисобга олиш ва таннархни ҳисоблаш бўлинмаси

**cultural** ~ маданий марказ

**data processing** ~ маълумотлар билан ишлаш маркази

**decision-making** ~ қарорлар қабул қилувчи идора

**distribution** ~ улгуржи база, тақсимот маркази

**economic** ~ хўжалик маркази

**economic information** ~ иқтисодий ахборот маркази

**engineering** ~ техник марказ

**exhibition** ~ кўргазма маркази

**financial** ~ молиявий марказ

**giro** ~ жироҳисоб-китоблар\* маркази

**government disbursing** ~ давлат бюджети маблағларини сарфловчи ҳукумат муассасаси

**industrial** ~ саноат маркази

**information** ~ ахборот маркази

investment ~ инвестициялар  
маркази  
manufacturing ~ ишлов бе-  
рувчи саноат маркази  
money trading ~ of bank банк  
сармояларининг инвестиция  
қилинишини бошқарувчи  
бўлим  
neighbourhood shopping ~  
1. бир нечта чакана савдо ва  
маиший хизмат кўрсатиш  
корхоналарига эга бўлган  
савдо маркази; 2. иккинчи  
даражали савдо маркази  
nonprofit ~ нотижорат мар-  
каз  
offshore financial ~ офшор  
молиявий марказ\*  
out-of-town shopping ~  
шаҳардан ташқарида жой-  
лашган савдо маркази  
pool ~ пул\*  
producing ~ ишлаб чиқариш  
майдони  
production ~ ишлаб чиқариш  
майдони  
production cost ~ ишлаб  
чиқариш харажатларини ҳи-  
собга олиш маркази; хара-  
жатлар маркази  
productivity ~ меҳнат унум-  
дорлиги ва ишлаб чиқариш  
самарадорлиги масалалари  
бўйича маслаҳат-тадқиқот  
маркази  
profit ~ фойда маркази,  
фаолият натижалари олган  
фойдасига қараб ўлчанадиган  
таркибий бўлинма  
profit-and-loss ~ мустақил  
хўжалик ҳисобидаги бўлим  
publicity ~ реклама маркази  
redemption ~ савдо марказ-  
ларини молга айирбошлаш  
дўкони

research ~ илмий-тадқиқот  
маркази  
responsibility ~ масъулият  
маркази  
retail ~ чакана савдо маркази  
revenue ~ даромад маркази  
service ~ хизматлар маркази;  
хизмат кўрсатувчи марказ,  
хизмат кўрсатувчи (ёрдамчи)  
бўлинма  
shopping ~ савдо маркази  
signing ~ шартномани имзо-  
лаш маросими  
suburban shopping ~ шаҳар-  
дан ташқарида жойлашган  
савдо маркази  
trading ~ дўконлар тўпланган  
жой (*савдо марказидан фарқ-  
ли равишда*)  
training ~ таълим маркази  
welfare ~ хайрия маркази  
world trade ~ халқаро савдо  
маркази

CENTER *v* тўпламоқ, бир  
жойга тўпламоқ

CENTESIMO 1. сентесимо  
(*Панама, Уругвай ва Чили  
майда тангаси*); 2. чентези-  
мо (*Италия, Сан-Марино ва  
Ватикан майда тангаси*)

CENTIME *n* сантим (*Франция,  
Бельгия ва бошқа қатор  
мамлакатлар майда танга-  
си*)

## CENTRAL

C. Bank of Russia Россия  
марказий банки

C. Bank of the Republic of  
Uzbekistan Ўзбекистон Рес-  
публикаси Марказий банки

C. European International  
Bank Марказий Европа хал-  
қаро банки

**C. Trustee Savings Bank**

Жамғарма банклари ҳисоб-китоб палатаси (*Буюк Британия*)

**C. Union of Joint Stock Companies of Consumer Co-operative of Uzbekistan** Ўзбекистон матлубот бирлашмаси акциядорлик жамиятлари Марказий уюшмаси

**CENTRAL** *a* 1. марказий;

2. асосий, етакчи

~ **bank** марказий банк

~ **bank governor** марказий банк бошқарувчиси

~ **bank intervention** марказий банк интервенцияси\*

~ **bank lending rate** марказий банкнинг ссуда фоизи ставкаси

~ **bank money** марказий банк банкнотлари\*

~ **bank refinancing** марказий банкнинг маблағ билан қайта таъминлаши

~ **bank reserves** марказий банк захиралари

~ **bank restrictions** марказий банк чекловлари

~ **credit information bureau** кредит ахборотининг марказлаштирилган бюроси

~ **exchange rate** марказий валюта курси

~ **government accounts** ҳукумат ҳисобрақамлари

~ **government borrowing requirement** марказий ҳукуматнинг қарз маблағларига эҳтиёжи

~ **government drawing on central bank** марказий банкдаги ҳукумат ҳисобрақамидан пулни олиб қўйиш

~ **government finance** давлат маблағлари

~ **government financing** ҳукуматнинг маблағ билан таъминлаши

~ **government fund** ҳукумат молия фонди

~ **government security** давлат қимматли қоғози

~ **information file** банкдаги марказий картотека

~ **market** марказий бозор

~ **monetary institution** марказий пул-кредит бошқармаси

~ **public area of bank** банкнинг бош мижозлар зали

~ **rate** марказий валюта курси (*бозор курси унинг атрофида ўзгариб туриши мумкин*)

~ **reserve city bank** марказий федерал захиралар банки жойлашган шаҳардаги банк

**CENTRALIZATION** *n* марказлаштириш; бир жойда тўпла(ни)ш

~ **of capital** сармояни марказлаштириш

**CENTRALIZE** *v* марказлаштирмақ, бир жойда тўпламоқ

**CENTRALIZED** *a* марказлашган; марказлаштирилган

~ **credit allocation** кредитни марказлаштирилган тартибда тақсимлаш

~ **monobank system** марказлаштирилган ягона банк тизими

~ **pension accounts** пенсиялар бўйича марказлаштирилган ҳисобрақамлар

**CENTRALLY** *adv* марказлаштирилган ҳолда

~ **planned economy** марказ-

- лаштирилган ҳолда режалаштириладиган иқтисодиёт
- CENTRE** *n* 1. марказ; 2. марказ, бюро
- CENTUM** *n* 100 троя унцияси миқдоридagi олтин билан тузиладиган муддатли битимлар бирлиги
- CENTURY** *n* 1. 100 долларлик банкнот\* 2. 100 доллар қийматидаги сумма
- CERTIFICATE** *n* 1. гувоҳнома; 2. далолатнома; 3. шаҳодатнома, паспорт
- ~s for amortizing revolving debt қайта тикланадиган қарзни тўлаш гувоҳномалари
- ~s for automobile receivables автомобиллар сотиб олишга мўлжалланган пул\* асосидаги гувоҳномалар
- ~ in management accounting бошқарув ҳисоби мутахассисининг дипломи
- ~ of acceptance қабул қилиш далолатномаси (*махсулот ва бларни*)
- ~ of accounts аудиторлик гувоҳномаси\* (*фирманинг эълон қилинган баланси тўғрилигини тасдиқловчи*)
- ~s of accrual on treasury securities хазина қоғозлари асосида чиқариладиган купони нолга тенг облигациялар
- ~ of age балоғатга етмаганларнинг ишлаш рухсатномаси
- ~ of airworthines учишга яроқлилик тўғрисидаги шаҳодатнома
- ~ of allotment қимматли қоғозларни тақсимлаш ҳақидаги ҳужжат
- ~ of analysis ўтказилган таҳлил тўғрисидаги шаҳодатнома
- ~ of approval расман маъқуллаш ёки рухсат этиш
- ~ of authenticity ҳақиқийлиги тўғрисидаги шаҳодатнома
- ~ of authority операциялар ўтказиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома
- ~ of beneficial interest 1. шартнома фойдаси ҳақидаги шаҳодатнома; 2. соҳибнинг фирма даромадлари ёки активларидаги\* улушини тасдиқловчи гувоҳнома
- ~ of completion of work иш якунланганлиги ҳақидаги гувоҳнома
- ~ of compliance рекламация\*; рекламация\* далолатномаси (ҳужжати)
- ~ of compliance рекламация\*; рекламация\* далолатномаси (ҳужжати)
- ~ of convenience and necessity ижтимоий фойдалилик ва зарурлик тўғрисидаги шаҳодатнома
- ~ of clearance четга олиб чиқиш рухсатномаси
- ~ of damage мол шикастланганлиги ҳақидаги шаҳодатнома
- ~ of delivery етказиб берилганликни тасдиқловчи ҳужжат
- ~ of deposit депозит гувоҳномаси\*; омонат гувоҳномаси
- ~-of-deposit account депозит гувоҳномаси\* ҳисобрақами
- ~-of-deposit market депозит гувоҳномалари\* бозори

~-of-deposit rate депозит гувоҳномаси\* ставкаси  
 ~ of examination текширув далолатномаси  
 ~ of fair wearand-tear эскириш ҳақидаги далолатнома  
 ~ of fitness фойдаланишга яроқлилиқ тўғрисидаги гувоҳнома  
 ~ of guarantee кафолат шаҳодатномаси  
 ~ of hypothecation гаров хати  
 ~ of incorporation корпорация\* тузиш рухсатномаси  
 ~ of indebtedness 1. қарздорлик гувоҳномаси; 2. қисқа муддатли вексель (таъминланмаган)  
 ~ of inspection текширув далолатномаси  
 ~ of insurance суғурта шаҳодатномаси  
 ~ of land charge рента гувоҳномаси  
 ~ of measurements ўлчовлар гувоҳномаси  
 ~ of nationality фуқаролик  
 ~ of naturalization бошқа мамлакат фуқаролигига ўтганлик ҳақидаги шаҳодатнома  
 ~ of necessity „Ижтимоий зарурат шаҳодатномаси“ (мамлакатда фавқулодда ҳолат пайтида миллий мудофаа манфаатларидан келиб чиқиб жадаллаштирилган амортизация\* ва солиқ имтиёзларини қўллашга рухсат беради)  
 ~ of origin келиб чиқиш ҳақидаги гувоҳнома  
 ~ of ownership эгалик ҳуқуқи ҳақидаги шаҳодатнома; рўй-

хатга олинганлик ҳақидаги шаҳодатнома  
 ~ of participation иштирок этиш гувоҳномаси  
 ~ of pledge гаров гувоҳномаси  
 ~ of protest эътироз билдирилганлик ҳақидаги далолатнома  
 ~ of qualification малака тўғрисидаги гувоҳнома  
 ~ of quality сифат гувоҳномаси  
 ~ of readiness молнинг тайёрлиги тўғрисидаги шаҳодатнома  
 ~ of redemption қийматни қоплаш ҳақидаги шаҳодатнома  
 ~ of registration of design саноат намунаси рўйхатга олинганлиги ҳақидаги шаҳодатнома  
 ~ of registry кема патенти  
 ~ of sampling намуналар танланганлиги гувоҳномаси  
 ~ of seaworthiness сузишга яроқлилиқ ҳақидаги гувоҳнома  
 ~ of shipment юк ортиб жўнатилганлиги ҳақидаги шаҳодатнома  
 ~ of species навлар шаҳодатномаси  
 ~ of stock акцияларга эгалик қилиш ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома  
 ~ of survey кема текширувдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома  
 ~ of title шахсинг муайян мулк объектига эгалик қилиш ҳуқуқи ҳақида гувоҳлик берувчи қонуний кучга эга ҳужжат

~ of valuation юк қиймати  
 ҳақидаги баёнот  
 ~ of value қиймат гувоҳ-  
 номаси  
 ~ of weight вазн гувоҳномаси  
 to award a ~ гувоҳнома бер-  
 моқ  
 to give a ~ гувоҳнома бермоқ  
 to grant a ~ гувоҳнома бер-  
 моқ  
 to hold a ~ гувоҳнома соҳиби  
 бўлмоқ  
 to issue a ~ гувоҳнома ёзиб  
 бермоқ  
 to present a ~ гувоҳнома тақ-  
 дим этмоқ  
 to submit a ~ гувоҳнома тақ-  
 дим этмоқ  
 acceptance ~ қабул қилиш  
 далолатномаси  
 accountant's ~ тафтишчининг  
 компания молиявий ҳисоботи  
 аҳволи тўғрисидаги хулосаси  
 assay ~ сифат гувоҳномаси  
 (металлар тўғрисида)  
 audit ~ тафтишчининг ком-  
 пания молиявий ҳисоботи  
 аҳволи тўғрисидаги хулосаси  
 auditor's ~ ташқи аудитор-  
 нинг \* (ижобий) хулосаси  
 average ~ шикастланишга  
 оид гувоҳнома  
 balance ~ қолдиқ гувоҳнома-  
 си  
 bank's ~ банк гувоҳномаси  
 bearer ~ кўрсатувчига бери-  
 ладиган гувоҳнома  
 birth ~ туғилиш шаҳодат-  
 номаси  
 bond ~ облигация гувоҳ-  
 номаси  
 cargo ~ юк гувоҳномаси  
 carrier's ~ мол ташувчининг  
 гувоҳномаси

classification ~ таснифлар  
 шаҳодатномаси  
 clearance ~ божхонадан ўт-  
 ганлик ҳақидаги шаҳодат-  
 нома  
 clearing house loan ~ ҳисоб-  
 китоб гувоҳномаси, клиринг  
 палатаси\* бир аъзосининг  
 бошқасидан қарздорлиги ҳа-  
 қидаги шаҳодатнома  
 consular ~ консуллик гу-  
 воҳномаси  
 cross-border ~ молнинг чега-  
 радан ўтказилганлиги ҳақи-  
 даги гувоҳнома  
 currency ~ хазина гувоҳно-  
 маси  
 customs ~ божхона шаҳодат-  
 номаси  
 death ~ вафот этганлик ҳа-  
 қидаги шаҳодатнома  
 debenture ~ бож солиғини  
 қайтариш тўғрисидаги шаҳо-  
 датнома  
 definitive ~ якуний акция-  
 дорлик гувоҳномаси (акция-  
 ларга эгалик қилишни тас-  
 диқловчи)  
 demand ~ of deposit талаб  
 қилинганида тўланадиган  
 омонат гувоҳномаси  
 discount ~ of deposit дисконт\*  
 асосида (белгиланганидан  
 наст қийматда) чиқарила-  
 диган депозит гувоҳномаси\*  
 duty-free entry ~ божсиз олиб  
 кириш ҳуқуқини берувчи  
 шаҳодатнома  
 employment ~ ишлаш рухсат-  
 номаси  
 equipment trust ~ асбоб-уску-  
 налар олди-сотдисиға кредит  
 ажратиш учун траст компа-  
 ния\* чиқарадиган гувоҳнома

**exemption** ~ солиқ тўлашдан озод этувчи гувоҳнома  
**factory** ~ завод паспорти  
**floating rate** ~ of deposit ставкали ўзгарувчан депозит гувоҳнома\*  
**forwarding agent's** ~ of receipt мол ташувчининг тилхати (*юк олинганлиги ҳақида*)  
**gold** ~ олтин гувоҳномаси  
**grading** ~ навлар гувоҳномаси  
**handing-over** ~ объектнинг (бошқара) ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома  
**import** ~ четдан мол келтириш гувоҳномаси  
**inspection** ~ текширув далолатномаси  
**insurance** ~ суғурта шаҳодатномаси  
**interim** ~ муваққат шаҳодатнома  
**inventor's** ~ ихтирога доир муаллифлик шаҳодатномаси  
**investment** ~ инвестиция гувоҳномаси  
**large-denomination** ~ of deposits йирик омонат гувоҳномаси  
**license** ~ лицензия паспорти  
**life** ~ гуруҳлаб суғурталаш иштирокчиларига бериладиган шаҳодатнома  
**load-line** ~ юк маркаси ҳақидаги шаҳодатнома  
**loan** ~ 1. қарз бериш ҳақидаги тилхат; 2. ҳисоб-китоб гувоҳномаси, клиринг палатаси\* бир аъзосининг бошқасидан қарздорлиги ҳақидаги шаҳодатнома (*молиявий тангликлар даврида қўлланилади*)  
**machine** ~ машина паспорти

**manufacturer's** ~ завод гувоҳномаси  
**medical** ~ тиббиёт гувоҳномаси  
**mill's test** ~ синов далолатномаси  
**mobile home** ~ кўчма уйлар ипотекалари\* таъминоти асосидаги қимматли қоғоз  
**moisture** ~ намлик ҳақидаги гувоҳнома  
**money market** ~ пул бозори гувоҳномаси  
**money market** ~ of deposit кейинги чиқарилишларда ўзгариб борувчи фойзли омонат гувоҳномаси  
**mortgage** ~ гаров гувоҳномаси (*гаров хати билан таъминланган облигацияларнинг тури*)  
**multiple** ~ бир нечта акцияларга берилган акциядорлик гувоҳномаси  
**national savings** ~ давлат омонат гувоҳномаси  
**negotiable** ~ of deposit бошқара ўтказиладиган омонат гувоҳномаси  
**nominee** ~ қўрсатувчига бериладиган гувоҳнома  
**ownership** ~ эгалик қилиш ҳуқуқи ҳақидаги шаҳодатнома  
**paper** ~ қоғоз гувоҳнома  
**participation** ~ иштирок этиш гувоҳномалари  
**passenger** ~ йўловчилар шаҳодатномаси  
**preference share** ~ имтиёзли акциялар гувоҳномаси  
**protest** ~ векселга эътироз билдирилганлиги ҳақидаги ҳужжат

- provisional ~ муваққат гувоҳнома
- quality ~ сифат гувоҳномаси
- receiver's ~s банкрот бўлган компанияни тугатувчи шахнинг айланма сармуяни тўлдириш учун чиқарган мажбуриятлари (*суд қарорига биноан*)
- registered ~ эгасининг номи ёзилган гувоҳнома
- registration ~ рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси
- release ~ for shipment юкни ортиб жўнатиш рухсатномаси
- sampling ~ намуналар танлови шаҳодатномаси
- sanitary ~ санитария шаҳодатномаси
- sanitation ~ санитария шаҳодатномаси
- savings ~ 1. омонат гувоҳномаси (*ҳукумат қимматли қоғозларининг бир тури*); 2. *pl* депозит гувоҳномалари\*
- scrip ~ акция ёки облигациянинг муваққат гувоҳномаси
- share ~ акциядорлик гувоҳномаси (*компания сармуясининг бир қисмига соҳибнинг эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи*); акция шаҳодатномаси
- silver ~ кумуш гувоҳномаси
- small savers ~ майда омонат гувоҳномаси
- stock ~ акциядорлик гувоҳномаси (*эгасининг компания сармуясининг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи*); акция шаҳодатномаси
- stock trust ~ ишонч асосидаги акциядорлик гувоҳномаси
- subunit ~ умумий инвестиция траст фонди портфелидаги\* улушга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома
- survey ~ текширув далолатномаси
- taking-over ~ объект қабул қилинганлиги ҳақидаги гувоҳнома
- tax ~ солиқ гувоҳномаси
- tax amortization ~ „Ижтимоий зарурат шаҳодатномаси“ (*мамлакатда фавқуллодда ҳолат пайтида миллий мудофаа манфаатларидан келиб чиқиб жадаллаштирилган амортизация\* ва солиқ имтиёзларини қўллашга рухсат беради*)
- tax reserve ~s солиқлар захира гувоҳномалари
- technical inspection ~ техник текширув далолатномаси
- test ~ синовлар гувоҳномаси
- thrift ~ омонат гувоҳномаси
- time ~ of deposit муддатли омонат гувоҳномаси
- Treasury ~ хазина гувоҳномаси (*АҚШ*)
- trustee's ~ кафолатли тилхат
- vendor ~ маҳсулот етказиб берувчини аттестациядан ўтказиш
- voting trust ~ овоз берувчи траст\* ташкил этилиши пайтида бериладиган гувоҳнома
- warehouse ~ омборхона шаҳодатномаси
- weight ~ вазн гувоҳномаси
- wharfinger's ~ юк кемалари тўхташ жойининг жўнатиш учун юк қабул қилинганлиги ҳақидаги тилхати
- works' test ~ завод синови далолатномаси



Yankee ~ of deposit хорижликлар АҚШ бозорида чиқарган доллардаги депозит гувоҳномаси \*

**CERTIFICATE** *v* гувоҳнома бермоқ

**CERTIFICATED** *a* диплом олган, аттестациядан\* ўтган, дипломли

~ **bankrupt** суд банкрот деб эълон қилган шахс

~ **check** тўловга қабул қилганлик ҳақидаги банк устхати қайд этилган чек

**CERTIFICATELESS** *a* гувоҳномага эга бўлмаган

~ **municipals** маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идорасининг эгаллик қилиш гувоҳномаларисиз чиқарган облигациялари

**CERTIFICATION** *n* 1. шаҳодатнома, гувоҳнома; 2. шаҳодатнома (гувоҳнома) бериш; 3. гувоҳлик бериш далолатномаси; 4. аттестация\* қилиш

~ **of authenticity** ҳақиқийлигини тасдиқлаш

~ **of check** чекнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш

~ **of products** маҳсулотни сертификация\* қилиш

~ **of signature** имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш

**personal** ~ ходимларни аттестациядан\* ўтказиш

**quality** ~ **of goods** моллар сифатини аттестация\* қилиш

**CERTIFIED** *a* 1. синовдан ўтиб, гувоҳнома олган; рухсат этилган; 2. кафолатланган, текширилган, синовдан ўтган; 3. „тасдиқланган“

(ҳужжатдаги устхат ёки тўртбурчак муҳр)

~ **broker** дипломли брокер\*

~ **check** тасдиқланган чек (банкнинг тўловга қабул қилганлиги ҳақидаги устхати қайд этилган)

~ **financial planner** молиявий режалаштириш бўйича дипломли мутахассис

~ **order of payment** тасдиқланган тўлов талабномаси

~ **public account** давлат муассасасининг расмий ҳисобрақами

~ **public accountant** гувоҳномали бухгалтер

~ **signature** имзо билан тасдиқланган

~ **to in writing** ёзма гувоҳномага кўра

~ **transfer** акцияларга эгаллик қилиш ҳуқуқини бошқага ўтказиш ҳақидаги ҳужжат

~ **voucher** тасдиқланган пул ҳужжати

**CERTIFY** *v* 1. тасдиқламоқ, рухсат бермоқ (*сотувга*); 2. қондирмоқ, қаноатлантирмоқ; тасдиқламоқ

**to** ~ **a check** чекни тасдиқламоқ

**to** ~ **the account** ҳисобрақамни тасдиқламоқ

**CERTIFYING** *n* 1. шаҳодатнома бериш; 2. тасдиқлаш, тан олиш

~ **of accounts** ҳисобрақамларни тўғри деб тан олиш, аудиторнинг\* ҳисобрақамларни тасдиқлаши

~ **of products** маҳсулотга шаҳодатнома бериш

**CESS** *n* 1. солиқнинг маҳаллий

турдаги ёки муайян объектдан олинадиган махсус шакли; 2. ер солиғи

**CESSATION** *n* тўхтатиш

~ of activity фаолиятни тўхтатиш

~ of circumstances мажбуриятларнинг амал қилишини тўхтатиш

~ of deliveries маҳсулот етказиб беришни тўхтатиш

~ of membership аъзоликдан чиқиш

~ of payment тўловларни тўхтатиш

~ of service хизмат фаолиятини тўхтатиш

~ of trademark мол белгисининг амал қилишини тўхтатиш

~ of work ишни тўхтатиш

**CESSER** *n* мажбуриятларни бажармаслик ёки бажаришни тўхтатиш

~ of action ишни қўриб чиқишни тўхтатиб туриш (*судда*)

**CESSION** *n* 1. бошқага ўтказиш; 2. ён бериш, талаб қилишда ён бериш (*ҳуқуқни, мулкни*)

~ of goods қарздорнинг қарзларни тўлашга имкони бўлмаганда мулкни бошқага ўтказиши

~ of a patent патентни бошқага бериш

~ of rights ҳуқуқлари бошқага бериш

**CESSIONARY** *n* ворис

~ bankrupt мулкни кредиторлар ўртасида тақсимлашга бериб юборган банкрот

**CHAFFAGE** *n* юкларнинг ёмон

муस्ताҳкамланганлиги учун ташиш пайтида шикастланиши

**CHAIN** *n* 1. занжир, занжирча; 2. банк филиалларининг узвий бўйсунилган асосланган тармоғи; чакана савдо дўконлари тармоғи

~ banking банкларнинг узвий боғлиқлиги

~ of command ҳуқуқлар ва масъулият раҳбариятнинг юқори даражасидан қуйдагисига ўтказиладиган бошқарув тизими

~ of distribution мол сотиш (тақсимлаш) занжири

~ reaction in portfolio adjustments молиявий активлар портфелини\* қайта жойлаштиришда юз берадиган узвий жараён

banking ~ банкларнинг „узвий“ тизими, сармояларни ва иштирок этиш тизимини қўшиб юбориш йўли билан банкларни бирлаштириш

bookshop ~ китоб дўконлари тармоғи

continuous ~ of endorsements индоссаментларнинг\* узлуксиз занжири

contract ~ чакана савдо дўконларининг шартнома бўйича биргаликда мол харид қилиш учун ўзаро бирлашадиган тармоғи

daisy ~ брокерларнинг\* бозорни фаол қилиб кўрсатиш мақсадида ўтказадиган ўзаро савдоси

department store ~ универсал дўконлар тармоғи

discount store ~ арзонлашти-

рилган молларни сотувчи дўконлар тармоғи

**full-line** ~ молларнинг хилма-хил навлари билан савдо қилувчи тармоқ

**hotel** ~ меҳмонхоналар тармоғи

**local** ~ маҳаллий тасарруфдаги савдо тармоғи

**multi-unit regional** ~ дўконларнинг кўп бўғинли минтақавий тармоғи

**preference** ~ афзал кўришдаги изчиллик

**private brand merchandizing** ~ бир фирманинг савдо корхоналари тармоғи

**retail** ~ чакана савдо дўконлари тармоғи

**specialty** ~ ихтисослаштирилган дўконлар тармоғи

**supermarker** ~ универсал дўконлар тармоғи

**voluntary** ~ 1. биргаликда харид қилиш ва умумий реклама мақсадида ташкил этилган улгуржи савдогарлар уюшмаси; 2. чакана савдо дўконлари тармоғи (*ягона улгуржи корхонага эга бўлган*)

**CHAINWIDE** *a* барча дўконларнинг бутун тармоғи бўйича тарқатилган

**CHAIR** *n* 1. раис (*мажлисда*); 2. кафедра (*олий ўқув юртида*)

to be in the ~ раислик қилмоқ

to put in the ~ раис қилиб сайламоқ

**CHAIR** *v* 1. раис бўлмоқ; 2. бошчилик қилмоқ

**CHAIRMAN** *n* раис

~ of the arbitration commis-

sion ҳакамлик комиссияси раиси

~ of the board банк бошқаруви раиси

~ of the board of directors директорлар кенгаши раиси

~ of the company акциядорлар жамияти кенгашининг раиси

to act as ~ раислик қилмоқ, мажлисни олиб бормоқ

deputy ~ раис ўринбосари

honorary ~ фахрий раис

shop ~ касаба уюшмаси раиси

vice ~ раис ўринбосари

**CHAIRMANSHIP** *n* раислик лавозими, раислик асосидаги раислик

under the ~ раислиги остида

**CHALK UP** *v* 1. эътиборга олмақ; 2. интилмоқ, эришмоқ

**CHALLENGE** *n* 1. чақириқ, даъват; машаққатли иш, мураккаб муаммо; 2. рад этиш; қарши чиқиш (*суд маслаҳатчиларига, суд таркибига*)

~ to an arbitrator ҳакамга қарши чиқиш

to face the ~ муаммога дуч келмоқ

to meet the ~ чақирувни қабул қилмоқ

to sustain a ~ қарши таклифни қондирмоқ

**CHALLENGE** *v* 1. қарши чиқмоқ; 2. рад этмоқ

**CHAMBER:**

**C. of Commerce and Industry** Савдо-саноат палатаси

**Gilded C.** парламентнинг юқори палатаси; Британия

парламентидаги лордлар палатаси

**International C. of Commerce**

Халқаро савдо палатаси

**Lower C.** парламентнинг қуйи палатаси; Британия парламентидаги қуйи палата

**Upper C.** парламентнинг юқори палатаси

**CHAMBER** *n* палата

~ of commerce савдо палатаси

~ of employers ишга ёлловчилар палатаси

~ of shipping кемачилик палатаси

~ of trade савдо палатаси

**arbitration** ~ ҳакамлик палатаси

**barrister's** ~ адвокатлар идораси

**council** ~ мажлислар зали

**mixed ~ of commerce** аралаш савдо палатаси

**CHAMPERTY** *n* моҳиятига кўра ишга алоқаси бўлмаган шахснинг суд жараёнига ғайриқонуний аралашуви

**CHANCE** *n* 1. ҳодиса, тасодиф; 2. имконият, эҳтимоллик

~ of profit фойдали ҳодиса

~s of success муваффақият имкониятлари

**rupture** ~ соф тасодиф

**CANCELLOR:**

**C. of the Exchequer** молия вазири (*Буюк Британия*)

**Lord C.** лорд-канцлер (*лордлар палатасининг раиси; суд ишлари бўйича юқори мансабдор шахс; маҳкама аъзоси*)

**CHANDLER** *n* майда моллар савдогари, баққол

**corn** ~ нон сотувчи

**ship** ~ кемада мол етказиб берувчи

**CHANDLERY** *n* майда мол; баққоллик моллари

**CHANGE** *n* Лондон фонд биржаси

**CHANGE** *n* 1. ўзгариш, ўзгартиш; ўзгартириш; 2. майда пул; майда танга, чақа, қайтим; 3. биржа; 4. валюта айирбошлаш; майдалаш (*пулни*)

~ in accounting estimate ҳисобга олиш баҳоларидаги ўзгартиш

~ in accounting principle ҳисобга олиш принципларини ўзгартиш

~ in cash value қийматнинг пул ифодасидаги ўзгариши; пул қийматининг ўзгариши

~ in cost қийматнинг ўзгариши

~ in currency exchange валюта курсининг ўзгариши

~ in expectations кутилган натижалардаги силжиш

~ in foreign reserves валюта захираларининг ўзгариши

~ in index кўрсаткичнинг ўзгариши

~ in interest rates фоиз ставкаларини ўзгартириш

~ in liquidity ликвидликнинг\* ўзгариши

~ in market бозордаги иқтисодий вазиятнинг ўзгариши

~ in net foreign reserves валюта захиралари соф миқдорининг ўзгариши

~ in net forward sales муддатли соф сотувлар ҳажмининг ўзгариши

~ in position жойни ўзгартириш  
 ~ in price нархни ўзгартириш  
 ~ in process технологик жараёни ўзгартириш  
 ~ in quality сифатни ўзгартириш  
 ~ in staff ходимлар таркибидаги ўзгариш  
 ~s in taxation солиқ солишдаги ўзгаришлар  
 ~ in values қийматнинг ўзгариши  
 ~ of address манзилни ўзгартириш  
 ~ of domicile доимий турар жойни ўзгартириш  
 ~ of employment иш жойини ўзгартириш  
 ~ of flight қатновни ўзгартириш  
 ~ of market sentiment бозордаги кайфиятнинг ўзгариши  
 ~ of occupation фаолият турини ўзгартириш, ишни ўзгартириш  
 ~ of personnel ходимлар таркибидаги ўзгариш  
 ~ of place of work иш жойини ўзгартириш  
 ~ of population аҳоли ҳолатидаги ўзгаришлар  
 ~ of position хизмат жойини ўзгартириш  
 ~ of rates курсни ўзгартириш  
 ~ of residence турар жойни ўзгартириш  
 ~ of schedule жадвални ўзгартириш  
 ~ of state ҳолатнинг ўзгариши  
 ~ of timetable жадвални ўзгартириш  
 ~ of title эгалик қилиш ҳуқуқини бошқага ўтказиш

~ of voyage қатновни ўзгартириш  
 to effect structural ~s тузилмавий ўзгаришларни амалга оширмақ  
 to entail ~s ўзгаришларга сабаб бўлмақ  
 to involve ~s ўзгаришларни юзага келтирмақ  
 to undergo ~s ўзгаришларга учрамақ  
 accounting ~ ҳисобга олиш ўзгартишлари; ҳисобга олиш сиёсатидаги ўзгаришлар; бухгалтерлик тахминларидаги ўзгаришлар; ҳисобот бирлигини алмаштириш  
 compensated income ~ ўрни қопланган даромад вазифаси  
 contract ~ шартномага ўзгартиришлар киритиш  
 cyclical ~s даврий ўзгаришлар  
 design ~s лойиҳавий ўзгаришлар  
 dimensional ~ ҳажмнинг ўзгариши  
 engineering ~ техник ўзгариш  
 environmental ~ атрофдаги табиий муҳитнинг ўзгариши  
 general pricelevel ~ нарх-наво умумий даражасининг ўзгариши  
 gradual ~ аста-секин ўзгартиш  
 insignificant ~ озгина ўзгариш  
 inventory ~ 1. товар-моддий захиралари қийматининг ўзгариши; 2. йиллик маҳсулот захираларининг ўзгариши  
 irregular ~s номунтазам ўзгаришлар  
 long-term ~ узоқ муддатли ўзгариш

**loose** ~ майда танга; майда пул  
**major** ~ муҳим ўзгариш; асосий ўзгариш  
**marginal** ~s озгина ўзгаришлар  
**market** ~s бозордаги ўзгаришлар  
**merchandizing** ~ савдо услубларини ўзгартириш  
**monetary** ~s пул муомаласидаги ўзгаришлар  
**net** ~ нарх-навонинг соф ўзгариши  
**net** ~ in business inventory товар-моддий захиралари қийматининг жорий йил нархларидаги ўзгариши  
**on** ~ биржада  
**one-sided** ~ бир томонлама ўзгариш  
**operational** ~s вазифавий ўзгаришлар  
**parameter** ~ кўрсаткичларга тузатиш киритиш  
**partial** ~ қисман ўзгартириш  
**persistent** ~ узлуксиз ўзгариш  
**population** ~ аҳоли сони, таркиби ва жойлашувининг ўзгариши  
**prescribed** ~ тайинланган ўзгариш  
**price** ~ 1. нарх-навонинг ўзгариши; 2. қимматли қоғозлар курсининг ўзгариши  
**programme** ~ дастурнинг ўзгариши  
**progressive** ~ ўсиб боровчи ўзгариш  
**pronounced** ~ кескин ўзгариш  
**proportional** ~ мутаносиб ўзгариш  
**prospective** ~s истиқболли ўзгаришлар

**quality** ~ сифат ўзгариши  
**qualitative** ~ сифат ўзгариши  
**quantitative** ~ миқдор ўзгариши  
**radical** ~s туб ўзгаришлар  
**random** ~s тасодифий ўзгаришлар, тасодифий силжишлар (*иқтисодиётда*)  
**rapid** ~ тез ўзгариш  
**rate** ~ 1. ишлаб чиқариш меъёрини ўзгартириш; 2. иш ҳақи (ставкаси) ни ўзгартириш  
**regular** ~s мунтазам ўзгаришлар  
**relative prices** ~s нарх-навонинг нисбий ўзгаришлари  
**salary** ~ иш ҳақининг ўзгариши  
**sharp** ~ кескин ўзгариш  
**slight** ~ озгина ўзгариш  
**small** ~ майда чақа танга  
**social** ~s ижтимоий аҳволдаги ўзгаришлар  
**specific pricelevel** ~ нарх-навомаҳсус даражасининг ўзгариши  
**sporadic** ~s тасодифий ўзгаришлар, тасодифий силжишлар (*иқтисодиётда*)  
**staff** ~s ходимлар таркибидаги ўзгаришлар  
**step** ~ босқичма-босқич ўзгариш  
**strategic** ~ стратегияни ўзгартириш  
**structural** ~s тузилмавий ўзгаришлар (*иқтисодиётда*)  
**subject to** ~ without notice мажбуриятсиз  
**subsequent** ~s кейинги ўзгаришлар  
**sudden** ~ тўсатдан ўзгариш  
**technical** ~s техник ўзгаришлар

technological ~s технологик ўзгаришлар  
 territorial ~s ҳудудий ўзгаришлар  
 unilateral ~ бир томонлама ўзгариш  
 volumetric ~ ҳажмдаги ўзгариш  
 zone ~ ҳудудий ўзгариш

**CHANGE** *v* 1. алиштирмақ, алмаштирмақ, 2. алмаширмақ, майдаламақ (*пулни*); пул алмаштирмақ  
 to ~ a check чек бўйича нақд пул олмақ  
 to ~ a commission rate воситачилик ҳақи ставкасини ўзгартирмақ  
 to ~ hands бошқа қўлга ўтмақ  
 to ~ money 1. пул майдаламақ, пулни айирбошламақ; 2. пул алмаштирмақ  
 to ~ over ўтмақ (*бошқа жараёнга, тартибга*)

**CHANGER** *n* алмаштирувчи  
 money ~ сарроф, пул алмаштириб берувчи

**CHANGE-OVER** *n* ўтиш (*бирор нарсага*)

~ to automatic автоматлаштиришга ўтиш  
 ~ to convertibility айирбошланувчанликка ўтиш  
 ~ to cost-accounting хўжалик ҳисобига ўтиш  
 ~ to a new model бошқа андозага ўтиш  
 ~ to new products янги маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш  
 currency ~ валютанинг олтин таркибини ўзгартириш  
 labour ~ ишчи кучи таркибини ўзгартириш

**CHANGING** *n* 1. ўзгартириш; 2. пул майдалаш; алмаштириш  
 ~ of money пулни майдалаш

**CHANNEL** *n* 1. йўл; 2. манба, восита; алоқа йўли  
 ~s of commerce савдо алоқалари  
 ~s of communication алоқа йўллари

~s of distribution 1. савдо-тақсимот тармоғи; тақсимлаш йўллари; 2. тақсимлаш усули

~s of marketing маҳсулот сотиш (ўтказиш) йўллари

~ of trade савдо алоқалари

~ with priorities устувор танлов асосида хизмат кўрсатиш йўллари

to go through official ~ расмий босқич (идора) лардан ўтмақ  
 to pass the usual ~s одатдаги йўллардан ўтмақ

allocated ~ хизмат кўрсатишга ажратилган йўл  
 banking ~s банк йўллари  
 busy ~ банд йўл

distribution ~s тақсимлаш йўллари

exponential ~ хизмат кўрсатиш вақти кўрғазма тарзида тақсимланган йўл

free ~ бўш йўл

full ~ банд йўл

idle ~ бўш йўл

independent ~ мустақил йўл

information ~ ахборот йўли

liaison ~s алоқа йўллари

lossless ~ келиб тушаётган барча талабларга хизмат кўрсатувчи йўл

market ~s ўтказиш (сотиш) бозорлари

money-equity-consumption ~ of influence пул омиллари-

нинг қимматли қоғозлар курсини ўзгартириш орқали истеъмолга таъсир кўрсатиш йўли

occupaid ~ банд йўл

official ~s расмий йўллар

parallel ~s ёнма-ён йўллар

sales ~s маҳсулот ўтказиш (сотиш) йўллари

service ~ хизмат кўрсатиш йўли

special service ~ ихтисослашган хизмат кўрсатиш йўли

supply ~ таъминот йўли

teletype ~ телетайп алоқаси йўли

trade ~s савдо йўллари

unofficial ~s норасмий йўллар

SHANNAL *v* йўналтирмақ (*сармояни*)

to ~ money to loan пулни ссуда беришга ишлатмоқ

CHARACTER *n* 1. хусусият; сифат; 2. ўзига хос хусусият; 3. обрў, тавсифнома

economic ~ иқтисодий жиҳатдан аҳамиятли хусусият, иқтисодий хусусият

social ~ ижтимоий хусусият

CHARACTERISTIC *n* 1. ўзига хос хусусият; ўзига хослик; 2. тавсифнома; 3. белги, аломат

cultural ~ маданий даража тавсифи

financial ~s молиявий аҳвол тавсифи

economic ~ иқтисодий аҳвол тавсифи

item ~s буюм тавсифи

job ~s ишнинг хусусияти

manufacturing ~ технологик тавсифлар

operational ~s фойдаланиш тавсифлари

qualitative ~s сифат тавсифи

quality ~s сифат тавсифи

quantitative ~s миқдорий тавсиф

performance ~s фойдаланиш тавсифлари

product ~s маҳсулотлар тавсифи

running ~s иш тавсифлари

technical ~s техник тавсифлар

utility ~ фойдалилик тавсифи

working ~s иш тавсифлари

CHARGE *n* 1. қўшиб ҳисоблаш; ҳақ; пул йиғими; тариф; солиқ; чиқим; 2. қарз; қарз мажбурияти, дебет; 3. кредит эвазига активларни гаровга қўйиш; 4. мажбурият; масъулият; 5. айблов; 6. *pl* чиқимлар; харажатлар; 7. нарх

~ account очиқ ҳисоб рақам бўйича ажратиладиган кредит; харидорнинг дўкондаги ҳисобрақами

~ account selling очиқ ҳисобрақам бўйича кредитга сотиш

~ against revenue тегишли даромадлар ҳисобидан қопланадиган харажатлар

~ buyer молни кредитга харид қилувчи харидор

~ card тўлов карточкаси

~ for admission кириш ҳақи

~s for carriage юк ташиш харажатлари

~ for check processed чекни тартибга солиш ҳақи

~ for clearance юкни боғхонадан ўтказиш ҳақи

~ for coining танга зарб этиш божи



~ for collection инкассо йиғими\*

~s for conveyance транспорт харажатлари

~ for credit ссуда бериш воситачилик ҳақи

~ for delivery етказиб бериш ҳақи

~ for engineering лойиҳа-конструкторлик ишлари ҳақи; техник ҳужжатлар ҳақи

~ for excess withdrawal пул маблағларини белгиланган меъёрдан ташқари миқдорда олиб қўйиш ҳақи

~ for freight кема ёллаш ҳақи

~ for interest сармоя бўйича фоизларни қўшиб ҳисоблаш

~s for noting эътироз билдириш харажатлари

~s for opening of a L/C аккредитив\* очиш билан боғлиқ харажатлар

~s for overtime work иш вақтидан ташқари пайтдаги иш ҳақи

~ for primary factors of production ишлаб чиқариш асосий омиллари ҳақи

~s for sevices хизмат кўрсатиш харажатлари

~s for services and facilities хизмат кўрсатиш ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш ҳақи

~s of advertising реклама харажатлари

~s forward харажатларни юк олувчи тўлайди

--off ҳисобрақам ҳисобидан чиқариш

~ on assets фондлар ҳақи

~ on imports четдан келтириш божи

~ on land ер-мулк солиғи

~ on payroll иш ҳақиға қўшиб ҳисоблаш

~ on property мулк солиғи

~ on real property кўчмас мулк ғаровига асосланган қарз мажбурияти

~s paid in advance харажатлар тўланган

~s relating to issue operation қимматли қоғозлар чиқариш билан боғлиқ харажатлар

to be in ~ of бошқармоқ

to bear ~s харажат қилмоқ

to calculate ~s харажатларни ҳисоб-китоб қилмоқ

to collect ~ воситачилик ҳақини ундирмоқ

to compute ~s харажатларни ҳисоблаб чиқмоқ

to defray the ~s харажатларни қопламоқ

to impose ~s бож солмоқ

to incur ~s харажат қилмоқ

to reserve ~s чақириладиган мижоздан шаҳарлараро сўзлашув тўловномаси тўланишини талаб қилмоқ

acceptance ~s акцептлаш\* воситачилик тўловлари

accrued ~s 1. ўсган фоизлар; қўшиб ҳисобланган фоизлар; 2. кўрилган, аммо қиймати қопланмаган харажатлар

activity ~s 1. банк операциялари бўйича йиғимлар; 2. банк чиқимлари

actual ~s амалдаги харажатлар

additional ~s қўшимча харажатлар

administrative ~ маъмурий йиғим (бошқарув идоралари хизматлари учун)

admission ~ кириш ҳақи

advanced ~ 1. кредит ҳисо-

бидан ҳақ тўлаш; 2. олдиндан ҳақ тўлаш  
**all ~s born** барча харажатларни қоплашдан ташқари  
**all ~s deducted** барча харажатлар чиқариб ташлангач  
**all ~s included** барча сарф-харажатларни қўшганда  
**amendment** ~ шартларни ўзгартириш ҳақи  
**amortization** ~s амортизация ажратмалари\*  
**annual standby** ~ захира қувватларни сақлаб туришнинг йиллик ҳақи  
**at a ~** ҳақ эвазига  
**at a moderate** ўртамиёна нархда, ўртамиёна ҳақ эвазига  
**at his own** ~ унинг ўз ҳисобидан  
**at no** ~ бепул, текин  
**average** ~s шикастланиш билан боғлиқ харажатлар; шикастланиш харажатлари  
**back** ~s қайтма харажатлар; ўтиб кетган (тўланмаган) харажатлар  
**baggage** ~ юк ташиш ҳақи  
**bank** ~s банк воситачилик тўловлари  
**banking** ~s банк воситачилик тўловлари  
**basic** ~ асосий тариф  
**burden** ~s *applicate to the order* (муайян) буюртма ҳисобига киритиладиган қўшимча харажатлар  
**cable** ~s телеграф харажатлари  
**cancellation** ~ бекор қилинганлик учун ҳисоблаб ёзиш  
**capital** ~s 1. сармоя ва қарзни тўлаш суммаси учун тўланган фоизлар ҳисобрақамига

ҳисоблаб ёзиш; 2. амортизация ажратмалари\*  
**carriage** ~s юк ташиш харажатлари  
**carrying** ~ 1. *pl* кундалик харажатлар (*молларни омборда сақлаш бўйича*); 2. қимматли қоғозлар гарови асосида берилган ссуда учун брокерлар\* ундирадиган фоиз; 3. захираларни сақлаш чиқимлари  
**checking** ~s бандаргоҳдаги юкларни текшириш харажатлари  
**collecting** ~s инкассо\* харажатлари  
**collection** ~s 1. инкассация қилиш харажатлари; 2. сугурта бадалларини йиғиш харажатларини қоплашга мўлжалланган соф ставка устамаси  
**commission** ~ воситачилик ҳақи  
**commission** ~ for a L/C аккредитив\* очиш воситачилик ҳақи  
**community** ~s коммунал хўжалиги тўловлари, шаҳар хўжалиги солиқлари  
**connection** ~ электр таъминоти тармоғига улаш ҳақи  
**constant** ~s ўзгармас харажатлар  
**consular** ~ консуллик йиғими  
**container** ~ контейнердан фойдаланиш ҳақи  
**crane** ~ кўтарма крандан фойдаланиш ҳақи  
**current** ~ кундалик харажатлар  
**customs-clearance** ~s боғжона йиғимлари (*боғжонадан ўтказганлик учун*)

**daily** ~ бир кеча-кундузлик  
ҳақ

**decoration** ~s бадий безатиш  
харажатлари

**deferred** ~s келгуси йилларга  
қолдирилган бюджет хара-  
жатлари; келгуси давр хара-  
жатлари

**deferred income tax** ~ муд-  
дати кейинга сурилган фойда  
солиғи

**delivery** ~ етказиб бериш  
ҳақи; *pl* етказиб бериш чи-  
қимлари

**demurage** ~s кема туриб  
қолиши билан боғлиқ хара-  
жатлар

**departmental** ~ 1. *pl* цех қў-  
шимча харажатлари; 2. маз-  
кур цех маҳсулоти тан-  
нархига қўшиладиган умум-  
завод харажатларининг бир  
қисми

**deprecation** ~s 1. ҳисоблаб  
ёзилган эскириш суммалари;  
2. амортизация ажратмала-  
ри\*

**designing** ~s лойиҳалаш чи-  
қимлари

**detention** ~s мажбурий ке-  
чикиш билан боғлиқ чи-  
қимлар

**direct** ~s 1. ўзгарувчан чи-  
қимлар; ўзгарувчан харажат-  
лар; 2. бевосита чиқимлар;  
бевосита харажатлар

**direct handling** ~s бевосита  
транспорт харажатлари

**discharging** ~ юк тушириш  
ҳақи

**discount** ~s дисконтлаш\* ха-  
ражатлари

**discounting** ~s дисконтлаш\*  
харажатлари

**distribution** ~s савдо харажат-  
лари

**documentation** ~s ҳужжат-  
ларни расмийлаштириш йи-  
гимлари

**dumping** ~s демпинг\* хара-  
жатлари

**engineering** ~ инжиниринг  
хизматларини\* кўрсатиш ҳа-  
қи

**encashment** ~s инкассация  
қилиш харажатлари

**establishment** ~s ташкилий  
харажатлар

**estimated** ~s харажатлар сме-  
таси\*

**excess** ~ қўшимча йиғим

**excess baggage** ~ юкнинг  
ортиқча вазни учун тўлана-  
диган ҳақ

**excess weight** ~ юкнинг  
ортиқча вазни учун тўлана-  
диган ҳақ

**exchange** ~ чекни тўлаш  
воситачилик йиғими

**exorbitant** ~ ҳаддан ортиқ  
сарф-харажат

**extra** ~ 1. устама нарх; 2. *pl*  
қўшимча харажатлар; фав-  
қуллодда харажатлар; ўзига  
хос харажатлар

**finance** ~ кредитнинг тўла  
қиймати

**financing** ~ 1. маблағ билан  
таъминлаш ҳақи; 2. *pl* молия-  
вий харажатлар

**fiscal** ~s солиқ йиғимлари

**fixed** ~s 1. доимий чиқимлар,  
доимий харажатлар; 2. тўлов  
муддати белгиланган молия-  
вий тўловлар

**flat** ~ умумий ҳақ

**floating** ~ қисқа муддатли  
давлат қарзи

**fluctuating** ~s ўзгарувчан харажатлар  
**forwarding** ~s юкни жўнатиш харажатлари, мол жўнатиш харажатлари  
**free of** ~ текин, бепул  
**freight** ~ юк ташиш ҳақи  
**frontier** ~ чегара йиғими (*чегарадан темир йўл орқали ўтиш пайтидаги*)  
**general average and salvage** ~s умумий шикастланиш ва кемани қутқариш харажатлари  
**handing** ~s юкка ишлов бериш харажатлари, юк операциялари учун ҳақ тўлаш  
**haulage** ~s шатакка олиш ҳақи; юк ташиш ҳақи  
**hauling** ~s юк ташиш ҳақи  
**heavy** ~s юқори ҳақ  
**heavy lifting** ~s оғир вазнли юк учун қўшимча ҳақ тўлаш  
**hire** ~s ижара; ижара қиймати  
**heavy rental** ~s юқори ижара қиймати  
**hiring** ~ ижара ҳақи  
**hotel** ~ меҳмонхона харажатлари  
**import** ~ четдан келтирилган моллар солиғи  
**incidental** ~s қўшимча харажатлар  
**incurred** ~s кўрилган чиқимлар, қилинган харажатлар  
**indirect** ~s билвосита харажатлар  
**industry track** ~s темир йўл шохобчасидан фойдаланиш йиғими  
**insurance** ~ суғурта йиғими;  
*pl* суғурта харажатлари  
**interest** ~s фоиз тўловлари

**interest** ~s on capital сармоя фоизларини қўшиб ҳисоблаш  
**lading** ~s юк ортиш харажатлари  
**land** ~ ер-мулк солиғи  
**landing** ~s бандаргоҳда юк тушириш қиймати  
**late** ~ тўловни кечиктирганлик учун солинадиган жарима  
**less** ~s харажатлар чиқариб ташланганда, харажатлардан ташқари  
**lighter** ~s лихтерлардан\* фойдаланиш ҳақи  
**loading** ~ 1. умумий инвестиция траст фондига\* қўйилган сармояни бошқариш ҳақи; 2. суғурта харажатларини қоплайдиган тариф ставкаси устамаси  
**loan** ~ кредит ҳақи; қарз (ссуда) фоизлари  
**local** ~s маҳаллий йиғимлар  
**mailing** ~s почта йиғимлари  
**maintenance** ~s 1. техник хизмат кўрсатиш харажатлари; 2. фойдаланиш харажатлари  
**management** ~s маъмурий харажатлар, бошқарув аппаратини таъминлаш (сақлаб туриш) харажатлари  
**minimum** ~ энг паст тариф, юк ташишнинг энг кам ҳақи  
**moderate** ~ ўртамиёна ҳақ  
**monthly** ~ ҳар ойлик ҳақ  
**mortgage** ~ ипотека қарзи\* ставкалари  
**night** ~ тунги тариф  
**noncash** ~ пулсиз (пулда ифода этилмаган) харажатлар  
**nonrecurring** ~ бир марталик харажат

**overhead** ~s қўшимча харажатлар  
**overtime** ~s иш вақтидан ташқари пайтдаги иш ҳақи  
**packing** ~s ўраб жойлаш ҳақи  
**packaging** ~s ўраб жойлаш ҳақи  
**particular** ~s ўзига хос (алоҳида) харажатлар  
**penalty** ~ жарима  
**per diem** ~ *лат.* бир кечакундузлик ставкалар асосидаги ҳақ  
**period** ~ ҳисобот даври чиқимлари  
**port** ~s бандаргоҳ йиғимлари  
**portage** ~ юк ташиш ҳақи  
**postal** ~s почта харажатлари  
**previous** ~ ўтган (тўланмаган) чиқимлар  
**price-fixing** ~ картель нархларини\* белгилаганликда айблаш  
**prior** ~s қарз мажбуриятлари бўйича тўлов  
**proforma** ~s тахминий харажатлар  
**protest** ~s вексель юзасидан эътирозни расмийлаштириш воситачилик тўловлари  
**quay handling** ~s юк билан кема тўхташ жойида ишлаш йиғими  
**quay landing** ~s кема тўхташ жойида юк тушириш ишлари йиғими  
**quay loading** ~s кема тўхташ жойида юк ортиш ишлари йиғими  
**railway** ~ темир йўл йиғими  
**gate** ~ тариф устамаси  
**readiness-to-serve** ~ хизмат кўрсатишга тайёрлик ҳақи  
**reconsigning** ~ юкни янги манзилга юбориш ҳақи

**recovery** ~s инкассация қилиш харажатлари  
**redraft** ~ қайтма ўтказма вексель харажатлари  
**reduced** ~ алоҳида хизматидан имтиёзли тариф бўйича фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш  
**remittance** ~ почта орқали ўтказиш воситачилик ҳақи  
**rent** ~s ижара харажатлари, ижара ҳақи  
**rental** ~ ижара ҳақи  
**repairing** ~ таъмирлаш ҳақи  
**reweighing** ~s қайта (тарозида) тортиш ҳақи  
**river** ~ дарё йиғими  
**sales** ~ сотиш учун тўланадиган воситачилик ҳақи (*акцияларни*)  
**salvage** ~s юкни сақлаб қолиш харажатлари  
**separate** ~ алоҳида ҳақ, ўзига хос ҳақ  
**service** ~ хизмат кўрсатиш ҳақи  
**service** ~ *on a loan* қарз бўйича фоизни қўшиб ҳисоблаш  
**shifting** ~ кемани қайта боғлаб қўйиш ҳақи  
**shipping** ~s юк ортиш харажатлари, юк жўнатиш чиқимлари  
**siding** ~ темир йўл шохобчасидан фойдаланиш йиғими  
**special** ~ махсус йиғим  
**standard** ~ одатдаги йиғим  
**standby** ~s фойдаланилмаётган (захирадаги) қувватлар таъминоти харажатлари  
**standing** ~s белгиланган тўловлар; тўлов муддати белгиланган молиявий тўловлар  
**stevedoring** ~s юк операция-

лари ҳақи; *pl* кемада юк ташиш харажатлари  
*storage* ~s юк сақлаш ҳақи;  
*омборхона харажатлари*  
*storing* ~ сақлаш ҳақи  
*sue* ~s суд харажатлари  
*supplementary* ~s қўшимча харажатлар  
*supply* ~s қуролли кучлар ва давлат аппарати таъминоти учун мўлжалланган бюджет харажатлари  
*surrender* ~ суғурта полисидан\* бош тортганлик учун олинадиган йиғим  
*survey* ~s юкни ёки юклар жойлаштирилган *омборхоналарни текширувдан ўтказиш йиғими*  
*taring* ~s идишларга жойлаш харажатлари  
*telephone* ~s телефон харажатлари  
*telex* ~s телекс харажатлари  
*terminal* ~s темир йўл бекатида юк билан ишлаш ҳақи  
*towage* ~s шатакка олиш харажатлари  
*towing* ~s шатакка олиш ҳақи  
*trackage* ~s темир йўлдан фойдаланиш ҳақи  
*transaction* ~s операция ўтказиш йиғимлари (*биржа фойдасига*)  
*transhipment* ~ юкни қайта ортиш йиғими  
*transit* ~ транзит ташиш йиғими\*  
*transport* ~s транспорт харажатлари  
*transportation* ~s транспорт харажатлари; юк ташиш ҳақи

*trimming* ~s кемага юк жойлаш харажатлари  
*trumped-up* ~ сохта айблов  
*trust* ~s ишонч асосидаги операциялар бўйича воситачилик тўловлари  
*tuition* ~ таълим ҳақи  
*unloading* ~ юк тушириш ҳақи; *pl* юк тушириш харажатлари  
*valuation* ~s молни баҳолаш харажатлари  
*variable* ~s ўзгарувчан фойдаланиш харажатлари  
*veterinary* ~s ветеринарлик хизмати харажатлари  
*waggon hire* ~s вагондан фойдаланиш ҳақи  
*warehouse* ~ юк сақлаш ҳақи; *pl* *омборхона харажатлари*  
*warehousing* ~ юк сақлаш ҳақи; *pl* *омборхона харажатлари*  
*weighbridge* ~ кўприк таразидан фойдаланиш ҳақи  
*weighing* ~s таразида тортиш ҳақи  
*wharfage* ~s кема тўхташ жойи йиғими  
*winchmen* ~ кема чиғиридан фойдаланиш ҳақи  
*without* ~ бепул, текин  
**CHARGE** *v* 1. нарх белгиламоқ; 2. ҳақ тўланишини талаб қилмоқ; ундирмоқ, тўлатмоқ; 3. ҳисобрақамга киритмоқ; дебет қисмига ёзмоқ; 4. харажатларни ҳисоблаб ёзмоқ; 5. кредитга харид қилмоқ  
*to* ~ *a commission* воситачилик ҳақи ундирмоқ; воситачилик ҳақини ҳисоблаб ёзмоқ

to ~ a discount дисконтни\*  
ундирмоқ

to ~ a fee ҳақ ундирмоқ

to ~ a free for ... учун ҳақ  
ундирмоқ

to ~ a high price юқори нарх  
белгиламоқ

to ~ an expense to an account  
харажатларни ҳисобрақамга  
ўтказмоқ

to ~ a price нарх белгиламоқ

to ~ collect қарз мажбурияти  
 country ~ шаҳардан ташқаридаги инкассо\* (чекларнинг)  
 coupon ~ купонлар инкассоси\* (облигацияларга доир)  
 custom(s) ~ божхона йиғими  
 debt ~ қарзларни тўлатиш  
 direct ~ бевосита инкассо\*  
 documentary ~ ҳужжатлаштирилган инкассо\*  
 documented ~ ҳужжатлаштирилган инкассо\*  
 draft ~ тратта инкассоси\*  
 for ~ инкассога\*  
 foreign ~ хорижий операциялар инкассоси\*  
 giro debt ~ жиरोҳисобрақамлар\* тизимида қарзни инкассация қилиш  
 immediate ~ тезкор инкассо\*  
 intradistrict ~ федерал заҳиралар ҳудуди ичидаги инкассо\*  
 out-of-town ~ шаҳардан ташқаридаги инкассо\* (чекларнинг)  
 par ~ белгиланган қиймати бўйича инкассация қилиш  
 par ~ of check чекни белгиланган қиймати бўйича инкассация қилиш (восита-

чилик ҳақини ҳисобдан чиқармасдан)

postal ~ почта жўнатмаларини (қутидан) олиш

registered ~ ҳисобга олинган инкассо\*

gent ~ ижара ҳақини ундириш

sample ~ намуналар тўплами

supplementary ~ қўшимча йиғим

tax ~ солиқ ундириш, солиқ йиғиш

### COLLECTIVE *n* жамоа

production ~ ишлаб чиқариш жамоаси

work ~ меҳнат жамоаси

### COLLECTIVE *a* жамоа ..., жамоавий, қўшма, умумий, биргаликдаги

~ agreement жамоа шартномаси

~ custody бойликларни банкда биргаликда сақлаш

~ custody of securities бойликларни банкда биргаликда сақлаш

~ fund умумий траст фонд\*

~ guarantee жамоавий кафолат

~ investment fund умумий траст фонд\*

~ order умумий тўлов топшириқномаси

~ risk жамоавий таваккалчилик

~ security жамоавий кафолат

~ investment institutions жамоавий инвестициялар муассасалари

### COLLECTOR *n* 1. йиғувчи (солиқларни); 2. инкассация қилувчи, кассир; 3. тўловчи

~ of customs божхоначи

~ of internal revenue давлат

йиғимлари департаменти директори

debt ~ қарзни тўлатиш ваколатига эга шахс

district ~ туманнинг ваколатли солиқ назоратчиси

tax ~ солиқ йиғувчи, солиқ назоратчиси

ticket ~ чипта назоратчиси

### COLLEGE *n* 1. коллеж; олий ўқув юрти; 2. ўрта мактаб (Францияда)

business ~ тижорат коллежи

commercial ~ тижорат коллежи

technical ~ техника коллежи

university ~ университет коллежи

### COLLEGIUM *n* ҳайъат

### COLLIDE *v* 1. дуч келмоқ, тўқнашмоқ; 2. қарама-қарши чиқмоқ, ихтилоф қилмоқ, низолашмоқ

### COLLIERY *n* кўмир саноати корхонаси, кон

### COLLISION *n* тўқнашув

~ of interests манфаатлар тўқнашуви

### COLLOCATION *n* ўрнашган жой, жойлаштириш, жой-жойига қўйиш

~ plan кредиторларни катта-кичиклигига қараб табақалаштириш (фирма банкрот бўлган тақдирда)

### COLLUDER *n* якка ҳоқимлик ўриатиш мақсадида махфий тил бириктирган компания

### COLLUSION *n* махфий тил бириктириш, махфий битим

### COLON *n* колон (Коста-Рика ва Эль-Сальвадор пул бирлиги)

~ Costa-Rica Коста-Рика ко-



лони (*Коста-Рика пул бирлиги*)

~ el Salvador Сальвадор колони (*Эль-Сальвадор пул бирлиги*)

**COLONIAL** *a* мустамлака...

**COLONIALISM** *n* мустамлакачилик

**COLONIZATION** *n* мустамлакага айлантириш

**COLONIZE** *v* мустамлака қилиб олмақ

**COLONIZER** *n* 1. мустамлака мамлакатда яшовчи киши; 2. мустамлакачи

**COLONY** *n* мустамлака

**COLUMN** *n* 1. устун; катак; 2. устун

to bring into the profit ~ „фойда“ устунига ёзиб қўймоқ; фойдалиликка эришмоқ (*ишлаб чиқаришни*), фойда келтирадиган қилмоқ

advertisement ~ реклама  
эълонлари устуни (*рўзномада*)

advertising ~ реклама эълонлари устуни (*рўзномада*)

amount ~ пул суммалари устуни

analysis ~ айрим устунлар бўйича шунга ўхшаш харажатларни аниқлаш мақсадида рақамлар устунларида қайд этиш

balance ~ баланс устуни

commercial ~ рўзноманинг савдо масалаларига бағишланган устуни

double ~ икки устунли қайд

financial ~ молиявий масалалар устуни

receipts ~ пул тушумлари устуни

summary ~ жамлама устун

total ~ умумий сумма устуни

**COLUMNIST** *n* матбуот ходими, шарҳловчи

**COMAKER** *n* қарздор қарзни тўлай олмаган тақдирда уни тўлашни ўз зиммасига олувчи шахс

~ loan кафолатчилар кафиллиги асосидаги таъминланмаган истеъмол ссудаси

**COMANAGE** *v* биргаликда бошқармоқ (*бирор нарсани*)  
to ~ the issue чиқарилган қимматли қоғозларни жойлаштирувчи синдикатнинг\* асосий иштирокчиларидан бири бўлмақ

**COMANAGER** *n* 1. биргаликда бошқарувчи; 2. қарзни уюштирувчилар гуруҳига кирувчи банклардан бири

**COMBAT** *v* курашмоқ (*мас. инфляцияга\* қарши*)

**COMBINATION** *n*1. қурама, қўшилиш, бирикш; бирга қўшиш; 2. иттифоқ; уюшма; бирлашма; жамият; 3. рақобатлашётган компанияларнинг бозорда эгаллаган ўринларини мустақкамлаш учун бирлашуви; 4. иккита ташкилот ўртасида ўзаро манfaatли ҳаракатлар ҳақидаги битим

~ bond қурама облигация

~ of commercial banking and investment banking тижорат ва инвестиция банк ишини бирга қўшиб олиб бориш

~ order мижознинг брокерга\* ҳаракатларни танлаш имконияти билан берган буйруғи

business ~ компанияларнинг бирлашуви (қўшиливи)

buying ~ харид қилувчи ташкилот  
 close ~ фирмаларнинг яқин иттифоқи  
 contract ~ фирмаларнинг шартнома асосида бирлашуви  
 corporate ~ корпорациялар\* бирлашуви  
 highest profit ~ энг юқори фойда берувчи қурама (омилларнинг)  
 high margin-low volume ~ ишлаб чиқариш ҳажми кичик бўлганида олиндиған фойданинг юқори меъёри  
 horizontal ~ горизонтал шаклдаги қурама  
 input ~ харажатлар таркиби қурамаси  
 least-cost ~ энг кам харажатли қурама (омилларнинг)  
 least-cost resource ~ энг кам харажатли ишлаб чиқариш ресурслари қурамаси  
 leastoutlay ~ энг кам харажатли қурама (омилларнинг)  
 Loose ~ фирмаларнинг бири-бирига кам даражада боғлиқлик билан бирлашуви  
 low margin-high volume ~ ишлаб чиқариш ҳажми юқори бўлганида олиндиған фойданинг паст меъёри  
 ownership ~ концерн\*  
 price ~ нарх картели\*  
 production ~ ишлаб чиқариш картели\*  
 trade ~ савдогарлар бирлашмаси  
 vertical ~ вертикал шаклдаги қурама  
**COMBINE** *n* картель\*; синдикат\*; бирлашма  
 ~ of producers маҳсулот тайёрловчилар уюшмаси

interlocking ~ 1. ўзаро иштирок тизими; 2. концернлар\* бирлашуви

purchasing ~ харид қилувчи бирлашма

**COMBINED** *a* қурама...

~ accoint қурама ҳисобрақам  
 ~ interest rate and cross currency swap турли валюта-лардаги фоиз тўловларини алмаштиришдан иборат оддий фоизли своп\*

**COMBO** *n* руда, нефть маҳсулотлари ёки катта ҳажмдаги юкларни ташишга мўлжалланган қурама кема

**COMBUSTIBLES** *n* ёнувчан юклар

**COMBUSTION** *n* ёниш, ўт олиш

~ of cargo юкнинг ёниб кетиши

**COME** *v* келмоқ (*ниёда*); келмоқ (*транспортда*); (етиб) келмоқ (*транспортда*)

to ~ down пасаймоқ (*нархнаво ҳақида*)

to ~ expensive қимматга тушмоқ

to ~ from содир бўлмоқ

to ~ in 1. фаолият кўрсата бошламоқ (*шерик сифатида*); 2. келиб тушмоқ (*ҳужжатлар ҳақида*)

to ~ into operation фаолият кўрсатишни бошламоқ; ишга тушмоқ

to ~ off the gold standard олтин стандартидан\* воз кечмоқ

to ~ out 1. нашрдан чиқмоқ; 2. иш ташламоқ

to ~ out of action ишдан чиқмоқ, ишга лаёқатлиликни йўқотмоқ

- to ~ to тенглашмоқ, ташкил этмоқ
- to ~ to maturity етиб келмоқ (*тўлов муддати ҳақида*)
- to ~ up кўтарилмоқ, ўсмоқ, ошмоқ (*нарх ҳақида*)
- prices ~ down нархлар пасаймоқда
- COMEBACK** *n* 1. янгилаш (*буртмаларни*); 2. қайтариб бериш, қайтариш
- COMFORT** *n* таскин, таскин бериш, тинчлантириш  
~ letter қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш баённомаси ва аризаси тўғри тайёрланганлиги ҳақидаги мустақил аудиторнинг\* хати
- COMING** *a* келгуси, бўлажак  
~ out price янги акциялар чиқариладиган нарх  
~ tender бўлажак савдо
- COMMAND** *n* 1. ҳукмронлик, назорат; 2. тасарруф этиш (*мас. маблағни*)  
at the ~ тасарруфда бўлган  
~ of finance маблағларни тасарруф этиш  
~ of the market бозорда ҳукмронлик қилиш  
to be in ~ тасарруф этмоқ  
to have at one's ~ эга бўлмоқ
- COMMAND** *v* 1. эга бўлмоқ; 2. назорат қилмоқ; ҳукмронлик қилмоқ, ҳукм сурмоқ  
to ~ a high price юқори нархда сотилмоқ  
to ~ a premium устама ҳақ билан сотилмоқ  
to ~ a ready sale осон сотилмоқ  
to ~ at the market бозорда ҳукмронлик қилмоқ; бозорни назорат қилмоқ
- to ~ reserves заҳираларга эга бўлмоқ
- to ~ finance маблағларни тасарруф этмоқ
- COMMENCE** *v* бошламоқ, бошланмоқ
- COMMENCEMENT** *n* ибтидо, бошланиш  
~ of unloading юк туширишнинг бошланиши  
~ of work ишнинг бошланиши
- COMMENSURABILITY** *n* ўлчовдошлик; мутаносиблик
- COMMENSURABLE** *a* ўлчовдош; мутаносиб
- COMMENT** *n* шарҳ, изоҳ, эслатма; танбеҳ  
to make a ~ танбеҳ бермоқ; шарҳламоқ  
press ~ матбуотдаги шарҳ
- COMMERCE:**  
Chamber of C. Савдо палатаси
- COMMERCE** *n* савдо, савдосотиқ, тижорат  
domestic (home) ~ ички савдо  
foreign ~ ташқи савдо  
internal ~ ички савдо  
international ~ жаҳон савдоҳси  
interstate ~ штатлараро савдо  
intrastate ~ бир штат ҳудудидаги савдо  
maritime ~ денгиз савдоси  
passive ~ муайян мамлакатнинг ташқи савдо юклари бошқа давлатларга тегишли кемаларда ташиладиган савдо тури  
sea-borne ~ денгиз савдоси  
wholesale ~ улгуржи савдо  
world ~ жаҳон савдоси

- world-embracing ~ жаҳон савдоси
- world-wide ~ жаҳон савдоси
- COMMERCIAL *n* 1. реклама радиоси ёки телекўрсатуви; реклама лавҳаси; 2. гуашта; 3. *pl* савдо компанияларининг фонд биржасида баҳоланадиган акциялари
- COMMERCIAL *a* 1. савдо ..., тижорат ...; 2. фойдали, даромад келтирадиган; даромадли; 3. саноат аҳамиятига эга бўлган; 4. кўплаб; бозор...
- ~ agent савдо вакили
- ~ and industrial loans савдо-саноат корхоналарига бериладиган ссудалар
- ~ attache элчихонанинг савдо вакили
- ~ bank тижорат банки
- ~ bank act тижорат банклари тўғрисидаги қонун
- ~ bill тижорат вексели, савдо вексели
- ~ branch тижорат банки филиали
- ~ code тижорат кодекси
- ~ credit 1. тижорат кредити; мол харид қилишга берилган кредит; 2. мол аккредитиви\*
- ~ credit company тижорат-кредит компанияси
- ~ creditor савдо битимларига кредит берувчи
- ~ debt тижорат қарзи
- ~ discount нақд пулга харид қилиш пайтида нархдан чегириш
- ~ documentary credit ҳужжатлаштирилган мол аккредитиви\*
- ~ enterprise тижорат корхонаси
- ~ financial company молия-тижорат компанияси
- ~ hedger фьючерс бозорида\* таваккалчиликни суғурталаш мақсадида операцияларни амалга оширувчи компания
- ~ honour тижоратчилик орномуси
- ~ instrument савдо вексели, тижорат вексели
- ~ invoice ўзида сотилган молларнинг барча реквизитларини\* муҳассаплаштирган тижорат тўловнома фактураси\*
- ~ law тижорат ҳуқуқи
- ~ letter of credit мол аккредитиви\* (савдо битими асосида вужудга келадиган)
- ~ loan тижорат ссудаси, мол харид қилиш ссудаси
- ~ mortgage lending кўчмас мулк гарови асосида кредит ажратиш
- ~ paper 1. қисқа муддатли тижорат вексели; 2. тижорат қоғозлари (махсус таъминоти бўлмаган йирик компанияларнинг бозорда муомалада бўладиган мажбуриятлари)
- ~ paper market тижорат қоғозлари бозори, қисқа муддатли мажбуриятлар бозори
- ~ paper names тижорат қоғозларини мунтазам равишда муомалага чиқариб турувчи компаниялар
- ~ register тижорат рўйхати
- ~ risk тижорат таваккалчилиги
- ~ teller банкнинг корхонага хизмат кўрсатувчи хизматчиси

~ value бозор қиймати; сотув нархи

~ уеаг молиявий тижорат йили

**COMMERCIALISM** *n* 1. тижорат нуқтаи назаридан ёндашув; манфаатпарастлик; 2. савдо амалиёти

**COMMERCIALIZATION** *n*  
1. даромад манбаига айлан-тириш; 2. кўплаб ишлаб чиқаришни ташкил этиш; 3. (маҳсулотни) ўтказиш (*сотиш*)

**COMMERCIALIZE** *v* 1. фойда кўрмоқ; даромад манбаига айлантириш; 2. кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқ

**COMMINGLE** *v* аралаштирмоқ, қўшиб юбормоқ (*омонатчиларнинг инвестиция маблағларини; брокер\* ва мижознинг қимматли қоғозларини*)

**to** ~ accounts ҳисобрақамларни бирлаштирмоқ; ҳисобрақамлардаги маблағларни ягона фондга бирлаштирмоқ

**COMMINGLED** *a* бирлашган; бирлаштирилган

~ employee benefit trust fund компания хизматчиларига нафақа тўлаш бирлашган траст фонди\*

~ fund умумий траст фонд\*

**COMMINGLING** *n* 1. мижоз ва брокернинг\* қимматли қоғозларини аралаштириб юбориш; 2. якка тартибдаги омонатчилар инвестиция маблағлари пули\*

**COMMISSION:**

**C. for Industry** Саноат комиссияси

**C. for Public Health and Social Maintenance** Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот комиссияси

**Commodity Futures Trading C.** Муддатли биржа савдоси бўйича комиссия (*АҚШ*)

**Consumer Product Safety C.** Истеъмол моллари хавфсизлиги бўйича комиссия (*АҚШ*)

**Economic C. for Africa** БМТнинг Африка бўйича иқтисодий комиссияси

**Economic C. for Asia and the Far East** БМТнинг Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатлари бўйича иқтисодий комиссияси

**Economic C. for Latin America** БМТнинг Лотин Америка мамлакатлари бўйича иқтисодий комиссияси

**Economic C. for the Middle East** БМТнинг Ўрта Шарқ мамлакатлари бўйича иқтисодий комиссияси

**Equal Employment Opportunity C.** Иш билан таъминлашнинг тенг имкониятлари масалалари бўйича комиссия (*АҚШ*)

**Federal Communication C.** Федерал алоқа комиссияси (*АҚШ*)

**Federal Trade C.** Федерал савдо комиссияси (*АҚШ*)

**International C. for Agricultural and Food Industries** қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича халқаро комиссия (*1934 й.*)

**International Trade C.** Халқаро савдо комиссияси (*АҚШ*)

**Interstate Commerce C.** Штатлараро транспорт ва савдо қўмитаси (АҚШ)

**Manpower Services C.** Ишга жойлаштириш комиссияси (Буюк Британия)

**Monopolies and Mergers C.** Яккаҳоқимликлар ва қўшилувлар бўйича комиссия (Буюк Британия)

**National C. on Productivity** Меҳнат унумдорлигини ўрганиш бўйича миллий комиссия (АҚШ)

**National Companies and Securities C.** Компаниялар ва қимматли қоғозлар бўйича миллий комиссия (Австралия)

**National Food Marketing C.** Озиқ-овқат моллари савдоси бўйича миллий комиссия (АҚШ)

**National Incomes C.** Даромадлар бўйича миллий комиссия (Буюк Британия; 1965 йилгача фаолият кўрсатган)

**National Monetary C.** Пул муомаласи бўйича миллий комиссия (АҚШ)

**Nuclear Regulatory C.** Ядро энергетикасини тартибга солиш комиссияси (АҚШ)

**Price C.** Нарх-наво бўйича комиссия (АҚШ)

**Productivity C.** Меҳнат унумдорлиги масалалари комиссияси (АҚШ)

**Public Service C.** Давлат хизмати масалалари бўйича комиссия

**Public Utility C.** Шаҳар хўжалиги хизматлари фао-

лияти масалалари бўйича комиссия

**Security and Exchange C.** Қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича комиссия (АҚШ, 1934 й.)

**Tariff C.** Тариф ставкалари бўйича комиссия

**United Nations C. on International Commodity Trade** БМТнинг халқаро хомашё моллари савдоси масалалари бўйича комиссияси

**COMMISSION** *n* 1. комиссия; қўмита; 2. воситачилик йиғими; воситачилик ҳақи; 3. воситачилик ҳақи сифатида битим суммасидан ундириладиган ҳақ; 4. ишончнома, ваколат; 5. топшириқ; 6. ишга тушириш

~ **account** воситачилик тўловлари ҳисобрақами

~ **broker** битимларни воситачилик ҳақи эвазига амалга оширувчи брокер\*

~ **charged by bank** банк ундирадиган воситачилик ҳақи

~ **deducted** воситачилик ҳақини чегириб ташлаган ҳолда

~ **expenses** воситачилик харажатлари

~ **for acceptance** акцептлаш\* воситачилик ҳақи

~ **for administration of securities** қимматли қоғозларни бошқарганлик учун тўланадиган воситачилик ҳақи

~ **for brokerage services** брокерлик хизматлари\* ҳақи

~ **s for securities transactions** қимматли қоғозлар битим-

лари учун олинадиган воситачилик ҳақи

~ for cashing инкассо\* учун олинадиган воситачилик ҳақи

~ for collecting инкассо\* учун олинадиган воситачилик ҳақи

~ for collection инкассо\* учун олинадиган воситачилик ҳақи

~ for guarantee кафолат учун олинадиган воситачилик ҳақи

~ for an obligation мажбуриятлар учун олинадиган воситачилик ҳақи

~ for promotion efforts мол сотишни ташкил этишда кўмаклашганлик учун олинадиган воситачилик ҳақи

~ for services хизмат учун олинадиган воситачилик ҳақи

~ house биржа брокерлик фирмаси\*

~ house broker биржа фирмаси брокери\*

~ of experts эксперт комиссияси

~ on earnings тушумлардан олинадиган воситачилик ҳақи

~ on guarantee авал\* пайтидаги воситачилик ҳақи

~ on sales сотганлик учун олинадиган воситачилик ҳақи

~ on a transaction битим учун олинадиган воситачилик ҳақи

to appoint a ~ комиссия тузмоқ

to be on the ~ комиссия аъзоси бўлмоқ

to buy on ~ воситачилик битимини амалга оширмоқ, воситачилик асосида харид қилмоқ

to calculate a ~ воситачилик ҳақини ҳисобламоқ

to charge a ~ воситачилик ҳақини ундирмоқ

to charge ... % ~ ... % воситачилик ҳақини ундирмоқ

to come into ~ ишга тушмоқ

to compute a ~ воситачилик ҳақини ҳисобламоқ

to discharge a топшириқни бажармоқ

to establish a ~ комиссия тузмоқ

to estimate ~ воситачилик ҳақини ҳисоблаб чиқмоқ

to fix a ~ воситачилик ҳақини белгиламоқ

to go beyond ~ ваколатни оширмоқ

to pay ~ воситачилик ҳақини тўламоқ

to put into ~ ишга туширмоқ

to sell on ~ воситачилик битимини амалга оширмоқ, воситачилик асосида сотмоқ

to set up a ~ комиссия тузмоқ

to sit on a ~ комиссия йиғилишида иштирок этмоқ

acceptance ~ акцептлаш\* воситачилик ҳақи

accepting ~ акцептлаш комиссияси\*

acquisition ~ янги суғурта шартномаларини тузиш воситачилик ҳақи

address ~ манзиллар комиссияси

advising ~ хабарнома бўйича воситачилик ҳақи

advisory ~ маслаҳат қўмитаси

agency ~ вакиллик воситачилик ҳақи, вакиллик ҳақи

agent's ~ вакиллик воситачилик ҳақи, вакиллик ҳақи

agreed ~ мувофиқлаштирилган комиссия

arbitration ~ ҳакамлик комиссияси

bank ~ банкка тўланадиган воситачилик ҳақи, банк воситачилик ҳақи

banker's ~ банк воситачилик ҳақи

banking ~ банкка тўланадиган воситачилик ҳақи, банк воситачилик ҳақи

booking ~ шатакка олиш ҳақи

broker's ~ брокер\* воситачилик ҳақи

budget ~ бюджет комиссияси

buying ~ харид қилиш воситачилик ҳақи

certifying ~ аттестация комиссияси

collecting ~ инкассо\* учун олинадиган воситачилик йиғими

collection ~ суғурта бадалларини йиғиш воситачилик ҳақи

commitment ~ 1. кредит бериш мажбурияти учун тўланадиган воситачилик ҳақи; 2. бюджет кредити берилганлиги учун тўланадиган воситачилик ҳақи

consiliation ~ битиштирувчи комиссия

consultative ~ маслаҳат комиссияси

control ~ назорат комиссияси

coordinating ~ мувофиқлаштириш комиссияси

del credere ~ делькредере\* воситачилик ҳақи

economic ~ иқтисодий комиссия

evaluating ~ баҳолаш комиссияси

exchange ~ ўтказиш воситачилик ҳақи (*валютани*)

expert ~ эксперт комиссияси

extra ~ қўшимча ҳақ тўлаш

federal ~ федерал қўмита

fixed ~ қатъий воситачилик ҳақи

flat ~ воситачилик ҳақининг бир хил ставкаси

free of ~ воситачилик ҳақини тўламасдан

freight ~ кема ёллаш воситачилик ҳақи

government ~ ҳукумат комиссияси

interim ~ муваққат комиссия

joint ~ бирлашган комиссия

less ~ воситачилик ҳақи чегириб ташланган ҳолда

liable to ~ воситачилик ҳақи тўланиши лозим бўлган

liquidation ~ тугатиш комиссияси

management ~ операциялар комиссияси

maritime ~ денгиз комиссияси

negotiated ~ брокерга\* шартнома асосида ҳақ тўлаш

net ~ соф воситачилик ҳақи

opening ~ аккредитив\* очиш воситачилик ҳақи

overdraft ~ овердрафт\* учун тўланадиган воситачилик ҳақи

overriding ~ брокерга\* облигацияларни жойлашти-



ришдаги воситачилиги учун  
тўланадиган ҳақ

percentage ~ фоизли восита-  
чилилик ҳақи

port ~ бандаргоҳнинг назорат  
идораси

public service ~ қатор штат-  
лардаги умумий фойдаланиш

корхоналарини назорат қи-  
лувчи мустақил идора

rates and disputes ~ нарх  
белгилашдаги ихтилофни ҳал  
этиш комиссияси

reinsurance ~ қайта суғурта-  
лаш воситачилик ҳақи

resale ~ қайта сотиш воси-  
тачилилик ҳақи

return ~ қайтариб берилган  
воситачилик ҳақи

sales ~ суғуртани харид қил-  
ганлик учун биринчи йил  
тўланадиган воситачилик ҳа-  
қи

sectoral ~ соҳа комиссияси

selling ~ сотувдан олинadиган  
воситачилик йиғими

service ~ суғурталанувчилар-  
га хизмат кўрсатганлик учун  
такрор тўланадиган восита-  
чилилик ҳақи

special ~ махсус комиссия

split ~ иккита воситачи ўрта-  
сида тақсимланган восита-  
чилилик ҳақи

standing ~ доимий комиссия

state ~ давлат комиссияси

tax ~ солиқ қўмитаси

trade ~ савдо комиссияси

transport ~ транспортда мол  
ташиш комиссияси

tripartite ~ уч томонлама  
комиссия

trust ~ траст комиссияси\*

underwriting ~ „андеррай-  
тинг“ операциялари\* восита-

чилик ҳақи (*қимматли  
қоғозларни дилерларга\* со-  
тиш пайтида*); устхат учун  
олинadиган йиғим

COMMISSION *v* 1. ишга  
туширмоқ, ҳаракатга келтир-  
моқ; 2. тайинламоқ (*мансаб,  
лавозимга*)

COMMISSIONER:

Land Bank *C.* қишлоқ  
хўжалиги кредити маъму-  
риятидаги юқори мансабдор  
шахс

Lord C.s of the Treasury дав-  
лат хазинаси вакиллари бўл-  
ган лордлар

National Debt *C.* Миллий  
қарз бўйича ваколатли шахс-  
лар (*Англия банки комисс-  
иясида*)

Post and Haven *C.* бандаргоҳ  
вакили

Trade *C.* савдо вакили (*Буюк  
Британиянинг доминионлар-  
даги\* расмий савдо вакили*)

COMMISSIONER *n* 1. махсус  
вакил; ваколатли мансабдор  
шахс; 2. комиссия аъзоси  
(*мас. қимматли қоғозлар ва  
фонд биржалари комиссия-  
сининг*)

average ~ ҳалокатлар бўйича  
ваколатли шахс

bank ~ банк департаменти  
раҳбари

government ~ ҳукумат ваки-  
ли

special ~ махсус вакил

trade ~ савдо вакили

COMMISSIONING *n* ишга ту-  
шириш; фойдаланишга топ-  
шириш

~ of the enterprise корхонани  
ишга тушириш

~ of a plant заводни фойдаланишга топшириш

plant ~ заводни ишга тушириш

COMMIT *v* 1. топширмақ; 2. маблағ билан таъминламоқ; сармоя сарфламоқ; 3. ўз зиммасига мажбуриятлар олмақ

to ~ oneself to a forward sale муддатга сотиш мажбуриятини олмақ

COMMITMENT *n* 1. топшириш; қўлига бериш; (бошқага) ўтказиш; 2. харажатлар; сармоя сарфлаш; 3. ажратилиши мўлжалланган молиявий ажратмалар; операциялар бажарилиши учун молиявий жавобгарликни кўзда тутувчи шартнома; 4. мажбурият; 5. кредит берувчи ва қарз олувчи ўртасида муайян шартлар асосида келгусидаги муайян санада пул ссудаси бериш ҳақида тузилган битим; 6. қимматли қоғозлар портфели\*

~ appropriation ажратилган маблағлар

~ fee 1. кредитнинг фойдаланилмаган қисми учун тўланадиган воситачилик ҳақи; 2. мажбуриятлар учун тўланадиган воситачилик ҳақи; 3. кредит йўлини захирага ўтказиш воситачилик ҳақи

~ for future delivery муддатли битим бўйича мажбурият

~ letter 1. ёзма мажбурият; 2. кредит йўли очилганлиги ҳақидаги хабарнома

~ of finance молиявий мажбурият

~s on delivery етказиб бериш бўйича мажбурият

~ period банкнинг кредит бериш мажбуриятининг амал қилиш муддати

~s under an agreement шартнома мажбуриятлари

~s under a contract шартнома мажбуриятлари

to enter into a ~ ўз зиммасига мажбурият олмақ

to fail to meet one's ~s мажбуриятни бажармаслик

to incur a ~ ўз зиммасига мажбурият олмақ

to make no ~s ўзини мажбуриятлар билан боғлаб бермаслик

to meet ~s мажбуриятларни бажармоқ

to shrink a ~ мажбуриятни бажаришдан бош тортмоқ

to shrink away from a ~ мажбуриятни бажаришдан бош тортмоқ

to undertake a ~ ўз зиммасига мажбурият олмақ

to violate a ~ мажбуриятни бузмақ

accounting ~ ҳисобрақамни бошқага ўтказиш

advance ~s 1. кейинги муддатга олинган мажбуриятлар; муддатли мажбуриятлар; 2. қарз бериш мажбурияти

bear ~s нарх-навони атайлаб пасайтираётган чайқовчилар мажбуриятлари

bull ~s нарх-навони атайлаб ошираётган чайқовчилар мажбуриятлари

business ~s хизмат мажбуриятлари

**buy-back** ~ ўрнини қоплаш мажбурияти  
**capital** ~s инвестиция мажбуриятлари  
**contract** ~s шартнома бўйича мажбурият, шартнома мажбуриятлари  
**contractual** ~ шартнома мажбурияти  
**corporate** ~s корпорация\* мажбуриятлари  
**credit** ~ кредит бериш мажбурияти  
**exchange** ~s валюта мажбуриятлари  
**firm** ~ 1. қарзни уюштирувчи банкнинг қимматли қоғозларни сотиб олиш мажбурияти; 2. кредит ажратиш юзасидан сўзсиз мажбурият  
**formal credit** ~ кредит ажратиш ҳақидаги расмий шартнома  
**forward** ~s кейинги муддатга олинган мажбуриятлар; муддатли мажбуриятлар  
**government** ~ ҳукумат муассасалари мажбурияти; ҳукумат фондларидан маблағ ажратиш  
**international** ~s халқаро мажбуриятлар  
**investment** ~s инвестиция мажбуриятлари, инвестиция режалари (*амалдаги инвестициялардан фарқли равишда*)  
**mutual** ~s ўзаро мажбуриятлар  
**open-end** ~s очиқ мажбуриятлар  
**parity-with-land** ~ марказий банкнинг ўз валютаси курси ўзгаришини муайян чегара-

ларда сақлаб туриш мажбурияти  
**prior** ~ биринчи навбатдаги мажбурият  
**production** ~s ишлаб чиқариш мажбуриятлари  
**purchase** ~s буюртмалар бўйича мажбуриятлар; жойлаштирилган буюртмалар  
**stand(-)by** ~ захира мажбурияти; муайян муддат давомида кредит ажратиш ёки сотилмаган қимматли қоғозларни харид қилиш мажбурияти  
**stock exchange** ~s биржа битимлари бўйича мажбуриятлар  
**treaty** ~s шартнома мажбуриятлари  
**without any** ~s ҳеч қандай мажбуриятларсиз

#### COMMITTED *a* сарфланган

~ **facilities** сарфланган маблағлар  
 ~ **finances** сарфланган молиявий маблағлар  
 ~ **line of credit** мажбуриятли кредит йўли

#### COMMITTEE:

**C. for Economic Development** Иқтисодий ривожланишга қўмаклашиш қўмитаси (*АҚШ, 1949 й.*)  
**C. for Reciprocity Information** Ўзаро ахборот алмашиш қўмитаси (*АҚШ*)  
**C. of Central Bank Governors** Марказий банк бошқарувчилари қўмитаси  
**C. of London Clearing Bankers** Лондон клиринг банклари\* қўмитаси  
**C. on Banking Regulation and**

Supervisory Practices Банкларни назорат қилиш ва тартибга солиш қўмитаси, Базель қўмитаси, Кук қўмитаси

C. on Improvement of National Statistics Миллий статистика ҳисоби тизимини такомиллаштириш қўмитаси

C. on Interest and Dividends Фоизлар ва дивидендлар\* қўмитаси (АҚШ)

C. on National Resources Табиий бойликлар бўйича қўмита

C. on Paperless Entry „Қоғозсиз“ ҳисоб-китоблар қўмитаси (АҚШ)

C. on Stock List Нью-Йорк фонд биржасида акцияларни рўйхатга олиш қўмитаси

C. on Uniform Securities Identification Procedures Қимматли қоғозларга меъёрий тартиб рақамлари ва кодлар бериш қўмитаси (АҚШ)

Accepting houses C. Акцептлаш уйлари\* қўмитаси (Буюк Британия)

Ad Hoc C. of Experts on Programmes in Demographic Aspects of Economic Development Иқтисодий тараққиётнинг аҳоли ҳолатига асосланган жиҳатлари соҳасидаги дастурлар экспертларининг махсус қўмитаси

Ad Hoc C. of the Board of Governors on Reform of the International Monetary System and Related Issues Халқаро валюта тизими ислохотлари ва туташ муаммолар ҳақидаги масалалар

бўйича бошқарувчилар кенгашининг махсус қўмитаси Appropriation C. Маблағ ажратиш қўмитаси (АҚШ конгрессининг)

Capital Issues C. Қимматли қоғозлар чиқаришни тартибга солиш қўмитаси (Буюк Британия)

Coordinating C. for East-West Trade Шарқ билан савдосотиқни мувофиқлаштириш қўмитаси

Emergency C. for Full Funding of Educational Programmes Таълим соҳасидаги дастурларни тўла маблағ билан таъминлаш фавқулудда қўмитаси

Federal Open Market C. Федерал захиралар тизимининг очиқ бозорда операциялар ўтказиш қўмитаси (АҚШ)

Foreign Exchange Control C. Валюта назорати қўмитаси (Буюк Британия)

House Appropriation C. Бюджет ажратмалари комиссияси (АҚШ)

Intergovernmental C. for European Migration Европа кўчиш ишлари бўйича ҳукуматлараро қўмита

Interim Coordinating C. for International Commodity Arrangements Моллар савдоси ҳақидаги халқаро битимлар бўйича мувофиқлаштирувчи муваққат қўмита

Law C. ҳуқуқий қўмита Mac-Millan C. Мак-Миллан қўмитаси (1929-1931 йилларда Англиядаги пул-кредит тизимининг аҳолини ўрганган)

**National C. on Maternal Health** Оналикни муҳофаза қилиш миллий қўмитаси

**National Security C.** Миллий хавфсизлик қўмитаси (*Буюк Британия*)

**Open Market C.** Федерал захиралар тизимининг очиқ бозорда операциялар ўтказиш қўмитаси (*АҚШ*)

**Special C. on the Financial Situation of the United Nations** БМТнинг молиявий аҳвол бўйича махсус қўмитаси

**Stock Exchange C.** Фонд биржаси қўмитаси

**Temporary National Economic C.** Иқтисодиёт бўйича миллий муваққат қўмита (*АҚШ*)

**Transportation Allocations, Priorities and Controls C.** Юк ташиш навбатини белгилаш, тақсимлаш ва назорат қилиш қўмитаси (*АҚШ*)

**United Nations C. on Commodities** БМТнинг хомашё моллари қўмитаси

**United Nations/FAO Intergovernmental C. of the World Food Programme** ОҚТ жаҳон озиқ-овқат дастури бўйича ҳукуматлараро қўмита (*БМТ ҳузурида*)

**Whitley C.s** Уитли қўмиталари (*қатор тармоқларда иш ҳақининг энг кам миқдорини белгиловчи*)

**COMMITTEE** *n* қўмита; комиссия; гуруҳ

~ of control назорат комиссияси

~ of creditors кредит берувчилар қўмитаси

~ of inquiry тергов комиссияси

~ of shareholders акциялар эгалари қўмитаси

on grants and fellowships ~ молиявий ёрдам ва стипендиялар қўмитаси

~ on legal questions ҳуқуқий қўмита

~ on stock list қимматли қўғозларни баҳолашга рухсат этиш бўйича биржа қўмитаси

to appoint a ~ қўмитани ташкил этмоқ

to be on the ~ қўмита аъзоси бўлмақ

to constitute a ~ қўмитани таъсис этмоқ

to establish a ~ қўмитани таъсис этмоқ

to set up a ~ қўмитани таъсис этмоқ

to sit on the ~ қўмита аъзоси бўлмақ

accepting house ~ акцептлаш уйлари\* қўмитаси

ad hoc ~ *лат.* махсус қўмита

administrative ~ бошқарув қўмитаси

advisory ~ маслаҳат қўмитаси

appropriation ~ бюджет комиссияси

arbitration ~ ҳакамлик комиссияси

audit ~ аудиторлик қўмитаси\*

auditing ~ тафтиш комиссияси

budget ~ молия-режа (маслаҳат) комиссияси; смета\* комиссияси

creating house ~ ҳисоб-китоб палатаси қўмитаси

**conciliation** ~ битиштирувчи қўмита  
**consultative** ~ маслаҳат қўмитаси  
**control** ~ назорат комиссияси  
**coordinating** ~ мувофиқлаштирувчи қўмита  
**corporate** ~ фирманинг ички комиссияси  
**creditors'** ~ кредиторлар қўмитаси (*ишончсиз фирмага кредит берувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи*)  
**drafting** ~ таҳририят қўмитаси  
**economic** ~ иқтисодий қўмита  
**executive** ~ ижроия қўмитаси, ишчи гуруҳ (*мас. корпорация\* бошқарувининг*)  
**exhibition** ~ кўргазма қўмитаси  
**expert** ~ эксперт комиссияси  
**factory** ~ фабрика- завод қўмитаси  
**fair** ~ ярмарка қўмитаси  
**finance** ~ молиявий қўмита  
**financial** ~ молиявий қўмита  
**forecasting** ~ истиқболни белгилаш гуруҳи  
**government** ~ ҳукумат комиссияси  
**grants** ~ субсидиялар\* қўмитаси  
**grievance** ~ битиштирувчи комиссия (*мас. меҳнат иттилофлари пайтида*)  
**intergovernmental** ~ ҳукуматлараро комиссия  
**interim** ~ муваққат қўмита  
**investigating** ~ тергов комиссияси  
**joint** ~ бирлаштирилган комиссия

**liaison** ~ воситачилик комиссияси  
**listings** ~ фонд биржасининг листинг\* қўмитаси  
**loan and discount** ~ ҳисобсуда қўмитаси (*банкда*)  
**local productivity** ~ ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги комиссияси  
**make-or-buy** ~ маҳсулотнинг бутловчи қисмларини тайёрлаш ёки сотиб олишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқловчи гуруҳ  
**management** ~ бошқарув қўмитаси  
**managerial** ~ бошқарув қўмитаси  
**managing** ~ бошқарувчи қўмита  
**mediation** ~ воситачилик комиссияси  
**mixed** ~ аралаш таркибли комиссия  
**money policy** ~ банкнинг операцияларни амалга ошириш сиёсатини белгиловчи қўмитаси  
**organizing** ~ ташкилий қўмита  
**parliamentary** ~ парламент комиссияси  
**permanent** ~ доимий қўмита  
**planning** ~ режалаштириш гуруҳи  
**preparatory** ~ тайёрлов қўмитаси  
**promotion** ~ маҳсулот сотилишини рағбатлантириш гуруҳи  
**quality** ~ сифат комиссияси  
**quality cost** ~ сифатни таъминлаш харажатларини таҳлил қилиш гуруҳи

quotations ~ фонд биржасининг листинг\* қўмитаси

safety ~ хавфсизлик техникаси қўмитаси

selection ~ танлов қўмитаси

sessional ~ сессия комиссияси

shop ~ цех қўмитаси

special ~ махсус қўмита

standardization ~ мезонга мувофиқлаш қўмитаси

standing ~ доимий комиссия; доимий қўмита

state ~ давлат комиссияси

steering ~ бошқарувчи қўмита

stock exchange фонд биржаси қўмитаси

store stocking ~ айрим моллар ўртасида тоқчалар майдонини тақсимлаш комиссияси (*дўкон ходимларидан иборат*)

strike ~ иш ташлаш қўмитаси

subsidiary ~ идорага қарашли комиссия

supervisory ~ кузатув қўмитаси

tender ~ тендер\* қўмитаси

trade union ~ касаба уюшмаси қўмитаси

trust ~ траст операциялари\* қўмитаси (*банкда*)

trust investment ~ ишониб топширилган фондларни

инвестиция қилиш қўмитаси

working ~ ишчи комиссия

works ~ ишчи қўмитаси

workshop ~ цех қўмитаси

zero-defects ~ маҳсулот бeнуқсонлиги комиссияси

## COMMODITY:

C. Credit Corporation Мол харид қилишга кредит ажратиш корпорацияси\* (*АҚШ*)

C. Exchange Authority Мол

биржалари бошқармаси (*АҚШ*)

C. Exchange Center Мол биржалари маркази (*АҚШ*)

C. Futures Trading Commission Муддатли биржа савдоси комиссияси (*АҚШ*)

C. Research Bureau index Мол бозорларини ўрганиш бюроси кўрсаткичи

COMMODITY *n* 1. истеъмол буюми, мол; маҳсулот; 2. ташилишига алоҳида тариф бўйича ҳақ тўланадиган ва қўшимча хизматларни ўз ичига оладиган саноат маҳсулоти

~ backed bond мол нархига қараб индексация қилинган облигация\*

~ies broker моллар брокери\*

~ credit мол харид қилишга берилган кредит

~ circulation мол айланиши

~ economy мол хўжалиги

~ exchange мол биржаси

~ fund мол фонди

~ futures мол фьючерслари\*, моллар бўйича тузилган муддатли битимлар

~ies in short supply тақчил (*камёб*) моллар

~ in short supply тақчил (*камёб*) мол

~ linked bond мол нархига қараб индексация қилинган облигация\*

~ market мол биржаси; моллар бозори

~ money мол шаклидаги пул

~ of commerce савдо буюми

~ies of equal тенг қийматли моллар

~ paper коносамент\* билан таъминланган, кўрсатувчига

тўланадиган тратта\*; мол  
 харид қилишга бериладиган  
 вексель  
 ~ production мол ишлаб  
 чиқариш  
 ~ quotation молни баҳолаш  
 ~ swap мол свопи\*  
 ~ theory of money пулнинг  
 мол назарияси  
 ~ ies with a strong seasonal  
 pattern қатъий мавсумий  
 моллар  
 to advertise ~ies молни рек-  
 лама қилмоқ  
 to make ~ies мол ишлаб  
 чиқармоқ  
 to manufacture ~ies мол  
 ишлаб чиқармоқ  
 to produce ~ies мол ишлаб  
 чиқармоқ  
 to sell ~ies мол сотмоқ  
 agricultural ~ies қишлоқ  
 хўжалиги моллари  
 basic ~ies асосий хомашё  
 моллари  
 bottleneck ~ тақчил (камёб)  
 мол  
 bulk ~ies оммавий моллар  
 cash ~ 1. нақд пулга  
 сотиладиган мол; 2. етказиб  
 беришга тайёр мол  
 complementary ~ies қўшимча  
 моллар  
 consumable ~ies истеъмол  
 моллари; кенг истеъмол мол-  
 лари  
 consumer ~ies истеъмол мол-  
 лари, кенг истеъмол буюм-  
 лари  
 controlled ~ies муддатли сав-  
 доси қонунлар билан  
 тартибга солиб туриладиган  
 моллар  
 damaged ~ шикастланган мол  
 distress(ed) ~ 1. қабул қи-

линмаган мол; 2. зарар  
 келтирадиган мол  
 diversified ~ies турли-туман  
 моллар  
 essential ~ies энг зарур мол-  
 лар  
 export ~ies четга чиқа-  
 риладиган моллар  
 farm ~ies қишлоқ хўжалиги  
 моллари  
 finished ~ тайёр маҳсулот  
 food ~ies озиқ-овқат моллари  
 high-value ~ қимматбаҳо юк  
 import ~ies четдан кел-  
 тириладиган моллар  
 imported ~ies четдан кел-  
 тириладиган моллар  
 individual ~ies ўзига хос мол-  
 лар  
 industrial ~ies оммавий сано-  
 ат моллари  
 intangible ~ies хизматлар  
 intermediate ~ оралиқ маҳ-  
 сулот (*ишлаб чиқарувчи кор-  
 хонанинг ўзи истеъмол қи-  
 ладиган*)  
 labelled ~ тамға босилган  
 мол; ёрлиқ билан таъминлан-  
 ган мол  
 marketable ~ies осон сотила-  
 диган (бозори чаққон) мол-  
 лар  
 money ~ пул шаклидаги мол  
 natural ~ табиий маҳсулот  
 nonreproducible ~ies қайта  
 ишлаб чиқарилмайдиган мол  
 nonsensitive ~ies иқтисодий  
 аҳвол ўзгаришлари таъсирига  
 тушмайдиган мол  
 perishable ~ies қисқа муддат  
 фойдаланиладиган моллар;  
 тез бузиладиган моллар;  
 яроқлилик муддати чегара-  
 ланган моллар  
 physical ~ амалдаги мол



primary ~ies хомашёнинг асосий турлари  
 rare ~ies камёб мол  
 raw ~ies хомашё моллари  
 ready ~ тайёр маҳсулотлар  
 realized ~ies сотилган моллар  
 scarce ~ тақчил (камёб) мол  
 standardized ~ies мезонга келтирилган моллар  
 staple ~ies энг зарур буюмлар; савдонинг асосий буюмлари; оммавий моллар  
 surplus ~ies керагидан ортиқча моллар  
 trademark ~ мол белгиси қўйилган маҳсулот  
 universal ~ мутлақ мол  
 valuable ~ қимматбаҳо юк

## COMMON:

C. European Currency ягона Европа валютаси

COMMON *n* 1. биргаликда фойдаланиш ҳуқуқи; 2. оддий акция; 3. жамоа ери; жамоа вағони

COMMON *a* 1. умумий, қўшма; 2. кенг тарқалган; ҳамма қабул қилган; ошқора; 3. оддий

~ capital stock оддий акциялар

~ currency ягона валюта

~ dividend оддий акциялар дивиденди\*

~ equity оддий акция; оддий акциялар эгалари сармойси

~ financial responsibility умумий молиявий жавобгарлик

~ market умумий бозор

~ price ягона нарх

~ shareholder equidity оддий акция

~ source of repayment ссу-

дани қоплашнинг умумий манбаи

~ stock оддий акция

~ stock equivalent оддий акцияларнинг тенг қийматли муқобили

~ stock fund акциялар операцияларини амалга оширувчи очиқ турдаги инвестиция фонди

~ stockholder оддий акциялар эгаси

~ stock ratio корпорациянинг \* оддий акциялари ва облигациялари қиймати нисбати

~ trust fund умумий траст-фонд\*

## COMMONWEALTH:

C. Development Finance Corporation Ҳамдўстлик мамлакатларининг иқтисодий ривожланишига маблағ ажратиш ва ёрдам бериш корпорацияси\*

COMMONWEALTH *n* 1. давлат; 2. штат; 3. фаровонлик; 4. ҳамдўстлик, федерация

COMMOTION *n* тартибсизлик, ғалаён

civil ~ фуқаро тинчлигини зўравонлик билан бузиш

COMMUNAL *a* жамоат ...

~ property жамоат мулки

COMMUNICATE *v* 1. хабар қилмоқ; узатмоқ (*ахборотни*); 2. мулоқотда бўлмоқ, муомала қилмоқ

COMMUNICATION *n* 1. алоқа йўллари; ахборот алмашиш; мулоқот; мулоқотда бўлиш; алоқа (лар); 2. хабар, ахборот; 3. *pl* алоқа; алоқа тизими

aerial ~ ҳаво йўли алоқаси  
 cable ~ телеграф алоқаси  
 data ~ ахборот узатиш  
 external ~s ташқи алоқалар  
 internal ~s ички алоқалар  
 long-distance ~ шаҳарлараро алоқа; шаҳарлараро юк ташиш; шаҳарлараро телефон алоқаси  
 long-range ~ шаҳарлараро алоқа; шаҳарлараро юк ташиш; шаҳарлараро телефон алоқаси  
 official ~ расмий хабар  
 on-line ~ мулоқот тарзидаги алоқа  
 personal ~s шахсий алоқалар  
 postal ~ почта алоқаси  
 press ~ матбуот ахбороти  
 radio ~s радио орқали хабар бериш  
 railway ~ темир йўл алоқаси  
 telefax ~ телефакс алоқаси  
 telephone ~ телефон алоқаси  
 telex ~ телекс алоқаси  
 ultra-high speed ~ ахборотни жуда тез суръатда узатиш  
 wireless ~ радио орқали хабар бериш

**COMMUNIQUE** *n* баённома, баёнот  
 to issue *a* ~ баёнот эълон қилмоқ  
 to publish *a* ~ баёнот эълон қилмоқ  
 to relase *a* ~ баёнот эълон қилмоқ  
 joint ~ умумий баёнот  
 press ~ газета хабари, баёноти

### COMMUNITY:

**C. exchange rate system**  
 Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар валюта курслари тизими

**C. loan** Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатга бериладиган кредит  
**C. loan facility** Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатларга кредит бериш манбалари  
**European Atomic Energy C.** Атом қуввати бўйича Европа ҳамжамияти  
**European Coal and Steel C.** Қўмир ва пўлатга оид Европа бирлашмаси  
**European Economic C.** Европа иқтисодий ҳамжамияти, ЕИҲ, Умумий бозор (1957 й.)

**COMMUNITY** *n* 1. жамоа; 2. жамият; 3. ҳамжамият; 4. умумийлик; 5. бирлашма; 6. ҳамкорлик  
 ~ **bank** кичик аҳоли масканига хизмат кўрсатувчи маҳаллий банк  
 ~ **of goods** мулкка эгаликнинг умумийлиги  
 ~ **of interest** манфаатларнинг муштараклиги  
 ~ **trust** ижтимоий траст\*  
**business** ~ тадбиркорлар доираси  
**distressed** ~ иқтисодиёти таназзулга юз тутган ҳудуд  
**economic** ~ иқтисодий ҳамжамият  
**international** ~ халқаро ҳамжамият  
**local** ~ маҳаллий аҳоли  
**professional** ~ касбий жамият  
**rural** ~ қишлоқ аҳолиси  
**COMMUTATION** *n* алмаштириш (ҳақ тўлашнинг бир турини бошқаси билан)  
 ~ **sum** алмаштирилиши лозим бўлган сумма

**COMMUTE** *v* мунтазам қатнамоқ, ишга бормоқ (*транспортда*)

**COMMUTER** *n* мунтазам қатновчи шахс (*транспортда*)

**COMPANION** *n* шерик

**COMPANY:**

**Depository Trust C.** Депозитар траст компания\* (*АҚШдаги қимматли қоғозлар марказий депозитарий-си\**)

**Goldsmiths' C.** заргарлар бирлашмаси

**Land Improvement C.** Ер мулк ҳолатини яхшилаш компанияси (*Буюк Британия ҳукумат кредит корпорацияси\**)

**COMPANY** *n* компания; акциядорлик жамияти; фирма; корпорация\*

~ **card** компания карточкаси

~ **flotation** компания заёмларини тарқатиш

~ **in liquidation** тугатилиш ҳолатидаги компания

~ **limited by guarantee** аъзолари ўзлари кафолатлаган (муайян) сумма доирасида жавобгар бўлган компания

~ **limited by shares** масъулияти чекланган

акциядорлик компанияси

~ **listed on stock exchange** фонд биржасида рўйхатдан ўтган компания

~ **loan** компания чиқарган заём

~ **risk** фирманинг ички таваккалчилиги

~ **specific risk** компаниялар бўйича таснифланадиган таваккалчилик

**to close down a ~** компанияни тугатмоқ

**to constitute a ~** компанияга асос солмоқ

**to contribute to a ~** компания фойдасига ўтказмоқ

**to dissolve a ~** компанияни тугатмоқ

**to establish a ~** компанияга асос солмоқ

**to form a ~** компанияга асос солмоқ, компанияни таъсис этмоқ

**to liquidate a ~** компанияни тугатмоқ

**to promote a ~** компанияни таъсис этмоқ

**to register a ~** компанияни рўйхатдан ўтказмоқ

**to represent a ~** компания вакили сифатида иштирок этмоқ

**to sell out a ~** тадбиркорликни тугатмоқ

**to set up a ~** компания тузмоқ

**to start a ~** компанияга асос солмоқ

**to wind up a ~** тадбиркорликни тугатмоқ

**acquiring ~** бошқа компания активларини харид қилувчи компания (*акцияларни айирбошлаш йўли билан*)

**affiliated ~** боғлиқ (ҳисобдор) компания

**air ~** ҳаво йўллари компанияси

**airline ~** ҳаво йўллари компанияси

**alien ~** чет эл савдо фирмаси

**allied ~** шўъба компания, назорат остидаги компания

**associat(ed) ~** шўъба компания, уюшган компания

**assurance** ~ суғурта компанияси

**auction** ~ 1. молларни кимошди савдоси орқали улгуржи сотувчи компания; 2. кимошди савдоларини уюштириш билан шуғулланувчи компания

**bank holding** ~ банк холдинг компанияси\*

**bloated** ~ ортиқча кенгайтириб юборилган компания

**blue-chip** ~ юқори обрўга эга компания

**bogus** ~ сохта компания

**bubble** ~ сохта компания

**building** ~ қурилиш компанияси

**cable** ~ телеграф алоқаси соҳасида хизмат кўрсатувчи компания

**captive finance** ~ саноат фирмасининг шўба корхонаси ҳисобланган молиявий компания

**carrying** ~ юк транспорти компанияси

**catalog showroom** ~ истеъмол молларини каталоглар бўйича сотувчи савдо компанияси

**ceding** ~ қайта суғурталашда таваккалчиликни бошқага ўтказувчи компания

**chartered** ~ ҳукумат концессияси\* асосида ташкил этилган компания

**City** ~ идораси Лондон Ситида жойлашган компания

**close** ~ ёпиқ турдаги компания (бошқа акциядорлар розилигисиз ўз акцияларини сотиш ҳуқуқига эга бўлмаган

ҳамда чекланган миқдорда иштирокчилари бўлган)

**closed-and** ~ ёпиқ турдаги инвестиция компанияси

**closed-end investment** ~ ёпиқ турдаги инвестиция компанияси (чекланган миқдорда акциялар чиқарувчи)

**commercial** ~ савдо компанияси

**commercial credit** ~ молиявий компания (кредит муассасаси тури)

**commercial finance** ~ фақат фирмаларга қисқа муддатли кредит берувчи молиявий компания (айланма сармоғини маблағ билан таъминлаш учун)

**commission** ~ воситачилик фирмаси; маклерлик\* ёки брокерлик фирмаси\*

**constituent** ~ шўба компания

**competitive** ~ рақобат қилувчи компания

**consumer finance** ~ истеъмол молларини харид қилиш учун қисқа муддатга кам миқдорда қарз берувчи молиявий компания, истеъмол кредити компанияси

**controlled** ~ назорат қилинувчи компания

**controlling** ~ холдинг компания\*, бош компания, соҳиб компания (бошқа компаниялар акцияларининг назорат тўпламига эгалик қилувчи)

**daughter** ~ шўба компания

**decentralized** ~ марказлаштирилмаган фирма

**defence-space** ~ ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳ-

сулотлар ва фазовий техника  
 ишлаб чиқариш компанияси  
**defunct** ~ мавжуд бўлмаган  
 компания  
**designing** ~ лойиҳаловчи ком-  
 пания  
**development** ~ қурилиш ком-  
 панияси  
**distributing** ~ тақсимловчи  
 компания  
**distributor** ~ электр қуввати  
 билан таъминлаш ком-  
 панияси  
**diversified investment** ~  
 диверсификация қилинган  
 инвестиция компанияси\*  
 (*тадбиркорликнинг турли*  
*соҳаларига сармоя сарф-*  
*лаётган*)  
**divisionalized** ~ бир нечта  
 бўлимларга эга компания  
**domestic** ~ мамлакатнинг ўз  
 компанияси  
**domestic road haulage** ~ мам-  
 лакат ичкарасидаги йўлларда  
 юк ташиш компанияси  
**dormant** ~ рўйхатга олинган,  
 лекин фаолият  
 кўрсатмаётган компания  
**electric** ~ электр қуввати  
 ишлаб чиқарувчи компания  
**electric utility** ~ умумий  
 фойдаланиш учун электр  
 қуввати ишлаб чиқарувчи  
 компания  
**engineering** ~ машинасозлик  
 фирмаси  
**export** ~ четга мол чиқа-  
 рувчи компания  
**factoring** ~ факторинг ком-  
 панияси\* (*олинадиган тўло-*  
*вномаларни маблағ билан*  
*таъминлаш бўйича*)  
**farming** ~ қишлоқ хўжалиги  
 (акциядорлик) компанияси;

акциядорлик компанияси си-  
 фатида ташкил этилган фер-  
 мерлик хўжалиги  
**farm mortgage** ~ фермерларга  
 ипотека ссудалари\* бериш  
 компанияси  
**finance** ~ молиявий компания  
**fledging** ~ тез ривожла-  
 наётган ёш компания  
**foreign** ~ чет эл компанияси  
**forwarding** ~ транспортда мол  
 ташиш компанияси  
**full-line** ~ хилма-хил навли  
 маҳсулотлар ишлаб  
 чиқарувчи (йирик) фирма  
**growth** ~ ривожланаётган  
 компания; фаолият ҳажмини  
 кенгайтираётган фирма  
**heavy machinery** ~ оғир ас-  
 боб-ускуналар ишлаб  
 чиқарувчи компания  
**highly leveraged** ~ катта қарз  
 мажбуриятларига эга бўлган  
 компания  
**hire-purchase** ~ молларни  
 кредитга харид қилиш  
 пайтида хизмат кўрсатувчи  
 компания  
**holding** ~ холдинг компания\*,  
 бош компания (*бошқа ком-*  
*паниялар акцияларининг на-*  
*зорат тўпламига эгаллик қи-*  
*лувчи*)  
**home** ~ мамлакатнинг ўз  
 компанияси  
**home-country oriented mul-**  
**tinational** ~ мамлакатнинг  
 ўзида фаолият кўрсатишга  
 йўналтирилган кўп миллатли  
 корпорация\*  
**host-country oriented mul-**  
**tinational** ~ қабул қилган  
 мамлакатда фаолият кўрса-  
 тишга йўналтирилган кўп  
 миллатли корпорация\*

**immediate holding** ~ учинчи компания назорат қилиши мумкин бўлган компания акцияларининг назорат тўпламига эгаллик қилувчи холдинг компания\*

**incorporated** ~ акциядорлик компанияси

**indigenous** ~ маҳаллий компания; миллий компания

**industrial** ~ саноат компанияси

**installment credit** ~ бўлиб-бўлиб ҳақ тўлаш асосидаги сотувни маблағ билан таъминлаш компанияси

**insurance** ~ суғурта компанияси

**insurance limited** ~ ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган масъулияти чекланган суғурта компанияси

**integrated** ~ бирлашган компания

**intercity bus** ~ шаҳарлараро автобус алоқаси компанияси

**international** ~ халқаро компания

**internationally based** ~ турли мамлакатларда бўлимлари бўлган компания

**interstate pipeline** ~ штатлараро қувур транспорти компанияси

**interstate utility** ~ бир штат доирасида фаолият кўрсатувчи электргаз тақсимлаш компанияси; шаҳар хўжалиги хизмати бўйича штат ичидаги компания

**investment (trust)** ~ инвестиция компанияси

**issuing** ~ эмиссия компанияси\*

**joint** ~ қўшма компания; аралаш компания

**joint stock** ~ акциядорлик компанияси

**leading** ~ етакчи фирма

**leased** ~ ижарага олинган фирма

**leasing** ~ лизинг компанияси\*; (асбоб-ускуналарни) ижарага бериш билан шуғулланувчи компания

**legal reserve life insurance** ~ операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ҳаётни суғурталаш компанияси

**letter-box** ~ies солиқ имтиёзлари берувчи ҳудудларда рўйхатга олиниб, у ерда расмий ваколатхоналарига эга бўлган фирмалар

**leveraged** ~ пассивида\* қарзга олинган маблағлар улуши юқори бўлган компания

**life assurance** ~ ҳаётни суғурталаш жамияти

**life insurance** ~ ҳаётни суғурталаш компанияси

**limited-liability** ~ масъулияти чекланган компания

**listed** ~ баҳоланадиган компания

**loan and trust** ~ траст компанияси\* (*хусусий шахслар ва ташкилотлар учун ишонч асосида вазифаларни бажарувчи*)

**mail-order** ~ жўиатмалар компанияси

**management** ~ бошқарувчи компания (*очиқ турдаги инвестиция компанияси маркази*)

**managing** ~ бошқарувчи ком-

пания (*очиқ турдаги инвестиция компанияси маркази*)  
**manufacturing** ~ ишлов бериш саноати компанияси  
**marketing** ~ савдо компанияси  
**mixed** ~ аралаш компания (*иккита ёки ундан кўп мулкдорлардан, айниқса бошқа мамлакат мулкдорларидан ташкил топган*)  
**mortgage** ~ ипотека\* операциялари компанияси  
**motor freight** ~ автомобилда юк ташиш компанияси; юк автотранспорти компанияси  
**multibank holding** ~ кўп банкли холдинг компания\*  
**multidivisional** ~ бир нечта бўлимларга эга компания  
**multiestablishment** ~ бир нечта корхоналарга эгалик қилувчи компания  
**multiindustry** ~ кўп тармоқли компания  
**multinational** ~ кўп миллатли компания  
**multiplant** ~ бир нечта корхоналарга эгалик қилувчи компания  
**multiunit** ~ бир нечта корхоналарга эгалик қилувчи компания  
**mutual insurance** ~ ўзаро кредит ажратиш компанияси  
**mutual life insurance** ~ ҳаётни ўзаро суғурталаш компанияси (*акциядорлик сармо-яси ўрнига пайчилик сармо-ясига эга*)  
**mutual water** ~ ўзаро сув таъминоти компанияси  
**national** ~ мамлакатнинг ўз компанияси

**nationalized** ~ давлат мулкига айлантирилган компания  
**navigation** ~ кемачилик компанияси  
**nominee** ~ номигагина тузилган (сохта) компания  
**nonoperating** ~ 1. фаолият кўрсатмаётган (маҳсулот ишлаб чиқармаётган) компания; 2. ижара компанияси (*ўзининг барча корхоналари ёки бошқа мулкни ижарага берувчи*)  
**nonprofit-making** ~ нотижорат корхона  
**nonpublic** ~ хусусий компания  
**ocean** ~ денгиз кемачилиги  
**oil-royalty** ~ 1. нефть рента\* компанияси (*нефть ва газга бой майдонларни қазииш ишларини олиб бориш учун ижарага берувчи компания*); 2. нефть рента\* компанияларининг акцияларига эгалик қилувчи корпорация\*  
**omnium investment** ~ умуминвестиция компанияси  
**one bank holding** ~ битта банкка эга холдинг компания\*  
**one-man** ~ акциялари бир шахсга тегишли компания  
**open-end investment** ~ очиқ турдаги инвестиция компанияси (*акциялар чиқариши чекланмаган*)  
**operating** ~ фаолият кўрсатётган (маҳсулот ишлаб чиқараётган) фирма, ишлаб чиқарувчи фирма  
**organ** ~ бошқа фирманинг иқтисодий, молиявий ва маъмурий назоратида бўлган фирма

overseas ~ хорижий фирма  
 packaging ~ молларни ўраб  
 жойлаш фирмаси  
 packing ~ молларни ўраб  
 жойлаш фирмаси  
 parent ~ холдинг компания\*,  
 бош компания  
 personal loan ~ хусусий шах-  
 сларга майда ссудалар бериш  
 компанияси  
 power ~ электр қуввати  
 ишлаб чиқарувчи компания  
 predecessor ~ олдин фаолият  
 кўрсатган компания (*актив-  
 ларини\* бошқа фирма ёки  
 консорциум\* сотиб олгунга  
 қадар*)  
 private ~ хусусий компания  
 private limited ~ акциядорлик  
 хусусий компанияси; ёпиқ  
 акциядорлик компанияси  
 privately-held ~ ёпиқ ком-  
 пания  
 producer ~ ишлаб чиқарувчи  
 фирма  
 product ~ ишлаб чиқариш  
 фирмаси; ишлаб чиқарувчи  
 компания  
 property ~ кўчмас мулк ва ер  
 майдонлари операцияларига  
 ихтисослашаётган компания  
 proprietary ~ 1. холдинг ком-  
 пания\*; 2. масъулияти чек-  
 ланган хусусий компания  
 (*Австралия, ЖАР*)  
 public ~ очиқ ёки ошкора  
 акциядорлик компанияси  
 public-held ~ очиқ (ошкора)  
 компания  
 public limited ~ масъулияти  
 чекланган очиқ компания  
 public-service ~ шаҳар хў-  
 жалиги хизмати бўйича дав-  
 лат компанияси  
 public-utility ~ шаҳар хў-

жалиги хизмати бўйича дав-  
 лат компанияси  
 purchasing ~ харид қилиш  
 компанияси  
 quasi-public ~ ижтимоий  
 вазифали хусусий компания  
 quoted ~ акциялари фонд  
 биржасида рўйхатдан ўтка-  
 зилган компания  
 railway ~ темир йўл орқали  
 ташиш компанияси, темир  
 йўл компанияси  
 real-estate ~ies кўчмас мулк  
 операциялари билан шуғул-  
 ланувчи компания  
 registered ~ рўйхатдан  
 ўтказилган компания  
 regulated ~ фаолиятини дав-  
 лат тартибга солиб турувчи  
 компания  
 reinsurance ~ қайта суғурта-  
 лаш компанияси  
 related ~ назорат остидаги  
 компания; шўъба компания;  
 иштирокчи компания; фи-  
 лиал  
 retailing ~ чакана савдо ком-  
 панияси  
 retroceding ~ таваккалчи-  
 ликни ён бериш тартибида  
 бошқага ўтказувчи қайта  
 суғурталаш компанияси  
 rival ~ рақобатчи компания  
 safe deposit ~ бойликларни  
 сақлаш операциялари билан  
 шуғулланувчи компания  
 sales ~ мол сотиш (ўтказиш)  
 ташкилоти  
 sales finance ~ бўлиб-бўлиб  
 ҳақ тўлаш шарти асосидаги  
 сотувни маблағ билан таъ-  
 минлаш компанияси  
 salvage ~ қутқариш жамияти  
 securities ~ 1. холдинг ком-  
 пания\*, бош компания, соҳиб



компания (бошқа компания акцияларининг назорат тўн-ламига эгалик қилаётган компания); 2. инвестиция банки

security flotation ~ қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш муассасаси; инвестиция банки

separate ~ алоҳида компания

service ~ хизмат кўрсатиш компанияси

shipbuilding ~ кемасозлик компанияси

shipping ~ кемачилик компанияси

short-line ~ чекланган на-вдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи фирма

single-division ~ битта бўлимга эга компания

single-establishment ~ битта корхонага эгалик қилувчи компания

single-unit ~ битта корхонага эгалик қилувчи компания

sister ~ шўъба компания

small loan ~ кам миқдорда ссудалар бериш компанияси

spin-off ~ бош компаниядан ажралиб чиққан фирма

state ~ очиқ ёки ошкора акциядорлик компанияси; давлат компанияси

state-owned ~ давлат ком-панияси

statutory ~ парламентнинг махсус ҳужжати асосида таъсис этилган компания

steamship ~ кемачилик ком-панияси; кемачилик

stevedoring ~ кемада юк ташиш компанияси

stock ~ акциядорлик ком-панияси

stock life insurance акциядорлик-суғурта ком-панияси

subsidiary ~ назорат остидаги компания, шўъба компания, иштирокчи компания; фи-лиал

sub-subsidiary ~ шўъба ком-паниянинг филиали бўлган компания

supplear ~ (мол) етказиб бе-рувчи фирма

supranational ~ ҳукуматга бўйсунмайдиган компания

surety ~ кафил компания

surviving ~ сақланиб қолган компания; ворис компания (туғатилган компания мул-кени қўлга киритган)

switching ~ ўтказма темир йўл компанияси; юкларни темир йўл тармоқлари ор-қали ташиш компанияси

telephone ~ телефон алоқаси компанияси

top-notch ~ies „юқори доиралар“ (энг йирик ва кучли компаниялар)

towing-and-tugboat ~ денгиз-да шатакка олиш ишлари билан шуғулланувчи компания

trade ~ савдо жамияти, савдо компанияси

trading ~ савдо компанияси

trading-stamps ~ қиймати эълон қилинган маркаларни чиқариш билан шуғулла-нувчи фирма (чакана савдо учун)

transport ~ транспорт ком-панияси

trucking ~ юк автотранспорти компанияси

trust ~ траст компанияси\*;  
 шпионч асосидаги компания,  
 шпионч асосидаги фонд  
 underlying ~ бош фирмага  
 ўтказилиши мумкин бўл-  
 маган имтиёзларга эга бўлган  
 шўъба компания  
 unit trust management ~  
 умумий траст фондни\*  
 бошқарувчи инвестиция ком-  
 панияси  
 unlimited ~ масъулияти чек-  
 ланмаган компания  
 unregistered ~ рўйхатдан  
 ўтказилмаган компания  
 vendor ~ (мол) етказиб бе-  
 рувчи компания  
 warehouse ~ омборхона жа-  
 мияти  
 well-established ~ яхши  
 обрўга эга бўлган компания  
 wild cat ~ қаллоблик билан  
 шуғулланувчи компания  
 world oriented multinational ~  
 кенг қамровли йўналишга эга  
 бўлган кўп миллатли корпо-  
 рация\*

COMPARABILITY *n* таққосла-  
 на олиш

historical ~ ўтган даврлар  
 маълумотлари билан  
 таққослана олиш

COMPARABLE *a* таққослана-  
 диган, солиштириб бўладиган  
 ~ prices солиштириб  
 бўладиган нархлар

COMPARATIVE *a* солиштирма,  
 қиёсий

~ analysis қиёсий таҳлил

COMPARE *v* таққосламоқ,  
 солиштирмоқ

COMPARISON *n* 1. таққослаш,  
 солиштириш; 2. *pl* ўзаро  
 битимлар ҳақида вақт-вақти  
 билан ахборот алмашиш

(биржа брокерлари\* ёки бро-  
 керлар ва банклар ўртаси-  
 да)

~ of costs харажатларни  
 солиштириш

~ of indices кўрсаткичларни  
 таққослаш

~ of risks таваккалчиликнинг  
 катта-кичиклигини таққос-  
 лаш

~ sheet биржа брокерлари\*  
 битим тафсилотларини  
 текшириш учун ўзаро ал-  
 машиб турадиган нома

~ ticket биржа брокерлари\*  
 битим тафсилотларини  
 текшириш учун ўзаро ал-  
 машиб турадиган нома

conditional ~ шартли тақ-  
 қослаш (тахминларни)

country-by-country ~ мамла-  
 катлар бўйича таққослаш

intereconomy ~s турли хил  
 иқтисодий тизимларни тақ-  
 қослаш

interfactory ~ заводларни  
 таққослаш

interfirm ~ фирмалар фао-  
 лияти кўрсаткичларини тақ-  
 қослаш

lot-by-lot ~ туркумларни тақ-  
 қослаш (маҳсулотларнинг)

COMPATIBILITY *n* 1. мос ке-  
 лиш, бир-бирига мослик;

2. ўзаро алмашинув, бир-би-  
 рини алмаштира олиш

equipment ~ асбоб-ускуна-  
 ларнинг бир-бирига мослиги

COMPEL *v* мажбурламоқ

COMPENSATE *v* ўрнини тўл-  
 дирмоқ, ўрнини қопламоқ;  
 тоvon тўламоқ; устама ҳақ  
 тўламоқ

COMPENSATING *a* тоvon ...;  
 ўрнини қопловчи

- ~ balance депозит ҳисоб-  
рақамидаги\* ўрнини қоплов-  
чи қолдиқ
- ~ payment товон тўлови
- COMPENSATION** *n* 1. ўрнини  
тўлдириш, ўрнини қоплаш;  
товон; товон тўлаш; 2. уста-  
ма ҳақ, устама ҳақ тўлаш;  
даромад; 3. тўлов; 4. бахтсиз  
қодиса юзасидан тўланадиган  
нафақа (*ишлаб чиқаришда*);  
5. барабарлаштириш, тенг-  
лаштириш; 6. бир шартнома  
асосидаги мол айирбошлаш  
операциялари
- ~ agreement ўрнини қоплаш  
битими (*кредит ҳисобида  
қурилаётган корхонада иш-  
лаб чиқариладиган моллар  
билан кредитни қоплаш  
ҳақида*)
- ~ balance депозит ҳисоб-  
рақамидаги\* ўрнини қоп-  
ловчи қолдиқ
- ~ credit ўрнини қоплаш кре-  
дита
- ~ deal ўрнини қоплаш битими
- ~ due берилиши лозим  
бўлган товон
- ~ for breakage бузганлик  
учун тўланадиган товон
- ~ for costs чиқимларнинг  
ўрнини қоплаш, харажат-  
ларнинг ўрнини қоплаш
- ~ for damage зарарнинг  
ўрнини қоплаш
- ~ for damages зарарларнинг  
ўрнини қоплаш
- ~ for expenses харажат-  
ларнинг ўрнини қоплаш
- ~ for expropriation тортиб  
олинган мулк ўрнини қоп-  
лаш
- ~ for losses зарарлар ўрнини  
қоплаш
- ~ for shortage камомал  
ўрнини қоплаш
- ~ fund ўрнини қоплаш фонди
- ~ in full ўрнини тўла қоплаш
- ~ in kind 1. маҳсулот билан  
ҳақ тўлаш; 2. маҳсулот  
билан ўрнини қоплаш
- ~ loan ўрнини қопловчи қарз
- ~ of claims against liabilities  
мажбуриятлар ҳисобидан та-  
лаблар ўрнини қоплаш
- ~ of employees хизматчилар-  
га ҳақ тўлаш
- ~ of value қиймат ўрнини  
қоплаш
- ~ procedure товон тўлаш  
тартиби
- ~ stock давлат мулкига ай-  
лантирилган корхоналар об-  
лигациялари (*собиқ акция-  
дорларга уларнинг акциялари  
учун товон сифатида бери-  
ладиган*)
- ~ transaction ўрнини қоплаш  
битими
- to assess the ~ товон  
белгиламоқ
- to claim ~ товон талаб қилмоқ
- to demand ~ товон талаб  
қилмоқ
- to get ~ товон олмақ
- to give ~ товон тўламоқ
- to make ~ товон тўламоқ
- to pay ~ товон тўламоқ
- to receive ~ товон олмақ
- accrued personnel ~ иш ҳақи  
бўйича қарздорлик
- adequate ~ етарли даража-  
даги товон
- as ~ товон (ўрнини қоплаш)  
сифатида
- by way of ~ товон тўлови  
сифатида
- daily ~ кунлик нафақа  
(*суғурта бўйича*)

deferred ~ тўланиши кейинга сурилган товон

equivalent ~ тенг қийматли товон

fair ~ етарли даражадаги товон

full ~ тўла миқдорда товон тўлаш, тўла ўрнини қоплаш

inadequate ~ етарли даражада бўлмаган товон

insufficient ~ етарли даражада бўлмаган товон

insurance ~ суғурта товони

legal ~ қонуний товон тўлаш

legitimate ~ қонуний товон тўлаш

loss ~ зарар ўрнини қоплаш

lump sum ~ суғурта товонининг умумий суммаси

monetary ~ товон пули, пул билан товон тўлаш

money (pecuniary) ~ товон пули, пул билан ўрнини қоплаш

nonrecurring ~ бир марталик ўрнини қоплаш (*харажатларнинг*)

partial ~ қисман товон тўлаш

pecuniary ~ пул товони, пул билан товон тўлаш

reasonable ~ етарли даражадаги товон

sufficient ~ етарли даражадаги товон

unemployment ~ ишсизлик нафақаси

without ~ беғараз

worker's ~ ишда жароҳат олган хизматчиларга тўланадиган товон

workman's ~ меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси

COMPENSATORY *a* ўрнини қоплашга асосланган (*иқтисодий сиёсат ҳақида*);

ўрнини қопловчи, ўрнини тўлдирувчи (*мас. зарарларнинг*)

~ and contingency financing facility кўзда тутилмаган ҳолатларда ўрнини қоплаш тарзида маблағ билан таъминлаш тизими

~ balance ўрнини қопловчи қолдиқ (*депозит ҳисоб-рақамидоғи*\*)

~ deal ўрнини қоплаш битими

~ financing ўрнини қоплаш тарзида маблағ билан таъминлаш

~ financing facility ўрнини қоплаш тарзида маблағ билан таъминлаш тизими (*Халқаро валюта фондида*)

~ financing scheme ўрнини қоплаш тарзида маблағ билан таъминлаш тизими (*Халқаро валюта фондида*)

~ loan ўрнини қопловчи қарз

~ official financing ўрнини қоплаш тарзида маблағ билан расмий таъминлаш

unemployment ~ ишсизлик нафақаси

workman's ~ меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси

COMPETE *v* 1. рақобатлашмоқ; 2. мусобақалашмоқ

COMPETENCE *n* ваколат, ҳуқуқ

~ of arbitration ҳакам ваколлати

~ of an arbitration commission ҳакамлик комиссияси ваколлати

~ of the parties томонларнинг ҳуқуқий лаёқати

with ~ ваколат доирасида

to be beyond ваколат доирасидан чиқиб кетмоқ

to be within ~ ваколатга кирмоқ

to come within ~ ваколатга кирмоқ

to fall under ~ ваколатга кирмоқ

to fall within ~ ваколатга кирмоқ

**COMPETENT** *a* 1. талабларга жавоб берувчи; 2. ваколатли, омилкор; 3. ҳуқуқий лаёқатли, қонуний ҳуқуққа эга

**COMPETITION:**

**C. and Credit Control** „Рақобат ва кредит назорати“ (Англия банкининг пул-кредит сийсати ислохотларига доир таклифлари тўплами, 1974 й.)

**COMPETITION** *n* 1. мусобақа; мусобақалашиш; 2. рақобат; рақобатли кураш

~ by service рақобатли курашнинг асосий воситаси сифатида мижозларга яхшироқ кўрсатиш

~ for the consumer's dollar истеъмолчи доллари учун рақобатлашиш

~ in product design маҳсулот услуги ва безагини лойиҳалаштириш соҳасидаги рақобатли кураш

~ in quality сифат учун рақобатлашиш

~ in selling effort маҳсулот сотиш (ўтказиш)ни ташкил этиш ва рағбатлантириш соҳасидаги рақобат

~ on the world market жаҳон бозоридаги рақобат

~ under product differentiation

маҳсулотлар фарқланиши шароитидаги рақобат

~ with homogeneous products маҳсулотлар бир хиллиги шароитидаги рақобат

to abjure price ~ нарх рақобатидан воз кечмоқ

to avoid ~ рақобатдан ўзини четга олмоқ

to be drawn into ~ рақобатга жалб этилмоқ

to be in ~ with smb бирор киши билан рақобатлашмоқ

to defy ~ муваффақият билан рақобатлашмоқ; рақобатга осонликча бардош бермоқ

to eliminate ~ рақобатга барҳам бермоқ

to encounter ~ рақобатга дуч келмоқ

to engage in ~ рақобат қилмоқ

to enter a ~ мусобақага киришмоқ

to face ~ рақобатга дуч келмоқ

to meet ~ рақобатга бардош бермоқ

to meet with ~ рақобатга дуч келмоқ

to mitigate ~ рақобатни юмшатмоқ (сусайтирмоқ)

to provoke ~ рақобат яратмоқ

to restrain ~ рақобатни чекламоқ

to stand ~ рақобатга бардош бермоқ

to step up ~ рақобатни кучайтирмоқ

to sustain ~ рақобатга бардош бермоқ

to win ~ рақобатда ғалаба қозонмоқ

to withstand ~ рақобатга бардош бермоқ

active ~ қизғин рақобат  
 actual ~ амалдаги рақобат  
 animated ~ қизғин рақобат  
 bona fide ~ ҳалол рақобат  
 business ~ тадбиркорлик рақобати  
 buyers' ~ харидорлар ўрта-сидаги рақобат  
 commercial ~ савдо рақобати  
 cutthroat price ~ 1. бўғиб ташлашга асосланган рақобат (рақобатчиларни тугатиш мақсадида); 2. шафқатсиз нарх рақобати (нарх таннардан наст даражада белгила-нади)  
 defensive ~ мудофаа асослан-ган рақобати (рақобатчилар-нинг даъватига жавобан)  
 destructive ~ хонавайрон қилувчи рақобат (нархни тушириш йўли билан)  
 direct ~ бевосита рақобат  
 economic ~ иқтисодий рақо-бат  
 fair ~ ҳалол рақобат  
 fierce ~ шафқатсиз рақобат  
 foreign ~ хорижий рақобат  
 free ~ эркин рақобат  
 imperfect ~ номукамал (яккаҳокимликка асосланган) рақобат  
 global ~ кенг қамровли рақо-бат  
 import ~ четдан келтирилган моллар рақобати  
 indirect ~ билвосита рақобат  
 interindustry ~ тармоқлараро рақобат  
 interseller ~ сотувчилар ўрта-сидаги рақобат  
 intrabranch ~ тармоқ ичидаги рақобат  
 intrafirm ~ фирма доира-сидаги рақобат (мас. умумий

инвестициялардаги улуш учун)  
 intraindustry ~ тармоқ ичи-даги рақобат  
 keen ~ кескин рақобат  
 latent ~ яширин рақобат  
 market ~ бозор рақобати  
 monopolistic ~ яккаҳоким-ликка асосланган рақобат  
 nonprice ~ нархга асосланма-ган рақобат  
 open ~ очиқчасига рақобат қилиш  
 overt price ~ ошкора нарх рақобати  
 peaceful ~ тинч мусобақа  
 perfect ~ мукамал (яккаҳо-кимликка асосланмаган) ра-қобат  
 point-to-point ~ алоқа ўр-натилган масканлараро қат-нов йўллари ҳаво компа-ниялари ўртасидаги рақобат  
 potential ~ юзага келиши мумкин бўлган рақобат  
 predatory ~ таловчиликка асосланган рақобат (рақиб-ларни йўқотишга қаратил-ган)  
 price ~ нарх рақобати (сифа-ти бир хил маҳсулотлар нархини тушириш)  
 predatory ~ таловчиликка асосланган рақобат  
 product ~ маҳсулот сотиш (ўтказиш) рақобати  
 pure ~ соф рақобат  
 qualitative ~ сифат бўйича рақобат  
 quality ~ сифат бўйича ра-қобат  
 quasi ~ зоҳирий (мавжуддек туюладиган) рақобат (мас. бирор компаниянинг корхона ва бўлимлари ўртасида)

rigorous ~ шафқатсиз рақобат

ruffed ~ кескин рақобат

ruthless ~ шафқатсиз рақобат  
sellers' ~ сотувчилар ўртасидаги рақобат

severe ~ шафқатсиз рақобат

socially wasteful ~ ижтимоий ресурсларнинг исроф қилиб сарфланишини юзага келтирувчи рақобат

soft ~ енгил рақобат (*ошқора нарх рақобатидан воз кечилган пайтда*)

spirited ~ қизғин рақобат

stiff ~ шафқатсиз рақобат

tacit price ~ яширин нарх рақобати

unfair ~ ноҳалол (нопок) рақобат

unrestrained ~ чекланмаган рақобат

unworkable ~ самарасиз рақобат

workable ~ самарали рақобат

world ~ жаҳон миқёсидаги рақобат

COMPETITION-FREE *a* рақобатсиз

COMPETITIVE *a* рақобатли, рақобатга бардошли; рақобатлашувчи

~ bid рақобат асосида тартибга солинадиган таклиф

~ bidding рақобат шароитида нарх-наво белгилаш; рақобатли савдо

~ bidding rule рақобатли савдо қондаси

~ bid procedure эмитентнинг\* қимматли қоғозларни энг юқори нарх таклиф этаётган банкка сотиши тартиби

~ devaluation рақобатли девальвация\*

~ environment рақобатли муҳит

~ market рақобатлашувчи сотувчилар бозори

~ market maker system бир гуруҳ дилерлар\* ўзаро рақобатлашадиган қимматли қоғозлар бозорини ташкил этиш

~ pressure рақобат тазйиқи

~ price рақобатбардош нарх

~ pricing рақобат асосида нарх белгилаш

~ trader рўйхатга олинган биржа брокери\*

COMPETITIVENESS *n* рақобатбардошлик

~ of goods and services мол ва хизматларнинг рақобатбардошлиги

product ~ маҳсулотнинг рақобатбардошлиги

COMPETITOR *n* рақобатчи; рақиб

to beat *a* ~ рақобатчини енгмоқ

to keep ~s out of the market рақобатчиларни муайян бозорга киритмаслик

to outbid the ~ рақобатчига нисбатан фойдалироқ шартларни таклиф этмоқ

to outmanoeuvre the ~ рақобатчига панд бермоқ

to outperform the ~ рақобатчидан ўзиб кетмоқ

to undercut *a* ~ рақобатчига нисбатан арзонроқ нархда сотмоқ

to undersell the ~s рақобатчиларникидан пастроқ нархда сотмоқ

aggressive ~ шафқатсиз кураш олиб борувчи рақобатчи (*бозорда*)

domestic ~ маҳаллий рақобатчи  
 foreign ~ хорижий рақобатчи  
 friendly ~ тажовузкорона усул қўлламайдиган рақобатчи (*бозорда*)  
 major ~s асосий рақобатчилар  
 would-be ~s пайдо бўлиши мумкин бўлган рақобатчилар  
**COMPILATION** *n* 1. йиғиш (*мас. статистика маълумотларини*); 2. молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувисиз тақдим этиш; 3. тузиш (*маълумотномаларни*)  
 ~ of national economic accounts миллий иқтисодий ҳисобрақамларни тузиш  
**COMPILE** *v* 1. тузмоқ (*маълумотномаларни*); 2. йиғмоқ (*мас. статистика маълумотларини*)  
**COMPILER** *n* қурамачи, йиғувчи  
**COMPLAIN** *v* 1. шикоят қилмоқ; 2. шикоят қилиб ариза бермоқ, даъво аризаси бермоқ  
**COMPLAINT** *n* рекламация\*; даъво; шикоят  
 ~ on deficiency миқдорга нисбатан рекламация\*  
 ~ on prices нархлар юзасидан даъво  
 to consider *a* ~ шикоят аризасини кўриб чиқмоқ  
 to file *a* ~ шикоят аризаси бермоқ  
 customer ~ истеъмолчи даъвоси  
 field ~ фойдаланиш рекламацияси\*  
 quality ~ сифат бўйича даъво

quantity ~ миқдор бўйича даъво  
**COMPLEMENT** *n* 1. қўшимча; 2. тўплам; 3. лавозимлар таркиби, шахсий таркиб  
**COMPLEMENTARY** *a* қўшимча  
**COMPLETE** *a* 1. тўла; ниҳоясига етказилган; 2. бутланган  
 ~ acceptance тўла акцепт\*  
 ~ audit тўла тафтиш  
 ~ payment тўла тўлов  
 ~ self-financing ўз-ўзини маблағ билан тўла таъминлаш  
**COMPLETE** *v* 1. тугалламоқ; ниҳоясига етказмоқ; расмийлаштирмоқ; 2. бутламоқ; 3. тўлдиrhoқ (*ҳужжатни*)  
 to ~ a loan қарзни расмийлаштирмоқ  
**COMPLETED** *a* 1. тугалланган, ниҳоясига етказилган; 2. расмийлаштирилган; 3. тўлдирилган  
 ~ collection order расмийлаштирилган инкассо\*  
**COMPLETENESS** *n* 1. тўлалик (*маълумотларни тақдим этишга оид*); ниҳоясига етказилганлик, тугалланганлик; 2. тўлдирилганлик; бутланганлик  
**COMPLETION** *n* 1. тугаллаш, якунлаш; бажариш; расмийлаштириш; 2. тўлдириш (*ҳужжатни*)  
 ~ of a contract шартномани ниҳоясига етказиш  
 ~ of a course таълим босқичини ниҳоясига етказиш  
 ~ of delivery етказиб беришни тугаллаш  
 ~ of documents ҳужжатларни расмийлаштириш



~ of equipment асбоб-ускуна-  
ларнинг бутлиги  
 ~ of loan қарзни расмий-  
лаштириш  
 ~ of negotiations музокара-  
ларни ниҳоясига етказиш  
 ~ of plan режани бажариш  
 ~ of an order буюртма  
ижросини ниҳоясига етказиш  
 ~ of proceedings (судда) иш  
қўришни тугаллаш  
 ~ of a programme дастурни  
ниҳоясига етказиш  
 ~ of purchases харид  
қилишни ниҳоясига етказиш  
 ~ of service хизмат кўр-  
сатишни ниҳоясига етказиш  
 ~ of talks музокараларни  
ниҳоясига етказиш  
 ~ of tests синовларнинг ту-  
гаши, синовларни тугаллаш  
 ~ of a voyage сафарнинг ту-  
гаши, сафарни тугаллаш  
 ~ of work ишни ниҳоясига  
етказиш  
 job ~ ишни ниҳоясига етка-  
зиш  
 satisfactory ~ қониқарли да-  
ражада тугаллаш  
 service ~ хизмат кўрсатишни  
ниҳоясига етказиш  
 successful ~ муваффақиятли  
тугаллаш  
**COMPLEX** *n* мажмуа; жами  
 agro-industrial ~ агросаноат  
мажмуи  
 exhibition ~ кўргазма маж-  
муи  
 foreign economic ~ ташқи  
иқтисодий мажмуа  
 hotel ~ меҳмонхона мажмуи  
 industrial ~ ишлаб чиқариш  
мажмуи  
 machine-building ~ машина-  
созлик мажмуи

manufacturing ~ ишлаб чи-  
қариш мажмуи  
 military-industrial ~ ҳарбий-  
саноат мажмуи  
 petrochemical ~ нефть-кимё  
мажмуи  
 port ~ бандаргоҳ мажмуи  
 projection ~ намоиш маж-  
муи  
 shopping ~ савдо мажмуи  
**COMPLEX** *a* ялпи; таркибий,  
мураккаб  
 ~ transaction мураккаб би-  
тим

**COMPLEXITY** *n* мураккаблик

**COMPLIANCE** *n* 1. розилик;  
2. ён берувчанлик, мураса-  
созлик; 3. мувофиқлик, мос-  
лик

~ department фонд бир-  
жасининг савдо-сотиқ қоида-  
лари бажарилишини кузатиб  
борувчи бўлими

~ with accounting concepts  
бухгалтерлик ҳисоби тамой-  
илларига мувофиқлик (мос-  
лик)

~ with regularities йўриқнома-  
ларга риоя қилиш

~ with a schedule жадвалга  
мослик

lot ~ маҳсулотлар туркуми-  
нинг техник талабларга мос-  
лиги

**COMPLICATE** *v* мураккаб-  
лаштирмақ, чалғитмоқ

**COMPLICATED** *a* мураккаб

**COMPLICATION** *n* мураккаб-  
лашув

unforeseen ~s кўзда тутилма-  
ган ҳолатлар

**COMPLY** *v* 1. ижро этмоқ, ба-  
жармоқ; 2. қониқтирмақ;

3. мувофиқ келмоқ, мос келмоқ; 4. ён бермоқ

to ~ with order кўрсатмани бажармоқ (*мас. Федерал савдо комиссиясининг*)

to ~ with users' demand истеъмолчилар талабларини қондирмоқ

to ~ with requirements талабларга мос келмоқ

COMPONENT *n* 1. ташкил этувчи; 2. таркибий қисм; бутловчи буюм

batch ~s кўплаб ишлаб чиқариладиган буюмлар

constant ~ ўзгармас қисм (*сармоянинг*)

constant ~ of capital сармоянинг ўзгармас қисми

costs ~ харажатларни ташкил қилувчи

cyclical ~ даврий равишда ташкил қилувчи

high quality ~s юқори сифатли таркибий қисмлар

organic ~s of capital сармоянинг узвий таркибий қисмлари

random ~ тасодифий ташкил қилувчи

separate ~ ажратиб олинган таркибий қисм

specific ~ ўзига хос таркибий қисм

systematic ~ доимий (мунтазам) таркибий қисм

transaction ~ of money stock пул кўламининг битим асосидаги таркибий қисми

trend ~ умумий йўналишни ташкил қилувчи

variable ~ ўзгарувчан қисм (*сармоянинг*)

variable ~ of capital сармоянинг ўзгарувчан қисми

COMPOSITE *a* таркибий

~ average Доу-Жонсинг умумий кўрсаткичи (*саноат ва шаҳар хўжалиги компаниялари учун, АҚШ*)

~ currency таркибий валюта

~ index таркибий кўрсаткич

~ interest мураккаб фоиз

~ rate таркибий ставка

~ rating банкнинг жамлама даражасини баҳолаш

COMPOSITION *n* 1. таркиб, тузилма, тузилиш; 2. муроса-созликка асосланган битим (*қарздорнинг кредит берувчилар билан*)

~ of capital сармоя тузилиши

~ of income даромад таркиби (тузилиши)

~ of a delegation вакиллар таркиби

~ of investment инвестициялар тузилиши

~ of labour force ишчи кучининг тузилиши

~ of management бошқарув таркиби

~ of output маҳсулот тузилиши

~ of portfolio буюртмалар портфели\* таркиби

~ of trade савдо тузилиши

age ~ 1. ёшга асосланган тузилма (*асосий сармоянинг*); 2. ёшга асосланган таркиб (*аҳолининг*)

average ~ of social capital ижтимоий сармоянинг ўртача тузилиши

commodity ~ of output маҳсулотнинг мол асосидаги тузилиши

corporate revenue — корпорация\* даромадлари тузилиши  
cost ~ of output маҳсулот таннари тузилиши

occupational ~ касбий тузилма; касбий таркиб

organic ~ таркибий тузилма (*сармоянинг*)

organic ~ of capital сармоянинг таркибий тузилиши

particular ~ of individual capital сармоянинг ҳар бир тармоқдаги ўзига хос тузилиши

population ~ аҳоли таркибий тузилиши

technical ~ of capital сармоянинг техник тузилиши

total ~ of capital ялпи таркиб

value ~ of capital сармоянинг қиймат тузилиши

COMPOSITIONAL *a* таркибий, тузилмавий

COMPOUND *a* таркибий; мураккаб

~ interest мураккаб фоиз

~ lottery қўшма лотерея

COMPOUND *v* 1. мураккаб фоизларни ҳисоблаб чиқмоқ; 2. мураккаб фоизларни қўшиб ҳисобламоқ

~ a debt қарзни тўламоқ

~ interest account 1. мураккаб фоизлар қўшиб ҳисобланадиган ҳисобрақам; 2. жамгарма омонати

COMPOUNDING *n* 1. фоизларни қўшиш; 2. бугунги пул ҳаракатининг келгуси қийматини ҳисоблаб чиқиш

COMPREHENSIVE *a* ҳар томонлама, тўла тўқис; ялпи

COMPROMISE *n* муроса

to agree to a ~ муросага келиш ҳақида келишиб олмоқ

to arrange a муросага эришмоқ

to arrive at a ~ муросага келишмоқ

to reach a ~ муросага келиш ҳақида келишиб олмоқ

workable имкон даражасидаги муроса

COMPROMISE *v* 1. муросага бормоқ; 2. обрўсизлантирмоқ, бадном қилмоқ

COMPTOMETER *n* ҳисоблаш машинаси; арифмометр; ҳисоблагич

COMPTROLLER:

C. General АҚШ Молия-назорат бош бошқармаси бошлиғи

C. of the Currency 1. пул муомаласи назоратчиси (АҚШ); 2. бош назоратчи бухгалтер

COMPTROLLER *n* 1. назоратчи; 2. банкнинг назораттафтиш ва бухгалтерлик бўлимлари бошлиғи; 3. назоратчи бош бухгалтер

~'s call пул муомаласи назоратчисининг банк ҳисоботини топшириш ҳақидаги талаби

~ of currency валюта назоратчиси

~'s regulations пул муомаласи назоратчиси йўриқномалари

state ~ штат назоратчиси (*штат маблағлари устидан назорат қилувчи шахс*)

COMPULSORY *a* мажбурий; бажарилиши шарт бўлган

~ deposit rule мажбурий тартибда депозитга\* ўтказиш қоидалари

~ listing мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказиш

- ~ loan тўланиши шарт бўлган ссуда
- ~ payment мажбурий тўлов
- ~ reserve deposit мажбурий захира депозити\*
- ~ savings мажбурий жамғарилган маблағлар
- ~ saving schemes мажбурий жамғариш тартиблари

**COMPUTATION** *n* 1. ҳисоблаш, ҳисоб, санақ, ҳисоб-китоб, ҳисоб-китоб қилиш; 2. смета\*

- ~ of cost қийматни ҳисоблаб чиқиш
- ~ of duties божхона божларини ҳисоблаб ёзиш
- ~ of foreign exchange хорижий валютада ҳисоб-китоб қилиш
- ~ of interest фоизларни ҳисоблаб чиқиш
- ~ of prices нархларни ҳисоблаб чиқиш
- ~ of time вақтни ҳисоблаб чиқиш
- ~ of yield маҳсулот чиқшини аниқлаш

**approximate** ~ тахминий ҳисоб-китоб

**check** ~ назорат ҳисоб-китоби

**compound** ~ of interest мураккаб фоизларни қўшиб ҳисоблаш

**industrial** ~ саноатдаги ҳисоб-китоблар

**interest** ~ фоизларни ҳисоблаб чиқиш

**statistical** ~ статистик ҳисоб-китоблар

**COMPUTE** *v* ҳисоблаб чиқмоқ, санамоқ, санаб чиқмоқ; ҳисобламоқ

**COMPUTER:**

**C. Assisted Execution System** мижоз буйруқларини биржа брокерлари\* томонидан бажарилишининг автоматлаштирилган тизими (АҚШ)

**C. Assisted Trading System** Автоматлаштирилган савдо тизими (1979 йилда Торонто фонд биржасида ташкил этилган)

**COMPUTER** *n* электрон-ҳисоблаш машинаси; ЭҲМ; компьютер

~aided trading моллар ва молиявий воситаларнинг автоматлаштирилган савдоси

~based trading system for the eurobonds market еврооблигациялар\* бозоридаги операцияларга хизмат кўрсатувчи халқаро электрон тизим

~ controlled remote teller unit банкнинг ЭҲМга уланган мустақил ишлайдиган кирим-чиқим кассаси

~ department ҳисоблаш маркази

~ fraud компьютер товлама-чилиги

~ shares ЭҲМ ёрдамида сотиладиган акциялар

~ trading ЭҲМ ёрдамида ҳисоблаб чиқилган савдо кўрсаткичларидан фойдаланиб тузилган муддатли мол битимлари

**business** ~ тадбиркорлик ёки тижорат масалаларини ҳал қилувчи ЭҲМ

**commercial** ~ 1. тижорат масалаларини ҳал қилувчи ЭҲМ; 2. кўплаб ишлаб чиқариладиган ЭҲМ

**desktop** ~ стол ЭҲМи

**digital** ~ рақамли ҳисоблаш машинаси

**electronic** ~ электрон ҳисоблаш машинаси, ЭҲМ

**general-purpose** умумий мақсадларга мўлжалланган ЭҲМ

**high-speed** ~ тез ишлайдиган ЭҲМ

**multipurpose** ~ умумий мақсадларга мўлжалланган ЭҲМ

**parallel** ~ бир пайтда ишлайдиган ЭҲМ

**process control** ~ технологик жараёни бошқарувчи ЭҲМ

**programme controlled** ~ дастурли бошқарувга эга бўлган ҳисоблаш машинаси

**real-time** ~ амалдаги вақт миқёсида ишлайдиган ЭҲМ

**scientific** ~ илмий масалаларга мўлжалланган ЭҲМ

**single-purpose** ~ махсус ҳисоблаш машинаси

**special-purpose** ~ ихтисослаштирилган ЭҲМ

**COMPUTERIZATION** *n* ҳисоблаш техникасини жорий этиш; компьютерлаштириш

**bank** ~ ҳисоблаш техникасини банк ишига жорий этиш

**COMPUTERIZE** *v* ҳисоблаш техникасини қўлламоқ; ҳисоблашнинг машина усулларини қўлламоқ

**to** ~ **bookkeeping and accounting operations** бухгалтерия ва ҳисоб-китобларни электрон асосга ўтказмоқ

**COMPUTERIZED** *a* автоматлаштирилган

~ **market timing system** битим тузиш пайтини танлайдиган бозордаги вазиятни автомат-

лаштирилган тарзда таҳлил қилиш тизими

~ **system of payments** электрон тўловлар тизими

~ **trading system** компьютерлаштирилган савдо тизими

(қимматли қоғозлар билан)

**CONCEAL** *v* яширмоқ, бекитмоқ

**CONCEALMENT** *n* яшириш, бекитиш

~ **of assets** мулкый бойликларни яшириш

~ **of income** даромадларни яшириш

~ **of revenue** даромадларни яшириш

~ **material** муҳим ҳолатларни яшириш

**CONCENTRATE** *n* 1. бойитилган маҳсулот; 2. бойитилган озиқ-овқат маҳсулоти

**feed** ~s бойитилган озиқ-овқат маҳсулотлари

**CONCENTRATION** *n* тўплаш (ни)ш, бир жойда тўплаш

~ **account** тўпловчи ҳисоб-рақам

~ **bank** тўпловчи банк

~ **of capital** сармоияни бир жойда тўплаш, сармоиянинг бир жойда тўпланиши

~ **of economic power** иқтисодий ҳокимиятни бир жойда тўплаш

~ **of financial resources** молиявий захираларни бир жойда тўплаш, молиявий захираларнинг бир жойда тўпланиши

~ **of industry** саноатни бир жойда тўплаш, саноатнинг бир жойда тўпланиши

~ **of material resources** моддий бойликларни бир жойда

тўплаш, моддий бойликларнинг бир жойда тўпланиши  
 ~ of means of production ишлаб чиқариш воситаларини бир жойда тўплаш, ишлаб чиқариш воситаларининг бир жойда тўпланиши  
 ~ of production ишлаб чиқаришнинг бир жойда тўпланиши  
 ~ of risk таваккалчиликнинг бир жойда тўпланиши  
 aggregate ~ иқтисодиёт миқёсидаги тўпланиш даражаси кўрсаткичлари  
 banking ~ банкларни бир жойда тўплаш  
 market ~ бозорнинг бир жойда тўпланиши  
 plant ~ ишлаб чиқаришнинг бир жойда тўпланиши  
 population ~ аҳолининг бир жойда тўпланиши

CONCEPT *n* қараш (ғоя)лар тизими; тушунча; умумий тасаввур; тамойил  
 ~s of accounting бухгалтерлик ҳисоби тамойиллари  
 ~ of conservatism мутассиблик тамойили  
 ~ of consistency доимийлик тамойили  
 ~ of dominance устунлик тамойили  
 ~ of money supply муомаладаги пул миқдори ҳақидаги тасаввур  
 ~ of value қиймат тушунчаси  
 accounting ~ мажбуриятлар ва натижаларни ҳисобга олиш тамойили (*бошқарув ҳисобида*)  
 accruals ~ тўплаш тамойили

all financial resources ~ маблағларни тўла ҳисобга олиш тамойили  
 all inclusive income ~ тўла фойда тамойили  
 basic ~ асосий тушунча (*мас. пул, мол*)  
 business entity ~ корхона яхлитлиги тамойили; алоҳида ажратилган корхона тамойили  
 capital maintenance ~ сармояни таъминлаш тамойили  
 clean surplus ~ аниқ фойда олиш тамойили  
 comprehensive ~ of national income миллий даромаднинг кенгайтирилган моҳияти  
 conservation ~ мутаассиблик тамойили  
 consistency ~ доимийлик тамойили  
 control ~ назорат қилиш тамойили  
 controllability ~ бошқарилувчанлик (назорат қилинувчанлик) тамойили (*бошқарув ҳисобида*)  
 cost ~ қиймат тамойили  
 current operating ~ кундалик фаолият тамойили (*сармоя самарадорлигини баҳолаш услуги*)  
 dual aspect ~ икки томонламалик тамойили  
 engineering ~ of depreciation эскириш даражасини техник жиҳатдан баҳолаш, эскиришнинг муҳандислик асосидаги моҳияти (*асбоб-ускуналарга оид*)  
 fundamental accounting ~ ҳар томонлама ҳисобга олиш тамойили

**going-concern** ~ ишлаётган (фаолият кўрсатаётган) корхона тамойили

**going-firm** ~ муассасанинг тўловга лаёқатлилигини белгилловчи моҳият

**interdependency** ~ ўзаро боғлиқлик тамойили (*бошқарув ҳисобидаги ташқи ва ички ахборот манбаларининг*)

**lower of costs or net realizable value** ~ энг паст таннарх ёки соф сотув қиймати бўйича ҳисобга олиш тамойили

**marketing** ~ маркетинг\* моҳияти

**matching** ~ мувофиқлик тамойили

**materiality** ~ аҳамиятлилик тамойили

**money measurement** ~ пулда ифодалаш тамойили

**multidimensional** ~ кўп қиррали тушунча

**objectivity** ~ холислик тамойили

**periodicity** ~ ҳисобга олиш даври тамойили

**plant capacity** ~ ишлаб чиқариш қувватининг техник (муҳандислик) моҳияти

**product** ~ молни мукаммалаштириш моҳияти

**production** ~ ишлаб чиқаришни такомиллаштириш моҳияти

**provisional** ~ дастлабки моҳият

**prudence** ~ эҳтиёткорлик тамойили

**realization** ~ сотув тамойили

**reliability** ~ ахборотнинг ишончлилиги тамойили

**speedup-slowdown** ~ ўсиш суръатларининг жадаллаши-

ши ёки сусайишига асосланган қарашлар тизими

**system(s)** ~ тизимли ёндашув

**total marketing support** ~ фирма савдо вакиллари фаолиятини барча соҳадаги техник мутахассислар билан қўллаб-қувватлашга асосланган қарашлар тизими; техник мутахассислардан савдо вакилларига ёрдам беришда фойдаланиш

**value-laden** ~ бойликлар ҳақидаги мулоҳазаларга асосланган қарашлар тизими

**weapon-system** ~ of procurement management қурол тизимларини яратишда харид қилишни бошқариш тамойили

**zero-defects** ~ бенуқсон маҳсулот ишлаб чиқариш тамойили

**CONCEPTION** *n* моҳият; қарашлар тизими; ишлаб чиқариш фаолиятининг амалий тамойили; ғоя, тушунча ~ of business cycle иқтисодий давр тушунчаси

**basic** ~ асосий моҳият

**CONCEPTUALIZATION** *n* ишлаб чиқариш фаолиятининг амалий тамойилини ишлаб чиқиш

**to an early** ~ stage ишлаб чиқариш фаолияти амалий тамойилини ишлаб чиқишнинг бошланғич босқичида

**CONCERN** *n* 1. концерн\*; фирма; корхона; 2. таркибий бўлинма; 3. иштирок этиш, қизиқиш; 4. улуш, ҳисса, пай

to continue as a going ~  
ишлаб турган корхона сифа-  
тида фаолият кўрсатишни  
давом эттирмоқ

to have a ~ in a business  
тадбиркорлик иштирокчиси  
бўлмоқ

banking ~ банк концерни\*

borrowing ~ қарз олувчи кор-  
хона, кредит олувчи ком-  
пания

brokerage ~ брокерлик фир-  
маси\*

business ~ тижорат фирмаси;  
савдо-саноат фирмаси

dummy ~ сохта корхона

family ~ оилавий фирма

going ~ ишлатилаётган кор-  
хона, ишлаб турган корхона

incorporated ~ акциядорлик  
фирмаси

industrial ~ саноат концерни\*

international ~ халқаро кон-  
церн\*

investment banking ~ инвес-  
тиция компанияси

large ~ йирик концерн\*

major ~ йирик корхона;  
йирик концерн\*

manufacturing ~ ишлов бе-  
риш саноати компанияси

medium-sized ~ ўртача корхо-  
на

multinational ~ кўп миллат-  
ли концерн\*

nationalized ~ давлат мулкига  
айлантирилган корхона

paying ~ фойда келтирувчи  
корхона

private ~ хусусий (но-  
акциядор) фирма

privately owned ~ хусусий  
корхона

shaky ~ ишончсиз фирма

trading ~ савдо корхонаси

unincorporated ~ ноакция-  
дорлик фирмаси

CONCERN *v* қизиқмоқ; шу-  
ғулланмоқ

to ~ oneself with something  
*бирор нарса билан қизиқмоқ;*  
*бирор нарса билан шуғуллан-*  
*моқ*

CONCERT *n* розилик; битим

CONCERTED *a* келишилган

~ float валюталар курсининг  
биргаликда эркин ўзгариши

~ interventions келишиб  
олинган интервенциялар\*

CONCESSION *n* 1. ён бериш;  
имтиёз; чегириш (*нархдан*);  
2. концессия\*; 3. янги қим-  
матли қоғозлар сотувини  
уюштирувчи банкларга ҳақ  
тўлаш

~ of land ер ижараси

to apply for a ~ концессия\*  
берилиши ҳақида илтимос  
қилмоқ

to award a ~ концессия\* бер-  
моқ

to grant price ~s нархдан  
чегирма бермоқ, нархда ён  
бермоқ

to lease ~ концессияга\* топ-  
ширмоқ

to make a ~ ён бермоқ

to negotiate a ~ ён бериш  
ҳақида келишиб олмоқ

to obtain a ~ концессия\*  
олмоқ

to renew a ~ концессияни\*  
янгиламоқ

to withdraw a ~ концес-  
сиядан\* маҳрум қилмоқ

forced ~ мажбурий ён бериш

foreign ~хорижий концессия\*



mineral ~ маъданли хом-ашёни қазиб олишга доир концессия\*

mining ~ конлардан фойдаланишга доир концессия\*

pontariff ~s тарифга асосланмаган ҳолда ён бериш

price ~s нархда ён бериш

railway ~ темир йўл концессияси\*

reciprocal ~s ўзаро ён бериш

selling ~ воситачилик ҳақи

special ~s махсус ён бериш

tariff ~s тарифга асосланган ҳолда ён бериш

tax ~s солиқ масаласида ён бериш, солиқ имтиёзлари

wage ~ иш ҳақи масаласида ён бериш, иш ҳақини ошириш

CONCESSIONAIRE *n* концессия\* соҳиби, концессиядор

CONCESSIONAL *a* имтиёзли

~ financing имтиёзли равишда маблағ билан таъминлаш

~ lending имтиёзли ссуда, имтиёзли асосда қарз бериш

CONCESSIONARY *a* 1. имтиёзли; 2. концессияли\*

~ interest rate имтиёзли фоииз ставкаси

CONCESSIONER *n* концессиядор\*

CONCLUDE *v* 1. якунламоқ, тамомламоқ; хулоса чиқармоқ; қарор қабул қилмоқ, қарор қилмоқ; 2. тузмоқ (*битимни*)

to ~ a bargain битим тузмоқ

to ~ a contract шартнома тузмоқ

to ~ a deal битим тузмоқ

to ~ a loan agreement кредит олиш ҳақида шартнома туз-

моқ; ссуда ҳақида шартнома тузмоқ

CONCLUDED *a* тузилган

~ transaction тузилган битим

CONCLUSION *n* 1. хулосалаш; 2. хулоса; 3. якунлаш, тугаллаш; 4. тузиш (*шартномани*)

~ of an agreement шартнома тузиш

~ of a bargain савдо битими тузиш

~ of business битим тузиш

~ of a commission of experts экспертиза хулосаси

~ of contract шартнома тузиш

~ of a deal битим тузиш

~ of transaction битим тузиш

~ of a treaty шартнома тузиш

audit ~ аудит\* хулосалари

expert's ~ эксперт хулосаси

false ~ сохта хулоса

final ~ якуний хулоса

groundless ~ асосланмаган хулоса

hasty ~ шошилич чиқарилган хулоса

practical ~ амалий хулоса

precise ~ аниқ хулоса

preliminary ~ дастлабки хулоса

unfounded ~ асосланмаган хулоса

well-founded ~ асосланган хулоса

wrong ~ нотўғри хулоса

CONCLUSIVE *a* 1. якуний; 2. ишонарли

CONCUR *v* 1. рози бўлмоқ; маъқулламоқ; 2. биргаликда ҳаракат қилмоқ

CONCURRENCE *n* келишилганлик (*ҳаракатларнинг*)

**CONCURRENT** *a* 1. келишилган; 2. биргаликдаги, қўшма

**CONDEMN** *v* 1. яроқсиз деб топмоқ, яроқсиз деб тан олмақ; 2. мусодара қилмоқ, ҳибсламоқ, ҳибсга олмақ; 3. айбдор деб тан олмақ

**CONDEMNATION** *n* 1. яроқсиз деб топиш, яроқсизга чиқариш; 2. мусодара қилиш; 3. ҳукм қилиш, жазо бериш

**CONDITION** *n* 1. шарт; қўшимча шарт; кондиция\*; 2. аҳвол, ҳолат; 3. *pl* вазият, шароит, ҳолат; тартиб; 4. ижтимоий ҳолат

~ of entry кириб бориш шarti (*янги фирманинг иқтисодиёт тармоқларига*)

~s of acceptance акцептлаш\* шартлари

~s of brokerage даллоллик ҳақи тўлаш шarti

~ of cargo юкнинг ҳолати

~s of consortium agreement битимнинг консорциум\* тузиш ҳақидаги шартлари

~s of a contract шартнома шартлари

~s of delivery етказиб бериш шартлари

~s of employment ёлланиб ишлаш шартлари

~ of financing маблағ билан таъминлаш шартлари

~ of goods ~ молнинг ҳолати

~s of a guarantee кафолат шартлари

~s of issue қимматли қоғоз чиқариш шартлари

~s of letter of credit аккредитив \* шартлари

~s of life турмуш шароити

~s of market бозорнинг ҳолати, бозордаги вазият

~s of marketing маҳсулот ўтказиш (сотиш) шартлари

~ of packages юкнинг ҳолати

~s of participation иштирок этиш шартлари

~s of payment тўлов шартлари

~s of sale сотув шартлари

~s of service иш шароити

~s of subscription обуна шартлари

~s of supply етказиб бериш шартлари

~s of trade савдо шартлари

~s of transport юк ташиш шартлари

~s of work иш шароити

to adhere to ~s шартларга риоя қилмоқ

to alter ~s шартларни ўзгартирмоқ

to attach ~s бирон нарсани муайян шартларга боғлаб қўймоқ

to bargain for better ~s яхшироқ шартларга эришиш мақсадида музокаралар олиб бормоқ

to break ~s шартларни бузмоқ

to change ~s шартларни ўзгартирмоқ

to conform to ~s шартларга мувофиқ (мол) келмоқ

to create favourable ~s қулай шароит яратмоқ

to follow ~s шартларга риоя қилмоқ

to fulfil ~s шартларни бажармоқ

to implement ~s шартларни амалга оширмоқ

to impose ~s шартларни ба-  
 жартирмоқ  
 to improve ~s шароитни ях-  
 шиламоқ  
 to improve the working ~s  
 меҳнат шароитини яхшила-  
 моқ  
 to include ~s шартларни ки-  
 ритмоқ  
 to incorporate ~s шартларни  
 киритмоқ  
 to infringe ~s шартларни буз-  
 моқ  
 to lay down ~s шартларни  
 белгиламоқ  
 to meet ~s 1. шартларни ба-  
 жармоқ; 2. шартларни қон-  
 дирмоқ  
 to modify ~s шартларни ўз-  
 гартирмоқ  
 to observe ~s шартларга риоя  
 қилмоқ  
 to revise ~s шартларни қайта  
 кўриб чиқмоқ  
 to set forth ~s шартларни  
 илгари сурмоқ  
 to stipulate ~s шартларни на-  
 зарда тутмоқ  
 to superimpose ~s қўшимча  
 шартлар киритмоқ  
 to violate ~s шартларни буз-  
 моқ  
 to yield to ~s шартларни қа-  
 бул қилмоқ  
 abnormal ~s номеъёрий ша-  
 роит  
 abnormal operating ~s но-  
 меъёрий фойдаланиш ша-  
 роитлари  
 actual operating ~s амалдаги  
 (ҳақиқий) фойдаланиш ша-  
 роитлари  
 additional ~ қўшимча шарт  
 adverse ~s ноқулай шароит-  
 лар (фойдаланишининг)

apparent ~ мавжуд ҳолат  
 as-received ~ етказиб бериш  
 пайтидаги аҳвол (*махсулот-  
 нинг*)  
 atmospheric ~s атмосфера  
 шароити  
 auxiliary ~ қўшимча шарт  
 average ~s одатдаги шартлар  
 average operating ~s фойда-  
 ланишнинг одатдаги шарт-  
 лари  
 average service ~s фойда-  
 ланишнинг одатдаги шарт-  
 лари  
 basic ~s асосий шартлар  
 best-profit ~ фойдани энг  
 юқори даражага етказиш  
 шарти  
 boom ~s кескин ўзгариш  
 boundary ~ чекловчи шарт  
 business ~s тадбиркорлик  
 (хўжалик) даги аҳвол  
 cleared ~s қулай шароит  
 climatic ~s иқлим шароити  
 commercial ~s тижорат шарт-  
 лари  
 competitive ~s тенг ҳуқуқли  
 шартлар  
 controlled ~s назорат шарт-  
 лари  
 credit ~ ссуда сармоялари бо-  
 зори ҳолати, кредит бо-  
 зоридаги ҳолат  
 critical ~s кескин (оғир) ша-  
 роит, оғир тартиб  
 debenture ~s облигацияларни  
 сотиш шартлари  
 defective ~с нуқсонли ҳолат  
 design ~s ҳисоб-китоб (қи-  
 лиш) шартлари  
 desired ~ талаб қилинадиган  
 тартиб; берилган шартлар  
 environmental ~s атрофдаги  
 шароит, ташқи шароит, ат-  
 роф муҳит

economic ~s хўжаликдаги вазият; иқтисодий шароит  
 emergency ~s фавқулудда тартиб  
 end-service ~ буюмнинг фойдаланиш якунланган пайтдаги ҳолати  
 end-use ~ буюмнинг фойдаланиш якунланган пайтдаги ҳолати  
 environmental ~s атроф муҳит шароити  
 equal ~s тенг шароит  
 equilibrium ~s мувозанат шароити  
 express ~s алоҳида ажратилган шартлар  
 extreme ~s фавқулудда шароит  
 faulty ~ носоз ҳолат  
 favourable ~ қулай шароит  
 feasibility ~s амалга ошириш шартлари  
 financial ~s молиявий шароит  
 first-order ~s энг зарур шароит; зарур шароит  
 general ~s умумий шароит; умумий шартлар  
 general ~s of a contract шартноманинг умумий шартлари  
 general policy ~s гуруҳий суғурталаш ҳақидаги асосий битимда кўрсатилган суғурта шартлари  
 guarantee ~s кафолат шартлари  
 housing ~s турар жой шароити  
 implied ~ кўзда тутилган шароит  
 in damaged ~ шикастланган ҳолатда  
 inequitable ~ ҳуқуқий жиҳатдан нотенг шарт

inflationary ~s инфляция\* ҳолати  
 in good ~ яхши ҳолатда  
 in serviceable ~ соз ҳолатда  
 insurance ~s суғурталаш шартлари  
 in undamaged ~ шикастланмаган ҳолатда  
 in working ~ ишга яроқли ҳолатда  
 job ~s иш шароити  
 labour ~s меҳнат шароити  
 lease ~s ижарага бериш шартлари  
 letter of credit ~s аккредитив\* шартлари  
 license ~s лицензия шартлари (*мас. асбоб-ускуналарни четдан келтириш учун*)  
 limiting ~ чекловчи шарт  
 living ~s турар жой шароити  
 loan ~s қарз шартлари  
 local ~s маҳаллий шароит  
 main ~ асосий шарт  
 maintenance ~s техник хизмат кўрсатиш шароити  
 marginal ~s чегараланган шартлар  
 market ~ бозорнинг аҳволи, бозордаги вазият  
 market-clearing ~ талаб ва таклифнинг мувозанат ҳолати  
 marketing ~s бозорнинг аҳволи, бозордаги вазият  
 meteorological ~s об-ҳаво шароити  
 moderate operating ~s фойдаланишнинг меъёрий шароити  
 normal ~s меъёрий шароит  
 obligatory ~s мажбурий шартлар  
 on ~ шарти билан  
 operable ~ иш (ишлаш) ҳолати; фойдаланиш ҳолати

operating ~ 1. иш (ишлаш) ҳолати; фойдаланиш ҳолати; 2. *pl* иш тартиби; фойдаланиш тартиби  
 operation ~ *pl* иш тартиби; фойдаланиш тартиби  
 operational ~ *pl* иш тартиби; фойдаланиш тартиби  
 optimal ~s энг мақбул шароит  
 out of ~ ёмон ҳолатда  
 out-of-stock ~ захиралар камайиши ҳолати  
 peak ~ энг яхши шароит  
 perfect ~ аъло даражадаги ҳолат  
 permanent ~ узоқ давом этадиган ҳолат  
 plant ~s ишлаб чиқариш шароити  
 policy ~s суғурталаш шартлари  
 poor ~ ёмон ҳолат  
 practical ~s амалий шартлар  
 precedent ~ дастлабки шарт  
 preferential ~s имтиёзли шароит; имтиёзли тартиб  
 preliminary ~ дастлабки шарт  
 prescribed ~s кўзда тутилган шартлар  
 prevailing ~s устувор шартлар  
 prevalent market ~ s ҳукмрон ҳолат  
 prior ~ дастлабки шарт  
 production ~s ишлаб чиқариш шароити  
 profit maximizing ~ фойдани энг юқори даражага етказиш шарти  
 profit-maximizing employment ~ иш билан таъминлашнинг фойдани энг юқори даражага етказиш пайтидаги шарти  
 project ~ лойиҳа шартлари  
 proper ~ керакли ҳолат

purchase and sale ~ олди-сотди шартлари  
 queue ~ оммавий хизмат кўрсатиш тизимининг ҳолати  
 quiet ~s касодлик (*мас. бозордаги*)  
 rated ~s ҳисоб-китоб шартлари; ҳисоб-китоб тартиби  
 gated ~s ҳисоб-китоб шартлари  
 readiness ~ тайёрлик ҳолати  
 realistic ~ амалдаги шароит  
 realizability ~ амалга ошиш шарти  
 reasonable ~s мақбул шартлар  
 regular service ~s фойдаланишнинг меъёрий шароити  
 running ~s 1. иш шароити; 2. фойдаланиш тартиби  
 safety ~s хавфсизлик техникаси  
 saturation ~ иш билан тўла таъминланганлик ҳолати  
 second-order ~s иккинчи даражали шартлар  
 service ~s 1. фойдаланиш тартиби; 2. хизмат кўрсатиш шартлари  
 serviceable ~ соз ҳолат  
 shop ~s ишлаб чиқариш шароити  
 side ~ қўшимча шарт  
 site ~s ҳудудий шароит  
 social ~s ижтимоий-маиший шароит  
 soil ~ тупроқ шароити  
 sound ~ соғлом ҳолат  
 special ~s махсус шароит; махсус шартлар  
 special policy ~s суғурталашнинг ўзига хос шартлари  
 stabilized production ~s ишлаб чиқаришнинг барқарор шароити

stable monetary ~s пул бозоридаги барқарор ҳолат  
 standard ~s меъёрий шартлар  
 standard policy ~s суғурталашнинг одатдаги шартлари  
 stand-by ~ фойдаланишга тайёрлик ҳолати  
 starting ~s бошланғич шартлар  
 stipulated ~s кўзда тутилган шароит  
 storage ~s сақлаш шароити  
 strict budgetary ~s бюджетнинг қатъий шартлари  
 strict technical ~s қатъий техник шартлар  
 stringent ~s қатъий шартлар  
 suitable ~s тўғри келадиган шартлар  
 suitable shipping ~s транспортнинг тегишли ҳолати  
 surplus ~s таклифнинг талабдан ошиб кетиши  
 technical ~s техникавий шартлар  
 technological ~s технологик шароит  
 test ~s синовлар шароити  
 top ~ энг яхши ҳолат  
 trading ~s савдо-сотиқ шартлари; савдо-сотиқ шароити  
 traffic ~s транспорт ҳаракати шароити  
 transport ~s транспорт шароити  
 under existing ~s мавжуд шароитда  
 under the given ~s мазкур шароитда  
 under production ~s ишлаб чиқариш шароитида  
 unequal ~ s ҳуқуқий жиҳатдан нотенг шартлар  
 unfair ~s адолатсиз шартлар

unfavourable ~s ноқулай шартлар  
 uniform ~ s ягона шартлар  
 unsatisfactory ~s қониқарсиз шароит  
 unsound financial ~ ноқулай молиявий аҳвол  
 unstable market ~ беқарор бозор вазияти  
 usable ~ соз ҳолат  
 use ~ фойдаланиш шартлари  
 usual ~ одатдаги шартлар; одатдаги шароит  
 working ~s иш шароити

**CONDITION** *v* 1. шарт қилиб қўймоқ; 2. тегишли ҳолатга келтирмоқ

**CONDITIONAL** *a* шартли

~ acceptance шартли акцепт\*  
 ~ bond шартли облигация  
 ~ deposit шартли омонат  
 ~ endorsement муайян шартли индоссамент\* (уни бажаришда тўлов амалга оширилиши мумкин)  
 ~ liability шартли мажбурият  
 ~ loan шартлашиб олинган қарз  
 ~ obligation шартли мажбурият  
 ~ price шартли нарх  
 ~ pricing for transaction account мижознинг у ёки бу шартларни бажаришига қараб ҳисобрақамлардан фойдаланганлик учун нарх қўйиш  
 ~ risk шартли таваккалчилик  
 ~ sale шартли сотув

**CONDITIONALITY** *n* 1. кредитларнинг муайян иқтисодий сиёсатни амалга ошириш юзасидан қарздорларнинг мажбуриятлари билан ўзаро боғлиқлиги; 2. Халқаро

валюта фондидан кредит олиш шартлари  
to fulfil ~ қўйилган талабларни бажармоқ

**CONDITIONED** *a* 1. шарт қилиб қўйилган; 2. белгиланган шартга жавоб берувчи, мезонга мос келувчи

**CONDITIONING** *n* молни белгиланган меъёрга келтириш; керакли ҳолатга келтириш

**CONDOMINATION** *n* биргаликда эгалик қилиш

**CONDOMINIUM** *n* мулкка биргаликда эгалик қилиш

**CONDOR** *n* кондор, олтин ёки кумуш танга (*Жанубий Американинг баъзи мамлакатларида 1933 йилга қадар муомалада бўлган*)

**CONDUCTIVE** *a* ёрдам берувчи, қулай (мақбул)

**CONDUCT** *n* 1. олиб бориш, юритиш; 2. йўл тутиш; одоб ~ the bank's business банк тадбиркорлигини юритиш market ~ бозорда иш тутиш professional ~ касбга хос иш тутиш (йўл тутиш)

**CONDUCTING** *n* олиб бориш, юритиш, ўтказиш ~ business тадбиркорликни юритиш ~ a case ишни юритиш (суда)

~ correspondence хат-хабарларни юритиш

~ an operation операцияларни ўтказиш

**CONDUCT-MONEY** *n* 1. гувоҳни судга етказиб келганлик учун тўланадиган пул; 2. аскарларни қўшинга етказиш харажатларини қоп-

лаш учун ундириладиган солиқ

**CONDUIT** *n* йўл

~ in tax law солиқ қонунчилигига кўра билвосита солиқ солиш

**CONFEDERACY** *n* конфедерация\* ; давлатлар иттифоқи

**CONFEDERATION:**

C. of British Industries Англия саноати конфедерацияси\*

C. of Shipbuilding Unions Кемасозлар касаба уюшмалари конфедерацияси\*

European C. of Agriculture Европа қишлоқ хўжалиги конфедерацияси \*

International C. for Agricultural Credit Халқаро қишлоқ хўжалиги кредити конфедерацияси\*

International C. of Free Trade Unions Эркин касаба уюшмаларининг халқаро конфедерацияси\*

World C. of Labour Умумжаҳон меҳнат конфедерацияси\*

**CONFEDERATION** *n* конфедерация (1. давлат тузилиши шакли; 2. жамоат ташкилоти); иттифоқ

**CONFERENCE:**

C. on International Container Traffic Халқаро контейнерда юк ташиш конференцияси

Baltic and International Maritime C. Болтиқ ва халқаро денгиз конференцияси

United Nations C. on Trade and Development БМТнинг

савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси

United Nations Wheat C. БМТнинг буғдой бўйича конференцияси

World Future Research C. Умумжаҳон истиқболни белгилаш тадқиқотлари конференцияси

CONFERENCE *n* 1. конференция; мажлис; 2. кема эгалари ўртасидаги картель битими\*

~ on marketing маркетинг\* бўйича мажлис

~ on statistics статистика масалаларига доир конференция

to attend *a* ~ конференцияда иштирок этмоқ

to call *a* ~ конференция чақирмоқ

to convene *a* ~ конференция чақирмоқ

to convoke *a* ~ конференция чақирмоқ

to disrupt *a* ~ конференцияни бузмоқ

to hold *a* ~ конференция ўтказмоқ

to participate in *a* ~ конференцияда иштирок этмоқ

**staff** ~s ходимларга кетган харажатлар  
**stand** ~s кўргазма пеш-

лавҳасини сақлаш харажатлари  
**standard** ~ (s) меъёрий чиқимлар, меъёрий таннарх  
**standard direct labour** ~s бевосита меъёрий меҳнат харажатлари  
**standard direct materials** ~ асосий моддий харажатлар меъёри  
**standard factory overhead** ~ завод қўшимча харажатлари меъёри  
**standby** ~ (s) 1. доимий харажатлар (чиқимлар); 2. фаолият кўрсатмаётган объектни сақлаш харажатлари  
**standing** ~ (s) доимий чиқимлар, доимий харажатлар  
**starting-and-stopping** ~ (s) ишга тушириш ва тўхтатиш билан боғлиқ чиқимлар (*узлуксиз ишлаб чиқаришга доир*)  
**starting-load** ~ (s) ишлаб чиқаришни тайёрлаш чиқимлари  
**start-up** ~ (s) 1. янги корхонани ўзлаштириш харажатлари; корхонани ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар; 2. ишлаб чиқаришга тайёрлаш харажатлари  
**step** ~s босқичма-босқич ўзгариб борадиган харажатлар  
**step function** ~s босқичма-босқич ўзгариб борадиган харажатлар  
**stock-holding** ~ захираларни сақлаш харажатлари  
**stocking** ~ (мавжуд) захиралар қиймати  
**stockout** ~s захиралар тақчиллиги (етишмаслиги) оқи-



батида келиб чиқадиган харажатлар

**storage** ~ захираларни сақлаш харажатлари

**sunk** ~ (s) 1. қайтмайдиган чиқимлар, ўзини оқламайдиган сармоя сарфи; 2. ўтган давр чиқимлари; (ўтган даврда) амалга оширилган сармоя сарфи

**supervision** ~s назорат харажатлари

**supplementary** ~ (s) билвосита чиқимлар

**supplementary employee** ~ (s) ишчи кучига кетган қўшимча харажатлар

**support** ~ (s) фойдаланиш харажатлари; техник хизмат кўрсатиш харажатлари

**tangible** ~ (s) "сезиладиган харажатлар", моддий харажатлар

**target** ~ чиқимларнинг режалаштирилган миқдори, режали чиқимлар

**tentative** ~ тахминий қиймат

**total** ~ умумий (тўла) таннарх

**total labour** ~s ишчи кучига кетган тўла харажатлар

**total system** ~ тизимнинг умумий қиймати

**total unit** ~ (s) тўла солиштирма чиқимлар

**traceable** ~ (s) 1. ўзгарувчан чиқимлар, ўзгарувчан харажатлар; 2. бевосита харажатлар, бевосита чиқимлар

**training** ~ (s) касбий таълим харажатлари

**transaction** ~ (s) битим тузиш чиқимлари

**transfer** ~s ташиш харажатлари

**transferred-in** ~s бошқага ўтказилган харажатлар

**transshipment** ~s юкларни қайта ортиш харажатлари

**transport** ~s транспорт харажатлари

**transportation** ~s транспортда ташиш харажатлари

**travel** ~s йўл харажатлари

**travelling** ~s йўл харажатлари

**treating** ~ (s) қайта ишлаш харажатлари; янги маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш таннархи

**trim** ~s юкни жойлаш (*кема трюмига*) харажатлари

**true** ~ ҳақиқий қиймат

**trust** ~ ишонч асосида хизматлар кўрсатиш қиймати

**ultimate** ~ охириги қиймат (*барча қўшимча харажатларни киритган ҳолда*)

**unamortized** ~ соф сармоя; соф активлар; қийматнинг амортизация\* ажратилмаган қисми (*асосий сармоянинг*)

**unavoidable** ~ (s) 1. ишлаб чиқариш ҳажми камайган пайтда бартараф этиб бўлмайдиган чиқимлар; 2. доимий чиқимлар

**uncontrollable** ~s тартибга солинмайдиган харажатлар

**underwriting** ~ обуна қиймати (*қимматли қоғозларга*)

**under** ~ таннархдан арзон

**unexpired** ~s келгуси давр харажатлари

**unit** ~ 1. *pl* солиштирма чиқимлар, маҳсулот бирлиги чиқимлари; 2. маҳсулот бирлиги таннархи

**unit factor** ~ (s) ишлаб чиқаришнинг омиллар бўйича солиштирма харажатлари

unit labour ~ (s) маҳсулот бирлиги бўйича ҳисобланган ишчи кучи харажатлари  
 unit operating ~ (s) маҳсулот бирлигига кетган фойдаланиш харажатлари  
 unit wage ~ (s) маҳсулот бирлиги бўйича ҳисобланган ишчи кучи харажатлари  
 unloading ~s юк тушириш харажатлари  
 unrecovered ~ қолдиқ қиймат  
 unscheduled ~ (s) режадан ташқари харажатлар  
 upkeep ~ (s) фойдаланиш харажатлари; техник хизмат кўрсатиш (ва жорий таъмирлаш) харажатлари  
 upward ~s ўсиб борадиган харажатлар  
 user ~ (s). фойдаланиш чиқимлари  
 utility's ~s шаҳар хўжалиги хизматларига кетган харажатлар  
 value-added ~ маҳсулрот қимматини оширадиган харажатлар  
 variable ~ (s) ўзгарувчан чиқимлар, ўзгарувчан харажатлар  
 variable capital ~s ўзгарувчан сармоя харажатлари  
 verification ~ (s) назорат қилиш харажатлари (*мас.ҳисобрақамларни таққослашда*)  
 wage ~ (s) иш ҳақи харажатлари  
 war ~ (s) ҳарбий харажатлар  
 warehousing ~ (s) омборда сақлаш харажатлари (*молларни*)  
 warranty ~ (s) кафолатли таъмирлаш харажатлари; ка-

фолатли мажбуриятлар харажатлари (*тайёрловчи заводнинг*)  
 weighted average ~ ўртача чамаланган қиймат  
 weighted average ~ of capital сармоянинг ўртача чамаланган қиймати  
 welfare ~ (s) ижтимоий ва маданий эҳтиёжлар харажатлари  
 wintering ~s қишда қорамолни сақлаш харажатлари  
 with ~s харажатларни қўшиб ҳисоблаганда  
 without regard to ~ харажатларни эътиборга олмаганда  
 working ~ (s) 1. фойдаланиш харажатлари; 2. ишлов бериш қиймати

**COST** *у* 1. қийматга эга бўлмоқ; 2. нарх қўймоқ, молни баҳоламоқ

**COST-CONSCIOUS** *а* чиқимлар моҳиятини тушунувчи; тежамкорлик аҳамиятини тушунувчи

**COST-EFFECTIVE** *а* энг кам харажатлар билан

**COST-EFFECTIVENESS** *п* харажатлар самарадорлиги

**COSTING** *п* 1. ҳисоблаб чиқиш; ишлаб чиқариш чиқимларини ҳисоблаб чиқиш; 2. таннархни ҳисоблаб чиқиш; 3. баҳолаш (*қийматни*) ~ of purchases харид қилиш сметаси\*

**absorption** ~ 1. харажатларни тўла тақсимлаб, таннархни ҳисоблаб чиқиш (*маҳсулотлар ўртасида*); 2. харажатларни оддий ҳисобдан чиқариш тамойили; заводнинг барча қўшимча ха-

ражатларини тайёр маҳсулот нархига киритиш

**activity based** ~ вазифавий бухгалтерлик ҳисоби, харажатларни жавобгарлик маркази бўйича ҳисобга олиш, харажатларни вазифалар бўйича ҳисоблаб чиқиш

**actual** ~ таннархни ҳақиқий харажатлар бўйича ҳисоблаб чиқиш

**actual absorption** ~ ҳақиқий харажатларни тўла тақсимлаган ҳолда таннархни ҳисоблаб чиқиш

**backflush** ~ харажатларни таннарх ҳисобига қайта киритган ҳолда ҳисоблаб чиқиш; харажатларни тескари тартибда ҳисоблаб чиқиш

**batch** ~ маҳсулотлар туркумини тайёрлаш харажатларини ҳисоблаб чиқиш

**continuous operation** ~ таннарх харажатларини жараёнлар бўйича ҳисоблаб чиқиш

**conventional** ~ 1. харажатларни тўла тақсимлаб, таннархни ҳисоблаб чиқиш (*маҳсулотлар ўртасида*); 2. харажатларни оддий ҳисобдан чиқариш тамойили; заводнинг барча қўшимча харажатларини тайёр маҳсулот нархига киритиш

**delayed** ~ харажатларни таннарх ҳисобига қайта киритган ҳолда ҳисоблаб чиқиш; харажатларни тескари тартибда ҳисоблаб чиқиш

**direct** ~ 1. ўзгарувчан харажатлар бўйича таннархни ҳисоблаб чиқиш; 2. умумза-

вод доимий харажатларини бевосита фойда ва зарарлар ҳисобига киритиш (*ишлаб чиқарилган маҳсулотга тақсимламай*)

**first-in-first-out** ~ "биринчи (туркум) киримга – биринчиси чиқимга" усулида баҳолаш

**full** ~ харажатларни тўла тақсимлаган ҳолда (таннархни) ҳисоблаб чиқиш

**function** ~ харажатларни вазифалар бўйича ҳисоблаб чиқиш

**historical** ~ олдинги чиқимлар бўйича (таннархни) ҳисоблаб чиқиш

**hybrid** ~ харажатларни (таннархни) аралаш ҳисоблаб чиқиш

**inventory** ~ товар-моддий захиралар қийматини баҳолаш

**job(-order)** ~ 1. чиқимларни буюртма бўйича ҳисоблаб чиқиш; 2. таннархни буюртма бўйича ҳисоблаб чиқиш

**last-in-first-out** ~ "охирги туркум киримга – биринчиси чиқимга" усулида баҳолаш

**life cycle** ~ ҳаётий давр харажатларини самарали ҳисоблаб чиқиш

**lowest life cycle** ~ хизмат муддати мобайнида харажатларни энг кам даражага етказиш

**marginal** ~ таннарх ҳисоблаш оралиқ тизими; бевосита харажатлар бўйича (таннархни) ҳисоблаб чиқиш (*қўшимча харажатларни маҳсулотлар гуруҳига ўтказган ҳолда*)

**material** ~ моддий харажатларни аниқлаш

**normal** ~ таннархни амалдаги бевосита ва ўртача билвосита харажатлар бўйича ҳисоблаб чиқиш

**normal absorption** ~ билвосита харажатларни берилган ставка асосида амалдаги бевосита харажатларга тўла тақсимлаган ҳолда ҳисоблаб чиқиш

**operation** ~ таннарх харажатларини операциялар бўйича ҳисоблаб чиқиш

**process** ~ ишлаб чиқариш чиқимларини жараёнлар бўйича ҳисоблаб чиқиш

**product** ~ 1. маҳсулот ишлаб чиқариш чиқимларини ҳисоблаб чиқиш; 2. маҳсулот таннархини ҳисоблаб чиқиш

**responsibility** ~ фаолиятнинг муайян соҳаси бўйича харажатлар сметасини\* тузиш

**sequential tracking** ~ сарф-харажатларни мунтазам кузатиб борган ҳолда таннархни ҳисоблаб чиқиш

**service** ~ сарф-харажатларни вазифалар бўйича ҳисоблаб чиқиш

**specific-order** ~ 1. чиқимларни буюртма бўйича ҳисоблаб чиқиш; 2. таннархни буюртма бўйича ҳисоблаб чиқиш

**standard** ~ таннархни меъёрий сарф-харажатлар бўйича ҳисоблаб чиқиш

**terminal** ~ қурилиш ва муҳандислик шартномалари қийматини ҳисоблаб чиқиш

**uniform** ~ сарф харажатларни бир хилда ҳисоблаб

чиқиш; сарф-харажатларни ҳисоблашнинг умумий услубларидан фойдаланиш

**variable** ~ ўзгарувчан чиқимлар бўйича (таннархни) ҳисоблаб чиқиш

**weighted average** ~ ўртача чамаланган солиштирма таннархни мутаносиб усулда ҳисоблаб чиқиш

**COSTLINESS** *n* қимматчилик

**COSTLY** *a* қиммат, қимматбаҳо

**COST-PLUS** *n* чиқимлар қўшилган белгиланган фойда (чиқимлардан ташқари фоиз шаклидаги фойда)

**COST-PUSH** *n* ишлаб чиқариш чиқимларининг ўсиши

**COSURETY** *n* биргаликда топшириқ берувчи

**COTENANCY** *n* биргаликда ижара, биргаликда ижарага олиш

**COTENANT** *n* биргаликда ижарага олувчи

**COTENURE** *n* кўчмас мулкка (ерга) биргаликда эгалик қилиш

**COTRUSTEE** *n* ишонч асосидаги ҳамкор (шерик)

**COTTON** *a* пахта ..., ип-газлама ..., пахтани қайта ишлайдиган; пахтачилик ...; пахта экувчи

~ **exchange** пахта биржаси

~ **goods** ип-газлама моллари

~ **industry** пахта саноати

~ **manufacture** пахтани қайта ишлаш саноати

**COTTONOCRACY** пахтани қайта ишлаш саноати ва пахта савдоси корпорацияси\*

**COTTON-SPINNER** *n* пахта йигирув корхонаси эгаси

**COULISSE** *фр. п* 1. норасмий фонд биржаси; 2. норасмий биржа маклерлари\*

**COULISSIER** *фр. п* норасмий даллол (*биржада чайқовчилик битимларини тузувчи даллол*)

**COUNCIL: C. for Economic and Industrial Research** Иқтисодиёт ва саноат тадқиқотлари қўмитаси (*АҚШ*)

**C. for International Progress in Management** Бошқарув услубларини яхшилашга кўмаклашиш кенгаши

**C. for Mutual Economic Assistance** Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши, ЎИЁК

**C. for Securities Industry** Қимматли қоғозлар саноати кенгаши (*Буюк Британия*)

**C. of Economic Advisors** Иқтисодий маслаҳатчилар кенгаши (*АҚШ президенти ҳузурида*)

**C. of Foreign Bond Holders** Хорижий облигациялар соҳиблари кенгаши (*Буюк Британия*)

**C. of the International Federation of Accountants** Халқаро бухгалтерлар федерацияси кенгаши

**C. of the Stock Exchange** Лондон фонд биржаси бошқаруви

**C. of Trade Union Federation of the Republic of Uzbekistan** Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмаси федерацияси кенгаши

**C. on Environmental Quality** Атроф-муҳит сифати бўйича кенгаш (*АҚШ*)

**C. on Wage and Price Stability**

Иш ҳақи ва нарх-наво барқарорлиги масалалари кенгаши (*АҚШ президенти ҳузурида*)

**Agricultural, Medical, Scientific and Industrial Research C.** Қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, илм-фан ва саноат тадқиқотлари кенгаши (*Буюк Британия*)

**Agricultural Research C.** Қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари кенгаши (*Буюк Британия*)

**British Productivity C.** Маҳсулдорлик масалалари бўйича Британия кенгаши

**Central C. for Agricultural and Horticultural Cooperation** Қишлоқ хўжалиги бирлашмаси марказий кенгаши (*Буюк Британия*)

**Central Advisory C. for Science and Technology** Фан ва техника марказий маслаҳат кенгаши (*Буюк Британия*)

**Common Market's C. of Ministers** ЕИҲ вазирлари кенгаши (*Умумий бозорнинг*)

**Customs Cooperation C.** Божхона ҳамкорлиги кенгаши

**Economic and Social C.** БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши

**Energy Resources C.** Энергетика ресурслари кенгаши (*АҚШ президенти ҳузурида*)

**European C. for Nuclear Research** Ядро тадқиқотлари бўйича Европа кенгаши

**European Atomic Energy C.** Евратом

**Federal C. for Science and**

Technology Фан ва техника  
федерал кенгаш (АҚШ)

Federal Reserve Advisory C.  
Федерал захиралар маслаҳат  
кенгаши

General C. of Trade Union  
Congress Британия тред-  
юнионлари конгресси бош  
кенгаши

International C. for Scientific  
Management Бошқарувнинг  
илмий услублари халқаро  
кенгаши

National Cooperative C.  
Миллий ширкатлар кенгаши

National Economic Deve-  
lopment C. Миллий иқти-  
содий тараққиёт кенгаши  
(Буюк Британия)

Nature Conservancy C.  
Табиатни муҳофаза қилиш  
миллий хизмати (Буюк  
Британия)

Security C. Хавфсизлик кен-  
гаши

Urban Affairs C. Шаҳарларни  
ривожлантириш кенгаши  
(АҚШ)

Wages C. Иш ҳақи кенгаши

Water Resources C. Сув  
ресурслари кенгаши (АҚШ)

Whitley C.s Уитли кенгаш-  
лари (ишчи ва тадбиркор-  
ларнинг соҳа кенгашлари)

**COUNCIL** *n* кенгаш; мажлис

~ of experts экспертлар кен-  
гаши

administrative ~ маъмурий  
кенгаш

advisory ~ маслаҳат кенгаши

borough ~ шаҳар кенгаши  
(кичик шаҳарнинг)

city ~ маҳаллий ўз-ўзини  
бошқариш идораси

common ~ шаҳар кенгаши,  
жамоа кенгаши

county ~ графлик кенгаши

district ~ туман кенгаши

industrial ~ ишлаб чиқариш  
кенгаши

joint industrial ~ қўшма  
ишлаб чиқариш кенгаши

local ~ маҳаллий кенгаш

municipal ~ маҳаллий ўз-  
ўзини бошқариш идоралари  
кенгаши

research ~ илмий кенгаш

supervisory ~ кузатув кен-  
гаши

town ~ маҳаллий ўз-ўзини  
бошқариш идораси; шаҳар  
кенгаши

wages ~ иш ҳақи бўйича  
кенгаш

works ~ корхона кенгаши

work study ~ иш вақтини  
таҳлил қилиш кенгаши

**COUNCILLOR** *n* кенгаш  
аъзоси; маслаҳатчи

borough ~ шаҳар кенгаши  
аъзоси

town ~ шаҳар кенгаши  
аъзоси

**COUNSEL** *n* 1. муҳокама қи-  
лиш, кенгашиш; 2. адвокат,  
ҳимоячи, ҳуқуқий мас-  
лаҳатчи

~ for the defense ҳимоячи  
(судда)

~ for the plaintiff даъво-  
гарнинг адвокати

corporation ~ корпорация-  
нинг\* ҳуқуқий маслаҳатчиси

defence ~ ҳимоячи (судда)

patent ~ патент бўйича  
ишловчи вакил

public relations ~ жамоат-  
чилик билан алоқа қилиш

масалалари бўйича мас-  
лаҳатчи

tax ~ солиқ солиш масала-  
лари бўйича маслаҳатчи

COUNSELING *n* маслаҳат  
бериш

~ corporate and retail cus-  
tomers of bank банкнинг кор-  
порацияга\* уюшган ва ху-  
сусий мижозларига маслаҳат  
бериш

~ of bank customers банк  
мижозларига маслаҳат бериш

COUNSELLOR *n* 1. маслаҳат-  
чи; 2. адвокат, ҳимоячи

~ of the embassy элчихона  
маслаҳатчиси

business ~ савдо-саноат фао-  
лияти масалалари бўйича  
маслаҳатчи

commercial ~ тижорат мас-  
лаҳатчиси

investment ~ инвестиция  
қилиш бўйича маслаҳатчи

job ~ касбга йўналтириш  
бўйича мутахассис

management ~ бошқарув ма-  
салалари бўйича маслаҳатчи

trade ~ савдо маслаҳатчиси

vocational ~ касб танлаш  
бўйича маслаҳатчи

COUNT *n* 1. ҳисоблаш, ҳисоб;  
2. даъво аризасининг айблов

банди

periodic ~s of selected items  
мол-мулкни даврий танлама  
рўйхатдан ўтказиш

periodic stock ~s захиралар  
ҳолатини даврий рўйхатдан  
ўтказиш

population ~ аҳолини рўй-  
хатдан ўтказиш

stock ~s захираларни рўй-  
хатдан ўтказиш

COUNT *v* 1. ҳисобламоқ,

ҳисоблаб чиқмоқ; 2. фараз  
қилмоқ

COUNTER *n* 1. касса; 2. ҳи-  
соблагич; 3. пештахта (*дў-  
кондаги*)

~ cash банк кассасидаги нақд  
пул

~ check банк томонидан чек  
эгаси ҳузурида тўланадиган  
чек

~ issue муқобил эмиссия\*

~ item пул ҳужжати

~ offer муқобил таклиф

~ security муқобил кафолат

~ surety муқобил кафиллик

bargain ~ 1. пасайтирилган  
нархларда сотиш бўлими

(*дўконда*); 2. акцияларни па-  
сайтирилган курсда сотиш

(*биржадаги саросималик дав-  
рида*); 3. дўкондаги харидор

арзон молларни ўзи танлаб  
олиши мумкин бўлган узун

стол

check-out ~ назорат-касса  
шоҳобчаси (*ўз-ўзига хизмат*

*кўрсатиш дўкониди*)

information ~ ахборот бўлими

shop ~ пештахта

over the ~ брокер\* орқали;

биржадан ташқари бозорда

paying ~ чиқим кассаси

COUNTERBONIFICATION *n*

тесқари бонификация\* (*мол-  
нинг сифати пастлиги ту-  
файли нархидан чегириб*

*ташлаш*)

COUNTERCLAIM *n* муқобил  
даъво; муқобил талаб

to advance a ~ муқобил та-  
лабни илгари сурмоқ

to file a ~ муқобил даъво  
қўзғамоқ

to make a ~ даъво қилмоқ

- to meet a ~ муқобил талабни қондирмоқ  
 to reject a ~ муқобил талабни рад этмоқ  
 to repudiate a ~ муқобил талабни рад этмоқ  
 to satisfy a ~ муқобил талабни қондирмоқ
- COUNTERFEIT** *a* қалбаки; ясама; сохта  
 ~ bank note қалбаки банкнот\*  
 ~ card сохта карточка  
 ~ coin сохта танга  
 ~ currency қалбаки валюта; сохта пул  
 ~ money қалбаки пул; сохта пул
- COUNTERFEITER** *n* қалбаки пул ясовчи
- COUNTERFEITING** *n* қалбакилаштириш, сохталаштириш
- COUNTERFOIL** *n* чекнинг дафтарда қоладиган қисми; талон  
 ~ book квитанция дафтарчаси  
 ~ of checkbook чек дафтарчасининг қоладиган қисми  
 cheque ~ чекнинг дафтарда қоладиган қисми
- COUNTERINSURANCE** *n* қайта суғурталаш
- COUNTERMAND** *n* бекор қилиш, кучдан қолдириш  
 ~ of an order буюртмани бекор қилиш  
 ~ of payment чек бўйича тўловни тўхтатиб қўйиш
- COUNTERMAND** *v* мижознинг брокерга\* берган бўйруғини бекор қилмоқ
- COUNTER-MEASURE** *n* қарши чора
- COUNTEROFFER** *n* муқобил таклиф
- COUNTERPART** *n* нусха, ас-лига тенг нусха  
 ~ obligations ўхшаш мажбуриятлар
- COUNTER-PARTY** *n* шерик, муқобил томон  
 ~ failure risk шерикнинг банкрот бўлиш хавфи
- COUNTERPLAN** *n* муқобил режа
- COUNTERPRODUCTIVE** *a* унумдорликни камайтираётган
- COUNTERPROPOSAL** *n* муқобил таклиф
- COUNTER-PURCHASE** *n* муқобил харид
- COUNTERSALE** *n* муқобил сотув
- COUNTERSING** *v* бошқа имзони тасдиқлаб имзо чекмоқ, чекни имзоламоқ; имзо билан тасдиқламоқ; иккинчи имзони қўймоқ (*ҳужжатга*)
- COUNTERSIGNATORY** *n* бошқа имзони тасдиқлаб имзо чекувчи
- COUNTERSIGNATURE** *n* бошқа имзони тасдиқловчи имзо (*чекда*)
- COUNTER-STATEMENT** *n* даъво юзасидан билдирилган эътироз
- COUNTERSURETY** *n* тескари кафиллик
- COUNTERTRADE** *n* муқобил (ўрнини қопловчи) савдо, бартер\*
- COUNTERTALLY** *n* талон
- COUNTERVAIL** *v* ўрнини қопламоқ, бараварлаштирмоқ
- COUNTERVAILING** *a* ўрнини қопловчи



~ credit ўрнини қопловчи ак-кредитив\*

~ duty ўрнини қопловчи бож

COUNTERVALUE *n* тенг қий-мат

COUNTING *n* ҳисоб, саноқ

double ~ икки ёқлама ҳисоб

COUNTRY:

Comecon C.ies ЎИЁК мамла-катлари

Common-Market C. Европа иқтисодий ҳамжамиятига (Умумий бозорга) аъзо мам-лакат

Commonwealth C. Британия Ҳамдўстлигига аъзо мамла-кат

COUNTRY *n* 1. мамлакат;  
2. ватан; 3. туман, қишлоқ жой, марказдан узоқдаги жой; ҳудуд

COUNTRY *a* 1. қишлоқ ...;  
2. марказдан узоқда жой-лашган

~ bank вилоят банки

~ branch банкнинг вилоят бўлими

~ check бошқа шаҳардаги банкка тақдим этиладиган чек

~ check clearing вилоят банк-лари ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар

~ collection шаҳардан таш-қаридаги инкассо\*

~ debt provisioning matrix мустақил қарзлар бўйича захираларни белгилаш тизи-ми

~ exposure кредитларнинг бир мамлакат қарз олув-чиларига бериладиган кафо-лат ва таъминотлар ҳисобга олинмаган жамлама ҳажми

~ lending limit кредитнинг мамлакат учун белгиланган миқдори

~ of birth ватан

~ of destination тайинланган (белгиланган) мамлакат

~ of dispatch жўнатадиган мамлакат

~ of exportation экспорт\* қилувчи мамлакат

~ of exports экспорт\* қи-лувчи мамлакат

~ of importation импорт\* қи-лувчи мамлакат

~ of issue эмиссия\* қилувчи мамлакат

~ of manufacture тайёрловчи мамлакат

~ of origin келиб чиқиш мамлакати

~ of production ишлаб чи-қарувчи мамлакат

~ risk мустақил давлатнинг тўловга лаёқатсиз бўлиб қолиши хавфи

~ risk analysis мустақил дав-латнинг тўловга лаёқатсиз бўлиб қолиши хавфини таҳлил қилиш

advanced capitalist ~ ривож-ланган капиталистик мамла-кат

agrarian ~ қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи мамла-кат

agricultural ~ қишлоқ хўжа-лиги ҳудуди

backward ~ қолоқ мамлакат (иқтисодий жиҳатдан)

bilateral ~ ies клиринг\* асосида ҳисоб-китоб қилаёт-ган мамлакатлар

borrowing ~ қарз олувчи мамлакат

**capital-exporting** ~ четга сармоя чиқарувчи мамлакат  
**capital-importing** ~ четдан сармоя келтирувчи мамлакат  
**capitalist** ~ капиталистик мамлакат  
**creditor** ~ кредит ажратувчи мамлакат  
**debtor** ~ қарздор мамлакат  
**deficit** ~ тўлов балансида тақчиллик юзага келган мамлакат  
**developing** ~ ривожланаётган мамлакат  
**economically developed** ~ иқтисодий тараққий этган мамлакат  
**exhibiting** ~ кўргазма иштирокчиси бўлган мамлакат  
**exporting** ~ четга мол чиқарувчи мамлакат  
**foreign** ~ хорижий мамлакат  
**home** ~ юрт, ватан  
**host** ~ уюштирувчи (ташкил қилувчи) мамлакат  
**importing** ~ четдан мол келтирувчи мамлакат  
**industrial** ~ саноат мамлакати  
**industrialized** ~ саноат мамлакати  
**industrially advanced** ~ саноати ривожланган мамлакат  
**key-currency** ~ асосий валютага эга мамлакат  
**lending** ~ кредит ажратувчи мамлакат  
**less developed** ~ ривожланаётган мамлакат  
**manufacturing** ~ ишлаб чиқарувчи мамлакат

**maritime** ~ денгиз бўйидаги ўлка; қирғоқ бўйидаги жой  
**market-economy** ~ бозор иқтисодиётига эга мамлакат; ривожланган капиталистик мамлакат  
**member** ~ иштирокчи мамлакат  
**multilateral ~ies** ўзаро ҳисобкитоблари айрибошланадиган валютада амалга ошириладиган мамлакатлар  
**nonkey-currency** ~ асосий валютага эга бўлмаган мамлакат  
**overseas ~ies** океан орти мамлакатлари  
**participating** ~ иштирокчи мамлакат  
**planned economy** ~ режали иқтисодиётга эга мамлакат  
**primary producing** ~ хомашё чиқарувчи мамлакат  
**processing** ~ ишлов бериш саноати тараққий этган мамлакат  
**producer** ~ ишлаб чиқарувчи мамлакат  
**producing** ~ тайёрловчи мамлакат  
**purchasing** ~ сотиб олувчи мамлакат  
**raw material producing** ~ хомашё чиқарувчи мамлакат  
**reserve-currency** ~ захира валютасига эга мамлакат  
**supplying** ~ таъминотчи мамлакат  
**surplus** ~ актив тўлов балансига\* эга мамлакат  
**transit** ~ юклар ҳудудидан ўтадиган мамлакат

**underdeveloped** ~ ривожлана-  
ётган мамлакат

**COUNTSHEET** *n* мол-мулкни  
рўйхатга олиш

**COUNTY** *n* графлик

**administrative** ~ графлик маъ-  
мурий бирлик сифатида

**COUP** *n* муваффақиятли тад-  
бир; ишдаги муваффақият

**purchasing** ~ молларни харид  
қилиш пайтидаги муваф-  
фақиятли битим

**COUPON** *n* 1. купон\*; фоиз  
тўлангани ҳақидаги шаҳодат-  
нома; 2. облигация бўйича  
белгиланган фоизли даромад;  
3. йиртма талон

~ **bond** қиймати кўрсатувчи-  
га тўланадиган облигация,  
эгасининг номи ёзилмаган  
облигация

~ **book** купонлар\* дафтарча-  
си

~ **check** облигациялар бўйича  
фоиз тўлаш чеки

~ **collection** купонларни\* ин-  
кассация қилиш

~ **collection teller** купонлар-  
ни\* инкассация қилиш бўли-  
ми раҳбари

~ **holder** купон\* эгаси

~ **owner** купон\* эгаси

~ **payment** купон\* тўлови

~ **rate of interest** купоннинг\*  
фоиз ставкаси, фоизнинг ку-  
пон\* меъёри

~ **sheet** купонлар\* варағи

**stock** ~ дивидендлар\* олиш  
купонлари\* илова қилинган  
қоғозлар

~ **stripping** купонларни\*  
облигациялардан ажратиш

~ **swap** оддий купонли своп\*

~ **switch** инвестицияларни  
зудлик билан фойда олиш

мақсадида бир қимматли қо-  
ғозлардан бошқаларига кўчи-  
риш

~ **teller** купонлар\* тўлови  
бўйича кассир

~ **yield** купон\* даромади

**to cash a** ~ купон\* бўйича  
пул олиш

**to detach a** ~ купонни\*  
йиртиб олмоқ

**A bond** ~ йиллик облигация  
купони\*

**bond** ~ облигация купони\*

**bond interest** ~ фоизлар тўла-  
надиган облигациялар ку-  
пони

**cum** ~ купонли\*

**dividend** ~ дивиденд олиш ку-  
пони\*

**food** ~ озиқ-овқат талони  
(камбағалларга ёрдам кўрса-  
тиш дастурлари бўйича)

**interest** ~ фоизлар тўлаш ку-  
пони\*

**long** ~ 1. купон\* даромади;  
2. муддати 10—15 йилдан  
ортиқ облигация

**matured** ~ тўлов муддати  
келган купон\*

**premium** ~s мукофот купон-  
лари\* (харидор купонлар-  
нинг\* белгиланган миқдорини  
тўлаганида унга автоду-  
кондаги мавжуд буюмлардан  
бирини мукофотга олиш  
ҳуқуқини берувчи)

**reply** ~ почта жўнатмасининг  
жавоби тўланган квитанция-  
си

**unmatured** ~ тўлов муддати  
келмаган купон\*

**zero** ~ нолга тенг купон\*

**COURIER** *n* хат-ҳужжат та-  
шувчи, хат-хабар ташувчи

diplomatic ~ дипломатик хат-хужжатларни ташувчи

COURSE *n* 1. йўл, йўналиш; 2. валюта курси; 3. *pl* ўқув босқичлари, курслар; 4. бориш, жараён; оқим; 5. таълим босқичи

~ of business ишнинг бориши  
~ of business cycle иқтисодий даврнинг бориши (ривожланиши)

~ of commerce савдонинг ривожланиши

~ of crisis инқирознинг бориши

~ of dealing тадбиркорлик муносабатларининг бориши

~ of economic activity иқтисодий фаолликнинг бориши (ривожланиши)

~ of exchange валюта курси

~ of instruction таълим жараёни

~ of manufacture ишлаб чиқариш жараёнининг бориши

~ of trade савдо тараққиёти  
management training ~ бошқарувчиларни ўқитиш курси

postgraduate ~s аспирантура  
programmed instruction ~ таълимнинг дастурланган курси

refresher ~ қайта тайёрлов курси

sandwich ~ маъруза машғулотлари ва корхонадаги амалиётдан иборат техник таълим курси

## COURT:

C. of Appeal Апелляция суди

C. of Common Pleas умум-фуқаролик суди

Admiralty C. Олий суднинг

денгиз кемалари ва ҳодисаларига оид ишларни кўриб чиқувчи бўлинмаси

High C. of Justice Юқори адлия суди

International C. of Justice Халқаро суд

Permanent C. of Arbitration Халқаро ҳакамлик (*Гаагада*)

Supreme C. Олий суд

Supreme C. of judicature Олий суд

Tax C. солиқ суди

Tax C. of the USA АҚШнинг солиқ суди

COURT *n* суд, суд мажлиси; суд зали

~-appointed trustee суд тайинлаган траст\* бўйича ишончли вакил

~ of appellate jurisdiction шикоят аризалари бериш суди

~ of arbitration ҳакамлик, ҳакамлик суди

~ of bankruptcy банкротлик ҳақидаги ишларни кўриб чиқувчи суд

~ of cassation шикоят аризаларини кўриб чиқиш суди

~ of common law умумий ҳуқуқ суди

~ of first instance биринчи босқич суди, қуйи суд

~ of inquiry тергов комиссияси

~ of justice суд, суд идораси

~ of last resort сўнгги босқич суди

~ of law қонуний ёки умумий ҳуқуқ меъёрларига кўра фаолият кўрсатувчи суд

to apply to ~ судга мурожаат этмоқ

to bring smb into ~ бирор

*кишини* жавобгарликка тортмоқ  
**to testify before a** ~ судда гувоҳ сифатида қатнашмоқ  
**arbitral** ~ ҳакамлик суди  
**arbitration** ~ ҳакамлик суди  
**bankruptcy** ~ тўловга лаёқатсиз қарздорлар ишини кўриб чиқувчи суд  
**civil** ~ фуқаролик ишлари бўйича суд палатаси  
**commercial** ~ савдо ишлари бўйича суд палатаси  
**district** ~ ўлка суди  
**industrial** ~ меҳнат ишлари бўйича ҳакамлик суди  
**labour** ~ меҳнат масалалари бўйича суд  
**law** ~ умумий суд  
**maritime** ~ денгиз суди  
**motor** ~ автосайёҳлар меҳмонхонаси  
**ordinary** ~ умумий суд  
**patent** ~ патент суди  
**police** ~ полиция суди  
**probate** ~ мерослар ҳақидаги ишлар бўйича суд  
**COURTAGE** фр. *n* брокер\* ҳақи, брокернинг\* воситачилик ҳақи; даллоллик ҳақи  
**COURTESY** *a* бепул, текин  
**COURTIER** фр. *n* биржа дилери\* биржа маклери\*  
**COVENANT** *n* 1. облигацияларни муомалага чиқариш битими; облигация битими; 2. мажбурият; шартнома; 3. шартнома шарти ёки моддаси  
**financial** ~ шартноманинг қарз олувчи зиммасига айрим молиявий кўрсаткичларни бир маромда сақлаб туриш мажбуриятини юкловчи шарти

**negative** ~ шартноманинг томонлардан бирининг муайян ҳаракат қилиш имкониятини чекловчи шарти  
**particular** ~s алоҳида шартлар, алоҳида мажбуриятлар  
**positive** ~ шартноманинг томонлар зиммасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юкловчи шарти  
**protective** ~ ҳимоя шартлари (*облигация шартномасида*)  
**restrictive** ~ шартноманинг томонлардан бирининг муайян ҳаракат қилиш имкониятини чекловчи шарти  
**COVENANT** *v* 1. шартнома тузмоқ; 2. зиммасига мажбурият олмоқ  
**the vendor** ~s with the **purchaser that ...** сотувчи харидор олдида ... мажбуриятини олади  
**COVENANTEE** *n* зиммасига мажбурият юкланаётган шахс  
**COVENANTOR** *n* зиммасига мажбурият олаётган шахс  
**COVER** *n* 1. ўрнини қоплаш, таъминот; 2. қимматли қозғоларни муайян муддатга битим тузишда харид қилиш; 3. валюта курсининг ўзгариб туришини бартараф этиш учун тузилган муддатли шартнома; 4. ҳақ тўлаш (*туловнома бўйича*); 5. суғурта-лаш; суғурта пули; 6. хат жилд; 7. қоплама  
 ~ **for debt** қарзни қоплаш  
 ~ **for draft** тратта\* таъминоти  
 ~ **funds** таъминот, қоплаш  
 ~ **of account** ҳисобрақамни

таъминлаш, ҳисобрақам таъминоти

~ of assurance ўрнини қоплашга мўлжалланган захира сармосяси

~ of bill векселни таъминлаш, вексель таъминоти

~ of credit кредитни таъминлаш, кредит таъминоти

~ of letter of credit аккредитивни\* қоплаш

~ of loss зарарларни қоплаш; зарарни қоплаш

~ of money пулни таъминлаш, пул таъминоти

~ of notes банкнотларни\* таъминлаш, банкнотлар\* таъминоти

~ of payments тўловларни қоплаш

~ of short position қисқа позицияни\* қоплаш

~ on risks таваккалчиликни суғурталаш

~ on stock exchange transactions фонд операцияларини қоплаш

~ purchase ўрнини қоплаш мақсадида харид қилиш

~ ratio ўрнини қоплаш кўрсаткичи; таъминот меъёри (*мас. чиқарилган банкнотларни\* олтин ёки хорижий девизлар \* билан*)

to furnish ~ суғурта пули бермоқ

to provide with ~ таъминот бермоқ

additional ~ қўшимча таъминот

adequate ~ етарли таъминот, етарли даражада таъминлаш

air-tight ~ ҳаво ўтказмайдиган қоплама

assets ~ фирма қарзини активлар\* билан қоплаш

canvas ~ брезент қоплама

cash ~ пул билан таъминлаш, пул таъминоти

dividend ~ дивидендни\* таъминлаш

extended ~ кенгайтирилган суғурта

financial ~ молиявий битимнинг қарз олувчи зиммасига айрим молиявий кўрсаткичларни бир маромда сақлаб туриш мажбуриятини юкловчи шарт

foreign exchange ~ валюта таъминоти

forest ~ дарахт ўтқозиш

forward ~ валюта таваккалчилигини муайян муддатга қоплаш

full ~ тўла қоплаш

gold ~ олтин таъминоти, олтин ҳисобига қоплаш

import ~ четдан мол келтиришни қоплаш, мамлакатга четдан мол келтиришни валюта захиралари билан таъминлаш кўрсаткичи

inadequate ~ етарли даражада бўлмаган таъминот

insurance ~ суғурта жавобгарлиги ҳажми

interest ~ фоизни қоплаш кўрсаткичи

life ~ ҳаётни суғурталаш

nonmarine ~ ноденгиз суғуртаси

open ~ очиқ полис\*

patent ~ патент таъминоти

provisional ~ олдиндан қонлаш (*мажбурият бўйича*)

registered ~ буюртма хат

requisite ~ талаб қилинаётган таъминот

**COVER** *v* 1. қамраб олмоқ; ёритмоқ; ўрнини қопламоқ; ўрнини қоплашни таъминламоқ; 2. суғурталамоқ; 3. (устини) ёпмоқ, (устини) қопламоқ

to ~ adequately all aspects of the entity корхона фаолиятининг барча жиҳатларини бир хилда акс эттирмоқ

to ~ a check чек билан ҳақ тўламоқ

to ~ a debt қарзни тўламоқ

to ~ a short account шартнома мажбуриятларини нархнавоани атайлаб тушириш пайтида қопламоқ

to ~ all the losses барча зарарларни қопламоқ

to ~ insurance суғурта қилмоқ

to ~ shorts қисқа позицияни\* қопламоқ

to ~ the expenses (losses) харажатларни қопламоқ

to ~ the requirements эҳтиёжларни қопламоқ

to ~ up тикиб чиқмоқ (*жўнатма, юк ҳақида*)

~ed by қиймати тўланган, ҳисобидан қопланган

to be held ~ed суғурталанмоқ

**COVERAGE** *n* 1. ўрнини қоплаш, ҳақ тўлаш; таъминлаш, таъминот, ўрнини қоплаш даражаси (*мас. харажатларни даромадлар билан*); 2. таваккалчиликнинг суғурта шартномаси билан қопланган умумий суммаси; 3. қамраб олиш; 4. фаолият (ҳаракат) ҳудуди

~ under life insurance аҳоли ҳаётини суғурталаш шартномаларининг умумий суммаси

adequate ~ етарли даражадаги таъминот

assets ~ фирма қарзини активлар\* билан қоплаш

complete ~ тўла қоплаш

funds-flow-fixed-charge ~ доимий харажатларни қоплаш даражаси

gold ~ нақд пул муомаласини олтин билан қоплаш

inadequate ~ етарли даражада бўлмаган таъминот

insurance ~ суғурта таъминоти

interest ~ "фоизни қоплаш" кўрсаткичи

land ~ иншоотлар билан банд ҳудуд

manpower ~ ишчи кучи билан таъминлаш

medical payments ~ автотранспорт йўловчиларини бахтсиз ҳодисадан суғурталаш

world-wide ~ суғурта полисининг\* ер куррасининг барча нуқталарида суғурталанишини таъминловчи банди

**COVERED** *a* мавжуд қимматли қоғозлар ёки мол билан қопланган (таъминланган)

~ against exchange risks валюта курсларининг ўзгариб туриши хавфидан ҳимояланган ҳолда

~ bear ўзида мавжуд бўлган қимматли қоғозларни сотувчи чайқовчи

~ call write акциялар "колл" опционини\* ўрнини қоплаган ҳолда сотиш

~ foreign exchange forward contract хорижий валютада тузилиб ҳимояланган муддатли битим

~ forward contract ҳимояланган муддатли битим

~ interest arbitrage суғурталаш мақсадидаги фоизли арбитраж\*

~ letter of credit ўрни қопланган аккредитив\*

~ option ўрни қопланган опцион\*

~ warrant таъминланган кафолат

~ writer ўрни қопланган позицияга\* эга сотувчи

~ writing опционни\* ўрнини қоплаб сотиш

**COVERING** *n* 1. ўрнини қоплаш; 2. муддатли битимлар бўйича мажбуриятларни қоплаш мақсадида харид қилиш; 3. қоплама

~ deed муддатли битимлар бўйича асосий қарз мажбурияти

~ of the balance тўпланиб қолган қолдиқни қоплаш

~ of expenses харажатларни қоплаш

~ of risk таваккалчиликни қоплаш

~ operation ўрнини қоплаш операцияси

~ option (ўрнини) қопловчи опцион\*

~ purchase 1. кафолат олиш; 2. валюта битими; 3. суғурта аҳамиятига эга қимматли қоғозлар билан тузилган битим

~ transaction таваккалчилик ёки мажбуриятларни қоплаш битими

beag ~ қимматли қоғозларни нарх-навони атайлаб туширишга қаратилган битимларни қоплаш учун харид қилиш

cloth ~ канопадан тўқилган қоплама

metal ~ металл қоплама

outer ~ ташқи қоплама

plastic ~ плёнка қоплама

plywood ~ фанер қоплама

short ~ қисқа муддатли мажбуриятларни қоплаш

### COW:

cash ~ соғин сигир (1. унумли қайта инвестиция қилинишига қараганда кўпроқ пул маблағларини яратувчи корхона ёки мол; 2. юқори бозор улушига ва кичик бозор ўсишига эга бўлган мол ёки корхона)

### CPF:

C. franc Франция Тинч океан ҳудуди франки

CRACK *v* путур етказмоқ (обрўга, ишончга)

to ~ down on inflation инфляцияни\* тўхтатиб турмоқ; инфляцияни\* чегараламоқ

CRACKDOWN *n* чегаралаш, чеклаш (мас. иш ҳақини)

CRAFT *n* 1. касб; 2. ҳунар; 3. кема

artistic ~s бадиий ҳунарлар

domestic ~ ҳунармандчилик

marine ~ денгиз кемаси

river ~ дарё кемаси

rural ~s қишлоқ ҳунармандчилиги

CRAFTSMAN *n* ҳунарманд; уста

CRANAGE *n* кран йиғими; крандан фойдаланиш ҳақи

CRANE *n* кран

breakdown ~ фавқулодда ҳолатларда фойдаланиладиган кран



bridge ~ кўприк крани  
 charging ~ юк ортиш крани  
 container ~ контейнер ор-  
 тувчи кран  
 emergency ~ фавқулодда ҳо-  
 латларда фойдаланиладиган  
 кран  
 erecting ~ ўрнатиш крани  
 floating ~ сузувчи кран  
 harbour ~ қирғоқ крани  
 hoisting ~ кўтарма кран  
 lifting ~ юк кўтариш крани  
 loading ~ юк ортиш крани  
 mobile ~ кўчма кран  
 overhead travelling ~ кўприк  
 кран

quay ~ қирғоқ крани  
 wrecking ~ фавқулодда ҳо-  
 латларда фойдаланиладиган  
 кран

**CRASH** *n* инқироз; банкрот  
 бўлиш, синиш; ҳалокатга уч-  
 раш; ҳалокат

bank ~ банкнинг банкрот бў-  
 лиши (синиши)

economic ~ иқтисодий инқи-  
 роз, танглик

stock market ~ фонд биржа-  
 сининг инқироzi

**CRASH** *v* хонавайрон бўлмоқ;  
 банкрот бўлмоқ, синмоқ;  
 инқирозга учрамоқ

**CRATING** *n* қутиларга жойлаш

**CRAWLING** *n* 1. судралиб  
 юриш, эмаклаш; 2. эмаклаб  
 ўтиш

~ *peg* курсни вақти-вақти  
 билан белгилаб, мослашув-  
 чан ҳолда бир хил маромда  
 сақлаб туриш

~ *peg system* мослашувчан  
 ҳолда бир маромда сақлаб  
 туриш тизими (*маблағ билан*  
*таъминланган курсни оз*  
*миқдорда вақти-вақти билан*

*ошириб ёки пасайтириб*  
*туриш йўли билан)*

**CREATE** *v* ташкил этмоқ, ярат-  
 моқ

to ~ *bank* банк ташкил этмоқ

to ~ *a market* бозорни вужуд-  
 га келтирмоқ

to ~ *a mortgage* ипотекани\*  
 тайинламоқ

to ~ *a powerful industry* қуд-  
 ратли саноатни вужудга кел-  
 тирмоқ

to ~ *money* пул чиқармоқ,  
 тўлов воситаларини вужудга  
 келтирмоқ

to ~ *purchasing power* харид  
 қобилиятини вужудга кел-  
 тирмоқ

to ~ *the material and technical*  
*basis* моддий-техника асоси-  
 ни яратмоқ

**CREATION** *n* яратиш, ташкил  
 этиш, вужудга келтириш

~ *of bank deposit* банк де-  
 позитини\* вужудга келтириш

~ *of a corporation* корпо-  
 рация\* ташкил этиш

~ *of credit* кредит ажратиш,  
 кредит бериш

~ *of currency* тўлов восита-  
 ларини вужудга келтириш

~ *of demand* талабни вужуд-  
 га келтириш

~ *of money* пул чиқариш

~ *of a mortgage* гаровга  
 ўтказиш

~ *of new materials* янги ма-  
 териаллар яратиш

~ *of new resources* янги  
 ресурслар яратиш

~ *of reserves* захиралар  
 яратиш

*debt* ~ қарздорликни вужудга  
 келиш жараёни; кредит аж-  
 ратиш

deposit ~ "кўп омонатлар" депозитлари\* яратиш

CREATIVE *a* ижодий

CREATIVITY *n* ижодий қобилият

CREDENTIALS *n* 1. гувоҳнома; шахсий гувоҳнома; 2. ишонч ёрлиғи; 3. тавсиянома  
to present ~ шахсий гувоҳномани кўрсатмоқ

CREDIT:

C. Risk Committee Кредит таваккалчилиги қўмитаси

CREDIT *n* 1. кредит; 2. аккредитив\*; 3. имтиёз, чегирма; 4. ҳисобрақамнинг ўнг томони (кредит); 5. кримга ёзилган сумма; 6. ишонч

~ abuse кредитни суиистеъ-мол қилиш

~ accommodation кредит шаклида ёрдам кўрсатиш; кредит бериш

~ account кредит ҳисобрақами

~ activities кредит ажратиш

~ advance бўнак кредит

~ advice кредит хабарномаси

~ adviser банкнинг кредит бўлими маслаҳатчиси

~ against goods мол харид қилишга бериладиган кредит

~ against pledge of chattels кўчма мулк гарови асосида бериладиган ссуда

~ against securities қимматли қоғозлар асосида бериладиган кредит

~ against shipped goods ортиб жўнатиш моллар асосида бериладиган кредит

~ against tax 1. солиқ имтиёзи, солиқ чегирмаси; 2. солиқ тўлашни кейинга суриш

~ agency кредит ахбороти бюроси

~ agency report кредитга лаёқатлилик ҳақидаги маълумотнома

~ agreement кредит ажратиш ҳақидаги битим

~ aid кредит ёрдами

~ allocation кредитни тақсимлаш

~ allocation guidelines кредитларни тақсимлашга доир мўлжаллар (кўрсатмалар)

~ amount кредит суммаси

~ analyst банкнинг кредит бўлими таҳлилчиси

~ and debit кредит ва дебет

~ and guarantee sector кредитлар ва кафолатлар шўъбаси

~ application кредит бериш ҳақидаги талабнома

~ appraisal methodology кредитларни баҳолаш усули

~ approval кредит беришга розилик

~ arrangement кредит бериш

~ assessment кредитни баҳолаш

~ association кредит уюшмаси

~ at the bank банкдаги кредит

~ at reduced rate of interest пасайтирилган кредит ставкаси бўйича бериладиган кредит

~ authority кредит ваколатлари

~ authorizing system кредитга лаёқатлиликни текшириш тизими

~ availability олишга рухсат этилган кредит миқдори

~ balance кредитли баланс

- ~ **balance of bank accounts** банклардаги ҳисобрақамлар кредит қолдиғи
- ~ **bank credit** банки (*Европада*)
- ~ **bill** очиқ аккредитив\* муқобил тарзда ёзиб берилган вексель
- ~ **bureau** кредит ахбороти бюроси
- ~ **business** кредит бериш
- ~ **buying** кредитга харид қилиш
- ~ **by way of guarantee** банк авали\* шаклидаги кафолатланган кредит
- ~ **capacity** кредитга лаёқатлилик
- ~ **card** кредит карточкаси
- ~ **card floor limit** кредит карточкаси ёрдамида молни кредитга харид қилишнинг энг кам суммаси
- ~ **ceiling** 1. банк кредитларининг энг юқори даражаси; 2. кредитнинг энг юқори миқдори
- ~ **certificate** кредит ҳужжати
- ~ **circulation** кредитларнинг айланиши
- ~ **clearing** кредит клиринги\*
- ~ **commitment** кредит бериш мажбурияти
- ~ **committee** кредит қўмитаси
- ~ **competence** кредит хизмати кўрсатишдаги омилкорлик (ваколат)
- ~ **concentration** кредитни бир жойда тўшлаш
- ~ **conditions** ссуда сармоялари бозорининг аҳволи; кредит бозоридаги аҳвол
- ~ **constraint** кредитни чеклаб қўйиш
- ~ **contraction** кредитни чеклаб қўйиш
- ~ **control** кредит назорати; кредит воситасида тартибга солиш; кредит сиёсати
- ~ **cooperative** кредит ширкати
- ~ **crisis** кредит танглиги
- ~ **crunch** кредитни чеклаб қўйиш
- ~ **currency** кредит валютаси
- ~ **deal** кредит битими
- ~ **default** кредит бўйича қарзларни тўламаслик
- ~ **disability** кредитни тўлашга лаёқатсизлик
- ~ **disability insurance** қарз олувчини кредитни тўлашга лаёқатсизликдан суғурталаш
- ~ **discrimination** кредит воситасида ҳуқуқларни чеклаш
- ~ **drawing facility** кредит олиш имконияти
- ~ **entry** кредит ўтказмаси, хўжалик операциясини бухгалтерлик ҳисоби ҳисобрақамининг кредит қисмига ёзиб қўйиш
- ~ **establishment** кредит муассасаси
- ~ **evaluation** кредитни баҳолаш
- ~ **evaluation company** кредитни баҳолаш компанияси
- ~ **expansion** кредит ажратишни кенгайтириш
- ~ **extended to customer** харидорга берилган кредит
- ~ **extension** кредит бериш
- ~ **facilities** кредитлар, кредит бериш манбалари
- ~ **facilities to business sector** тадбиркорлик соҳасига кредит ажратиш манбалари
- ~ **facility** 1. кредит ажратиш

манбаи; 2. кредит олиш им-  
конияти

~ **facility against invoice**  
тўловнома-фактурага\* муқо-  
бил кредит

~ **fee** кредит ажратиш воси-  
тачилик ҳақи

~ **file** кредит ахбороти карто-  
текаси; кредит йиғмажилди

~ **files revision** кредит ахбо-  
роти картотекасидаги маълумотларни янгилаш

~ **finance** кредитни маблағ  
билан таъминлаш

~ **financed bond investment**  
кредит орқали маблағ билан  
таъминлаш йўли билан обли-  
гацияларни инвестиция қи-  
лиш

~ **financed consumption**  
кредит ҳисобига маблағ би-  
лан таъминланадиган истеъ-  
мол

~ **financing** кредитга маблағ  
билан таъминлаш, кредит  
ажратиш

~ **folder** кредит маълумотно-  
маси (*муайян кредит учун*)

~ **for construction** қурилишга  
берилган кредит

~ **for current expenses** кун-  
далик харажатларни қоплаш-  
га бериладиган кредит

~ **for dependents** кредитнинг  
оила аъзолари учун солиқ  
солинмайдиган энг кичик  
суммаси

~ **for goods** мол харид қи-  
лишга бериладиган кредит

~ **for unlimited period** чеклан-  
маган муддатга берилган кре-  
дит

~ **fund** кредит кассаси

~ **granted by supplier** (мол)

етказиб берувчи ажратадиган  
кредит

~ **granting** кредит бериш

~ **granting activities** кредит  
бериш

~ **granting authority** кредит  
бериш ваколатлари

~ **granting system** кредит  
бериш тизими

~ **guarantee** кредит кафил-  
лиги

~ **history** қарз олувчи ҳақи-  
даги маълумотлар тўплами,  
кредитга лаёқатлилиқ ҳақи-  
даги маълумотлар

~ **history file** кредит ахбороти  
картотекаси

~ **inflation** кредитнинг қадр-  
сизланиши (*ҳаддан ортиқ  
кредит экспансияси\* оқиба-  
тида юзага келган*)

~ **in foreign currency** чет эл  
валютасида ажратилган кре-  
дит

~ **information** кредитга лаё-  
қатлилиқ ҳақидаги ахборот

~ **infusion** кредит ажратиш

~ **in hard currency** эркин му-  
омаладаги валютада берил-  
диган кредит

~ **injection** кредит бериш

~ **in kind** маҳсулот шакли-  
даги кредит

~ **inquiry** кредит ахбороти  
сувномаси

~ **institution** кредит муасса-  
саси

~ **instruments** кредит маж-  
буриятлари (*векселлар, чек-  
лар, акцептлар,\* облигация-  
лар*)

~ **insurance** кредитларни су-  
ғурталаш, қарз тўланмас-  
лигидан суғурталаш

~ insurance кредитларни су-  
 ғурталаш  
 ~ insurance scheme кредит-  
 ларни суғурталаш тартиби  
 ~ insurance system кредит-  
 ларни суғурталаш тизими  
 ~ interchange bureau кредит  
 ахборотини алмашиш бюроси  
 ~ interest кредитнинг фоиз  
 ставкаси  
 ~ intermediation сармояларни  
 молия-кредит тизими орқали  
 жалб қилиш  
 ~ investigation кредитга лаё-  
 қатлилиқни текшириш, кре-  
 дитга лаёқатлилиқни ўрганиш  
 ~ investigator мижознинг  
 кредитга лаёқатлилиқини  
 таҳлил этувчи банк вакили  
 ~ is reviving кредитга лаёқат-  
 лилиқ тикланмоқда  
 ~ is shaken кредитга лаёқат-  
 лилиқка путур етказилган  
 ~ issuing bank аккредитив\*  
 очган банк  
 ~ journal кредитларни ҳисоб-  
 га олиш дафтари  
 ~ length кредит муддати  
 ~ life insurance кредитларни  
 қарз олувчининг вафот эти-  
 шидан суғурталаш  
 ~ limit кредитнинг энг юқори  
 суммаси; кредитнинг чегара-  
 ланган миқдори  
 ~ line шартлашиб олинган  
 суммада кредит бериш ҳақи-  
 даги битим  
 ~ line management кредит  
 йўлини бошқариш  
 ~ liquidity кредитнинг лик-  
 видлиги\*  
 ~ loan proceeds to a de-  
 positor's account ссуда валю-  
 тасининг омонатчи ҳисоб-

рақамининг кредитига ўтка-  
 зиш  
 ~ losses қарзлар бўйича та-  
 лафотлар  
 ~ man кредитга лаёқатли-  
 ликни ўрганувчи эксперт  
 (банкдаги лавозим)  
 ~ management кредитларни  
 тартибга солиш (бошқариш)  
 ~ margin кредит маржаси\*  
 ~ market кредит бозори  
 ~ maximum кредитнинг энг  
 юқори суммаси  
 ~ memorandum кредит баён-  
 номаси (кредитга оид маълум-  
 отлар тўпламининг бир  
 қисми)  
 ~ misallocation кредитни,  
 молиявий ресурсларни но-  
 тўғри (бузилган, иқтисодий  
 асосланмаган ҳолда) тақсим-  
 лаш  
 ~ money кредит пули  
 ~ multiplier кредит мульти-  
 пликатори\*  
 ~ needs кредит олиш эҳти-  
 ёжлари, кредит эҳтиёжлари  
 ~ note кредит хабарномаси  
 ~ obligations кредит бўйича  
 жами қарзлар  
 ~ officer банк кредитлар  
 бўлими ходими  
 ~ of letter opened by cable  
 телеграф аккредитиви\*  
 ~ on commercial terms тижо-  
 рат шартлари асосидаги кре-  
 дит  
 ~ on easy terms имтиёзли  
 шартлар асосидаги кредит  
 ~ on favourable terms им-  
 тиёзли шартлар асосидаги  
 кредит  
 ~ on goods мол харид қи-  
 лишга бериладиган кредит

~ on landed property ер-мулк асосидаги кредит  
 ~ on mortgage кўчмас мулк гарови асосидаги кредит, ипотека кредити\*  
 ~ on property кўчмас мулк гарови асосидаги кредит, ипотека кредити\*  
 ~ on real estate кўчмас мулк асосидаги кредит, ипотека кредити\*  
 ~ on real property кўчмас мулк гарови асосидаги кредит, ипотека кредити\*  
 ~ on securities қимматли қоғозлар асосидаги кредит  
 ~ on security of personal property хусусий мулк кафолати асосида бериладиган кредит  
 ~ operations кредит операциялари  
 ~ outstandings кредитнинг тўланмаган суммаси  
 ~ overdrafting кредитнинг чегараланган миқдоридан ошиб кетиш  
 ~ partially drawn down қисман фойдаланилган кредит  
 ~ period кредит муддати  
 ~ plan кредит бериш режаси  
 ~ policy кредит сиёсати  
 ~ policy department банк кредит сиёсати бўлими  
 ~ policy manual кредит сиёсати бўйича қўлланма, кредит бериш бўйича йуриқнома  
 ~ policy measure кредит сиёсати доирасидаги чоратадбир  
 ~ program кредит бериш дастури, кредит бериш тизими  
 ~ proposal кредит таклифи  
 ~ purchase кредитга харид қилиш

~ quality банк ссудаларининг ишончилиги (қарз олувчининг тўловга лаёқатлилиги нуқтаи назаридан)  
 ~ rating кредитга лаёқатлилик даражаоини баҳолаш, кредитга лаёқатлиликни баҳолаш  
 ~ rating agency кредит ахбороти вакиллиги  
 ~ rating system кредит даражасини баҳолаш тизими  
 ~ rationing кредитни қисмларга бўлиб бериш  
 ~ receiver кредит олувчи  
 ~ recovery кредитнинг қайтарилувчанлиги  
 ~ reference кредитга лаёқатлилик ҳақидаги маълумотнома, кредитга лаёқатлилик ҳақидаги ахборот; қарз олувчига оид маълумотлар тўплами  
 ~ reference agency кредит ахбороти вакиллиги  
 ~ reform кредит ислоҳоти  
 ~ reins пул-кредит сиёсатининг чекловчи воситалари  
 ~-related insurance кредит операцияларини суғурталаш  
 ~ relations кредит муносабатлари  
 ~ repayment кредитни қоплаш (тўлаш)  
 ~ report кредит операциялари ҳақидаги ҳисобот  
 ~ request кредит олиш талабномаси, кредит талабномаси  
 ~ requirement кредитга бўлган эҳтиёж  
 ~ resources кредит ресурслари  
 ~ restraint кредитни чеклаш, кредит рестрикцияси\*

~ restriction кредитни чеклаш, кредит рестрикацияси\*  
 ~ restructuring кредит шартларини ўзгартириш  
 ~ review кредит аҳволини таҳлил қилиш  
 ~ risk ссуда тўланмаслиги хавфи, кредит таваккалчилиги  
 ~ risk analysis unit кредит таваккалчилигини таҳлил қилиш гуруҳи (*банкда*)  
 ~ risk committee кредит таваккалчилигини таҳлил қилиш қўмитаси  
 ~ risk insurance кредит таваккалчилигини суғурталаш  
 ~ risk premium кредит тўламаслиги хавфи учун тўланадиган ҳақ  
 ~ rouble кредит рубли  
 ~ sale кредитга сотиш  
 ~ sanctioning authority кредит ажратиш ваколоти  
 ~ scarcity кредит танқислиги  
 ~ scoring кредитга лаёқатлилик даражасини баҳолаш  
 ~ scoring system кредитга лаёқатлиликни баҳолаш тизими  
 ~ secured on real property кўчмас мулк билан таъминланган кредит  
 ~ security кредитни таъминлаш  
 ~ settlement кредитни қоплаш (тўлаш)  
 ~ side ҳисобрақамнинг ўнг томони, ҳисобрақам кредити  
 ~ slip кредит билети  
 ~ society кредит ширкати  
 ~ solvency кредитга лаёқатлилик  
 ~ spread сотилган опцион\* харид қилинганидан қиммат-

га тушадиган қўш опцион\*; сотилган опцион\* харид қилинганидан қимматга тушадиган қўш спред\*  
 ~ squeeze кредитни чеклаш, кредит рестрикацияси\*  
 ~ standards кредитга лаёқатлилик мезонлари  
 ~ standing кредитга лаёқатлилик  
 ~ status кредитга лаёқатлилик  
 ~ status investigation кредитга лаёқатлиликни ўрганиш  
 ~ stock кредитга бериладиган мол  
 ~ stop кредит беришни тўхтатиш  
c.b.d. central business district марказий тадбиркорлик ҳудуди  
CBI Confederation of British Industry Англия саноати конфедерацияси  
CBO Congressional Budget Office Конгресснинг бюджет бюроси (АҚШ)  
CBOE Chicago Board of Options Exchange Чикаго опцион биржаси  
CBOT Chicago Board of Trade Чикаго мол биржаси  
CBT Chicago Board of Trade Чикаго мол биржаси  
CC Common Council маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораси  
C.C. 1. cash credit; 2. cashier's check; 3. chamber of commerce; 4. country check; 5. Country Cheque Clearing 1. нақд пул шаклидаги кредит; 2. кассир чеки; банк ўзига ёзиб берган чек; 3. савдо палатаси; 4. бошқа шаҳарда жойлашган банкка ёзиб берилган чек; 5. марказдан узоқдаги банклар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар

ССА contract change authorization шартнома шартларини ўзгартиришга рухсат бериш  
ССАНС Central Council for Agricultural and Horticultural Cooperation Қишлоқ хўжалиги билрлашмасининг марказий кенгаши (*Буюк Британия*)  
ССС 1. Commodity Credit Corporation; 2. country check clearing 1. Мол-кредит корпорацияси (АҚШ); 2. марказдан узоқдаги банклар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар  
ССЛ customs clearance божхонадан ўтказиш  
ССТ Common Community Tariff Европа Ҳамжамияти тарифи  
cct correct тўғри  
C.D. cash discount нақд пул битимида бериладиган чегирма  
C.d. with dividend дивидендли  
Cd. fwd. carried forward ўтказилишга  
C/D 1. certificate of deposit; 2. Customs Directive 1. депозит сертификати; 2. божхона кўрсатмаси  
C.D.F.C. Commonwealth Development Finance Corporation Ҳамдўстлик мамлакатлари иқтисодий тараққиётига маблағ ажратиш ва кўмаклашиш корпорацияси  
c.div. cum dividend дивидендли  
CDP Contract Definition Phase шартнома асосий низомларини ишлаб чиқиш босқичи  
CDs certificate of deposit депозит сертификати  
CEA 1. Central Electricity Authority; 2. Commodity Exchange Authority; 3. Council of Economic Advisers 1. Электр қуввати бўйича марказий бошқарма (*Буюк Британия*); 2. Мол биржалари бошқармаси

(АҚШ); 3. Иқтисодий мас-  
лаҳатчилар кенгаши (АҚШ)  
СЕС Common European Sur-  
gency Европа ягона валютаси  
CED Committee for Economic  
Development Иқтисодий та-  
раққиёт қўмитаси  
CEGB Central Electricity Gene-  
rating Board Электр қуввати  
бўйича марказий бошқарма (*Бу-  
юк Британия*)  
CEIR Council for Economic and  
Industrial Research Иқтисодиёт  
ва саноат тадқиқотлари қў-  
митаси (АҚШ)  
CELADE Latin American De-  
mographic Center Лотин Амери-  
каси аҳолишунослик тадқиқот-  
лари маркази  
CEO chief executive officer  
юқори даражадаги бошқарувчи  
CEQ Council on Environmental  
Quality Атроф-муҳит сифати  
бўйича кенгаш (АҚШ)  
cert certificate сертификат, гу-  
воҳнома, шаходатнома  
CES Economic and Social Council  
Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш  
C/F, c/f carried forward  
ўтказишга; ўтказилган  
CEDIP commerce foreign direct  
investment programme Савдо  
вазирлигининг бевосита инвес-  
тицияларини чеклаш дастури  
(АҚШ)  
CFF Compensatory Financing  
Facility ўрнини қоплаш тарзида  
маблағ билан таъминлаш  
tizими (*Халқаро валюта фон-  
дида*)  
c.f.i. cost, insurance, freight  
қиймат, суғурта, фрахт, сиф  
cfmd confirmed тасдиқланган;  
тасдиқланди  
CFO chief financial officer ком-  
паниянинг молия бўйича вице-  
президенти, хазиначи

CFPI Central Family Planning  
Institute Оилани режалаштириш  
марказий институти (*Ҳин-  
дистон*)  
CFR Cost and Freight қиймат ва  
фрахт, СФР  
CFTC Commodity Futures Tra-  
ding Commission Муддатли бир-  
жа савдоси қўмитаси (АҚШ)  
Cge carriage 1. юк ташиш;  
2. юк ташиш қиймати  
CGO Committee on Government  
Operations Ҳукумат муассаса-  
лари фаолияти масалалари  
бўйича комиссия (АҚШ)  
cgo cargo юк  
C.G.S. cost of goods sold  
сотилган моллар қиймати  
C.H. 1. clearing house; 2. custom  
house 1. ҳисоб-китоб палатаси;  
2. божхона  
ch. charges сарф-харажатлар  
CHAMPS Chase Manhattan  
Payments System „Чейз Манхет-  
тон“ банклараро ҳисоб-китоблар  
tizими  
CHAPS Clearing House Auto-  
mated Payment System клиринг  
ҳисоб-китобларининг автомат-  
лаштирилган тизими (*Буюк  
Британия*)  
CHF Swiss franc Швейцария  
франки  
ch. fwd charges forward сарф-ха-  
ражатларни юк олувчи тўлайди  
chgd charged дебетланган  
chgs charges 1. сарф-харажат-  
лар; 2. қарз мажбуриятлари  
CHIPS Clearing House Interbank  
Payments System банклараро  
клиринг ҳисоб-китоблари элект-  
рон тизими  
ch. pd. charges paid харажатлар  
тўланган  
ch. prpd. charges prepaid хара-  
жатлар олдиндан тўланган  
chq cheque *ингл.* чек

CI consular invoice консуллик фактураси  
cia cash in advance нақд пулда олдиндан ҳақ тўлаш, бўнак  
CIA Chemical Industries Association Кимё саноати уюшмаси (*Буюк Британия*)  
C.I.A. Central Landowners Association Ер эгалари марказий уюшмаси (*Буюк Британия*)  
C/I certificate of insurance суғурта гувоҳномаси  
CIBOR Copengagen interbank offered rate Копенгагендаги банклараро депозитлар бозоридаги таклиф ставкаси  
CIC Capital Issues Committee Қимматли қоғозлар чиқаришни тартибга солиш қўмитаси (*Буюк Британия*)  
CICOM International Marketing Center Мол сотиш (ўтказиш) халқаро маркази  
CID Committee on Interest and Dividends Фоизлар ва дивидендлар бўйича қўмита (*АҚШ*)  
c.i.f. cost, insurance, freight қиймат, суғурта, фрахт, сиф  
c.i.f.c., c.i.f. & c. cost, insurance, freight and commission қиймат, суғурта, фрахт ва воситачилик ҳақи; воситачилик ҳақи қўшилган сиф  
c.i.f.c. & i. cost, insurance, freight and interest воситачилик ҳақи ҳамда харидор акцептини ҳисобга олиш харажати қўшилган сиф  
c.i.f.c. & e. cost, insurance, freight and exchange қиймат, суғурта, фрахт ва курслар ўртасидаги фарқ; курслар ўртасидаги фарқ қўшилган сиф  
CIO Congress of Industrial Organization Ишлаб чиқариш касаба уюшмалари конгресси (*АҚШ*)

CIP Carriage and Insurance Paid То йўл ва суғурта ҳақи ...-га қадар тўланган  
CIMP Council for International Progress in Management Бошқарув усулларини яхшилашга қўмаклашиш кенгаши (*АҚШ*)  
CIR 1. Commission on Industrial Relations; 2. Current Industrial Report 1. Саноатда маъмурият ва ишчилар ўртасидаги муносабатлар масалалари бўйича комиссия (*Буюк Британия*); 2. саноат тармоқлари стастикаси (*АҚШ*)  
CIRET Center for International Research on Economic Tendency Иқтисодий йўналишлар халқаро тадқиқотлари маркази  
CIS Commonwealth of Independent States Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги  
ck check *амер.* чек  
cl 1. class; 2. clause; 3. carload 1. синф; тоифа; 2. модда, банд, қўшимча шарт; 3. юк тарифига кўра ҳақ тўланадиган юк вази  
class classification тасниф, таснифлаш  
CLC Cost of Living Council Турмуш кечириш қиймати бўйича кенгаш (*АҚШ*)  
CLCB Committee of London Clearing Bankers Лондон клиринг банклари қўмитаси  
clm column устун  
CLP Chilean peso Чили песоси  
CMA 1. cash management account; 2. Census Metropolitan Area 1. нақд пулни бошқариш ҳисобрақами; 2. рўйхатга олиш жойи (*Канада*)  
CME Chicago Merchantile Exchange Чикаго мол биржаси  
CMEA Council for Mutual Economic Assistance Ўзаро

Иқтисодий Ёрдэм Кенгаши,  
ЎИЁК

cm1 commercial савдо ... тижорат ...

CMO collateralized mortgage obligation ипотека пули билан таъминланган облигация

CMV current market value жорий бозор қиймати

CN, C/N 1. contract note; 2. credit note; 3. consignment note 1. шартнома ёзуви, шартнома; 2. кредит хабарномаси; 3. транспорт юкхати

cntr container контейнер

CNY Chinese yuan Хитой юани  
CO, C/O 1. cash order; 2. certificate of origin 1. нақд пулда ҳақ тўлаш ҳақидаги буйруқ; 2. келиб чиқиш сертификати

Co 1. county; 2. company; 3. country 1. графлик (*Буюк Британия*); 2. компания; 3. мамлакат

c/o 1. care of; 2. carryover 1. манзил бўйича; орқали; 2. ўтказиш, кўчириш

C.O.C, C.o.C. Chamber of Commerce Савдо палатаси

COCOM Coordinating Committee of East-West Trade Policy Шарқ билан савдо-сотиқни мувофиқлаштириш қўмитаси (*собиқ соқ. мамлакатлар билан*)

COD cash on delivery, collect on delivery кўрсатилган ҳақ, етказиб берилганда ҳақ тўлаш

CODOT Classification of Occupations and Directory of Occupational Titles касблар таснифи ва уларнинг номлари кўрсаткичи

COFC container-on-flat-car темир йўл орқали контейнерда ташиш

COH cash on hand кассадаги нақд пул

COINS Committee on Improvement of National Statistics Статистика ҳисоби миллий тизимини такомиллаштириш қўмитаси (*Буюк Британия*)

COLA cost-of-living allowance (adjustment) нарх-наво баландлиги туфайли бериладиган устама, тирикчилик учун зарур нарсаларнинг энг кам миқдори кўрсаткичи ўзгариши туфайли иш ҳақи ставкасини ошириш call. collection инкассация қилиш; инкассо

coll. barg. collective bargaining жамоа шартномасини тузиш ҳақидаги музокаралар

COLTS continuously offered long-term securities мунтазам чиқариладиган хазина қоғозларига асосланган нолга тенг купонли узоқ муддатли облигациялар (*АҚШ*)

comb. 1. combination; 2. combine; 3. combined 1. иттифоқ; яккаҳоқимлик бирлашмаси; картель; синдикат; 2. комбинат; бирлашма; 3. бирлашган; қурама

COMECON Council for Mutual Economic Assistance Ўзаро Иқтисодий Ёрдэм Кенгаши, ЎИЁК

COMEX Commodity Exchange Нью-Йорк мол биржаси

com1 commercial савдо ..., тижорат ...

Com(m) 1. commercial; 2. commission; 3. Commonwealth; 1. савдо ..., тижорат ...; 2. а) воситачилик ҳақи; б) комиссия; қўмита; 3. а) федерация, иттифоқ, ҳамдўстлик; б) ҳамдўстлик

**com(m)** 1. commerce; 2. commercial 1. савдо-сотиқ, тижорат; 2. савдо ..., тижорат ...  
**commn** commission а) воситачилик ҳақи; б) комиссия; қўмита  
**Comp** 1. company; 2. compensation 1. компания, акциядорлик жамияти; 2. ўрнини қоплаш, товон тўлаш; тўлов  
**compl** complement 1. лавозимлар таркиби, шахсий таркиб; 2. тўпلام  
**Con., con.** consolidated бирлашган  
**cond** 1. condition; 2. conditional 1. шарт; 2. шартли  
**conf., confer.** конференция, мажлис  
**Confest** conference on statistics статистика масалалари бўйича конференция  
**Cong.** congress конгресс  
**cons't** consignment 1. юк туркуми; 2. консигнация  
**cont.** container контейнер  
**Cont.** contract пудрат; шартнома  
**contr** 1. contracted; 2. contractor 1. қисқартирилган; камайитрилган; 2. пудратчи; ишлаб чиқувчи; ижрочи фирма  
**CONUS** Continental United States Америка Қўшма Штатларининг қитъадаги ҳудуди  
**conv** convention конвенция; шартнома; битим  
**co-op** 1. cooperation; 2. cooperative 1. а) ҳамкорлик; биргалликдаги ҳаракат; б) бирлашув; 2. ширкат  
**c.o.p.** customs of port бандаргоҳ таомили  
**copr** copyright муаллифлик ҳуқуқи, нашр этиш ҳуқуқи  
**COPS** Committee on Population Statistics Аҳоли статистикаси қўмитаси (АҚШ)

**Corp(n)** corporation корпорация; амер. акциядорлик жамияти  
**corr** 1. corrected; 2. correction; 3. corresponding 1. тузатилган; 2. тузатиш; 3. мувофиқ (мос) келувчи  
**COSATI** Committee on Scientific and Technical Information илмий-техника ахбороти қўмитаси (АҚШ)  
**Coty** commodity мол  
**Cov.** covered таъминланган, ўрни қопланган  
**Coу** company компания  
**CP** commercial paper 1. тижорат қоғозлари; 2. қисқа муддатли тижорат вексели  
**ср** charges prepaid харажатлар олдиндан тўланган  
**ср.** coupon купон; фоизлар тўлаш гувоҳномаси  
**C.P.** 1. carriage paid; 2. charter party 1. йўл ҳақи тўланган, юк ташиш ҳақи тўланган; 2. чартер-туркум  
**C/P** charter party чартер-туркум  
**c/p** customs of port бандаргоҳ таомили  
**CRA** certified public account давлат муассасасининг расмий ҳисобрақами  
**CRAF** cost-plus-award-fee ишлаб чиқариш чиқимларини вақти-вақти билан тўланадиган устама ҳақларга қўшиб тўлаш  
**CPFF** cost-plus-fixed-fee чиқимларни қатъий фойдага қўшиб тўлаш  
**CPI** consumer price index истеъмол моллари нархлари кўрсаткичи  
**CPIF** cost-plus-incentive-fee чиқимларни рағбатлантирувчи ҳақни қўшиб тўлаш  
**CPT** Carriage Paid To йўл ҳақи ...-га қадар тўланган

CQS consolidated quotation system акциялар баҳолари ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва узатиш бирлашган тизими (АҚШ)

CR 1. carrier's risk; 2. company's risk; 3. Construction Report; 4. current rate 1. юк ташувчи таваккалчилиги; 2. компания таваккалчилиги; 3. қурилиш статистика маълумотномаси (АҚШ); 4. амалдаги ставка

Cr. 1. credit; 2. credited; 3. creditor; 4. credit record; 5. current rate 1. кредит; 2. кредитланган; 3. кредитор, кредит берувчи; 4. кредит қайди; 5. жорий ставка

CRA composite reserve assets универсал захира активлар

CRC cost-reimbursement contract чиқимлар ўрни қопланадиган шартнома

CRCE Chicago Rice and Cotton Exchange Чикаго гуруч ва пахта биржаси

CRDC Cash Receipts and Disbursement Statement нақд пул тушумлари ва тўловлари аҳволи ҳақидаги ҳисобот

C.R.M. cash on receipt of merchandise мол олинганида нақд пул билан ҳақ тўлаш

C.R.N.I. crude rate of natural increase аҳоли табиий ўсишининг умумий кўрсаткичи

CRU Composite Reserve Unit универсал захира бирлиги

CRUF collateralized revolving underwriting facility банклар қўллаб-қувватловчи евронотларга асосланган қисқа муддатли кредит дастури

CRVS civil registration and vital statistics аҳолининг табиий ҳаракати ҳисоби ва статистикаси

CS 1. capital stock; 2. common stock(s) 1. акция, акциялар; акциядорлик сармояси; 2. оддий акциялар

CSCE Coffee, Sugar and Cocoa Exchange кофе, қанд ва какао биржаси

CSE Cincinnati Stock Exchange Цинциннати фонд биржаси (АҚШ)

CSP cooperative statistical programme ялпи статистика тадқиқотлари дастури

CSI Council of Securities Industry Қимматли қоғозлар саноати кенгаши (*Буюк Британия*)

CSK Czechoslovakian koruna Чехословакия кронаси

CSRC cost-sharing-reimbursement contract чиқимлар қисман қопланадиган шартнома

CSVLI cash surrender value of life insurance ҳаётни суғурталаш полисининг қайта сотиб олиш қиймати

CT 1. carat; 2. cent; 3. credit 1. карат; 2. цент; 3. кредит

C.T. cable transfer телеграф ўтказмаси

CTP continuous tender panel евронотларни жойлаштириш шакли, бунда жойлаштирилмаган евронотларни кимошди савдоси қатнашчилари олади

ct current жорий; замонавий  
C'tee committee комиссия; қўмита

CTT capital transfert tax сармоя ўтказиш солиғи

Cum cumulative жамлама ..., якуний

cum d(iv). cumulative dividend жамлама дивиденд

cum Pref. cumulative preference жамлама имтиёзли акциялар

cur 1. currency; 2. current  
1. пул, валюта; 2. жорий; замонавий

curr., curt current жорий; замонавий

CUSIP Committee on Union Securities Identification Procedures Қимматли қоғозларга меъерий тартиб рақамлар ва кодлар тайинлаш қўмитаси (АҚШ)

Cv'r cover 1. таъминот; 2. қоплама

C/V certificate of value қиймат сертификати

CVP cost-volume-profit analysis зарар кўрмай ишлаш таҳлили  
cvt convertible айирбошладиган

C.W.O., c.w.o. cash with order буюртма топширилганда нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш

C.W.S. Cooperative Wholesale Society Улгуржи харид қилиш ширкат жамияти (Буюк Британия)

Cy 1. city; 2. company;

3. currency 1. (йирик) шаҳар;

2. компания; 3. пул, валюта

## ИЗОҲЛАР

**авал** 1. вексель эгаси олдидаги жавобгарлик; 2. вексель бўйича кафиллик ҳақидаги қайд

**авалчи вексель** бўйича кафиллик берган шахс

**ажио** 1. валюта курслари ўртасидаги фарқ; 2. қоғоз пулни металл тангаларга ёки заиф валютани бақувват валютага алмаштиришда олинадиган воситачилик ҳақи; 3. нақд мол нархи билан муддатга тузилган биржа битимида кўрсатилган мол нархи ўртасидаги фарқ; 4. турли муддатларда етказиб бериладиган моллар нархлари ўртасидаги фарқ

**ажиотаж** 1. ажио олиш ёки тўлашни мўлжаллаб келгусида етказиб бериш шarti билан харид қилиш ёки сотиш натижаси; 2. биржадаги қимматли қоғозлар ёки моллар нархларини сунъий равишда оширишдан иборат чайдовчиликка асосланган операциялар

**айланма активлар** корхоналар ва ташкилотларнинг бухгалтерлик баланси актив қисмида акс эттириладиган меъёрга солинадиган ҳамда меъёрга солинмайдиган айланма маблағлар

**аккредитив** 1. махсус ажратиб қўйилган маблағлар ҳисобига корхоналар ўртасидаги шаҳарлараро нақд пулсиз ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган банк ҳисобрақами тури; 2. кимга берилган бўлса, ўша шахснинг кўрсатилган суммани банк муассасасидан олиш ҳуқуқини тасдиқловчи пул ҳужжати

**актив** 1. jisмоний ёки ҳуқуқий шахсга тегишли мол-мулк йигиндиси: асосий воситалар, ишлаб чиқариш моддий захиралари, номоддий активлар, пул маблағлари, молиявий қўйилмалар; 2. бухгалтерлик балансининг хўжалик маблағлари таркиби, жойлаштирилиши ва фойдаланилиши бўйича ҳисобот йилининг боши ва охиридаги пул баҳосида

ифодаланган иқтисодий гуруҳи акс эттирилган чап томони

**актив баланс** 1. актив қисмдаги қолдиғи пассив қисмдаги қолдиқдан ортиқ бўлган баланс; 2. хорижга чиқарилган молларнинг хориждан келтирилган молларга нисбатан кўпроқ бўлиши

**актив (экспорт) савдо баланси** четга мол чиқариш четдан мол келтиришдан устун бўлган ҳолатдаги савдо баланси

**актив қолдиқ** четдан келиб тушган тўловларнинг мамлакат ўзи бажарган тўловлардан ошиб кетиши

**актив тўлов баланси** четдан келиб тушган тўловлар мамлакатнинг ўзи амалга оширган тўловларга нисбатан ортиқ бўлган пайтдаги тўлов баланси

**актив ҳисобрақам** маблағларнинг алоҳида турлари ҳолати ва ҳаракатини ҳисобга олиш учун хизмат қилувчи ҳисобрақам

**активлар диверсификацияси** активлар турини ўзгартириб, уларни кўпайтириш

**активлар опцион** активларни сотиш ёки харид қилиш ҳуқуқи

**активлар портфели** корхона ёки ташкилот тасарруфидаги барча активларнинг жамламаси

**активлар ҳисобрақами** корхона ёки ташкилот тасарруфидаги активлар ҳисоби юритиладиган ҳисобрақам

**акцепт** 1. хўжаликлар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шаклларида бири. Етказиб берилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат ёки бажарилган ишларга ҳақ тўлашда харидорнинг розилигини олиш назарда тутилади; 2. тўловчининг ўтказма векселни кўрсатилган муддатда тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олиши; 3. шартнома (битим)ни бошқа томон таклиф этган шартларда тузишга розилик бериш

акцептланган розилик берилган



акцептланган тратта тўловига розилик берилган ўтказма вексель

акцептлаш тўлашга розилик бериш

акцептлаш банки вексель таъминоти асосида кредит ажратувчи молиявий муассаса. Кўпинча четга мол чиқарувчиларга кредит ажратади.

акцептлаш идораси вексель таъминоти асосида кредит ажратувчи молиявий муассаса. Кўпинча чета мол чиқарувчиларга кредит ажратади

акцептлаш комиссияси тўловга розилик бериш ишларини ўрганиш комиссияси

акцептлаш компанияси вексель таъминоти асосида кредит ажратувчи молиявий муассаса. Кўпинча четга мол чиқарувчиларга кредит ажратади

акцептлаш уйи ташқи савдони кредит билан таъминлашга ихтисослаштирилган банк муассасаси

акцептли ҳисобрақам етказиб берилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат ёки бажарилган ишларга ҳақ тўлашда ҳисобрақам соҳибини розилигини назарда тутувчи ҳисобрақам

акцептли кредит ташқи савдони кредит билан таъминлаш тури. Четга мол чиқарувчи ёки четдан мол келтирувчининг тўловга тақдим этган ўтказма векселларини банкка ўтказиш йўли билан оладиган кредити

акцептли редитор акцепт, яъни мижоз муайян суммадаги кредитни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи имзо орқали кредит берувчи банкир. Кредит вексель асосида берилади

акцептловчи қимматли қоғоз ёки тўловномани белгиланган муддатда тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган шахс

акцептловчи банк вексель бўйича кўрсатилган суммаи тўлаш мажбуриятини тасдиқловчи устхатни ўтказма векселда қайд этувчи банк

акцепт-рамбурсли кредит четга мол чиқарувчи шахс тўловга тақдим этган ўтказма векселлар бўйича четдан мол келтирувчининг ҳисоб-китобларини юритувчи банк акцепти шаклидаги кредит

акциз кенг истеъмол моллари сотувидан олинadиган билвосита солиқ тури. Муайян мол нархига ёки кўрсатилган хизмат ҳақига қўшилади

акцияларни бонусли эмиссияси акцияларни акциядорлар ўртасида бе-

пул тарқатиш мақсадида муомалага қириш

америкача опцион белгиланган муддат тугагунга қадар исталган пайтда сотиш ҳуқуқини берувчи битим

амортизация асосий фондлар қийматини улар воситасида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизматлар таннархига аста-секин ўтказиш ҳамда эскирган асосий фондларнинг ўрнини кейинчалик қоплаш мақсадида тўплаб бориладиган пул маблағлари

амортизация ажратмалари асосий фондлар қийматини улар воситасида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизматлар таннархига аста-секин ўтказиш ҳамда эскирган асосий фондларнинг ўрнини кейинчалик қоплаш мақсадида ажратилган пул маблағи

амортизация свопи асосий суммаси жадвалга мувофиқ камайиб борадиган своп

амортизация фонди эскирган асосий фондларнинг ўрнини кейинчалик қоплаш мақсадида пул маблағларини тўплаб боришга мўлжалланган фонд

андеррайтер қимматли қоғозларни бозорда жойлаштириш ва сотиш юзасидан ўз зиммасига мажбурият олган шахс

андеррайтерлар синдикати қимматли қоғозлар жойлаштирилишини кафолатловчиларнинг ҳуқуқий ва ҳўжалик жиҳатдан мустақил бирлашмаси

андеррайтинг операцияси 1. қимматли қоғозлар жойлаштирилишини кафолатлаш операциялари; 2. қимматли қоғозларни расмий обуна йўли билан воситачилар орқали жойлаштириш операциялари. Бунда воситачилар вазифасини инвестиция банклари бажаради; 3. кўчмас ва кўчма мулкни ҳамда тижорат операцияларини суғурталаш учун қабул қилиш

аннуитет 1. муддатли давлат қарзи турларидан бири. Асос қарзни унга тўланадиган фонзи билан аста-секин қайтариш имконияти ҳисобга олинган ҳолда, ҳар йили кредиторларга муайян даромад келтиради; 2. муптазам келиб тушувчи тўловлар

арбитраж 1. хўжалик ҳакамлик суди, тижорат ёки турли тармоқлардаги баҳсларни судга етказмай, ҳал қилувчи идора; 2. бир пайтнинг ўзида турли бозорларда мавжуд бўлган моллар, қимматли қоғозлар, валюта ва депозитларнинг нархлари

- ёки курслари ўртасидаги фарқдан фойда кўриш мақсадида амалга ошириладиган операциялар ҳамда битимлар
- арбитраж битими** бир пайтнинг ўзида турли бозорларда мавжуд бўлган моллар, қимматли қоғозлар, валюта ва депозитларнинг нархлари ёки курслари ўртасидаги фарқдан фойда кўриш мақсадида тузилган битим
- арбитражги облигация** қарз маблағларини маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораларининг оддий облигацияларига нисбатан даромадлироқ қимматли қоғозларга инвестиция қилиш мақсадида чиқарилган маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари облигацияси
- арбитраж операцияси** бир пайтнинг ўзида турли бозорларда мавжуд бўлган моллар, қимматли қоғозлар, валюта ва депозитларнинг нархлари ёки курслари ўртасидаги фарқдан фойда кўриш мақсадида амалга ошириладиган операциялар
- атташе элчихонанинг бирор соҳа бўйича мутахассис ходими**
- аудит хўжалик фаолиятини текшириш, тафтиш қилиш, таҳлил этиш** ҳамда йиллик бухгалтерлик ҳисоботи ва баланси бўйича хулоса ва кўрсатмалар бериш
- аудитор ташкилот** ва корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ҳолисона тафтиш ва таҳлил қилувчи ҳамда уларга тегишли маслаҳатлар берувчи мустақил мутахассис
- аудиторлик фирмаси** ташкилот ва корхоналарнинг молиявий-хўжалик аҳволини шартнома асосида текшириб, уларга тегишли маслаҳатлар берувчи мустақил фирма
- банк авали** банкнинг вексель бўйича кафиллиги
- банк акценти** банкнинг пул ва мол ҳужжатлари бўйича ҳақ тўлашга ёки ҳақ тўланишини кафолатлашга берган розилиги
- банк депозити** хусусий шахс, корпорация, давлат ташкилот номидан банкга сақлаш учун топширилган пул маблағлари
- банк дисконти** банкнинг векселларни ҳисобга олиш операциялари учун белгиллаган ҳисоб фоизи
- банк интервенцияси** марказий банк ва давлат хазинасининг кредитга, қимматли қоғозларга, миллий ҳамда хорижий валютага бўлган талаб ва таклифни тартибга солиш йўли билан молия-кредит ҳамда валюта соҳасига аралашуви
- банк клиринги** банкларнинг ўзаро талабнома ва мажбуриятларни ҳисобга олиш асосида моллар, қимматли қоғозлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизими
- банк консорциуми** банкларнинг кредит, кафиллик ва бошқа банк операцияларини биргаликда амалга ошириш учун вақтинча тузилган гуруҳи
- банк концерни** банклар бирлашмасининг шакли. Бунда бирлашма аъзолари мустақиллигини расман сақлаб қолиш билан бир вақтда ўзларига бошчилик қилувчи молиявий идоралар назоратига буйсунади
- банкнинг ликвидлиги** банкнинг мажбуриятларини ўз вақтида қоплай олиш қобилияти
- банк маркетинги** банк мижозлари эҳтиёжларини қондиришга ҳамда бозорни ўрганиб, истиқболни белгилаш асосида фойда олишга қаратилган банк хизматлари кўрсатишни ташкил этиш ва кенгайтириш мажмуавий тизими
- банкнот муомалага пул чиқариш ҳуқуқига эга** банклар билети. Улар металл пулнинг ўрнини муомала ва тўлов воситаси сифатида босади
- банк овердрафти** банкдаги кредитнинг ошиб кетиши
- банк портфели** таваккалчилиги банк муассасаларининг баланс пасивидagi мажбуриятларини активдаги талабномалар билан қоплай олмаслик ҳолати юз берганида талафот кўриш хавфи
- банк реквизиtlари** банк манзили ва унга тегишли бошқа маълумотлар мажмуи
- банк чартери** банкларга операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат
- банк холдинг компанияси** ҳуқуқий жиҳатдан мустақил банклар ва но-банк муассасаларнинг акциялари назорат тўпламини улар амалга ошираётган операцияларни назорат қилиш мақсадида бошқарувчи компания
- банк ўтказмаси** инкассоси банк ўз мижозининг топшириғига кўра жўнатилган моллар ва хизматлар учун банк ўтказмаси асосида тўланиши лозим бўлган пул маблағларини ҳақ

тўловчидан олади ҳамда бу маблағларни ўз миқдорининг банкдаги ҳисобрақамига ўтказди

**баратрия** кема капитани ёки шахсий таркиби кемага ёхуд юкка эҳтиётсизлик оқибатида ёки қасддан етказган зарар

**бартер** бевосита мол айирбошлаш савдоси; пул тўловсиз мол айирбошлаш

**бартер битими** пул тўловсиз айирбошлаш битими

**бенефициар аккредитив** ва сугурта полиси бўйича пул олувчи ёки ишонч асосида бошқариладиган мол-мулкдан даромад кўрувчи шахс; фойда олувчи шахс

**бенефициар акциялардан** даромад кўрувчи шахс

**биметаллизм** танга зарб этишда икки хил металл — олтин ва кумуш қўлланиладиган пул муомаласи тизими

**бланкли ваучер** мол етказиб берувчи тўловномасига бириктириладиган ҳужжат. Унда амалга оширилган барча операциялар қайд этилади

**бодмерея сафарни** ниҳоясига етказиш учун маблағ зарур бўлиб қолган тақдирда кема капитани кемани ёки кема ва юкни гаровга қўйиб кема эгаси ҳисобидан оладиган қарз шартномаси

**бозор корнери** бир ёки бир нечта ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг фойда олиш мақсадида бозордаги молларни ёппасига сотиб олиши

**божхона декларацияси** муайян мамлакат миллий қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштирилган чегарадан ўтказилаётган юк ҳақида маълумотдан иборат ҳужжат

**боналар** 1. давлат хазинаси, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари ва хусусий фирмалар муомалага чиқарадиган ҳамда харид ва тўлов воситаси сифатида фойдаланиладиган қисқа муддатли қарз мажбуриятлари (майда тангалар вазифасини бажаради); 2. муомала ва истеъмолдан чиққан ва коллекция (тўплаш) буюмига айланган қоғоз пул бонификация сифати шартномада келишилган сифат даражасига нисбатан юқорироқ молларнинг нархига қўшиладиган устам

**бонус** 1. кўрсатилган воситачилик хизматлари учун тўланадиган ҳақ; 2. сотувчи харидорга битим шарт-

ларига мувофиқ берадиган қўшимча чегирма

**бонусли битим** сотувчининг харидорга қўшимча чегирма беришини назарда тутувчи битим

**брокер** қимматли қоғоз, мол ва валюта биржаларида битим тузиш пайтида воситачилик билан шуғулланувчи шахс ёки фирма

**брокерлик идораси** қимматли қоғозлар ёки моллар олди-сотдисидида воситачилик қилувчи идора

**брокерлик кредити** банклар, биржа даллоллари ва дилерлар қимматли қоғозларни харид қилиш ва сотиш бўйича фонд биржасида операцияларни амалга ошириш учун ажратадиган кредит

**брокерлик операциялари** қимматли қоғозлар ва моллар олди-сотдисиди бўйича воситачилик операциялари

**брокерлик ссудаси** брокерларнинг банклардан ёки бошқа брокерлардан турли мақсадлар учун қарзга оладиган пул маблағлари

**брокерлик фирмаси** қимматли қоғозлар ёки моллар олди-сотдисидида воситачилик қилувчи фирма

**брокерлик хизмати** қимматли қоғоз, мол ва валюта биржаларида битим тузишда воситачилик қилиш

**брокерлик ҳисобрақами** буюртмачи брокер ёки бошқа шахсга қимматли қоғозлар ёки молларни харид қилиш ёхуд сотишда эркин ҳаракат қилиш имкониятини берадиган ҳисобрақам. Бунда брокер вақт, миқдор ва нархни танлаш эркинлигига эга

**брутто** 1. молнинг ўрамдаги вазни; 2. корхона ёки ташкилотнинг харажатларни чегирмадан ҳолдаги ялпи даромади; 3. харажатлар чегирилмаган валюта даромади

**буюртмалар портфели** корхона ва фирмаларда муайян санада мавжуд бўлиб, бажарилиши лозим бўлган буюртмалар жамламаси

**валюта арбитражи** бир валютанинг турли валюта бозорларида бир пайтнинг ўзидида мавжуд бўлган курслари ўртасидаги фарқ ҳисобидан фойда кўриш мақсадида тузилган битим

**валюта девальвацияси** миллий валютани курсини хоржий валютага нисбатан расмий тарзда пасайтириш

**валюта демпинги** молларни жаҳон ўртача нархларидан паст баҳодди кўплаб четга чиқариш мақсадида валютани қадрсизлантириш. Бу мол

- ларни сотиш бозорлари учун кураш ҳамда сармоядорларнинг юқори фойда олиш воситалари бўлиб хизмат қилади
- валюта диверсификацияси** халқаро ҳисоб-китобларни таъминлаш ва валюта таваккалчиликларидан ҳимоялаш мақсадида таркибига турли хорижий валюталарни киритиш йўли билан валюта тузилишини тартибга солиш
- валюта клиринги** етказиб берилган моллар ва кўрсатилган хизматларнинг қиймат тенглигидан келиб чиқувчи муқобил талабнома ҳамда мажбуриятларни ўзаро мажбурий ҳисобга олиш ҳақидаги ҳукуматлар аро шартнома; ташқи савдо ва бошқа мамлакатлараро иқтисодий муносабатлар шаклида халқаро тўлов битимлари асосида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар
- валюта маклери** валюта операцияларида воситачилик билан шугулланувчи даллол
- валюта опцион** шартнома нинг муқобил валюта шартларини танлаш ҳуқуқи
- валюта паритети** иккита валюта ўртасида қонунан белгиланиб, валюта курсининг асоси ҳисобланадиган нисбат
- валюта ревальвацияси** миллий ёки халқаро (минтақавий) валюта пул бирлиги курсини бошқа мамлакатлар валюталарига нисбатан ошириш
- валюта свопи** хорижий валютани мамлакат валютаси эвазига кейинчалик қайта сотиб олиш асосида харид қилиш
- валюта-фоиз** свопи валюта битимларининг тури. Бунда «своп» битимлари фақатгина валюта билан эмас, балки фоизлар билан ҳам амалга оширилади. Бу битимда иштирокчилардан бири иккинчи иштирокчига ЛИБОР фоиз ставкалари бўйича фоиз тўлаш мажбуриятини олади, бунинг эвазига эса иккинчи иштирокчи ўз шеригига олдиндан келишиб олинган (ўзгармас) фоиз ставлари бўйича фоиз тўлаш мажбуриятини олади ва томонлар фоиз ставкалари бозоридagi ўзларига манфаатли ўзгаришлардан фойда олишга ҳаракат қиладилар.
- валюта-фоиз** жежи фоизлар ўртасидаги фарқдан олинган даромадни қайд қилиш ва шу вақтнинг ўзида валюта курсларининг кутилмаган ўзгаришларидан сугурталаш имконини берувчи валюта-фоиз битимлари тури
- валюта фьючерси** маълум турдаги валютани битим тузиш вақтида келишиб олинган курс бўйича муайян келгуси санада сотиш ва харид қилиш мажбуриятини кўзда тутувчи валюта битими
- варрант** ўз соҳибига қимматли қозғоларни муайян давр мобайнида белгиланган нархда харид қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома
- варрантли облигация** ўз соҳибига илгаридан белгиланган нархда муайян миқдорда оддий акцияларни харид қилиш ҳуқуқини берувчи облигация
- ваучер-чек** мол етказиб берувчи тўловномаси иловасига бириктириладиган ҳужжат
- векселлар клиринги** векселлар билан боғлиқ мажбуриятларни ўзаро ҳисобга олишга мўлжалланган ҳисоб-китоб тизими
- векселлар портфели** муайян даврда банк ёки корхона ихтиёрида жамланган векселлар мажмуи
- вертикал спред** турли бошланғич нархларда тузилиб, опцион муддати тугашига қадар бир хил даврга эга бўлган турдаги иккита опционларни бир вақтнинг ўзида харид қилиш ва сотиш
- востро ҳисобрақами** банкнинг хориждаги маҳаллий валютада юритадиган ҳисобрақами
- девальвация** миллий валюта курсини хорижий валютага нисбатан расмий тарзда пасайтириш
- девизлар** чет эл валютасида ифодаланган ва халқаро ҳисоб-китобларда қўлланиладиган кредит ҳамда тўлов ҳужжатлари (вексель, чек, ўтказмалар ва ҳ.к.)
- декларация** муайян ахборотдан таркиб топиб, маълум қоидаларни эълон қилувчи баёнот, ҳужжат
- делькредере** брокер ёки воситачи вакилнинг битим ижросини кафолатлаш юзасидан у номидан иш юритадиган шахс олдидаги мажбурияти
- демерреж** кеманинг юк тушириш ёки ортиш пайтида метёрдан ортиқ туриб қолганлиги учун тўланадиган жарима
- демпинг** бозорда рақобатчиларни енгиб чиқиш мақсадида моллар ва хизмат-

лар нархларини сунъий тарзда пазайтириш; молларни бошқа мамлакатда таннархидан арзон сотиш

**депозит** 1. банкларда сақлаш учун топширилган пул маблағлари ёки қимматли қоғозлар; 2. қарздор кредиторга бериб юбориш учун суд муассасасига ажратадиган пул суммаси ёки қимматли қоғоз

**депозит сертификати** кредит муассасасининг пул маблағи сақлашга топширилганлиги ҳақида омонатчининг депозитни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ёзма ҳужужнома

**депозит ҳисобрақами** молия-кредит муассасасига сақлаш учун топширилган пул маблағлари ёки қимматли қоғозлар ҳисобга олинadиган ҳисобрақам

**депозитарий депозитларни** сақлаш ишониб топширилган жисмоний ёки ҳуқуқий шахс

**депонент** бошқа жисмоний ёки ҳуқуқий шахс вақтинча сақлаб турган пул маблағларига эгаллик қилувчи жисмоний ёки ҳуқуқий шахс

**депорт** 1. фойда кўриш мақсадида нарх-навони атайлаб туширувчи брокерлар фонд биржасида амалга оширадиган муддати узайтирилган битим; 2. шартномани тугатиш муддатини узайтирганлик учун муддати узайтирилган битим бўйича зиммасига мажбурият олган шахсга тўланадиган ҳақ миқдори; 3. етказиб бериш муддати яқин ва узоқроқ битимларнинг нархлари ўртасидаги фарқ

**депорт операциялари** қимматли қоғозларни муайян муддатдан кейин пазайтирилган курсда сотиш шarti билан битим тузилган кун курсида харид қилишдан иборат муддати узайтирилган битим тури

**дефляция** 1. ортиқча қоғоз пулни муомаладан чиқариб олиш йўли билан пул кўламини камайтириш; 2. пул-кредит бозоридаги нарх-навонинг аста-секин пасайиши ёки кўтарилиши. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва ишсизликнинг ўсиши билан бирга содир бўлади

**диверсификация** компанияси инвестиция қилинган ва қарзга берилган сармоялари кўрилиши мумкин бўлган сармоя ва даромад талафотлари хавфини камайтириш мақсадида турли объектлар ўртасида тақсимланган компания

**диверсификация қилинган инвестиция** компанияси инвестиция қилинган ва

қарзга берилган сармоялари кўрилиши мумкин бўлган сармоя ва даромад талафотлари хавфини камайтириш мақсадида турли объектлар ўртасида тақсимланган инвестиция компания

**дивиденд** акциядорлик жамиятининг акциядорлар ўртасида тақсимланadиган соф фойдаси. Бунда фойда тасарруфидаги акцияларга мувофиқ ҳолда тақсимланади

**дивиденд олиш купони** акцияларнинг дивиденд олиш ҳуқуқини берувчи йиртма қисми

**дилер** қимматли қоғозлар, моллар ва валюта олди-сотди савдо битимларида воситачилик қилувчи шахс ёки фирма

**дисконт** 1. қимматли қоғознинг амалдаги нархи билан қиймат қопланиши пайтидаги нархи ёки белгиланган қиймати ўртасидаги фарқ; молиявий воситани қиймат қопланиши пайтига қадар белгиланган қийматидан паст нархда харид қилиш; 2. валютанинг келгуси курси билан дарҳол етказиб берилган пайтдаги курси ўртасидаги фарқ; 3. турли муддатларда етказиб берилadиган бир турдаги молнинг нархлари ўртасидаги фарқ; 4. биржа битимларида мол сифати шартномада келишилганидан паст бўлганида нархдан чегириш; 5. валюта битимларида валюта расмий курсидан пазайган ҳолда четга чиқиш

**дисконтланган харажатлар** вақтга кўра таққосланадиган ўлчамларга келтирилган турли йиллардаги харажатлар

**дисконтланган қиммат** вақтга кўра таққосланадиган ўлчамларга келтирилган турли йиллардаги қиммат

**дисконтлаш** 1. векселларни ҳисобга олиш; 2. турли йиллардаги иқтисодий кўрсаткичларни вақтга кўра таққосланадиган ўлчамларга келтириш

**дисконтли кредит** марказий банк тижорат банкларига фойз эвазига ажратадиган кредит

**диспача** муддатидан олдин юк ортганлик ёки юк туширганлик учун тўланадиган ҳақ

**диспача умумий ҳалокат ёки шикастланишдан** кўрилган зарарларни ҳисоб-китоб қилиш ҳамда уларни сифар иштирокчилари ўртасида тақсимлаш; кўрилган зарар суғурта-

ловчи томонидан диспашага мувофиқ қопланади

**диспашер** денгиз ҳалокати пайтида қўрилган зарарни аниқлаш ва уни тақсимлаш бўйича мутахассис

**доминион** 1947 йилга қадар Буюк Британия империясига кирган, расмий жиҳатдан мустақил давлат

**евровалюта** Европанинг қатор ривожланган мамлакатлари муомалага чиқарган ва мамлакат ҳудудидан ташқарида нақд пулсиз депозит-ссуда операцияларини амалга оширишда фойдаланиладиган валюталар

**евродоллар** Европа хусусий банклари ҳисобрақамларидаги АҚШ долларларида ифодаланган маблағлар. Бунга ҳозирги кунда Европадан ташқаридаги банкларда сақланаётган АҚШ долларларидаги маблағлар ҳам киради

**евродоллардаги облигациялар** АҚШ ҳудудидан ташқарида жойлашган банклар ҳисобрақамларидаги АҚШ долларларида ифодаланган облигациялар

**еврокредит синдикати** евовалюта бозори маблағлари ҳисобидан халқаро кредитлар ажратувчи йирик тижорат банклари бирлашмаси

**евронот** валюта чиқарилган мамлакатдан ташқарида ўрта муддатли кредит дастурлари доирасида муомалага киритиладиган банк кафолатига эга векселлар (депозит гувоҳномалари)

**евроблигация** фоиз келтирувчи қимматли қоғоз. Уни муомалага чиқарувчилар (воситачилар ва харидорлар) қимматли қоғозни муомалага чиқариш пайтида қайси мамлакат валютасидан фойдаланилса, ўша мамлакатда доимий турар жойга эга бўлмайдилар

**ер кадастри** ер майдонларининг баҳолари ва ўртача даромадлиги ҳақидаги маълумотлардан иборат рўйхат. Ер солигини ҳисоблашда фойдаланилади

**ер рентаси** қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари бевосита тайёрлаган қўшимча маҳсулотнинг ер эгалари ўзлаштириб оладиган қисми

**ёпиқ позиция** битим бўйича ҳисобкитобларни тугаллаш, яъни мол (қимматли қоғоз) ни сотувдан сўнг харид қилиш ёки, асинча, харид қилингандан сўнг сотиш

**ёпиқ эмиссия** қимматли қоғозларни

чекланган доирада муомалага чиқариш

**жадаллаштирилган амортизация** камамаяётган баланс усулида ҳисобланадиган амортизация. Бунда фойдаланишнинг биринчи йилида ажратиладиган маблағлар меъёри икки бараварга оширилади, иккинчи йилда эса қолдиқ қийматдан 20% ажратилади ва ҳ.к.

**жироҳисоб-китоб** капиталистик мамлакатлардаги банклар ва жамғарма кассалари бир ҳисобрақамдан иккинчисига маблағ ўтказиш йўли билан амалга оширадиган нақд пулсиз ҳисоб-китоб турларидан бири. Ундан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ифодалашда ҳам фойдаланилади.

**жироҳисобрақам** нақд пулсиз ҳисобкитоблар амалга ошириладиган ҳисобрақам

**ижобий қолдиқ** тушумларнинг тўловлардан ошиб кетиши

**ижтимоий траст** бир нечта мулкдорлар эгаллик қилувчи ишонч асосида бошқариладиган хусусий мулк

**импорт** четдан мол келтириш

**инвестиция портфели** маблағларни узоқ муддатли қимматли қоғозларга сарфлаш

**инвестиция траст фонди** портфели турли жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг ишонч асосидаги маблағларни жалб этиш ҳисобида ташкил этилган қимматли қоғозлар тўплами

**индексация** мажбуриятлар бўйича тўловларнинг нарх-наво кўрсаткичи билан ўзаро нисбатини белгилаш; пул талабномалари ва турли даромадларнинг ҳақиқий миқдорини инфляция шароитида сақлаб қолиш усули

**индексация қилиш** мажбуриятлар бўйича тўловларнинг нарх-наво кўрсаткичи билан ўзаро нисбатини белгилаш; пул талабномалари ва турли даромадларнинг ҳақиқий миқдорини инфляция шароитида сақлаб қолиш

**индексация қилинган облигация** қийматига инфляция даражаси қўшиб ҳисоблаш орқали белгиланган қиймати аниқланган облигация

**индоссамент** қимматли қоғоз, вексель, чек ва ш.к.лар бўйича ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтказилганлигини тасдиқловчи ўтказма ҳужжат

**индоссант** ўз ҳуқуқини бошқага ўтказиб, ўтказма устхат қўйган шахс

индоссация қимматли қоғоз, вексель, чек ва ш.к.лар бўйича ҳуқуқни бошқага ўтказиб, устхат қўйиш

индоссация қилиш қимматли қоғоз, вексель, чек ва ш. к. лар бўйича ҳуқуқни бошқага ўтказиб, устхат қўйиш

инкассация ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан пул олиш

инкассо халқаро савдодаги ҳисоб-китоблар шаклиридан бири. Унга мувофиқ банк ўз мижозининг топширигига кўра жўнатилган моллар ва хизматлар учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида тўланиши лозим бўлган пул маблағларини ҳақ тўловчидан олади ҳамда бу маблағларни ўз мижозининг банкдаги ҳисобрақамига ўтказди

инкассо дафтари банкнинг жўнатилган моллар ва хизматлар учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида тўланиши лозим бўлган пул маблағларини ҳақ тўловчидан олиб, ўз мижозининг банкдаги ҳисобрақамига ўтказиши ҳисобга олинган дафтар

инкассо йиғими банкнинг жўнатилган моллар ва хизматлар учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида тўланиши лозим бўлган пул маблағларини ҳақ тўловчидан олиб, ўз мижозининг банкдаги ҳисобрақамига ўтказилганлиги учун оладиган ҳақи

инкассо топшириқномаси банкларга кредит муассасасидаги ҳисобрақамдан эгаларининг розилигисиз маблағларни ундириш ҳуқуқини берувчи ҳисоб-китоб ҳужжати

инжиниринг тижорат қоидаларига асосланган муҳандислик-маслаҳат хизматлари: ишлаб чиқаришни таъминлаш, маҳсулот сотишни уюштириш, ишлаб чиқариш объектиларини қуриб ишга тушириш юзасидан маслаҳат бериш

интервенция марказий банк ва давлат хазинасининг кредитга, қимматли қоғозларга, миллий ҳамда хорижий валютага бўлган талаб ва таклифни тартибга солиш йўли билан молия-кредит ҳамда валюта соҳасига аралашуви

инфляция мамлакатда муомалада юрган қоғоз пул миқдорининг ҳўжалик муомаласи эҳтиёжларидан ошиб кетиши. Нарх-наво умумий даражасининг кўтарилиши. Пулнинг қадрсизланиши. Инфляция қўидаги

турларга бўлинади: 1. бирор омил туфайли келиб чиққан инфляция; 2. кредит инфляцияси — кредит ажратишнинг ҳаддан ортиқ кенгайиши туфайли келиб чиқади; 3. судралучан инфляция — секинлик билан ривожланиб боради; 4. сакровчан инфляция — тез суръатда ривожланиб боради; 5. маъмурий инфляция — нарх-навони маъмурий тарзда бошқариш оқибатида юзага келади; 6. ижтимоий инфляция — маҳсулот сифатига, атроф-муҳит муҳофазасига бўлган янги ижтимоий талабларнинг пайдо бўлиши оқибатидаги чиқимларнинг ўсиши таъсирида нарх-навонинг ўсишини юзага келтиради

инфратузилма ишлаб чиқариш ша-роитини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари мажмуи. Буларга қўидагилар киради: йўллар, алоқа, транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш, электр таъминоти

ипотека қарзга пул олиш мақсадида кўчмас мулк, ер ва қурилиш биноларини гаровга қўйиш. Бунда гаровга қўйилган мулк қарз олувчининг тасарруфиди қолади

ипотека банки кўчмас мулк, ер ва шаҳар қурилиш биноларини гаровга олиб, узоқ муддатли қарз беришга ихтисослашган банк

ипотека кредити кўчмас мулкни гаровга олиб, узоқ муддатга бериладиган кредит

ипотека пули кўчмас мулк, ер ва шаҳар қурилиш биноларини гаровга олиб, узоқ муддатли қарз беришга ихтисослашган компанияларнинг бирлашмаси

ипотека ссудаси кўчмас мулкни гаровга олиб, узоқ муддатга бериладиган қарз

ипотека қарзи кўчмас мулкни гаровга олиб, узоқ муддатга бериладиган қарз

ишлаб чиқариш картели бир-бирига боғлиқ бўлмаган бир нечта корхоналар ўртасида рақобат таваккалчилигини чеклаш ва тугатиш мақсадида тузилган битим

кадастр 1. солиқ солинадиган объектларни рўйхатга олиш ва баҳолаш; 2. жон бошига солиқ солинадиган шахслар рўйхати

камерализм четга мол чиқаришни кўпайтиришга ҳамда четдан мол

келтиришни чегаралашга қўмаклашиш ҳар қандай мамлакатнинг манфаатига хизмат қилади, деган тушунчага асосланган ташқи савдо муносабатлари назариясининг тури

**канцеллинг** ёлланган кеманинг юк ортиш учун бандаргоҳга етиб келишининг энг охириг муддати. Бу муддат тугаганда кема ёлловчи шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади

**картализм** пулнинг айирбошлашда тенг қиймат вазифасини рад этиб, уни хусусий қийматга эга бўлмаган шартли белги сифатида талқин этувчи иқтисодий назария

**картелизм** мол сотиш бозорини ўзига бўйсундириш ва бозорда якка-қоқимлик мавқеини эгаллаш мақсадида ёппасига картеллар тузиш

**картель** ишлаб чиқариш қувватларининг иш билан таъминланишини талабга мослаштириш, нархларни барқарорлаштириш, бозордаги таъсир кўрсатиш соҳаларини тақсимлаш, маҳсулотни ўтказиш, шунингдек, саноатнинг хорижий рақобат ва чет эл фирмаларининг маҳсулот нархларини атайлаб пасайтиришидан ҳимояланмаган янги соҳаларига сармоя сарфланишини бир маромда сақлаб туриш учун нархларни ва ишлаб чиқаришда иштирок этиш улушларини белгилаш мақсадида мустақил фирмалар ўртасида тузилган битимга асосланган тadbиркорлик бирлашмаси

**картель битими** ишлаб чиқариш қувватларининг иш билан таъминланишини талабга мослаштириш, нархларни барқарорлаштириш, бозордаги таъсир кўрсатиш соҳаларини тақсимлаш, маҳсулотни ўтказиш, шунингдек, саноатнинг хорижий рақобат ва чет эл фирмаларининг маҳсулот нархларини атайлаб пасайтиришидан ҳимояланмаган янги соҳаларига сармоя сарфланишини бир маромда сақлаб туриш учун нархларни ва ишлаб чиқаришда иштирок этиш улушларини белгилаш мақсадида мустақил фирмалар ўртасида тузилган битим

**картел нархи** картелга нарх-наво сиёсати соҳасида аъзо бўлган бир нечта корхоналар энг кўп фойда олиш мақсадида келишиб олган нарх

**каф** халқаро савдо амалиётидаги мол-

ларни етказиб бериш шартларидан бири. Унга кўра сотувчи шартномада белгиланган муддатда кема ёллаш ва унга мол ортиш мажбуриятини зиммасига олади. Харидор эса тайинланган бандаргоҳда молни тушириш харажатларини зиммасига олади

**квота** 1. ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотни ишлаб чиқаришда, сотишда, четга чиқариш ёки четдан келтиришда ҳар бир қатнашчи учун белгиланадиган иштирок этиш улуши; 2. мамлакатнинг халқаро иқтисодий ёки валюта-молиявий ташкилот устав фонди ёки сармоясига қўшган ҳиссаси; 3. солиқ олинадиган бирликдан ундириладиган солиқ ставкаси

**клиринг** нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг моллар, қимматли қоғозлар ва хизматлар талабнома ва мажбуриятларини ўзаро ҳисобга олишга асосланган тизими

**клиринг активлари** клиринг ҳисоб-рақамларидаги активлар

**клиринг банки** чеклар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар миллий тизимига кирувчи банк

**клиринг валютаси** баъзи мамлакатларда иккитомонлама ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган махсус ҳисоб-китоб валюта бирлиги

**клиринг палатаси** биржа иштирокчилари ўртасидаги ҳисоб-китобларни ўзаро талабномаларни ҳисобга олиш асосида амалга оширувчи биржаларо идора

**клиринг сальдоси** муайян давр мобайнидаги тўловлар ва тушумлар нисбатининг ҳисобга олиш бўйича шахсий ҳисобрақамда акс эттириладиган натижаси

**клиринг ҳисобрақами** тижорат банкининг бошқа банклар билан ҳисоб-китоб қилишга мўлжалланган марказий банкдаги ҳисобрақами

**клиринг ҳисоб-китоблари** ўзаро талабномаларни ҳисобга олиш асосидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар

**колл опцион** инвесторга келишилган муддат мобайнида опцион ёзиб берган шахсдан белгиланган нарх ва миқдорда молларни ёки қимматли қоғозларни харид қилиш ҳуқуқини берувчи шартнома

**колл опцион** „капалак“ спреди валюта биржасида қимматли қоғозларнинг харид қилиш ва сотиш курси ўртасидаги фарқдан фойда



кўриш мақсадида амалга оширилган битим. Колл опцион муайян муддатдан кейин белгиланган курсда инвестицияларни харид қилиш ҳуқуқини беради

„колл“ валюта опцион келишилган муддат мобайнида белгиланган нарх ва миқдорда валюта харид қилиш ҳуқуқини берувчи шартнома

комитент воситачилик шартномасининг ҳақ эвазига воситачи номидан ўз ҳисобига бир ёки бир нечта битимларни амалга ошириш учун воситачига топшириқ берувчи томони

конвенция халқаро шартномалар тури

конгломерация корхоналарнинг якка-ҳоқим бирлашмалари тури

„пут“ опцион „капалак“ спреди фонд биржасида қимматли қоғозни белгиланган курсда сотиш мақсадида амалга ошириладиган битим

коносамент денгиз орқали юк ташиш шартларидан таркиб топган ҳужжат; соҳибига юкдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи мол тақсимоли ҳужжати. У ташқи савдода кенг қўлланилади

консигнация молларни воситачилар омбори орқали сотиш шакли. Бунда етказиб берувчи воситачи омборига келиб тушган молга эгалик қилиш ҳуқуқини мол харидорга сотилган пайтга қадар сақлаб қолади

консигнациячи хориждаги омборлардан молларни сотиш битимларини амалга оширишга топшириқ берувчи жисмоний ва ҳуқуқий шахс

консол давлат узоқ муддатли засм облигациялари тури (*Буюк Британия*)

консуллик йиғими консулхоналарнинг мамлакатга кириш рухсатномаларини берганлик учун фуқаролар, муассасалар ва ташкилотлардан ундирадиган йиғими

консорциум муайян иқтисодий лойиҳаларни ёки молиявий операцияларни биргаликда амалга ошириш мақсадида банклар ва саноат компаниялари ўртасида тузилган муваққат битим

контанго муддатли битимлар бўйича нархлар нақд мол нархларидан ошиб кетган пайтдаги нарх-наво нисбати

конткоррент банкнинг мижоз билан олиб борадиган барча операциялари ҳисобга олинандиган жорий ҳисоб-

рақам. У ўзида ссуда ва жорий ҳисобрақамларни мужассам этади

конткоррент ҳисобрақами банкнинг мижоз билан олиб борадиган барча операциялари ҳисобга олинандиган жорий ҳисобрақам. У ўзида ссуда ва жорий ҳисобрақамларни мужассам этади

контрагент 1. ўз зиммасига шартнома бўйича мажбуриятлар олган шахс ёки муассаса; 2. шартноманинг иккала томони

контракция саноат, ҳўжалик ва бошқа корхоналар ўртасида шартномалар тузиш

конфедерация мустақил давлатлар иттифоқи

концерн турли тармоқлар корхона ва ташкилотларининг умумий манфаатлар асосидаги бирлашмаси. Бунда улар ихтиёрий бирлашадилар ва ҳуқуқий ва ҳўжалик мустақиллигини сақлаб қоладилар

концессия миллий иқтисодиётни тиклаш ёки ривожлантириш ҳамда табиий бойликларни ўзлаштириш мақсадида корхоналарни, ер майдонларини, ер ости ва бошқа бойликларни хорижий давлатга, ҳуқуқий ёки жисмоний шахсга вақтинча фойдаланиш учун бериб туриш ҳақидаги шартнома

корпорация ҳуқуқий шахснинг иккита ва ундан ортиқ акциядорлар иштирокидаги бирлашма. Бунда ҳуқуқий шахс мажбуриятлар бўйича масъулиятга ҳамда чиқарилган акцияларнинг чекланган қийматига, шунингдек, ўз номидан моллар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, шартномалар тузиш, қарз олиш ва бериш ҳамда бошқа фуқаролик ҳаракатларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади

корпоратив капитализм жамоавий фаолиятга асосланган капитализм

корпоратив облигациялар корпорация чиқарган облигациялар

корпорация нотаси корпорация муомалага чиқарган қисқа ёки ўрта муддатли қимматли қоғоз

кредит акцепти кредит ажратишга розилик бериш

кредит клиринги муайян мамлакат банклари ўртасида ўзаро пул талабномаларини тугатиш мақсадидаги кредитларни ўзаро ҳисобга олиш

кредит портфели муайян даврда ажратилган кредитлар жаммуи

кредитнинг ликвидлиги кредитнинг ўз вақтида қайтарилга олиш қобилияти кредит маржаси қарз олувчи кредит қийматига қўшиб тўлайдиган устама кредит мультипликатори пул қўлами ва пул қўламининг асоси, яъни марказий банк муомалага чиқарган пул ўртасидаги нисбат

кредит-нота ҳисоб-китоб муносабатларининг бир томонидаги шахс муайян суммани ҳисобрақамнинг кредит қисмида қайд этилганлиги ҳақида иккинчи томонга юборган хабарнома

кредит рестрикцияси ҳукуматнинг мамлакатдаги иқтисодий аҳволни соғломлаштириш мақсадида ўтказадиган кредит ажратишнинг кенгайтишини чекловчи тадбирлари — фоиз ставкасини ошириш, банкларнинг кредит ажратишини чеклаш, савдо битимларида чекловлар жорий этиш ва бошқалар

кредит синдикати бир нечта банкнинг қарз олувчига кредит суммаси ва ундириладиган фоизлар улушини ўзаро тақсимлаш асосида кредит бериш мақсадида тузилган бирлашмаси

кредит субсидияси ҳукуматга ва бошқа ташкилотларга ёрдам кўрсатиш ва мақсадли харажатларни қоплаш учун имтиёзли фоиз ставкалари бўйича бериладиган кредит

кредит экспансияси кредит ажратишни кенгайтириш

кросс-курс икки валюта ўртасида учинчи валютага нисбатан аниқландиган курслар нисбати

кросс-паритет бир валютани бошқасига учинчи валюта воситасида алмаштириш

купон 1. хазина мажбурияти ва облигациянинг ҳар йили даромад келтириб турадиган йиртма қисми; 2. акцияга илова қилинган ва дивидендлар тўлашга мўлжалланган варақ

купонлар инкассоси банкнинг ўз миждози топшириғига кўра купонлар тўловини амалга ошириши купонли облигация ҳар йили даромад келтириб турадиган йиртма қисмга эга облигация

купюра устида қиймати кўрсатилган пул билети, акция, облигация ёки бошқа қимматли қоғоз «кэп» битими банк устама ҳақ эвазига қарз маблағларининг белгиланган

қийматини миждозга кафолатлайдиган битим

лаж 1. олтин муомалада бўлган жойда бозордаги қоғоз пулнинг қадрсизланиши натижасида ўз-ўзидан олтин баҳосига қўйиладиган устама; 2. олтин бозор баҳосининг расмий баҳодан ортқ қисми; 3. пул белгилари, векселлар ёки қимматли қоғозлар бозор курсининг уларда қайд этилган қийматига нисбатан ошиб кетиши

лизинг асосий воситалар, техника воситалари, бино ва иншоотларни ўрта ҳамда узоқ муддатга ижарага бериш

ликвид активлар фоиз даромади келтирмайдиган, шу билан бирга ўз соҳибларига жорий ва кредит мажбуриятлари бўйича тўловларни мунтазам амалга оширишга имкон берувчи осон сотиладиган маблағлар (қисқа муддатли давлат қимматли қоғозлари, йирик компанияларнинг доим харидоргир акциялари ва облигациялари, нақд пул)

ликвид маблағлар қарз мажбуриятларини қоплашда фойдаланиш мумкин бўлган пул маблағлари ва бошқа активлар

ликвидлик корхоналар, фирмалар, банклар активларининг молия-кредит мажбуриятларини ва қонуний пул талабномаларини ўз муддатида улуксиз тўлашга имкон берувчи ҳаракатчанлиги

ликвид сармоя нақд пулга осон айлана оладиган сармоя

лихтер денгиз юкларини ортиш ва туширишда ёрдамчи юк кемаси сифатида фойдаланиладиган баржа

ломбард кредити осон сотиладиган кўчма мулкни гаровга олиб, қисқа муддатга бериладиган кредит

листинг компания акцияларини биржада баҳоланадиган акциялар рўйхатида киритиш

ломбард ссудаси осон сотиладиган кўчма мулкни гаровга олиб, қисқа муддатга бериладиган қарз

лоро ҳисобрақами 1. банкнинг ўз вакил банкларига очган ҳисобрақами. Унда вакил банклар топшириғига кўра олиб бориладиган барча операциялар акс эттирилади

лот мол ёки қимматли қоғозлар биржасида битимлар бирлиги ҳисобланадиган моллар, қимматли қоғозлар туркуми

маклер қимматли қоғозлар ва мол

биржасида битим тузиш пайтида мижоз топширигига кўра унинг ҳисобидан олди-сотди операцияларини амалга оширадиган воситачи маржа 1. депозит, гаров таъминоти ёки валюталар курсининг йўл қўйилиши мумкин бўлган тебранишлари бўйича қўшимча улуш; 2. мол асосидаги битимларда очик фьючерс шартномалари бўйича кўрилиши мумкин бўлган талафотлардан сугурталаш мақсадида брокерга ёки ҳисоб-китоб палатасига топширилган пул суммасини ёки гаровни англа-тади. 3. форвард валюта курсларини баҳолаш усули; 4. биржа бозорида харидор қимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотишда брокерлик кредитидан фойдаланганида тўлайдиган сумма; 5. нархлар, курслар, ставкалар ўртасидаги фарқ; 6. қарз олувчи кредит қийматида қўшиб тўлайдиган устама

**маржали битим** битим тузилган пайтда бутун сумманинг 50 фоизини тўлаб, қолганини брокердан кредитга олиш мумкин бўлган қимматли қоғозларни харид қилиш битими

**маржали операция** битим тузилган пайтда бутун сумманинг 50 фоизини тўлаб, қолганини брокердан кредитга олиш мумкин бўлган қимматли қоғозларни харид қилиш битими

**марказий банк интервенцияси** марказий банк ва давлат хазинасининг кредитга, қимматли қоғозларга, миллий ҳамда хорижий валютага бўлган талаб ва таклифни тартибга солиш йўли билан молия-кредит ҳамда валюта соҳасига аралашуви

**маркетинг** ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотишнинг муайян истеъмолчилар талабларини имкон қадар тўлароқ қондиришга ҳамда шу асосида юқори фойда олишга қаратилган мажмуавий тизими

**маҳсулотни сертификация қилиш** бошқа мамлакатларга етказиб бериладиган маҳсулот сифатини баҳолаш ва назорат қилиш халқаро меъёрларини қабул қилиш ҳамда амалга ошириш

**меркантилизм** четга мол чиқаришни кўпайтиришга ҳамда четдан мол келтиришни чегаралашга кўмаклашиш ҳар қандай мамлакатнинг манфаатига хизмат қилади, деган тушунчага асосланган ташқи савдо муносабатлари назарияси

**моддий активлар** корхонанинг ҳисобот

давридаги асосий воситалари, ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, моллар, тез эскирувчи арзон буюмлар, тугалланмаган ишлаб чиқаришни ўз ичига олади

**мол аккредитиви** ҳақ тўланадиган молнинг тақсимот ҳужжатлари кўрсатилган пайтда банк ҳақ тўлайдиган аккредитив

**мол арбитражи** 1. бир молнинг икки ва undan ортиқ бозордаги нархлари ўртасидаги фарқдан фойда кўриш мақсадида тузилган битим; 2. турли муддатларда етказиб бериладиган мол нархини баҳолашдаги фарқдан фойда олиш мақсадида битта бозорда ўтказиладиган операция

**мол своип** молларни кейинчалик сотиш кафолати билан харид қилиш мол фьючерси муайян молларни олдиндан келишиб олинган нархда келгусида сотиш ва харид қилишни кўзда тутувчи битим тури

**молиявий активлар** пул маблағлари, ссудалар, қимматли қоғозлар ва валюта бойликларига сарфланган банк ёки корхона маблағлари

**муддатли биржа позиция** муддатли шартнома бўйича мол етказиб бериш рухсат этилган ой

**муқобил** ҳеж нарх-наво таваккалчилигидан муқобил тарзда сугурталаш

**нарх картели** келишилган нарх сиёсатини олиб бориш мақсадида бир нечта бир-бирини бағлиқ бўлмаган корхоналар ўртасида тузилган битим

**„НАУ“ ҳисобрақами** жамгарма ва жорий ҳисобрақамлар ўртасидаги оралиқ ўринни эгалловчи ҳисобрақамлар тури. Унинг хусусияти шундан иборатки, эгаси ўттиз кун илгари хабар берган ҳолда, „муомаладаги“ буйруқларни ёзиб бериш ҳамда тўловларда улардан чек билан бир қаторда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади

**ноайланма активлар** асосий сармоя ҳамда акция ва облигацияга сарфланган узоқ муддатли инвестиция маблағлари

**ноликвид активлар** корхонадаги керагидан ортиқча ёки корхонага зарур бўлмаган товар-моддий активлар, шунингдек, қийин сотиладиган тайёр маҳсулотлар

**ноликвид қимматли қоғозлар** нақд пулга айланиши қийин қимматли қоғозлар

**нолга тенг купон қимматли қоғознинг**

даромад келтирмайдиган йиртма қисми

**норезидент** 1. чет элда доимий турар жойга эга бўлиб, яшаб турган мамлакатнинг қонунилари асосида фаолият кўрсатаётган хорижий ҳуқуқий ва жисмоний шахс, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахс; 2. муайян мамлакатнинг ҳудудидаги хорижий дипломатик, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналар, шунингдек, корхона, фирма ва ташкилотларнинг хўжалик ҳамда тижорат фаолияти билан шуғулланмаётган ваколатхоналари

**норезидент ҳисобрақам** чет элда доимий турар жойга эга бўлиб, яшаб турган мамлакатнинг қонуничилиги асосида фаолият кўрсатаётган хорижий ҳуқуқий ва жисмоний шахсга очилган ҳисобрақам

**ностро ҳисобрақами** банкнинг ўз вакил банкидаги ҳисобрақами. Унда банкнинг ҳамма харажат ва тушумлари акс эттирилади

**облигация-инвестиция трасти** инвестициявий облигациялар тўпламини ишонч асосида бошқаришга асосланган фонд

**облигация купони** облигациянинг ҳар йил даромад келтирадиган йиртма қисми

**облигация купонларининг инкассоси** купонли облигация эгаларининг топшириқларига биноан купонлар бўйича фоизларни олишни назарда тутувчи банк операцияси

**облигациялар варранти** ўз соҳибига илгаридан белгиланган нархда муайян миқдорда оддий акцияларни харид қилиш ҳуқуқини берувчи облигация гувоҳномаси

**облигациялар свопи** облигацияларни муомаладан чиқариб олиб, уларнинг ўрнига акциялар чиқариш

**овердрафт** 1. чек бўйича олинган жорий ҳисобрақамдаги қолдиқдан ортиқча сумма; 2. банкдаги кредитнинг ошиб кетиши; 3. банк мижозининг ҳисобрақамдаги қолдиқдан ортиқ маблағни ҳисобдан чиқариш йўли билан бериладиган қисқа муддатли кредит

**овоз берувчи траст** ишонч асосидаги бошқарувга олинган қимматли қоғозлар бўйича асосий ҳуқуқлар билан бирга овоз бериш ҳуқуқига ҳам эгаллик қилиш имконини берувчи фонд

**оддий купонли своп** оддий купонли облигацияларни кейинчалик сотиш кафолати билан харид қилиш

**олдиндан акцептланадиган инкассо** банкнинг ўз мижози ҳисобрақамидан маҳсулот этказиб берувчилар ҳисобрақамига олдиндан розилик олган ҳолда пул ўтказиш

**олтин-доллар стандарти** АҚШ қоғоз долларининг олтинга алмаштирилишини кўзда тутувчи пул муносабатлари шакли

**олтин стандарти** ҳар қандай пул бирлиги қонуан белгиланган олтин таъминотига эга бўлиб, олтинга алмаштирилишини кўзда тутувчи пул муносабатлари шакли

**онкол битими** харидор талаб қилмагунигача қадар нарх белгилаб қўйилмайдиган нақд мол харид қилиш битими

**онкол кредит** биринчи талабга кўра қопланадиган қисқа муддатли кредит  
**онкол ссудаси** биринчи талабга кўра қопланадиган қисқа муддатли қарз  
**онкол ставкаси** биринчи талабга кўра қопланадиган қисқа муддатли кредит ставкаси

**онколь ҳисобрақами** талаб қилинганда қайтариладиган ҳисобрақам

**опцион** 1. шартнома тузаётган томонлардан бири иккинчисига таклиф этаётган битим шартларини эркин танлашга имкон берувчи ҳуқуқ; 2. фуқаролик ҳуқуқида муқобил мажбуриятни бажариш, шунингдек, келгусида шартнома тузиш ҳақида олдиндан келишиб олиш усулини танлаш имкониятини англатади; 3. Халқаро ҳуқуқда халқаро шартномаларда кўзда тутилган ҳудудий ўзгариш юз берганида ёки янги давлатлар ташкил топганида шахснинг фуқаролиқини танлаш имкониятини англатади, шунингдек, қўш фуқароликка барҳам бериш пайтида шахснинг фуқаролиқини танлаш имкониятини ҳам билдиради; 4. биржа операцияларининг фьючерс битимларига нисбатан таваккалчилиги чегараланган устама ҳақли тури; муайян бойликлар ёки молиявий ҳуқуқларни битим тузиш пайтида белгиланган нархда келишилган давр мобайнида харид қилиш ёки сотиш бўйича шартнома мажбурияти

**опционлар портфели** муайян даврдаги жами опционлар

- опционли битим битим иштирокчиларининг бирига келишилган муддатдан сўнг белгиланган воситачилик ҳақи эвазига муайян миқдордаги валюта ёки молларни битим тузилган вақтда ўрнатилган курсда сотиш ёки харид қилиш ҳуқуқини берувчи битим
- опционли спред ҳар хил бошланғич нархли бир турдаги опционларни опцион муддати тугагунга қадар бир вақтнинг ўзида харид қилиш ва сотиш
- опционли қарз талаб қилинганда қайтариш шarti билан берилган қарзнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқини беради. Шу билан бирга, таъминотнинг бозор қиймати кредит шартномасида келишилганидан тушиб кетганида қўшимча таъминотни талаб қилиш ҳуқуқини ҳам беради
- опцион шартномаси келишилган муддатдан сўнг белгиланган воситачилик ҳақи эвазига муайян миқдордаги валюта ёки молларни битим тузилган вақтда ўрнатилган курсда сотиш ёки харид қилишни назарда тутувчи шартнома
- опционли юк жўнатиладиган бандаргоҳи белгиланмаган юк
- „оффсет“ битими 1. моллар ва хизматлар айирбошлашни ҳамда турли хизматлар ва имтиёзлар эвазига сармоя сарфлашга имкон беришни назарда тутувчи муқобил савдо шакли; 2. томонларнинг фьючерс бозоридаги мажбуриятларини тугатувчи битим
- оффшор молия маркази (миллий ва хорижий) кредит муассасалари норезидентлар билан операцияларни мазкур мамлакат учун хорижий ҳисобланган валютада амалга оширадиган молиявий марказ
- „офф-шор“ ҳудуди (миллий ва хорижий) кредит муассасалари норезидентлар билан операцияларни мазкур мамлакат учун хорижий ҳисобланган валютада амалга оширадиган ҳудуд
- очиқ позиция биржадаги сотувчи ва харидорнинг ҳали амалга оширилмаган мажбурияти
- паритет бирор иқтисодий (сиёсий) фаолиятда тенг ҳуқуқ асосида иштирок этиш
- пассив корхонанинг жами қарз ва мажбуриятлари
- пассив (импорт) савдо баланси четдан мол келтиришнинг четга мол чиқаришдан ошиб кетиши
- пассив қолдиқ мамлакатнинг ўзи амалга оширган тўловларнинг четдан келиб тушган тўловлардан ошиб кетиши
- пассив тўлов баланси мамлакатнинг ўзи амалга оширган тўловлар четдан келиб тушган тўловларга нисбатан ортиқ бўлган ҳолатдаги тўлов баланси
- пассив ҳисобрақам корхона маблағлари манбаларини акс эттирувчи ҳисобрақам
- позиция фьючерс шартномасига кўра мол етказиб беришга рухсат этилган ой
- полис суғурта идорасининг суғурта ҳақидаги битимни тасдиқловчи ҳужжати
- пул картель туридаги муваққат якка-ҳоким бирлашма. Унинг иштирокчилари ўҳжалик мустақиллигини расмий жиҳатдан сақлаб қоладилар ҳамда харажат ва фойдани олдиндан белгиланган улушларга кўра ўзаро тақсимлайдилар
- пул авуарлари хорижий валютатада, қимматли қоғозларда, олтинда ифодаланган ва тўловлар амалга ошириладиган маблағ
- пул агрегати пул кўлами, ҳажми ва тузилиши кўрсаткичи
- пул экспансияси ҳукумат иқтисодий аҳволни жонлантириш мақсадида амалга оширадиган пул-кредит сиёсати. Бунда ҳисоб ставкасини пасайтириш, векселларни қайта ҳисобга олиш чегарасини кенгайтириш, ломбард кредитлари фоиз ставкасини пасайтириш, тижорат банкларининг энг кам заҳира талабларини пасайтириш, тижорат банклари қимматли қоғозларни харид қилиш усулларида фойдаланилади
- пут опционни опционни сотиб олган инвесторга муайян муддат давомида маълум миқдордаги акцияларни опцион ёзиб берган шахсга белгиланган нархда сотиш ҳуқуқини берувчи шартнома
- пут опционли облигация соҳибига муайян муддатдан сўнг белгиланган курсда облигацияларни сотиш ҳуқуқини беради
- ревалвация миллий ёки халқаро валюта-пул бирлигини бошқа мамлакатлар халқаро валюта бирликларига нисбатан ошириш

резидент муайян мамлакатда доимий турар жойга эга бўлган ҳуқуқий ёки жисмоний шахс

резидент ҳисобрақам муайян мамлакатда доимий турар жойга эга бўлган ҳуқуқий ёки жисмоний шахсга очилган ҳисобрақам

реимпорт мамлакатнинг ўзида илгари ишлаб чиқарилиб, хорижга жўнатилган ва у ерда қайта ишланмаган молларни чет элдан харид қилиб келтириш

реквизит ҳужжатларда ёки битимлар таркибида амалдаги қонун ва қоидаларга мувофиқ мавжуд бўлиши керак бўлган мажбурий маълумотлар. Улар бўлмаганида ҳужжат ёки амалга оширилган битим қонуний ҳисобланмайди

рекламация етказиб берилган маҳсулот ёки бажарилган ишлар сифатининг керакли зарурий даражада эмаслиги туфайли аниқланган нуқсонларни бартараф этиш, нархни пасайтириш ёки зарарларни қоплашни талаб қилишдан иборат ариза (шикоятнома)

ремитент номига ўтказма вексель ёзиб берилган шахс, векселнинг биринчи соҳиби

ремитент банк ўтказма вексель бўйича пул олувчи банк

рента 1. сармоя, мол-мулк ёки ер эгаси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмаса ҳам мунтазам олиб турадиган даромад; 2. давлат муддатсиз қимматли қоғозлари (*Франция*)

рента гувоҳномаси даромад олиш ҳақидаги гувоҳнома

рента облигацияси даромад келтирувчи облигация

репорт 1. қимматли қоғозларни кейинчалик юқорироқ курсда қайта сотиб олиш мажбурияти билан харид қилиш бўйича тузилган биржа муддатли битими; 2. валюта бозорида муайян муддат ўтганидан сўнг юқорироқ курсда харид қилиш битимини тузиб, хорижий валютани миллий валютага сотиш тузилган бўйича нақд пул битими қурамаси

резспорт мамлакатга илгари келтирилган молларни қайта ишлов бермасдан четга чиқариш

рекамбио 1. қайтарма ўтказма вексель; эътироз билдирилган векселни тўлаган шахс вексель бўйича зиммасига мажбурият юкланган шахслардан бирига тақдим этган талабно-

ма; 2. банкнинг инкассога қабул қилинган векселга норозилик билдириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун миқозига очган ҳисобрақами

роялти 1. лицензия сотиб олувчи шахс лицензия сотувчи шахсга тўлайдиган ҳақ; 2. фойдаланувчи шахс табиий бойликларни қазиб олиш ҳуқуқини берганлиги учун ер ёки ер ости бойликлари эгасига тўлайдиган ҳақ

сальдо муайян вақт мобайнидаги пул тушумлари ва харажатлари ўртасидаги фарқ

саноат конгломерати ишлаб чиқариш жараёнида бир-бирга боғлиқ саноат корхоналарининг бирлашуви шакли

саноат концерни турли тармоқдаги саноат корхоналарининг умумий манфаатлар асосидаги бирлашмаси

сармоя-активлар қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, хорижий валюта, кредит ажратмаларига сарфланган маблағлар ҳамда корхонага даромад келтирадиган ёки келгусида даромад келтириши мумкин бўлган барча маблағлар

сармояни ликвид шаклга айлантирмақ сармояни нақд пулга осон айландирган қилмоқ

синдикат 1. асосий мақсади энг юқори фойда олиш учун мол сотиш ва хомашё харид қилиш соҳасидаги яккаҳоким фирмалар ўртасидаги рақобатга барҳам беришдан иборат картелга тоифасидаги битим. Бунда бир турдаги маҳсулот билан бозорда назорат ўрнатилди; 2. инвестициявий банкирларнинг янги чиқарилган қимматли қоғозларни ҳамда сотилмаган қимматли қоғозларнинг катта туркумларини харид қилиш ва жойлаштиришни кафолатловчи гуруҳи

своп хорижий нақд валютани харид қилиш ва сотишни худди шундай валютани битим тузилган пайтда белгиланган курс бўйича бир вақтнинг ўзида муддатга сотиш ҳамда харид қилиш билан мувофиқлаштирувчи битим

сиф халқоро савдода молларни етказиб бериш шартларидан бири. Унга кўра сотувчи кема ёллашни ва ёлланма кемага ҳақ тўлашни, молни келишилган муддатда бандаргоҳга етказиб, кемага ортишни, харидорга транспорт юкхатини топширишни, молни транспорт ҳалокати хавфидан сугурталашни ҳамда харидор номида

ёзилган суғурта полисини харидорнинг қўлига топширишни ўз зиммасига олади

**смета** корхонанинг муайян тақвимий давр учун режалаштирилган бўлажак харажатларини тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларининг ўзгарishiни ҳисобга олиб, иқтисодий жиҳатдан ўхшаш моддалар бўйича гуруҳлаш

**солиқ декларацияси** солиқ тўловчининг ўтган давр мобайнида олган даромадлари ва бу даромадларга бериладиган солиқ чегирмалари ва имтиёзлари ҳақидаги расмий баёноти

**сотувчи позицияси** сотув битимларининг умумий суммасига айна пайда мос келувчи сотувчи ҳисоб-рақамидаги дебет ёки кредит қолдиги

**спот битими** 1. мавжуд мол ёки молиявий восита учун биржа савдоси пайтида дарҳол ҳақ тўланишини кўзда тутиб тузилган битим тури; 2. дарҳол етказиб бериладиган мол ёки валюта сотиладиган нарх

**спред** 1. турли муддатда етказиб бериладиган битта ёки ўзаро боғлиқ иккита молга мўлжалланган фьючерс шартномаларини бир вақтда харид қилиш ва сотиш; 2. солиқларни камайтириш мақсадида ўзаро боғлиқ бўлмаган моллар фьючерс шартномаларини бир вақтда харид қилиш ва сотиш; 3. бошланғич нархи турлича бўлган ёки опцион тугагунга қадар турли даврга эга бўлган бир турдаги опционларни бир вақтда харид қилиш ва сотиш; 4. нарх-наво ўзгариб туриши кўлами; 5. нархлар ўртасидаги фарқ

**субсидия** 1. давлатнинг зарарларни қоплаш ва бошқа мақсадлар учун фуқаролар ва ташкилотларга бегараз ажратадиган пул ёрдами; 2. олаётган даромадлари ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш харажатларини қопламайдиган корхоналарга, шунингдек, аҳоли харид қиладиган молларнинг чакана нархларини нисбатан паст даражада сақлаб туришга бюджет томонидан ажратиладиган пул маблағлари суммаси

**суғурта полиси** суғурталовчи суғурта шартномасини тасдиқлаш мақсадида берадиган суғурта ҳақи миқдори ва суғурта суммасини ўз ичига олган ҳужжат

**суғурта рентаси**

суғуртадан олинадиган даромад

**тайм-чартер** келишилган ҳақ эвазига муайян муддатга тузилган юк ташиш шартномаси

**танкер** суюқ ва ярим суюқ маҳсулотлар ташиладиган кема

**тендер** жаҳон бозорида асбоб-ускуналарни харид қилиш ёки мажмуавий объектларни барпо этиш, маслаҳат, қурилиш ҳамда технология хизматларини ўз ичига олган бошқа ишларни бажариш учун буюртмалар тарқатишнинг танлов асосидаги шакли

**тикер биржа** қурилмаси; қимматли қоғозлар сотувидаги охириги нархларни ва биржалардаги қимматли қоғозлар битимларининг ҳажмини доимо кўрсатиб турувчи телефон алоқаси тизими

**транзит ташиш йўғими** юкларни, молларни ёки йўловчиларни бир мамлакатдан иккинчисига учинчи мамлакат орқали олиб ўтганлик учун тўланадиган ҳақ

**транзит чек** муайян шаҳардан ташқаридаги Федерал заҳиралар тизими ёки вакил банк орқали инкассация қилинадиган чек

**транзит юк** бир мамлакатдан иккинчисига учинчи мамлакат орқали олиб ўтиладиган юк

**трансферт** 1. банкнинг ёзма ўтказмада кўрсатилган шахсга муайян суммани тўлаш ҳақида ўз вакилига берган буйруғи; 2. суммани бир ҳисоб-рақамдан бошқасига ўтказиш; 3. акцияга эгаллик ҳуқуқини ўтказма устхат орқали бир акциядордан бошқасига ўтказиш; 4. пулни бир молиявий муассасадан иккинчисига ўтказиш; 5. хорижий валюта ёки олтинни бир мамлакатдан бошқасига ўтказиш

**трансферт дафтари** акцияларга эгаллик қилиш ҳуқуқини бошқага ўтказини қайд этиладиган дафтар

**транзит юк** ёки йўловчиларни бир мамлакатдан иккинчисига учинчи мамлакат орқали олиб ўтиш

**транзит мол** бир мамлакатдан иккинчисига учинчи мамлакат орқали олиб ўтиладиган мол

**транш** бозордаги иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ёки қарзни турли мамлакатлар ссуда бозорларида жойлаштирилишини мўлжаллаб қўлиб чиқариладиган халқаро облигация заёмининг серияси ёки қисми;

2. Халқаро валюта фондидаги ўз  
фоизлик иштирок улуши  
трассат акцепти тўловчининг ўтказма  
вексель бўйича тўлашга розилик бе-  
риши  
трассат банк ўтказма векселларни тў-  
ловчи банк  
траст муайян қимматли қоғозлар тўп-  
ламини ишонч асосида бошқаришга  
таянадиган фонд  
траст-активлар ишонч асосида бош-  
қариладиган активлар  
траст комиссияси ишонч асосидаги  
бошқарув комиссияси  
траст компания хусусий шахслар ва  
ташкilotларнинг маблағларини  
ишонч асосида бошқарувчи ком-  
пания  
траст операциялари хусусий шахслар  
ва ташкilotларнинг маблағларини  
ишонч асосида бошқариш  
траст фонд муайян қимматли қоғозлар  
тўпламини ишонч асосида бошқар-  
ишга таянадиган фонд  
тратта ўтказма вексель  
тратта акцепти ўтказма вексель тў-  
ланишига розилик билдирилганлиги  
ҳақидаги қайд  
тратгани акцептлаш ўтказма вексель  
тўланишига розилик бериш  
тратта инкассоси пулни ўтказма век-  
сель тўловчиси ҳисобрақамидан ўт-  
казма вексель соҳиби ҳисобрақамла-  
рига ўтказиш  
трест аъзолари ишлаб чиқариш ва  
тижорат мустақиллигига эга бўл-  
маган, фаолиятини бошқариш эса  
ягона марказдан олиб бориладиган  
бирлашма  
тўловнома фактура молнинг нархи  
кўрсатилган ҳолдаги тавсифи ҳамда  
барча юк маълумотларидан иборат  
тўловномаси  
„узоқ“ позиция фьючерс харид қилиш  
шартномаларининг нақд мол бо-  
зоридаги мажбуриятлар ёки сотув  
шартномалари билан қопланмаган  
қолдиғи  
уй-жой ипотекаси кредити уй-жойни  
гаровга олиб, узоқ муддатга  
бериладиган кредит  
ультимо банк амалиётида ойнинг, йил  
чорагининг ёки йилнинг охириги  
кунини англатади; тижорат ва биржа  
амалиётида илгари тузилган мол ёки  
қимматли қоғозлар битимлари ижро-  
сининг муддати сифатида белгила-  
надиган муайян даврнинг охириги иш  
кунини англатади
- умумий траст фонд муайян қимматли  
қоғозлар тўпламини ишонч асосида  
бошқаришга асосланган умумий  
фонд  
факторинг банклар ва бошқа молиявий  
ташкilotларнинг корхоналар қарз-  
ларини (етказиб берилган моллар ва  
бажарилган иш ёки хизматларга ҳақ  
тўлаш бўйича мажбуриятларини) ўз  
зиммасига олишидан иборат молия-  
тижорат хизмати тури  
факторинг компанияси корхона ва  
ташкilotларнинг етказиб берилган  
моллар ва бажарилган иш ёки  
хизматларга ҳақ тўлаш бўйича маж-  
буриятларини ўз зиммасига олувчи  
компания  
фактура молнинг нархи кўрсатилган  
ҳолдаги тавсифи ҳамда барча юк  
маълумотларидан иборат мол ҳуж-  
жатлари турларидан бири  
фармойишли аккредитив банкнинг  
келишилган энг юқори суммагача  
бўлган мижоз ўтказма векселларини  
тўлаш ҳақида хорихдаги ўз  
вакилларига берган кўрсатма  
федерал индексация федерал ҳуку-  
матнинг инфляция ҳаракати нати-  
жасидаги пул қадрсизланишидан  
сармоядорлар ёки даромад олув-  
чиларни ҳимоя қилиш зарурати  
билан боғлиқ чора-тадбирлари  
фирма ликвидлиги фирманинг қарз  
мажбуриятларини ўз вақтида қоп-  
лаш қобилияти  
фоизли арбитраж турли валюталар  
фоиз ставкаларидаги фарқ ҳисоб-  
бидан фойда кўриш мақсадида  
тузилган битим  
фоизли своп томонлардан бирининг  
фоизлар ўртасидаги фарқдан фойда  
кўриш мақсадида белгиланган став-  
када фоиз олиш эвазига иккинчи то-  
мон учун ЛИБОР ставкаси бўйича  
фоиз тўлаш мажбуриятини ўз  
зиммасига олиши  
фонд арбитражи битта қимматли қоғ-  
ознинг турли фонд базорларидаги  
курслари ўртасидаги фарқ ҳисобидан  
фойда кўриш мақсадида тузилган  
битим  
фонд брокери қимматли қоғозлар бо-  
зорида битимлар тузиш пайтида  
воситачилик билан шуғулланувчи  
шахс ёки фирма  
форвард битими муайян муддатда ет-  
казиб бериш мажбурияти асосида  
тузилган нақд мол битими  
форвард валюта битими ёки бошқа тур-



даги битим тузилган пайтдан сўнг 2 иш куни ўтгач, ҳисоб-китоб қилиш

**форвард операцияси** шартнома асосида телекс орқали амалга ошириладиган биржадан ташқаридаги муддатли валюта битими

**форвард позицияси** банклар муддатли битимларни амалга ошираётганда бир валютада талабга эга бўлиб, бошқа валютадаги мажбуриятни ўзига қабул қилиб олади. Натижада банкнинг активи ва пассиви таркибида курси бир-бирига боғлиқ бўлмаган тарзда ўзгарувчи икки хил валюта юзага келади. Бу эса муайян даврда активларнинг пассивдан ошишига, яъни фойда кўришга ёки аксинча, зарар кўришга олиб келиши мумкин

**форвард шартномаси** келишилган миқдордаги хорижий валютани битим тузилаётган вақтда келишиб олинган курсда муайян муддатдан сўнг etkазиб бериш ҳақидаги шартнома

**франшиза** 1. олдиндан белгиланган қоида ва меъёрларга мувофиқ ҳолда машҳур савдо белгисидан фойдаланиб, хўжалик фаолиятининг муайян турини амалга ошириш ҳуқуқи; 2. суғурта шартларига мувофиқ суғурталанувчи кўрган зарарнинг суғурталовчи ўрнини қоплайдиган қисми

**фракт** юк ёки йўловчиларни исталган алоқа йўллари, айниқса, денгиз йўллари орқали ташиганлик учун транспорт воситаси эгасига тўланадиган йўл ҳақи

**фракт фьючерси** муайян вақтдан кейин кема ёллаш ҳақидаги муддатли битим

**фьючерс** битим тузилганидан сўнг муайян вақт ўтгач, мол ёки акция учун шартномада белгиланган нархда пул тўлашни кўзда тутувчи муддатли битим тури

**фьючерс бозори** фьючерслар билан савдо қилинадиган муайян мол ёки қимматли қоғозлар бозори

**фьючерс савдоси** моллар ва қимматли қоғозларнинг муддатли савдоси

**фьючерс операцияси** хомашё моллари, олтин, валюта, молия ва кредит воситаларини битим тузилган пайтда белгиланган нархда харид қилиш ва сотишдан иборат муайян вақтдан (2-3 йилга қадар) кейин ижро этиладиган муддатли битим

**фьючерс шартномаси** хомашё моллари, олтин, валюта, молия ва кредит воситаларини битим тузилган пайтда белгиланган нархда харид қилиш ва сотишдан иборат муайян вақтдан (2-3 йилга қадар) кейин ижро этиладиган муддатли битим шартномаси

**ҳалқаро клиринг** халқаро нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг моллар, қимматли қоғозлар ва хизматлар учун талабнома ва мажбуриятларни ўзаро ҳисобга олишга асосланган тизими

**ҳалқаро лизинг** турли мамлакатлар корхона ва ташкилотлари ўртасида тузилган ўрта ва узоқ муддатли ижара шартномаси

**ҳалқаро ликвидлар** давлатлар тижорат ва молия операциялари бўйича ўзаро ҳисоб-китобларда фойдаланадиган тўлов маблағлари. Бунга доллар, фунт стерлинг валюта маблағлари ва халқаро кредитлар кирди

**харидор позицияси** харид қилиш муддатли битимларининг умумий суммасига ёки муайян қимматли қоғозга ёхуд бозордаги барча қимматли қоғозларга мос келувчи харидор дебёт ёки кредит қолдиғи

**харидорлар хежи** харидорларнинг нарх-наво таваккалчилигидан суғурталаниши

**хежирлаш** нарх-навонинг ноқулай ўзгаришларидан суғурталанишга имкон берувчи биржа операциялари

**холдинг** турли компаниялар акциялари назорат тўпламини уларнинг фаолиятини назорат қилиш ва дивиденд шаклида даромад олиш мақсадида харид қилишга асосланган тадбиркорлик тури

**холдинг компанияси** акциялар назорат тўпламига эгалик қилиш йўли билан битта ёки бир нечта ҳуқуқий жиҳатдан мустақил компанияларни назорат қилувчи корпорация ёки акциядорлик компанияси

**хорижий девизлар** хорижий валютада ифодаланган турли тўлов ва кредит ҳужжатлари (векселлар, чеклар, банкнотлар, қоғоз пуллар)

**чакана савдо конгломерати** турли фаолият билан шуғулланувчи корхоналарнинг бир жойда тўпланиши. Чакана савдо корхоналарининг бошқа корхоналарни сотиб олиб, кейинчалик уларни қўшиб олишга асосланади

**чартер** 1. транспорт воситаси эгаси ил

ёлловчи ўртасида муайян сафарга ёки муддатга транспорт воситасини бутунлай ёки қисман ижарага олиш ҳақида тузилган шартнома; 2. банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат

**чартерли банк операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга банк**

**чартер-туркум муайян сафарга ёки муддатга транспорт воситасини бутунлай ёки қисман ижарага олиш ҳақида транспорт воситаси эгаси ва ёллоовчи ўртасида тузилган шартнома**

**чеклар инкассоси банк ўз миջозининг топшириғига кўра жўнатилган моллар ва хизматлар учун чек асосида тўланиши лозим бўлган пул маблағларини ҳақ тўловчидан олади ҳамда бу маблағларни ўз миջозининг банкдаги ҳисобрақамига ўтказди**

**чеклар клиринги чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш бўйича марказлаштирилган ҳолда ўзаро ҳисобга олиш тизими**

**чекларнинг паритет асосидаги клиринги чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш бўйича ўзаро тенглик асосида ҳисобга олиш марказлаштирилган тизими**

**ценз 1.** муайян ҳуқуқдан фойдаланишни чекловчи шарт; **2.** корхонанинг маълум рўйхатга киритиш учун зарур бўлган шарт

**штрейкбрехер** иш ташлаш пайтида шерикларига хиёнат қилиб, ишни давом эттираётган шахс

**экспорт четга мол чиқариш**

**экспорт картели** фаолиятли четга мол чиқариб сотишга йўналтирилган бир нечта корхоналарнинг мол сотиш бозорини бўлиб олиш, рақобатни тугатиш, нарх-наво сиёсати соҳасида келишиб олиш мақсадида бирлашуви

**экспортчи четга мол чиқарувчи шахс**

**эмиссия 1.** ҳар қандай турдаги пул белгиларини муомалага чиқариш; **2.** компания қимматли қоғозларининг ҳар қандай тури ёки бундай қоғозларни тақсимлаш жараёни

**эмиссия компанияси қимматли қоғозлар ва тўлов-ҳисоб-китоб ҳужжатларини муомалага чиқарувчи компания**

**эмиссия уйи пул белгиларини муомалага чиқарувчи молиявий муассаса**

**эмитент пул белгилари, қимматли**

**қоғозлар ва тўлов-ҳисоб-китоб ҳужжатларини муомалага чиқарувчи шахс**

**эмитент банк пул белгилари, қимматли қоғозлар ва тўлов-ҳисоб-китоб ҳужжатларини муомалага чиқарувчи банк**

**ўрнини қопловчи аккредитив аккредитив очган банк уни очиш пайтида аккредитив бўйича тўловнинг таъминоти ва манбаи ҳисобланган валюта маблағларини бир вақтнинг ўзида ўтказадиган аккредитив**

**ўрни қопланган позиция муайян қимматли қоғозларни харид қилиш ҳуқуқини бу ҳуқуқларни сотувчи шахс тасарруфидаги бошқа қимматли қоғозлар эвазига сотиш**

**қимматли қоғозлар клиринги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қимматли қоғозлар учун талабномаси ва мажбуриятларни ўзаро ҳисобга олишга асосланган тизими**

**қимматли қоғозлар портфели инвестор тасарруфидаги барча қимматли қоғозлар**

**қимматли қоғозлар эмитенти қимматли қоғозларни муомалага чиқарувчи муассаса**

**„қисқа“ позиция** фьючерс сотиш шартномаларининг нақд мол бозоридаги мажбуриятлар ёки харид қилиш шартномалари билан қопланмаган қолдиги

**қоғоз стандарти** олтин билан таъминланмаган қоғоз пул муомаласига асосланган пул муносабатлари шакли

**қўш спред** опционларни турли муддатларда бошланғич нарх бўйича харид қилиш ва сотиш

**қўшметалл стандарт** икки хил асл металл—олтин ва кумушнинг эркин зарб этилиши ва эркин муомалада бўлишига асосланган пул муносабатлари шакли

**ҳужжатлаштирилган инкассо** сотувчининг ҳақ олувчидан олган муайян суммани жўнатилган ҳужжатларга муқобил тарзда инкассация қилиш ҳақида берган топшириғи

**ҳужжатлаштирилган мол аккредитиви** ҳақ тўланидиган молнинг тақсимот ҳужжатлари кўрсатилган пайтда банк ҳақ тўлайдиган аккредитив

# ИҚТИСОДИЙ АДАБИЁТДА УЧРАЙДИГАН ЛОТИН ВА БОШҚА БАЪЗИ ТИЛЛАРДАГИ СЎЗ ҲАМДА СЎЗ БИРИКМАЛАРИ

лотинча	ўзбекча
Ad diem	тайинланган кунда
ad hoc	ушбу ҳолат учун, ушбу мақсад учун
ad interim	шу вақт ичида, шу орада (аснода); вақтинча
ad referendum	кейинчалик кўриб чиқиш учун
ad valorem	эълон қилинган нархдан; қийматдан
a fortiori	айниқса, инчунин
annum	йил
ante	...-га қадар, ...-гача
a posteriori	тажрибага кўра, тажрибадан
a priori	олдиндан, илгаридан
bona fide	инсофли, ҳалол, ор-номусли
caveat	таржимаи ҳол
caveat emptor	1. огоҳлантириш, танбеҳ бериш; хабардор қилиб қўйиш; 2. судда иш кўришни тўхтатиб туриш ҳақидаги илтимоснома
cestui que trust	харидор эҳтиёт (хушёр) бўлиб турган
contra	фойда кўрувчи, фойда олувчи
corrigendum ( <i>pl</i> corrigenda)	...-га қарши; ...-га муқобил
cum	босишда (теришда) йўл қўйилган хато; матбаа хатоси
curriculum vitae	...-ли; ... билан

французча

ўзбекча

agent de change

биржа брокери

banque d'affaires

тадбиркорлик банки

bon marche

арзон

carte blanc

ҳаракатлар  
эркинлиги

эркинлиги,

фаолият

clientele

мижозлар

corvee

жонга тегувчи оғир иш; мажбурий  
меҳнат

coulisse

норасмий фонд биржаси

итальянча

ўзбекча

a dato co

имзо чекилган кундан бошлаб  
(эйтиборан)

al par<sup>2</sup>

альпари, қимматли қоғоз ёки  
валютанинг биржадаги курси  
белгиланган қийматга мувофиқ  
келишини билдирувчи истилоҳ

## ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ПУЛ БИРЛИКЛАРИ

Пул бирликларининг номлари ва уларнинг бўлиниши		Мамлакат	инглиз тилида қабул қилинган қисқартма
инглиз тилида	ўзбек тилида		
Afghani = 100 Pule	афғоний = 100 пул	Афғонистон Республикаси	Af
Agora (pl Agorot)	агора ( <i>майда танга</i> )	Исроил давлати	DA
Algerian dinar = 100 Centimes	Жазоир динори = 100 сантим	Жазоир Халқ Демократик Республикаси	
At	ат ( <i>майда танга</i> )	Лаос Халқ Демократик Республикаси	
Austral=100 Centavos	аустрал = 100 сентаво	Аргентина Республикаси	A
Australian dollar = 100 Cents	Австралия доллари = 100 цент	Австралия Иттифоқи, Науру	\$A
AustriGroschenan Shilling = 100 Groschen	Австрия шиллинги = 100 грош	Австрия Республикаси	S
Avo (pl Avos)	аво ( <i>майда танга</i> )	Аоминь (Макао)	
Baht = 100 Satang	бат = 100 сатанг	Таиланд Қироллиги	B
Baiza	байза ( <i>майда танга</i> )	Уммон Султонлиги	
Balboa = 100 Centesimos	бальбоа=100 сентесимо	Панама Республикаси	B/.
Ban (pl Bani)	бан ( <i>майда танга</i> )	Руминия	
Birr = 100 cents	бир = 100 цент	Эфиопия Халқ Демократик Республикаси	Bг
Bolivar = 100 Centimos	боливар=100 сентимо	Венесуэла Республикаси	Bs
Boliviano = 100 Centavos	боливиано=100 сентаво	Боливия Республикаси	Bs
Butut	бутут ( <i>майда танга</i> )	Гамбия Республикаси	

Давоми

Cash	каш ( <i>майжа мис танга</i> )	Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон Республикаси	¢
Cedi = 100 Pesewas	седи = 100 песево	Гана Республикаси	
Cent	цент ( <i>майда танга</i> )	АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия ва қатор бошқа мамлакатлар	
Centavo (pl Centavos)	сентаво ( <i>майда танга</i> )	Бразилия Федератив Республикаси, Эль-Сальвадор Республикаси ва қатор бошқа мамлакатлар	
Centesimo (pl Centesimos)	сентесимо ( <i>майда танга</i> )	Панама Республикаси, Шарқий Уругвай Республикаси, Чили Республикаси	ct., pl cts
Centesimo (pl Centesimi)	чентизимо ( <i>майда танга</i> )	Италия Республикаси, Сан-Марино Республикаси, Ватикан шаҳар-давлати	
Centime	сантим ( <i>майда танга</i> )	Франция Республикаси, Бельгия қироллиги, Люксембург, Буюк Герцоглиги, Жазоир Халқ Республикаси ва қатор бошқа мамлакатлар	
Centimo (pl Centimos)	сентимо ( <i>майда танга</i> )	Испания, Венесуэла Республикаси, Коста-Рика Республикаси ва қатор бошқа мамлакатлар	
chervonetz	червонец	Собиқ Иттифоқда 1922-1947 йиллар мобайнида муомалада бўлган	С
Cheun ( <i>бошқача номлари - Chon, Chong, Jun, Moun, Mon</i> )	чон ( <i>майда танга</i> )	Корея Халқ Демократик Республикаси, Корея Республикаси	
Chilean peso	Чили песоси	Чили Республикаси	
Chinese yuan	Хитой юани	Хитой Халқ Республикаси	
Colon Costa Rica = 100 Centimos	Коста Рика колони = 100 сентимо	Коста Рика Республикаси	С

Colon el Salvador = 100 Centavos	Сальвадор колони = 100 сентаво	Эль-Сальвадор Республикаси	₡
Condor	кондор (олтин ёки кумуш танга)	Жанубий Американинг баъзи мамлакатларида 1933 йилга қадар муомалада бўлган Америкада Мустақиллик учун кураш даврида муомалада бўлган	
Continental	континентал	Никарагуа Республикаси	₡
Cordoba = 100 Centavos	кордоба = 100 сентаво	Ҳиндистон Республикаси, Покистон Ислон Республикаси	₡
Crore = 10 mln. Rupee	крор = 10 млн. рупия	Ўнли тизим жорий этилгунига қадар Буюк Британияда муомалада бўлган	
Crown = 5 Shiling	крона = 5 шилинг	Бразилия Федератив Республикасида 1986 йилда муомалага киритилган	
Cruzado	крусадо	Бразилия Федератив Республикаси	₡
Cruzeiro = 100 Centavos; = 1/1000 Cruzado	крузейро = 100 сентаво = 1/1000 крусадо	Кипр Республикаси	₡
Cyprus pound = 100 Cents	Кипр фунти = 100 цент	Чехия Республикаси	₡
Czechian koruna = 100 Haleru (pl Koruny)	Чехия кронаси = 100 ҳеллер		₡

Сўз боши . . . . .	3
Дуғатдан фойдаланиш ҳақида . . . . .	5
Preface . . . . .	7
Шартли қисқартмалар . . . . .	11
Инглиз алифбоси . . . . .	12
A a. . . . .	13
B b. . . . .	165
C c. . . . .	299
Иқтисодий адабиётда учрайдиган айрим ташкилотлар номлари ва барқарор сўз бирикмалари . . . . .	593
Иқтисодий адабиётда учрайдиган баъзи қисқартма ва шартли белгилар рўйхати . . . . .	614
Изоҳлар . . . . .	631
Иқтисодий адабиётда учрайдиган баъзи лотин ва бошқа баъзи тиллардаги сўз ҳамда сўз бирикмалари . . . . .	650
Дунё мамлакатлари пул бирикмалари . . . . .	652

МУСАЕВ ҚУДРАТ МУСАЕВИЧ  
ЭРДОНАЕВ АЛИҚУЛ ҲАЛИМОВИЧ,  
ҚУДРАТОВ МУҲАММАДНОСИР ШОЙМАРДОНОВИЧ

Иқтисодиёт ♦ молия ♦ банк ♦ тижорат

ИНГЛИЗЧА-ЎЗБЕКЧА ЛУҒАТ

V ЖИЛДЛИК

I ЖИЛД

Тошкент „Ўқитувчи“ 1998

Муҳаррирлар Т.Жўраев, Ҳ. Нуриллаев  
Бадий муҳаррир З. Абдурасулов  
Тех. муҳаррир Э. Вильданова  
Мусаҳҳиҳ Д. Умарова

ИБ 7486

Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 12.01.98. Бичими 60×90/16. Таймс гарнитураси. Кегли 10 шпонли. Юқори босма усулида босилди. Шартли б.л. 41,0. Шартли кр. -отт. 41,125. Нашр. л. 38,22. 4000 нусхада босилди. Буюртма № К-2954.

„Ўқитувчи“ нашриёти. Тошкент-129, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 15-153-97.

Оригинал-макет „Ўқитувчи“ нашриётининг компьютер бўлимида тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошполиграфкомбинати.  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1998.



